Республикамизнинг 2020 йил январь-декабрь якунлари бўйича ташқи савдо айланмаси - 36,3 млрд. АҚШ долларини, бунда, экспорт ҳажми - 15,1 млрд. долларини ва импорт ҳажми - 21,2 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Президентимиз ташаббуслари билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да иқтисодий ислохотларда банклар иштирокини кенгайтириш, банк тизимини ривожлантириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга моликдир: “Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малакаси, йирик корхоналарнинг техник имкониятлари, уларни мустақил трансформация қилиш учун етарли эмас. Шунинг учун электр энергетикаси, нефть-газ ва кимё саноати, машинасозликдаги йирик корхоналар ҳамда тижорат банкларини ислох қилишга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда “МакКинзи”, “Бостон консалтинг Групп”, “Ротшильд” каби халқаро тан олинган компаниялар жалб этилди.

2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 та йирик корхона ва тармоқни трансформация қилиш ишлари амалга оширилади. Банкларфаолиятигарақамлитехнологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади”.<sup>11</sup>

Банкларнинг инвестициявий жозибadorлиги, банк хизматлари оммабopлиги ва сифатини ошириш мақсадида банк секторини

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. [www.president.uz](http://www.president.uz)

трансформация қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тасдиқланди.

Хусусан, бугунги кунда банк тизимида олиб борилаётган аниқ мақсадли ислоҳотлар банк тизимининг барқарор ривожланишига, капиталлашув даражаси ва инвестицион жозибadorлигини оширишга замин яратмоқда.

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқдаки, бу ўз навбатида иқтисодиётни жадал суръатларда ривожлантиришнинг драйвери сифатида шаклланиб бормоқда.

Банкларнинг инвестициявий жозибadorлиги, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини трансформация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тасдиқланиши, бевосита банк тизимини ислоҳ қилишни янги босқичга олиб чиқди.

Жорий йил 1 январь ҳолатига республикамізда фаолият олиб бораётган банклар 32 тани ташкил қилиб, республикаміз банкларининг 858 та ҳудудий бўлим ва филиаллари, шунингдек 475 та мини банклари, 725 та банк хизматлари марказлари ва 1907 та туну-кун ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 24/7 шаҳобчалари орқали миждозларга кенг кўламдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан, банк тизимида банк активлари 2020 йил якунлари бўйича 366,1 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 93,4 трлн сўмга ёки 34,2 фоизга, банк капитали 58,3 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2019 йилга нисбатан 7,3 трлн сўмга ёки 14,3 фоизга ўсди.

Банкларнинг иқтисодиёт соҳаларига кредит қўйилмалари 2020 йилда 65,4 трлн. сўмга ошиб, 276,9 трлн. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, банк депозитлари 2020 йил якунига 114,7 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 23,7 трлн. сўмга ошди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ва масофавий хизматларни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида пластик карталар сони 2021 йил 1 январь ҳолатига 25,7 млн. донани ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 5,2 млн. донага ёки 25,4 фоизга, терминаллар сони 438,4 мингтани ташкил қилиб, мос равишда 46, 1 мингтага ёки 11,7 фоизга, банкомат ва инфокиосклар сони 2020 йил якунига 11800 тани ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 2597 тага ёки 28,2 фоизга ошган.

Юқорида келтирилган ижобий кўрсаткичларнинг таркибида бугунги кунда банк хизматлари бозорида ўзининг салмоқли улушига эга бўлиб бораётган “Пойтахт банк” АЖнинг мавжудлиги аҳамиятга моликдир.

“Пойтахт банк” АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги “Тошкент шаҳрида 2017-2021 йилларда кенг камровли кулай кўп квартирали уй-жойларни қуришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2824-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, 2019 йилдан бошлаб фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли қарорига асосан тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдори 100 млрд. сўм миқдоридан белгиланиб, ушбу талабларга мувофиқ банк устав капитали 100 млрд. сўм миқдоридан шакллантирилди ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги банкнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Банк ўз фаолиятида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматларининг бутун кўламини тақдим этувчи универсал банк сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Банк фаолиятини мустаҳкамлаш ва мижозларга сифатли хизматлар кўрсатиш мақсадида 2020 йилда банкнинг ташкилий тузилмаси такомиллаштирилди ҳамда унга мувофиқ замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда янги таркибий тузилмалар ташкил этилди. Банк устави янги таҳрирда ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Ўз навбатида, “Пойтахт банк” томонидан кучли рақобат шароитида банк молия бозоридаги ўз ўрнини мустаҳкамлаш, молиявий барқарорлигини ошириш, мижозларга кенг камровли ва юқори даражадаги сифатли банк хизматларини кўрсатиш мақсадида илғор ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий банк хизматлари тақлиф этилмоқда.

#### **Банк фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичлари (млрд. сўм)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>01.07.2019 й.</b>	<b>01.01.2020 й.</b>	<b>01.07.2020 й.</b>	<b>01.01.2021 й.</b>
<b>Активлар</b>	<b>200,6</b>	<b>208,8</b>	<b>226,5</b>	<b>201,3</b>
<b>Мажбуриятлар</b>	<b>98,2</b>	<b>101,5</b>	<b>110,0</b>	<b>77,6</b>
<b>Капитал</b>	<b>102,4</b>	<b>107,3</b>	<b>116,5</b>	<b>123,8</b>
<b>Соф фойда</b>	<b>2,4</b>	<b>7,3</b>	<b>8,9</b>	<b>16,2</b>

Банк томонидан хусусий ва корпоратив мижозларни жалб қилиш, анъанавий тақлиф этилаётган хизмат турларини такомиллаштириш ҳамда янги хизмат турларини жорий этиш борасидаги амалий ишлар натижасида банкнинг молиялаштириш имкониятлари янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Хусусан, 2020 йил якунлари бўйича банкнинг жами активлари 201,3 млрд. сўмни, банк мажбуриятлари 77,6 млрд. сўмни, банк капитали 123,8 млрд. сўмни ва банк соф фойдаси 16,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўз навбатида, банк соф фойдаси 2019 йил якунлари бўйича 7,3 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йил якунларига асосан 16,2 млрд. сўмни ёки 2,2 баробарга ошди ва 2020 йил учун белгиланган бизнес-режа кўрсаткичи 100,6 фоизга бажарилди.

“Пойтахт банк” АЖ мижозларга қаратилган сиёсатни амалга ошириш баробарида, устувор равишда кўрсатилаётган хизмат турлари ва сифатини ошириш, мижозлар талабидан келиб чиқиб, анъанавий хизмат турларини такомиллаштириш, янги-замонавий ва тезкор хизмат турларини таклиф қилишорқали банкнинг қулайлиги ва жозибадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қароридан келиб чиқиб, хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмларини жорий этиш, уларнинг турларини кенгайтириш, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқликни таъминлаш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида, мижозлар сони ва кўрсатилаётган хизматлар кўлами ошмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банк мижозлари сони 12 427 тани, шундан жисмоний шахслар 11 733 тани ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 1,8 баробарга ошди.

Ўз навбатида, банк томонидан жорий қилинаётган хизматлар ва бошқа банк фаолиятига таалукли янгиликлар, мижозлар фойдаланиши учун зарур бўлган ахборотлар оммавий ахборот воситалари ҳамда банкнинг расмий “веб-сайти” орқали эълон қилиб борилмоқда. Мижозларга ахборот-консалтинг хизматлари, шунингдек уларга бизнесни юритиш ва кредитларни расмийлаштириш, янги хизматлардан фойдаланиш вақтида сифатли маслаҳатлар олиш имкониятлари кафолатланган.

Шунингдек, мижозларга тез ва қулай хизмат кўрсатиш мақсадида халқаро стандартлардан келиб чиқиб, “Фронт офис” ва “Бэк офис”лардан иборат банк хизматлари тузилмаси ташкил этилган.

Мижозларнинг банк хизматлари бўйича маълумотлар олишлари учун “Call-марказ” хизмати йўлга қўйилди ва мижозларни дастлабки қабул қилиш жараёнида маъмурият ходимларидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида маълумотларни олиш имкониятлари яратилди.

Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини ошириш, вақтини тежаш мақсадида ягона дарча тамойили асосида универсал-чакана хизматлар тармоғи, жумладан халқаро пул ўтказмалари, валюта айирбошлаш шаҳобчаси, чакана ва истеъмол кредитлари, миллий ва халқаро пластик карталар очиш, омонатларни жалб қилиш, коммунал тўловларни ўтказиш ҳамда бошқа хизмат турлари жорий қилинди.

Бугунги кунда мижозларга интернет, мобил алоқа ва бошқа ахборот технологияларга асосланган ҳам замонавий, ҳам қулай бўлган масофавий хизмат турлари таклиф қилинмоқда. Хусусан, “Интернет банкинг”, “СМС хабарнома”, “Мобил банкинг”, “Онлайн депозит”, “Онлайн-микроқарз”, “Онлайн-конверсия”, “Онлайн-ҳалқаро пул ўтказмаси”, “Онлайн-ҳисобварақ очиш”, “Онлайн пластик карта очиш”, “Халқаро пул ўтказмаларини мобил илова орқали қабул қилиш”, “QR-код” орқали тўловларни амалга ошириш каби хизматлар шуларжумласидандир. Ушбу хизмат турларининг қулайлиги, тезкорлиги ва масофадан туриб фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги мижозлар орасида тезда оммалашиб бормоқда.

Мамлакатимизда валюта сиёсатини янада либераллаштириш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи 7 та валюта айирбошлаш шохобчалари, конверсион операциялар ҳамда юридик шахслар учун Ташқи иқтисодий фаолият бошқармаси хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ, “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тасдиқланиши келгусида банк тизими, хусусан “Пойтахт банк” фаолиятини ривожланиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ва улар билан ишлаш даражасини оширишда муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Бугунги кунда барча соҳалар каби банк тизимида ҳам ахборот технологияларини янада ривожлантирмасдан туриб, мижозларга янги, айниқса масофавий хизматлар турларини кенгайтириб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил– “ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ” деб, эълон қилиниши бугунги кунда банклар, шу жумладан “Пойтахт банк” АЖ олдида ҳам ахборот технологиялари соҳасида муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш, жумладан рақамли технологияларни кенг қўллаш, замонавий дастурий таъминотларни ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий қилиш вазифалари қўйилди ҳамда мазкур йўналишда банк ўз олдида тегишли устувор вазифалар белгилаб, ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, халқаро стандартлар асосида синалган маҳсулотларни таклиф қилиш мақсадида банкнинг автоматлаштирилган банк тизимларини баҳолаш ҳамда уни такомиллаштириш орқали янги, қулай ва тезкор хизмат турларини таклиф қилиш учун банк ахборотлари тизими “PricewaterhouseCoopers” халқаро аудит компанияси томонидан “IT-Аудит”дан ўтказилди. Мазкур аудит натижалари асосида банк томонидан халқаро стандартларга мувофиқ, синалган маҳсулотларни таклиф қилиш бўйича кенг кўламли амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Банклар фаолиятига замонавий технологияларнинг жорий этилиши интернет ва мобиль телефондан фойдаланиш имкониятларини ҳам кенгайтирди. Ҳозирги пайтда аксарият мижозлар “Интернет-банкнинг” ва “Мобиль-банкнинг” хизматидан кенг фойдаланмоқда. Шунингдек “Анор” тезкор тўловлар тизими ҳам жорий қилинди.

Банк томонидан масофавий хизматларни такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида хизмат кўрсатилаётган қарийб, барча мижозлар масофавий хизматларга уланган ва улар бу хизматлардан кенг фойдаланиб келмоқда.

Ўз навбатида, бугунги кунда республикада ахборот-технологиялари ва дастурий таъминот соҳасидаги етакчи компанияларидан бири билан ҳамкорлик ўрнатилган. Банк томонидан ўз фаолияти давомида етакчи компания билан ҳамкорликда банкнинг ахборот-технологиялари тизими тегишли янгилаш ва қўшимчалар киритилиб такомиллаштириб борилмоқда ҳамда бу жараёнда ахборот хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банкнинг кейинги йиллардаги устувор вазифалари бевосита Президентимиз ташаббуслари билан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида асосан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”да белгиланган вазифаларни изчиллик амалга оширишдан иборатдир.

## **ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ КАК НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.**

*Маннанова Ш. Г. Старший преподаватель кафедры «Цифровая экономика и информационные технологии» Ташкентского государственного экономического университета*


В рамках цифровой трансформации общества ни одна из сфер деятельности не обходится без компьютерных технологий сбора, обработки и хранения информации. Таким образом, информация имеет уникальную ценность и является критически важным ресурсом, требующим надёжных методов защиты. Превентивные меры по устранению угроз и рисков в условиях цифровой экономики, обеспечение безопасности ИТ-среды стали сегодня основой конкурентоспособности для человека, бизнеса и государства. Не является секретом то, что информационная безопасность – это одна из важнейших составляющих современной жизни. Кибератаки на инфраструктуру, транспорт, банки и т. д. отражаются в конечном итоге на



каждом из нас. Киберугрозы и ущерб от киберпреступников вышли на второе место в мире после техногенных катастроф [1]

Растущая информатизация экономических процессов требует повышения уровня ее безопасности. Эти вопросы обсуждаются на уровне государства.

В то же время распространение информационных технологий в различные отрасли экономики, будь то «умные города», он-лайн торговля или электронные госуслуги, привело к необходимости повышения технологий защиты. Основные инструменты обеспечения информационной безопасности цифровой экономики представлены на рисунке 1.



**Рисунок 1. Инструменты обеспечения информационной безопасности цифровой экономики.[2]**

Одним из наиболее ярких примеров обеспечения информационной безопасности в экономической сфере выступает развитие биометрических технологий защиты, когда касанием пальца идентифицируется и подтверждается личность человека. Наибольшее распространение подобные технологии получают в банковской сфере – уже сегодня оплатить покупки с карты можно в одно касание пальца на смартфоне.

Также одним из наиболее распространенных в современной бизнес-практике инструментов выступает использование электронных цифровых подписей, содержащих в себе определённый цифровой код. Подобные технологии активно используются в системе государственных закупок и электронных торгов, а также при сдаче отчетности в контролирующие органы.

Интересы государства, бизнес-предприятий и физических лиц при осуществлении информационного взаимодействия состоят в одновременном выполнении двух главных аспектов безопасности: с одной стороны, закрытые данные должны быть легко доступны для законных пользователей, а с другой – надёжно защищены от несанкционированного использования. Конечная цель информационной безопасности на всех уровнях (личности, предприятия, государства) – не допустить какого бы то ни было ущерба. Неконтролируемое распространение, незаконная модификация или уничтожение конфиденциальных сведений, равно как и нарушение процессов их обработки и передачи, наносят неприемлемый материальный и моральный вред всем субъектам отношений.

С 1 октября 2019 года в нашей стране вступил в силу закон «О персональных данных». Согласно этому закону государство гарантирует защиту персональных данных. Собственник и оператор или другое получившее доступ к персональным данным лицо обязаны соблюдать требование о недопустимости их раскрытия и распространения без согласия субъекта или наличия другого законного основания. [3].

Очевидно, это самое начало большого пути по защите персональных данных. Также было принято постановление Кабинета Министров № 71 от 08.02.2020 «Об утверждении Положения о Государственном реестре баз персональных данных». В нём разъясняются процедурные вопросы по регистрации баз персональных данных.

Также в Узбекистане планируется принять меры по формированию правовых основ кибербезопасности - разработать проект закона «О кибербезопасности» и Национальную стратегию кибербезопасности на 2020–2023 годы.

#### Библиографический список:

1. Удалов, Д. В. Угрозы и вызовы цифровой экономики / Д. В. Удалов // ИБР. 2018– № 1 (30). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ugrozy-i-vyzovy>.
2. <https://spravochnick.ru>
3. Закон Республики Узбекистан №547 от 02.07.2019 «О персональных данных».

## **БАНКЛАРИДА САМАРАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ.**

*Бердиев Тоштемир Боймуродович*  
*АТ “Халк банки” Банк стратегияси ва инновацион ривожлантириш*  
*департаменти директори ўринбосари, телефон: +998 97 477 02 01*

Мамлакатимиз банк тизимида корпоратив бошқарувнинг паст даражаси банкларимизнинг инвестицион жозибадорлигини пасайтирмоқда. Банклариди корпоратив бошқарув амалиётини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида хорижий ва миллий олимлар, тадқиқотчилар томонидан узлуксиз равишда изланишлар олиб борилмоқда. Корпоратив бошқарув ўзининг муҳимлиги ва ҳозирги замон иқтисодиёти тараққиёти учун зарур бўлган соҳа сифатида доимий изланишларга ва янгиликларга эҳтиёж сезмоқда.

Самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш нафақат банк бошқарув тизимини такомиллаштириш, манфаатдор томонлар (стейкхолдер): сармоядорлар, миждозлар ва акциядорларнинг ишончини оширишга ёрдам беради. Маҳаллий банк тизимининг келажаги банк секторида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, инвесторларнинг мамлакат банк тизимида бўлган ишонч даражасини оширишга мезон яратади.

Банкларининг муваффақиятли фаолияти турли хил омилларга боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳими малакали бошқарув, шаффофлик бизнесни ривожлантириш ва кенгайтириш учун капитал жалб қилиш имкониятидир. Бу омиллар корпоратив бошқарув тамойилларини кўллаш орқали такомиллашиши мумкин. Шу билан бирга, корпоратив бошқарувни ривожланаётган банклар фаолиятига энг катта ҳиссаси инвестицион капиталга эришишни осонлаштиришдир. Банкнинг корпоратив бошқарув тизими бевосита тижорат банкининг стратегик режалаштириш ва бошқариш тизимига ўз таъсирини ўтказди.

Корпоратив бошқарув - бу банк бошқаруви тизимининг аспектларини ва акциядорлар ва менежерлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттирадиган мураккаб, кўп қиррали тушунчадир. У мазмуни жиҳатидан корпоратив бошқарув эгалари (инвесторлар), шунингдек бошқа манфаатдор томонлар ва гуруҳлардан номидан банк менежерлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш тизимини ташкил қилишдир.<sup>12</sup>

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банк тизимида корпоратив бошқарув меъёрлари билан белгиланадиган менежмент ва акциядорлар ўртасидаги муносабатлар тизимини шакллантириш корпоратив бошқарув амалиётини жадаллаштириш учун барча имкониятларни ишга солинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ-5992-сон Фармонида 2020-2025 йилларда мамлакатнинг энг йирик давлат банклариги хусусийлаштириш дастурини қабул қилинди. Банк тизимининг иқтисодийдаги функционал ролини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва банкларнинг халқаро капитал бозорига чиқиш имкониятларини кенгайтиришда самарали корпоратив бошқарувни ўрни белгилаб ўтилди.

Республикамиз банк сектори учун корпоратив бошқарувнинг асосий муаммолари унинг тамойилларини кўллаш тажрибаси йўқлиги балки институционал ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Фикримизча, мамлакатимиз банк секторининг ўзига хос хусусиятларига кўра, корпоратив бошқарувни жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириш бўйича ўзига хос қарашлар ва муаммолар мавжуд:

Биринчидан, Тижорат банклари уставининг 83% ортиғи давлатга бевосита ёки билвосита тегишли ва давлат ҳуқуқлари биринчи ўринда химоя қилинишини ҳисобга олган жараёнда корпоратив бошқарув амалиётини жорий этиш самарадорлигини пастлиги;<sup>13</sup>

Иккинчидан, молия бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги, кўплаб банкларимизнинг молиявий заифлиги, корпоратив бошқарув механизмини танлаш ва ривожлантириш масалаларида сусткашлик;

<sup>12</sup> OECD (2016), Принципы корпоративного управления G20/ОЭСР, OECD Publishing, Paris.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси - 2018 йил 28 декабрь.-Тошкент.: - <http://uza.uz-сайти> маълумотлари.

Учинчидан, ҳозирги вақтда банк рентабеллиги ошиши ва банкдаги корпоратив бошқарув даражаси ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни англамасликлари сабабли тижорат банкларимиз корпоратив бошқарув амалиётларини ўзларининг фаолиятига жорий этишга бўлган интилиш пастлиги;

Тўртинчидан, банкларда сифатли корпоратив бошқарувга эришиш учун молиявий ёки ҳуқуқий таълимга эга мутахассислар етишмаслиги, бу эса самарали бошқарувни мураккаблаштириб ва банк бошқарувининг нотўғри қарорларига олиб келишлиги;

Ва ниҳоят, бешинчидан, банк секторида корпоратив бошқарувни ривожлантириш комплекс тарзда амалга оширилмаслиги, яъни ислохотнинг якуний мақсадини ва ҳар бир иштирокчининг ушбу ислохотларни амалга оширишдаги устунлигини ҳамда ушбу ислохотларни амалга ошириш масъулияти белгилаб ўтилмаганлиги.

Шунингдек, мамлакатимизда айтиш пайтда регуляторнинг тижорат банклари фаолиятига аралашуви жуда юқориликча қолмоқда бу эса якуний хулосани ким чиқариши бўйича мунозарали ҳолатларни келириб чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, буларнинг барчаси мамлакатимиз банк секторидаги корпоратив бошқарув бошланғич босқичда эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Банкларда корпоратив бошқарувнинг эришилган даражасини баҳолаш мезонлари ва усуллари ҳақида савол очиқликча турибди, чунки ҳозирги вақтда банкларда корпоратив бошқарув даражасини баҳолашда ягона ёндашув мавжуд эмас.

Фикримизча, банкларда корпоратив бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

*1. Бизнеснинг шаффофлиги ошириш.* Таъкидлаш жоизки, компания ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш сифати, барча манфаатдор томонлар билан мулоқотга тайёрлик даражасини тавсифлайди.

Компаниянинг фаолият шаффофлиги, очиқлигини ошириш учун қуйидаги омилларга эътибор бериш керак:

Биринчидан, компаниялар имкон қадар компаниядаги турли жараёнларни такомиллаштириш, умумий талаб этиладиган муаммоларни аниқлаш мақсадида корпоратив лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда халқаро консалтинг компанияларини (Big Four кирувчи) жалб қилиш амалиётини кўпроқ қўллаш, эришилган натижаларни ОАВ рида кенг ёритиб бориш.

Иккинчидан, барча манфаатдор томонлар (стейкхолдер) гуруҳларини билан ўзаро алоқа механизми ташкил этиш, компания фаолияти тўғрисида кенг миқёсда маълумотлар бериш орқали жонли мулоқат сиёсатни юритиш. Бу акционерлар, мижозлар, шериклар ва ходимлар билан ишончли муносабатларини ўрнатишга ва компания фаолиятни шаффофлигига хизмат қилиши мумкин.

Учинчидан кузатув кенгаши, ижро бошқаруви ходимларини рағбатлантириш тизими ва диведент сиёсатида шаффофликни таъминлаш компания фаолиятга инвесторлар томонидан қизиқиш ортишига хизмат қилади.

Тўртинчидан, компанияларимиз web-сайтларида уларнинг акционерлари, фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ ва сифатли акс этишини таъминлаш зарур.

*2. Кузатув кенгаши ролини кучайтириш.* Кузатув кенгаши корпоратив бошқарув тизимида муҳим рол ўйнайди: у стратегик мақсадларни белгилайди ва компания учун муҳим қарорларни қабул қилади. Бироқ, ушбу институтнинг компанияларимиз фаолиятидаги асосий камчиликлар мавжуд бўлиб, бу кенгаш аъзоларининг номиналликдадир. Қайсидир давлат ташкилоти раҳбари бир неча компания кенгаши аъзоси қилиб белгиланган. У ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотдан ортиб компания фаолияти билан шуғулана олмайди. Жаҳоннинг бошқарув кенгаши фаолиятидаги муваффақият омилларидан бири бу профессионал мутахассисларни жалб қилишдир. Кузатув кенгашлари таркибини камида 30% ини мустақил аъзолардан ташкил топишини таъминлаш зарур.

*3. Капиталнинг юқори концентрациясига барҳам бериш.* Банклар акционерлар таркибида миноритар акционерлар сонини камида 20% дан кам бўлмаслигини, бир ёки ўзоро боғлиқ бир неча акционерлар гуруҳи акциялар улуши 7-10% ортиқ бўлмаслиги тизимини яратиш. Бунинг учун тегишли қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш керак. Банклар акцияларини авваламбор ички бозорда сотиш амалиётини кучайтириш зарур.

*4. Замоनावий газначилик тизимини яратиш.* Газначилик сиёсати фалсафасини ўзгартириш, яъни фақат ресурс жалб қилиш эмас турли иқтисодий инструментлардан фойдаланган ҳолда даромад олиш тизими шакллантириш зарур.

Юқорида айтиб ўтилганларни яқунлашдан олдин, биринчи навбатда тижорат банкларининг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда банкларда самарали корпоратив бошқарув тизимини жорий этишнинг афзалликларини аниқлаш орқали уларнинг манфаатларини кучайтириш зарурлигини таъкидлаш лозим. Энг йирик тижорат банкларимиз менежерлари банкларимиз инвестицион жозибадорлиги даражаси аввалгидек молиявий кўрсаткичлар бўйича эмас, балки корпоратив маданиятни ривожлантириш даражасига, корпоратив бошқарув сифати билан боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси - 2018 йил 28 декабрь.-Тошкент.: - <http://uza.uz>-сайти маълумотлари.

2. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муоммолар ва ечимлар. “Академия” Тошкент, 2007.

3. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. “Академнашр” Тошкент, 2016.

4. Б.Ю.Ходиев, Р.Х.Карлибаева, Н.И.Акрамова Корпоратив Бошқарув. “Чўлпон” Тошкент, 2011.

5. OECD (2016), Принципы корпоративного управления G20/ОЭСР, OECD Publishing, Paris.

6. Рекомендации Базельского комитета по банковскому надзору "Совершенствование корпоративного управления в кредитных организациях". Базель, сентябрь 1999 г.

7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz);

## **ХХРДА САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИННОВАЦИЯЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УЧ БОСҚИЧЛИ СТРАТЕГИЯСИ**

*Бухоро Давлат Университети  
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси  
08-00-05-Хизмат кўрсатиш тармоқлар иқтисодиёти  
1-босқич таянч докторанти Турдиева Муқаддас Умаровна  
[muqaddasturdiyeva0023@gmail.com](mailto:muqaddasturdiyeva0023@gmail.com)*

Хар қандай мамлакатни миллий иқтисодиётининг сифатли ва барқарор ўсиши, энг аввало, унинг ривожланиш тараққиёти йўлига ўтказилишини таъминланиш унинг барқарорлигига боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Агарки, Хитой тажрибасига назар соладиган бўлсак, у шуни кўрсатмоқдаки, инновациялар ва ишланмалар яратиш ва коммерциялаштириш жараёнларини давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши зарур экан. Ҳолбуки замонавий иқтисодиётда интеллектуал мулкчиликни бошқариш барча инновацион жараёнларларни самарали бошқаришнинг базавий элементи ҳисобланади, жаҳон амалиёти томонидан бу жараёнларнинг алоҳида босқичларига нисбатан ишлаб чиқилган кўпгина ёндашувлар, натижалар, шунингдек интеллектуал мулкчилик объектларини коммерциялаштиришни рағбатлантириш учун ҳам тўғри бўлади. Шу боис биз биз ХХРда "Маде ин Чина 2025" кўргазмасининг ўтказилишининг асосий мақсади Хитойни "глобал завод" дан глобал инновацион технологиялар ишлаб чиқарувчисига айлантирилганлигини таҳлил қилдик. Бунинг учун биз Хитой саноатини ҳар томонлама модернизация қилиниши, уни янада самарали ва интеграциялашган ҳолда, глобал ишлаб чиқариш занжирларида энг юқори бўғинларни эгаллаб олишини тадқиқотларимизда кўриб чикдик.

"Хитойда ишлаб чиқарилган 2025" дастури Хитойнинг саноат иқтисодиётини ҳар томонлама янгилаш бўйича уч босқичли стратегияни ва 2049 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил топганининг 100 йиллиги муносабати билан дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиси бўлиш мақсадига эришиш зарурлигини кўзда тутди. Биринчи қадам муҳим натижалар-

инновация соҳасидаги муваффақият, шунингдек, 2025 йилга қадар асосий саноатлаштиришни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишдир. Иккинчи босқич - 2035 йилга келиб ривожланган ишлаб чиқариш қувватлари билан рақобатлаша олиш. Бунга эришиш учун "Маде ин Чина 2025" дастурида аниқ тамойиллар, мақсадлар, воситалар ва йўналтирилган тармоқлар белгиланган. Унинг асосий тамойиллари ишлаб чиқаришни инновацион йўналтирилганлигини, миқдорга эмас, балки сифатга эътибор беришини, яшил ривожланишга эришишини, Хитой саноатининг тузилишини оптималлаштиришни ва инсон истеъдодини қўллаб-қувватлашини таъминлашдир. Режада айтилишича, институционал ислохотларни чуқурлаштириш, молиявий ва солиқ ёрдамни кучайтириш, иқтидорли кадрлар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини такомиллаштириш ва кичик ва микро корхоналарни яратишга кўмаклашиш учун бир қатор қулай сиёсатлар жорий қилинади.

Давлат умумий тузилмани таъминлашда, молиявий ва солиқ воситаларидан фойдаланишда ва ишлаб чиқариш инновацион марказларини яратишни қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнашига қарамай (2021 йилга келиб 15 ва 2025 йилга келиб 40), ушбу режада бозор институтларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Кичик ва ўрта корхоналар учун интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш, интеллектуал мулкдан (бундан буён матнда ИМ) бизнес стратегияларида янада самарали фойдаланиш ва фирмаларга мустақил равишда эълон қилиш имкониятини бериш ва мулквий технология стандартлари, шунингдек, халқаро стандартлар билан янада фаол иштирокида уларни таъминлаш мақсадини белгилаб олишган.

Шу билан бирга, Хитойда ишлаб чиқарилган "Хитойда ишлаб чиқарилган 2025" ташаббусининг асосий мазмуни таҳлили унинг 2013 йилда Германияда қабул қилинган "Саноат 4. 0" режаси билан жиддий ўхшашлигини кўриш мумкин.

"Илмий ва технологик ривожланиш бўйича ўрта ва узоқ муддатли миллий дастур" га нисбатан "Хитойда ишлаб чиқарилган 2025" дастури маълум даражада фарқ қилади. Биринчидан, асосий эътибор ишлаб чиқариш соҳасидаги ва саноат жараёнларидаги барча инновацион тадбиркорликка қаратилади. Иккинчидан, бозор механизмлари "Илмий ва технологик ривожланишнинг ўрта ва узоқ муддатли миллий дастури" га қараганда кўпроқ кўринади. Корхоналар (айниқса кичик ва ўрта корхоналар) янада муҳим рол ўйнаши кутилмоқда. Ушбу фарқларга қарамай, "Хитойда ишлаб чиқарилган 2025" "Илмий ва технологик ривожланиш бўйича ўрта ва узоқ муддатли миллий дастур" нинг баъзи муҳим қисмларини мерос қилиб олади. Кенг миқёсли лойиҳанинг формати ҳали ҳам илмий ва технологик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади.

Тианжин шаҳрида бўлиб ўтган Ёзги Давос-2014 конференциясида Хитой Бош вазири Ли Кецянь инновацион сиёсатда "Оммавий тадбиркорлик, кенг қамровли инновация" йўналишини таклиф қилди. Янги курс Хитой иқтисодиётининг ўсишини оширишга қаратилган ва "икки двигател" ни:

оммавий тадбиркорлик ва инновацияларни ривожлантиришга, шунингдек, жамоат товарлари ва хизматлар сифатини оширишга қаратилган. Ҳукумат органлари, шу жумладан, ХХР Давлат Кенгаши, Миллий ривожланиш ва ислохотлар бўйича комиссия, Фан ва технологиялар вазирлиги молиявий ёрдам ва давлат кафолатлари, шунингдек, солиқ имтиёзларини ўз ичига олган қўллаб-қувватлаш чоралари ва воситаларини ишлаб чиқдилар.

Биринчидан, ҳукумат тадбиркорлик ва инновацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини оптималлаштирмоқда. Ушбу чора-тадбирлар инвестиция фондларини яратиш ва турли солиқ имтиёзлари ва субсидияларни ўз ичига олади. ХХР давлат Кенгаши ушбу соҳадаги инновацияларни ривожлантириш ва соҳани такомиллаштириш учун Миллий тадбиркорлик инвестиция фондини ташкил этишни расман маъқуллади. ХХР Молия вазирлиги Давлат солиқ бошқармаси ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда бир қатор солиқ имтиёзларини тасдиқлади, жумладан, ҚҚС тўловларини кечиктириш, даромад солиғи бўйича чегирмалар, асосий воситаларнинг тезкор равишда амортизацияси ва илмий-тадқиқот харажатлари учун солиқ чегирмалари. Қўллаб-қувватлаш чоралари, шунингдек, давлат томонидан бериладиган ссудалар бўйича кафолатлар, фоиз ставкалари ва субсидияларни ўз ичига олади. Иккинчидан, Хитой ҳукумати кўп даражали капитал бозорини ривожлантиришга эътибор қаратди. Чора-тадбирлар биржа бўлимлари (Growth Enterprise Markets, GEM) доирасида биржаларга киришини рағбатлантиришда маҳаллий капитал бозорларини ривожлантириш ва илғор технология компанияларини олиб киришни ўз ичига олган эди. Молиявий институтлар стартаплар учун махсус таклифларни ишлаб чиқишмоқда. Ҳукумат, шунингдек, молиявий Интернет компаниялари ва кроссфундинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Учинчидан, ҳукумат оммавий тадбиркорлик ва инновацияларни ривожлантириш учун институционал механизмларни ишлаб чиқмоқда. Қўллаб-қувватлаш чоралари яхшироқ шароитларни яратишга, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантиришга ва билим алмашишни рағбатлантиришга қаратилган. Кичик ва ўрта корхоналарга хизмат кўрсатиш, шунингдек, таълим ва илмий-техникавий соҳани ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун кўргазма марказлари тармоғи ишлаб чиқилмоқда. Кўргазма марказлари тижорат мақсадларида ва янги технологияларни жорий этишга ёрдам бериши керак. “Пилот” лойиҳаси 2021 йилга қадар ташкил этиладиган 28та марказ тармоғини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Ҳукумат томонидан таклиф этилаётган яна бир чора-бу таълим тизимидаги ислохотлар бўлиб, унда инновацион ва механизациялашган механизмларни жорий этиш ва инновацион - тадбиркорлик курсларини киритиш бўйича ўқув дастурларини чуқурлаштириш таклиф этилади.

Шундай қилиб, инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари туфайли, Хитой мамлакатининг илмий ва технологик қудрати сезиларли даражада ошди. Бир неча ўн йиллар давомида Хитой



жаҳон сахнасида пешқадам бўлган давлатлар билан тенгдош бўлиб келади деб ҳисоблаймиз.

#### Фойдаланган адабиётлар

1. Закон Республики Узбекистан «О науке и научной деятельности», №ЗРУ-576 от 29 октября 2019 года.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики» от 7.05.2018 г., №ПП-3698.
3. Интеллектуальная собственность в Китае [Электронный ресурс]. - Режим доступа: [sk.ru/foundation/ipcenter/m/ipdigest/13239/download](http://sk.ru/foundation/ipcenter/m/ipdigest/13239/download).
4. China. Data [Electronic resource] // The World Bank. – Mode of access: <https://data.worldbank.org/country/china>, <https://databank.worldbank.org/data/reports.aspx?source=2&country=CHN> (date of access: 03.02.2019).
5. Новоселова Л.В. Сможет ли Китай стать локомотивом глобального роста // Российский экономический журнал.
6. Кувалдин В.Б. Глобальный мир: экономика, политика, международные отношения.
7. Umarovna, T. M. (2020). IMPACT OF COVID-19 VIRUS ON TOURISM IN UZBEKISTAN. *Вестник науки и образования*, (23-2 (101)).

### **MEANING OF ECONOMY. THE ROLE OF AGGREGATE DEMAND AND AGGREGATE SUPPLY IN THE ECONOMY**

*Omongaldiyev Jasurbek, student of TFI  
Research advisor: Phd. Sh. Allayarov*

In this article I will write about economy. We make all kinds of choices every day. How much should I spend on gas? What's the best route to work? Where should we go for dinner? Which job or career should I go for? What are the pros and cons of finishing college versus taking a job or inventing the next, best Internet startup? Which roommate should take care of washing the dishes? Can I get that dog as a pet? Should I get married, have children, and if so, when? Which politician should I vote for when they all claim they can improve the economy or make my life better? What is "the economy," anyway? What if my personal or religious principles conflict with what people tell me is in my best economic interest?

Many people hear the word "economics" and think it is all about money. Economics is not just about money. It is about weighing different choices or alternatives. Some of those important choices involve money, but most do not. Most of your daily, monthly, or life choices have nothing to do with money, yet they are still the subject of economics. For example, your decisions about whether it should be you or your roommate who should be the one to clean up or do the dishes, whether you should spend an hour a week volunteering for a worthy charity

or send them a little money via your cell phone, or whether you should take a job so you can help support your siblings or parents or save for your future are all economic decisions. In many cases, money is merely a helpful tool or just a veil, standing in for a partial way to evaluate some of the goals you really care about and how you make choices about those goals.

Saying the definition, economy (from Greek οίκος – "household" and νέμωμαι – "manage") is an area of the production, distribution and trade, as well as consumption of goods and services by different agents. Understood in its broadest sense, 'The economy is defined as a social domain that emphasize the practices, discourses, and material expressions associated with the production, use, and management of resources'. Economic agents can be individuals, businesses, organizations, or governments.

Since independence, the economy of Uzbekistan continues to exist as a Soviet-style command economy with slow transformation to market economy. The progress of governmental economic policy reforms has been cautious, but cumulatively Uzbekistan has shown respectable achievements. Its restrictive trade regime and generally interventionist policies continue to have a negative effect on the economy. Substantial structural reform is needed, particularly in these areas: improving the investment climate for foreign investors, strengthening the banking system, and freeing the agricultural sector from state control. Remaining restrictions on currency conversion capacity and other government measures to control economic activity, including the implementation of severe import restrictions and sporadic closures of Uzbekistan's borders with neighboring Kazakhstan, Kyrgyzstan, and Tajikistan have led international lending organizations to suspend or scale back credits.

Uzbekistan is a member of the International Monetary Fund, World Bank, Asian Development Bank, and European Bank for Reconstruction and Development. It has observer status at the World Trade Organization, is a member of the World Intellectual Property Organization, and is a signatory to the Convention on Settlement of Investment Disputes Between States and Nationals of Other States, the Paris Convention for the Protection of Industrial Property, the Madrid Agreement on Trademarks Protection, and the Patent Cooperation Treaty. In 2002, Uzbekistan was again placed on the special "301" Watch List for lack of intellectual copyright protection.

Aggregate Supply And Demand provide a macroeconomic view of the country's total demand and supply curves.

*Aggregate demand* (AD) is the total demand for final goods and services in a given economy at a given time and price level.

Aggregate Demand is the total of Consumption, Investment, Government Spending and Net Exports (Exports-Imports).  $Aggregate\ Demand = C + I + G + (X - M)$ . It shows the relationship between Real GNP and the Price Level.

Factors that Affect Aggregate Demand:

Net Export Effect. When domestic prices increase, then demand for imports increases (since domestic goods become relatively expensive) and demand for export decreases.

**Real Balances.** When inflation increases, real spending decreases as the value of money decreases. This change in inflation shifts Aggregate Demand to the left/decreases.

**Interest Rate Effect.** Real Interest is the nominal interest rate adjusted to the inflation rate. When inflation increases, nominal interest rates increase to maintain real interest rates. Lower real interest rates will lower the costs of major products such as cars, large appliances, and houses; they will increase business capital project spending because long-term costs of investment projects are reduced.

**Inflation Expectations.** If consumers expect inflation to go up in the future, they will tend to buy now causing aggregate demand to increase or shift to the right.

While, the *Aggregate Supply* is the total of all final goods and services which firms plan to produce during a specific time period. It is the total amount of goods and services that firms are willing to sell at a given price level in an economy. There are two views on Long Run Aggregate Supply, the Monetarist view and the Keynesian view. The curve is upward sloping in the short run and vertical, or close to vertical, in the long run.

Investment, technology changes that result in productivity improvements and positive institutional changes can increase short-run and long-run aggregate supply. Some factors can only affect Aggregate Supply in the short run.

Factors that Affect Aggregate Supply:

**Supply Shocks.** Adverse supply shocks shift AS to the left, i.e., a decrease in the AS curve. Usually, a huge rise in oil prices can cause a supply shock. Natural catastrophes or hikes in taxes can also shift AS to the left. It is either a leftward shift in the short run AS curve (the one on the left) or by the leftward shift in the vertical long-run AS curve. However, the long run AS curve is best suited for natural disasters or setbacks in the economy, such as corrupt governments.

**Resource Price Changes.** Changes in the short run resource prices can alter the Short Run Aggregate Supply curve. Unless the price changes reflect differences in long-term supply, the Long Run Aggregate Supply is not affected.

**Changes in Expectations for Inflation.** If suppliers expect goods to sell at much higher prices in the future, they will be less willing to sell in the current period. As a result, the Short Run Aggregate Supply will shift to the left.

**Capacity Increase.** A rightward or an increase in AS implies an increase in the productive capacity of the economy. You can think of this as an outward shift in the production possibility curve. An increase in the quality and quantity of the factors of production or technological advancements or any increase in productivity can cause an outward shift.

Governments can influence AS through Supply Side policies and improvements in health and education services. This result can be better imagined by an increase in the Long Run AS. An increase in natural resources can also shift the AS curve to the right.

On the whole, all I said above are the main meaning of economics. In market-based economies, demand and supply play a major role. Government just regulates it with laws and rules as a referee of the football match, according to neoliberalism.

As a citizen of market-based-economical country, we all should learn all the secrets of economy to get the higher ranks of world economy rating.

## **ФОНД БОЗОРИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ**

*Аликулов Азамат Туйгунович  
Қарши Муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси  
телефон: +99899 669 66 73*

**Калит сўзлар:** фонд бозори, эмитент, инвестор, капитал, қимматли қоғоз, инструмент, молиявий ресурс, мобил илова, интеграция.

Бугунги кунда дунё миқёсида пандимик вазият бўлишига қарамасдан, молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳамда капитал капитал оқимларини бошқаришда фонд бозорлари савдо майдонларидан юқори даражада фойдаланилмоқда. Шунингдек, жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган нобарқарор вазият, дунё инвесторларини ривожланган давлатларга нисбатан икки ва ундан кўпроқ марта ўсаётган ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига инвестицияларни амалга оширишга ундамоқда. 2020 йилга келиб дунё миқёсидаги барча молиявий активлар 371 триллион АҚШ долларини ташкил этди, шунинг 30 фоизи ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига тўғри келди. Шу билан бир вақтда, ривожланаётган мамлакатларга капитал оқимлари фонд бозори орқали амалга оширилишининг ортиши кузатилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни халқаро экспертларни жалб этган ҳолда йўл хариталари тузиш ва ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш орқали ташкил этиш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Хусусан, инвестицияларни жалб этишда асосий йўл харитаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясида 2019-йилда Ўзбекистонда жами инвестицияларни молиялаштириш манбаси бўйича таркибида капитал бозорининг улуши 0,1 %ни ҳам ташкил этмаслигини, келажакда 2025, 2030, 2035 йилларда мос равишда “3, 7, 19%”<sup>14</sup>га кўтарилишини белгилаб қўйилди. Албатта, бу ҳисоб китобларга асосланган келажак режалар ва бу ривожланишни таъминлашда инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи кўплаб муносабатларни тўғри ташкиллаштириш орқалигина эришиш мумкин.

Фонд бозори орқали капитал жалб қилишда муҳим жиҳатлардан бири бу инвесторларни ахборотлар билан таъминланишдир. Сўнги йилларда Ўзбекистонда ахборот эркинлиги (очиқ маълумотлар)га катта урғу берилмоқда аммо, фонд бозорига бўлган қизиқишнинг шунга мос юқори

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси-  
<https://uzbekistan2035.uz/>

ўсишини кўзга ташланмаяпти. Бу борада сўнги йилларда “Корпоратив ахборот ягона портали: [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)” сайтини ишга туширилиши инвесторлар учун Ўзбекистондаги компаниялар ҳақида маълумотлар олиш учун муҳим ахборот манбаи бўлмоқда. Аммо, ушбу сайтда ҳам кўп маълумотлар ўз вақтида янгиланмасдан, ташкил этилган вақтдаги жадаллик сўниб бормоқда яъни, бунда тизимли ишлар жорий қилинмаганлиги кўришиб қолмоқда.

Фонд бозори орқали капитал жалб қилишда яна бир муҳим омиллардан бири бу савдоларда иштирок этиш учун инвесторлар, эмитентлар ва профессионал иштирокчилар учун яратилган имкониятлардир. Бу борада ҳам мамлақтимизда ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқдаки улар иқтисодийликка капитал жалб қилиш ва миллий фонд бозори инструментларининг ликвидлигини оширишда ўз ҳиссасини кўшиши шубҳасиз.

Хусусан, илгари фонд бозорида қимматли қоғозларни сотиб олмақчи бўлган инвестор уларни сотиб олишда ва расмийлаштиришда бир неча инвестицион институтларга мурожат қилиши ва улар билан шартномалар тузиши, ҳисоб рақам очиши ва бошқа шу каби ортиқча ҳаражат ва вақт талаб қиладиган жараённи босиб ўтишига тўғри келарди, бу эса ўз навбатида инвесторлар (айниқса кичик ҳажмда ресурслари мавжудлари)ни қимматли қоғозларга инвестиция қилиш истагина анчайин пасайтириб қўярди. Бу борада ижобий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим воқеа ҳисобланган “Тошкент” РФБ “2012-йилда бўлган тизимли ва тузилмавий ўзгаришлари натижасида “Тошкент” РФБнинг 25 фоиз (-1 та) акцияси эвазига Корея фонд биржасининг “Ягона дастурий-техник мажмуаси” олиб келинди”<sup>15</sup>.

Ушбу дастурий таъминот орқали брокер билан инвестор ўртасида бир йилга мўлжалланган шартнома тузиш орқали инвестор биржа савдоларида қатнашиш имкониятига эга бўлиши, инвесторлар бир савдо сессияси давомида бир қимматли қоғозни бир неча марта иккиламчи савдоларини амалга ошириш имкониятига ва ҳисобини электрон кўринишда тўлдириш имкониятларига эга бўлди. Бунинг натижасида 2018-йилдан бошлаб жисмоний шахсларнинг биржа савдоларида фаоллиги кескин ошди.

Бу албатта қувонарли ҳолат, аммо Республикаимизнинг барча ҳудудларида брокерлик идораларининг етарли эмаслиги савдоларни фақат марказларда амалга оширилишига сабаб бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилишда Фонд биржасининг инвесторлар учун содда ва тушунарли “мобил иловаси”ни ишлаб чиқиш ва ушбу илова орқали электрон рўйхатдан ўтиш ва тасдиқлаш (варификация), ҳисобни электрон юритиш (тўлов тизимларини интеграция қилиш), рискларни электрон суғурталаш ва шу каби бугунги кунда ривожланган фонд бозорлари амалиётларини жорий қилиш Ўзбекистонда ҳам ижобий натижалар беради назаримизда. Бугуни кунда, “Тошкент” Республика фонд биржасининг “Ягона дастурий-техник

---

<sup>15</sup> Валерий ДЖУРАЕВ, РФБ «Тошкент» стремление к международной интеграции-  
<https://www.uzse.uz/boards/87>

мажмуаси”да инвесторлар учун масофадан савдоларда қатнашиш имкониятини яратиб берадиган HTS (Home trade system) ва MTS (Mobile trade system) дастурий таъминотлари мажуд. Аммо ушбу дастурий таъминотлар инвесторлар савдоларда қатнашишлари учун брокерлик компаниялари билан шартнома тузишлари ва амалга оширилган операциялар учун брокерлик ташкилотларининг комессион тўловларини амалга ошириш заруратини юзага келтиради.

Raqamli iqtisodiyot hozirgi zamon ilm fan rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlaridan biri. Bugungi kunda butun dunyoda yangi texnologiyalar yaratilishi ko'pchilik sohalar kabi iqtisodiyot sohasiga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Shu jumladan yangi aloqa va hamkorlik vositalari orqali xizmat ko'rsatishning turli usullari, suniy intellekt yordamida vazifalarni avtomatlashtirish va platformalar kabi biznes modellar paydo bo'moqda. Albatta bu iqtisodiyotda bir muncha qulaylilar yaratadi. Bu sohada bizning davlatda ham bir muncha ishlar olib borilmoqda. 2020- yilni "Ilm marifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish" yili deb e'lon qilinishi esa bu raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish naqadar muhim ekanligini ko'rsatadi.

Jahon iqtisodiyotining globallasuvi va texnologik rivojlanish sharoitida O'zbekiston iqtisodiy rivojlanishini raqamli iqtisodiyotsiz tasavvur qilish qiyin. Tadqiqotlarga ko'ra 2022-yilga kelib global YaIMning chorak qismi raqamli sohada bo'lishini tahmin qilinmoqda. Lekin xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalari rivojlantirish indeksi bo'yicha O'zbekiston 170 dan ortiq davlat ichida 103-o'rinda turishining o'zi yechimini kutayotgan masalalar va qilinishi lozim bo'lgan ishlar ko'pligidan dalolat beradi. Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi balki ortiqcha xarajatlarni ham kamaytiradi. Undan tashqari mamlakatni orqaga tortuvchi eng yomon illatlardan biri korrupsiyani yo'qotishning eng yaxshi usullaridan biri. O'z o'rnida qayd etib etish lozimki, mamlakatimiz hayotida raqamli iqtisodiyotning ayrim elementlari allaqachon muvaffaqiyat bilan faoliyat ko'rsatmoqda. Jumladan, hujjatlar va kommunikatsiyalarning ommaviy ravishda raqamli vositalarga o'tkazilishini hisobga olib, elektron imzoga ruxsat berish, davlat bilan muloqot qilish ham elektron platformalarga o'tkazilmoqda. BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrishning ta'biri bilan aytganda, "raqamli iqtisodiyot yangi xavf-xatarlarni vujudga keltirishi



mumkin, shu jumladan, kiberxavfsizlikka tahdidlar, noqonuniy iqtisodiy faoliyatning yengillashuvi, shaxsiy hayot daxlsizligini buzilishi bilan bog'liq sabablarni keltirish mumkin. Yangi qarorlar qabul qilish hukumatlar, fuqarolik jamiyati, akademik guruhlar, ilmiy hamjamiyat va texnologik sektorlarning hamkorlikdagi harakatini talab etadi”.

Darhaqiqat, raqamli iqtisodiyot miqyosining kengayib borishida xalqaro hamkorlikni imkon qadar kuchaytirish zarur. Shu o'rinda mamnuniyat bilan qayd etish joizki, O'zbekistonda axborot xavfsizligi sohasida olib borilayotgan ta'sirchan chora-tadbirlar natijasida 2019 yilda Kiberxavfsizlik global indeksida 41 pog'onaga ko'tarilib, 52 o'rinni egalladi. Yoshlar duch keladigan onlayn xavf-xatarlarni bartaraf etish bo'yicha olib borilayotgan izchil ishlar doirasida O'zbekiston Axborot xavfsizligi markazi (TsOIB) mart oyida kollejlarda va akademik litseylarda kompyuter texnologiyalari bo'yicha qator o'quv seminarlarini o'tkazdi. 5G mamlakatlarning iqtisodiy ko'rsatkichlari va yalpi ichki mahsulotiga katta ta'sir ko'rsatishi belgilangan. 2016-yilda mobil texnologiyalar va xizmatlar dunyo miqyosida yalpi ichki mahsulotning 4,4 foizini tashkil qildi, bu iqtisodiy qiymatga ega 3,3 trln. 2020-yilga kelib bu ko'rsatkich 4,2 trln. AQSh dollaridan oshadi yoki dunyo yalpi ichki mahsulotining 4,9 foizini tashkil etadi, chunki tezkor mobil aloqaning samaradorligi va samaradorligi oshib boraveradi. Shunga o'xshab, GSMA mobil texnologiyalar va xizmatlar 2017-yilda Yevropada yalpi ichki mahsulotning 3,3 foizini tashkil qilganligini, qit'aning mobil ekotizimi esa 2,5 million ish uchun javobgardir. Yevropa dunyodagi eng yuqori darajada rivojlangan mintaqaviy mobil bozor bo'lib, 2017 yil oxiriga kelib 465 million noyob uyali abonentga ega bo'lib, bu aholining 85 foizini tashkil qiladi. YaIMning ulushi 2022 yilga kelib 4,1 foizgacha o'sishi kutilmoqda va Yevropada 2020 yilga kelib birinchi 5G ishga tushirilishi bilan, mamlakatlar yangi uyali tarmoqdan o'z foydalariga foydalanishga intilishadi. 5G potentsial iqtisodiy ta'sirining ahamiyatini chindan ham e'tibordan chetda qoldirmaslik kerak: AQSh 4G yetakchisi sifatida o'z o'rnini yaratish uchun ko'p ishladi, 4G mobil keng polosali ulanishi mamlakatning yalpi ichki mahsulotiga 100 milliard dollar qo'shdi. GSMA prognoziga ko'ra, 4G ulanishlar 2020 yilga kelib Shimoliy Amerikadagi beshta uyali ulanishning to'rttasini o'z ichiga oladi, bu boshqa global mintaqalarga qaraganda yuqori. Agar AQSh simsiz aloqa bo'yicha dunyoda etakchilik mavqeini yo'qotsa, bu ish o'rinlarining yo'qolishi va chet elga texnologiya innovatsiyalari ta'sirini sezishi mumkin. AQShning 4G yetakchiligidagi iqtisodiy foydasi yo'q bo'lib ketadi.

Raqamli iqtisodiyotning o'sishi uchun mamlakatning barcha imkoniyatlarini ochib berishga to'sqinlik qilayotgan O'zbekistonning telekommunikatsiya bozorida muammolar mavjud. Bozorni cheklovchi asosiy omil investitsiyalarni kuchaytiradigan va narxlarni ko'taradigan raqobatbardosh raqobatdir. MDITC UzTelecom orqali ishlaydigan mamlakatning xalqaro shlyuzi ustidan monopoliyaga ega. Natijada IP tranziti narxi dunyodagi eng qimmat bo'lib qolmoqda va aholi jon boshiga nisbatan mamlakatning o'tkazish qobiliyati juda past. UzTelecom shuningdek, mamlakatda uzoq masofalarga xizmat

ko'rsatuvchi eng keng tarmoqqa ega, garchi 2018-yil iyun holatiga ko'ra mamlakat uchun qariyb 24,500 ta ichki tolali kilometr xizmat ko'rsatadigan bo'lsa, bu mamlakat uchun bu ko'rsatkich past. Garchi bozorga kiradigan boshqa operatorlar, shu jumladan xorijiy kompaniyalarga nisbatan hech qanday qonuniy cheklolvar qo'llanmasa ham, UzTelecom ISP ulanish uchun imtiyozli foydalanish va narxlarni olishiga oid aniq dalillar mavjud. Uyali aloqa operatorlari (MNO) uchun litsenziyalashning murakkab, noan'anaviy jarayonlari o'tmishda ba'zi xorijiy kompaniyalarni bozorni butunlay tark etishga majbur qildi va mavjud soliq tuzilmalari xususiy MNO o'sishiga to'sqinlik qilmoqda. Raqamlilashtrish katta va misli ko'rilmagan imkoniyatlarni taqdim etadi. Shu bilan birga, bunday transformatsion texnologiyalarning rivojlanishida jiddiy noaniqliklar saqlanib qolmoqda. Hukumatlar jamiyat uchun yuzaga kelishi mumkin bo'lgan oqibatlar va ushbu paydo bo'layotgan texnologiyalar ularning boshqaruv faoliyatida yuzaga keladigan tanqidiy muammolarni chuqurroq tushunishga intilishlari kerak.

Xulosa o'rnida aytish joizki, insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bog'liq bo'lib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi.

Xalqaro tajriba shundan dalolat bermoqdaki, bugungi kunda raqamli texnologiyalar asosan ilmiy hamjamiyat va xususiy sektorda jadal rivojlanmoqda. Shuning uchun davlat, aynan, ushbu sohalarda innovatsion loyihalar va IT-kompaniyalarni qo'llab quvvatlagan holda qulay ekotizimni yaratishi lozim. Shuningdek, davlat innovatsion va raqamli ekotizimni qo'llab-quvvatlash sohasida raqamli ta'limning zamonaviy metodlarini qo'llab-quvvatlashi, innovatsion xizmatlarni samarali tartibga solish normalarini ishlab chiqishi, yangi bozorlarni o'zlashtirishda ko'maklashishi hamda texnologik jarayonlarning chuqurlashuvida yuzaga chiqadigan risklarni pasaytirish choralari ko'rishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISHDA AKT MUOMMOLARI VA YECHIMLARI.**

*Asadullayev Asadbek  
TMI, MMT-86 Guruh talabasi*

Innovatsion rivojlanish vazirligi va BMT Taraqqiyot dasturi hamkorligida tashkil etilgan Innovatsiyalar va boshqaruv yechimlari laboratoriyasi tomonidan "Davlat boshqaruvinu samarali rivojlantirish va raqamli transformatsiyaga ko'maklashish" loyihasi doirasida seminar o'tkazildi. Tadbirda vazirliklar, davlat idoralari, qo'mitalar vakillari va mas'ul xodimlari ishtirok etdi.

"Raqamli iqtisodiyotning dunyoda rivojlanish tendentsiyalari. O'zbekistonda rivojlanish istiqbollari" mavzusidagi seminarni raqamli iqtisodiyot va elektron hukumat bo'yicha xalqaro ekspert Daniely Mensi olib bordi.

Daniels Mensi bugungi kunda raqamli iqtisodiyot eng ko'p rivojlangan mamlakatlar bu AQSh va Xitoy ekanini ta'kidlab, dunyo bo'yicha blokcheyn texnologiyalarga doir patentlarning 75 foizi aynan shu davlatlarga to'g'ri kelishini aytdi. O'z navbatida internet mahsulotlarining 50 foizini shu davlatlar aholisi iste'mol qiladi.

Blokcheyn texnologiyalari tomonlarning hech qanday vositachisiz bitimlarni xavfsiz, ishonchli amalga oshirishga imkon beruvchi texnologiyadir. Uni ko'pchilik kriptovalyuta texnologiyasi sifatida bilsa-da, aslida blokcheyndan raqamli identifikatsiya, egalik va mulkiy huquqlar ximoyasi, to'lov tizimi sifatida foydalanish mumkin. Ethereum kabi blokcheyn bazasida ishlaydigan ochiq manbali platformalar an'anaviy huquqiy jarayonlarsiz har qanday aktivlar bo'yicha bitimlar tuzish, bank xizmatlarini ko'rsatish imkonini beradi. Hozirda jahonning turli mamlakatlarida moliyaviy texnologiyalar, yer resurslarini boshqarish, transport, sog'liqni saqlash, ta'lim sohalarida blokcheyn tizimidan foydalaniladi. Blokcheyn tizimi har qanday sohaning shaffoflik darajasini oshiradi, korruptsiya holatlarining kamayishiga xizmat qiladi.

Ma'ruzachi, shuningdek, beshinchi avlod (5G) mobil texnologiyasi haqida ma'lumotlar berdi. Aloqa sifati va ma'lumotlarni uzatish tezligining yuqoriligi, energetik samaradorligi inson salomatligiga zararsiz ekanligidan tashqari, bu texnologiya foydalanuvchilarga yangidan yangi imkoniyatlarni beradi. Masalan, internet mahsulotlari, keng polosali mediaservislardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytiradi, tabiiy ofatlar bo'lgan joylarda ham aloqa o'rnatish imkonini beradi.

Raqamli ma'lumotlar qimmatbaho iqtisodiy resurs hisoblansa-da, u raqamli tafakkurga aylanganidagina foyda keltiradi. Raqamli iqtisodiyot kirib kelishi bilan raqamli platformalar yaratish va tez sur'atlarda o'sib borayotgan raqamli ma'lumotlarni monetizatsiya qilish muammolari vujudga kelmoqda. Bunda qiymat yarata olish yo'llarini, mazkur jarayonlardagi to'siqlarni bartaraf etish vositalarini aniqlash muhimdir. Bu qiymatni yaratish va tarqatish salohiyatini, qiymatni yangilash, boshqarish hamda qiymatni qo'lga kiritish shakllarini tushunish imkonini beradi. Seminar xulosalariga ko'ra raqamli iqtisodiyotni dunyoning barcha mamlakatlarida rivojlantirish zarurligi, raqamli iqtisodiyotga o'tish jarayonini tezlashtirish lozimligi qayd etildi.

Darhaqiqat, raqamli iqtisodiyot miqyosining kengayib borishida xalqaro hamkorlikni imkon qadar kuchaytirish zarur. Shu o'rinda mamnuniyat bilan qayd etish joizki, O'zbekistonda axborot xavfsizligi sohasida olib borilayotgan ta'sirchan chora-tadbirlar natijasida 2019 yilda Kiberxavfsizlik global indeksida 41 pog'onaga ko'tarilib, 52 o'rinni egalladik. Yoshlar duch keladigan onlayn xavf-xatarlarni bartaraf etish bo'yicha olib borilayotgan izchil ishlar doirasida O'zbekiston Axborot xavfsizligi markazi (TsOIB) mart oyida kollejar va akademik litseylarda kompyuter texnologiyalari bo'yicha qator o'quv seminarlarini o'tkazdi. 5G mamlakatlarning iqtisodiy ko'rsatkichlari va yalpi ichki mahsulotiga katta ta'sir ko'rsatishi belgilangan. 2016-yilda mobil texnologiyalar va xizmatlar dunyo miqyosida yalpi ichki mahsulotning 4,4 foizini tashkil qildi, bu iqtisodiy qiymatga ega 3,3 trln. 2020-yilga kelib bu ko'rsatkich 4,2 trln. AQSh dollaridan

oshadi yoki dunyo yalpi ichki mahsulotining 4,9 foizini tashkil etadi, chunki tezkor mobil aloqaning samaradorligi va samaradorligi oshib boraveradi. Shunga o'xshab, GSMA mobil texnologiyalar va xizmatlar 2017-yilda Yevropada yalpi ichki mahsulotning 3,3 foizini tashkil qilganligini, qit'aning mobil ekotizimi esa 2,5 million ish uchun javobgardir. Yevropa dunyodagi eng yuqori darajada rivojlangan mintaqaviy mobil bozor bo'lib, 2017 yil oxiriga kelib 465 million noyob uyali abonentga ega bo'lib, bu aholining 85 foizini tashkil qiladi. YaIMning ulushi 2022 yilga kelib 4,1 foizgacha o'sishi kutilmoqda va Yevropada 2020 yilga kelib birinchi 5G ishga tushirilishi bilan, mamlakatlar yangi uyali tarmoqdan o'z foydalariga foydalanishga intilishadi. 5G potentsial iqtisodiy ta'sirining ahamiyatini chindan ham e'tibordan chetda qoldirmaslik kerak: AQSh 4G yetakchisi sifatida o'z o'rnini yaratish uchun ko'p ishladi, 4G mobil keng polosali ulanishi mamlakatning yalpi ichki mahsulotiga 100 milliard dollar qo'shdi. GSMA prognoziga ko'ra, 4G ulanishlar 2020 yilga kelib Shimoliy Amerikadagi beshta uyali ulanishning to'rttasini o'z ichiga oladi, bu boshqa global mintaqalarga qaraganda yuqori. Agar AQSh simsiz aloqa bo'yicha dunyoda etakchilik mavqeini yo'qotsa, bu ish o'rinlarining yo'qolishi va chet elga texnologiya innovatsiyalari ta'sirini sezishi mumkin. AQShning 4G yetakchiligidagi iqtisodiy foydasi yo'q bo'lib ketadi.

Raqamli iqtisodiyotning o'sishi uchun mamlakatning barcha imkoniyatlarini ochib berishga to'sqinlik qilayotgan O'zbekistonning telekommunikatsiya bozorida muammolar mavjud. Bozorni cheklovchi asosiy omil investitsiyalarni kuchaytiradigan va narxlarni ko'taradigan raqobatbardosh raqobatdir. MDITC UzTelecom orqali ishlaydigan mamlakatning xalqaro shlyuzi ustidan monopoliyaga ega. Natijada IP tranziti narxi dunyodagi eng qimmat bo'lib qolmoqda va aholi jon boshiga nisbatan mamlakatning o'tkazish qobiliyati juda past. UzTelecom shuningdek, mamlakatda uzoq masofalarga xizmat ko'rsatuvchi eng keng tarmoqqa ega, garchi 2018-yil iyun holatiga ko'ra mamlakat uchun qariyb 24,500 ta ichki tolali kilometr xizmat ko'rsatadigan bo'lsa, bu mamlakat uchun bu ko'rsatkich past. Garchi bozorga kiradigan boshqa operatorlar, shu jumladan xorijiy kompaniyalarga nisbatan hech qanday qonuniy cheklovlar qo'llanmasa ham, UzTelecom ISP ulanish uchun imtiyozli foydalanish va narxlarni olishiga oid aniq dalillar mavjud. Uyali aloqa operatorlari (MNO) uchun litsenziyalashning murakkab, noan'anaviy jarayonlari o'tmishda ba'zi xorijiy kompaniyalarni bozorni butunlay tark etishga majbur qildi va mavjud soliq tuzilmalari xususiy MNO o'sishiga to'sqinlik qilmoqda.

## **O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDAGI MUAMMO VA YECHIMLAR**

*Iskandarov D, TMI talabasi  
Ilmiy rahbar: Sh.Allayorov*

Jahon taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli

texnologiyalarni qay darajadagi qamrovi bilan bevosita bog'liq bo'lib bormoqda. XXI asr – texnologiyalar asri va shunday sharoitda har bir davlatning rivojlanishida axborot texnologiyalari va raqamlashtirish jarayonlari asosiy omil hisoblanadi va har bir davlatning qay darajada rivojlanganligi bu davlatda raqamli iqtisodiyot va texnologiyalarning qay darajada tadbiiq qilinganligi bilan belgilanmoqda. Shu asosda yurtimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasi bilan bog'liqdir.

Raqamli iqtisodiyot birinchidan, korrupsiyani oldini olishidir. U “yashirin iqtisodiyot”ning asosiy kushandasidir. Chunki raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi. Zarur vaqtda ma'lumotlarni qisqa vaqt ichida taqdim etadi. Bunday sharoitda biror ma'lumotni bekitish, yashirin bitimlar tuzish, u yoki bu faoliyat haqida to'liq axborot bermaslikning iloji qolmaydi, buning natijasida esa iqtisodiyotga yo'naltirilgan qonuniy mablag'lar joy-joyiga sarflanadi. Ayniqsa, soliqlarning o'z vaqtida to'g'ri hisoblanishi va to'lanishi, byudjet taqsimoti oshkoraligi, ijtimoiy sohaga yo'naltirilgan mablag'lar, maktablar, shifoxonalar, yo'llarga ajratilgan pullar to'liq o'z manziliga maqsadli yetib borishiga zamin yaratiladi. Shu bois, raqamli texnologiyalarni bizni taraqqiyotga eltadigan eng qisqa yo'l hisoblanadi. Ayniqsa shuni ta'kidlab o'tish lozimki pandemiya davrida raqamli texnologiyalar yordamida ayrim sohalarda masofaviylik vujudga keldi.

Dunyo hamjamiyatida ro'y berayotgan jadal o'zgarishlar va raqobatning keskinlashuvi jarayonida innovatsiyalar va raqamli texnologiyalarni keng joriy etmasdan turib, yaqin va uzoq kelajakda mamlakatimiz iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish, uning raqobatdoshligini ta'minlay olmasligimiz ayni haqiqat bo'lib, bu esa, o'z navbatida, ilmiy va amaliy harakatlarni kuchaytirishni talab etadi. Bu borada, so'nggi yillarda milliy iqtisodiyotimizni tubdan modernizatsiya qilish bo'yicha olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar doirasida mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy hayoti va davlat boshqaruvi tizimiga raqamli texnologiyalarni joriy etish borasida qator chora-tadbirlar amalga oshirildi.

Bugungi kunda dunyoning bir qator mamlakatlari O'zbekistonda ham raqamli iqtisodiyot va texnologiyalar ma'lum darajada rivojlanib bormoqda. Kundalik hayotimizda axborot texnologiyalarni tadbiiq qilinishi ortidan ko'plab imkoniyatlar yaratilmoqda. Hozirgi kunda uydan chiqmasdan ko'plab oziq-ovqat mahsulotlari va taomlariga buyurtma berishimiz, ularni uyimizgacha yetkazib berishlari mumkin va to'lovlarni masofadan turib amalaga oshirayotganimiz yaqqol misol bo'la oladi. Lekin shuni ta'kidlash kerakki, O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot O'zbekiston potensialiga nisbatan bir necha barobar sekinroq rivojlanmoda. Ya'ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud lekin rivojlanish ancha sust. Uni keng miqyosda tadbiiq etish esa dolzarb vazifadir. Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning 2020 yil 13 fevral kuni axborot texnologiyalarni rivojlantirishga bag'ishlangan tadbirda keltirgan statistik ma'lumotlariga muvofiq AQShda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 10,9 foiz, Xitoyda 10 foiz, Hindistonda 5,5 foizni tashkil etadi. O'zbekistonda bu ko'rsatkich 2 foizdan ham oshmaydi. Bunga sabab sifatida raqamli iqtisodiyotni O'zbekistonda rivojlanishini bir qancha to'siqlarini ko'rsatib o'tish mumkin.

ko'plab sohalardagi monopoliya; internet tezligini pastligi va uni sifatsizligi; axborot texnologiyalari sohasida qonunchilikning zamondan orqada qolganligi; fuqarolarda kompyuter savodxonligining pastligi; qonunchilikning shaffof emasligi; axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassislarining yetishmasligi yoki ularni boshqa mamlakatlarga ketib qolishi; axborot madaniyati, axborot gigiyenasi pastligi; axborot texnologiyalari xavfsizligi yaxshi emasligi; boshqaruv organlarida sohani tushunadigan mutaxassislarining kamligi yoki (ba'zilarida) ularning umuman yo'qligi; ilm-fan va ayniqsa aniq fanlarning rivojlanishi sustligi (yoki rivojlanishdan to'xtab qolganligi).

Yuqorida keltirilgan muommolar bosqicha-bosqich, tizimli, dunyo tajribasidan kelib chiqib hal qilinsa, O'zbekiston ham bimalol raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda biri bo'la oladi. Aholining keng qatlamlari o'rtasida "raqamli savodxonlik"ni targ'ib qilish va kengaytirish, ularni axborot texnologiyalarini o'zlashtirishga jalb qilish maqsadida o'quv yurtlarida seminar, kurslar va boshqa tadbirlarni o'tkazish, raqamli iqtisodiyot sohasida me'yoriy-huquqiy bazani mustahkamlash va qonunchilik hujjatlarini takomillashtirish, shuningdek, "startap" tushunchasi, faoliyati, raqamli iqtisodiyot talablariga javob beradigan mehnat bozorini tashkil etish va uning mobilligini oshirish, yangi texnologiyalarni tezkorlik bilan o'zlashtirish uchun mutaxassislar malakasini oshirib borish, raqamli iqtisodiyot sohasidagi xalqaro hamkorlikni mustahkamlash, yetakchi xalqaro texnologik kompaniyalar bilan o'zaro hamkorlikdagi loyihalarni amalga oshirish, shu jumladan, innovatsion ishlanmalar bo'yicha zamonaviy ilmiy-ishlab chiqarish laboratoriyalarini tashkil etish zarurdir.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKILLANTIRISH SHAROITIDA ISHLAB CHIQRISHNI TASHKIL ETISH VA BOSHQARISH**

*TMI talabas Boboxonov Shohruh  
Ilmiy raxbar: Sh. Ollayorov*

Iqtisodiy va texnologik taraqqiyotning yangi bosqichi sifatida namoyon bo'layotgan raqamli inqilob insoniyat hayotini shiddat bilan o'zgartirib, keng imkoniyatlar yaratish bilan birga, xalqaro raqobat maydonining yanada keskinlashuv davrini boshlab berdi.

"Raqamli iqtisodiyot" atamasi birinchi bo'lib 1995 yilda Don Tepkott muallifligida chop etilgan "Raqamli iqtisodiyot: tarmoqli intellekt asrida va'da va xavf-xatar" (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) nashrida alohida tushuncha sifatida istiloh etilgan. Ushbu nashrda raqamli iqtisodiyotning asosiy tarkibiy qismlariga fundamental innovatsiyalar (yarimo'tkazgichlar, protsessorlar), asosiy texnologiyalar (kompyuterlar) va bog'lovchi infratuzilmalar (internet va telekommunikatsiya tarmoqlari) ajratib ko'rsatiladi.

Raqamli iqtisodiyot ikki xil turli tushunchalarni ifodalash uchun ishlatiladi. Birinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu rivojlanishning zamonaviy bosqichi hisoblanib, u ijodiy mehnat va axborot ne'matlarining ustuvor o'rni bilan

tavsiflanadi. Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu o‘ziga xos tushuncha bo‘lib, uning o‘rganish ob’ekti axborotlashgan jamiyat hisoblanadi. Bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan global iqtisodiyot sharoitida raqamli iqtisodiyot o‘z rivojlanishining boshlang‘ich davrida bo‘lib, zamonamizning raqamli axborot bosqichiga o‘tishi atiga bir necha o‘n yilni tashkil etadi.

Umuman olganda, raqamli iqtisodiyot – bu jarayonlarni tahlil qilish natijalaridan foydalanish va katta hajmdagi ma’lumotlarni qayta ishlash asosida turli xildagi ishlab chiqarishlar, texnologiyalar, asbob-uskunalar, tovar va xizmatlarni saqlash, sotish va yetkazib berish samaradorligini jiddiy ravishda oshirishga imkon beradigan, raqamli ko‘rinishdagi ma’lumotlar asosiy ishlab chiqarish omili hisoblangan faoliyatdir.

Zamonaviy taraqqiyotning keyingi istiqbolida katta hajmli ma’lumotlar bilan ishlash texnologiyalari (Big Data), sun’iy intellekt, neyrotexnologiyalar, kvant texnologiyalari, buyumlar interneti, robototexnika va sensorika, raqamli elektron platformalar, bulutli va mobil texnologiyalar, virtual va qo‘shimcha reallik texnologiyalari, kraudsorsing, blokcheyn texnologiyalari, kriptovalyutalar va ICO, 3D-texnologiyalari singari raqamli texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etmoqda.

Raqamli iqtisodiyot hozirgi mavjud sohalarning yarmidan ko‘prog‘ida beqiyos o‘zgarishlar keltirib chiqarishi ta’kidlanmoqda. Jumladan, Jahon banki ekspertlari fikricha, tezkor internetdan foydalanuvchilar sonining 10 foizga ko‘payishi milliy iqtisodiyotlar yalpi hajmini har yili o‘rtacha 0,4-1,4 foizga oshirish imkonini beradi.

Dunyoda raqamli iqtisodiyot o‘shining sur‘atlari yiliga deyarli 20 foizni tashkil etmoqda. Taraqqiy etgan davlatlarda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 7 foizga yetgan. Ular hozirning o‘zida raqamli iqtisodiyotning joriy qilinishidan juda katta naf ko‘rishmoqda. Xususan, Amerika Qo‘shma Shtatlari yiliga 400 milliard AQSh dollaridan ko‘proq raqamli xizmatlarni eksport qilmoqda. Mazkur davlat yalpi ichki mahsulotining 5 foizidan ko‘prog‘i bevosita internet va axborot-telekommunikatsiya texnologiyalari bilan bog‘liq sohalarga to‘g‘ri keladi. 2025 yilgacha AQSh sanoatni raqamlashtirishdan qo‘shimcha 20 trln. dollar daromad olishi kutilmoqda. Bunday iqtisodiy samaradorlik, ayniqsa iste‘mol tovarlari ishlab chiqarish (10,3 trln. dollar), avtomobil sanoati (3,8 trln. dollar) va logistikada (3,9 trln. dollar) yuqori bo‘lishi ta’kidlanmoqda.

Turli tadqiqotlar natijalari bo‘yicha raqamli iqtisodiyotning dunyo iqtisodiyotidagi salmog‘i 4,5 foizdan 15,5 foizgachani tashkil etadi. Jahon axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sektorida yaratilayotgan qo‘shilgan qiymatning deyarli 40 foizi va blokcheyn texnologiyalari bilan bog‘liq patentlarning 75 foizi Amerika Qo‘shma Shtatlari va Xitoy Xalq Respublikasi xissasiga to‘g‘ri keladi.

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning 2020 yil 13 fevral kuni axborot texnologiyalarini rivojlantirishga bag‘ishlangan tadbirda keltirgan statistik ma’lumotlariga muvofiq AQShda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 10,9 foiz, Xitoyda 10 foiz, Hindistonda 5,5 foizni tashkil etadi. O‘zbekistonda bu ko‘rsatkich 2 foizdan ham oshmaydi.

Raqamlashtirishning ahamiyati va ta'sirini qanchalik ortib borayotganligini baholash uchun so'nggi o'n yillikdagi bir nechta yirik texnologik kompaniyalar va raqamli platformalarning jahon bozoridagi kapitallarining ulushini ko'rish kifoya. Xususan, BMTning savdo va rivojlanish konferensiyasi ma'lumotlarida qayd etilganidek, bu ko'rsatkich 2009 yilda 16 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2018 yilning oxiriga kelib 56 foizga yetgan.

Iqtisodiy va texnologik taraqqiyotning yangi bosqichi sifatida namoyon bo'layotgan raqamli inqilob insoniyat hayotini shiddat bilan o'zgartirib, keng imkoniyatlar yaratish bilan birga, xalqaro raqobat maydonining yanada keskinlashuv davrini boshlab berdi.

“Raqamli iqtisodiyot” atamasi birinchi bo'lib 1995 yilda Don Tepkott muallifligida chop etilgan “Raqamli iqtisodiyot: tarmoqli intellekt asrida va'da va xavf-xatar” (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) nashrida alohida tushuncha sifatida istiloh etilgan. Ushbu nashrda raqamli iqtisodiyotning asosiy tarkibiy qismlariga fundamental innovatsiyalar (yarimo'tkazgichlar, protsessorlar), asosiy texnologiyalar (kompyuterlar) va bog'lovchi infratuzilmalar (internet va telekommunikatsiya tarmoqlari) ajratib ko'rsatiladi.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA AKT: MUAMMO VA YECHIMLAR.**

*MMT-86 guruh talabasi  
Qodirov Nodirbek.*

Raqamli iqtisodiyot hozirgi zamon ilm fan rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlaridan biri. Bugungi kunda butun dunyoda yangi texnologiyalar yaratilishi ko'pchilik sohalar kabi iqtisodiyot sohasiga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Shu jumladan yangi aloqa va hamkorlik vositalari orqali xizmat ko'rsatishning turli usullari, suniy intellekt yordamida vazifalarni avtomatlashtirish va platformalar kabi biznes modellar paydo bo'moqda. Albatta bu iqtisodiyotda bir muncha qulaylilar yaratadi. Bu sohada bizning davlatda ham bir muncha ishlar olib borilmoqda. 2020- yilni “Ilm marifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish” yili deb e'lon qilinishi esa bu raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish naqadar muhim ekanligini ko'rsatadi.

Jahon iqtisodiyotining globallasuvi va texnologik rivojlanish sharoitida O'zbekiston iqtisodiy rivojlanishini raqamli iqtisodiyotsiz tasavvur qilish qiyin. Tadqiqotlarga ko'ra 2022-yilga kelib global YaIMning chorak qismi raqamli sohada bo'lishini tahmin qilinmoqda. Lekin xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalari rivojlantirish indeksi bo'yicha O'zbekiston 170 dan ortiq davlat ichida 103-o'rinda turishining o'zi yechimini kutayotgan masalalar va qilinishi lozim bo'lgan ishlar ko'pligidan dalolat beradi. Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi balki ortiqcha xarajatlarni ham kamaytiradi. Undan tashqari mamlakatni orqaga tortuvchi eng yomon illatlardan biri korrupsiyani yo'qotishning eng yaxshi usullaridan biri. O'z o'rnida qayd etib



etish lozimki, mamlakatimiz hayotida raqamli iqtisodiyotning ayrim elementlari allaqachon muvaffaqiyat bilan faoliyat ko'rsatmoqda. Jumladan, hujjatlar va kommunikatsiyalarning ommaviy ravishda raqamli vositalarga o'tkazilishini hisobga olib, elektron imzoga ruxsat berish, davlat bilan muloqot qilish ham elektron platformalarga o'tkazilmoqda. BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrishning ta'biri bilan aytganda, "raqamli iqtisodiyot yangi xavf-xatarlarni vujudga keltirishi mumkin, shu jumladan, kiberxavfsizlikka tahdidlar, noqonuniy iqtisodiy faoliyatning yengillashuvi, shaxsiy hayot daxlsizligini buzilishi bilan bog'liq sabablarni keltirish mumkin. Yangi qarorlar qabul qilish hukumatlar, fuqarolik jamiyati, akademik guruhlar, ilmiy hamjamiyat va texnologik sektorlarning hamkorlikdagi harakatini talab etadi".

Darhaqiqat, raqamli iqtisodiyot miqyosining kengayib borishida xalqaro hamkorlikni imkon qadar kuchaytirish zarur. Shu o'rinda mamnuniyat bilan qayd etish joizki, O'zbekistonda axborot xavfsizligi sohasida olib borilayotgan ta'sirchan chora-tadbirlar natijasida 2019 yilda Kiberxavfsizlik global indeksida 41 pog'onaga ko'tarilib, 52 o'rinni egalladi. Yoshlar duch keladigan onlayn xavf-xatarlarni bartaraf etish bo'yicha olib borilayotgan izchil ishlar doirasida O'zbekiston Axborot xavfsizligi markazi (TsOIB) mart oyida kollejar va akademik litseylarda kompyuter texnologiyalari bo'yicha qator o'quv seminarlarini o'tkazdi. 5G mamlakatlarning iqtisodiy ko'rsatkichlari va yalpi ichki mahsulotiga katta ta'sir ko'rsatishi belgilangan. 2016-yilda mobil texnologiyalar va xizmatlar dunyo miqyosida yalpi ichki mahsulotning 4,4 foizini tashkil qildi, bu iqtisodiy qiymatga ega 3,3 trln. 2020-yilga kelib bu ko'rsatkich 4,2 trln. AQSh dollaridan oshadi yoki dunyo yalpi ichki mahsulotining 4,9 foizini tashkil etadi, chunki tezkor mobil aloqaning samaradorligi va samaradorligi oshib boraveradi. Shunga o'xshab, GSMA mobil texnologiyalar va xizmatlar 2017-yilda Yevropada yalpi ichki mahsulotning 3,3 foizini tashkil qilganligini, qit'aning mobil ekotizimi esa 2,5 million ish uchun javobgardir. Yevropa dunyodagi eng yuqori darajada rivojlangan mintaqaviy mobil bozor bo'lib, 2017 yil oxiriga kelib 465 million noyob uyali abonentga ega bo'lib, bu aholining 85 foizini tashkil qiladi. YaIMning ulushi 2022 yilga kelib 4,1 foizgacha o'sishi kutilmoqda va Yevropada 2020 yilga kelib birinchi 5G ishga tushirilishi bilan, mamlakatlar yangi uyali tarmoqdan o'z foydalariga foydalanishga intilishadi. 5G potentsial iqtisodiy ta'sirining ahamiyatini chindan ham e'tibordan chetda qoldirmaslik kerak: AQSh 4G yetakchisi sifatida o'z o'rnini yaratish uchun ko'p ishladi, 4G mobil keng polosali ulanishi mamlakatning yalpi ichki mahsulotiga 100 milliard dollar qo'shdi. GSMA prognoziga ko'ra, 4G ulanishlar 2020 yilga kelib Shimoliy Amerikadagi beshta uyali ulanishning to'rttasini o'z ichiga oladi, bu boshqa global mintaqalarga qaraganda yuqori. Agar AQSh simsiz aloqa bo'yicha dunyoda etakchilik mavqeini yo'qotsa, bu ish o'rinlarining yo'qolishi va chet elga texnologiya innovatsiyalari ta'sirini sezishi mumkin. AQShning 4G yetakchiligidagi iqtisodiy foydasi yo'q bo'lib ketadi.

Raqamli iqtisodiyotning o'sishi uchun mamlakatning barcha imkoniyatlarini ochib berishga to'sqinlik qilayotgan O'zbekistonning telekommunikatsiya bozorida muammolar mavjud. Bozorni cheklovchi asosiy

omil investitsiyalarni kuchaytiradigan va narxlarni ko'taradigan raqobatbardosh raqobatdir. MDITC UzTelecom orqali ishlaydigan mamlakatning xalqaro shlyuzi ustidan monopoliyaga ega. Natijada IP tranziti narxi dunyodagi eng qimmat bo'lib qolmoqda va aholi jon boshiga nisbatan mamlakatning o'tkazish qobiliyati juda past. UzTelecom shuningdek, mamlakatda uzoq masofalarga xizmat ko'rsatuvchi eng keng tarmoqqa ega, garchi 2018-yil iyun holatiga ko'ra mamlakat uchun qariyb 24,500 ta ichki tolali kilometr xizmat ko'rsatadigan bo'lsa, bu mamlakat uchun bu ko'rsatkich past. Garchi bozorga kiradigan boshqa operatorlar, shu jumladan xorijiy kompaniyalarga nisbatan hech qanday qonuniy cheklavl qo'llanmasa ham, UzTelecom ISP ulanish uchun imtiyozli foydalanish va narxlarni olishiga oid aniq dalillar mavjud. Uyali aloqa operatorlari (MNO) uchun litsenziyalashning murakkab, noan'anaviy jarayonlari o'tmishda ba'zi xorijiy kompaniyalarni bozorni butunlay tark etishga majbur qildi va mavjud soliq tuzilmalari xususiy MNO o'sishiga to'sqinlik qilmoqda. Raqamlilash tirish katta va misli ko'rilmagan imkoniyatlarni taqdim etadi. Shu bilan birga, bunday transformatsion texnologiyalarning rivojlanishida jiddiy noaniqliklar saqlanib qolmoqda. Hukumatlar jamiyat uchun yuzaga kelishi mumkin bo'lgan oqibatlar va ushbu paydo bo'layotgan texnologiyalar ularning boshqaruv faoliyatida yuzaga keladigan tanqidiy muammolarni chuqurroq tushunishga intilishlari kerak.

Xulosa o'rnida aytish joizki, insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bog'liq bo'lib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi.

Xalqaro tajriba shundan dalolat bermoqdaki, bugungi kunda raqamli texnologiyalar asosan ilmiy hamjamiyat va xususiy sektorda jadal rivojlanmoqda. Shuning uchun davlat, aynan, ushbu sohalarda innovatsion loyihalar va IT-kompaniyalarni qo'llab quvvatlagan holda qulay ekotizimni yaratishi lozim. Shuningdek, davlat innovatsion va raqamli ekotizimni qo'llab-quvvatlash sohasida raqamli ta'limning zamonaviy metodlarini qo'llab-quvvatlashi, innovatsion xizmatlarni samarali tartibga solish normalarini ishlab chiqishi, yangi bozorlarni o'zlashtirishda ko'maklashishi hamda texnologik jarayonlarning chuqurlashuvida yuzaga chiqadigan risklarni pasaytirish choralarini ko'rishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

## **ФОНД БОЗОРИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЙОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА АКТ: МУАММО ВА YECHIMLAR**

*Atadjanova Mohira Azamatovna  
Toshkent moliya instituti magistri  
+998900000528*

Hozirgi kunda, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish qisqa tarixiy davrni o'z ichiga olganiga qaramay, bu boradagi jahon amaliyoti shuni ko'rsatadiki, raqamli

texnologiyalar savdo va Internet xizmatlarida, jumladan, elektron tijorat, Internet-banking, elektron to'lovlar, onlayn reklama, onlayn o'yinlar va boshqa sohalarda eng ko'p foydalaniladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 28-apreldagi "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4699 sonli qaroriga ko'ra, 2020-2021-yillarda barcha sog'liqni saqlash muassasalari, maktablar va maktabgacha ta'lim tashkilotlarini, shuningdek, qishloqlar va mahallalarni yuqori tezlikdagi Internet tarmog'iga ulash hamda aloqa xizmatlari sifatini oshirishni ko'zda tutgan holda mamlakatning raqamli infratuzilmasini to'liq modernizatsiya qilish va zamonaviy telekommunikatsiya xizmatlaridan barcha hududlarda foydalanish imkoniyatini ta'minlash, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish va zamonaviy iqtisodiyot uchun zarur bo'lgan raqamli bilimlarning darajasini oshirish, ta'lim infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, "Besh tashabbus" loyihasini amalga oshirish doirasida 2022-yilga qadar respublikaning barcha hududlarida raqamli bilimlarga o'qitish markazlarini ochish vazifalari belgilangan bo'lib[1], ularning ijrosi ta'minlangan taqdirda, mamlakatimiz aholining internet tarmoqlaridagi xizmatlarga bo'lgan imkoniyati va davlat muassasalari faoliyatida elektron raqamli texnologiyalar joriy etilganlik ko'rsatkichlari bo'yicha jahonda o'z nufuzini oshirish imkoniyatiga ega bo'ladi.

So'nggi yillarda axborot texnologiyalarining jadal rivojlanishi, Internetning hayotning barcha sohalariga, xususan, iqtisodiyotga keng kirib borishi "raqamli iqtisodiyot" rivojlanishiga turtki bo'ldi. Mamlakatimizning Global raqobatbardoshlik indeksi va Global innovatsion indeksdagi [2] rolini oshirish maqsadida ilmiy va innovatsion faoliyatni rivojlantirish, intellektual faoliyat natijalarini himoya qilish, mamlakat yalpi ichki mahsulotida axborot va kommunikatsiya texnologiyalari ulushini ko'paytirishga qaratilgan chora-tadbirlarning barchasi yuqori darajadagi xavfsizlikka ega raqamli tizimni yaratishni taqozo etadi.

Biroq, mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlanishiga to'sqinlik qiladigan boshqa muammolar mavjud. Bular qatoriga, birinchi navbatda, mamlakatda yuqori tezlikdagi Internetning yetishmasligi, masofaviy xizmatlarga aholi ishonchining pastligi (qog'oz kvitansiyalar va boshqa shunga o'xshash hujjatlarni olish bilan bog'liq holatlarda) va boshqalarni keltirish mumkin[3].

Shunga qaramay, bugungi kunda respublikada axborot tizimlari va ma'lumotlar bazalari sog'liqni saqlash ijtimoiy himoya, ta'lim, davlat xizmatlari, turizm kabi sohalarda bosqichma-bosqich joriy etilmoqda. Ta'lim sohasida zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanish yangi integratsiyalashgan ta'lim texnologiyalarini, shu jumladan Internet texnologiyalari orqali masofadan o'qitishni shakllantirishga imkon berdi. Optik keng polosali ulanish tarmoqlarini kengaytirish va optik tolali aloqa liniyalarini qurish, bundan keyin ham mamlakat bo'ylab EDVO, 3G va 4G LTE baza stansiyalarini o'rnatish bo'yicha ishlarni davom ettirish rejalashtirilgan. Bundan tashqari, korporativ sektorda multimedia xizmatlari ko'rsatish uchun studiyalar, axborot-ma'lumot xizmatlari markazlari, ma'lumotlarni saqlash va qayta ishlash, shuningdek tez-tez ishlatib turiladigan ma'lumotlarni saqlash (keshlash markazlari) tashkil etish

nazarda tutilgan. Zamonaviy AKT O'zbekiston korxonalarini va tashkilotlari faoliyatiga faol joriy etilmoqda. Masalan, 2019 yil boshida xizmat ko'rsatish sohasidagi O'zbekistonning 323,5 mingta faoliyat ko'rsatayotgan tashkilotlari va korxonalarining taxminan 213 mingtasiga, ya'ni bu sohadagi umumiy tashkilotlar sonining 65,8foiziga, zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari jalb qilingan. Axborot faoliyati bilan shug'ullanadigan va aloqa xizmatlarini ko'rsatadigan hozirgi tashkilotlar va korxonalariga kelsak, ularning soni qariyb 7400 tani tashkil qiladi[4]. Umuman olganda, aloqa va axborotlashtirish sohasidagi korxonalar va ishchilar sonining yildan yilga ko'payishi kuzatilmoqda.

Axborotlashtirish va aloqa sohasining o'sishi va rivojlanishiga qaramay, elektron xizmatlarni joriy etishning sustligi, hujjatlarni qog'ozdan elektron shaklga o'tkazish mexanizmlarining yetishmasligi, texnik va tashkiliy kamchiliklarning mavjudligi, avlodlar va ijtimoiy mavqeidagi farq (barcha xodimlar elektron xizmatlardan bir xilda foydalana olmasligi) va konservativ xodimlar faoliyati korxonalarda AKTni joriy etishning asosiy muammolari bo'lib qolmoqda. Vaziyatni o'zgartirish uchun korxonalar tegishli kasbiy bilimlarga ega xodimlarga ega bo'lishi, yetakchi texnologiya provayderlari bilan shartnomalar tuzishi va eng zamonaviy va samarali dasturiy ta'minot ishlanmalaridan foydalanishlari kerak.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA ISHLAB CHIQRISHNI TASHKIL ETISH VA BOSHQARISH**

*Mamatqulova Dilfuza Jamshedovna  
Toshkent moliya instituti magistri  
+998909210900*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 28-apreldagi "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4699 sonli qaroriga ko'ra, 2023-yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravarga ko'paytirishni nazarda tutgan holda, shu jumladan ishlab chiqarishni boshqarishda axborot tizimlari kompleksini joriy qilish, moliyaviy-xo'jalik faoliyatda hisobot yuritishda dasturiy mahsulotlardan keng foydalanish, shuningdek, texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish orqali uni jadal shakllantirish iqtisodiyot tarmoqlari va davlat boshqaruvi tizimiga zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy etish va telekommunikatsiya tarmoqlarini kengaytirish orqali respublika iqtisodiyotining raqobatbardoshligini yanada oshirish yo'lidagi vazifalardan biri sifatida belgilangan[1].

Internet islohotlari boshlanishi va mamlakatning iqtisodiy o'sishi bilan iste'molchilarning ishlab chiqaruvchidan kutadigan natija va ehtiyojlari shunday shakl kasb etdiki, qulaylik va zavq-shavq mahsulotni tanlashning muhim mezoniga aylandi. Bozorda bir nechta brendlar iste'molchilarning o'zgaruvchan ehtiyojlarini baholash, muvofiq mahsulotni ishlab chiqarish va kerakli xaridor miqdoriga erishish uchun bozor o'rnini topish uchun ishlashni davom ettirmoqdalar. Ushbu raqamli islohot Internetda yangi "bozor"ni ochib berdi, bu erda esa har qanday narsani toppish, ko'rib chiqish va, eng kamida, ushbu mahsulotga nisbatan virtual tuyg'uga ega bo'lish imkoniyati mavjud.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining 2019-yilgi sammitida rahbarlar o'sib borayotgan iqtisodiyotli mamlakatga sarmoya kiritish uchun yangi ishbilarmonlarni jalb qiladigan chegara bilmas iqtisodiy islohotlar haqida gapirishdi. Bu erda raqamli platforma chegara bilmas va uzluksiz iqtisodiyotni yaratish maqsadidagi ishtirokchilar, ayniqsa, raqamli marketingga ehtiyoji yuqori bo'lgan yirik ko'pmillatli korporatsiyalar(MNCs) uchun katta rol o'ynaydi[2].

Raqamli iqtisodiyotda ishlab chiqarishni tashkil etish tushunchasining mazmun-mohiyatini mahsulotning hayot siklini boshqarishni raqamlashtirishga asoslangan ishlab chiqarish maqsadlariga erishish uchun makon va vaqtdagi mehnat buyumlari va innovatsion vositalar hamda mehnat jarayonida zaruriy ko'nikmalarga ega yuqori malakali ishchilarning o'zaro samarali uyg'unlashuvi tashkil etadi. Mutaxassislarining fikriga ko'ra, raqamli transformatsiyaga to'sqinlik qiladigan eng ko'p kuzatiladigan sabablar qatorida quyidagilar ta'kidlangan[3]:

- korxonalarining 61 foizidagi eskirgan texnologiyalar;
- korxonalarining 64 foizida zarur bilim va ko'nikmalarga ega mutaxassislar jamoalarining yetishmasligi;
- korxonalarining 62 foizida mavjud va yangi texnologiyalar va ma'lumotlar integratsiyasining yetishmasligi.

Hozirgi kunda mamlakatimizda xorijiy hamkorlar bilan ilm-fanga asoslangan mahalliy mahsulotlar ishlab chiqarish bo'yicha qo'shma tashkilotlarni shakllantirish va bu mahsulotlarning tashqi bozorda sotilishini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashni kuchaytirish maqsadida respublikada ilm-fanga asoslangan va yuqori texnologiyali mahsulotlar ishlab chiqarishga mablag' sarflayotgan investorlarga imtiyozlar, preferensiyalar, davlat kafolatlari va kreditlar taqdim etish, shuningdek, innovatsion loyihalarni saralashda tartib-taomillarning ochiqligi va shaffofligini ta'minlash, ekspert kengashini shakllantirish tartibini, loyihalar samaradorligi va maqsadga muvofiqligidan kelib chiqib ularni saralash mexanizmini qayta ko'rib chiqish orqali tanlov tizimini takomillashtirish nazarda tutilgan.

Ishlab chiqarishni raqamli transformatsiya qilish sohasidagi tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, yangi raqamli texnologiyalar va menejmentning yangi usullaridan foydalanishda faol bo'lgan korxonalar o'zlarining raqobatchilariga qaraganda o'rtacha 26 foiz ko'proq foyda olishadi, raqamli texnologiyalarga katta mablag' kiritgan, ammo menejmentga yetarli e'tibor qaratmayotgan korxonalarining moliyaviy faoliyat natijalari 11 foizga pastroq, faqat menejmentni modernizatsiya qiladigan konservativ tashkilotlar 9 foiz foyda olishmoqda, ammo raqamli texnologiyalarni joriy etish natijasida ular natijani uch baravar oshirishi mumkin. Rivojlanish strategiyasini ishlab chiqmagan korxonalarining moliyaviy ko'rsatkichlari boshqa korxonalar bilan taqqoslaganda 24% pastroq[4].

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, yagona axborot maydoni sizga marketing tadqiqotlari, mahsulotlarni loyihalash, xarid qilish, ishlab chiqarishga tayyorlanish, ishlab chiqarish, sifat nazorati, qadoqlash, omborlar logistikasi, sotish, transport logistikasi, foydalanish, texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash jarayonlarini o'z ichiga oluvchi mahsulotlarning butun hayoti sikli davomida amalga oshiriladigan jarayonlarni qo'llab-quvvatlash imkonini beradi. Ishlab chiqarishni raqamli

transformatsiya qilish tezligini oshirish zarurati tufayli manfaatdor tashkilotlar va korxonalar ixtisoslashgan oliy o'quv yurtlari bilan hamkorlikda o'zaro tahlillar olib boorish bilan bir qatorda professional va uzluksiz ta'lim sohasidagi ta'lim standartlari va ishchi o'quv dasturlarini kelishib olishlari zarur.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA MENEJMENT VA MARKETINGNING DOLZARB MASALALARI**

*Ibragimov Xojiakbar Muzaffarjon o'g'li*  
*ibragimov.hojiakbar@mail.ru*  
*Toshkent moliya instituti magistri*  
*+9989903826262*

Jahon bozoridagi jadal siljishlar bilan raqamli iqtisodiyot haqiqatga aylanib ulgurdi. Raqamli iqtisodiyot tez o'sib bormoqda va rivojlanmoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan (AKT) biznesning barcha sohalarida faol foydalanish "global megatrend" ga aylandi [1]. Raqamli iqtisodiyotning dinamikasi global YaIMnikidan yuqori. Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot hajmi jahon YaIMning 4,5% dan 15,5% gacha bo'lgan qismini qamrab olgan. 2018 yilda butun dunyo bo'ylab elektron tijorat hajmi 29 trillion dollardan oshdi, bu butun dunyo savdosining taxminan 19 foiziga teng[2]. Jahon raqamli oqimlari to'g'ridan-to'g'ri investitsiya oqimlariga qaraganda muhimroqdir. Raqamli texnologiyalar iqtisodiyot va jamiyat transformatsiyasining dvigatellariga aylandi. Hozirgi kunda global iqtisodiyot iste'molchilarga nisbatan ko'proq onglilik darajasi, tarmoqlarning o'zgarishi, bozorlarning globallashuvi, biznesning katta noaniqligi va xatarlari, rivojlangan mamlakatlarda sust o'sish, iqtisodiy qudratning rivojlanayotgan iqtisodiyotlarga o'tishi va mijozlarning qiymatga bog'liqligi va hamma joyda yangi paydo bo'alayotgan xatarlar bilan ajralib turadi.

Raqamli texnologiyalar global kapital, iste'dod va boshqa manbalarni qo'lga kiritishni ancha osonlashtirdi. Rivojlanayotgan bozor kompaniyalari rivojlangan mamlakatlarning tashkil etilgan firmalarining global raqobatchilariga aylandi. Raqamli transformatsiyani boshdan kechirgan kompaniyalar orasida "super yulduzlar"(superstars) deb ataladiganlar bor, ular raqobatchilarga qaraganda daromadning sezilarli darajada katta qismiga ega. "Super yulduzlar"ning daromadlari butun dunyo bo'ylab korporativ foydalarning 13 dan 15% gacha va dunyo korporativ daromadlarning 22 dan 25% gacha tashkil etadi. Yangi global axborot kompaniyalari paydo bo'ldi, ular dinamizm va bozor ta'sirida eski Transmilliy korporatsiyalarni ortda qoldirdilar. Bozor ulushi bo'yicha eng yaxshi 10 ta yangi global raqamli transmilliy korporatsiyalar an'anaviy 10 ta ko'p millatli kompaniyalardan oshib ketdi va global raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning yetakchi kuchiga aylandi. Ushbu raqamli transmilliy korporatsiyalar orasida Google, Amazon, Microsoft, Alibaba va boshqalar kabi raqamli kompaniyalar guruhi mavjud.

Raqamli iqtisodiyot davrida menejment sohada yuzaga kelayotgan muammolarga to'xtalar ekanmiz, avvalo, menejment uslublari o'zgarib

borayotganligi, ya'ni yanada ochiqlik va kengroq ishtirok talab etayotganligini kuzatish mumkin. Yosh kadrlarning zamonaviy tendensiyalar va texnologiya to'g'risida yuqori darajadagi rahbarlarga nisbatan ko'proq bilimga ega ekanliklari ularning, aksariyat hollarda, rahbarlik lavozimlarini egallashlariga olib kelmoqda. Raqamli asrda muvaffaqiyat qozonish uchun yangi rahbarlar eklektik kelib chiqishga ega bo'lish hollari ko'p uchramoqda. Bosh direktorlar(CEO)ning hammasi ham moliya yo'nalishdagi ta'limga ega emas. Amaldagi tashkil etilgan kompaniyalarning bosh direktorlari(CEO) kelajakka yo'naltirilgan, tezkor va o'zgaruvchan muhitga tez moslasha olish qobiliyatiga ega bo'lmog'i talab etiladi[3].

Hozirda kompaniyalar tomonidan turli xil marketing vositalari qo'llaniladi, ba'zilari boshqalarga qaraganda ko'proq foydalaniladi. Masalan, kompaniyalarning bosh sahifasi va elektron pochta aloqasi eng ko'p ishlatilsa, mobil ilovalar, tabiiy qidiruv va pullik banner reklamalari juda kam qo'llaniladi. Ushbu kanallardan foydalanish vaqt o'tishi bilan o'zgarib boradi. Keyingi ikki-to'rt yil ichida elektron pochta aloqasi va kompaniyaning bosh sahifasi kompaniyalarning raqamli media vositasi sifatida faqat o'rtacha darajada foydalaniladi. Bundan tashqari, ijtimoiy media va mobil ilovalar juda ko'payadi va barcha raqamli marketing vositalarining markazi bo'ladi.

Ushbu raqamli davrda 3 xil toifaga bo'linadigan turli xil marketing keskinliklari aniqlanishi mumkin[4]:

- Biznes strategiyasi va mijozlar haqidagi tushunchalar;
- Bozorga o'tish operatsiyalari va bajarilishi;
- Tashkilot va imkoniyatlar.

Raqamli marketing tobora muhimroq va dolzarb bo'lib borayotganligi sababli, tashkilotda tashkiliy-huquqiy boshqaruvni boshqacha tarzda loyihalashtirish talab etiladi. (Raqamli) marketing to'liq birlashtirilishi va funktsional ustuvorliklar asosida boshqarilishi kerak.

Qisqa qilib aytganda, barcha muammolar to'rtta asosiy marketing muammolarida shakllanishi mumkin, bular:

- mijozlarning fikrlari va ma'lumotlaridan to'g'ri foydalanish;
- Ijtimoiy tarmoqlarning brendlar va mijozlar bilan aloqalari;
- Yangi ko'rsatkichlar va baholarning mavjudligi;
- Firmalar ichidagi iste'dodli xodimlar o'rtasidagi tafovutning ko'payishi.

Shu o'rinda, ularning mazmunini bir necha so'zlarda va misollarda ko'rib chiqamiz. Birinchidan, raqamli marketing dunyosi, shuningdek, mijozlarning dunyoqarashlari, didlari va tushunchalarini o'rganish imkonini yaratdi, bu xavfsizlik nuqtai nazaridan katta tahdidga aylandi, ammo katta imkoniyatlar uchun yo'l ochib berdi. Katta ma'lumotlardan foydalangan holda mijozlarni xaridning butun jarayoni davomida kuzatib borish mumkin. Bundan tashqari, ushbu mijozlarni samarali kuzatib borish reklama kampaniyalarini optimallashtirishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu katta ma'lumotlarga ega bo'lgan va bu bilan qanday munosabatda bo'lishni biladigan kompaniyalar o'zlarining raqobatchilaridan ustun turishadi. Ushbu katta ma'lumotlarning dolzarbligini oshganiga qaramay, bu

iste'molchilar huquqlarini buzish va shaxsiy ma'lumotlar daxlsizligi bilan bo'g'liq muammolarni keltirib chiqaradi.

Ikkinchidan, odamlarning ijtimoiy tarmoqlardan oladigan ta'sirlarini boshqarish qiyin, chunki odamlar o'zlarining firma yoki mahsulot bilan bog'liq tajribalarini bo'lishish orqali bir-biriga ham ta'sir qilishi mumkin. Bu ijtimoiy media turlari o'rtasidagi farqlarga olib keladi, natijada:

- Mijozlar tashabbusi bilan yaratiladigan ijtimoiy tarmoqlar: sharhlar, bloglar, reytinglar;
- Firma tashabbusi bilan yaratilgan ijtimoiy tarmoqlar: brendlar jamoalari va reklamalar.

- development, implementation and maintenance of information technologies in the agro-industrial complex. The organization of access of domestic agricultural producers to the foreign market is impossible without interaction with information, consulting and marketing services of foreign countries.

JSC "Agroinnovation" has established contacts with more than 60 foreign organizations, such as:

- CIMMYT (international center for the improvement of wheat and maize, Mexico);
- CARDA (International Center for Agricultural Research in Arid Regions, Syria);
- IRRI (International Rice Institute, Philippines);
- Institute of Zoology (Great Britain), etc.

Such a state structure as JSC "Agroinnovatsiya" is able to help organize the production of agricultural machinery by innovative methods.

However, despite the measures taken by the state, the subjects of the domestic agricultural market still have an acute shortage of certain information, because a particular domestic agricultural producer has to solve its specific everyday tasks on its own. In such cases, there is a need to organize a marketing service at a particular agricultural enterprise, which will take into account the peculiarities of both the internal and external marketing environment of the market [2].

However, it is necessary to make a reservation that domestic agricultural enterprises need to use not just marketing tools, but it is advisable to talk about marketing management. After all, without solving the internal organizational problems of enterprise management, without developing a pricing strategy, it is premature to talk about promotion methods, market research and full satisfaction of consumers with agricultural products.

As Gregory King noted in the 17th century, in agricultural markets, an increase in the physical volume of goods sold is accompanied by a decrease in total revenue. If the weather was favorable, then, bringing the entire product to market, agricultural producers will earn less money than last year with a moderate harvest, because the price of bread will fall in greater proportion to the supply of grain (the law of "grain prices"). Protection against excessive harvest can be provided by the state, which buys the surplus product from the producer at fixed prices. Such a task can not be solved by the state, but only by the agricultural producer himself.

In addition, agricultural products have a constant demand and a long life cycle, which makes it difficult to choose a strategy for expanding the range and marketers' research in this area should be aimed primarily not at finding product innovations and consumer requests, but at finding additional consumers, including in the international market space. But the sales function is only one of the important marketing functions of the enterprise. The main functions of the internal marketing service of an agricultural enterprise, in our opinion, can be distinguished as follows::

- development of the enterprise;
- long-term
- marketing

- strategy
- business development
- preparation of annual plans for the development of the enterprise;
- tracking government measures to support domestic producers;
- research of the competitive environment;
- research and analysis of product sales channels;
- establishing business relationships with product distribution channels;
- organization of participation in exhibitions and fairs;
- conducting negotiations with buyers of products and concluding contracts, focusing on long-term cooperation with partners.

Thus, the marketer of an agricultural enterprise is assigned more predictive and analytical functions, which implies a high level of professional training and masterful knowledge of agromarketing tools.

Product tools of agromarketing help to improve the quality characteristics of the products produced, price tools allow you to get the optimal benefit from the sale of products, "places" tools allow you to find the best "meeting place" of the seller and the buyer, and promotion tools increase the popularity and recognition of products among buyers.

Considering the price aspect of agromarketing, special attention is paid when conducting transactions with domestic agricultural companies. Enterprises recommended pay attention futures contracts, because it is with such contracts that the modern civilized market of agricultural products is associated.

#### Dynamic development

The agro-industrial complex of countries such as the United States and the European Union is associated with a developed structure of futures trading, in which all the subjects of the agricultural market are the winners.

The following advantages of futures trading for agricultural producers are undeniable:

- guaranteed sales orders for manufacturers;
- guaranteed purchase orders for processors;
- forecasts of prices for agricultural products for up to six months;
- reducing the risk from market price fluctuations.

Agricultural producers, having concluded futures contracts for the supply of products, are able to dictate the price to buyers. However, in Uzbekistan, there are factors that hinder the development of futures trading.

For example, how can a domestic grain producer enter into a long-term contract if it depends on a number of conditions, among which the most significant is the lack of information about the purchase price, future harvest, etc. But futures contracts are only one of the possible methods for improving price conditions. The price of agricultural products can be influenced by many factors, so it is necessary to use all the tools systematically and comprehensively [3].

And in improving the effectiveness of agromarketing tools, regular marketing research in various areas will help, both in the field of improving the quality characteristics of products, finding optimal sales channels, and in pricing and promotion of products.

In our opinion, this is an ideal scheme to be guided by when implementing agromarketing in the practice of agricultural enterprises. As can be seen from Figure 1, all decisions made are based on the goals of the enterprise and the results of marketing research, which is the basis for making the most balanced and effective decisions. The need for an effective system of distribution channels for agricultural products. In Uzbekistan, a big problem is the construction of a highly efficient system of distribution channels for agricultural products.

The movement of products from the producer to the consumer would be the most profitable scheme of commodity movement in terms of costs, but this is difficult to implement in practice due to the specialization of the agricultural producer and the lack of employees in most domestic firms engaged in such functions.

The implementation of these measures will allow increasing the yield of agricultural crops to ensure the accelerated development of processing industries, contribute to the saturation of the domestic market and improve the food security of the population, as well as increase the export potential of Uzbekistan. The improvement of the system of standardization and certification, the introduction of modern methods of marketing and logistics will ensure the further development of mutually beneficial cooperation between entrepreneurs and the business community on the issues of intensifying the production of fruit and vegetable products and viticulture, the development of advanced technologies for its deep processing.

*Sources:*

- (1). Main indicators of social and economic development of the Republic of Uzbekistan. T.: Goskomstat, 2000-2015.
- (2). Report of the first President of the Republic of Uzbekistan I. Karimov at the enlarged meeting of the Cabinet of Ministers devoted to the results of the country's socio-economic development in 2015 and the most important priority areas of the economic program for 2016 // The Popular Word. 2016. 16 January. №11 (6446).
- (3). FAO report. Access mode: [www.fao.org/statistics/ru](http://www.fao.org/statistics/ru) (reference date 05.12.2017).

**АГРОСЕКТОР ҚОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛИ  
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ**

*И.ф.д.,проф.Нуримбетов Р.И.  
PhD Ходжаева Ш.А.*

Ижтимоий тараққиётнинг замонавий босқичи юқори тезликдаги технологик тараққиёт билан ажралиб туради. Ўтган 30 йил мобайнида компьютерлар ва ахборот технологиялари жамиятда, жумладан, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларига

мустаҳкам ўрнашиб олди. Қишлоқ хўжалиги ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда ахборотлаштиришни жадаллаштириш келажакдаги ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирда ҳар қандай интенсив иқтисодий ўсишнинг марказида инновациялар туради. Сабаби инновация бу барча турдаги ресурслар (моддий, молиявий, инсон, вақт, ахборот ва ҳ.к.лар)дан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган жараёндир. Бугунги глобал иқтисодиёт шартлари рақамли қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш борасидаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш ўз навбатида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни талаб этмоқда:

- қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига техноген муҳит юкларини камайтириш;
- агросекторда қўлланиладиган технологияларни такомиллаштириш;
- агросекторнинг барча соҳаларида инсон капиталини ошириш;
- ишлаб чиқариш жараёнида озик-овқат маҳсулотларининг экология ва сифат талабларига жавоб беришини таъминлаш ва ҳ.к.лар.

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари қишлоқ хўжалиги маданияти билан мустаҳкам боғланган бўлиб, экинларни режалаштириш, суғоришни автоматлаштириш ва экинларни рақамли моделлаштиришдан тортиб, қорамолларни боқиш учун озуқа, мева-савзотларни етиштириш учун керакли ўғитларни ҳисоблашгача бўлган жараёнларни рақамлаштирилиши лозим. Қишлоқ хўжалигида ва умуман агросектор соҳаларида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш туфайли нафақат унинг унумдорлиги ошади, балки молиявий ва меҳнат харажатлари ҳам камаёди. Натижада маҳсулот сифати ошиб, фойда кўпаяди. Агросекторда рақамли иқтисодиётни жорий этиш бу аввало "ақлли" қишлоқ хўжалигига ўтишга асосланган жараёндир. "Интеллектуал" қишлоқ хўжалиги мураккаб автоматлаштириш ва ишлаб чиқаришни роботлаштиришга, автоматлаштирилган қарор қабул қилиш тизимларидан фойдаланишга, экотизимларни моделлаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий технологияларига асосланган ҳолда фаолият юритувчи агросектор корхоналарини модернизациялаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириши лозим.

Агросекторни рақамлаштириш, бир томондан, ташқи ресурслардан (агрокимё, ноорганик ўғитлар, ёқилғи ва ҳ.к.)дан ортиқча фойдаланиш ҳажмини камайтириш имконини беради), ва бошқа-маҳаллий ишлаб чиқариш омиллар (органик ўғитлар, биофаол, қайта тикланадиган энергия манбалари, ва ҳоказо) фойдаланишни максималлаштиради.

Агросекторни рақамлаштириш ("интеллектуаллаштириш") замонавий технологияларидан фойдаланиш қуйидагиларга имкон беради:

- ер ости сувлари ва тупроқнинг фойдали хусусиятларини сақлаб қолиш ва тиклаш;
- экологик хавфсиз ва самарали зараркунандаларни назорат қилишни таъминлаш;



– органик қишлоқ хўжалигини сертификатлаш талабларига риоя қилишни масофадан назорат қилиш ва ҳ.к.лар.

Натижада қишлоқ хўжалиги соҳасининг ва умуман агросекторда ишлаб чиқаришнинг имкониятлари кенгайиб, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошиб боради.

Олиб борилган тадқиқотларимизга асосланган ҳолда таъкидлайдиган бўлсак, агросектор корхоналари маркетинг фаолиятининг самарали бўлиши учун қуйидаги маркетинг технологияларидан фойдаланиши ва ривожлантириши керак:

таҳлил;

сегментация;

мақсадни аниқлаш;

жойлаштириш

прогнозлаш.

Юқоридагилардан ташқари, рақобатчиларнинг маркетинг фаолиятини доимий кузатиш, макро- ва мезо-муҳитдаги ўзгаришларга мос қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Агросектор корхоналарида прогнозлаш маркетинг-бозор истиқболини, унинг ривожланиш имкониятларини ва нарх динамикасини кузатиш учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиш воситалари ва усулларини ўз ичига олган асосий технологиялардан биридир.

Агросектор соҳасида самарали маркетинг фаолияти учун корхоналар маркетинг дастурларини, яъни фойдаланиладиган ресурслар ва уларни олиш манбаларини кўрсатувчи ўзаро боғлиқ вазифалар ва турли хил мақсадли чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишлари зарур.

Замонавий ўзгарувчан бозор шароитида агромаркетингда брендинг каби технологияга эътибор бериш керак. Сабаби аксарият агросектор корхоналари ўз маҳсулотларини товар сифатида сотиш ва уларни юқори қийматга эга товар сифатида ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас, бу эса айрим сабабларга боғлиқ. Биринчидан, уларнинг ўз маҳсулотлари брендини яратишлари учун катта инвестицияларга эҳтиёжлари бор. Иккинчидан, эса бу корхоналарнинг ҳуқуқий ишончсизлигидир. Яъни, уларнинг ҳаммаси ҳам бренддан ноқонуний фойдаланиши мумкин бўлган савдогарларни кузата олмайди. Учинчи сабаб – корхона мутахассисларида брендинг технологиясига оид билимларнинг йўқлиги, умуман замонавий маркетинг соҳасидаги билим ва кўникмаларининг етарли эмасликлари билан боғлиқ.

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, барча ривожланган мамлакатлар тажрибасида ўзининг ижобий натижасини кўрсатаётган рақамли иқтисодиётга ўтиш – бу давр талаби.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик тараққиёт шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши рақамли иқтисодиётни ривожлантирмасдан тасаввур этиш амри маҳолдир. Масалан, Accenture маслаҳат компанияси 2022 йилга бориб жаҳон ЯИМнинг тўртдан бир қисми рақамли сектор улушига тўғри келишини прогноз этмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашувнинг чуқурлашуви ва кескин рақобатчилик жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги даврда ҳар бир давлатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини кучайтириш ва ўз ўрнини сақлаб қолиши ва уни мустаҳкамлаб бориши тўғридан-тўғри рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва унинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ бўлмоқда.

Умуман олганда ҳозирги даврда мамлакатимиз агросекторида рақамли қишлоқ хўжалигини шакллантириш – бу келажакни ўзлаштиришдир. Стратегик кўрсатмалар рақамли иқтисодиётнинг, саноатнинг, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишида ва қишлоқ хўжалиги бўлимида ўз аксини топади. Рақамли иқтисодиёт элементларидан фойдаланиб ишлаб чиқаришнинг рақамли моделларини яратиш агросектор маркетингининг самарадорлигини оширади.

## **ОБЪЕКТИВНОСТЬ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ**

*Д.э.н., проф. Р.И.Нуриμβетов*

Все большее место в нашей жизни занимают цифровые технологии. Владение ими со временем станет обязательным требованием для любого специалиста в области строительства (не только для проектировщика). Выявленные теорией решения изобретательских задач (ТРИЗ) закономерности позволяют определить, как будет происходить внедрение цифровых технологий. Один из законов развития технических систем — закон вытеснения человека из технической системы . Данный закон статистический, выявлен при анализе большого количества изобретений. Согласно данному закону человек постепенно передает свои функции технике. Вначале функция передается с исполнительного уровня, затем с уровня управления и принятия решений. Первоначально все функции при строительстве выполнялись людьми. Ручной труд, использование природных материалов (камень, дерево), постройка домов, мостов, акведуков, крепостей и культовых сооружений большим количеством людей — характерные черты строительства прошлых веков. В современном строительстве многие функции от людей перенесены на различные технические системы, широко используется различная техника (экскаваторы, башенные краны, измерительные системы и пр.). Многие работы производятся техническими устройствами, выполняющими функции инструментов, преобразователей энергии, источника энергии. Часть работ при строительстве (отделка, кирпичная кладка, монтаж окон, монтаж дверей и пр.) еще выполняется с большой долей ручного труда. На таких операциях техника еще не вытеснила людей с уровня рабочего органа, источника энергии и преобразователя энергии, но трудоемкость таких процессов сокращается и на некоторых операциях (подготовка поверхности для отделки, оштукатуривание, заглаживание поверхности бетона) уже применяются решения, исключющие участие человека на уровне исполнителя. Не только на самом строительстве,

но и на предприятиях стройиндустрии процесс вытеснения человека происходит постоянно. Заводы стройиндустрии в этом даже опережают строительные площадки. Передовые заводы индустриального домостроения применяют автоматизированные производственные линии с оборудованием компаний Vollert, Weckenmann, EVG, MEP, Schnell, Elematic из Германии, Австрии, Италии, Финляндии. С уровня управления вытеснение человеческого фактора происходит не так явно. На стройке, на заводе стройиндустрии, в проектной компании решения принимаются людьми, но есть свои особенности. Рабочий 8 9 на стройке должен подчиняться не только прорабу, руководителю, но и строительным нормам, правилам техники безопасности, исполнять требования госстройнадзора, соблюдать требования технологических карт. У любого работника несколько руководителей, в том числе и информационные системы (строительные нормы, правила, регламенты). Несоблюдение норм может привести к несчастному случаю — травмам, нанесению вреда третьим лицам. Источниками команд являются инструкции, нормы, проектная и рабочая документация. С уровня принятия решений процесс вытеснения человека не так заметен. Сейчас прослеживается доминирование в принятии решений людьми на всех этапах инвестиционно-строительного проекта. Процесс вытеснения человека из технической системы протекает последовательно: замена органов чувств датчиками, перенос преобразования информации на технические устройства уже практически реализован. В последующем необходимо перенести функции принятия решений, команд, органов управления на технические системы. Закономерность вытеснения человека проявляется в различных производственных сферах — авиации, машиностроении, банковском деле, частично с уровнем принятия решений и источника команд человек уже вытеснен. Не исключение и строительная отрасль. Здесь также проявляется данный закон. Замещение человека происходит путем внедрения автоматизации, роботизации и цифровых технологий. Принципиальные задачи, решаемые при переходе к цифровым моделям в строительстве: — сокращение времени принятия решений (Time-to-Decision, T2D); — сокращение времени выполнения/реализации проектов (Time-to-Execution, T2E); — сокращение времени вывода продукции на рынок (Time-toMarket, T2M). Цифровые технологии на этапе проектирования позволяют наиболее полно учесть все факторы, влияющие на строительный объект в процессе его создания и при последующей эксплуатации. Число этих факторов растет, так как возрастает сложность строительного процесса: — растут объемы строительства: стоит задача достижения оптимального уровня строительства — необходимо строить в год не менее одного квадратного метра жилья в расчете на одного жителя страны; — увеличивается количество изделий, компонентов и сырья: появляются новые несущие конструкции, теплоизоляционные материалы, новые оконные системы и пр. Этот рост обусловлен постоянно возрастающими требованиями к комфортности жилья, энергоэффективности, снижению расхода ресурсов для проживания (вода, электричество, тепло и пр.); — сокращается время цикла строительства: длительный цикл строительства

приводит не только износу строительных конструкций до завершения строительства, но к повышенному риску потери финансовых средств в виде их «заморозки» при незавершенном объекте, банкротства, отказа в кредитах и пр.; — возрастает необходимость в производительных технологиях и организационных методах ведения работ. Согласно закону необходимого разнообразия Уильяма Эшби, невозможно управлять сложными процессами при помощи простой системы. Сложная система управляется только более сложной системой. Как следствие растут требования к проектировщикам, заказчикам, подрядчикам и т. д. Заказчики хотят получать не просто проекты строительных объектов, а решения по критериям минимизации затрат, с максимальным уровнем функциональности строительного объекта. Подрядчики часто не укладываются в сроки и стоимость работ на сложных объектах, не достигаются требуемые показатели производительности. Уровень производительности труда в среднем по промышленности в РФ составляет 26 % от уровня США, а в жилищном строительстве — 28 %. Такие страны как Германия, Швеция, Норвегия, Финляндия по производительности труда в строительном комплексе опережают Россию в 2—3 раза [2]. В Китае с 2011 года строят по миллиарду квадратных метров жилья в год. Объемы строительства в Китае с 1970 года выросли в финансовом выражении более чем в 200 раз. По данным журнала «Вестник гражданских инженеров» (№ 4(63), 2017) причинами отставания по производительности труда на 62 % от США являются: нехватка квалифицированных кадров и неэффективная организация производства (45 %); устаревшее оборудование и технологии (22 %); структурные особенности российской экономики (5 %). Уровень производительности труда, выраженный в отношении доли ВВП к проценту занятых в строительстве, снизился с 1998 года в два раза. При проектировании неизбежны ошибки, которые выявляются при строительстве. Исправление этих ошибок и внесение необходимых изменений в проект предусматривает длительную процедуру дополнительных согласований, отбрасывает процесс строительства обратно на стадию проектирования. Это процесс дорогостоящий, причем, чем дольше вносятся корректировки, тем больше издержек. Традиционные трудозатратные технологии (при компенсации низкой производительности ростом числа исполнителей) сталкиваются с проблемой сложности организации строительного производства и эффективного управления строительством. Неизбежен переход к новым подходам при изготовлении строительных материалов, так называемым аддитивным (природоподобным) 10–11 технологиям и фабрикам будущего. Необходима автоматизация, интеллектуализация и цифровизация строительных предприятий и процессов строительства, а также переход к «системной инженерии», то есть планированию не отдельных операций, а сразу всего жизненного цикла продукта, начиная от проектирования и заканчивая утилизацией. Есть несколько определений цифровых технологий (англ. Digital Technology). Цифровые технологии — это основанная на методах кодировки и передачи информации дискретная система, позволяющая совершать множество разноплановых задач за кратчайшие

промежутки времени. Цифровые системы, используемые в управлении, условно разделяются на следующие виды по своему функциональному назначению: — организации и управления, такие как технологии управления жизненным циклом изделий (PLM), автоматизированные системы управления технологическими процессами (ICS); — системы управления производственными процессами на уровне цеха (MES). Высокотехнологичные компании относят эти системы к ключевым технологиям, обеспечивающим достижение и поддержание конкурентоспособности. Растет потребность в специалистах данного профиля, инженерах и разработчиках. Новая парадигма цифрового проектирования и моделирования подразумевает использование сложных мультидисциплинарных математических моделей материалов, конструкций и физико-механических процессов с высоким уровнем достоверности. Такие математические модели, или цифровые модели, используют знания, которые применяются при проектировании, производстве и эксплуатации зданий и сооружений: 1) фундаментальные законы и науки (теория упругости, пластичности, колебаний, механика разрушения, динамика и прочность машин, тепломассообмен, гидроаэродинамика, акустика, математическая физика и т. д.); 2) цифровые геометрические (CAD) и конечно-элементные (CAE) полномасштабные модели реальных объектов и физико-механических процессов; 3) данные о материалах изделия, включая данные о поведении материалов при воздействии гравитационных, тепловых, электромагнитных и других полей, скоростном деформировании, вибрационном, ударном, мало- и многоцикловом нагружении; 4) информацию об эксплуатационных режимах (условия эксплуатации, нарушения нормальных условий эксплуатации, аварийные ситуации и т. д.), включая информацию, которая обеспечивает заданное поведение конструкции в тех или иных ситуациях (так называемое программируемое поведение); 5) данные о технологиях производства и сборки как отдельных элементов, так и конструкций в целом. Ключевым элементом цифровизации является цифровой двойник — цифровая «умная» модель объекта, обеспечивающая достоверность функционирования в пределах  $\pm 5\%$  и учитывающая особенности конкретного производства, технологии изготовления. Цифровой двойник должен постоянно пополняться данными об эксплуатации реального объекта и отображать его функциональное состояние в режиме реального времени. Такая модель фиксирует все данные о материалах, особенностях конструкции, произведенных операциях, испытаниях. Цифровой двойник позволяет вовремя определять дефекты и осуществлять ремонт, прогнозировать состояние объекта и принимать решения о режимах эксплуатации в дальнейшем. Все это дает возможность повысить безопасность, повысить эффективность систем, сократить производственные циклы. Создание цифрового двойника предполагает разработку многоуровневой матрицы целевых показателей и ресурсных ограничений (временных, финансовых, технологических, производственных и др.). Это дает возможность формировать цифрового двойника, который ведет себя так же, как и реальный объект на всех этапах жизненного цикла, включая этап

эксплуатации, с высокой степенью адекватности реальному физическому объекту. При этом отпадает необходимость в дорогостоящих НИОКР с материальными объектами, натурных испытаниях.

#### **Библиографический список**

1. Байбурин, А. Х. Надежность организационно-технологических систем : учеб. пособие / А. Х. Байбурин, Н. В. Кочарин, Д. А. Байбурин, С. М. Вайсман. — Челябинск : Изд. центр ЮУрГУ, 2018. — 84 с.
2. Байбурин, А. Х. Научно-исследовательская работа магистрантов инновационной программы с основами патентования / А. Х. Байбурин, Н. В. Кочарин, И. А. Шишкеедова, Б. В. Шмаков. — Челябинск : Полиграф Центр, 2019. — 79 с

### **SUG‘URTA KOMPANIYALARI FAOLIYATI UCHUN YARATILGAN INTERNET IMKONIYATLARI**

*Mavrulova Nilufar Abduxalilovna*

*Toshkent moliya instituti*

*“Sug‘urta va pensiya ishi” kafedrasi dotsenti, PhD*

Butun dunyo hamjamiyati shuni tan olmoqdaki, XXI asrda bilim eng bebaho resurs sifatida – iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotning harakatlantiruvchi kuchi sifatida namoyon bo‘ladi. Bilim va axborotlarni yaratish, uzatish va ularga ega bo‘lish tez sur‘atlarda amalga oshayotgan bir davrda ularni eslab qolish imkoniyati mavjud emas. Bilim va axborotlarni yig‘ish, tanlash, qayta ishlash, uzatish va amaliyotda qo‘llashning vosita va usullariga ega bo‘lish zarur. Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, madaniy va ekologik sohalarda jiddiy o‘zgarishlarga sababchi bo‘lgan globallashuv jarayonida, ayniqsa, AKT sohasidagi keskin taraqqiyot axborot resurslarining rivojlanishiga olib keldi. Bu esa foydalanuvchilardan axborotdan unumli foydalanishni talab etadi. XXI asrning insoniyatga taqdim etgan afzalliklaridan biri AKT imkoniyatlari bo‘lib, u aynan shu talabga javob beradi, ya’ni bugungi kunda inson AKT imkoniyatlaridan foydalanibgina qolmay, balki ularni kundalik faoliyatida to‘g‘ri va unumli joriy etish, ko‘zlangan maqsadlari yo‘lida yutuqlarga erishishiga ko‘mak berishi shartdir. Bugungi kunda internet imkoniyatlaridan xabardor bo‘lish va ulardan foydalana bilish zarurati ortib bormoqda. Dastlab internet bu turli-tuman ma’lumotlar, bilimlar ombori edi. Endilikda internet yordamida birgalikda unumli ishlash imkoniyatlari ham rivojlanib bormoqda. Internet aynan shu imkoniyatlari bilan foydalanuvchilarni o‘ziga jalb etmoqda, mazkur imkoniyatlar, ayniqsa, tadbirkorlik faoliyatida, xususan sug‘urta tizimida juda asqotmoqda. Buning uchun ushbu imkoniyatlardan unumli foydalanish zarur. Masalan, kundalik faoliyatda zarur bo‘lgan axborotlarni topish, yangiliklar bilan tanishish, sug‘urtalanuvchilar bilan muloqot qilish, zarur anjomlar va texnologiyalarni sotib olish va to‘lovlarni amalga oshirish uchun foydalanilmoqda. Internetda o‘z kompaniyasi hamda sug‘urta xizmatlari haqidagi ma’lumotlarni veb-sahifada va jamoa tarmoqlariga joylashtiruvchi kompaniyalar soni o‘sib bormoqda, internet orqali xizmatlarni amalga oshiruvchi kompaniyalar soni ko‘paymoqda. Sug‘urta to‘lovlarni bajarish uchun ham bankka borish zarurati yo‘qolib bormoqda. Sug‘urta sub’ektlari uchun internet yordamida yangiliklarni

olish va yuborish qulay bo‘lib qoldi. Quyida tadbirkorlar, xususan, sug‘urta kompaniyalari uchun internet imkoniyatlari sanab o‘tiladi:

- ma‘lumotlarni topish, olish, saqlash va ular ustida ishlash;
- yangiliklardan xabardor bo‘lish, yangi mijozlar va hamkorlarni topish;
- sug‘urta mahsulotlarini ishlab chiqish va sotish imkoniyati kengligi;
- marketing va bozor monitoringini amalga oshirish;
- raqobatlarining ish faoliyatini nazorat qilish;
- to‘lovlarni bajarish, biznesni boshqarish;
- yangi g‘oyalar va loyihalar haqida ma‘lumot olish va biznesni rivojlantirish, tezkor aloqa qilish va murojaat etish.

Ushbu imkoniyatlarga erishish uchun internet texnologiyalaridan unumli foydalanish zarur. Shu bilan birga, sug‘urta kompaniyasi va u ko‘rsatadigan sug‘urta xizmatlari haqidagi ma‘lumotni internetga joylashtirish va uni ommalashtirishni yo‘lga qo‘yish muhimdir. Biznesni boshqarish uchun mavjud bo‘lgan imkoniyatlardan foydalanish mumkin. Internet dastlab bir necha harbiy tadqiqotchilik markazlari o‘rtasida axborot resurslaridan birgalikda foydalanish uchun yaratilgan edi. Keyinchalik ushbu imkoniyatdan olimlar va tadqiqotchilar foydalana boshladi. Yildan-yilga uning imkoniyatlari oshib bordi, natijada uning foydalanuvchilari doirasi ham kengaydi. Bugun internet bir qator imkoniyatlarga ega, aynan ushbu imkoniyatlar uning keng ommaga manzur bo‘lishi sababchisidir. Shuning uchun hozirgi kunda internet kattayu-kichikning eng yaqin do‘stiga aylandi. Umuman olganda, internet quyidagi imkoniyatlarga ega:

- elektron pochta xizmati, erkin muloqot qilish (chat, forum, videokonferensiya);
- ma‘lumotlarni olish va tarqatish (veb-sahifalar, veb-bloglar, jamoa tarmoqlari, axborotnomalar, yangiliklar), elektron tijorat.

Elektron pochta xizmati oddiy pochta vazifasini bajaradi. U bir elektron manzildan ikkinchisiga ma‘lumotlar jo‘natilishini hamda qabul qilinishini ta‘minlaydi. Elektron pochta yordamida xat, rasm, hujjat, jadvallar, audio va video-fayllarni yuborish va qabul qilish mumkin. Eng asosiysi, xat bir zumda o‘z manziliga yoki bir necha manzilga yetib boradi. Elektron xatni o‘qish uchun elektron pochta qutisini ochish zarur, bu maxsus pochta tarmog‘i yoki internet tarmog‘idagi elektron pochta xizmatlari orqali amalga oshiriladi. Internet foydalanuvchisi elektron manzil yordamida internetning turli xizmatlaridan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

Muloqot qilish – internet foydalanuvchilari o‘zaro muloqot qilishi uchun muhit yaratadi. Matn, ovoz va video aloqa yordamida muloqot qilish mumkin bo‘ladi. Forum va chatda klaviatura yordamida chop etish orqali muloqot qilish mumkin. Lync, Gmail, Mailagent, Skype, Viber kabilar orqali audio va video aloqalarni ham amalga oshirish mumkin. Telefonda muloqot qilinganda suhbatdoshni faqatgina eshitish mumkin. Video aloqa yordamida esa suhbatdoshni eshitish bilan birga, uni ko‘rish ham, ya‘ni suhbatdoshning mavzuga bo‘lgan munosabatini kuzatish mumkin, ayniqsa, sug‘urta faoliyatida bu texnologiya juda qo‘l keladi. Bir paytning o‘zida bir necha kishi bilan video aloqa o‘rnatish mumkin.

Ma‘lumotlarni tarqatish – internet imkoniyatlaridan biridir. Uning yordami bilan yangiliklarni va axborotlarni keng doiraga qisqa vaqt ichida tarqatish

mumkin. Bu axborot uzatishning eng tez va arzon usulidir. Bunda axborot 24 soat davomida mijozlar e'tiborida bo'ladi. Sug'urta faoliyatiga oid ma'lumotlarni veb-sahifalar, veb-bloglar, jamoa tarmoqlarida, axborot portallarida, axborotnomalar va tarqatmalar yordamida tarqatish mumkin. Kundan-kunga internet mijozlari soni o'sishi uni eng unumli ommaviy axborot vositasiga aylantirmoqda.

Elektron tijorat – bu internetda savdo-sotiqni amalga oshirishdir, uning imkoniyatlari turli-tuman bo'lib, internet orqali texnika, dori-darmon, kiyim-kechak va oziq-ovqat mahsulotlarini sotish yoki xarid qilish va xizmat ko'rsatish mumkin, bu xizmat yordamida sifatli mahsulot sotish bilan birga, vaqt va mablag'ni tejash mumkin. Ushbu usuldan korxonalar hamda jismoniy shaxslar foydalanmoqda, shuning uchun bu texnologiya tezda rivojlanmoqda. Ba'zi korxonalar savdo-sotiqni faqat internet orqali amalga oshirmoqda.

## **SOME PROBLEMS OF LENDING INDIVIDUALS AND THEIR SOLUTIONS**

*Shohruh Abdunazarov*  
*Independent Researcher of TIF*

Despite a number of effective reforms in the banking system of Uzbekistan, carried out in recent years, there are still pressing problems that need to be addressed. This issue was resolved in the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures to increase the popularity of banking services" to further strengthen the rights and legitimate interests of consumers of banking services, especially in the regions, and financial transparency, as well as the culture of service and trust in the banking system, noted a number of problems and shortcomings. In particular, over-centralization of authority in the allocation of loans impedes a clear delineation of responsibilities between parent banks and their branches, complex mechanisms for processing loan applications and limited access to credit.

Indeed, research and practical experience show that along with the growing demand for bank loans from individuals, this raises a number of conflicting issues. These include the weakness of the banks' stable financial resource base, the difficulty of applying for a loan and the loan process, and non-payment of loans and interest accrued on time.


Although the main purpose of lending to commercial banks is to generate income, full and timely repayment of the loan principal and interest accrued on it is one of the most important issues. Thus, the process of determining the creditworthiness of a borrower, evaluating and registering collateral accepted as collateral for a loan, or evaluating the financial performance of guarantors requires a certain amount of time and expense. In particular, the lack of competition between commercial banks in Uzbekistan negatively affects the range and quality of their services. In some cases, this is aggravated by the fact that commercial banks attract and look for clients not by offering their services, but by obtaining loans and issuing documents from individuals in a situation where banks constantly turn to clients with a request to satisfy their needs.

Although the share of loans to individuals in the loan portfolio of commercial banks in 2015-2019 averaged 16.8% [9], loans provided by banks to individuals



will primarily satisfy the population's demand for consumer goods and services and increase their solvency, which will allow banks to receive stable profits and minimize credit risks.

Lending to individuals is one of the most important areas in international banking practice, and below is the ratio of loans to individuals to GDP by banks in Uzbekistan and some other countries.



**Graph 1. The share of loans to individuals in GDP in Uzbekistan and various countries of the world (as of 01.01.2019)**

These data show that in some countries the share of loans to individuals in the country's GDP exceeds 40%. From this we can conclude that lending to the population serves to meet their various needs and, most importantly, to increase sales of production and service organizations.


Given the particular importance of lending to individuals in the context of a pandemic in our country, it can be noted that they are provided with the following types of loans:

- Consumer loan;
- Overdraft loans;
- Mortgage loans;
- Microcredit (for entrepreneurial activity).

Information on the composition of loans to the population is presented in the figure below.

Graph 2 presents that as of 2019, the balance of loans to the population amounted to 50.9% of mortgage loans, 17.4% of consumer loans, 13.9% of car loans, 8.0% of microloans as well as 9.8% of other loans.

It should be noted that the rapid growth of liabilities on bank loans, in turn, led to an increase in the debt burden on bank loans (calculated on the basis of the ratio of payments on loans to income) by nearly 5% in 2019 and 34% as of January 1, 2020. In international practice, it is recommended that the debt burden should not exceed 50% of the credit-to-income ratio [10].



**Graph 2. Structure of credit investments allocated to the population (in percent)**

Therefore, in order to prevent an excessive increase in the population's debt obligations to credit institutions, from March 20, 2020, the upper limit of the population's credit load was introduced.

The following topical issues remain that negatively affect the development of lending to individuals in Uzbekistan:

- Weakness of the long-term financial resource base of commercial banks. In particular, in recent years, the share of deposits in the resources of commercial banks has decreased from 59.7% as of January 1, 2016 to 37.3% or 22.4 points as of January 1, 2019. 7 and 55.6 percent, or an increase of 24.9 points;<sup>71</sup>

- high interest rates on loans. It is known that individuals must repay interest payments along with the principal amount of the loan. At the same time, on average, this interest rate is 24-26%, which is even higher in some banks, which, in turn, leads to the transfer of incomes of the majority of the population borrowing from banks to loans and accrued interest;

- the low monetization ratio in the banking system as of January 1, 2020 was reduced by 17.4%, and the high refinancing rate of the Central Bank was reduced from 15% to 14% on April 14, 2020. These factors also negatively affect the process of lending to individuals by commercial banks;

- major issues, such as problem on loans taken out by individuals, or an increase in NPL (Non-Performing Loans).

In short, the solution of the above issues and the implementation of the recommendations will have a positive impact on improving the standard of living and sustainable development of the national economy, as well as improving the volume and quality of lending to individuals by banks.

<sup>71</sup> Compiled by the author based on statistics of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan for 9 months of 2018.

## **HUDUDIY VA MAHALLIY G‘AZNACHILIK ORGANLARINING FAOLIYATI VA YO‘NALISHLARI**

**G‘aniyev Shahriddin Vohidovich – TMI, Dotsenti**

O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligining maqsad va vazifalari quyidagi bir qancha muhim qonun hujjatlari bilan belgilangan: O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Davlat byudjetining g‘azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2007 yil 28 fevraldagi PQ-594-son qarori; “Davlat byudjetining g‘azna ijrosi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining G‘aznachiligi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida” 2007 yil 20 martdagi 53-son qarori. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Davlat byudjetining g‘azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2007 yil 28 fevraldagi PQ-594-son qaroriga muvofiq quyidagilar O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligining asosiy maqsadlari qilib belgilangan. Zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda byudjet mablag‘lari maqsadli sarflanishi ustidan nazoratni kuchaytirish va barcha darajalardagi daromadlar va xarajatlarini boshqarish samaradorligini oshirish. Ushbu maqsadlar uchun yuqorida ko‘rsatib o‘tilgan qonun hujjatlari bilan G‘aznachilikka quyidagi asosiy vazifalar yuklangan. Jumladan,

- davlat byudjetining kassa ijrosi.
- tushadigan daromadlarni turli darajadagi byudjetlar o‘rtasida taqsimlash, byudjetdan mablag‘ oluvchilarning xarajatlar smetalari ijrosi va Davlat byudjeti ijrosi to‘g‘risida hisobot tuzish;
- davlat byudjeti mablag‘larini yagona g‘aznachilik hisobvarag‘i, shuningdek tegishli byudjetlar daromadlari va xarajatlari o‘rtasidagi kassa uzilishlarining oldini olishni ta‘minlaydigan hududiy g‘aznachilik hisobvaraqlarini joriy yetish orqali boshqarish;
- byudjet tashkilotlarining tovar (ish, xizmat)lar yetkazib beruvchilar bilan shartnomalarini, shuningdek Davlat byudjeti mablag‘lari hisobidan kapital qurilish bo‘yicha buyurtmachilarning shartnomalari xarajatlar smetasida ko‘rsatilgan summalar va maqsadlarga qat‘iy muvofiq ravishda tuzilishi ustidan qattiq nazorat o‘rnatish asosida mazkur shartnomalarni majburiy ro‘yxatdan o‘tkazish tartibini joriy yetish orqali byudjet tashkilotlarining maqsadga nomuvofiq, asossiz xarajatlarning oldini olish;
- byudjet tashkilotlarini, shu jumladan mudofaa va xavfsizlik tuzilmalarini moliyalashga yo‘naltiriladigan byudjet mablag‘laridan foydalanishni maqbullashtirish ustidan monitoringni amalga oshirish, bunda ular tomonidan tuzilayotgan shartnomalarning sifati ta‘minlanishini, ularning maqsadga muvofiqligi va narx-navo yechimini nazarda tutish hamda vositachilik xizmatlaridan voz kechish;
- xarajatlar smetasi va ro‘yxatga olingan shartnomalarda nazarda tutilgan qat‘iy summalar doirasida tovar (ish, xizmat)lar yetkazib beruvchilarning bevosita

hisobvaraqlariga byudjet mablag‘lari oluvchilar nomidan va ularning topshirig‘i bo‘yicha to‘lovlarni amalga oshirish orqali to‘lov intizomiga so‘zsiz rioya yetilishi ustidan ta’sirchan nazoratni ta’minlash;

- davlat xaridlari bo‘yicha axborot bazasini yaratish va muttasil yangilab borish, davlat xaridlarini amalga oshirishda narx belgilash jarayonini nazorat qilish;

- kichik biznes subyektlari keng ishtirok yetishini nazarda tutadigan davlat xaridlarini amalga oshirishda tanlov va tender tartibotlarini takomillashtirish va qo‘llashni kengaytirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish;

- O‘zbekiston Respublikasiga kelayotgan barcha turdagi, shu jumladan nomoddiy shakldagi muruvvat yordami va texnikaviy ko‘maklashish vositalarining to‘liq hamda tizimli hisob-kitobini yuritish;

- davlat byudjeti g‘azna ijrosining buxgalteriya hisobi va hisobotini yuritish, Davlat byudjeti ijrosi haqida axborot yig‘ish, qayta ishlash va tahlil qilish, shuningdek O‘zbekiston Respublikasining davlat ichki va tashqi qarzlariga xizmat ko‘rsatish, O‘zbekiston Respublikasi kafolatlarini ijro yetish;

- g‘aznachilik davlat xaridlari bo‘yicha Hukumat komissiyasining ishchi organi funksiyasini amalga oshiradi. G‘aznachilik tuzilmasi va uning faoliyatini tashkil etish G‘aznachilik tuzilmasi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan tasdiqlanadi.

G‘aznachilikni O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi g‘aznachiligi boshlig‘i boshqaradib g‘aznachilik boshlig‘i O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti bilan kelishgan holda, O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirining taqdimiga ko‘ra Vazirlar Mahkamasi tomonidan lavozimga tayinlanadi va lavozimdan ozod qilinadi.

G‘aznachilik boshlig‘i o‘rinbosarlari G‘aznachilik boshlig‘ining taqdimiga ko‘ra O‘zbekiston Respublikasi Moliya vaziri tomonidan lavozimga tayinlanadilar. G‘aznachilikning hududiy bo‘linmalari boshliqlari O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan belgilangan tartibda g‘aznachilik boshlig‘i taqdimiga ko‘ra O‘zbekiston Respublikasi Moliya vaziri tomonidan lavozimga tayinlanadi va lavozimdan ozod qilinadi.

G‘aznachilikning hududiy bo‘linmalari to‘g‘risidagi nizomlar O‘zbekiston Respublikasi moliya vaziri tomonidan tasdiqlanadi. G‘aznachilik va uning hududiy bo‘linmalari yagona markazlashtirilgan tizimni tashkil qiladi hamda quyi boshliqlarning yuqori boshliqlarga va O‘zbekiston Respublikasi moliya vaziriga bo‘ysunishi va hisobot berishi asosida faoliyat ko‘rsatadi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak g‘aznachilik o‘ziga berilgan vakolatlarga muvofiq o‘z hududiy bo‘linmalari faoliyati ustidan tezkor boshqaruvni va nazoratni amalga oshirib kelayotganligi maqsadga muvofiqdir.

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович*  
*Бухоро давлат университети*  
*Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD)*

Дунёда ахборот технологияларининг ривожланиши жараёнида, рақамли иқтисодиёт атамаси юзага келди ва ушбу атама биринчи марта Канадалик олим Дон Тапскот томонидан "Электрон рақамли жамият: тармоқ асрининг афзалликлари ва камчиликлари» китобида 1995 йилда ишлатилган. Унинг фикрича, бозор субъектлари фаолиятини рақамли трансформациялашнинг асосий омили рақамли маъданиятни ривожлантириш ҳисобланади.<sup>72</sup> **Рақамли иқтисодиёт** – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди (“Рақамли дивидендлар”).<sup>73</sup>

Рақамли иқтисодиёт - замонавий миллий иқтисодларнинг қиёфасини ўзгартириб, уларнинг самарадорлигини ва шаффофлигини оширмоқда. У бугунги кунда жаҳон иқтисодининг драйвери, ривожланиш белгиларидан бири. Рақамли иқтисодиёт - бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлар яратиш ва уларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. Рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. “Рақамли” атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади.

Дарвоқе, “рақамли иқтисодиёт” атамаси миллий қонунчилигимизда илк бор қўлланилмоқда. Бироқ дунё тенденцияси шуни кўрсатаптики, барча ривожланган давлатлар уни шакллантиришга аллақачон киришган. Зеро, биз глобаллашув, дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш ҳақида

<sup>72</sup> Don Tapscott, Alex Tapscott. Blockchain Revolution: How the Technology Behind Bitcoin is Changing Money, Business, and the World, 2016, 324 pages.

<sup>73</sup> Положихина М.А. ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА КАК СОЦИАЛЬНОЭКОНОМИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-ekonomika-kaksotsialno-ekonomicheskii-fenomen>

гапирарканмиз, бу борада ўзгарган (трансформация қилинган, янгиланган) иқтисодиёт равнақи муҳим саналади.

Яратилган маҳсул бошқарма иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш билан шуғулланади. Бу йирик саноат объектлари иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

Агар глобал нуқтаи назардан қаралса, бугун башарият жаҳон иқтисодиёти тармоқлари, инсонлар ҳаёти, турмуш асослари ўзгариши билан боғлиқ қизиқ даврни бошдан кечирмоқда. Бу барча технология, компьютерлар интернет орқали бир-бири билан боғланиб бораётгани ила изоҳланади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қарийб беш миллиард қурилма бутунжаҳон “ўргимчак тўри”га уланган. Яқин беш йил ичида уларнинг сони йигирма миллиардга етиши кутилаётир.

Айни пайтда сунъий ақл ва когнитив интеллектуал тизимлар жадал тараққий топапти. Бунинг натижасида яқин келажакда айрим касблар ўз долзарблигини йўқотади ҳамда вақти келиб, йўқ бўлиб ҳам кетади. Мисол учун, “IoT” автоматлаштирилган тизими аллақачон синовдан ўтказилаяпти. Пировардида роботлар автомобиль ҳайдовчилари, учувчилар ва ҳатто, ҳуқуқшуносларнинг ҳам ўрнини эгаллаши мумкин.

Келгусида механик ҳамда жисмоний меҳнат ўрнини робототехника эгаллаши кун сайин ойдинлашиб бораёпти. Шунинг учун стратегия ишлаб чиқиш, рақамли кўникмаларни оммавий шакллантиришни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Ёшлар янги касблар, турли технологиялардан фойдаланиш, компьютерлар, интернет, катта миқдордаги рақамли маълумотларга ишлов беришга тайёр туриши керак. Яъни қандайдир жараёнлар автоматлаштирилар экан, одамларни бошқа, янада долзарб интеллектуал касбларга йўналтириш лозим. Агар бу иш қилинмаса, “рақамли узилиш” дея номланувчи ҳолат юзага келади ва у АКТнинг жадал ривожланиши билан ўткирлашиб бораверади. Қисқача айтганда, бугун рақамли иқтисодиётнинг иккита вазифаси бор: амалдаги жараённи изчил автоматлаштириб бориш ҳамда одамларни ўз фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ МОНТАЖ РИСКЛАРИ СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Кенжаев Илҳом Ғиёзович*

*Тошкент молия институти, «Суғурта ва пенсия иши»  
кафедраси доценти, Ph.D*

*Тухтарова Мафтуна Йўлдашбой қизи*

*Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти,  
“Амалий математика ва информатика” кафедраси ассистенти*

Ҳозирда қурилиш ишларига талабнинг ортиб бораётганлиги, шу билан бир қаторда қурилиш соҳасида содир бўлаётган техник тараққиёт қурилиш-монтаж ишлар қийматининг ошиб бориши, ҳамда фойдаланилаётган техник востиларнинг замонавийлашуви оқибатида техник ва иқтисодий суғурта рискани қурилиш билан боғлиқ рискларнинг ишончли суғурталашга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бундай ҳолатда қурилиш пудрати шартномаси бўйича томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, суғурта ҳодисалари оқибатида пайдо бўладиган қурилиш таваккалчиликлари қопланишини ва зарарлар тўланишини таъминлашдан иборат. Шунинг учун қурилиш ишларини суғурталаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг асосий сабаби катта маблағларни сарф қилишдан асосий мақсад катта фойда олишдир ва иқтисодиётда қўшилган қиймат ҳажмини оширишдир. Агар бу малағлар бирон-бир ҳодиса туфайли бу маблағларнинг йўқолиб қолиши иқтисодиётнинг ривожланишига ўз таъсирини бевосита кўрсатади. Шунинг учун ҳозирги пайтда республикамизда қурилиш ишларини суғурталаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш пудрати шартномаси бўйича томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, суғурта ҳодисалари оқибатида пайдо бўладиган қурилиш таваккалчиликлари қопланишини ва зарарлар тўланишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаларидан бирига айланиб бормоқда. Шунингдек объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар эвазига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” 1999 йил 20 декабрда №532-сонли қарорига асосан қабул қилинган Низомга мувофиқ амалга ошириб келинмоқда. Ушбу Низомга асосан назарда тутилган таваккалчиликларни мажбурий суғурта қилиш бўйича чекланган тарифлар суғурта пулининг 0.4 фоизи миқдорида этиб тасдиқланди.

Ҳозирда қурилиш рискларининг суғурталаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори 1-иловаси “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомни 1-иловасида келтирилган Суғурта фаолияти классификаторини белгиланган тармоқ асосида келтирилган класслар доирасида суғурталанади. Унга кўра қурилиш рискларининг

суғурталаш умумий суғурта тармоғини 8-9-класслари доирасида суғурта муносабатларни амалга ошириб келинмоқда. Унга кўра 8-класс мол-мулкни оловдан ва ҳар хил табиий офатлар натижасида зарарланганда ёки 9-классда 8-классда кўрсатилмаган ҳолатлар яъни қаттиқ совуқ тушиши, қалин қор ёғиши муносабати билан мол-мулк зарарланганда суғурта пули тўланиши таъминланади.

Маълумки суғурта муносабатлари асосан икки хил шаклда амалга оширилади. Булар ихтиёрий ва мажбурий суғурта шакллари асосида. Кейинги йилларда суғуртанинг мажбурий шаклига Ҳукуматимиз томонидан бўлган эътибор жуда катта қаратилмоқда. Чунки охириги 3 йил мобайнида суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича яъни суғуртанинг мажбурий шаклига оид қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганлиги бунинг исботидир. Бу ўз навбатида жисмоний ва юридик шахслар ўртасида суғурта маданиятини оширишда беминнат хизмат қилиб келмоқда. Шундай бўлсада суғуртанинг фаолиятида баъзи бир муаммолар юзага келмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги хулоса ва таклифларни беришни мақсадга мувофиқ топдик.

1. Маълумки, суғурталовчи суғурталанувчи ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс томонидан зарарни бартараф этиш ёки камайтиришга оид чора-тадбирларни кўрилмаганлиги туфайли етказилган зарар даражасига суғурта тавонини тўлашни рад этишга ҳақлидир. Бундай ҳолат суғурталовчи билан суғурталанувчи ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолатлар суғурталанувчининг ушбу тартиб қоидаларга эътиборсизлиги туфайли юзага келмоқда.

Шунинг учун ҳар бир суғурталанувчи юридик ва жисмоний шахслар билан суғурта шартномасини тузаётганда суғурталовчи томонидан суғурталанувчига тегишли қонун тартиб қоидаларига риоя қилиши уларн эътиборига яъна бир бор ҳавола этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина томонлар ўртасида эътирозларни олди олинган бўлади.

2. Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликлари мажбурий суғурта қилинади. Ушбу таваккалчиликларни мажбурий суғурта қилиш бўйича чекланган тарифлар суғурта пулининг 0.4 фоиз миқдориде қилиб белгиланган. Чунки Ҳукумат кафолати остидаги кредитларида кредитни рисклилик даражаси юқори ва шу билан бир қаторда улардан кутиладиган самара узоқ муддатда бориб тақалади.

Шунинг учун Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш бўйича чекланган тарифлар суғурта пулининг 1.0 фоиз миқдорда қилиб олсак мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки эртага ушбу кредитлар ўзини оқламаган тақдирда суғурталовчилар томонидан олинган жавобгарликларидан тезда сохит бўлишга имконият яратади.



## СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Кенжаев Илҳом Ғиёзович*  
*Тошкент молия институтининг,*  
*«Суғурта ва пенсия иши» кафедраси доценти, Ph.D*

Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, суғурта компанияларнинг рақобатбардошлик мезони сифатида технологияларнинг аҳволи, ишлатилаётган жиҳозларнинг ҳолати, ходимларнинг малакаси ва амалий тажрибаси, компаниянинг бошқарув тизими, маркетинг сиёсати, компаниянинг имиджи, унинг рентабеллик даражаси ва бошқа шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Рақобатбардошлик категорияси асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. Чунки у суғурта компаниянинг иқтисодий, илмий-техник, ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш, маркетинг, инновацион ва бошқа имкониятларини акс эттиради. Мазкур имкониятлар ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган субъектларга қарши қуйилган компания маҳсулотларида (иш, хизматлар) ўз аксини топади.

Шунингдек методологик жиҳатдан рақобатбардошлик мураккаб синтетик тоифадир. Тармоққа алоқадорлигидан қатъи назар, корхоналарнинг ҳолати ва ривожланишига таъсир қилувчи кўплаб омиллар гуруҳи унинг таркибини ташкил қилади. Бугунги кунда иқтисодий фан "рақобатбардошлик" тоифасининг мазмунига бир хил, умумий этилган талқин бермаган, уни баҳолаш, шакллантириш ва моҳиятини очиб беришда ягона, умум қабул қилинган ёндашувни ишлаб чиқмаган. Рақобатбардошликнинг моҳиятини ўрганиш учун чуқурроқ ва кенгроқ тушунчани шакллантириш керак. Турли хил муаллифлар томонидан "корхонанинг рақобатбардошлиги" тушунчасига берилган таърифлар ўз жиҳатлари билан диққатга моликдир.

Иқтисодчи олим П.А.Фатхутдинов рақобатбардошликни "ушбу бозорда тақдим этилган ўхшаш объектларга нисбатан муайян эҳтиёжнинг қондиришини тавсифловчи объектлар хусусияти" деб таърифлайди<sup>74</sup>. Олим рақобатбардошлик концепцияси жиҳатларини ушбу хусусиятга эга бўлган турли хил объектларни ажратиш кўрсатиш орқали очиб беради. Шунингдек у аксарият муаллифлар сингари, объектнинг рақобатбардошлилиги муайян бозорга, бозор сегментациясининг тегишли белгилари асосида шаклланган муайян истеъмолчилар гуруҳига нисбатан белгиланади, деган фикрларини илгари суради.

Л.М.Калашникованинг фикрига кўра, корхонанинг рақобатбардошлиги - бу кенг қамровли тушунча бўлиб, бошқарув тизими ва сифати, маҳсулот сифати, жамият ёки унинг алоҳида аъзолари томонидан талаб қилинадиган ассортиментнинг турли хиллиги ва бойлиги, барқарор молиявий ҳолати,

---

<sup>74</sup>Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность организации в условиях кризиса: экономика, маркетинг, менеджмент. М.: Издательство «Дашков и К°», 2002. С. 356.

инновацион қобилияти, ресурслардан самарали фойдаланиши, ходимлар билан мақсадли ишлаш, сервис ва товарлар ҳаракати тизимларининг даражаси, компания имиджи билан белгиланади<sup>75</sup>.

М.Портернинг фикрига кўра, "... рақобатбардошлик доимо ривожланиб бориш қобилияти билан белгиланади: дастлаб рақобат амалга ошадиган асосни ўзгартириш орқали рақобатбардош устуворликка эришилади, сўнгра маҳсулот, ишлаб чиқариш усуллари ва бошқа омиллар доимий равишда такомиллаштирилиб борилади. Рақобатчилар етиб ололмайдиган ва ўтиб кетолмайдиган даражада фаолиятни такомиллаштириш ва янгиланиш лозим. Буларнинг барчаси узлуксиз жараён бўлиб, рақобатда устуворликни тامينлайди"<sup>76</sup>.

Ўз навбатида В.К. Сенчагов мазкур тушунчага қуйидагича изоҳ беради: "Компаниянинг рақобатбардошлилиги - бу компанияларнинг ҳақиқий ва потенциал салоҳиятидир, шунингдек рақобатчилар товарларидан кўра нарх ва нархдан бошқа хусусиятлари жиҳатидан истеъмолчиларга кўпроқ ёқадиган маҳсулотларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятдир"<sup>77</sup>.

Юқоридаги таъриф мутлақо тўлиқ бўлиб, корхона фаолиятининг кўплаб жиҳатларини акс этади. Шу билан бирга, рақобатбардошлик тоифасининг кўп ўлчамлилиги ва кўп сатҳлилиги унинг белгиловчи хусусиятлари бўлиб ҳисобланади. Хусусан, рақобатбардошликнинг кўп сатҳлилигини биринчилардан бўлиб М. Гелвановский кашф этди, унинг фикрича, "миллий иқтисодий тизимнинг турли сатҳларида "рақобатбардошлик" тушунчаси турли мезонлар асосида тавсифланади, демак, мазкур тоифа ҳар хил таҳлил қилиниб ҳар хил баҳоланиши керак. Шу муносабат билан суғурта бозори шароитида фаолият юритувчи компаниянинг рақобатбардошлик тоифасини шакллантириш масаласини қуйиш ўринлидир.

Шундай қилиб, рақобатбардошлик категорияси кўпгина олимлар томонидан бир хил изоҳланади: ҳозирги вақтда маҳсулотлар хизматлар, алоҳида компаниялар, минтақалар ва мамлакатлар рақобатбардошлиги билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда. Суғурта доирасида рақобатбардошлик тоифаси маҳсулот хизмат, компания, тармоқ сатҳида ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Ҳозирда барча объектлар учун рақобатбардошликнинг универсал, умумэтироф этилган таърифи мавжуд эмас. Иқтисодий адабиётларда, шу жумладан чет эл илмий манбаларда рақобатбардошлик объектнинг хусусиятига қараб ҳар хил талқин қилинади. Хусусан, менежмент муамолари бўйича Европа форуми рақобатбардошликни рақобатчиларнинг товарларига кўра нарх ва нархга алоқаси бўлмаган хусусиятлар жиҳатидан истеъмолчи

---

<sup>75</sup>Калашникова Л.М. Конкурентоспособность предприятий и их продукции // Машиностроитель. 2003. № 11. С.15-18.

<sup>76</sup>Портер М.Е. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов. М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. 454 с.

<sup>77</sup>Сенчагов В.К., Захаров А.Н., Зокин А.А. Конкурентоспособность и инвестиционный потенциал экономики России // Бизнес и банки. 2003. № 43. С. 421.

учун жозибадор бўлган товарларни лойихалаш, ишлаб чиқариш ва сотиш шароитда фирмаларнинг реал ва потенциал имконияти деб белгилайди.

## **СУҒУРТА БОЗОРИДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНИШИ**

*Тухтарова Мафтуна Йўлдашбой қизи  
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти,  
“Амалий математика ва информатика” кафедраси ассистенти*

Суғурта жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта мукофотлари ҳисобидан махсус пул жамғармаларни шаклланиши ва мижозларнинг ҳаётида турли хил нохуш ҳодисалар юз берганда етказилган зарарни қоплаш учун шакллантирилган пул фондлари ёки суғурта ҳодисасининг бошқа шартлари билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ўзида қамраб олади. Шу билан бирга суғурта ўз-ўзини суғурталаш ва бюджет захира жамғармаларини марказлаштирилган шакллантириш билан бир қаторда иқтисодий субъектларни ҳимоя қилишни ташкил этиш кўринишидан биридир. Бундай ҳимояни ташкил этишнинг турли шакллари нисбати бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Шунингдек суғурта ташкилотлари суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланиб, суғурта ҳимоясига бўлган индивидуал, жамоавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни таъминлайди. "Суғурта ҳимояси" тушунчаси илмий адабиётларда батафсил ўрганилган<sup>78</sup>. Кўп қиррали жамият манфаатларининг турли даражаларда суғурта ҳимоясига бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган иқтисодий тизим сифатидаги суғурта бозорининг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб жараён дир. Ўтиш даври иқтисодиётига эга давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, суғурта бозорининг тўлиқ ишлаши учун қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлар етарли эмас. Шу боис суғурталашда иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши истеъмолчининг суғурта хизматлари учун тўланиши керак бўлган суғурта мукофотини амалга ошириш имконияти, суғурта хизматларини сотиб олиш кераклигини англаш ва суғурталовчилар таклифи билан боғлиқ<sup>79</sup>. Молиявий хизматлар шакли сифатида бўлган суғурта хизматида суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича кўрсатилган суғурта хизматлари, шунингдек суғурта агентлари ва суғурта брокерлари томонидан кўрсатиладиган воситачилик хизматлари, ёрдамчи хизматлар, рискни актуарий томонидан баҳоланиши, суғурта ҳодисаларини тартиблаштириш киради. Суғурта хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган кўплаб ўзаро рақобатда бўлган суғурталовчилар суғурта бозорининг етакчи ташкилотларидан бири саналади.

<sup>78</sup>Жук И.Н. Управление конкурентоспособностью страховых организаций. –М.: Анкил, 2011. С.4; Коломин Е.В. Раздумья о страховании.- М.: Страховое дело, 2006. 384 с.

<sup>79</sup>Турбина К.Е. Теория и практика страхования. М.: Анкил 2003. С.13.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини модернизация қилиш, суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш мақсадида суғурта фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиш зарурий шарти сифатида мамлакат иқтисодийнинг тез ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Охирги йилларда Ўзбекистонда суғурта мукофотларининг ўсиш суръати ва активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги суғурта бозорининг ўзига хос хусусиятидан бирига айланиб бормоқда. Бу эса суғурта бозорида суғурта ташкилотларининг капиталлашув даражасига манонд эмаслигини ва тўлақонли суғурта захираларини шаклланишини талаб қилмайдиган кам зиён келтирувчи суғурта турларининг ривожлантиришдан далолат беради. Ушбу ҳолатни биз охирги йилларда суғурта ташкилотлари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши билан тавсифлаш мумкин. Бу жараён қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

инкироздан яъни пандемиядан кейин умумий иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши пайтида суғурта хизматларига бўлган талаб тикланиши;

Ўзбекистон суғурта бозорининг изчил глобаллашуви;

суғурта фаолиятига талабларнинг кучайиши муносабати билан суғурталовчининг бизнесини юритиш харажатлари ошиши;

суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигига нисбатан назорат қилувчи органлар талабларининг ошиши;

мажбурий суғурта турлари ролининг кучайганлиги;

агент ва филиал тармоқлари учун суғурталовчилар ўртасидаги бозор талабларига асосланмаган рақобат;

суғурта бозорида тармоқлараро рақобатнинг пайдо бўлиши;

аҳоли ва корхоналарни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш механизми сифатида суғуртага нисбатан ижтимоий салбий муносабат билдириш билан изоҳлаш мумкин.

## **КОММУНАЛ ХИЗМАТ КўРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ (ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

*Эрназаров Фулом Бекбоевич  
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси  
Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар  
институтини катта ўқитувчиси (тел.90.134-00-65)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”<sup>80</sup>ги ПФ–4947-сонли, 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5017-сонли фармонлари, 2017 йил 24 апрелдаги 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2922-сонли, 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4040-сонли қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича республикамизда муайян ишлар олиб борилмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалиги статистикаси ижтимоий-иқтисодий статистиканинг таркибий соҳаларидан бири бўлиб, уй-жой фондининг мавжудлиги, таркиби ва ҳолатини, яхшиланишини, аҳолининг уй-жой шароити ва сув, иссиқлик, газ таъминоти, меҳмонхоналар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришга дахлдор бошқа йўналишларни ўрганадиган статистика соҳаси ҳисобланади. У шунингдек, уй-жой хўжалиги ва яшаш шарт-шароитларни, яъни, уй-жой фонди соҳаси ва ишловчилар сони статистикаси; уй-жойлардан фойдаланиш статистикаси; уй-жой шарт-шароитлари статистикасини ўрганади.

Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари томонидан тузиладиган ва улар жойлашган ҳудуд статистика бўлимларига топшириладиган статистик ҳисобот шакллари (2-уй-жой, 1-ком, 2-ком, 3-ком) барча учун амалдаги тартиблар бўйича мажбурий ҳисобланади. Уларни тузиш ва топшириш тартибларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари ушбу статистик ҳисоботлар ўзлари учун ҳам қанчалик муҳимлигини англашлари зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари фаолиятини таҳлилини амалга оширамиз.

Бу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб берувчи “TOSHISSIQQUVVATI” давлат унитар корхонаси (ДУК) бу жабҳада табиий монополист ҳисобланади. Иккинчи томондан, мазкур корхона иссиқлик энергиясининг улгуржи харидори ва олиб сотувчиси ҳам. Истеъмолчиларга сотиладиган иссиқлик энергияси таркибида корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган иссиқлик энергиясининг салмоғи жуда кам, иссиқлик энергиясининг аксарият қатта қисми харид қилинади. Иссиқлик энергиясининг асосий ишлаб чиқарувчиси “Toshkent issiqlik markazi” ДУК бўлиб, унинг тасарруфида 10 та қудратли иссиқлик манбаси мавжуд. Бундан ташқари, ТошИЭМ ва бир неча саноат корхоналарининг кичик қозонхоналари ҳам иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилари ҳисобланишади.

“TOSHISSIQQUVVATI” ДУК иссиқлик энергиясининг улгуржи харидори ва олиб сотувчиси, иссиқлик энергиясини ташиш ва истеъмолчиларга етказиш вазифасини бажариш билан бирга иссиқлик коммуникация тармоқларининг тасарруф этувчиси ҳам ҳисобланади. У иссиқлик энергиясининг якуний истеъмолчигача (квартирагача) етказилиши учун масъулдир. Унинг функцияси иссиқлик энергиясини уй биносигача,

хусусан, кўп квартирали уйнинг иссиқлик (элеватор) узелигача етказиб бериш билан чекланади.

Иссиқлик узелида “TOSHISSIQQUVVATI” ДУК томонидан етказиб бериладиган иссиқлик энергияси марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича коммунал хизматлар маҳсулотининг муайян турларига айланиб, уй ичидаги горизонтал ва вертикал иссиқлик тармоқлари бўйлаб квартираларга етиб боради, уй ичи тармоқлари эса аҳоли мулки ҳисобланиб, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқарувида бўлади.

Шундай қилиб, иссиқлик марказлари, магистрал ва тақсимлаш иссиқлик қувурлари, уй ичи тармоқларидан таркиб топган, ягона ёпиқ тизимни ўзида намоён этувчи марказлашган иссиқлик таъминоти тизими бошқарув тизимига кўра, бир-биридан ажратилган ва турли мустақил корхоналар ва ташкилотлар томонидан бошқарилади.

Ушбу ҳолат кўплаб салбий жиҳатларни келтириб чиқариб, иссиқлик таъминотидаги жиддий камчиликларга сабаб бўлади. Оқибатда тегишли тизимлар айбни ўзидан соқит қилиб, истеъмолчи олдида иситиш ва иссиқ сув таъминоти сифати учун жавобгарликни бир-бирининг зимасига юклатади. Масалан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари етказиб берувчи иссиқ сувнинг зарур босими ва ҳароратини таъминламаган ҳолда иссиқлик энергиясини етарлича етказиб бермаяпти, дея айбни “TOSHISSIQQUVVATI” ДУКга тўнқайди.

“TOSHISSIQQUVVATI” ДУК, ўз навбатида, бир ҳолатда иссиқлик манбалари иссиқлик таъминотининг технологик параметрларига риоя қилмайди, дея “Toshkent issiqlik markazi” ДУКни айблайди, бошқа ҳолатда эса, уй ичи тармоқлари носозлигини рўқач қилиб, айбни ХУМШга тўнқайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...Дунёдаги йирик мегаполисларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда, реновация дастурини, яъни, эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида энг замонавий шароитга эга бўлган янги уйлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш лозим. Маълумки, коммунал хўжалик соҳаси узок йиллардан буён кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун 2019 йилдан бошлаб тармоқда давлат-хусусий шериклик бўйича инвесторлар билан ҳамкорликда ишлашни бошлаймиз”, дея таъкидлаб ўтди[30].

Шу муносабат билан юртбошимиз томонидан иссиқлик билан таъминлаш ва уни бошқаришнинг бутун тизимини кескин ўзгартириш вазифаси қўйилди. Бу масалада, мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, мавжуд қозонхоналар ва иссиқлик таъминоти тармоқларининг техник ҳолати энг заиф бўғин ҳисобланади. Шунингдек, муқобил ёқилғи манбаларидан фойдаланган ҳолда, алоҳида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш ҳамда эскирган, ёқилғини кўп сарф қиладиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш масалаларини ечиш таклиф этилди.

Бу масалада сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари, маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

идораларининг роли ва масъулиятини белгилаб қўйиш лозим, токи уларнинг ҳар биридан аниқ жавоб талаб қилиш мумкин бўлсин.

Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий таклифлар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилар:

1. Уй-жойларни қуриш бўйича намунавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини жадаллаштириш ва юқори даражада сифатни таъминлаш;
2. Канализация тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш;
3. Аҳоли яшаш пунктларида ва туман марказларида тоза ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш;
4. Шаҳар ва унинг туманларида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш;
5. Шаҳар марказида ва туманларда арзон ва кўп қаватли турар жойлар қурилишини таъминлаш;

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва интернет манбалари**

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳисобот маълумотлари.
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти.
3. [www.gorogl.gomel.by](http://www.gorogl.gomel.by) – Уй-жой коммунал хўжалиги сайти.
4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитасининг расмий сайти.

### **СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ЯХШИЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР**

*Кенжаева Халима Сойилхон қизи –  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг  
I-тоифали иш юридувчиси, Тел: (71) 239-10-20  
Тошкент Молия Институтининг II-курс талабаси  
Тел: (93)564-95-55; Почта: [rosahontas9555@gmail.com](mailto:rosahontas9555@gmail.com)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, иқтисодиётимизнинг ривожланишидаги рақамли ва хуфиёна иқтисодиётнинг ўрни, рақамли иқтисодиёт жараёнида жаҳон тажрибаси, солиқ назоратини рақамлаштириш, солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш, шунингдек бу борада олдинда турган вазифалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, хуфиёна иқтисодиёт, МIMIC модели, онлайн НКМ, солиқ назоратини рақамлаштириш, солиқ маъмуриятчилиги.

**Аннотация:** В этой статье описывается концепция цифровой экономики, роль цифровой и теневой экономики в развитии нашей экономики, мировой опыт цифровой экономики, цифровизация налогового контроля, совершенствование налогового администрирования, а также стоящие перед нами задачи.

**Ключевые слова:** Цифровая экономика, теневая экономика, модель МІМІС, онлайн-НСМ, цифровизация налогового контроля, налоговое администрирование.

**Annotation:** This article describes the concept of the digital economy, the role of the digital and shadow economy in the development of our economy, the global experience of the digital economy, digitalization of tax control, improvement of tax administration, as well as the challenges we face.

**Keywords:** Digital economy, shadow economy, MIMIC model, online NCM, digitalization of tax control, tax administration.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “2020 йил – Илм- маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди.[1] Шу муносабат билан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.[2] Келинг, аввал рақамли иқтисодиётнинг ўзи нималиги тўғрисида бироз тушунчага эга бўламиз.

Рақамли иқтисодиёт - бу янгидан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди.[3]

Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиётнинг жорий этилиши мамлакатдаги хуфиёна иқтисодиётни халққа ошқора кўрсатилиши натижасида юзага келди.

Хуфиёна иқтисодиёт дунёнинг барча мамлакатларида, сиёсий тизим, фуқароларнинг турмуш даражаси ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллардан қатъий назар мавжуд. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунёда яширин иқтисодий фаолиятнинг ўртача даражаси ялпи ички маҳсулотнинг 17,2 фоизини ташкил этади ва муайян омиллар туфайли бу кўрсаткич турли худудлар ва давлатларда фарқ қилади. Масалан, энг паст кўрсаткичлар Европанинг ривожланган давлатлари, хусусан Швейцарияда кузатилмоқда: ЯИМ нинг ўртача 8,6%, Хитойда - 12,9%, Россияда - 43,6% ва Боливида иқтисодий ўсишнинг энг юқори даражаси – ЯИМ нинг 66,4% ни ташкил этади.



Дунёнинг барча мамлакатлари учун хуфиёна иқтисодиётнинг умумий сабаблари қуйидагилардан иборат: солиқлар ва ижтимоий бадалларнинг ҳажми, давлат институтларининг сифати, давлат аппарати коррупцияси, давлат томонидан тартибга солишнинг интенсивлиги, хуфиёна иқтисодий фаолиятнинг олдини олиш интенсивлиги (санкциялар, жарималар ва жазолар), ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, ўз-ўзини иш билан таъминлаш даражаси, солиқ ахлоқи.

Мамлакатда бизнесга қўшимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш бўйича комплекс чоралари кўрилмоқда. Хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100 га яқин рухсат бериш ва лицензиялаш қоидалари қисқартирилди. Бунинг натижасида охириги 5 йилда саноатда норасмий сектор улуши 20 фоиздан 6 фоизга тушди.

Мамлакатимизда 2020 йил 4 август куни Жаҳон банки экспертлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар қатнашган ҳолда “Хуфиёна иқтисодиёт ва унга қарши курашиш” мавзусида онлайн семинар ўтказилиб, семинар якунида ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ҳозирда ишчи гуруҳ аъзолари Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда хуфиёна иқтисодиёт билан курашишда дунё тажрибасини ўрганиб чиқмоқдалар. Бундан ташқари, Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги хуфиёна иқтисодиётнинг ўлчамларини ўлчаш учун МІМІС модели ишлаб чиқилмоқда.

*Маълумот учун: МІМІС модели хуфиёна иқтисодиётнинг давлат ялли ички маҳсулотига улушини ҳисоблаш учун бутун дунё томонидан тан олинган ҳисоблаш методи. Ушбу модель ёрдамида Ўзбекистонда йиллар давомида хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциясини кузатиш имконияти яратилади.*

Жаҳон банки экспертлари томонидан хуфиёна иқтисодиётнинг ҳудудий ва секторал таҳлилини ўтказиш ҳақида келишувга келиниб, Қашқадарё вилоятидаги яширин иқтисодиёт даражаси ҳозирда ўрганилмоқда. Ушбу турдаги таҳлил натижасида Республикадаги хуфиёна иқтисодиёт ҳақидаги маълумот чуқурроқ ўрганилиб, сектор ва ҳудудлар бўйича муайян чора ва тадбирлар кўрилади.

Истеъмолчиларнинг ўз мажбуриятларини ва ҳуқуқларини билиш ва талаб қилиш ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг камайишига олиб келади. Шу сабабдан янги онлайн НКМ ларнинг ишлатилиши ва оммалаштирилиши нафақат аҳолининг истеъмолчилик ҳафвсизлигини ошириш, балки солиқ органларининг тўловларни ўз вақтида мониторинг қилишда энг қулай воситалардан бири. Ҳозирда Республика бўйича 31800 та онлайн НКМ лар хизмат кўрсатиб бормоқда ва 2022 йил январь ойигача маълум тадбиркорлик субъектлари мажбурий онлайн НКМ га ўтишлари ёрдамида хуфиёна иқтисодиёт даражаси маълум секторларда сезиларли даражада пасайиши кутилмоқда.

Солиқ тизимида рўй берган ўзгаришлар ҳам хуфиёна иқтисодиёт билан курашга ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, солиқ органлари маълумотига кўра, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш тизимини соддалаштириш

натijasida hozirgacha 400 mingga yaqin nafar fuqaro ўз faoliyatini rasmiy sektorga ўtkazish imkoniga эга бўлди. Biroq, norasmiy bandlek darajasi qurilish, savdo va umumiy ovqatlanish, transport va boshqa xizmat kўrsatish soxalariда юqoriligicha qolmoqda. KQS tizimining ўzgarishi natijasida KQS tўlovchilari sони bir yilda 20% ga oshib, hozirda 100 mingdan kўpni ni tashkil etadi. Hozirda yana soliq tizimini optimallashtirish ustida ishlar davom etib kelmoqda va kiritiladigan ўzgarishlar xufiyona iqtisodiyat ulushini keskin qisqarishiga olib keliши kutilmoqda.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Призеденти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 январь куни Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига навбатдаги Мурожаатномаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябдаги ПФ-6079-сонли фармони “«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиqlash va уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2020).

3. “Рақамли дивидендлар”. Жаҳон ривожланиши ҳақидаги маъруза шарҳи. 2016. Жаҳон банки, 2016.

4. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом va шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар faoliyatining kundaлик қондаси бўлиши керак”. Ўзбекистонни 2016 йилда ижтимоий-иqtisodий ривожлантиришнинг асосий яқунлари va 2017 йилга мўлжалланган иqtisodий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь, – Т: Ўзбекистон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” (2017).

6. Ўзбекистон Ресубликаси Молия вазирлигининг ҳисоботи.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA AKSIYADORLIK JAMIYATLARI AKTIVLARINI SAMARALI BOSHQARISH**

*Pardayev Abdunabi Xalikovich,  
TMI, “Buxgalteriya hisobi” kafedrasi prof.,i.f.d.  
Pardayeva Zulfizar Alimovna,  
TTESI “Korporativ boshqaruv” kafedrasi dotsenti*

Maqolada korporativ tuzilmalarda aktivlar bosharuvini samarali tashkil etishi va tahlil qilish asosida, korporativ tuzilmalarning moliyaviy barqarorligini oshirish imkoniyatlari bo‘yicha takliflar keltirilgan.

В статье предлагаются предложения по повышению финансовой устойчивости корпоративных структур на основе эффективной организации и анализа управления активами в корпоративных структурах.

The article proposes proposals for improving the financial stability of corporate structures on the basis of effective organization and analysis of asset management in corporate structures.

**Tayanj soʻzlar:** Korporativ boshqaruv, samaradorlik, moliyaviy boshqaruv, pul oqimlarini, pul mablagʻlari, aylanma aktivlar, aktsiyadorlik jamiyati, debitorlik qarzlari.

Корпоративное управление, эффективность, финансовый менеджмент, денежные потоки, денежные средства, оборотные активы, корпорации, дебиторская задолженность.

Corporate governance, efficiency, financial management, cash flows, cash, current assets, corporations, receivables.

Oʻzbekistonda aktsiyadorlik jamiyatlarining milliy iqtisodiyotda tutgan oʻrnini yanada mustahkamlash, ularni samarali rivojlantirish borasida tizimli chora-tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Jumladan, 2017-2021 yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha Harakatlar strategiyasida iqtisodiyotda yuqori darajalarga erishish uchun «...korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish, korxonalarini strategik boshqarishda aktsiyadorlarning rolini kuchaytirish» zarurligi alohida belgilab berildi. [1]

Iqtisodiyotni modernizatsiya qilish sharoitida davlatning iqtisodiy strategiyasi uzoq vaqtga moʻljallangan fundamental maqsadlarni oʻrtaga qoʻyish bilan bir qatorda, bu maqsadlarga erishish vositalari, yoʻllarini belgilashni ham oʻz ichiga oladi. Bular orasida ishlab chiqarish samaradorligini toʻxtovsiz oshirib borish asosiy oʻrinda turadi.

Maʼlumki, bozor iqtisodiyoti sharoitida har bir tijorat tashkilotining asosiy vazifasi sifatida yuqori foyda olish va mulkdorlar manfaatlarini qanoatlantirish maqsadida moliyaviy-xoʻjalik faoliyatini tashkil etish belgilanadi. Bu jarayonda bozor munosabatlarini rivojlantirish moliyaviy boshqaruvning jamiyatdagi rolini kuchaytirishni talab qiladi.

Shu oʻrinda, ushbu moliyaviy boshqaruv jarayonida moliyaviy oqimlar har qanday korporativ tuzilmalarda boshqaruv obyektini hisoblanadi, shu sababli har bir moliyaviy qaror pul oqimlari harakati bilan oʻzaro bogʻliq.

Bizning fikrimizcha, hozirgi kunda aktivlarni boshqarish har bir korporativ tuzilma oldida turgan eng asosiy va strategik vazifalardan biri hisoblanadi.

Korporativ tuzilmalarda aktivlar boshqaruvni samarali tashkil etishni ragʻbatlantirilishi koʻp jihatdan tahlil ishlarini aniq va toʻgʻri yoʻlga qoʻyilganligiga bogʻliq boʻladi.

Tahlil qilish asosida, korporativ tuzilmalarning toʻlov qobiliyati, likvidligi va moliyaviy barqarorligini, umuman moliyaviy - iqtisodiy holatini baholash sifati imkoniyatiga ega boʻlish mumkin.

Korxonalarda pul oqimlarini samarali boshqarish mexanizmini yaratish muhim masala hisoblanadi, zero buning oqibatida boshqa xoʻjalik yurituvchi subʼektlar qatori, aktsiyadorlik jamiyatlarining ham barqaror rivojlanishi taʼminlanadi.

Pul oqimlarini samarali boshqarish vositasida investitsion va sug'urta maqsadlarining haqiqatdagi qoldiqlarini shakllantirish uchun zarur pul mablag'larining muqobil hajmidan tashqari ortiqcha va harakatsiz pul mablag'larini aylanma aktivlar tarkibida minimallashtirish mumkin bo'ladi.

Bu, o'z navbatida, qo'shimcha ichki moliyaviy resurslarni safarbar etish imkoniyati evaziga "Qorasu paxta tozalash" AJning ishlab chiqarish samaradorligi va rentabelligini oshirishga olib keladi (1-jadval).

**1-jadval**

**«Qorasu paxta tozalash» AJ aylanma aktivlari tarkibi va dinamikasi tahlili**

Ko'rsatkich nomi	2018		2019		2020	
	%	mln. sum.	%	mln. sum.	%	mln. sum.
<b>Aylanma aktivlar</b>	<b>100</b>	<b>47821677</b>	<b>100</b>	<b>42249117</b>	<b>100</b>	<b>47516695</b>
Tovar-moddiy zaxiralar	58,3	27892478	61,1	25810909	68,8	32701450
Kelgusi davr xarajatlari	1,6	754659	4,9	2078440	1,6	765739
Debitorlik qarzi	3,4	1644598	33,4	14109004	18,8	8937133
Pul mablag'lari	0,4	177201	0,6	250764	0,1	57 500
Boshqa joriy aktivlar	36,3	17352741	-	--	10,7	5054873

Pul mablag'lari cheklangan va zarur hayotiy resurs hisoblangani bois "Qorasu paxta tozalash" AJda pul mablag'lari chiqimi va kirimi jarayonini boshqarishning optimal mexanizmini barpo qilish muhimdir.

Amaliyotning ko'rsatishicha, vertikal-integral tashkiliy tuzilmaning yuqori ierarxiyasini tashkil qiluvchi bosh kompaniyalar aktivlarining umumiy hajmi tarkibida aylanma aktivlarning ulushi nisbatan past darajani tashkil etadi. Aksariyat hollarda ishlab chiqarish fondlariga ehtiyojning pastligi natijasida aylanma aktivlar tarkibida muomala fondi elementlari, ya'ni debitorlik qarzi va pul mablag'lari nisbatan yuqori ulushga ega bo'ladi. Bu aylanma aktiv tarkibidagi pul mablag'larining zaruriy hajmi uchun bo'lgan ehtiyojga bevosita ta'sir ko'rsatadi. Shunga qaramay, pul mablag'larini shakllantirish manbalari, ularni sarflash yo'nalishlari aktsiyadorlik jamiyatlarida pul oqimlarini samarali boshqarishda qarorlar qabul qilish uchun muhim printspial ahamiyat kasb etadi.

2019 yilda aylanma aktivlardagi pul mablag'lari keskin oshdi va 250764 mln so'mga etdi. Bu, asosan, hisob raqamdagi pul mablag'larining ko'payishi hisobiga yuz beradi.

2020 yilda pul mablag'lari 2018 yilga nisbatan 193264 sumga keskin pasaydi va 57 500 mln so'mni tashkil qildi. 2020 yilda pul mablag'lari kamayishining sabablaridan biri mahsulotlar sotishdan olingan yalpi foyda tushib ketgan.

2019 yilda debitorlik qarzlarning salmog'i 33,4% tashkil etishi pul mablag'lari aylanishini sekinlashuviga va aylanma mablag'lar rentabelligining pasayishiga olib kelmoqda. 2019 yilda aylanma aktivlar tarkibidagi pul mablag'larining oshishi kuzatilmoqda. Ya'ni, 2018 yilda aylanma aktivlar tarkibidagi pul mablag'lari atigi 0,4%ni tashkil qildi va bu ko'rsatkich 2019 yilda 0,6% gacha oshdi. Oxirgi yil mobaynida pul mablag'lari ulushining kamayishi pul oqimlari tarkibida pul mablag'lari chiqimining kiringa nisbatan yuqori sur'atda o'sib borganligini tasdiqlaydi. Ushbu jarayonda muomala fondining bir elementi

bo'lgan pul mablag'larining debitorlik qarzdorligiga transformatsiyalashuvi kuzatilmoqda.

Yuqoridagilardan quyidagi xulosalarni shakllantirish mumkin:

pul mablag'larining aylanma aktivlar tarkibidagi o'zgarishi debitorlik qarzdorligining o'zgarishiga bog'liq bo'lmoqda. Bunday holat "Qorasuv paxta tozalash" AJning aylanma aktivlari tarkibidagi muomala fondlarini kamayishiga olib kelmaydi;

aylanma aktivlar tarkibida muomala fondlari elementlarining (debitorlik qarzdorlik va pul mablag'lari) yuqori salmog'i uning aylanishini sekinlashuviga va aylanma mablag'lar rentabelligining pasayishiga olib kelmoqda. Vaholangki, muomala fondlarining tarkibida debitorlik qarzdorligining o'sib borishi "Qorasu paxta tozalash" AJni balans absolyut likvidligini yo'qolish riski ta'sir etadi;

tahlil qilinayotgan davrlarda aylanma aktivlar tuzilmasining holatidan xulosa qilish mumkinki aylanma aktivlarni boshqarishda pul oqimlarini boshqarishga tizimli yondashuv bo'yicha qaror qabul qilish zaruriyatini yuzaga keltiradi.

"Qorasu paxta tozalash" AJ moliyaviy holatining sog'lomligini sharti bo'lib, pul mablag'larini kirimi korxonaning majburiyatlarini qoplay olishidir. Minimal miqdordagi pul mablag'larini yetishmasligi moliyaviy holat tangligiga sabab bo'ladi. Ortiqcha mablag'larga ega bo'lish inflyatsiya natijasida pulni qadrsizlanishiga, hamda ortiqcha mablag'larni samarali foydalanishga yo'naltirmaslik natijasida qo'shimcha daromad ololmasligi mumkin. Shu bois pul mablag'larini ratsional boshqarishni doimo nazorat qilish va tahlil qilish lozim.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish uchun harakat qilish strategiyasi to'g'risida" gi PF-4947-sonli Farmoni.

2. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси сайти

### **МАМЛАКАТИМИЗДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ПОРТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Умаров Омонилла Сайдаминович  
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика  
қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.*

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан тизимли равишда қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу ишларнинг натижаси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингда 63 баллни тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 125 позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллаганини яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Замонавий ахборот жамияти эҳтиёжларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда очиқ маълумотларга киришни таъминлайдиган хизматлар-ривожланган мамлакатларда давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг энг ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда рақамлаштириш жадал ривожланиши даврида электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш масаласи янада муҳим аҳамият касб этиб, давлат идоралари фаолияти очиклигини таъминлаш, жамоатчиликка бу борада аниқ ва холис ахборот етказиб бериш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарорига асосан, Давлат статистика кўмитаси, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларни Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали ([data.gov.uz](http://data.gov.uz))да ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгиланган[ 2 ].

Давлат органлари томонидан фойдаланувчиларда улкан қизиқиш уйғотадиган катта ҳажмдаги ахборот ресурслари шакллантирилди. Ўз навбатида, давлат органларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маълумотларини очиқ маълумотлар шаклида ошкор қилиш очиқ давлат бошқарувининг асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, очиқ маълумотлардан фойдаланиш ва нашр этиш орқали давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги таъминланиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти фуқаролар ва бизнес учун янги хизматлар яратилмоқда.

Очиқ маълумот – бу очиқ маълумотлар порталида кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машина ўқиши учун керакли форматларда киритиладиган, интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилиши тушунилади. Очиқ маълумотлар билан таъминлашда барча соҳадаги маълумотларнинг мавжудлиги, маълумотлар аниқ ва тўлиқ жойлаштирилганлиги, архив маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилганлиги, қайта ишлашга инсон ва машина ўқийдиган форматда тайёр бўлиши каби талабларга жавоб бериши лозим[4].

Соҳани янада ривожлантиришда очиқ маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган давлат ва хўжалик ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очиқ маълумотлар тўпламларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Давлат органларининг идоравий ахборот тизимларини ва ресурсларини очиқ маълумотлар портали билан интеграция қилиш, маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш, интерактив харитага объектнинг географик жойлашув маълумотларини киритиш, очиқ маълумотлар тўпламларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизмлари, очиқ маълумотлар тўпламларини ўз вақтида жойлаштириш ва уларни янгилаш устидан назоратни мустаҳкамлаш ҳам маълумотларни очиклигини таъминлайди.

Жойлаштирилаётган очик маълумотлар тўпламларининг долзарблигини баҳолаш, давлат-хусусий шерикликни мустаҳкамлаш ва мобил иловалар ишлаб чиқувчиларни фаоллигини рағбатлантириш орқали очик маълумотлар тўпламларини такомиллаштиришга жалб этиш каби вазифалар белгилаб қўйилган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда очик маълумотлар портални жаҳон тажрибаси даражаси талабларига олиб чиқиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қўмита тизимида “Очик маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси” ташкил қилинди[2].

Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory (ODIN) очик маълумотлар рейтингда 63 баллни тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 125 позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Ўтган даврда, Давлат статистика қўмитаси бошқа вазирлик ва идоралар, шу жумладан, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва шу каби бошқа хорижий ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида очик маълумотларни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу ишлар натижаларини мамлакатимизнинг очик маълумотлар бўйича халқаро рейтинглар ва индексларда мавқеининг сезиларли даражада яхшиланишида кўриш мумкин. Хусусан, Open Data Inventory (ODIN) - расмий статистика камчиликларини аниқлаш, очик маълумотлар сиёсатини илгари суриш, миллий статистика органлари билан маълумотлардан фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни яхшилаш ва рағбатлантиришга қаратилган қамров ва очикликни баҳолайди[5].

Кейинги босқичларда Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталининг жаҳон талабларига мос янги версиясини ишлаб чиқиш, очик маълумотлар соҳасидаги нуфузли рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш ҳамда уларда юқори натижаларга эришиш учун мустаҳкам замин яратиш, давлат органларининг расмий сайтларида очик маълумотлар саҳифасини очиш ҳамда ушбу саҳифани Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган ягона кўриниш (стандарт)га келтириш каби ишлар режалаштирилиб қўйилган. Асосий мақсадимиз очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш орқали Ўзбекистон Республикасини яқин йилларда энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишдан иборатдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 29 декабрь 2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори.

3. «Открытые данные», руководство по открытым данным, IT-Park, OSCE, Госкомстат. Февраль 2019 года.

4. Лора Мэнли, Джоэл Гурин. “Открытые данные для бизнеса”. Аналитическая записка Всемирного банка для лидеров в области развития. Проект для обсуждения. 2015 год. стр.12.

5. ICT Sector Unit, The World Bank, Connecting to Work: How information and communication technologies could help expand employment opportunities, Washington, DC, September 2013. pp. 215.

6. Роль открытых данных в развитии электронного правительства Узбекистана. Аналитическая записка. Сентябрь 2015 г. Стр. 19.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КЛАСТЕРЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Гулбаҳор Солиева, доцент PhD, Наманган  
муҳандислик-технология институти, Маркетинг кафедраси мудири  
Ахмедов Музаффар, Наманган  
муҳандислик-технология институти, Менежмент кафедраси  
катта ўқитувчи*

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашув даврини бошлаб берди. Бундан кескинлашув жараёнида рақобатда ютиб чиқишнинг асосий омилларидан бири кластерлаштиришдир.

“Кластер” атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекчага таржимаси “панжа”, “бош”, “боғлам”, “гуруҳ”, “тўпланиш” маъноларни англатади. Шунингдек, “кластер” танланма тадқиқотларнинг бир усули сифатида ҳам ифодаланади.

“Кластер” назариясининг асоси бўлиб, Алфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган “Иқтисодиёт принциплари” номли асарида (1890) ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади. Унинг илмий хулосалари бўйича ихтисослашган фаолият юритувчи субъектларнинг ҳудудий уйғунлашуви:<sup>81</sup>

- малакавий меҳнат ресурсларининг борлиги;
- таъминотчи ва қўшимча соҳаларнинг ўсиши;
- ҳар хил фирмаларни ишлаб чиқариш жараёнининг турли бўғинларига ихтисослашувининг мавжудлигига асосланган.

---

<sup>81</sup> З.А.Хақимов. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш омиллари. Монография. Т.: “Иқтисод-Молия”. 2016.-216б.



“Кластер” назариясини ўрганиш жаҳон ҳамжамиятимизда тез суръатларда ўсиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса, миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланиш ва ўзаро муносабатларга асосланган рақобатбардошликни оширишнинг асосий йўналишига айланмоқда.

Мамлакат ва ҳудудлар рақобатбардошлигини ривожлантиришга кластер назариясини татбиқ этиш ғоясининг асосчиси Майкл Портер фикрига кўра, “кластер”-жуғрофик нуқтаи назардан қўшни бўлган, ўзаро боғлиқ компаниялар (ишлаб чиқарувчилар, маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқалар) ҳамда уларга алоқадор хизматларни кўрсатиб, маълум соҳада фаолият юритувчи ташкилотлар таълим муассасалари, давлат бошқарув идоралари, инфратузилмавий компаниялар) гуруҳидир. Ёки “кластер”-ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг ўсишига имкониятлар яратувчи, ўзаро чамбарчас боғланган тармоқлар ягона технологик занжирини ташкил этувчи ҳамжамиятлардир.

Ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг, ҳалқаро логистик марказларининг, эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Жаҳон экспертларининг баҳолаши бўйича кластерлаштириш ҳозирги вақтга келиб, дунёнинг етакчи мамлакатларида иқтисодиётнинг қарийб 50 фоизини эгаллаган. Кластер тузилмалари Германияда кимё ва машинасозлик саноатида, Францияда озиқ-овқат саноати ва косметика саноатида, Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Хитой, Туркияда энгил саноатида муваффақиятли ишламоқда.

2020 йил 2 мартда мамлакатимизда “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Ўзбекистон Республикаси Президент фармони қабул қилинди.<sup>82</sup>

Raqamli iqtisodiyot hozirgi mavjud sohalarning yarmidan ko'prog'ida beqiyos o'zgarishlar keltirib chiqarishi ta'kidlanmoqda. Dunyoda raqamli iqtisodiyot o'sishining sur'atlari yiliga deyarli 20 foizni tashkil etmoqda. Taraqqiy etgan davlatlarda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 7 foizga yetgan. Ular hozirning o'zida raqamli iqtisodiyotning joriy qilinishidan juda kata naf ko'rishmoqda. Xususan, Amerika Qo'shma Shtatlari yiliga 400 milliard AQSh

---

<sup>96</sup> <https://review.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>

dollaridan ko‘proq raqamli xizmatlarni eksport qilmoqda. Maskur davlat yalpi ichki mahsulotining 5 foizdan ko‘rog‘i bevosita internet va axborot telekommunikatsiya texnologiyalari bilan bog‘liq sohalarga to‘g‘ri keladi.

Blokcheyn texnologiyasiga qaraydigan bo‘lsak: ekspertlarning fikricha “2020-yildan boshlab yirik banklarning qariyb 30 foizdan ortig‘i o‘zlarining ish faoliyatida blokcheyn texnologiyasidan foydalanishni boshlab yuborishdi. Bunga blokcheyn texnologiyasining endigina yaratilganiga qaramasdan, uning mavjud biznes jarayonlaridagi inqilobiy o‘zgarishlarni qabrab olgani moliya bozorlari ishtirokchilari orasida ulkan qiziqish uyg‘otganini sabab qilib ko‘rsatish mumkin.

Malumki, bugungi kunda raqamli iqtisodiyot qo‘shimcha qiymat yaratishda ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Turli xil algortmlar, jarayonlar va raqamli axborotlar korporativ biznesning strategik rivojlanishida asosiy hal qiluvchi kuchga ega bo‘lmoqda. Raqamli nomoliyaviy omillar banklarning raqobatbardoshligini belgilab bermoqda.<sup>97</sup>

Mamlakatimizda “Elektron hukumat” tizimini joriy etish raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning ajralmas tarkibiy qismi bo‘lib, uning asosiy maqsadi ma‘muriy tartib va tamoillardan o‘tishni soddalashtirish, aholi turmush sifatini oshirish, investitsiya va ishbilarmonlik muhitini yaxshilashga qaratilgan.

Belgilab olingan asosiy vazifalar ijrosini amalga oshirish, shuningdek, mamlakatimizda raqamli jamiyat rivojlanishi, aholi va tadbirkorlar uchun qulay imkoniyatlar yaratish, byurokratik to‘siqlar va korrupsiyaviy omillardan holi samarali va ochiq davlat boshqaruvi tizimini rivojlantirish borasida ko‘zlangan maqsadga erishish uchun bugungi kunda iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilashni nazarda tutadigan “raqamli iqtisodiyot” milliy konsepsiyasini ishlab chiqilayotgan bo‘lib, aynan raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish orqali yalpi ichki mahsulot hajmini qo‘shimcha 30 foizga orttirish imkonini yaratishi mumkin.

O‘z o‘rnida aytish joizki, mamlakatimiz hayotida raqamli iqtisodiyotning ayrim elementlari allaqachon muvaffaqiyat bilan faoliyat ko‘rsatmoqda.

Jumladan, hujjatlar va kommunikatsiyalarning ommaviy ravishda raqamli vositalarga o‘tqazilishini hisobga olib, elektron imzoga ruxsat berish, davlat bilan muloqot qilish ham elektron platformalarga o‘tqazilmoqda.

2020-yil 28 aprel kuni Prezidentimizning “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi. Unga ko‘ra, 2023 yilga borib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravar va ushbu sohadagi xizmatlar hajmini 3 baravar oshirish hamda ularning eksportini 100 million AQSh dollariga yetkazish ko‘zlangan. Shu bilan birga, 2020–2022 yillarda elektron hukumat, telekommunikatsiyalar, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalari texnologik parki faoliyatini yanada rivojlantirish, iqtisodiyotning real sektori tarmoqlarida

97

<https://xs.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyotni-rivojlantirish-maqsadida-raqamli-infratuzilmani-yanada-modernizatsiya-qilish-chora-tadbirlari-togrisida>

hamda qishloq va suv xo'jaligida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bo'yicha 268 ta loyihani amalga oshirish rejalashtirilmoqda.<sup>98</sup>

Lekin shuni ta'kidlash kerak-ki, O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot O'zbekiston patensialiga nisbatan bir necha barobar sekinroq rivojlanmoqda. Ya'ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud lekin rivojlanish ancha sust. Bunga sabab sifatida raqamli iqtisodiyotning O'zbekistonda rivojlanishiga bir qancha to'siqlar mavjudligidadr. Bularga misol qilib, ko'plab sohalardagi manapoliya, internet tezligining pastligi, axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxasislarning yetishmasligi yoki ularning boshqa mamlakatlarga ketib qolishi, fuqarolarda kompyuter savodxonligining pastligi..., kabi bir qancha sabablarni keltirishimiz mumkun.

Yuqorida keltirilgan muammolar bosqichma-bosqich, tizimli, dunyo tajribasidan kelib chiqib hal qilinsa, mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning yuqori darajasiga erishib borish ta'minlanadi.

## **ПУЛ ОҚИМЛАРИ АСОСИДА КОМПАНИЯНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ**

*Тошкент молия институти  
“Электрон тиждорат ва рақамли иқтисодиёт”  
кафедраси мудири У.К.Якубов  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Тошкент молия институти талабаси Х.Б.Абдуғаниева  
ТАТУ магистранти Ф.М.Саидова*

Бугунги кунда пул оқимлари кўрсаткичларига асосланган таҳлил алгоритмлари фаол равишда ишлаб чиқилмоқда. Бизнес таҳлил давомида рентабеллик, ишбилармонлик фаолияти, ликвидлик ва тўлов қобилияти кўрсаткичлари баҳоланади. Рентабеллик кўрсаткичларининг даромадлар ва пул оқимлари асосида ҳисобланиши йўлга қўйилди. Инвестиция қилинган капиталнинг рентабеллиги - бу компаниянинг қийматга асосланган бошқарув тизимидаги фаолиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб, у инвестиция фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш босқичида баҳоланади.

Пул маблағлари коэффицентлари компаниянинг фаолиятини молиялаштириш, сармояларни жалб қилиш, келгуси даврларда компаниянинг хатти-ҳаракатларини молиявий моделлаштиришда ёрдам бериш қобилиятини (айниқса, олинган кредитларни тўлаш қобилияти) ва нақд пул этишмовчилигини олдини олиш учун тўловларни режалаштиришни тавсифлайди. Шу боисдан, 1993 йилда Д. Гиаконино ва Д. Милке ташкилот эҳтиёжларини молиялаштириш учун пул оқимларининг етарлигини баҳолаш ва компания томонидан пул оқимларини ишлаб чиқариш

---

<sup>98</sup> <https://review.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>

самарадорлигини баҳолашда пул маблағлари коэффициентларини қўллашни таклиф қилдилар<sup>99</sup>.

1. Пул оқимлари асосида рентабеллик кўрсаткичлари қуйидагилардан ташкил топган:

1.1. Операцион фаолиятдан кирим (эгри усулда аниқланади);

1.2. Маҳсулот(иш, хизмат)ларни соф операцион фаолиятдан пул оқимлари бўйича рентабеллиги;

1.3. Соф операцион фаолиятдан пул оқимларини кирими бўйича тушум рентабеллиги.

2. Компаниянинг бизнес таҳлилида – иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Бунда:

2.1. Соф айланма маблағлар ( $CA_M$ );

$$CA_M = ЖА_Ж - КК$$

2.2. Операцион циклни айланиш даври ( $OC_D$ );

$$OC_D = KК_D + TMЗ_D = \left( \frac{(KК_0 + KК_1) \times 0,5}{T} \times 360 \right) + \left( \frac{(TMЗ_0 + TMЗ_1) \times 0,5}{T} \times 360 \right) \text{ ёки}$$

$$OC_D = \frac{360}{KК_K} + \frac{360}{TMЗ_K} = \frac{360}{\left( T / (KК_0 + KК_1) \times 0,5 \right)} + \frac{360}{\left( T / (TMЗ_0 + TMЗ_1) \times 0,5 \right)}$$

Бунда,  $KК_D$  – кредиторлик қарзлари (жорий мажбуриятлар)ни айланиш даври,  $TMЗ_D$  – товар моддий заҳираларини айланиш даври,  $KК_0$  – давр бошига кредиторлик қарзлари,  $KК_1$  – давр охирига кредиторлик қарзлари,  $TMЗ_0$  – давр бошига товар - моддий заҳиралар,  $TMЗ_1$  – давр охирига товар - моддий заҳираларнинг суммалари,  $KК_K$  – кредиторлик қарзларини айланиш коэффициенти,  $TMЗ_K$  – товар – моддий заҳиралар коэффициенти.

2.3. Молиявий циклни айланиш даври ( $MC_D$ ) ҳисобланади ва йиллар бўйича динамик ўзгаришига баҳо берилади.

$$OC_D = TMЗ_D + ДК_D - KК_D \text{ ёки } OC_D = \frac{360}{TMЗ_K} + \frac{360}{ДК_K} - \frac{360}{KК_K}$$

Бунда,  $ДК_D$  – дебиторлик қарзларини айланиш даври,  $ДК_0$  – давр бошига дебиторлик қарзлари,  $ДК_1$  – давр охирига дебиторлик қарзлари,  $ДК_K$  – дебиторлик қарзларини айланиш коэффициенти бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$\left( \frac{(ДК_0 + ДК_1) \times 0,5}{T} \times 360 \right) \text{ ёки } \frac{360}{\left( T / (ДК_0 + ДК_1) \times 0,5 \right)}$$

3. Компаниянинг бизнес таҳлилида ликвидлик ва тўлов қобилиятини баҳолаш учун пул оқимлари ва мажбуриятлар нисбати асосида шаклланган кўрсаткичлар фойдаланилган.

1. У.Бивер коэффициенти ( $K_B$ );

$$K_B = \frac{\text{Операцион фаолиятдан соф пул оқими}}{\text{Мажбуриятлар}};$$

2. Операцион фаолиятдан соф пул оқимини қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати коэффициенти;

3. Фоизларни пул маблағлари билан қоплаш коэффициенти ( $K_\Phi$ );

<sup>99</sup> Giacomino D.E., and Mielke D.E. 1993. Cash flows: Another approach to ratio analysis. Journal of Accountancy (March)

$$K_{\Phi} = \frac{\text{Операцион фаолиятдан (фоизлар ва солиқ тўловларидан ташқари) пул оқимлари}}{\text{Жами фоиз тўловлари}}$$

4. Пул ва унинг эквивалентлари билан операцион фаолият тўловларини таъминланганлиги, кун ўлчов бирлигида ( $D_{\Pi}$ );

$$D_{\Pi} = \frac{\text{Пул ва унинг эквивалентлари}}{\text{Операцион фаолият тўловлари}} \times 360;$$

5. Пул ва унинг эквивалентлари билан операцион фаолият тўловларини таъминланганлик коэффиценти ( $K_{\Pi}$ );

$$K_{\Pi} = \frac{\text{Операцион фаолиятдан соф пул оқими}}{\text{Инвестицион фаолият}};$$

6. Операцион фаолиятдан соф пул оқимини молиявий фаолиятни қоплаш коэффиценти ( $K_M$ ).

$$K_M = \frac{\text{Операцион фаолиятдан соф пул оқими}}{\text{Молиявий фаолият}}.$$

Компаниянинг молиявий аҳволини пул оқимлари асосида баҳолаш унинг юқори молиявий барқарорлиги, операцион фаолиятини самарали бошқариш тўғрисида хулоса ва таклиф тайёрлашга асос бўлади.

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ ТИЗИМЛАРИ ЎРТАСИДАГИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ**

*Эргашев Тўлқин Шокирович  
БухДУ, “Иқтисодиёт” кафедраси  
стажёр-тадқиқотчиси*

Интеграция сўзи ҳамкорлик, ўзаро боғланиш каби маънода ишлатилади<sup>100</sup>. Давлатлар, ҳукуматлар ва йирик компаниялар ўртасидаги, илм-фан, амалиёт, олий таълим, инновациялар ва бизнес ўртасидаги, иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги, иқтисодиёт тармоқларининг таркибий қисмлари ўртасидаги, узлуксиз таълимнинг таркибий қисмлари ўртасидаги, корхона ва ташкилотларни бошқарув элементлари ўртасидаги, инсон омили ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги, таълим хизматлари ва меҳнат бозори га таъсир этувчи омиллар ўртасидаги, олий таълим тизими билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги, фанлар ўртасидаги, фанларнинг қисмлари ўртасидаги ва бошқа шакл ва мазмунда интеграция турлари фарқланади.

Юрт осойишталиги, халқимиз фаровонлиги ва мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилаётган амалдаги қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот миқдорининг ўсиш кўрсаткичлари олий таълим муассасалари тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар сирасига киради. Бундан ташқари олий таълим тизими сифати ва

<sup>100</sup> Олий таълим: (луғат – маълумотнома) / Туз: М.Х. Саидов, Л.В. Перегудов, З.Т. Тоҳиров; акад. С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Молия, 2003. – 120, 288-289, 352-353-бетлар.



самарадорлигини ошириш, ОТМларида меҳнат бозори амалиётида хизмат қилиши режалаштирилган рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришни таъминлашда шундай омиллар гуруҳига дуч келамизки, бу илм-фан, олий таълим, ишлаб чиқариш амалиёти ва инновациялар интеграциясидир. Биз диссертацион тадқиқотда олий таълим ва амалиёт тизимлари интеграцияси асосида кадрлар тайёрлаш менежментини такомиллаштиришга урғу бериб, олий таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш амалиёти ва инновациялар интеграциясининг ўзаро ҳамкорлиги масаласини кўриб чиқамиз.

Таъкидлаш жоизки, бу интеграция глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасида 3-ренессанс пойдеворини қуриш ва жамият фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Меҳнат бозорининг ишлаб чиқариш амалиёти тизимлари – кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати, малакаси ва салоҳиятига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини моддий-техника ва молиявий жиҳатидан таъминлаш жараёнининг иштирокчисидир.<sup>101</sup> Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ, олий таълим ва илм-фанда узлуксиз таълимнинг олий таълимгача бўлган қисмида олинган билимлар такомиллаштирилади, юқори ва олий малакали кадрлар тайёрланади, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади, билимлар, замонавий педагогик, рақамли ва ахборот-коммуникацион технологиялар яратилади, илмий янгиликлар ва инновациялар ишлаб чиқилади, такомиллаштирилади, кашфиётлар қилинади ва ҳоказо.

Таълим – Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига мувофиқ инсон, жамият, давлат манфаатлари йўлидаги аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёни; фуқаролар (таълим олувчилар) давлат томонидан белгиланган таълим даражаси(таълим мезони)га эришувини таъминлайди<sup>102</sup>. ЮНЕСКО ХТСТга мувофиқ “таълим” термини ўзида таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадларида амалга ошириладиган аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ўзида ифода этади. Таълим деганда ўқувни юзага келтирадиган ташкилий ва барқарор алоқа жараёни тушунилади. Хуллас, таълим, аввало, ўқувчиларда билимлар, уқувлар ва малакалар, тизимлар шаклланишида ифодаланадиган таълим жараёнининг нисбий натижасидир, шунингдек, тарбия, ўз-ўзини тарбия, таъсир жараёни, яъни инсон қиёфасини шакллантириш жараёни; бунда билимнинг ҳажми эмас, балки уни шахсий сифатлар, ўз билимларини мустақил тасаввур этиш уқуви билан

---

<sup>101</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 ноябрдаги 47 сонли “Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш инновацион ғамкорликни амалга оширишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги мажлис баёнида юклатилган вазифаларни бажариш борасидаги 448-сонли буйруғи. – Тошкент, 2015 йил 12 ноябр. Манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>102</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. Манба: <http://press-servis.uz>

бирлаштириш муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш – турли иқтисодий маҳсулотлар, моддий неъматлар яратиш жараёни; инсон ҳаётининг табиий шарти ва бошқа тур фаолиятларининг моддий асоси ҳисобланади<sup>103</sup>.

Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришда амалиёт тизимларининг талаб ва эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналишлари ва даражаларини шакллантириб, кадрлар касбий тайёргарлигининг миссияси, мақсади ва вазифаларининг замонавий таълим технологиялари шакллари ҳамда малака талабларини белгилайди, бунинг асосида кадрлар сифати, рақобатбардошлиги ва самарадорлигига баҳо берилади. Жамият фаровонлиги учун кадрлар тайёрлаш масаласида инсон субъект сифатида интеграциянинг қайси объектида иштирок этишидан қатъий назар билимли, маънавиятли, меҳнатсевар, масъулиятли, замонавий ахборот-коммуникацион ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш қобилиятига эга юқори малакали кадр бўлса, мазкур интеграция жараёнлари самарали амалга оширилади ва натижадорлик даражаси юқори бўлади.

Олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси кўпгина илмий тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган. Шу жумладан, Бегалов Б.А., Жуковская И.Е.нинг фикрича, “ОТМларини фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг истиқболли йўналишлари: компанияларнинг илмий-тадқиқот ишларига профессор-ўқитувчилар таркибини, академик жамоатчиликни кенг жалб қилиниши; эркин тадқиқотчилар ва бошловчи компаниялардан олинган илмий ғоялар, лойиҳалар ва ишланмаларнинг тижоратлашуви; инкубацион ва технопаркли ташкилотлар, венчурли тузилмаларнинг миллий тармоқларини тузиш орқали инновацион соҳада институционал қурилишни фаоллаштириш; мамлакат ОТМлари ва илмий тадқиқот институтларини фаоллашган тижорат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг хусусий секторга йўналтирилиши ва интеграцияланишини ривожлантириш; АКТ дунё бозори тараққиётини ва ҳозирги даврда Ўзбекистон имкониятларини ҳисобга олиб, АКТларини аутсорсинг хизматларини кенгроқ кўрсатиш, бу хизматларнинг ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш. Шундай қилиб “фан–таълим–ишлаб чиқариш” миллий инновацион тизимини шаклланиши ва ривожланиши мамлакатнинг илғор университетларидан фақат фундаментал тадқиқот доирасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормасдан, балки илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам қўллашни талаб қилади”<sup>104</sup>. А.О. Очилов томонидан олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси турлари, ва уларни бошқариш йўналишлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда олий таълим муассасалариаро, фанлараро, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси ва кадрлар тайёрлашда халқаро интеграция, кадрлар

---

<sup>103</sup> Олий таълим: (лўғат – маълумотнома) / Туз: М.Х. Саидов, Л.В. Перегудов, З.Т. Тоҳиров; акад. С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: Молия, 2003. – 120, 288-289, 352-353-бетлар.

<sup>104</sup> Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Высшие учебные заведения в формировании национальной инновационной системы страны // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2012. – 4. – 9 б.



тайёрлашда хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши, фанлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал интеграциялар хусусиятларига эътибор қаратилган ва ОТМлари ва ИТМларидаги инновациялар, амалиёт тизимларининг ОТМлари ва ИТМларида ишлаб чиқиладиган ғоялар, уларнинг муҳимлик даражаси, тижоратлаштирилиши, бу тадбирлар асосида иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМга қўшадиган ҳиссаларининг оширилиши мумкинлиги тўғрисида хулосалар берилмаган.<sup>105</sup> Шунга кўра, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш амалиёти тизимларининг илм-фан, олий таълим ва инновациялар билан интеграцияси йўналишларининг олий таълим ва амалиёт тизимлари интеграциясида ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплексларини яратиш ва тараққий эттириш; илм-фан ва олий таълим интеграциясида ОТдан кейинги таълимни ривожлантиришда ОТМ ва ИТМ ҳамкорлиги, ИТМ илмий ходимларини ОТМ таълим жараёнига жалб этишни мотивациялаш; инновациялар ва амалиёт тизимлари интеграциясида ҳамкорлик асосида ҳукуқий базанинг яратилиши, устувор йўналишларни рўёбга чиқариш, буюртмаларга асосан инновацион ғояларнинг ишлаб чиқирилиши ва тижоратлаштирилиши, инновацион ғояларнинг яратилиши юзасидан корхоналардан буюртмалар олиниши, илм-фан ва амалиёт тизимлари интеграциясида шартномалар асосида амалиёт тизимлари буюртмаларининг бажарилиши, ИТИ мавзуларини шакллантиришда амалиёт тизимларининг ҳамкорлиги; ОТМлари интеграциясида ҳамкорликда дарслик, ўқув қўлланма, силлабус ва ЎУМлар тайёрлаш; фанлар интеграциясида узлуксиз таълим тизимида фанлар ва улар қисмларининг ўзаро боғлиқлиги, ОТ йўналишлари ва мутахассисликлари фанларининг ўзаро алоқадорлиги, кредит-модуль тизими асосида ўқитиладиган фанларнинг ўзаро алоқадорлиги; илм-фан, олий таълим, инновациялар ва амалиёт тизимлари интеграциясида ОТМ ва ИТМ инновацион тадқиқотларининг ишлаб чиқариш амалиётга жорий этилиши масалалари муҳим аҳамият касб этади.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИКНИ БАҲОЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН СКОРИНГ МОДЕЛИ**

*ТМИ, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,  
и.ф.д., профессор Мехмонов Султонали Умаралиевич,  
ТМИ, Илмий-инновацион ишланмаларни  
тижоратлаштириш бўлими бошлиғи, PhD  
Мавланов Нормўмин Нормаматович*

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши талабларидан келиб чиқиб бу соҳада кўплаб самарали ишлар амалга оширилди ва мазкур муносабатлар сўнгги йилларда янада тубдан такомиллаштирилмоқда. Бу

---

<sup>105</sup> Ergashev Tolqin Shokirovich (2020) MANAGING THE CONCEPT OF KNOWLEDGEBASED ECONOMY AND LIFELONG LEARNING IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION . Journal of Critical Reviews, 7 (15), 2426-2433. [doi:10.31838/jcr.07.15.323](https://doi.org/10.31838/jcr.07.15.323)

борада “Банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш” масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2018 йил 23 мартадаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ушбу йўналишдаги энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Мазкур қарорда “потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи тижорат банклари томонидан ўз скоринг моделини яратиш ...” ишларини амалга ошириш таъкидлаб ўтилган.

Халқаро тажрибалардан кўриш мумкинки банклар фаолиятида қўлланиладиган турли кредит скоринг моделлари мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва кенг кўламда баҳолаш имконини берадиган замонавий усуллардан бирidir. Бунинг ёрдамида энг мақбул мижоз танлаб олинади ҳамда кредит рискинни сезиларли пасайтиришга эришилади. Демак, кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ йўқотишларни олди олинади. Кредитга лаёқатлилигини аниқ, тўлиқ ва тезкор баҳолаш нафақат банклар учун кредит рискинни пасайтириш балки, корхоналар учун кредитни қайтара олмаслик рискинни қисқартиришга тайинланганлиги билан ҳам аҳамият касб этади. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида кредит скоринг моделидан фойдаланиш, ҳам банк учун, ҳам корхона учун кутилган самарани беради. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар банк амалиётида энг мақбул мижозларни аниқлашда кредит скоринг модели муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Америка Қўшма Штатлари ва Европа мамлакатлари банк тизимида SAS Credit Scoring, EGAR Scoring, Transact SM (Experian-Scorex), K4Loans (KXEN), Clementine (SPSS), "Business Neuro-Systems", Basegroup Labs, Diasoft, Clementine (SPSS) ҳамда "Business Neuro-Systems" (Россия), Basegroup Labs, Diasoft (Украина), FICO(Fair Isaac Corporation) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган скоринг модели бўйича турли дастурлардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида кредит скоринг моделини тўрт хил тури мавжуд<sup>106</sup>:

- **application-scoring** (ариза бериш, топшириш) – кредит ажратишда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш. Ушбу тур истеъмолчиларга маълум бўлган ҳамда энг кўп учрайдиган кредит скоринг усули ҳисобланади. Мазкур усулда банклар мижоз тўғрисида маълумотларини йиғиш, уларни компьютерда қайта ишлаш йўли билан унга кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида хулоса қилинади. Усулнинг афзал жиҳати “онлайн” тизимида

---

<sup>106</sup> <http://www.banki.ru/wikibank/skoring/>

ишлашидир, яъни ўрганилаётган масала интернетдан фойдаланиш йўли билан ҳал этилади;

- **collection-scoring** – ушбу модел вақтида банкга қайтарилмаган-муаммоли кредитларни ўрганиб, унинг ҳолатини баҳолашга тайинланган. Мазкур модел муаммоли бўлган кредитларни қайтарилиши бўйича асосий ҳолатларни кўрсатиб беради;

- **behavioral-scoring** (хатти-ҳаракатлар скоринги) – қарз олувчининг бизнес ҳамда молиявий фаолияти билан боғлиқ энг муҳим ҳаракатларини ўрганиш ва баҳолашга қаратилган. Бунда модел қарз олувчининг тўлов имконияти ва уни ўзгаришини башоратлаш ҳамда унинг чегараларни белгилаш билан афзал аҳамият касб этади;

- **fraud-scoring** – қарз олувчининг фаолиятида содир бўлиши мумкин бўлган турли хил фирибгарлик ҳаракатларини аниқлаш ва уларни олдини олиш ишларини ўрганишга тайинланган. Бу моделда фирибгарлик ҳаракатлари бор-йўқлиги эҳтимоллигига статистик баҳо берилади.

Қайд этиб ўтиш керакки, амалдаги скоринг моделлари мижоз тўғрисидаги киритилган маълумотни фақат қайта ишлаш билан чекланмай, балки келажакдаги хатти-ҳаракатларини олдиндан баҳолаш имкониятига ҳам эга.

Америка Қўшма Штатларида FICO(Fair Isaac Corporation) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган скоринг баллари машҳур бўлиб, у мижозни 300 баллдан 850 баллгача бўлган интервалда баҳолайди<sup>107</sup>. Бунда иккита асосий муҳим жиҳат мавжуд:

- FICO скоринг баллари бешта омил асосида ҳисоблаб чиқарилади;  
- мижознинг кредитга лаёқатлилиги тўплаган баллар шкаласи асосида баҳоланади.

FICO кредит скоринг усулидаги асосий бешта омил ва уларнинг ҳар бирининг салмоғи қуйидагилардан иборат<sup>108</sup>:

- тўловлар тарихи – 35%;
- жорий мажбуриятлар – 30%;
- кредит тарихи ёши(муддати) – 15%;
- қарз маблағларидан фойдаланиш хилма-хиллиги – 10%;
- банкда мавжуд ҳисоб варақлар ва кредит турлари – 10%.

**Тўловлар тарихи – 35%.** Мазкур омилда корхонанинг кредит тарихини ижобий ва салбий томонлари кўриб чиқилади. Яъни, кредит карталари, ипотекалар, электр ва бошқа коммунал тўловлар каби масалалар ўрганилади. Шунингдек ушбу бўлимда, банкротлик эҳтимолига олиб борувчи мажбуриятлар кўриб чиқилади.

**Жорий мажбуриятлар – 30%.** Кредит карталарига эга бўлиш ва улардаги мавжуд қарздорлик ҳолатлари ўрганилади.

---

<sup>107</sup> Ш.З.Абдуллаева. Кредит ва кредитлаш амалиёти: Монография. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017.-368 б.

<sup>108</sup> <https://chicagorealty.jimdo.com/2017/06/.../кредитная-история-fico-score-credit-score>.

**Кредит тарихи ёши(муддати) – 15%.** Корхонани кредит тарихини узоқлиги ҳамда ижобийлиги FICO балларини оширади. Бу ерда кредит тарихининг сўнгги даврларда кредитлардан қандай фойдаланганлик ҳолатларини ижобий бўлиши FICO рейтингда муҳим аҳамиятга эга.

**Қарз маблағларидан фойдаланиш хилма-хиллиги – 10%.** Корхонани кредит карталари, жорий тўловлари, йўл кредит карталари ва ипотека кредитларидан фойдаланганлик даражаси ҳисобга олинади.

**Банкда мавжуд ҳисоб варақлар ва кредит турлари – 10%.** Ушбу омилда янги олинган кредитлар мавжудлиги, шунингдек қисқа муддат давомида бир нечта янги кредитлардан фойдаланиш ҳолатлари FICO рейтингда катта хавф сифатида қаралади.

FICO кредит скоринг усулида мижознинг кредитга лаёқатлилиги умумий тўплаган балл йиғиндиси асосида баҳо берилади<sup>109</sup>.

### 1-жадвал

#### FICO кредит скоринг усулида баҳолаш<sup>110</sup>

Тўпланган баллар	Берилган баҳо
760 баллдан 850 баллгача	Энг аъло даражада
700 баллдан 759 баллгача	Жуда яхши ҳолатда
660 баллдан 669 баллгача	Яхши ҳолатда
620 баллдан 659 баллгача	Ўртача даражада
580 баллдан 619 баллгача	Ёмон ҳолатда
500 баллдан 579 баллгача	Энг ёмон ҳолатда

FICO кредит скоринг усулида мезонлар асосида тўпланган умумий баллга қараб кредит ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

Республикамиз тижорат банкларида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашда турли хил усуллардан фойдаланиб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва мухторлик коэффицентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффицентлар асосида корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги учта синфга ажратиш асосида баҳоланмоқда.

### 2-жадвал

#### Банклар томонидан қўлланилаётган кредитга лаёқатлиликини баҳолаш мезонлари<sup>111</sup>

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1. Қоплаш коэф.(Қк)	Қк > 2	2 > Қк > 1	1 > Қк
2. Ликвидлилик коэф. (Лк)	Лк > 1,5	1,5 > Лк > 1	1 > Лк
3. Мухторлик коэф. (Мк)	Мк > 60%	60% > Мк > 30%	30% > Мк

<sup>109</sup> <https://chicagorealty.jimdo.com/2017/06/.../кредитная-история-fico-score-credit-score>.

<sup>110</sup> Муаллифлар ишланмаси.

<sup>111</sup> Алимарданов И.М. Кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил.

Ушбу тартибдаги кредитга лаёқатлиликини баҳолаш мезонларида қуйидаги бартараф этиладиган камчиликлар ҳамда такомиллаштирилиши талаб этиладиган умумий жиҳатлар мавжуд:

- коэффицентларни ҳисоблаш усулидаги камчиликлар;
- ушбу коэффицентлар асосида корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ баҳолаш имкони йўқлиги;
- халқаро тажрибалар эътиборга олинмаганлиги.

Шу каби ҳолатлар корхоналарни кредитга лаёқатлилигини тўлиқ баҳолаш имконини бермаяпти.

Шунингдек, республикамиз тижорат банкларида қўлланилаётган скоринг таҳлил тизими ҳам корхоналарни кредитга лаёқатлилигини тўлиқ баҳолаб бера олмайди.

Республикамиз банк соҳасидаги кредит муносабатларида амалга оширилаётган корхонани кредитга лаёқатлилигини баҳолашни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан мақсад кредит олувчи корхонанинг кредитга лаёқатлиликини баҳолашни тўлиқ, аниқ ва тезкор ўрганишдир. Бу билан кредитга лаёқатли бўлган энг муносиб корхоналарни танлаб олиш имконияти яратилади. Натижада эса кредит риси сезиларли камайишга эришилади.

Бу борадаги ишларни самарали амалга ошириш йўлида Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилар ҳамда тадқиқотчилар томонидан “Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели-1.0” номли такомиллаштирилган электрон дастур яратилди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома олинди (№DGU 09015. 16.09.2020 й.).

Миллий иқтисодиётимиздаги ўзгаришларни ҳамда хорижий тажрибаларни мужассамлаштирган ҳолда ишлаб чиқилган корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини берувчи мазкур электрон дастур республикамиз тижорат банклари фаолиятида фойдаланишга мўлжалланган. Мазкур дастур корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини кенг кўламда ҳамда аниқ таҳлил қилади, уни ишончли ва тезкор баҳолай олади.

Дастурда корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш учун ўндан ортиқ мезонлардан фойдаланилган, шунингдек у бир вақтнинг ўзида ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлайди. Маълумотлар ушбу кўрсатилган уч (ўзбек, рус, инглиз) тилларидан ҳоҳлаган бирида юкланса айни пайтда натижалар фойдаланувчининг эҳтиёжига кўра ўзбек, рус, инглиз тилларида олинishi мумкин. Олинган натижалар аниқлиги ва ишончлилиги билан бошқа дастурлардан афзал аҳамиятга эга. Мутахассислар учун дастур билан ишлаш мураккаб тавсиф касб этмайди.

Кредитга лаёқатлиликини баҳолаш мезон(критерий)лари кўпайтирилди ва уларнинг ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

Амалдаги баҳолашдан фарқли равишда кредитга лаёқатлилик ҳолати бешта синф асосида амалга оширилади. Бу билан кредитга лаёқатли корхоналарни танлаш имконияти кўпаяди.

“Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели”ни бошқа усулларга нисбатан яна бир афзал жиҳати унда маълумотлар автоматлаштирилган тизимда қайта ишланишидир. Бунда:

- инсон омили таъсири камаяди;
- жорий харажатлар қисқаришига олиб келади;
- операцион рискни камайтиришга имкон беради;
- кредитга лаёқатлиликни баҳолаш қисқа вақтда амалга оширилади;
- миждоз учун ўзи тақдим этган маълумотлар асосида кредитга лаёқатлиликни баҳоланиши банкга нисбатан ишончини ортишига олиб келади.

Дастур учун маълумотлар манбаи бўлиб корхонанинг Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл) ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл) кўрсаткичлари ҳисобланади.

Моделда мезонларнинг муҳимлилик даражасига қараб умумий юз балл молиявий кўрсаткичлар ўртасида қуйидагича тақсимланган.

**3-жадвал**  
**Умумий 100 баллни мезонлар ўртасидаги тақсимоти**<sup>112</sup>

Мезонлар номи	Балл
Корхона ликвидлилик кўрсаткичлари	15
Баланс ликвидлиги таҳлили	15
Корхона маблағлари айланишини таҳлили	20
Корхона фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	15
Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили	15
Альтман модели бўйича баҳолаш	20

“Кредитга лаёқатлилик таҳлилининг скоринг модели”нинг яна бир афзал жиҳати унда корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда номолиявий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланишдир. Номолиявий кўрсаткичлар корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда молиявий кўрсаткичлар воситасида аниқлаб бўлмайдиган, лекин мазкур масала учун ўта муҳим бўлган жиҳатларни сезиш ва тушуниш ёрдамида амалга ошириладиган ҳамда қарор қабул қилиш учун асос бўладиган алоҳида муносабатлардир. Мазкур моделда бешта номолиявий кўрсаткичлар тизимлаштириб берилган.

<sup>112</sup> Муаллифлар ишланмаси.

**4-жадвал**  
<sup>113</sup>

**Умумий 100 баллни мезонлар ўртасидаги тақсимоти**

Мезонлар номи	Балл
Корхонанинг умумий кредит тарихи	20
Кредит таъминоти	20
Лойиҳанинг реаллиги	20
Товарларнинг рақобатбардошлик даражаси	20
Бизнес обрўси	20

Корхонани молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар бўйича олган баллари йиғиндиси(200=100+100) уни қайси синфга тегишли эканлигини кўрсатиб беради.

“Кредитга лаёқатлилиқ таҳлилининг скоринг модели”да кредит ажратиш бўйича корхоналар бешта синфга ажратилган.

**5-жадвал**

**Синфлар бўйича кредит ажратиш тартиби**<sup>114</sup>

Синф	Қисқача изох	Жами (балл)
<b>1-синф</b>	Бу тоифадаги корхоналарни кредит тўлай олиш лаёқати юқори. Ушбу корхоналарга кредитни имтиёзли асосда бериш мумкин.	156-200
<b>2-синф</b>	Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш лаёқатига эга. Ушбу корхоналарга умумий тартибда кредит ажратиш мумкин.	120-155
<b>3-синф</b>	Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш лаёқатига эга эмас. Айрим ҳолатларда ушбу корхоналарга юқори фоизли ставкаларда кредит ажратиш мумкин.	82-119
<b>4-синф</b>	Корхонанинг молиявий ҳолати барқарор эмас. Бу тоифадаги корхоналарда кредит риси жуда юқори ҳисобланади. Шу сабабли уларга кредит бериш мақсадга мувофиқ эмас.	81 гача
<b>5-синф</b>	Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш лаёқатига умуман эга эмас. Ушбу тоифадаги корхоналарга кредит берилмайди.	0

Хулоса қилиб айтганда, ушбу скоринг модели хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тезкор, аниқ, ишончли ва кенг қамровли баҳолаш имконини беради.

<sup>113</sup> Муаллифлар ишланмаси.

<sup>114</sup> Муаллифлар ишланмаси.

## METHODS OF CREDIT RISK VALUATION AND SCORING MODEL

*Azizov Ulugbek Uktamovich,  
c.e.s., prof., Chief of Academy of State Security Service  
Ochilov Olmos Ikrom ugli,  
PhD student of Tashkent institute of finance*

Despite the periodically arising economic difficulties, recessions in the sphere of production, the financial market continues its dynamic consistent development. The emergence of new instruments and institutions leads to the formation of all kinds of threats to the stability of this sector. In order to timely and effectively avoid crisis phenomena and minimize the consequences, a set of measures is organized and carried out, aimed at the timely identification of risks and their management. Currently, there are many different techniques to identify and manage risks.

For each bank, an urgent, vital task is to build a stable and efficient system. This is being addressed by increasing the level of capitalization and ensuring a better level of internal control. In the context of a decline in the overall level of lending, projected against the background of economic instability, borrowers have reduced lending opportunities.

This leads to an increase in the number of loan defaults and, as a consequence, a decrease in the profits of commercial organizations. Obviously, it is possible to minimize losses, but only based on the results of increased requirements for borrowers even at the stage of loan approval. It is clearly not enough to carry out a simple background check and familiarize yourself with the information of the Credit Bureau. At this stage of development, banks cannot do without digital tools that allow them to study and consolidate information about creditors, the process itself, and thereby significantly reduce credit risks.

Credit risk is nothing more than the threat of losses for a credit institution. These losses can be formed sweat for various reasons: non-fulfillment, incomplete or untimely fulfillment by the borrower of financial obligations assumed in accordance with the terms of the contract. Any bank has credit risks in almost all areas of activity:

- Loans;
- Balances on correspondent accounts;
- Short-term loans (including those issued to commercial banks);
- Securities purchased for resale and investment.

Credit risks have a direct impact on the activities of the bank, the state of its capital. In this regard, in-depth analytical work is being carried out aimed at analyzing, forecasting and managing credit risks. The bank must be able to determine the real values of these categories, carefully analyze them and constantly monitor the current situation.

To determine the credit risk of a private borrower, various approaches are used - from the subjective assessment of a specialist in a credit institution to the use of automated systems. As world practice shows, systems based on



mathematical models are considered the most accurate, reliable, efficient and effective. To form the most accurate credit risk model, first of all, a sample should be made of those bank clients about whom there is a lot of verified information and it is known exactly which category of borrowers they belong to: good or bad. The number of individuals studied can reach tens, hundreds of thousands, and even millions.

It is important to understand that the credit risk management process for a commercial organization is not a static, but a constantly changing value. For maximum efficiency, a logical chain should be built in serial or parallel interconnected operations, such as:

- risk identification;
- risk assessment;
- development of a specific set of measures for risk management in the narrow sense of the concept;
- monitoring the current situation;
- monitoring, and, if necessary, adjusting the measures taken.

The methods and tools used for assessing credit risks have come a long way of formation and development. The specialists sought to develop an ideal mathematical model that would make the necessary calculations and predict the development of the situation with a high degree of probability.

The most famous in certain circles of banking professionals is the so-called Basel scheme for weighing assets at risk. However, it was very simplistic in nature and did not allow a comprehensive assessment of the situation, taking into account the requirements for the size of capital and credit ratings (for example, high or low quality).

A significant leap forward in the development and improvement of credit risk assessment methods has taken place in the last decade. It was during this period of time that the main prerequisites for this were most clearly manifested, namely:

- Decrease in control and external regulation of the financial sector, which occurred due to a significant reduction in the influence of the state in the activities of financial institutions of the state. Many of the previously functioning restrictions were canceled, which made it possible to more actively promote new types of banking services on the market.
- The sphere of bank lending has significantly expanded. Growth is recorded both in terms of the volume of operations carried out and the number of borrowers.
- Increased risks associated with off-balance sheet transactions, especially with derivatives.
- Issue of securities backed by certain assets (securitization). This has dramatically increased the role of the capital market as a reliable and effective mechanism for raising funds.


Traditional lending has somewhat lost ground, which has become the main incentive for banks to develop new, more efficient models to better manage credit risks. According to literature review we can classify methods of credit risk assessment in the following way (picture-1):

Let's consider scoring method of credit risk assessment in more detail. The

essence of the method lies in the general assessment of the quality of the borrower.

Various characteristics of clients are analyzed: age and income level, profession and position held, marital status. The obtained variable data are analyzed and on their basis a certain graph is built, a scale that allows evaluating the borrower according to two criteria: "good" or "bad". The question is posed: "will the borrower return the loan or not", and the answer is formed with a high degree of probability.

In fact, scoring is a mathematical (statistical) model, with the help of which, using the credit histories of clients who have previously used the bank's services, the degree of probability of a loan repayment by a potential borrower is determined in a timely manner.



**Picture-1. Classification of methods used in credit risk assessment<sup>115</sup>**

The initial data for analytics is the following information collected by banks at the time a client applies for a loan:

- ❖ information from the questionnaire, which is entered directly by the borrower;
- ❖ information available in the credit bureau on this borrower;

<sup>115</sup> Made by authors based on research investigations

❖ The bank's client is also interested in the available data on account movements.

The use of scoring allows the bank to reduce the percentage of loan default. There is an increase in speed and a manifestation of greater impartiality in making decisions on whether to issue a loan or refuse it.

At the same time, this method is far from perfect, but it does not provide any explanation why this or that person does not pay the bills, does not return the loan. It is impossible to establish for sure whether a particular borrower will return the money on time and whether he will return it at all. One can only state the fact of defaults or repayments of loans by people of the same profession, level of education and income earlier.

After assessing the current market situation in terms of the effectiveness of existing models for research and assessment of credit risks using digital methods, a number of conclusions can be drawn:

1. Existing software tools and techniques used by commercial banks are not effective enough.

2. There is an urgent need to develop new or modernize existing models, create more accurate, efficient and effective software that will have such important advantages as: accuracy, robustness, transparency, the ability to automate analysis and risk assessment.

3. The scoring models proposed by Western scholars can allow guaranteeing the accuracy of the results; they have high robustness and transparency.

4. According to the author, the most promising model is Credit scoring model developed by the scholars of Tashkent institute of finance, that created taking into account the features of national economy and allows users to realistically assess the credit risks of a bank.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Мақсудов Бунёд Абдусамат ўғли  
ТМИ, Банк иши кафедраси ўқитувчиси*

Тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг асосий мезонларидан бири жалб қилинган маблағларнинг оқилона қийматини шакллантириш ҳисобланади. Жалб қилинган маблағлар баҳоси уларнинг актив операциялари фоиз даражасига бевосита таъсир қилади. Шу боис, жалб қилинган маблағларнинг баҳосини бошқаришда асосий эътибор уларни нисбатан арзон манбалар ҳисобидан шакллантиришга қаратилади.

Амалга оширилган изланишларимиз ва мавжуд иқтисодий адабиётларда келтирилган маълумотлардан хулоса қилган ҳолда, тижорат банклари жалб қилинган маблағларини қиймати жиҳатидан арзон ва қиммат маблағларга гуруҳладик. Арзон маблағлар банк учун муддати жиҳатидан нисбатан беқарор маблағлар ҳисобланади. Чунки ушбу маблағлар унинг эгаси

томонидан қисман ёки тўлиғича талаб қилиниши натижасида банкнинг ноликвид ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён ўтган давр мобайнида молия-кредит соҳасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, иқтисодий эркинлаштириш жараёнларининг тобора чуқурлашуви тижорат банклари депозит сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, тижорат банклари ресурслари таркибида депозит маблағлари улушининг пастлиги, банк депозит хизматлари инновацион иқтисодий ва мижозлар учун манфаатли бўлган турларини амалиётга жорий этиш ҳамда самарадорлик даражасини ошириш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир

Жалб қилинган маблағлар қаторида алоҳида ресурс сифатида кредит ташкилотлари, микрокредит ташкилотларининг маблағларини кўрсатиш лозим. Чунки, банклар ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотлари ёки хусусий шахслардан фарқли ўлароқ бир-бирлари билан операцияларни амалга оширишда банклараро бозорда қатнашишлари мумкин, шу сабабдан ҳам улар бир-бирларининг ликвидликларига ва молиявий ҳолатларига таъсир кўрсатиши мумкин. Худди шу тамойил асосида, қарз маблағларининг алоҳида бир гуруҳига, марказий банк ва бошқа банклар олдидаги мажбуриятлар ҳам киритилади. Бундан ташқари, ташқи объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатадиган юқори даражадаги рискли ресурслар қаторига норезидент банклар, корхона ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳам киради. Нобанк секторидан жалб қилинган маблағлар қаторида ишончлилик даражасига кўра депозитлар (асосан муддатли депозитлар) муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг такомиллашуви ва иқтисодий рақобатнинг чуқурлашуви ҳамда мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграция жараёнларининг тезлашуви тижорат банкларига жалб қилинган маблағларни барқарор манбалар ҳисобидан шаклланишини ва уларни самарали мақсадларга жойлаштиришни талаб этмоқда. Буларнинг барчаси тижорат банкларига жалб қилинган маблағларни ҳажм ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш зарурлигини англатади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон банк тизимида хусусан, банкларга жалб қилинган маблағлар ҳажмини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, банкларнинг жалб қилинган маблағлари таркибида депозитлар улушининг ва узоқ муддатга сақланадиган (3,5,10 йиллар) маблағлар ҳажмининг камайиш тенденциясига эга эканлиги, банкларнинг жалб қилинган маблағлари асосан қиммат маблағлар ҳисобидан шакллантирилаётганлиги мазкур масаланинг ҳозирги кунда долзарб эканлигини кўрсатиб беради.

Ҳозирги вақтда банк операциялари жалб қилинган (қарзга олинган) кредит ресурсларига асосланган бўлиб, улар банк мажбуриятлари ҳисобланади. Банкнинг мажбуриятлари молиявий манбалар сифатида маълум шартларда ишлатиладиган ресурсларнинг банкдан ташқари улушини акс

еттиради. Уларнинг турли банклардаги улуши молиявий манбаларнинг 75-80% гача ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон Фармонида мамлакатимиз банк тизимини ривожлантириш, молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилган.

Дарҳақиқат тижорат банклари жалб қилинган маблағлар хажмини ошириш ҳамда халқаро молия бозорларидан молиявий ресурсларни жалб этиш жорий даврнинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятлари таркиби ва динамикаси [1]**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>01.12.2017</b>	<b>01.12.2018</b>	<b>01.12.2019</b>	<b>01.12.2020</b>
<b>Мажбуриятлар</b>				
Депозитлар	40,5%	38,1%	35,1%	36,2%
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	0,5%	0,06%	0,6%	0,3%
Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	3,8%	3,8%	3,7%	3,8%
Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	0,07%	0,2%	0,3%	1,0%
Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	49,0%	54,6%	53,5%	49,8%
Чиқарилган қимматли қоғозлар	0,1%	0,01%	0,0%	3,2%
Субординар қарзлар	-	0,1%	1,5%	1,4%
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	0,7%	1,1%	1,2%	1,3%
Бошқа мажбуриятлар	5,2%	2,1%	4,1%	3,0%
<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>100%</b>	<b>100%</b>	<b>100%</b>	<b>100%</b>

Мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятлари таркибини таҳлил қилар эканмиз, йиллар давомида мажбуриятлар нотекис динамикани намоён қилмоқда. Мамлакатимиз тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида асосий улушни олинган кредитлар ва лизинг операциялари, депозитлар ташкил қилмоқда. Ривожланган мамлакатларда юқори салмоқни ташкил қилувчи субординар қарзлар 1-1,5 фоиз атрофида бўлиб, банкларимизнинг қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш орқали ресурс жалб қилиш салоҳияти жуда ҳам паст эканлигини кўрсатади. Шунингдек банкларнинг мажбуриятлари таркибида депозит операциялари сўнгги тўрт йилда 4,3 фоизга пасайганлиги банкларнинг депозит жалб қилиш билин боғлиқ фаолияти қониқарсиз эканлигини кўрсатади. Банкларимиз мажбуриятлари таркибида олинган кредитлар ва лизинг операциялари салмоғи юқориликча

сақланиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- Давлат улуши мавжуд банкларга ҳукумат томонидан давлат дастурларини молиялаштириш мақсадида катта миқдордаги маблағларни йўналтирилаётганлиги;

- Хорижий инвесторлар ҳамда халқаро молия ташкилотларидан йирик миқдордаги кредитларни жалб этилаётганлиги.

- Ўзбекистон тижорат банклари жалб қилган маблағлари таркибида депозит маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётган маблағларининг улуши халқаро банк амалиётидаги даражадан анча паст. Одатда, халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткич камида 60–65 фоизни ташкил этади. Масаланинг иккинчи жиҳатига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимиз тижорат банклари депозит маблағлари таркибидаги асосий улуш талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлар ҳисобидан шаклланмоқда.

Тижорат банклари ресурсларини бошқаришнинг асосий мезонларидан бири жалб қилинган маблағларнинг оқилона қийматини шакллантириш ҳисобланади. Жалб қилинган маблағлар баҳоси уларнинг актив операциялари фоиз даражасига бевосита таъсир қилади. Шу боис, жалб қилинган маблағларнинг баҳосини бошқаришда асосий эътибор уларни нисбатан арзон манбалар ҳисобидан шакллантиришга қаратилади. Мамлакатимиз банк тизими жалб қилинган ресурслари таркиби таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, банкларнинг жалб қилинган ресурслари таркибида олинган кредитлар ва лизинг миқдори юқориликча қолмоқда.

- ўтган йили банкларга давлат кафолати остида қарийб 600 миллион долларлик кредит линиялари жалб қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 570 миллион долларни ташкил қилади.

- шу билан бир қаторда, аҳолининг жамғарма ва муддатли депозитлари улуши йирик банкларда ўртача 5 фоизни ташкил этади, холос.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз тижорат банкларининг ресурсларининг катта қисми (қарийб 60-70 фоизи) депозит бўлмаган манбалар ҳисобидан шакллантиришга жиддий эътибор қаратмаган. Ушбу манбалар ҳисобидан ресурсларини шакллантираётган банкларда ҳам депозит бўлмаган маблағларнинг улуши пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган, мазкур ҳолат бир жиҳатдан ижобий бошқа томондан эса салбий ҳолат эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди. Алоҳида олинган тижорат банклари депозит бўлмаган ресурслар ҳисобидан маблағларини шакллантириш амалиёти турлича эканлиги маълум бўлди. Масалан, мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларидан бўлган Ўзмилий банкида депозит бўлмаган маблағлар асосан банклараро кредитлар ҳисобидан шакллантирилаётган бўлса, “Саноатқурилишбанк”да хорижий кредит линиялари ҳисобидан жалб қилинган маблағлар асосий салмоқни эгаллайди. Кўпчилик тижорат банклари молиявий ресурсларини шакллантиришда ушбу инструментлардан умуман деярли фойдаланмаяпти.

Банкларнинг жалб қилинган маблағлари таркибида қиймати жиҳатидан арзон, лекин муддати нуқтаи назардан беқарор маблағларнинг салмоғи

юқори улушни ташкил этади. Шу боис ҳам банклар жалб қилинган маблағларга берилган кредитларга нисбатан юқори даражада фоиз ўрнатган бўлишига қарамасдан иқтисодий жиҳатдан зарар кўрмайди. Жалб қилинган муддатли депозитларнинг таркибида асосан жисмоний шахсларнинг омонатлари юқори салмоқни ташкил этиб, асосан нақд пулларнинг ҳажмини кўпайтириш мақсадида жалб этилганлиги боис, уларга тўланадиган фоиз ставкалари юқори даражани ташкил этган. Шунингдек, Марказий банк аҳолидан жалб қилинган маблағларга нисбатан мажбурий захира талабини жорий этмаганлиги туфайли, банклар ушбу маблағларни тўлиғича актив операцияларга жалб қилиш имконининг мавжудлиги ижобий таъсир қилади.

Тижорат банкларига жалб қилинган маблағлар ҳажмини ошириш юзасидан амалга оширилган ўрганишлар, таҳлиллар ва тадқиқотларнинг натижаларига асосланган ҳолда, қуйидаги хулосаларни шакллантирдик.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида
2. Банковская дело. Под ред. О.И.Лаврушина. –М.: “Ф и С”. 1998. –С. 68.
3. А.Омонов “Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари”. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. 2008 й. -249 б
4. У.Ортиқов “Банк ресурслари ва уларни бошқариш” –Монография.: Т. 2009. -115 б
5. Банковское дело Под ред. В.Н. Колесникова, Л.П. Кроликовецкой. М.: Финансы и статистика, 2000. С .46
6. Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дело. –М.: Инфра М. 1996. -С. 102-104.
7. Синки Дж. Управление коммерческимс банками. Перевод с англ. –М.: Cattalaxy. 1994. –С. 22-23.

### **КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ (ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

*Эрназаров Фулом Бекбоевич  
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси  
Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар  
институтини катта ўқитувчиси (тел.90.134-00-65)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида”<sup>116</sup>ги ПФ–4947-сонли, 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5017-сонли фармонлари, 2017 йил 24 апрелдаги 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2922-сонли, 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4040-сонли қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича республикада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалиги статистикаси ижтимоий-иқтисодий статистиканинг таркибий соҳаларидан бири бўлиб, уй-жой фондининг мавжудлиги, таркиби ва ҳолатини, яхшиланишини, аҳолининг уй-жой шароити ва сув, иссиқлик, газ таъминоти, меҳмонхоналар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришга дахлдор бошқа йўналишларни ўрганадиган статистика соҳаси ҳисобланади. У шунингдек, уй-жой хўжалиги ва яшаш шарт-шароитларни, яъни, уй-жой фонди соҳаси ва ишловчилар сони статистикаси; уй-жойлардан фойдаланиш статистикаси; уй-жой шарт-шароитлари статистикасини ўрганади.

Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари томонидан тузиладиган ва улар жойлашган ҳудуд статистика бўлимларига топшириладиган статистик ҳисобот шакллари (2-уй-жой, 1-ком, 2-ком, 3-ком) барча учун амалдаги тартиблар бўйича мажбурий ҳисобланади. Уларни тузиш ва топшириш тартибларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари ушбу статистик ҳисоботлар ўзлари учун ҳам қанчалик муҳимлигини англашлари зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари фаолиятини таҳлилини амалга оширамиз.

Бу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб берувчи “TOSHISSIQQUVVATI” давлат унитар корхонаси (ДУК) бу жабҳада табиий монополист ҳисобланади. Иккинчи томондан, мазкур корхона иссиқлик энергиясининг улгуржи харидори ва олиб сотувчиси ҳам. Истеъмолчиларга сотиладиган иссиқлик энергияси таркибида корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган иссиқлик энергиясининг салмоғи жуда кам, иссиқлик энергиясининг аксарият катта қисми харид қилинади. Иссиқлик энергиясининг асосий ишлаб чиқарувчиси “Toshkent issiqlik markazi” ДУК бўлиб, унинг тасарруфида 10 та кудратли иссиқлик манбаси мавжуд. Бундан ташқари, ТошИЭМ ва бир неча саноат корхоналарининг кичик

---

<sup>116</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



қозонхоналари ҳам иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилари ҳисобланишади.

“TOSHISSIQQUVVATI” ДУК иссиқлик энергиясининг улгуржи харидори ва олиб сотувчиси, иссиқлик энергиясини ташиш ва истеъмолчиларга етказиш вазифасини бажариш билан бирга иссиқлик коммуникация тармоқларининг тасарруф этувчиси ҳам ҳисобланади. У иссиқлик энергиясининг якуний истеъмолчигача (квартирагача) етказилиши учун масъулдир. Унинг функцияси иссиқлик энергиясини уй биносигача, хусусан, кўп квартиралар уйнинг иссиқлик (элеватор) узелигача етказиб бериш билан чекланади.

Иссиқлик узелида “TOSHISSIQQUVVATI” ДУК томонидан етказиб бериладиган иссиқлик энергияси марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича коммунал хизматлар маҳсулотининг муайян турларига айланиб, уй ичидаги горизонтал ва вертикал иссиқлик тармоқлари бўйлаб квартираларга етиб боради, уй ичи тармоқлари эса аҳоли мулки ҳисобланиб, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқарувида бўлади.

Шундай қилиб, иссиқлик марказлари, магистрал ва тақсимлаш иссиқлик қувурлари, уй ичи тармоқларидан таркиб топган, ягона ёпиқ тизимни ўзида намоён этувчи марказлашган иссиқлик таъминоти тизими бошқарув тизимига кўра, бир-биридан ажратилган ва турли мустақил корхоналар ва ташкилотлар томонидан бошқарилади.

Ушбу ҳолат кўплаб салбий жиҳатларни келтириб чиқариб, иссиқлик таъминотидаги жиддий камчиликларга сабаб бўлади. Оқибатда тегишли тизимлар айбни ўзидан соқит қилиб, истеъмолчи олдида иситиш ва иссиқ сув таъминоти сифати учун жавобгарликни бир-бирининг зимасига юклатади. Масалан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари етказиб берувчи иссиқ сувнинг зарур босими ва ҳароратини таъминламаган ҳолда иссиқлик энергиясини етарлича етказиб бермаяпти, дея айбни “TOSHISSIQQUVVATI” ДУКга тўнқайди.

“TOSHISSIQQUVVATI” ДУК, ўз навбатида, бир ҳолатда иссиқлик манбалари иссиқлик таъминотининг технологик параметрларига риоя қилмайди, дея “Toshkent issiqlik markazi” ДУКни айблайди, бошқа ҳолатда эса, уй ичи тармоқлари носозлигини рўқач қилиб, айбни ХУМШга тўнқайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...Дунёдаги йирик мегаполисларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда, реновация дастурини, яъни, эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида энг замонавий шароитга эга бўлган янги уйлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш лозим. Маълумки, коммунал хўжалик соҳаси узоқ йиллардан буён кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун 2019 йилдан бошлаб тармоқда давлат-хусусий шериклик бўйича инвесторлар билан ҳамкорликда ишлашни бошлаймиз”, дея таъкидлаб ўтди[30].

Шу муносабат билан юртбошимиз томонидан иссиқлик билан таъминлаш ва уни бошқаришнинг бутун тизимини кескин ўзгартириш вазифаси қўйилди. Бу масалада, мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, мавжуд қозонхоналар ва иссиқлик таъминоти тармоқларининг техник ҳолати

энг заиф бўғин ҳисобланади. Шунингдек, муқобил ёқилғи манбаларидан фойдаланган ҳолда, алоҳида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш ҳамда эскирган, ёқилғини кўп сарф қиладиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш масалаларини ечиш таклиф этилди.

Бу масалада сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари, маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг роли ва масъулиятини белгилаб қўйиш лозим, токи уларнинг ҳар биридан аниқ жавоб талаб қилиш мумкин бўлсин.

Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор илмий таклифлар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилар:

6. Уй-жойларни қуриш бўйича намунавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини жадаллаштириш ва юқори даражада сифатни таъминлаш;

7. Канализация тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш;

8. Аҳоли яшаш пунктларида ва туман марказларида тоза ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш;

9. Шаҳар ва унинг туманларида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш;

10. Шаҳар марказида ва туманларда арзон ва кўп қаватли турар жойлар қурилишини таъминлаш;

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва интернет манбалари**

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ҳисобот маълумотлари.

2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти.

3. [www.gorogl.gomel.by](http://www.gorogl.gomel.by) – Уй-жой коммунал хўжалиги сайти.

4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

### **КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ КўРСАТКИЧЛАРИНИ СТАТИСТИК УСУЛЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ**

*Кадрлар малакасини ошириш ва статистик  
тадқиқотлар институти катта ўқитувчиси О.Т.Кодиркулов.  
ТДИУ магистранти О.Ф.Бекбоев*

Ҳақиқий иқтисодий-статистик таҳлил, ўрганиш объектлари бўйича дастлабки (ёки ишлов берилган) маълумотларни тўплаш, қайта ишлов бериш, кўрсаткичлар тизимини яратиш ва уларни ҳисоблашдан бошланади. Корхона ва ташкилотлар (хўжалик юритувчи субъектлар)нинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганишда молиявий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Молиявий кўрсаткичлар - хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг асосий индикатори ҳисобланади. Улар ёрдамида молия-хўжалик фаолиятлари тадқиқ, ва таҳлил қилинади, корхоналар (ташкилотлар)нинг молиявий натижалари,

ҳолати, барқарорлиги ўрганилади, ҳамда йўналиш ва ривожланиш суръатлари прогнозлари қилинади.

Хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижалари асосан қуйидаги 5 та фойда кўрсаткичлари билан тавсифланади.

**1. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда** - бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\mathbf{ЯФ = ССТ - ИТ,}$$

**Бу ерда,**

ЯФ - маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари); ССТ - маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум; ИТ - сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи ҳисобланади.

**2. Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)** - бу маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) дан давр харажатларини айириш ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини қўшиш натижасида аниқланади.

$$\mathbf{АФФ = ЯФ - ДХ + БД,}$$

**Бу ерда,**

АФФ - асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари); ЯФ - маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари); ДХ - давр харажатлари; БД - асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳисобланади.

**3. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)**– бу асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)га молиявий фаолиятнинг даромадларини қўшиб, молиявий фаолият бўйича харажатларни айириш натижасида ҳисобланади.

$$\mathbf{УФ = АФФ + МД - МХ,}$$

**Бу ерда,**

УФ - умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари); АФФ - асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари); МД - молиявий фаолиятнинг даромадлари; МХ - молиявий фаолият бўйича харажатлари ҳисобланади.

**4. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)** – бу умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)га фавқулоддаги фойда қўшилади ва фавқулоддаги зарарни айириш натижасида ҳисобланади.

$$\mathbf{СТФ = УФ + ФП - ФЗ,}$$

**Бу ерда,**

СТФ - фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар); УФ - умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари); ФП - фавқулоддаги фойда; ФЗ - фавқулоддаги зарар ҳисобланади.

**5. Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)**– бу фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)дан фойда солиғи ҳамда фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни айириш натижасида ҳисобланади.

$$\mathbf{СФ = СТФ - ДС - БС,}$$

**Бу ерда,**

СФ - ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари); СТФ - фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар); ДС - фойда солиғи харажати; БС - фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган молиявий кўрсаткичлар амалдаги давлат статистикаси ҳисоботининг “Ташкилот хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги (**1-korxonona shakli**) шаклда мутлоқ шаклида бевосита келтирилади (рентабеллик кўрсаткичларидан ташқари). Молиявий натижаларни ҳисоблаш Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02. 1999 йилдаги № 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги низомга асосланган ҳолда амалга оширилади. Молиявий кўрсаткичларнинг бошқа турлари (гуруҳлари) қўшимча ҳисоб-китоблар қилиш орқали ҳисобланади.

**Сотишдан тушган тушум-хўжалик** юритуви субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида қийматга эга бўлган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) яратилади, унинг товар қисмининг ҳажми сотиш нархларида баҳоланади ва уни сотишдан тушган даромад, сотишдан тушган тушум дейилади. Ривожланган хориж мамлакатлар статистикасида ҳам сотувдан тушган тушум (Proceeds From Sales) ва бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартида эса (стандарт № 18 «Даромадларни қайд қилиш») «Даромад» дейилади. Бу кўрсаткичга корхоналарнинг молиявий фаолиятининг муҳим кўрсаткичи сифатида қаралади ва унинг ҳажмига кўра корхоналарнинг рейтинг даражаси баҳоланади.

## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К АНАЛИЗУ НАЛОГОВЫХ ПОСТУПЛЕНИЙ

*С. Э. Ширинов*

Для предварительного анализа динамики поступлений в бюджет налогов, необходимо построить временный ряд  $(y_1, \dots, y_i, \dots, y_n)$  из базисных и цепных показателей. Следует отметить, что базисные показатели используются при сравнении уровня ряда с начальным уровнем (момент  $i$  и момент  $1$ ), тогда как цепные показатели применяются при сравнении с предыдущим уровнем (моменты  $i$  и  $i - 1$ ). Пусть имеются некоторые базисные показатели налоговых поступлений (ряда) для  $i$ -го момента времени. Тогда, абсолютный прирост, коэффициент роста, темп роста, коэффициент прироста, темп прироста налоговых поступлений определяются с помощью следующих формул:

1. коэффициент роста:  $K_i^p = \frac{y_i}{y_1}$  ;

2. темп роста:  $T_i^p = \frac{y_i}{y_1} * 100\%$ ;

3. абсолютный прирост:  $\Delta_i = y_i - y_1$ ;

4. коэффициент прироста:  $K_i^{np} = \frac{y_i - y_1}{y_1} = K_i^p - 1$ ;

5. темп прироста:  $T_i^{np} = K_i^{np} * 100\% = T_i^p - 100\%$ .

Цепные показатели динамики налоговых поступлений рассчитываются из аналогичных базисных показателей заменой  $y_1$  на  $y_{i-1}$ .

При исследовании налоговых поступлений могут быть использованы также средние показатели ряда, которые рассчитываются с применением следующих формул:

1. средний коэффициент роста:  $K_{ср.р} = \sqrt[N]{K_N^p}$ ;

2. средний абсолютный прирост:  $\Delta_{ср.пр} = \frac{\Delta_N}{N}$ ;

3. средний темп роста:  $T_{ср.р} = K_{ср.р} * 100\%$ ;

4. средний темп прироста:  $T_{ср.пр} = T_{ср.р} - 100\%$ .

Для анализа динамических рядов налоговых поступлений, в разрезе налоговых органов, следует провести группировку государственных налоговых инспекций и государственных налоговых управлений по различным признакам. При этом распределение налоговых инспекций по группам осуществляются по принадлежности к регионам, объему собранных налогов в бюджет, налоговой задолженности, количеству проведенных налоговых проверок и результатам налоговой проверки, собираемости налогов.

Группировка собранной информации о налоговых поступлениях служит основанием дальнейшего анализа деятельности налоговых органов. На основе группировки налоговых органов рассчитываются сводные показатели, отражающие налоговые поступления. Тогда появляется возможность сравнения налоговых поступлений, анализа причин их различий между группами, изучения взаимосвязей между признаками.

Структуры, специфики, роли групп налоговых инспекций и налоговых управлений определяются тогда, когда рассчитаются сводные показатели в целом по республике с разбивкой информации по государственным налоговым управлениям.

В исследовании налоговых поступлений различают горизонтальный, вертикальный анализ. Горизонтальный анализ используется для определения абсолютных и относительных отклонений фактического поступления налогов от их базисной величины. При помощи вертикального анализа изучается структура доходной части государственного бюджета, налоговых поступлений. Путем определения удельного веса каждого вида налогов, выявления их изменений под влиянием различных факторов и влияние этих изменений на уровень собираемости налогов, как в отдельных регионах, так и в целом по стране.

## ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ ФОНДА РЕКОНСТРУКЦИИ И РАЗВИТИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*кафедра «Финансы»  
Ташкентский финансовый институт  
PhD Жуманиязов И.Т.*

В международной практике, для реализации крупных инфраструктурных проектов, ускоренного развития экономики с целью создания высокотехнологичных объектов производства, реализации социально-экономических проектов совместно с иностранными инвестициями, суверенные фонды со своими средствами стали мощным потенциалом для инвестиционных и инновационных процессов. Согласно данным за 2018 год, «более чем в 50 странах было создано более 80 суверенных фондов с совокупным капиталом в размере более чем 8,1 триллиона долларов США. Географию создания суверенных фондов, то 40,24 процентов приходятся на Ближний Восток, 39,74 процентов на Азиатские страны, 13,11 процентов на Европу, 2,8 процентов на Америку, 2,7 процентов на Африку и 1,4 процентов на другие страны»<sup>117</sup>. В странах мира, суверенные фонды развиты на достаточном уровне и выполняют свои функции в трансфере накопленных финансовых ресурсов в инвестиции, удобное и безрисковое эффективное распределение. В то же время, одним из ключевых вопросов является эффективное использование средств фонда.

В условиях острой конкуренции в мировой экономике проводится множество научных исследований для обеспечения эффективного использования средств фондов реконструкции и развития для обеспечения финансово-экономического развития. Ведущие финансовые учреждения, такие как Международный валютный фонд, отдают предпочтение тенденциям в области исследований и разработок, связанных с функционированием фондов реконструкции и развития, а также конъюнктуру внешнего рынка и определяют направление развития с помощью эконометрического моделирования. Исследования в развитых и развивающихся странах, в частности, Фонд национального благосостояния, сосредоточены на повышении диверсификации и устойчивости источников доходов фондов реконструкции и развития а, с другой стороны, уделяют особое внимание определению направлений по обеспечению целевого использования ресурсов фонда и повышению результативности.

Роль Фонда реконструкции и развития в позитивном выполнении этой задачи - это эффективное использование его ресурсов. По этой причине, особое значение уделяется ряду вопросов таких как, повышение конкурентоспособности фонда за счет модернизации и диверсификации

---

<sup>117</sup> Официальный сайт Института суверенных фондов. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <https://www.swfinstitute.org/fund-rankings/sovereign-wealth-fund>

ведущей национальной экономики в условиях последовательных реформ по модернизации и либерализации экономики в стране, а также повышения эффективности деятельности фонда; укрепления доходной базы и эффективного использования финансовых ресурсов при реализации перспективных проектов; диверсификация направлений деятельности, и обеспечение прозрачности на основе международных стандартов. Эта ситуация требует систематических исследований по эффективному использованию средств из фондов реконструкции и развития. Достижение этих аспектов играет важную роль в повышении международной конкурентоспособности и инвестиционного потенциала, повышении благосостояния населения путем создания новых производственных мощностей в национальной экономике.

В своем распоряжении Фонд должен иметь стабильные финансовые ресурсы для обеспечения устойчивого социально-экономического развития страны и развития его ведущих отраслей. Действующий механизм формирования доходов Фонда не может сохранить доходы Фонда на стабильном уровне и обеспечить их дальнейший рост.

Основную часть доходов Фонда составляют средства, полученные в результате роста цен на мировом рынке от фиксированной цены на стратегические продукты. В последующие годы доходы от продажи стратегических товаров имеют тенденцию к снижению. На финансовую устойчивость фонда с одной стороны, влияет снижение цен на стратегические продукты на мировом рынке, а с другой стороны, влияет на необходимость увеличения «цены отсечения»<sup>118</sup>. Здесь следует подчеркнуть, что «цена отсечения» на золото менялась в течение последних 3 лет, но затраты компании на производство золота растут. Увеличение заработной платы в среднем на 10-15 процентов в год, рост цен на сырье, рост счетов за коммунальные услуги, инфляция и другие расходы, в свою очередь, увеличивают эксплуатационные расходы. Чтобы компания не понесла убытки, необходимо сохранить «цену отсечения» на прежнем уровне, что невозможно.

Таким образом, можно сделать вывод, что объем поступлений фонда, как ожидается, резко сократится, если цена на золото не будет расти. Это ограничивает возможность Фонда финансировать инвестиционные проекты. В результате, это станет серьезным препятствием для социально-экономического развития страны. В этом случае можно проанализировать влияние изменения «цену отсечения» на изменение доходов Фонда.

Еще одним фактором эффективного использования финансовых ресурсов Фонда является отсутствие практики адекватной оценки валютных рисков при размещении свободных ресурсов на депозитах иностранных банков. Учитывая это, целесообразно быть участником международного финансового рынка, инвестируя свободные средства Фонда в государственные облигации, с низким уровнем риска, а не в депозиты

---

<sup>118</sup> Государственный лимит цен на стратегические продукты.



иностранных банков. О важности этого свидетельствует тот факт, что в среднем 79 процентов собственных средств суверенных фондов мира направляются в государственные ценные бумаги<sup>119</sup>.

Целесообразно публиковать информацию о финансовых ресурсах Фонда для повышения эффективности использования финансовых ресурсов Фонда и мониторинга их точного размещения. Соответственно, в нем должны быть представлены: история создания Фонда, причины его создания, описание источников формирования финансовых ресурсов, представление структуры государственного имущества; публикация квартальных и годовых отчетов; заключения независимого аудитора о годовых отчетах; оценка участия и его эффективность в уставном капитале корпоративных структур; предоставление информации об инвестиционном портфеле и его рыночной цене, доходности фонда, риске, степени диверсификации, а также информация о расходах управления фонда; предоставление объема и географии инвестиционной деятельности; информация о совместно финансируемых проектах; уровень реализации инвестиционной политики с обязательством соблюдения этических норм инвестирования; наличие внешних профессиональных менеджеров; соответствие требованиям его официального веб-сайта.

Одним из ключевых факторов эффективного использования финансовых ресурсов Фонда считается эффективное использование средств, включенных в уставный капитал коммерческих банков. Высокая доля сбережений в уставном капитале коммерческих банков препятствует развитию здоровой конкуренции в банковской системе (табл. 4).

Согласно данным таблицы мы видим, что в большинстве банков доля Фонда в коммерческих банках превышает 50 процентов. Увеличение доли сбережений в коммерческих банках привело к увеличению доли государства непосредственно в коммерческих банках. В результате резкого роста объемов кредитования в крупных коммерческих банках за последние годы, доля кредитов в экономике увеличилась с 26,8% в 2016 году до 68% в 2018 году.

Исходя из вышеизложенного, для оптимизации участия Фонда в укреплении ресурсной базы, прежде всего, с целью создания здоровой конкурентной среды в банковской системе и внедрения профессиональной практики управления в банках, необходимо уменьшить долю Фонда в уставном капитале коммерческих банков посредством операций IPO и SPO. Также использование кредитных ресурсов, выделяемых Фондом, должно быть обеспечено не только банками с государственной долей, но и всеми коммерческими банками. В результате, с одной стороны, это способствует повышению эффективности деятельности коммерческих банков, а с другой стороны, эффективному использованию финансовых ресурсов Фонда.

Для обеспечения гарантии прямых иностранных инвестиций, привлекаемых Фондом, и совместной реализации социально-экономических

---

<sup>119</sup> <http://docs.preqin.com/reports/Preqin-Special-Report-Sovereign-Wealth-Funds-August-2018.pdf>



проектов важно создать Фонд прямых инвестиций за счет средств Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Таким образом, станет возможным реализация инвестиционных проектов путем установления партнерских отношений Фонда прямых инвестиций с национальными и зарубежными инвесторами.

В качестве еще одного аспекта эффективного использования финансовых ресурсов Фонда является необходимость введения критериев оценки для оценки эффективности деятельности Фонда. В настоящее время в качестве критерия оценки эффективности деятельности Фонда, предлагается ввести критерий соответствия уровня использования доходов от конъюнктуры с выбранной экономической политикой, обеспеченности необходимого уровня ликвидности активов, социально-экономической эффективности инвестиционных проектов, обеспеченности уровня прозрачности деятельности фонда. В результате, это создаст возможность дать общую оценку деятельности фонда.

В результате проведенных исследований по эффективному использованию финансовых ресурсов Фонда реконструкции и развития, были сформулированы следующие выводы. В частности:

1. Обеспечение стабильности национальной экономики и выделение средств, для эффективного использования ресурсов Фонда в качестве кредитных ресурсов, создание равных условий для всех коммерческих банков будет способствовать развитию деятельности банков в результате эффективного использования ресурсов Фонда и здоровой конкуренции.

2. В результате публикации данных о финансовых ресурсах Фонда, будет достигнуто повышение эффективности использования финансовых ресурсов Фонда, обеспечение его точного размещения, обеспечение открытости и прозрачности деятельности фонда. Это, в свою очередь, позволит в полной мере продемонстрировать экономический потенциал и инвестиционную привлекательность страны.

3. Критерием оценки эффективности деятельности Фонда является введение таких критериев, как соответствие уровню использования доходов от конъюнктуры выбранной экономической политики, обеспечение необходимого уровня ликвидности активов, социально-экономическая эффективность инвестиционных проектов, обеспечение уровня прозрачности деятельности, соответственно, это способствует повышению эффективности деятельности Фонда и обеспечению комплексной оценки фонда.

4. Снижение доли фонда в уставном капитале коммерческих банков посредством практики IPO и SPO, в результате чего будет обеспечено повышение доходности средств фонда, формирование здоровой конкурентной среды в банковской системе, внедрение практики профессионального управления в банках и развитие финансового рынка.

# БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲАМДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНАЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТУЗИШ

*Тошкент молия институтининг “Бухгалтерия ҳисоби”  
кафедраси мустақил изланувчиси  
Собиров Отабек Олимжонович*

*Мақолада Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиши истиқболлари ҳамда ҳозирги вақтда мамлакатимизда фойдаланилаётган амалий дастурлар пакетлари ва молиявий ҳисоботларни ахборот-коммуникация технологиялари асосида юртишни такомиллаштириши масалалари кўрилган.*

*В статье рассмотрены вопросы организации бухгалтерского учета на хозяйствующих субъектах Узбекистана на основе международных стандартах бухгалтерского учета, прикладные программы используемые на практике, а также совершенствование составления финансовых отчетов с использованием информационно-коммуникационных технологий.*

**Калит сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари (МХХС), бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БХХС), ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), амалий дастурлар пакетлари (АДП), инвестиция.

**Ключевые слова:** бухгалтерский учет, финансовый учет, управленческий учет, международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), международные стандарты бухгалтерского учета (МСБУ), информационно-коммуникационные технологии (ИКТ), пакет прикладных программ (ППП), инвестиция.

Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб-китоб ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда вақтни тежаш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг информацион техналогияларга асосланган замонавий шакллари амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Бухгалтерия ҳисоби вазифаларини ечишни ахборот-коммуникация техналогиялари асосида ташкил қилиш бирламчи бухгалтерия хужжатларини расмийлаштиришдан то якуний молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилишгача бўлган жараёнлар йиғиндисидир.

Таҳлилларга кўра, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларни ахборот–коммуникация техналогиялари асосида юритиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида юритишни ташкил қилмас экан, у давлатимизга

хорижий ине́сторларнинг кириб келишини чекловчи энг катта омил бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 24-февралда қарори қабул қилинди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот ҳамда маълумотлар билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йилдан бошлаб, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар (МХХС) асосида юритишни ташкил этади ва 2021-йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тайёрлайди.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида бухгалтерия ҳисоби бажарадиган вазифаларни ахборот технологиялари асосида марказлаштирилган ҳолда ташкил қилиш қуйидагиларни таъминлайди:

1. Фойдаланувчилар томонидан иш жойида компьютерларни қўллаш. Бу ерда вазифаларни ечиш бухгалтер томонидан бевосита унинг иш жойида бажарилади;

2. Хўжалик юритувчи субъектлар масъулият марказларининг (ҳаражат маркази, фойда маркази, даромад маркази ва инвестиция маркази) иқтисодий вазифалари интеграцияланган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминловчи маҳаллий ва кўп босқичли ҳисоблаш тармоқларини шакиллантиради.

Ахборот тизимида бажариладиган технологик жараён уч босқичдан иборат бўлади:

1-босқичда бирламчи ҳисоб, яъни бирламчи ҳужжатларни тузиш, улар асосида тегишли ҳисоб регистрларида ва ҳисобнинг ҳар бир участкаси бўйича таҳлилий ҳисоб қайдномалари тузишишлари амалга оширилади;

2-босқичда бухгалтерия счё́тларининг ўзаро боғланишини тузишдан, уларнинг таҳлилий ва жамлама ҳисобнинг турли регистрлари, ҳисобварақларнинг тартиб рақамлари бўйича қайд дафтари ордерларига жойлаштиришдан иборат бўлади;

3-босқич йиғма жамлама ҳисобни бош китобнинг ҳисобварақлар бўйича ҳисобот қолдиқ қайдномалари ва молиявий ҳисобот шакллари тузишдан иборат бўлади. Бу «счё́тларнинг ўзаро боғланиши (икки ёқлама ёзув) - бош китоб, китоб-баланс» машина дастурининг асосий модули томонидан таъминланади.

Фикримизча, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари даражасида тузиш ва бу жараёнда дастлабки трансформация жараёнларини қуйидаги асосий босқичларга мувофиқ амалга оширишга алоҳида эътибор қратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

#### 1-босқич:

1. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан таққослаб, фарқларни аниқ белгилаб олиш;

2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) 1 «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш» талабларини ўрганиш;

3. Миллий амалиёт учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.

#### 2-босқич:

1. Ўзбекистон Республикаси амалиётидаги бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари талаблари бўйича тузилган ва тўғрилаб чиқилган ҳисоб сиёсатини қиёсий таҳлил қилиш;

2. Трансформация жараёни бўйича зарур маълумотларни йиғиш ва ишчи хужжатларини тайёрлаш;

3. Молиявий ҳисобот таркибий қисмларини танлаш, уларни тўғрилаш ва қайта гуруҳлаштириш;

4. Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш учун дастлабки балансни тайёрлаш.

#### 3-босқич:

1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари бўйича бухгалтерия балансини, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш;

2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари бўйича капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ҳамда молиявий ҳисоботга изох ва тушунчалар тайёрлаш.

#### 4-босқич:

1. Молиявий ҳисоботга қўшимча бўлим ёки қисмларни қўшиш;

2. Молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичларни инқирознинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш;

3. Молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини чет эл валютасида (инвесторлар талабига асосланган валютага) акс эттириш.

Бухгалтерия ҳисобини учта даражага - бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобига ажратган ҳолда ташкил қилиш ахборот технологияларини қўллашга ихтисослашган бухгалтерия ҳисоби шаклида самаралироқ бўлади. Ўзбекистонда яратилган “Бухгалтерга электрон мадад миллий дастур таъминоти” ва Iuz амалий дастурлар пакетига қўшимча равишда «1С:Бухгалтерия», «SAP», «Парус»ларни ҳам қўллаш ҳамда уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказиш ҳамда бу жараёнда ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, 2020 йил, 24 февраль. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
2. Ташназаров С.Н., Ташназарова Д.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. /Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамИСИ, 2018 йил. 421 бет.
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

### **ВОЗМОЖНОСТИ АЛЬТЕРНАТИВНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

*Давирова Шахло Шукуруллаевна  
Ташкентский Финансовый Институт  
кафедра «Банковское дело»*

В последние годы тема изменения климата стала приоритетной в политической повестке в мире, движущей силой стало растущее молодежное активистское движение. Многие исследователи сегодня считают, что именно антропогенное вмешательство в природу является причиной распространения таких болезней, как Эбола, птичий грипп, SARS, а теперь COVID-19.

В целом в мире развитие человека с учётом роста потребления и сокращением природных ресурсов привело к усилению тенденций альтернативного финансирования. Всё большее число стран придерживаются тенденций поддержки и развития «этической», «зелёной», а также здоровьесберегающих экономики. Для Узбекистана уже реальна ситуация сильного ограничения ресурсов, особенно топливно-энергетических, по сравнению с нуждами и их приростом в будущем. Наличных запасов угля и газа хватит на 20-30 лет, что отражено в стратегии перехода на "зеленую" экономику как наиболее существенный факт. Запасы нефти почти исчерпаны, а природный газ — ценный экспортный ресурс для накопления инвестиций и импорта оборудования. При этом к 2030 году ожидается прирост потребления электроэнергии до 112 млрд кВт.ч. (сейчас вырабатывается около 64 млрд кВт.ч.), а с учетом технологических потерь нужно вырабатывать 121 млрд кВт.ч. За десять лет энергопотребление вырастет почти вдвое.<sup>120</sup> Узбекистан просто не имеет таких запасов энергоносителей. Если энергетическая проблема не решится по большей части в течение следующего десятилетия, то республику ждет застойная бедность. Президент страны учитывая важность данного вопроса 4 октября 2018 утвердил Стратегию по переходу Узбекистана на «зеленую» экономику на 2019–2030 годы. Однако данная стратегия не охватывает финансирование «зелёной экономики».

Рассмотрим этапы выпуска зеленых облигаций. Для начала важно само

---

<sup>120</sup> **Шерзод Ходжаев.** Международный форуме по реформам в области энергетики. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/07/18/energy/>

определение проекта как зелёный. По квалификации ассоциации рынка капиталов направлениями внедрения Зеленых Проектов в мире являются.<sup>121</sup>

- возобновляемые источники энергии;
- энергоэффективность;
- предотвращение загрязнения и контроль за загрязнением;
- экологически устойчивое управление живыми природными ресурсами и землепользованием;
- сохранение биоразнообразия;
- экологически чистый транспорт;
- устойчивое управление водными ресурсами и сточными водами;
- адаптация к изменению климата;
- экологически эффективные и/или адаптированные продукты безотходной экономики, производственные технологии и процессы;
- зеленые здания, соответствующие региональным, национальным или международнопризнанным стандартам, или сертификациям.

Второй этап - Процесс оценки и отбора проектов Эмитент Зеленых Облигаций должен четко донести до инвесторов:

- цели, связанные с экологической устойчивостью;
- процедуру, с помощью которой эмитент определяется на соответствие проектов категориям Зеленых Проектов;
- соответствующие квалификационные критерии, включая, критерии исключения, или иные процедуры, позволяющие определить и управлять потенциальными существенными экологическими и социальными рисками, связанными с проектами.

Принципы зеленых облигаций (ПЗО) приветствуют высокий уровень прозрачности и рекомендуют эмитентам проводить независимую внешнюю оценку собственных процессов и отбора проектов.<sup>122</sup>

Следующий этап - управление средствами.

Завершающим этапом является этап отчетности.

Особого внимания требует также процесс рейтингования эмитента «зелёных облигаций». Зеленым Облигациям эмитента, структуре их выпуска или их ключевым характеристикам, таким как использование средств, может быть присвоен рейтинг квалифицированными третьими лицами, например рейтинговыми агентствами, в соответствии с установленной скоринговой/рейтинговой методологией. Итоговое заключение может предусматривать фокус на данных об экологической эффективности, процесс, связанный с ПЗО, или другой эталонный показатель, например, сценарий изменения климата на 2 градуса («2-degree climate change scenario»). Такой рейтинг отличается от кредитных рейтингов, которые, тем не менее, могут отражать существенные экологические риски.

В настоящее время существует четыре вида Зеленых Облигаций:

- Стандартные облигации, средства от которых направляются на зеленые

---

<sup>121</sup> <https://www.icmagroup.org>

<sup>122</sup> <https://www.icmagroup.org/sustainable-finance/impact-reporting/>

цели: стандартное долговое обязательство с правом требования к эмитенту, соответствующее Принципам зеленых облигаций.

- Зеленые Облигации, привязанные к доходам: долговое обязательство без права регресса к эмитенту, соответствующее ПЗО, в котором кредитный риск привязан к являющимся предметом залога денежным поступлениям в счет доходов, вознаграждений, налогов и т.д., и поступления от размещения которых расходуются на Зеленые проекты, как связанные с источниками таких денежных поступлений, так и не связанные с ними.

- Зеленые Облигации проектного финансирования: облигации с правом или без права регресса к эмитенту, соответствующие ПЗО, направленные на финансирование одного или нескольких Зеленых проектов, инвестор по которым несет риски, связанные с проектами.

- Зеленые секьюритизированные облигации: облигации, обеспеченные одним или несколькими Зелеными Проектами, соответствующие ПЗО, включая, но не ограничиваясь, обеспеченные облигации; ценные бумаги, обеспеченные активами; ценные бумаги, обеспеченные ипотекой, а также другие инструменты. Основным источником погашения облигаций являются денежные поступления от активов.

Исходя из вышеизложенного стратегия развития «зелёной экономики» в Узбекистане по нашему мнению должна содержать следующие нормы:

- Определение экологических целевых показателей и целевых показателей для конкретных отраслей, а также оценка потребностей в финансировании по отраслям;

- Определение национального ведомства, ответственного за «зеленое» финансирование, и создание координационного органа, объединяющего представителей основных заинтересованных сторон;

- Изучение потенциального воздействия изменения климата и перехода к низкоуглеродной экономике на макроэкономическую и финансовую стабильность;

- Включение «зеленой» повестки дня в мандаты государственных институтов развития и в процедуры государственных закупок;

- Создание системы оценки и учета «зеленых» финансовых потоков, а также отслеживание прогресса в достижении поставленных целей;

#### **Список использованных источников:**

1. **Шерзод Ходжаев.** Международный форум по реформам в области энергетики. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/07/18/energy/>

2. <https://www.icmagroup.org>

3. Climate Bonds Initiative © February 2020 <https://www.climatebonds.net/>

4. China Green Bond Market 2019 Climate Bonds Initiative, <https://xn--90ab5f.xn--p1ai/files/?file=76b9aefc6c0d65132e23cf2f4c529777.pdf>

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҶА ЭҲТИЁЖЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАРНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Ш.И.Отажонов,  
Инновацион ривожланиш  
вазирлиги бошқарма бошлиги, и.ф.д.,  
Х.Х.Далиев,  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети докторанти*

Маълумки, Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштиришнинг ҳозирги босқичида инновацияларни жорий этиш ва тижоратлаштириш – иқтисодиёт тармоқлари-нинг рақобатдошлигини оширишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлай-диган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”<sup>123</sup>.

Шу жиҳатдан, янги ишланмаларни тижоратлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, инновация фаолияти инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда инновацион кластер концепциясига асосланган ҳолда иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланишини бошқариш самарадорлигини оширишга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони ижроси доирасида мамлакатимизни инновацион ривожлантириш соҳасида, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда дипломатик ваколатхоналар билан биргаликда Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс (ГИИ) рейтингига киритиш, унинг индикаторлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, муаммоларни аниқлаш ва халқаро ташкилотларга тегишли маълумотларни тақдим этиш юзасидан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг 2 сентябрида Бизнесни бошқариш халқаро институти (Франция), Корнелл университети (АҚШ) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>123</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б. 23.



2020 йилги ГИИ рейтингига киритилди ва 2015 йилга нисбатан 29 поғонага кўтарилиб, 131 та мамлакат орасида 93-ўринни, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари орасида эса 4-ўринни эгаллади.

Сўнгги 3 йилда илм-фан соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, 18 та илмий ташкилот, 10 та илмий марказ ва 4 та технопарк тузилди.

Олимларнинг ойлиги 3 барабар оширилди, фан номзодларига 30 фоиз, фан докторига 60 фоиз устама тўлаш тартиби жорий этилди.

Илмий ташкилотларга замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун 32 миллион доллар, бино-иншоотларни таъмирлаш ишларига 120 миллиард сўм ажратилди.

Соҳани ривожлантириш ва унинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашнинг қонуний асосини белгиловчи 3 та муҳим ҳужжатлар – “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”, “Инновацион фаолият тўғрисида” ва “Таълим тўғрисида” қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан “Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ва “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди.

Мамлакатда илк бор инновацион ишлаб чиқаришга йўналтирадиган стартап экотизим шакллантирилди. Илк бор стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизими шакиллантирилиб, умумий қиймати 31,5 млрд. сўмлик 34 та стартап лойиҳалар молиялаштирилди ва рақобатбардош янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Мамлакат иқтисодиётига илмий ҳажмдор янги технологияларни тезкор жорий қилиш учун технологиялар трансфери амалиётга киритилди. Хориждаги илғор технологиялар трансфери асосида умумий қиймати 28,7 млн. долл. бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Илмий ишланмаларни тижоратлаштирилда манфаатдорликка асосланган “Олим-банк-тадбиркор” училиги иштирокида илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг янги тизими йўлга қўйилди. Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш доирасида умумий қиймати 149,5 млрд. сўм бўлган лойиҳалар тайёрланди, ишлаб чиқарилган илмий сиғимкор маҳсулотлар ҳажми 62 млрд. сўмдан ошди.

Жорий йилда 17 та илмий-тадқиқот муассасалари 15 та вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларига бириктирилиб, илмий-технологик тараққиётни қўллаб-қувватлаш учун илмий ташкилотларга тармоқлар томонидан жами 21,1 млрд. сўм маблағ ажратилди.

“Фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграцион тизимининг субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда минтақанинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ва корхоналарнинг стратегик шерикчилиги деб, бизнинг фикримизча, қуйидаги ўзига хос

унсурлардан таркиб топган уч томонлама шартнома муносабатлари тушунилади:

- тармоқ ва корхоналарнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли дастур (режа);
- олий ўқув юрти, илмий муассаса ва ташкилотлар ходимларининг биргаликда амалга оширилаётган талабаларни тайёрлаш бўйича мақсадли таркибий қисми;
- талабаларга технологик амалиётни ўташ учун яратилган базалар;
- қўшма илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш, олий ўқув юрти ва академик илмнинг салоҳиятини янги маҳсулот ва технологияни яратиш ва модернизациялаш, уларни тадбиқ этиш ва тижоратлаштириш учун жалб этиш;
- олий ўқув юртларида янги ўқув-илмий лабораторияларини, қўшма ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларини, трансфер ва инновацион жараён натижаларини тижоратлаштириш маркази, тажриба-конструкторлик бюросини ташкил этиш ҳамда мавжудларини қайта жиҳозлаш;
- олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш;
- олий ўқув юрти, илмий муассаса ва корхоналарнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи коллегиал эксперт-таҳлилий ва муҳокама қилиш органларининг мавжудлиги;
- корхоналарнинг фалятини ривожлантириш, янгиликларни тарқатишга кўмаклашадиган консалтинг гуруҳлар, консалтинг фирмаларни ташкил этиш;
- самарали алоқа қилиш учун қўшма тузилмаларни, шу жумладан янги функционал юклама ва ташкилий-иқтисодий моделга эга бўлган базавий кафедраларни ташкил этиш.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дунё тажрибасида янги тадбиркорликка асос бўлувчи “стартап бизнес” тушунчаси кенг ривожланиб бормоқда. Шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда дастлабки қадамлар ташланди.

Хусусан, давлат бюджетидан 50 млрд. сўм маблағ “стартап ғоялар”ни молиялаштириш ва Ўзбекистонда стартап экотизимини яратиш учун ажратилди. Бунинг натижасида бугунги кунга қадар илк бор стартап лойиҳаларни кўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизими шакллантирилиб, умумий қиймати 33 млрд. сўмлик 35 та стартап лойиҳалар молиялаштирилди ва рақобатбардош янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Бироқ, амалиётдаги натижалар шуни кўрсатмоқдаки, стартап лойиҳалар натижа бериши учун муҳит ҳали тўлиқ шаклланмаган, амалга оширилаётган стартап лойиҳаларнинг натижадорлиги пастлигича қолмоқда, маркетинг таҳлилларининг амалга оширмаганлиги сабабли стартап лойиҳаларнинг аксарият қисми бозорда ўз ўрнини эгаллаб кета олмаяпти. Муҳим жиҳатлардан яна бири, республикамиз ҳудудларида янги ғояларга асосланган инновацион тадбиркорликка ўқитиш механизмлари мавжуд эмас ва бу

тизимли йўлга қўйилмаган.

Шундан келиб чиқиб, Халқаро молия ташкилотлари маблағларини жалб этган ҳолда етакчи халқаро акселерация компанияларини таклиф этиш, улар орқали авваломбор, тадбиркорларимиз ва ёшл аримизни янгича инновацион бизнесга ўргатиш, стартап ғояларни амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, етакчи хорижий акселерация компанияси билан “Training for trainers” механизми асосида маҳаллий мутахассислар тайёрлаш ва уларни малакасини жаҳон стандартлари асосида ошириш тизимини яратиш зарур.

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра, ушбу давлаталар инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида оддий ягона солиқ имтиёзлари шаклида эмас, балки кенг миқёсдаги сиёсатни олиб боришга тайёр. Бунда солиқ имтиёзлари илмий-тадқиқот ташкилотлари учун эмас, балки ҳеч қандай қулайликларга эга бўлмай янги маҳсулотни ўзлаштиришдан наф бўлмаган юқори технологияли корхоналар учун жуда зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик тўпламлари. –Тошкент, 2020 й.

6. Отажонов Ш.И. Управленческие инновации на малых предприятиях. // Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2010. –№ 5. –Б. 32–36.

7. Друкер П. Эффективное управление: экономические задачи и оптимальные решения/ Пер. англ. М.Котельниковой. -М.: 2008 г. –С.288.


8. Otajonov Sh. Development of innovation activity management of small ventures in Uzbekistan: problems of formation of managerial innovation// Economy and finance. Moscow. 2010. No 1. P. 35-36.

## **ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ «ЗЕЛЁНЫХ ФИНАНСОВ» В УЗБЕКИСТАНЕ**

*Ш.Ш.Давирова ТФИ  
кафедра «Банковское дело»,  
Ю.Амануллаева ТФИ*

В целом в мире развитие человека с учётом роста потребления и сокращением природных ресурсов привело к усилению тенденций альтернативного финансирования. Всё большее число стран придерживаются тенденций поддержки и развития «этической», «зелёной», а также здоровьесберегающих экономики. Для Узбекистана уже реальна ситуация сильного ограничения ресурсов, особенно топливно-энергетических, по сравнению с нуждами и их приростом в будущем.

Рассмотрим статистику по зеленым облигациям в 2019 году.



**Рис.1 Выпуск зелёных облигаций в 2019 году: top 15 стран<sup>124</sup>**

В 2019 году объем глобальных зеленых облигаций и зеленых кредитов достиг 257,7 млрд долларов США, что стало новым мировым рекордом. Общий рост на 51% по сравнению с окончательным показателем 2018 года и составил 170,6 млрд долларов США. Из общей суммы 10 млрд долларов США (4%) - это зеленые кредиты. Для включения не менее 95% доходов должно быть направлено на зеленые активы или проекты, согласованные с Таксономией климатических облигаций. По данным отчёта Climate Bonds в 2019 году крупнейшим международным рынком зеленых облигаций в 2019 году был Европейский Союз (ЕС) с годовым объемом выпуска \$106,7 млрд. США возглавляют национальный рейтинг с \$50,6 млрд. В Китае выпуск составил \$30,1 млрд, далее идут Франция \$29,5 млрд. Германия, Нидерланды, Швеция, Япония, Италия, Канада и Испания. В 2019 году общий объем зеленых облигаций, выпущенных в Европе, увеличился на 74% (или 49,5 млрд долларов США) по сравнению с аналогичным периодом прошлого года, достигнув в общей сложности 116,7 млрд долларов США. В совокупности на долю ЕС, США и Китая приходится 73,5% от общего глобального выпуска зелёных финансовых инструментов. Объем 2019 года был в основном обусловлен наибольшим удельным весом европейского рынка, на который приходилось 45% мировой эмиссии. Далее следуют рынки Азиатско-Тихоокеанского региона и Северной Америки с долей 25% и 23% соответственно.

Наднациональные компании (международные организации, банки развития) выпустили зелёные облигации на 14,5 млрд долларов США.

<sup>124</sup> Climate Bonds Initiative © February 2020

Крупнейшими эмитентами в 2019 году стали: американская Fannie Mae (\$22,8 млрд), немецкий KfW (\$9,02 млрд), Государственное казначейское агентство Нидерландов (\$6,66 млрд), Французская Республика (\$6,57 млрд) и Промышленно-коммерческий банк Китая (ICBC), привлёкший \$5,85 млрд.

Крупнейшая сделка 2019 года: выпуск зелёных облигаций Государственным казначейским агентством Нидерландов на 5,99 млрд евро (\$6,66 млрд). Привлечённые средства от выпуска зелёных облигаций/займов в мире были направлены на финансирование зелёной энергетики (31,5%), энергоэффективность зданий (29,3%), в транспортный сектор (20,2%).

Исходя из вышеизложенного в разработке стратегии «зелёной экономики» в Узбекистане по нашему мнению должно учитываться:

- Выработка идеологии и консолидированной позиции регуляторов в отношении рынка зелёных финансов на национальном уровне;
- Комплекс мероприятий по созданию единого национального центра в сфере зелёных финансов;
- Комплекс мероприятий по созданию и утверждению принципов, стандартов и таксономии;
- Повышение осведомленности о «зеленом» финансировании и наращивание компетенций на всех уровнях.
- Комплекс мероприятий по формированию системы верификации зелёных финансовых инструментов;
- Комплекс мер по созданию и развитию инфраструктуры рынка зелёных финансов, в том числе внедрение системы рейтинга эмитента «зелёных облигаций»;
- Лоббирование подготовки и внедрения системы мер государственной поддержки зелёных финансовых инструментов (облигаций) в Узбекистане.

#### **Список использованных источников:**

1. Шерзод Ходжаев. Международный форум по реформам в области энергетики. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/07/18/energy/>
2. <https://www.icmagroup.org>
3. Climate Bonds Initiative © February 2020 <https://www.climatebonds.net/>
4. China Green Bond Market 2019 Climate Bonds Initiative, <https://xn--90ab5f.xn--p1ai/files/?file=76b9aefc6c0d65132e23cf2f4c529777.pdf>

## **SOLIQ TIZIMIDAGI INTERAKTIV XIZMATLAR VA DASTURIY MAHSULLARNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI**

*Amanov Akram Mirzaevich*  
*TMI, "Soliqlar va soliqqa tortish" kafedrasi mudiri*

Hozirda mamlakatimiz ijtimoiy yo'naltirilgan bozor munosabatlari arayonining muhim bosqichidan o'tmoqda. Iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida tadbirkorlik faoliyati va davlatning bilvosita boshqarishga asoslangan holda, raqobatchilik mexanizmiga tayanib chuqur tuzilmaviy islohotlar amalga oshirilmoqda.

Respublikamizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning strategik maqsadlaridan biri - iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida milliy axborot-kommunikatsiya tizimlaridan samarali foydalanish hisoblanadi. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida soliq tizimi ish faoliyatini yuritish va uning istiqbollarini belgilash amaliyotda foydalanilayotgan mavjud dasturiy mahsullarning oqilona ishlatilishiga bevosita bog'liqdir.

Davlatimiz rahbarining Oliy Majlisga Murojaatnomasi barcha sohada tub o'zgarishlarni amalga oshirish orqali xalqimiz uchun zamon talablariga mos turmush sharoitini yaratishga qaratilgan. Jumladan, "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili" deb e'lon qilingan 2018 yilda ham soliq siyosatini hayotga tatbiq etishda keskin chora-tadbirlardan voz kechilishi, biznes toifalari uchun soliqqa tortishni soddalashtirish va soliq yukini kamaytirish, shu asosda ishlab chiqarishni hamda soliqqa tortiladigan bazani kengaytirish zarurligi ta'kidlandi.

2013 yil 20 sentyabrida "Mamlakatimizning dasturiy ta'minot vositalari ishlab chiqaruvchilarini rag'batlantirishni yanada kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2042 son qarori qabul qilindi. Respublikamizda bozor munosabatlari rivojlanib borar ekan, rivojlangan xorijiy davlatlar kabi mamlakatimizda ham soliq solish amaliyoti va soliqlarni hisoblab chiqish hamda undirish, shuningdek soliq to'lovchilarga axborot kommunikatsiya xizmatlarini ko'rsatish. Aholi va yakka tartibdagi tadbirkorlarga erkinlik yaratish va ularning huquqiy savodxonligini oshirish maqsadida interaktiv xizmatlarini ko'rsatish interaktiv xizmatlarning samaradorligini kuchaytirish interaktiv xizmatlari ko'rsatilayotgan vaqtda soliq sirini saqlash va axoliga qulay shart sharoitlar yaratishdir.

Hozirgi kunda, soliq siyosatining asosini soliqqa tortish tizimidagi islohotlarni amalga oshirish va soliq siyosatini yanada erkinlashtirish bo'lib, buning asosiy yo'nalishi soliqlarning rag'batlantiruvchi funksiyasini mavqeini oshirish hamda fiskal funksiyasini kamaytirishga qaratilgan chora tadbirlar tashkil qilmoqda.

Respublikamizda izchil amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar jamiyat iqtisodiy xayotida chuqur tarkibiy o'zgarishlarni yuzaga keltirmoqda. Ayni bu jarayon iqtisodiyotning boshqa sub'ektlari kabi axborot kommunikatsiya tarmoqlariga ham taalluqlidir.

Soliq to'lovchilarga ko'rsatilayotgan interaktiv xizmatlar – jamiyatimizning, bugungi va kelajak taraqqiyotimiz, farovon xayotimizning mustahkam poydevori bo'lishi shart. Har qanday iqtisodiyotni harakatga keltiruvchi kuch uning tarmoqlaridir. Demak har qanday iqtisodiyotni taraqqiyotga yo'naltirish ham birinchi navbatda uning tarmoqlaridan boshlanadi.

Davlatimiz rahbari zamonaviy axborot kommunikatsiya tarmoqlari, ularning samaradorligini ta'minlash va shu asosda mamlakatimizda axborot-kommunikatsiya tarmoqlarining shakillantirishning muhim shartiga aylangan interaktiv xizmatlarni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratmoqda.

"O'zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati idoralari axborot kommunikatsiya tizimi faoliyati samaradorligini yanada oshirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1843-sonli qaroriga asosan soliq va boshqa majburiy to'lovlar tushumini hisobga olish hamda nazorat qilish darajasini oshirishga, soliq tushumlarining qo'shimcha manbalarini aniqlash va soliq to'lashdan bo'yin tovlashning oldini olishga, soliq tizimiga dasturiy mahsullarni qo'llash, shuningdek soliq to'lovchilar uchun ko'rsatilayotgan interaktiv xizmatlar turini kengaytirish hamda sifatini oshirishga yo'naltirilgan davlat soliq xizmati idoralari axborot-kommunikatsiya tizimini yanada rivojlantirish va faoliyat samaradorligini oshirish ustuvor masalalar sifatida belgilab berildi.

Davlat soliq xizmati organlari faoliyatiga joriy qilingan dasturiy mahsullar va avtomatlashtirilgan axborot tizimlarining asosiy maqsadlari quyidagilar hisoblanadi:

- O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi va boshqa vazirliklar hamda idoralar o'rtasida, jumladan aloqa kanallari orqali elektron axborot almashuvini tashkil etish;

- soliq to'lovchilarga real vaqt rejimida keng ko'lamlı interaktiv xizmatlar ko'rsatishni tashkil etish;

- axborot xavfsizligini ta'minlash hamda mavjud ma'lumotlarni himoya qilish choralarini ko'rish.

Davlat soliq xizmati organlarida qo'llanilayotgan dasturiy mahsullarning soliqqa tortish tizimidagi yangi o'zgarishlarga ta'sirini o'rganish va dasturiy mahsullar hamda interaktiv davlat xizmatlarining samarali mexanizmini ishlab chiqish hozirgi paytda dolzarb hisoblanadi.

Davlat soliq xizmati organlarida foydalaniladigan dasturiy mahsullar va ularni takomillashtirishning asosiy yo'nalishlari sifatida quyidagi takliflarni kiritmoqchimiz:

- yuridik shaxs shaxsiy kabinetini ochayotgan paytda u o'z vaoliyati turini va to'laydigan soliqlarni belgilashi kerak. Shaxsiy kabneti ochilgandan keyin sahivaning tegishli qismida o'ziga belgilangan soliq turlari va ular bo'yicha to'liq malumot olish imkonini beradigan qo'shimcha oyna tashkil qilish kerak.

- amaliyotga joriy qilingan "EREPORT" tizimining windows shakli ishlab kelmoqda, endilikda android va IOS tizimida ishlaydigan versiyalarini ham yaratish va takomillashtirish kerak. Shunda soliq to'lovchilarga ixtiyoriy ravishda soliq hisobotlarini yuborishga imkoniyatlar ko'payadi.

-bugungi kunda xududiy davlat soliq inpektsiyalariga fuqorolarning avtomobil harid qilish, uy joy oldi sotdisi, hamda mehnat shartnomalari imzolanishida soliq xizmati organlaridan soliq qarzi yo'qligi to'risida ma'lumotnoma taqdim qilinishini talab qilinishi natijasida murojaatlar soni ortmoqda buning natijasida fuqorolarning ikki uch soat va undan ortiq vaqtoari navbatni kutish bilan ketmoqda va turli xil munazarali jarayonlar vujudga kelayapti.

Ushbu muammoli holatni bartaraf qilish maqsadida davlat soliq qo'mitasining rasmiy my.soliq.uz portalidagi interaktiv xizmatlari qatoriga "elektron ma'lumotnoma" olish interaktiv xizmatini joriy qilishni taklif sifatida kiritmoqchimiz. Natijada soliq to'lovchilarning arzimagan bitta ma'lumotnoma uchun bir kunlab ketadigan vaqti tejalgan, ushbu vaqtni biror bir foydali yumushga sarflagan soliq xizmati xodimlarining ham vaqtlari tejalib boshqa ishlarni ham amalga oshirish imkoniyatlari bo'ladi.

-Davlat soliq qo'mitasining my.soliq.uz portalidagi interaktiv xizmatlar qatoriga soliq terminlarini kiritishni taklif qilmoqchiman.

Sabab soliq terminlarini bilish uchun soliq kodeksi zarur bo'ladi agar soliq kodeksi zarur vaqtda topilmay qolganda my.soliq.uz saytiga kirib soliq terminlarini bilib olish imkoniyati yaratiladi.

Natijada soliq to'lovchilarning soliq terminlarini bilishga ketadigan va soliq kodeksi yonida bo'lmagan vaqtda juda qo'l keladi hamda yo'qotiladigan vaqtini oldini olishda juda katta ahamiyat kasb etadi.

-hozirgi vaqtda soliq to'lovchilarning mahalliy soliqlarni to'lashda ularga qulayliklar yaratish va ish jarayonini kuchaytirishda zarur imkoniyatlarni talabga javob bera oladigan vositalar bilan ta'minlash kerak deb o'ylayman, chunki ko'pgina hollarda STIR olish vaqtida soliq inspektsiyalariga aholining ko'plab kelishi hamda soliqlarni to'lash vaqtida tartibsizlik holatlarini keltirib chiqarmoqda.

## **АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Чориев Исроил Ҳамзаевич*

Таҳлилий амаллар молиявий ва молиявий бўлмаган ахборотлар ўртасидаги алоқадорликни баҳолаш асосида молиявий ахборотнинг ишончлилигига баҳо бериш имконини берувчи аудиторлик далилларини олиш усули ҳисобланиб, таҳлилий амаллардан фойдаланиш учун аудитор етарли даражада молиявий ҳамда номолиявий маълумотларга эга бўлиши талаб этилади.

«Аудит далиллари» номли 500-сонли аудитнинг халқаро стандартида аудиторлик амалларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда аудиторнинг мақсади – аудитор фикрини асослашга хизмат қиладиган аудиторлик хулосаларини шакллантириш учун етарли даражада тегишли



аудиторлик далилларини тўплаш имкониятига эга бўлишидан иборатлиги белгиланган<sup>125</sup>.

Аудиторлик далиллари – аудиторнинг фикрини асослашга хизмат қиладиган аудиторлик хулосаларини шакллантириш учун фойдаланиладиган маълумотлар ҳисобланади. Аудиторлик далиллари бухгалтерия маълумотлари ҳамда бухгалтерияга тегишли бўлмаган маълумотлардан иборат бўлади. Бухгалтерия маълумотлари - бухгалтерия ёзувлари ва уларни тасдиқловчи маълумотлар, шу жумладан чеклар ва электрон нақд пулсиз тўловлар тўғрисидаги маълумотлар; счётлар; шартномалар; асосий регистрлар ва ёрдамчи кайдномалар, бухгалтерия регистрларида акс эттирилмаган бухгалтерия ёзувлари ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш кундаги турли хил тузатишлар, шунингдек харажатлар тақсимотини тасдиқловчи ишчи ва йиғма жадвалларнинг маълумотлари, ҳисоб-китоблар, таққослаш далолатномалари, маълумотларнинг изоҳларидан иборат.

Демак, аудиторлик далиллари аудиторлик текшируви жараёнида текширилаётган мижоз – корхона ва учинчи шахслардан олинган ахборотлар ҳамда уларни таҳлил қилиш натижалари бўлиб, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси тузиш имконини беради.

Аслини олганда таҳлилий амаллар ҳам аудиторлик далилларини олиш усули ҳисобланади. Шу билан бирга, таҳлилий амалларни қўллаш зарур ахборотга, корхона фаолияти билан боғлиқ молиявий ва номолиявий кўрсаткичларга эга бўлишни талаб қилади.

Демак, таҳлилий амалларни қўллаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирувчи маълумотларни олиш талаб этилади. Амалдаги стандартларга мувофиқ аудиторлик баҳолаш учун зарур маълумотлар миқдори қатъий чегаралаб қўйилмаган. Шу боисдан аудитор ўзининг профессионал фикрига таянган ҳолда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ишончилиги тўғрисида хулоса тузиш учун зарур бўладиган маълумотларнинг миқдори ҳақида мустақил қарор қабул қилиши лозим. Аудиторлик далилларининг ўз вақтида тўпланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Акс ҳолда улар ортиқча ва кераксиз бўлиб қолади. Ўз вақтидалиқ ҳар бир аудиторлик далилининг текширилаётган даврга бевосита тааллуқлилиги ёки мижоз-корхона фаолиятининг ҳисобот тузилганидан сўнг, аммо аудиторлик хулосаси тузилишидан олдин содир бўлган маълум бир жиддий ходисаларига тааллуқли эканлигидан ҳам иборатдир. Тўпланган далиллар текширилаётган ҳисобот тузилган санага қанчалик яқин бўлса, улар шунчалик ишонарли бўлади.

Далилларнинг етарлилигини аниқлашда куйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарур:

– мустақил манбалар (учинчи шахслар)дан олинган далилларнинг мижоз-корхона ходимларидан олинган далилларга нисбатан ишончлироқ эканлиги;

---


<sup>125</sup> [https://www.audit-it.ru/terms/audit/msa\\_500.html](https://www.audit-it.ru/terms/audit/msa_500.html)

– аудиторлик ташкилотининг мустақил текшируви ёки таҳлили натижасида олинган маълумотларнинг учинчи шахслардан олинган маълумотларга қараганда ишончлироқ эканлиги;

– ҳужжатлар ва ёзма кўрсатмалар шаклидаги аудиторлик далилларининг оғзаки кўрсатмаларга қараганда ишончлироқ эканлиги.

Ниҳоят, турли манбалардан олинган далиллардан фойдаланиш натижасида қилинган хулосаларни таққослаш имкониятларини ҳисобга олиш керак.

Таҳлилий амалларни қўллашда олинган ахборот ҳажми нафақат молиявий ҳисоботдаги ғайриоддий четланишларни аниқлаш учун, балки корхона фаолияти самарадорлиги ва узлуксизлигига баҳо бериш, шунингдек унинг тармоқдаги ва макро даражадаги ўрнига баҳо бериш учун ҳам имкон бериши зарур. Шундан келиб чиқиб таҳлилий амалларнинг ахборот таъминоти қуйидаги кўрсаткичларни акс эттириши керак, деб ҳисоблаймиз (1-расм).



**1-расм. Таҳлилий амалларнинг ахборот таъминоти**<sup>126</sup>

Макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакатда мавжуд иқтисодий шароитлар асосида корхонанинг бизнеси ва фаолият самарадорлиги хусусида тасаввур ҳосил қилиш мақсадида фойдаланилади. Бундай таҳлил учун иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция даражаси, фоиз ставкаларининг ўртача даражаси, молиявий инструментларнинг ўртача даромадлилиги, валюта курси даражаси ва динамикаси каби кўрсаткичларни аниқлаш талаб этилади.

Тармоқ кўрсаткичлари ўрганилаётган тармоқдаги бизнес хусусиятлари ҳақида умумий фикрни шакллантириш учун зарур ҳисобланади. Бу маълумотларни шакллантиришда айрим чекланишлар ёки ноаниқликлар

<sup>126</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бўлиши мумкин. Яъни, тармоқ бўйича турлича ҳисоб сиёсати юритаётган корхоналарнинг кўрсаткичларини аниқлаш усуллари турлича бўлиши мумкин ва бу ўртача кўрсаткичларнинг аниқлигига путур етказди. Корхоналарнинг тармоқ хусусияти бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар структураси, активлар қиймати ва молиявий натижалар ўртасидаги боғлиқлик, ишлаб чиқариш ва операцион цикл давомийлиги, активлар айланувчанлиги, харажатларнинг иқтисодий элементлари ва калькуляция моддалари бўйича таркибининг ўзига хослигини тавсифлайди. Бу кўрсаткичлар ўз навбатида, корхонанинг ликвидлик ва тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик, рентабеллик ҳамда иш фаоллиги кўрсаткичларини баҳолашга имкон беради. Шунингдек, солиқ юки ҳамда меҳнат ҳақи даражаларининг ўртача тармоқ кўрсаткичлари ҳам муҳим маълумотлар ҳисобланади.

Бозорга оид кўрсаткичлар корхона фаолият юритаётган соҳа бўйича бозордаги ўрнини ва улушини ақс эттириб, ҳудудий ҳамда тармоқ кўрсаткичларини тўлдирди. Бозорга оида кўрсаткичлар корхонанинг бозор ва маркетингга оид фаолияти хусусиятларини кўрсатиб, ишлаб чиқаришга оид кўрсаткичларига таянмайди. Маркетингга оид индикаторлар бозорнинг ўсиш суръати, сотиб олинаётган ресурслар ҳамда сотилаётган товарлар нарх даражаси, нархни белгилаш стратегияси, ҳисоб-китоб шакллари ҳамда дебиторлик қарзлари давомийлиги, сотишни рағбатлантириш усуллари, маҳсулотларни тарқатиш каналлари ва турлари тавсифи, корхона томонидан таклиф этилаётган хизматлар турлари каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар корхона фаолияти самарадорлигини баҳолашда фойдаланилиши керак. Шунингдек, бу жараёнда корхонанинг рақобатчилари, харидорлари ва мол етказиб берувчилари тўғрисидаги маълумотлар ҳам зарур ҳисобланади. Бундай маълумотлар молиявий ҳисоботда фойда, активлар, солиқдан қочишга доир ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар натижасида бузилишларга йўл қўйилганлигини аниқлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Ҳудудий кўрсаткичларни ҳисобга олиш ҳудуддаги ўртача ҳаёт кечириш даражаси кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ва ҳудуд бўйича солиққа тортиш кўрсаткичларини баҳолашда муҳим ҳисобланади. Кўрсаткичларнинг ҳудудий хусусияти активларнинг, жумладан кўчмас мулкнинг ҳамда моддий айланма маблағларнинг қиймати тўғрисида маълумотга эга бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, солиқ юкини таҳлил қилишда айрим солиқлар, хусусан, фойда ва мулк солиқлари бўйича ҳудудий солиқ имтиёзлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш талаб этилади.

Аудиторлик фаолиятида таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг асосий ва муҳим манбаси ўрганилаётган корхона бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади. Шунингдек, натурал кўрсаткичлар, ўтган даврлар кўрсаткичлари, смета (режа, бюджет) кўрсаткичлари, зарур ахборотларни таҳлил қилиш асосида аниқланган прогноз кўрсаткичлари ҳам

таҳлилий амалларни қўллашда зарур маълумотлар ҳисобланади. Шунинг назарда тутиш керакки, динамика кўрсаткичлари, структура кўрсаткичлари, нисбий кўрсаткичлар, прогноз кўрсаткичлари, регрессион моделлар ёрдамида аниқланадиган кўрсаткичлар, корхона алоҳида бўлинмалари кесимида ҳисобланган кўрсаткичлар таҳлилий амалларни қўллашда максимал фойдаланилиши керак. Бундай таҳлилий амалларни қўллаш натижасида молиявий ҳисоботлардаги бузилишларни аниқлаш, корхона фаолияти узлуксизлигини баҳолаш, корхона фаолияти самарадорлигини тадқиқ этиш бўйича ишончли хулосаларни шакллантириш имкони яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, аудиторлик фаолиятида мижоз корхона молиявий ҳисоботининг ишончилиги ва ҳаққонийлигини баҳолашда ҳамда аудиторнинг хулосасини асослаш учун ишончли аудиторлик далилларини таҳлилий амаллардан фойдаланган ҳолда шакллантириш учун турли хил маълумотлардан фойдаланиш талаб этилади. Мазкур маълумотлар молиявий ва номолиявий характерга эга бўлиб, улардан фойдаланиш мижоз бизнеси билан танишиш, молиявий ҳисоботдаги хатар зоналарини аниқлаш, корхона фаолияти самарадорлиги ва узлуксизлигини баҳолаш ҳамда корхона раҳбарияти учун ишончли аудитор хулосаларини тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

## **TIJORAT BANKLARI FAOLIYATINI IQTISODIY ME'YORLAR ASOSIDA BAHOLASH**

*Toshkent Moliya institute «Bank hisobi va audit»  
kafedrasi k.o'q G'aniyeva Umida Abdugaffarovna*

CAMEL(S) tizimi uning mohiyatiga xos ravishda tijorat banklari faoliyatining barcha muhim komponentlari, ya'ni kapital, aktivlar, boshqaruvchilik qobiliyati, daromadlilik, likvidlik, riskka ta'sirchanlikni baholashga imkon beradi.

CAMEL(S) reyting tizimi bo'yicha kapital nazorat jarayonining birinchi komponenti bo'lib, bunda bank kapitalining yetarlilik darajasi, kapitalning ko'paytirish borasida olib borilayotgan faoliyat va dividendlarni to'lash siyosati tahlil qilinadi.

Bank amaliyotida tijorat banklari faoliyatini baholashda ikki xil yondashish bor:

- bank faoliyati ko'rsatkichlarini birinchi toifasidagi banklarga nisbatan tahlil etish asosida;
- nazorat tashkilotlari tomonidan belgilangan reyting ko'rsatkichlari asosida.

Agar ushbu jihatdan mazmunan tahlil etilsa, ko'plab davlatlarda ikki yondashuv bir-birini to'ldiruvchi hamdir. AQShda, Yaponiyada nazorat tashkilotlari tijorat banklarining reytingining belgilash bilan birga, ularni 1-sinf toifasidagi banklarga solishtiriladi.

Tijorat banklari o'z faoliyatini nazorat qilishda turli xil tizimli ko'rsatkichlardan, "Fitch Retying's", "Moody's" va "Standard & Poor's" kabi xalqaro reyting agentliklari xizmatlaridan hamda bank tizimini muvofiqlashtiruvchi "Basel Committee", "CAMELS" kabi tashkilotlar tavsiyalaridan foydalanishlari mumkin. Eng e'tiborlisi shundaki barcha moliyaviy holatni baholovchi ko'rsatkichlarda yoki baholovchi tashkilotlarning baholash tizimida asosiy o'rinda kapital va u bilan bog'liq ko'rsatkichlar turadi.

Bank kapitalining yetarliligini aniqlashga ikki xil usulda yondashish mumkin:

- Bazelqo'mitasi tavsiyasi;
- CAMELS - tizimi tavsiyasi.

Bazel kelishuviga asosan kapitalning yetarlilik darajasi quyidagi ko'rsatkichlar yordamida ifodalanadi:

1. 1-darajali kapital (asosiy) bilan 2-darajali (qo'shimcha) kapital o'rtasidagi nisbat;

2. Bank asosiy va umumiy kapitalining risklilik darajasi bo'yicha tortilgan aktivlarga nisbatini belgilaydigan kapital yetarlilik me'yorlari;

Bank kapitalining yetarliligi masalasini hal qilishda AQShning federal rezervlar tizimi tomonidan taklif qilingan «CAMELS» reyting tizimi alohida o'rin egallaydi.

«CAMELS» reyting tizimining xususiyatlari shundan iboratki, bu tizim orqali tijorat bankining reytingi bank faoliyatining asosiy yo'nalishlarini belgilovchi ko'rsatkichlarni hisobga oladi va har bir ko'rsatkich bo'yicha baho beradi.

«CAMELS» so'zidagi birinchi "C" harfi kapital yetarliligi (Capitaladequacy) ma'nosini bildirgan holda, uni baholashda quyidagi asosiy ko'rsatkichlardan foydalanadi:

1. Birinchi va ikkinchi darajali kapital o'rtasidagi nisbat;
2. Kapitalning yetarlilik koeffitsienti asosiy va qo'shimcha kapitalarning risk darajasi bo'yicha tortilgan aktivlarga nisbati;
3. Moliyaviy leveraj koeffitsienti, bank jami kapitalining balans aktivlarining o'rtacha summasiga nisbatan teng.

*Kapitalni baholash quyidagilarga nisbatan aniqlanadi:*

- ✓ Riskli aktivlarning hajmiga nisbatan aniqlanadi;
- ✓ Kritik va qoniqarsiz aktivlarning hajmiga nisbatan;
- ✓ Kutilayotgan bankning o'sishiga, rejalarga va kelajagiga nisbatan;
- ✓ Bank aktivlarini boshqarish sifatiga nisbatan.

Shu sababli bank kapitalini yakuniy baholashda aktivlar sifati katta o'rin tutadi. Jami kapital, asosiy kapital va aktivlar sifati koeffitsienti o'lchamlaridan kelib chiqqan holda bank faoliyatini baholashning reytingikeltiriladi:

Kapital yetarliligini baholash<sup>127</sup>

Baho	Asosiy kapital ko'effitsienti K1	Jami kapital ko'effitsienti K2	Cheklovlar
1	4% dan ancha yuqori	8% dan ancha yuqori	Aktivlar sifati 2 dan kam bo'lmisligi, riskli aktivlar ko'effitsienti 11%dan katta bo'lmisligi kerak
2	4% dan bir muncha yuqori	8% dan bir muncha yuqori	Aktivlar sifati 3, riskli aktivlar ko'effitsienti chegaralanmagan
3	4% ga teng	8% ga teng	Aktivlar sifati 4, riskli aktivlar ko'effitsienti chegaralanmagan
4	4% dan bir muncha past	8% dan bir muncha past	Sudalar bo'yicha ehtimolli zararlarni qoplash zaxirasi dastlabki kapitaldan ortiq
5	4% dan ancha kam	8% dan ancha kam	Zararlar klassifikatsiyasi dastlabki kapitaldan ortiq

Bank kapitalining yetarliligini baholash tizimi 5 ballik sistema bo'yicha o'lanadi. Banklarning olgan ball ko'rsatkichi qanchalik katta bo'lsa, bank shunchalik kuchsiz hisoblanadi. Olingan baholar quyidagicha hisoblanadi:

- 1 - kuchli;
- 2 - qoniqarli;
- 3 - o'rtacha;
- 4 - kritik;
- 5 - qoniqarsiz.

Yuqoridagi jadvaldan shuni aytish mumkinki banklarning kapitali yetarliligidan tashqari ularning aktivlari ham banklarning kapitali bo'yicha reytingini aniqlashda e'tibor qaratiladi.

- 1 baho kapital o'lchami 1-guruh normativlarga to'g'ri keladigan va aktivlari a'lo yoki yaxshi deb baholangan banklarga beriladi;
- 2 baho kapital yetarlilik darajasi 2-guruh normativlarga to'g'ri keladigan va aktivlar sifati 3dan kam bo'lmagan banklarga beriladi;
- 3 baho kapital yetarlilik darajasi 3-guruh normativlarga to'g'ri keladigan va aktivlar sifati 4 dan kam bo'lmagan banklarga beriladi;
- 4 baho umumiy kapitalning yetarliligi 8% dan bir muncha kam qiymatga ega bo'lsa va bank aktivlari sifati past bo'lsa, bank aktivlari bo'yicha yo'qotishlar aksioner kapitalga ziyon keltirishi mumkin bo'lgan banklarga beriladi;
- 5 baho kapital yetarlilik darajasi minimal me'yordan kichik bo'lsa va aktivlari yo'qotishlar kabi klassifikatsiya qilinib, aksioner kapitaliga zarar keltirayotgan banklarga beriladi.

<sup>127</sup> Lavrushin O.I. Bankovskoe delo. - M.: Finansy i statistika, 2016. -574s.

CAMELS reyting tizimida moliyaviy leveraj koeffitsenti ham hisoblanadi. Ushbu koeffitsent bank asosiy kapitalini aktivlarning jami summasiga bo‘lish yo‘li bilan aniqlanadi. Uning me‘yoriy darajasi 3% qilib belgilangan.

Shuningdek, CAMELS reyting tizimida banklar faoliyatini baholashda likvidlilik komponentlariga ham etibor qaratiladi.

Likvidlik ham banklar faoliyatini baholashning eng asosiy muhim qismlaridan biridir. Agar bank likvidlilik bo‘yicha to‘g‘ri siyosat olib borsa bu uning samaradorligiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi. Va aksincha likvidlilik siyosatining noto‘g‘ri olib borilishi bank xarajatlarini oshirib daromadlarini kamaytirishi natijasida bu bilvosita samaradorlikka ta‘sir o‘tkazadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati**

1. Abdullaeva Sh.Z. Bank ishi. Darslik.– “Iqtisod-moliya”, 2017 Toshkent.– 588 b.

2. Omonov A. Bank kapitali yetarliligini ta‘minlashda xatarli bank aktivlari ahamiyati. //Bozor, Pul va Kredit. №6 2015. – 14-15 b.

3. Robert De Young, Isabelle Distinguin, Amine Tarazi. The joint regulation of bank liquidity and bank capital Journal of Financial Intermediation Volume 34, April 2018, Pages 32-46.

4. <http://www.cbu.uz> - (O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki).

5. <http://www.stat.uz> - (O‘zbekiston Respublikasi statistika qo‘mitasi).

6. <http://www.lex.uz> - (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi).

### **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA AKT: MUAMMO VA YECHIMLAR**

*TMI “Bank ishi” fakulteti talabasi:*

*Isroilov Shohruh O‘ktam o‘gli*

*Ilmiy rahbar: “Baholash ishi va  
Investitsiyalar” kafedrasi o‘qituvchisi Ochilov B.B*

Bugungi kunda insoniyat turmush tarziga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT)ning keskin kirib kelishi hamda iste‘molchining mahsulotga bo‘lgan talablari, jumladan mahsulot haqida to‘liq ma‘lumotga oson va qulay ega bo‘lish, dunyoning istalgan nuqtasidan buyurtma bera olish, mahsulot shaklini shaxsiy xohish irodasiga ko‘ra o‘zgartira olish, tezkor ega bo‘lish va shu kabilar natijasida ijtimoiy munosabatlar o‘zgarib, raqobatlashuv sharoitida rivojlanayotgan korxonalar va jamiyatlarning yangi boshqaruv texnologiyalari va platformalarini yaratishiga turtki bo‘ldi. Raqamli iqtisodiyot orqali biz mahsulot va xizmatlar sifatini oshiribgina qolmasdan, tannarxni birmuncha kamaytirishga erishamiz, natijada mahsulot va xizmatlar optimallashtirishiga va samaradorligini oshirishga imkon beradi. Shuningdek ishlab

chiqarishda boshqaruv xarajatlarini qisqartirish, tovar va xizmatlarni elektron savdo maydonlari orqali sotish, raqobatni qo'llashda innovatsiyalarga suyanish va uni venchur moliyalashtirish hamda aholiga piar qilishni nazarda tutadi. Shu bilan birga karrupsiya balosini yo'qotish va yashirin iqtisodiyotga barham berish vositasi sifatida ham qarash mumkin.

**Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasida 2020 yil — “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb e’lon qilindi. Ushbu Murojaatnomani nafaqat joriy yilga qo’llanma va yo’llanma sifatida, balki yaqin o’rta muddat uchun O‘zbekistonning taraqqiyot yo‘lini belgilab beruvchi dastur, fundamental ahamiyatga ega bo‘lgan hujjat sifatida baholash mumkin.** Davlatimiz rahbari tomonidan ilm-ma’rifatga alohida urg‘u berilishi va bu orqali raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish masalasi kun tartibiga qo’yilishi iqtisodiy-ijtimoiy, siyosiy jihatdan kuchli, bozor iqtisodiyoti qonunlari to‘liq amal qiladigan demokratik davlat qurishga qaratilgan muhim qadam ifodasidir. Ta’kidlash lozimki, Prezidentimizning “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2018-yil 19-fevraldagi Farmoni **Hukumatimiz tomonidan raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha muhim chora-tadbirlar ishlab chiqilishiga va hayotga tatbiq etilishiga asos bo‘ldi.**<sup>128</sup>

Jahon banki vakillarining ta’kidlashicha, raqamli iqtisodiyot o‘zi bilan birga iqtisodiyotning 50 foizdan ko‘proq sohasini o‘zgartirishga olib keladi. Axborot texnologiyalari va platformalar yaratilishi biznes yuritish modellarini keskin o‘zgartiradi. Shuningdek, ko‘plab mamlakatlarda yuqori tezlikdagi internetni 10 foizga oshirish YaIMning 0,4 foizdan 1,4 foizgacha oshishiga olib kelgan. 2010-yilda Boston Consulting Group kompaniyasi o‘tkazgan tadqiqotlarga ko‘ra, G20 mamlakatlarida raqamlashtirish 2,3 trln. dollar deb baholandi. Bu esa jahon YaIMning 4,1 foizini tashkil etgan. Kompaniya tomonidan berilgan ilmiy bashoratlarga ko‘ra, yaqin 10-15 yil ichida bu ko‘rsatkich 30-40 foizni tashkil etishi kerak. Tezkor internetdan foydalanuvchilar sonining 10 foizga ko‘payishi milliy iqtisodiyotlar yalpi hajmini har yili o‘rtacha 0,4-1,4 foizga oshirish imkonini beradi. Dunyoda raqamli iqtisodiyot o‘shining sur‘atlari yiliga deyarli 20 foizni tashkil etmoqda. Taraqqiy etgan davlatlarda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 7 foizga yetgan. Ular hozirning o‘zida raqamli iqtisodiyotning joriy qilinishidan juda katta naf ko‘rishmoqda. Xususan, Amerika Qo‘shma Shtatlari yiliga 400 milliard AQSh dollaridan ko‘proq raqamli xizmatlarni eksport qilmoqda. Mazkur davlat yalpi ichki mahsulotining 5 foizidan ko‘prog‘i bevosita internet va axborot-telekommunikatsiya texnologiyalari bilan bog‘liq sohalarga to‘g‘ri keladi. 2025-yilgacha AQSh sanoatni raqamlashtirishdan qo‘shimcha 20 trln. dollar daromad olishi kutilmoqda. Bunday iqtisodiy samaradorlik, ayniqsa iste’mol tovarlari ishlab chiqarish (10,3 trln. dollar), avtomobil sanoati (3,8 trln. dollar) va logistikada (3,9 trln. dollar) yuqori bo‘lishi ta’kidlanmoqda. Turli tadqiqotlar natijalari bo‘yicha raqamli iqtisodiyotning dunyo iqtisodiyotidagi

---

<sup>128</sup> <https://review.uz/uz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>



salmog'i 4,5 foizdan 15,5 foizgachani tashkil etadi. Jahon axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sektorida yaratilayotgan qo'shilgan qiymatning deyarli 40 foizi va blokcheyn texnologiyalari bilan bog'liq patentlarning 75 foizi Amerika Qo'shma Shtatlari va Xitoy Xalq Respublikasi xissasiga to'g'ri keladi. Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning 2020-yil 13-fevral kuni axborot texnologiyalarini rivojlantirishga bag'ishlangan tadbirda keltirgan statistik ma'lumotlariga muvofiq AQShda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 10,9 foiz, Xitoyda 10 foiz, Hindistonda 5,5 foizni tashkil etadi. **O'zbekistonda bu ko'rsatkich 2 foizdan ham oshmaydi.**<sup>129</sup>

O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot O'zbekiston patensialiga nisbatan bir necha barobar sekinroq rivojlanmoqda. Ya'ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud lekin rivojlanish ancha sust. Bunga sabab sifatida raqamli iqtisodiyotning O'zbekistonda rivojlanishiga bir qancha to'siqlar mavjudligidadr. Bularga misol qilib, ko'plab sohalardagi manapoliya, internet tezligining pastligi, axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxasislarning yetishmasligi yoki ularning boshqa mamlakatlarga ketib qolishi, fuqarolarda kompyuter savodxonligining pastligi va yana bir qancha misollar keltirishimiz mumkun. Zamonaviy taraqqiyotning keyingi istiqbolida katta hajmli ma'lumotlar bilan ishlash texnologiyalari (Big Data), sun'iy intellekt, neyrotexnologiyalar, kvant texnologiyalari, buyumlar interneti, robototexnika va sensorika, raqamli elektron platformalar, bulutli va mobil texnologiyalar, virtual va qo'shimcha reallik texnologiyalari, kraudsorsing, blokcheyn texnologiyalari, kriptovalyutalar va ICO, 3D-texnologiyalari singari raqamli texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*ТМИ “Аудит” кафедраси  
доценти в.б. И.Мелиев*

Бугунги кунда жаҳоннинг замонавий аудиторлик амалиётида текширувларнинг сифати ва халқаро миқёсда тан олинишини таъминлаш учун уларни халқаро аудит стандартларига мувофиқ замонавий дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш талаб этилмоқда. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ Малайзия ва Сингапурда аудиторлик текширувлари тўлиқ халқаро аудит стандартлари талаблари асосида ташкил этилаётган бўлса, Австралия, Бразилия ва Нидерландия каби давлатларда эса ўз миллий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қисман халқаро стандартлар талаблари асосида текширувлар ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда жаҳон аудиторлик амалиётида халқаро аудит стандартларини қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектларга аудиторлик қафолатларини бериш, яъни аудиторлик амалиётини “тасдиқлаш”дан “қафолатлаш”га ўтказиш асосий мақсад қилиб олинган. Ҳозирда жаҳоннинг етакчи

<sup>129</sup> <http://tsue.uz/uz/raqamli-iqtisodiyot-yangi-ozbekiston-taraqqiyotining-yangi-davri/>

давлатлари томонидан аудиторлик амалиётини такомиллаштиришда текширувларни тўлиқ халқаро аудит стандартлари асосида ўтказилишини таъминлаш, ривожланган мамлакатлар қонунчилиги ва илғор тажрибасини амалиётга жорий этиш, аудиторларни халқаро стандартлар асосида профессионал сертификатлаш ҳамда лицензиялашнинг замонавий тизимини яратиш энг долзарб ва ўрганилиши зарур бўлган масалалардан саналади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаларига қарамасдан "...аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти..."<sup>130</sup>. Республикада ўтказилаётган ислохотлар натижасида мазкур муаммонинг ечими сифатида "йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш"<sup>131</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилди. Ўз навбатида юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашда аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишнинг амалий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш, текширувларда илғор хориж тажрибаси ва дастурий воситалардан фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида текширув натижаларини ҳужжатлаштириш, умумлаштириш ва баҳолаш каби масалалар яхлит тарзда батафсил ўрганилмаганлиги, хусусан, аудиторлик текширувини режалаштириш ҳамда ўтказишни такомиллаштиришга оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Маълумки, ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида халқаро аудиторлик стандартлари билан биргаликда, улар асосида ишлаб чиқилган 21 та аудитнинг миллий стандартлари (кейинги ўринларда АМС) ҳам амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга доир эътиборга молик вазифалар оширилишига қарамай, ХАСни Ўзбекистон аудиторлик амалиётига жорий этиш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Бизнингча, бугунги кунда "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун халқаро аудит стандартларининг ўз вақтида тан олинишини таъминлаш мақсадида халқаро бухгалтерлар федерацияси билан халқаро аудит стандартларини маҳаллий амалиётга имплементация қилиш бўйича мавжуд муаммоларни куйидаги тавсиялар асосида ҳал этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотлар натижасида, бугунги кунда Ўзбекистон аудиторлик амалиётида "Ernst & Young", "Pricewaterhouse Coopers", "Deloitte & Touche"

---

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3946-сон Қарори. <http://lex.uz/docs/3914502>

<sup>131</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5635-сонли Фармони. <https://nrm.uz> интернет сайти

ва “KPMG AUDIT” сингари дунёнинг энг етакчи халқаро аудиторлик компаниялари филиаллари ва 18 та халқаро аудиторлик тармоқларига уланган аудиторлик ташкилотларигина халқаро стандартлар талаблари асосида фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг қолган аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳанузгача эскича ёки классик ёндашувларга таяниб, текширувларда “эскича қолип”даги самарасиз услуб ва дастурий воситалардан фойдаланилаётганлиги Ўзбекистон аудиторлик тизимида туб ислохотлар ўтказиш ва янгича инновацион механизмларни жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида ХАСдан фойдаланишнинг уч хил шакли мавжуд бўлиб, бунда биринчи шакл амалиёт фақат халқаро аудит стандартларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Иккинчи шаклда эса, халқаро стандартларга мувофиқ миллий аудит стандартлари яратилади ҳамда амалиётда миллий стандартлардан фойдаланилади. Ва ниҳоят учинчи аралаш шаклда аудиторлик амалиётида миллий ва халқаро стандартлардан уйғунликда (аралаш) фойдаланиш кўзда тутилади.

Аудиторлик текширувларини ўтказишда Ўзбекистон ва ривожланган европа давлатлари ёндашувларини таққослаш мақсадида қуйидаги 1-жадвалда Ўзбекистон ва ривожланган Европа давлатлари ёндашувларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистон аудиторлик амалиёти ривожланган Европа давлатлари амалиётига нисбатан кўп жиҳатдан фарқли хусусиятларга эга эканлиги маълум бўлди.

#### 1-жадвал

#### Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича Ўзбекистон ва ривожланган европа давлатлари ёндашувларининг қиёсий таҳлили<sup>132</sup>

№	Мезон мазмуни	Ривожланган европа давлатларидаги аудит	Ўзбекистондаги аудит
1	Аудитни пайдо бўлиш сабаблари ва юзага келиш тартиби	Тарихан анча йил аввал шаклланган, “пастдан” яъни, хўжалик юритувчи субъектларнинг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб юзага келган	Тарихан яқин йиллар давомида пайдо бўлган ва давлат ташаббуси биланмазкур фаолият шаклланган
2	Аудиторлик текширувининг мақсади	Асосий эътибор молиявий ҳисобот маълумотларининг ишончилигини баҳолашга қаратилади	Амалга оширилган хўжалик муомалаларининг қонунийлиги ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини баҳолаш

<sup>132</sup> Муаллиф изланишлари асосида тайёрланган

3	Текширув жараёнида ким билан бевосита мулоқот амалга оширилади	Хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари билан	Хўжалик юритувчи субъект раҳбарларива бош бухгалтер билан
4	Аудиторлик текширувинингвазифалари	Мижоз бизнесини тушуниш,вазифаларни ҳал этишнинг ягона йўли – ҳисоботларни тушунишдир деб қаралади	Молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва ўз муддатида ҳамда тўлиқ тузилганлиги ўрганилади
6	Аудит маълумотларидан асосий фойдаланувчилар	Мулкдорлар, инвесторларва кредиторлар	Асосан солиқ инспекциялари, тижорат банклари ва инвесторлар
7	Аудит ўтказишда эътибор қаратиладиганмасалалар	Молиявий ҳисобот шакллари моддаларини текшириш, яъни ҳисобот даври якунидаги қолдиқ сабаблари ўрганилади	Хўжалик муомалаларини текшириш, мулк ва маблағлар ҳаракатининг сабаблари ўрганилади
8	Услугият ва ҳисоб сиёсатини ўрганилиши	Асосий эътибор ҳисоб сиёсатини тузишуслужияти ва унга риоя этилиши таҳлил этилади	Услугият ва ҳисоб сиёсати бирламчи ҳужжатлар ҳамда регистрлар шакллари билан боғлиқликда кўриб чиқилади
9	Ҳисобот моддалари мазмунини ўрганиш	Хўжалик юритувчи субъект фаолият йўналишлари ва субъект мулкчилик шакли ўзаро боғлиқликда кўриб чиқилади	Активларни ҳисобдан чиқариш имкониятларига боғлиқ ҳолда яъни, ҳисобдан чиқариш қанчалик осон бўлса, актив шунча муҳим деб қаралади
10	Муҳимликва аудиторлик rischi даражасини аниқлаш ва бу кўрсаткичлардан фойдаланилиши	Аудиторни ҳисобот моддаларини таҳлил қилишга автоматик равишда барча ҳисобот моддалари билан ўзаро боғлиқликда ўрганилади	Ҳисоботнинг ҳар бир моддаси билан ўзаро боғлиқликда ўрганилади, кўпинча муҳим бўлмаган моддалар текширилмай қолиши мумкин
11	Аудиторлик танлашдан фойдаланилиши	Текширув жараёнида тежамкорроқ ва аниқроқ усул сифатида бошқа усуллардан афзал, деб ҳисобланади	Аудиторлик танлашга етарлича эътибор қаратилмайди

12	Ички назорат тизими маълумотларидан фойдаланилиши	Ички назорат тизими самарадорлиги юқори деб баҳоланганда фойдаланилади	Фойдаланиш шарт эмас деб қаралади
13	Аудиторлик текширувида инвентаризация ўтказиш	Мажбурий	Мажбурий
14	Аудиторлик стандартларини қўлланилиши	Аудиторлик текширувининг мажбурий шarti сифатида қабул қилинади	Фақат мажбурий аудит шаклидагина ўтказилиши мажбурий ҳисобланиб, ташаббус тарзидаги ва назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббусига кўра аудиторлик текширувларида тавсия сифатида қўлланилади

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон амалиёти ривожланган европа давлатлари амалиётидан аудитни юзага келиш тартиби, текширув жараёнида ким билан бевосита мулоқот амалга оширилиши, муҳимлик ва аудиторлик rischi даражасини аниқлаш ва бу кўрсаткичлардан фойдаланилиши, аудиторлик танлашдан фойдаланилиши, ички назорат тизими маълумотларидан фойдаланиш ва аудиторлик стандартларидан фойдаланилиши каби хусусиятлар билан фаркли жиҳатлари мавжудлиги аниқланди. Халқаро аудит стандартларидан амалиётда фойдаланишни мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар (кейинги ўринларда МДХ) иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди. Чунки, иқтисодиётнинг исталган сегменти каби аудит хизматлари бозори ҳам кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади.

Шунингдек, аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва унинг асосида аудиторлик ҳисоботини шакллантирилиши натижасида корхоналар фаолияти бўйича маълумотларнинг шаффофлиги таъминланади. Маълумотларнинг шаффофлиги ва объективлиги инвесторлар ва банклар томонидан корхоналар фаолиятини ривожлантиришга сармоя киритиш масаласини ҳал этишга амалий ёрдам беради. Мамлакат миқёсида эса, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилишга, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, модернизация қилинишига, янги иш ўринлари яратилишига, давлат бюджетига солиқлар тушумини кўпайишига ҳамда иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминланишига катта ҳисса қўшади. Бу эса, мустақил аудиторлик текширувлари учун мижозлар сонининг ортиши ва улар томонидан кўрсатилаётган профессионал хизматлар сифатини такомиллаштиришда аудитнинг халқаро стандартларини қўллашга бўлган талабларни тақозо этмоқда.

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АУДИТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Тошкент молия институти  
мустақил изланувчиси  
Дагаров Б.М.*

Бугунги кунда ҳар қандай аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини автоматлаштиришга катта эҳтиёж сезмоқда. Замонавий аудиторлик дастурлари маълумотлар базасини яратиш ва унинг асосида турли мураккабликдаги аудиторлик ҳисоботларини шакллантириш имконини беради, шунингдек, текширувда хатога йўл қўймасликка, иш вақтини тежашга ва зарур ахборотни тезкор равишда олишда ёрдам беради. Махсус дастурий маҳсулотни аудиторлик текширувини автоматлаштиришда катта тажрибага ва обрўга, сотилаётган дастурларнинг лицензиялари ва сифат сертификатларига эга бўлган профессионал фирмалардан сотиб олган маъқул. Дастурни танлашда у қандай аудиторлик ташкилоти ва қандай аудит объектларини текширишга мўлжалланганини ҳисобга олиш ёки унинг қайси соҳага тегишлилигига эътибор қаратиш зарур.

Бу борада таъкидлаш жоизки, 2018 йил 19-сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚЗ3946-сон қарорида аудиторлик ташкилотлари ҳамда бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан ўзаро электрон ҳамкорликка мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Аудит» дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилиб, унга мувофиқ “Аудиторлик ташкилотининг шахсий кабинети” ва “Аудиторлар жамоат бирлашмасининг шахсий кабинети” веб-сервисини яратишни назарда тутадиган “Аудит” дастурий мажмуасини ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Бу эса аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва уларни давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни макродаражадаги чора-тадбирларидан саналади. Бироқ бугунги кунда айнан аудиторлик текширувини тўлиқ компьютер муҳитида ташкил этиш ва ўтказиш халқаро стандартлар талабларидан бири ҳисобланади.

Фикримизча, компьютер муҳитида аудит бу – “аудиторлик текширувини режалаштириш, ўтказиш ва яқунлаш босқичларида компьютер дастурларидан фойдаланиш жараёнидир”. Бугунги кунда аудиторлик фаолиятида ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича ўтказилган сўров ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аудиторлик текширувлари жараёнида махсус дастурлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Аудиторлик текширувида автоматлашган дастурий таъминотдан фойдаланиш тартиби Халқаро бухгалтерлар федерацияси аудиторлик амалиёти Халқаро қўмитасининг қуйидаги ҳужжатларида ўз ифодасини

топган:

- “Компьютер ахборот мухитида аудит ўтказиш” номли ХАС (ISA "Auditing in a computer information systems (CIS) environment");

- "Компьютер ахборот мухити хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички назорат ва аудиторлик рискни баҳолаш" номли ХАС (ISA "Risk assessment and internal control (CIS) characteristics and considerations");

- "Компьютерлаштирилган аудит усуллари" номли ХАС (ISA "Computer assisted audit techniques").

Сопоставление величины результативного показателя до и после изменения степени того или другого фактора позволяет элиминироваться от влияния всех факторов, кроме одного, и определить воздействие последнего на прирост объекта налогообложения.

<sup>141</sup> Комплексный экономический анализ финансово-хозяйственной деятельности организации : учеб. пособие / Б.И. Герасимов, Т.М. Коновалова, С.П. Спиридонов, Н.И. Саталкина. – Тамбов : Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2008. – 160 с.(15с.)



## **ФИНАНСОВЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ В СЕКТОРЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ**

*Джамалов Хасан Нуманжанович – доц.кафедры  
«Налоги и налогообложение» ТФИ, к.э.н.*

В настоящее время общественный сектор экономики достаточно широко представлен в различных странах и, соответственно, от эффективности управления общественным сектором экономики во многом зависит качество жизни населения страны.

На устойчивость развития общественного сектора экономики непосредственное влияние оказывает качество деятельности организаций, выполняющих функции государственного управления. В этой связи особую актуальность приобретает применение методологии менеджмента качества в секторе государственного управления.

В Республике Узбекистан сектор государственного управления необходимо развивать на основе менеджмента качества, что позволит оптимизировать деятельность организаций, выполняющих функции управления, в том числе государственными финансами, к которым относятся государственные органы власти, государственные корпорации, государственные предприятия и учреждения.

Одной из целей Стратегии совершенствования системы управления государственными финансами Республики Узбекистан на 2020–2024 годы является повышение качества управления государственными финансами, для достижения которой поставлены задачи повышения эффективности управления общественными финансами, цифровизация, повышение качества исполнения бюджетных процедур, а также процедур контроля в финансово-бюджетной сфере.

В качестве ожидаемых результатов реализации Стратегии совершенствования системы управления государственными финансами Республики Узбекистан на 2020–2024 годы, обозначено создание комплексной и гибкой системы управления государственными финансами в увязке со стратегическими планами развития Республики Узбекистан. Однако, теоретические и методологические подходы к формированию и развитию такой системы недостаточно разработаны.

Проблемы методологического характера связаны как с отсутствием системного подхода к управлению рисками, внутреннему контролю и внутреннему аудиту в секторе государственного управления, так и с наличием недостатков в моделях, на основе которых осуществляется оценка качества финансового менеджмента (оценочные модели с использованием средних значений, весовых коэффициентов и экспертных оценок). При этом наблюдается увеличение количества показателей качества, вводятся дисквалифицирующие показатели, однако подходы к оценке не меняются, что снижает достоверность результатов. Вместе с тем, активное внедрение цифровых технологий позволяет использовать новые инструменты на основе

обработки больших массивов данных с применением искусственного интеллекта в виде нейронных сетей, однако эти процессы требуют исследований и анализа применительно к рассматриваемой проблематике.

Для развития сектора государственного управления на основе менеджмента качества требуется уточнение теоретических и прикладных аспектов концепции Всеобщего управления качеством применительно к сектору государственного управления; разработка единых методологических подходов к системе управления рисками и внутреннего контроля, внутреннего аудита, как механизмов обеспечения качества управления; разработка подходов к оценке качества на основе многокритериальных оценок с использованием инструментов обработки Big Data и нейронных сетей, а также машинного обучения.

В связи с вышеизложенным актуальность темы данного тезиса доклада обусловлена: во-первых, необходимостью решения научных задач по повышению качества управления в государственном секторе на основе развития теории, методологии и методик обеспечения качества, во вторых, необходимостью практической апробацией теоретико-методологической базы и методических рекомендаций для развития сектора государственного управления с целью соблюдения баланса между достижением экономических и социальных результатов для достижения устойчивого социально-экономического развития страны.

*Сущность финансового менеджмента в секторе государственного управления*, на наш взгляд, состоит из следующего: государственный финансовый менеджмент является подсистемой государственного управления и представляет собой деятельность исполнительных органов власти по обеспечению качества управления бюджетными средствами, охватывая все элементы бюджетного процесса (в том числе планирование бюджета, исполнение бюджета, ведение учета и отчетности, осуществление контроля и аудита).

*Основной целью государственного финансового менеджмента* является перераспределение государственных доходов в соответствии с требованиями всех заинтересованных сторон на принципе эффективности в пределах законодательства. То есть *обеспечивать качество финансового менеджмента* необходимо по трем направлениям:

- качество результатов непосредственно финансового менеджмента (финансовой дисциплины);
- качество организационно-правовых структур органов исполнительной власти и организаций сектора государственного управления;
- качество внутренних управленческих систем (системы управления рисками и внутреннего контроля – СУР и ВК, системы внутреннего аудита – СВА).

Исходя из этого, нами была разработана *аналитическая основа системы оценки качества финансового менеджмента* по трем направлениям и определены предметы оценивания (рис. 1).



**Рис.1. Аналитическая основа системы оценки качества финансового менеджмента**

В целом, можно предложить *комплексную многоуровневую систему показателей* качества финансового менеджмента, сгруппированной по трем сферам – показатели качества результатов финансового менеджмента (*показатели результативности*); показатели качества организационно-правовых структур органов исполнительной власти и организаций сектора государственного управления (*показатели эффективности*); показатели качества внутренних управленческих систем – системы управления рисками и внутреннего контроля, система внутреннего аудита (*показатели надежности*).

## **ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

*Аллаберганов З. ТМИ “Иқтисодиёт”  
кафедраси катта ўқитувчиси*

Технологик модернизациялаш миллий иқтисодиётнинг юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги тармоқларини ривожлантириш, инсон капиталини қайта тиклашда инновацион жараёнларнинг ролини кучайтириш, айниқса таълим тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан

мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазибаларига мувофиқ ҳолда кадрлар тайёрлашни таркибий қайта кўриб чиқиш, олий маълумотли мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарорининг энг муҳим мақсади қилиб қўйилмоқда. Мазкур қарор билан олий таълим тизими бошқарувини сифат жиҳатидан ва тубдан такомиллаштириш, моддий-техник базани модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва олий таълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича 2017-2021-йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда таълим соҳаси, жумладан, таълимнинг миллий тизими харажатлари глобал жаҳон бозорининг йирик сегментларидан бири ҳисобланади (унинг ҳажми 2017 йилда жами 5,5 триллион АҚШ доллари миқдорига баҳоланди). Демографик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ҳисобга олган ҳолда 2012-2017 йилларда жаҳон таълим харажатларининг ўртача йиллик ўсиши 7,0%<sup>142</sup> эканлиги кузатилди. Шу билан бирга, таълим технологиялари ва электрон таълим жаҳон таълим бозорининг энг жадал ривожланаётган сегментига айланиши тахмин қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими олдида бир қатор муҳим муаммолар мавжуд бўлиб, улар орасидан сифатни ошириш ва барча фуқароларнинг таълим ресурслари ва хизматларидан фойдаланишида тенг имкониятларни таъминлаш зарурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Жамиятнинг барча қатламларининг кенг қўламли таълим хизматларини олиш эҳтиёжларини қондирадиган рақамли таълим муҳитини яратиш, шунингдек, инновацион технологиялар орқали эришилган ютуқларини жорий этиш учун механизмлар ва зарурий институционал шарт-шароитларни шакллантириш ахборотлашган жамиятга ўтиш йўлидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Республика Олий ўқув юртларида ИТ-технологияларни жорий этиш янги таълим контентини ва янги тармоқ технологияларини талаб қилади, шу жумладан масофавий таълим технологиялари таълим парадигмасининг ўзи ўзгаришини, таълим стандартлари ва талаблари, ўқитиш методикасининг ўзгаришини келтириб чиқаради ва бунинг натижасида таълим соҳасини бошқариш тизимининг ўзи ўзгаришни талаб қилади. Жаҳон ИТ-технологияларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш амалиёти, биринчи навбатда, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида таълим жараёнини анъанавий шакллар, механизмлар, институционал моделлар ва бошқариш воситаларини ўзгартириш тенденциясини намоиш этади.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг замонавий тенденциялари жамият ҳаётида ахборот технологиялари ролининг ошиб бориши билан

---

<sup>142</sup>Education Sector Factbook 2012, GSV EDU <http://gsvadvisors.com/wordpress/wp-content/uploads/2012/04/GSV-EDU-Factbook-Apr-13-2012.pdf>

чамбарчас боғлиқ. Иқтисодиёт ўзгариб, янада янгилашиб бормоқда ушбу ўзгаришлар негизда эса шахсий компьютерлар, тезкор телекоммуникациялар ва Интернет ётади. Маълумки, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида” кўзда тутилганидек, рақамли ривожлантиришнинг янги инструментларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарур.

Таълимни ахборотлаштириш, билимларни бошқариш жараёнининг ўзига хослиги туфайли фойдаланилаётган ИТ-технологияларини махсус таҳлил қилиш ҳамда уларни таълим тизими доирасида кенг кўпайтириш имкониятлари талаб қилинади.<sup>143</sup> Бундан ташқари, кадрларни тайёрлашнинг замонавий тизими ва олий таълим тизими мамлакат иқтисодиётининг технологик ривожланиши ва модернизацияси учун зарур инсон капитали ўсишини таъминлашга қаратилган.

Методологик нуқтаи назардан таълим фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш афзалликларини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга таълим соҳасида давлат бошқаруви органлари фаолиятини оптималлаштириш, ахборот шаффофлигини таъминлаш (ички эҳтиёжлар нуқтаи назардан), қарорларни қабул қилиш тезлигини ошириш, бошқарув сарф-харажатларини камайтириш (электрон хужжатлар айланиши тизимларни жорий қилиши), бошқарув қарорларини қабул қилишнинг маъмурий усуллари билан боғлиқ бўлган афзалликлар киради.

Иккинчи гуруҳ афзалликларига хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали бошқарув тизимини яратиш (олий таълим муассасалари), давлат бошқаруви органлари билан таълим секторининг ўзаро маълумотни электрон алмашув муҳити (“электрон ҳукумат” компоненти) киради. Бунда ИТ-технологиялардан фойдаланиш ҳам давлат, ҳам ОТМлар, ҳам фуқаролар ўзаро манфаатдордир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, таълимда ИТ-технологиялардан фойдаланиш даражаси Республикамиз ОТМларида мавжуд бўлган компьютерлар, коммуникация ускуналари сони ёки Интернетдан фойдаланиш имкониятлари билан эмас, балки ушбу воситаларни таълим жараёнига киритиш, кўп функцияли виртуал ресурслар яратилиши, олий таълимни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш учун рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятларининг сифат кўрсаткичлари билан белгиланиши лозим.

---

<sup>143</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлатбошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».2018 йил 13 декабрдаги №ПФ-5598 Фармони

## **РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА СИФАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

*Пардаева Мафтуна Илхомовна  
Тошкент Фармацевтика институти*

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти таълим сифати самарадорлигини ошириш масаласини ҳал қилишга киришган бўлиб, бу ўринда етакчи ғарб давлатлари ОТМ тизимида муваффақиятли натижаларини кўрмоқдамиз. Чунки, сифат якуний натижага таъсир этувчи энг асосий ва муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Таълим ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Айнан, таълим жамиятнинг интеллектуал, маданий, маънавий ҳолатини шакллантиради. Таълимнинг мазмун-моҳияти ва унинг йўналтирилганлигини таълим стандартлари ва дастурларида акс эттирилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатда таълим даражаси қанча юқори бўлса, унинг иқтисодийети шунча самарали ривожланиши, ишсизлик даражаси паст ва умрнинг узоклик даражаси шунча юқори бўлиши шак-шубҳасиз бир ҳол сифатида қаралади. Бундан ташқари, аҳоли билим даражасининг юқорилиги жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига, масалан, давлат бошқарувининг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади

Ривожланган хорижий давлатларда таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ этишнинг асосий тенденциялари таълимни бошқариш моделлари доирасида ривожланмоқда. Хусусан, Франция Миллий Ассамблеяси томонидан Европа Иттифоқи учун тайёрланган маърузада таълимни бошқаришнинг иккита модели фарқланиши қайд этилган: бошқарувнинг марказлашган модели (Франция) ва федераль модель (АҚШ). Биринчи моделга кўра, таълим тизимини бошқаришнинг барча дастаклари давлатга тегишли бўлса, иккинчи моделга биноан, ваколатларнинг каттагина қисми (таълим муассасаларини сақлаш, молиялаштиришнинг айрим масалалари, аккредитация қилиш ва бошқа масалалар) минтақавий ва маҳаллий ҳокимият ваколатига мансуб бўлади. Таълим стандартларини мукамал ишлаб чиқариш ва ягона таълим маконларини шакллантириш тажрибаси Европа Иттифоқида ўз ифодасини топмоқда. Таълим мазмунининг маълум бир маконда бир ҳил стандартлар асосида шакллантирилиши асосида мутахассислар сифат даражасида тайёрлаш имкониятини бериб, уларнинг рақобатдош бўлишига имконият яратади.

Жаҳон олий таълимининг қиёсий таҳлилларига кўра Британия олий таълими энг яхши тизим ҳисобланади. Оксфорд ва Кембридж университетлари ўз нуфузи ва мавқеи билан бутун дунёга танилган. Британия ҳукумати олий таълимда хорижий талабаларнинг таҳсил олишини рағбатлантиради. Британия Европа Иттифоқининг олий таълим сифати бўйича кафолатланган тамойиллари ва ички, ташқи стандартлари билан кенг

маънода кели- шувни ифода этсада, ўзининг таълим тизимида бошқа ЕИ давлатларидан фарқли сифат назорати тизимини жорий этган.

Европа мамлакатларида олий таълими сфатини баҳолаш жуда қийин жараён бўлиб, бир неча босқичдан иборат. Бу жараён аввал ўз-ўзини баҳолашдан бошланади (auto- evaluation, self-assessment). Бу босқичда ОТМ барча фаолият йўналишлари бўйича микдорий кўрсаткичларни тўплаб таҳлил қилади. Экспертлар олий ўқув юртида объектив баҳолашни амалга ошириш учун барчани, талабалардан тортиб, профессор ўқитувчилар, маъмурий персонал, илмий тадқиқотчиларни саволномалар асосида сўровнома қилади. Сўнгра икки ҳафта ичида ўқув юртига якуний ҳисобот тайёрлаб юборади. Ҳисобот бўйича таълим муассасаси тушинтиришлар бериши ёки кўрсатилган камчиликларга нисбатан эътироз бериши мумкин. Шундан сўнгра ҳамма нарса ойдин бўлиши учун ҳисобот тегишли таълим нашрларида чоп этилади.

Германия Федератив Республикасида таълим тизими аввалдан хатти-ҳаракатларнинг компетентлигига йўналтирилган ўзгача ёндашув асосида ташкил этилади. Ёндашувнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бунда асосий эътибор касбий таълим тизимининг ўқув режаларига қаратилади. Компетенциянинг стандарт типологияси таълим муассасалари битирувчиларининг бўлғуси касбий фаолияти соҳасига йўналтирилганлигидир. У ўз ичига предметли, шахсий ва ижтимоий компетенцияларни олади.

Кейинги йилларда Жанубий Корея давлатини фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини тан олмаслик мумкин эмас. Чунки уларни замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқариш бўйича тутган ўринлари ниҳоятда юқори. Кореяда табиийки бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ўзгартириш вазифаси турарди. Бунинг учун "Таълимни ривожлантириш кўмитаси" ташкил этилган ва кўмита олдида таълим тизимини барқарорлаштиришда таълим сифатини баҳолашда шаффоқликни таъминлаш вазифаси юклатилган.

Иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан Япония дунёда Америка Қўшма Штатларидан кейин ўринда туради. Жаҳоннинг кўзга кўринган мутахассистлари ва иқтисодчилари Япония ривожланишидаги бу юксалиш мамлакатда таълим тизимлари тараққиётига берилган юқори даражадаги эътибор самараси, дея қайд этадилар. Мамлакатда саналган, таълим тизимларини такомиллаштириб борилишига ҳукумат, хусусий компаниялар, жамоат ташкилотлари, ота-оналар кенг миқёсида қатнашишини эътиборга олиш етарлидир. Япон университетлари асосан юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. Аммо Японияда «Университет шахсни билим ва касбга йўналтиради холос, уни такомиллаштириш, мукаммаллаштириш шахснинг ўзига боғлиқ», деб баҳо беришади.

АҚШ Федерал ҳукуматида таълим учун Таълим департаменти жавоб беради. У муайян даврда мамлакат учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим соҳаларини белгилайди. АҚШ Конгресси мамлакатда таълимни кучайтиришга таъсир этувчи қонунлар қабул қилади, АҚШда таълим сифатини аккредитациялаш таълим сифатини назорат қилиш тизими бўлиб,

таълимнинг ривожланишидан манфаатдор барча томонлар манфаатларини ҳисобга олишга асосланган. У ўзида давлат ва жамоатчилик назоратларини мужассамлаштирган. Шу боис, ҳар бир таълим дастури аввалом бор, потенциал иш берувчилар билан келишилган бўлиши ва уларнинг бўлғуси мутахассисларга нисбатан қўйган шартларига жавоб бера олиши керак. Бунда, мазкур касб мутахассисларининг ОТМ битирувчиларининг касбий тайёргарлик сифатидан қоникқанлик даражаси бўйича суровномалар ўтказилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, таълим тизимини ривожлантириш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини кучайтириш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаси мамлакатимиз учун ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун давлат ва олий ўқув юртлари ўртасидаги молиявий муносабатлар тизимини кенгайтириш ва мамлакатимиз олий юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими технологиясини янада ривожлантириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ш.М.Мирзиёев «Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.
3. Кроу М., Дэбарс У. Модель Нового американского университета. ГУ
4. Реформа высшего образования в Европе (Болонский процесс).– М., 2010. – 96 с.
5. Исақулова Н., Қосимова З. Хорижий мамлакатларда таълим. – Тошкент. 2011. – 106 б.
6. Heise, M. Professionelles Lernen jenseits von Fortbildung und Maßnahmen // Zeitschrift für Erziehungswissenschaften. - 2007.- № 10 (4).- s. 513-531.
7. McKee, C. W., Johnson, M., Ritchie, W. F., & Tew, W. M. Professional Development of the Faculty: Past and Present. New Directions for Teaching and Learning, Los-Angeles, 2013, p. 15-20.

## **RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING MAMLAKAT IQTISODIYOTIGA TA’SIRI**

*TMI.BI fakulteti 2-kurs talabasi  
Turg’unova O.N.*

*Ilmiy rahbar: Menejment va marketing kafedrası  
dots.v.b., Bazarova F.T.*

Global o‘zgarishlar sharoitida bugungi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotining rivojlanishiga turtki bo‘luvchi raqamli iqtisodiyot va u bilan bog‘liq bo‘lgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda.



Jahondagi globallashtirish sharoitida tashqi migratsiya, xalqaro savdo va kapitallar harakati, turizm, xorijiy investitsiyalar, ayniqsa IT rivojlanishi mamlakatlarning iqtisodiy o'sish sur'atlariga ta'sir etadi. Informatson innovatsiyalarning tarkib toptirish uchun dunyo miqyosida faoliyat ko'rsatuvchi YouTube, Facebook, Google, Wikipedia, Wikileaks, Amazon, Alibaba va boshqa bir qator global kompaniyalar tomonidan yangi progressiv informatson texnologiyalar bilan biznes masalalarini hamda tijorat muammolarini hal qilinadi va ular information tizimlarning har bir yangi avlodi bir qancha yangi innovatsion xizmatlarning vujudga kelishiga va yanada rivojlanishiga sababchi bo'ladilar.

Raqamli iqtisodiyot deganda, faqatgina Blokcheyn (Blockchain) texnologiyasini va ulardan xalqaro moliya bozorlarida foydalanish masalalarini yoki kriptovalyutalarni tushunish kerak emas. Jahon banking "Raqamli dividendlar" nomli tadqiqoti xulosalari mamlakatlar iqtisodiyotini rivojlantirishda raqamli iqtisodiyotning naqadar dolzarb va muhim masala ekanligini ko'rsatadi. Xususan, **internet tezligining 10 foizga o'sishi mamlakat YaIM o'sishiga olib keladi. Rivojlangan davlatlarda bu ko'rsatkich 1,21 foizni tashkil etsa, rivojlanayotgan mamlakatlarda 1,38 foizga teng. Demak, internet tezligi 2 barobar oshadigan bo'lsa, YaIM hajmi 13-14 foiz ortishiga erishish mumkin.**

Misol uchun, 2020-yilda O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga davlat dasturlari uchun jami 18.2 trl.so'm va 10.3 mlrd.dollar sarflanishi ko'zda tutilgan. Raqamli iqtisodiyotda zamonaviy ilmiy yondashuvlar va innovatsiyalar muhim hamda ustuvor ahamiyatga ega bo'ladi. Bunda ilmiy sig'imkorlik yuqori bo'lgan tarmoqlar ravnaq topadi.

**Raqamli iqtisodiyot rivojlangan davlatlarda YaIM hajmi ham, YaIMning aholi son boshiga ulushi ham yuqoridir.** Shu jihatdan, davlatimiz rahbarining bu masalaga katta e'tibor qaratishi bir maqsadni ko'zlaydi, u ham bo'lsa, birinchidan, aholining yashash darajasini yuksaltirish, ikkinchidan, aholining real daromadlarini oshirish va xalqimizni rozi qilishdir.

Huddi shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi. Masalan, O'zbekiston Respublikasi prezidenti 2018-yil 28-dekabrda 2019-yil uchun eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo'yicha quyidagilarni aytib o'tdi: "Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko'zda tutadigan "Raqamli iqtisodiyot milliy konsepsiyasi"ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturini hayotga tadbiiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o'stirish, korruptsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli xalqaro tashkilotlar o'tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda. Shuning uchun Hukumatga ikki oy muddatda raqamli iqtisodiyotga o'tish bo'yicha "yo'l haritasi"ni ishlab chiqish topshiriladi. Bu borada axborot xavfsizligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratish zarur". Ushbu muroja'at bilan bog'liq ravishda shuni aytish mumkinki, postindustrial yoki information jamiyatga xizmatlar sektori mamlakat yalpi milliy daromadining 60% dan ortig'ini tashkil qiladigan davlatlar kiradi. Bu

davlatlarda dasturiy ta'minot ishlab chiqaruvchi tarmoqlarni moliyalashtirish miqdori keyingi o'ttiz yilda 130 martadan ko'proq ortdi.

Mamlakatimizga yangi texnologiyalarning barcha sohalarga kirib kelishi davlat boshqaruvining va iqtisodiyotning elektron ko'rinishga o'tishiga olib kelmoqda. Chunonchi, bunga mamlakatimiz tashqi savdo hajmining o'sishini misol qilib keltirish mumkin. Natijada yangi davlat va nodavlat elektron xizmat turlari paydo bo'ldi, yangi bozorlar shakllandi va an'anaviy biznes modellar elektron shaklga transformatsiya qilina boshlandi.

Yangi O'zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida ochiqlik, xalqaro iqtisodiy-siyosiy aloqalarning rivojlanishi yurtimizda sanoat tarmoqlarini modernizatsiya qilish, texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlash imkoniyatlarini yuzaga keltirdi. "Elektron hukumat", "Elektron boshqaruv", "Telekommunikatsiya", "Internet", "Veb-sayt" kabi ko'plab iboralar hayotimizning ajralmas bo'lagiga aylandi. IT kundalik hayotimizning barcha sohasini qamrab olmoqda.

Ma'lumki, bugungi kunda raqamli iqtisodiyot qo'shimcha qiymat yaratishda ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Turli xil algoritmlar, jarayonlar va raqamli axborotlar korporativ biznesning strategik rivojlanishida asosiy hal qiluvchi kuchga ega bo'lmoqda. Raqamli nomoliyaviy omillar banklarning raqobatbardoshligini belgilab bermoqda, samaradorligiga ta'sir ko'rsatyapti.

Ekspertlarning fikricha, 2020-yildan boshlab yirik banklarning qariyb 30 foizidan ortig'i o'zlarining ish faoliyatida blokcheyn texnologiyasidan foydalanishni boshlab yuborishdi. Bunga blokcheyn texnologiyasining nisbatan endigina yaratilganiga qaramasdan, uning mavjud biznes jarayonlardagi inqilobiy o'zgarishlarni qamrab olgani moliya bozorlari ishtirokchilari orasida ulkan qiziqish uyg'otganini sabab qilib ko'rsatish mumkin.

Raqamli texnologiyalar rivojlanishi oxir-oqibat nomoddiy aktivlar, ya'ni fizik jihatdan mavjud bo'lmagan nomonetar aktivlar oshishiga olib kelmoqda. Masalan, 1975-yilda Amerikaning yirik korporatsiyalari nomoddiy aktivlari 17 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2019-yilga kelib, bu ko'rsatkich 85 foizdan ortdi. Aniqroq tushuntiradigan bo'lsak, buxgalteriya balansidagi moddiy va nomoddiy aktivlar o'zni almashdi.

Raqamli aktivlar — bu moliyaviy hisobotlarni tuzishda hisobga olinadigan raqamli shakldagi nomoddiy aktivlardir. Jahonning mashhur "McKinsey" ekspertlarining baholashi bo'yicha, bugungi kunda jahon YaIMning qariyb 10 foizi raqamli aktivlarga to'g'ri keladi, shu bilan birga, ularni ishlab chiqish sur'ati jahon iqtisodiy o'sishining 30 foiziga teng. Raqamli aktivlarning rivojlanishi akselerator (tezlashtiruvchi) harakatiga o'xshaydi.

O'z navbatida, raqamli aktivlar rivojlanishida ijtimoiy tarmoqlarning o'zni muhim. Ijtimoiy tarmoqlar raqamli biznesning taraqqiy etishiga ham keng imkoniyatlar yaratib beradi.

To'lov tizimlari va bank axborot tizimlari raqamli aktivlardan keng foydalanadi. Raqamli aktivlarning asosiy komponentlari sifatida intellektual mulk ob'yektlari hisoblanadi. Intellektual faoliyat natijalariga egalik huquqiga faqatgina

kompaniya ega bo'ladi. Bunday aktivlarga misol qilib, ixtiro patentlar, kompyuter dasturlariga mutlaq huquq va ma'lumotlar bazasini keltirish mumkin.

Hozirda raqamli aktivlar bilan birga, raqamli aktivlarni boshqarish tizimi ham tez sur'atlarda rivojlanmoqda. Raqamli aktivlar bo'yicha global ishtirokchilar sifatida "North Plains Systems Corporation", "Open Text Corporation", "Widen", "Net Xposure, Inc.", "Media Beacon, Inc.", "Hewlett-Packard Company", "WebDAM" kabi yirik xalqaro korporatsiyalarni misol qilib keltirish mumkin.

Raqamli aktivlarni boshqarishda axborot xavfsizligini ta'minlash muhim omil sanaladi. Bunda asosiy e'tibor raqamli ma'lumotlarga ruxsatsiz kirish, ularni axborot vositachilaridan himoya qilgan holda xavfsizligini ta'minlash va axborotlar uzatishning soddaligini ta'minlashga qaratilishi lozim.

Raqamli aktivlarni boshqarishning muhim muammolaridan biri — bu ularning huquqiy himoyasidir. Ta'kidlash lozimki, qisqa vaqtlarda va originaldan kamroq xarajat qilib raqamli aktivlar nusxasini yaratish hamda ishga tushirish mumkin. Bu, albatta, raqamli aktivlarning umumiy daromadiga ta'sir qiladi. Raqamli aktivlarni boshqarishda bulutli texnologiyalardan foydalanish asosiy shartlardan bo'lib, texnik, huquqiy va tashkiliy jihatdan axborotlar himoyasi bo'yicha usullarni ishlab chiqish hisoblanadi.

Raqamli aktivlarning rivojlanishini raqamli tijoratning rivojlanishisiz tasavvur qilish qiyin. Raqamli tijorat esa, sodda va ishonchli raqamli to'lov tizimlarini yaratishni talab etadi. Birinchi "onlayn" to'lov tizimlariga xizmat ko'rsatishda aholi o'rtasida keng tarqalganligi sababli kredit va debet kartalaridan foydalanilgan. "Visa" va "Master Card" kredit kartalari emitentlari sotuvchilardan axborot almashinuvida yuqori xavfsizlik choralarini ko'rish shartlarini talab etishgan.

Jahonda ro'y berayotgan so'nggi trendlarni o'rganish foydadan holi bo'lmaydi. Chunki dunyoda buxgalteriya balansidagi moddiy va nomoddiy aktivlar o'z o'rnini jadal almashtirishi davrida biz ham asosiy e'tiborni faqat mahsulotlar eksportiga qaratmasdan, balki nou-xau, blokcheyn texnologiyalari faoliyatini zamonga hamohang ravishda o'rganib, raqamli iqtisodiyot imkoniyatlaridan keng foydalanishni yangi bosqichga olib chiqishimiz maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz.

Xulosa qilib aytish mumkinki, Blokcheyn texnologiyasi, kriptovalyutalar ham raqamli iqtisodiyotning bir bo'lagi. Lekin raqamli iqtisodiyot (Digital Economy) deganda, raqamli kommunikatsiyalar, IT yordamida olib boriladigan iqtisodiyot tushuniladi. Bunda, yashirin iqtisodiyotga barham berish vositasi sifatida ham qarash mumkin. Chunki birinchidan, barcha operatsiyalar elektron ro'yxatdan o'tilishiga, ikkinchidan shaffof bo'lishiga erishiladi. Qolaversa, ishlab chiqarishda yangi IT texnologiyalar qo'llanilishi tufayli mahsulot va xizmatlarning tannarxi pasayadi.

## O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT O‘SISHINI TA‘MINLASHNING ZARURIYATI

*TMI.MM-52 guruh talabasi Badriddinova Mohibegim  
Ilmiy rahbar. Bazarova Fayyoza*

O'zbekistonda barcha sohalar singari iqtisodiy sohalarda ham raqamli iqtisodiyotni qo'llash, iqtisodiy samaradorlikni oshishiga ta'sir qilivchi muhim omillardan biri bo'lib hisoblanadi. Mamlakatimizda 2020 yil – Ilm-ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili, deb e'lon qilinishi yaqin kelajakda aholi, ayniqsa, yoshlarning intellektual salohiyatini yanada yuksaltirish va axborot texnologiyalari sohasini qo'llab-quvvatlash davlat siyosatining ustuvor masalalaridan biri bo'lib qolishidan dalolat beradi. Hozirgi ijtimoiy va iqtisodiy taraqqiyot davrida insonlarning yashash sharoitini yanada yaxshilash, shahar va qishloq aholisi o'rtasidagi iqtisodiy daromadlarni teng olib borish muhim sanaladi. Bu esa, mamlakatimizning har bir hududida raqamli iqtisodiyot rivojlanganligi bilan chambarchas bog'liq.

Avvalo raqamli iqtisodiyot so'ziga ta'rif beradigan bo'lsak, Raqamli iqtisodiyot – bu iqtisodiy-ijtimoiy va madaniy aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo'llash asosida amalga oshirish tizimidir. Hozirgi davrni hech ikkilanmasdan axborot texnologiyalar asri deb aytishimiz mumkin, shunday ekan, bugungi kunda insoniyat taraqqiy etishi ko'p jihatdan axborot texnologiyalarining rivojlanish shiddatlariga bevosita bog'liq bo'lib qolgan desak adashmaymiz. Zero o'z hayotimizni ham hozirda zamonaviy texnologiyalarsiz hatto raqamli iqtisodiyotsiz tasavvur ham eta olmaymiz. Axborot texnologiyalarning rivojlanib borishi bilan yangi atamalar ham paydo bo'lib boraveradi. Xuddi shunday raqamli iqtisodiyot atamasi ham bevosita axborot texnologiyalar rivojlanib borishi mahsuli hisoblanadi. Bu atama 1995-yilga to'g'ri kelib, internet tarmog'i jamiyat hayotining turli sohalariga kirib kelishi bilan -elektron hukumat, -elektron savdo, -raqamli iqtisodiyot kabi atamalar paydo bo'ldi.

Raqamli iqtisodiyot – bu iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalarni raqamli texnologiyalardan foydalangan holda amalga oshirish tizimi bo'lib, bunga avvalambor onlayn-xizmatlar, masofaviy ta'lim, elektron to'lovlar, tovar va xizmatlarning internet-savdosi misol bo'la oladi. Raqamli iqtisodiyotning ananaviy iqtisodiyotdan qulayliklari hamda avzalliklari keng bo'lganligi sababli u juda tez ommalashdi. Bizda ham so'nggi yillarda bu sohani rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda, masalan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi - Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi farmoni, 2018 yil 3 iyuldagi - O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qarorlarini ham shu tadbirlar jumlasiga kiritish mumkin.

Ushbu chora-tadbirlar natijasida elektron hujjat aylanishi joriy etildi, elektron to'lovlar rivojlantirilmoqda va elektron tijorat sohasida normativ-huquqiy baza takomillashtirilmoqda. Bunday islohotlar esa iqtisodiy sektorni raqamlashtirish tovar ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan xarajatlarni

kamaytirish, mahsulot sifatini yaxshilash, hajmi va raqobatbardoshlikni keskin oshirish hamda vaqtni tejash kabi imkoniyatlarni yaratadi.

Keyingi yillarda esa O'zbekistonda raqamli texnologiyalar bank tizimi, chakana savdo, transport, energetika, ta'lim, sog'liqni saqlash va boshqa sohalarda qo'llanilmoqda va ijobiy natijalarga erishilmoqda. Raqamli iqtisodiyotning ananaviy iqtisodiyotdan qulayliklari haqida gapiradigan bo'lsak, masalan, biror bir xaridni amalga oshirmoqchi bo'lsangiz siz albatta bozorga borishingizga to'g'ri kelar edi, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi natijasida esa siz uyingizdan turib mahsulotni ko'rishingiz, tanlashingiz, xarid qilishingiz va hatto to'lovlarni ham online tarzda amalga oshirishingiz mumkin, bundan tashqari tovarlar haqidagi aniq ma'lumotlarni tez va oson olasiz. Raqamli iqtisodiyotning nafaqat xaridorga balki ishlab chiqaruvchiga ham qulayliklari katta bo'lib, ishlab chiqaruvchi ham qanday mahsulotga, qaysi turiga qancha xaridor borligini bilishi, xullas fidbek (iste'molchi fikri)ni tez olish hisobiga tovar va xizmatlar jadal takomillashtirish imkonini beradi, umuman olganda bozorni tezroq va qulayroq o'rganishi hamda tovarlarini tez isloh qilishi mumkin, bu esa ishlab chiqarishdagi ortiqcha qilinadigan xarajatlar va vaqtni tejaydi. Raqamli iqtisodiyot insonlarning turmush darajasini sezilarli darajada oshiradi, o'z mablag'lari va vaqtlaridan samarali foydalanish imkonini beradi. Bu esa uning asosiy foydasidir. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish natijasida davlatning ham rivojlanishiga katta ta'sir ko'rsatadi, masalan, raqamli iqtisodiyot korrupsiya va yashirin iqtisodiyotning asosiy kushandasidir. Chunki, raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi, kerak paytda ma'lumotlarni tez taqdim etadi. Bunday sharoitda biron ma'lumotni yashirish, yashirin bitimlar tuzish, u yoki bu faoliyat haqida to'liq axborot bermaslikning iloji yo'q, kompyuter hammasini namoyon qilib qo'yadi. Ma'lumotlar ko'pligi va tizimliliigi yolg'on va qing'ir ishlarga yo'l bermaydi, chunki tizimni aldash imkonsiz. Natijada - iflos pullarni yuvish, mablag'larni o'g'irlash, samarasiz va maqsadsiz sarflash, oshirib yo yashirib ko'rsatish imkoni qolmaydi. Bu esa iqtisodiyotga legal mablag'lar oqimini oshiradi, soliqlar o'z vaqtida va to'g'ri to'lanadi, byudjet taqsimoti ochiq bo'ladi, ijtimoiy sohaga yo'naltirilgan mablag'lar o'g'irlanmaydi, maktablar, kasalxonalar, yo'llarga ajratilgan pullar to'liq yetib boradi va hokazo. Elektron tijorat, internet banking, elektron tulovlar, internet reklama va shu bilan birga, internet o'yinlari ko'riladi.

Raqamli iqtisodiyotning o'sishi yuqorida sanab o'tganlarimizdan tashqari ishlab chiqarishda mehnat samadorligini oshishiga, kompaniyalarning raqobatbardoshligini o'sishiga, ishlab chiqarishdagi harajatlarning kamayishiga, yangi ish o'rinlari yaratilinishiga, yangi zamonaviy kasblar paydo bo'lishiga, kambag'allikni yengish va ijtimoiy tengsizlikni yo'qolishi katta ta'sir o'tkazmasdan qolmaydi.

## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

*Б.С.Маматов – “Баҳолаш иши ва инвестициялар”  
кафедраси доценти, и.ф.н., доц.*

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизимида муҳим таркибий ўзгаришлар рўй берди. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва пенсия таъминотининг янги шакллари ривожлантириш билан боғлиқдир. Миллий пенсия тизимининг самарадорлиги ва молиявий барқарорлиги ҳали ҳам паст даражада бўлиб, бунга бир қанча омиллар сабаб бўлмоқда. Буни қуйида келтирилганлар тўлиқ тасдиқлайди:

– 2019 йилда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг қарийб 6 фоизини ташкил этган ва бу кўрсаткич Европа ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) малакатларидаги ижтимоий ҳимоя харажатларининг ўртача даражасидан анча паст;

– 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида иш билан банд аҳолининг 58,2 фоизи норасмий секторда банд бўлиб<sup>144</sup>, бадал тўлашни назарда тутувчи ижтимоий суғурта дастурларида қатнашмайди;

– 2010-2019 йилларда пенсионерлар сони 505,1 минг нафарга кўпайган (йиллик ўртача ўсиш – 50,5 минг нафар) ва бу, асосан, аҳолининг умр кўриш давомийлигининг ошиб бораётганлигини кўрсатади. «Global Burden of Disease» тадқиқотида «одамлар ўтган асрнинг ўрталарига нисбатан умр давомийлиги 22 ёшга ошгани маълум қилинди»<sup>145</sup>. «Ўзбекистонда кишилар ўртача умр кўриш давомийлиги 1990 йилдаги 67 ёшдан 2018 йилда 74 ёшга узайган»<sup>146</sup>. Бу эса тақсимланувчи пенсия тизимида тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади;

– умр кўриш давомийлигининг узайиб бориши шароитида пенсияга чиқиш ёшининг ўзгаришсиз қолаётганлиги. Бугунги кунда дунёда эркак ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёши ўртача 62 ёшни ташкил қилади ва Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,5 ёшга тенг (аёллар учун 55 ёш, эркаклар учун 60 ёш) ташкил қилади. Таққослаш учун турли мамлакатларда пенсияга чиқиш ёши «Қозоғистон ва Тожикистонда ўртача 60,5 ёш (аёллар 58 ёш, эркаклар 63 ёш), Беларусда 58,1 ёш (аёллар 55,6 ёш, эркаклар 60,6 ёш), Грузияда 62,5 ёш (аёллар 60 ёш, эркаклар 65 ёш), Озарбайжонда 65 ёш,

---

<sup>144</sup> Migration and Brain Drain. Office of the Chief Economist. 2019 International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 1818 H Street NW, Washington, DC 20433. – P. 120. (file:///C:/Users/User/Desktop/9781464815065.pdf).

<sup>145</sup> <https://daryo.uz/k/2019/02/13/markaziy-osiyoda-ozbekistonliklar-eng-uzoq-umr-korish-malum-boldi/>.

<sup>146</sup> <https://gujum.uz/salomatlik/ozbekistonda-kishilar-ortacha-umr-korish-davomiyligi-1990-yildagi-67-yoshdan-2018-yilda-74-yoshga-uzaygan/>.

Жанубий Кореяда 60 ёш, Японияда 65 ёш»<sup>147</sup>. Аксарият тараққий этган мамлакатлар, жумладан, Япония ва айрим ривожланаётган мамлакатлар гендер жиҳатидан ҳам фарқламай, 65 ёшлик поғонани босиб ўтди, уларда эркаклар ҳам, аёллар ҳам бир хил ёшда пенсияга чиқадилар;

– «2019 йилдан айрим юридик шахслар учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилиши ҳамда фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадалларининг (8%) бекор қилиниши»<sup>148</sup> пенсия тизимининг бюджетига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари ҳажми пенсионерларнинг пенсия таъминоти талабларини қониқарли ҳажмда қоплашга имкон бермайди;

– 2010-2019 йилларда Пенсия жамғармасининг харажатлари қарийб 5 баробарга ортиб, 114 фоиздан 128 фоизгача ўсган. Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари балансини ҳамда пенсия тўловларининг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан 2019 йил учун 4,7 трлн. сўм, 2020 йил учун 8,0 трлн. сўм миқдорида трансферт ажратилган ва 2021 йил учун 14,7 трлн. сўм миқдорида трансферт ажратиш кўзда тутилган<sup>149</sup>. Бу эса Пенсия жамғармасининг пенсионерларни пенсия билан таъминлашда молиявий жиҳатдан мустақил эмаслигини билдиради;

– Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига кўра, пенсия тизимининг самарадорлигига эришиш учун ижтимоий суғурта бадаллари тўловчилар сони билан пенсия олувчиларнинг оптимал сони 4:1 бўлиши керак (1 пенсионерга 4 нафар ижтимоий суғурта бадали тўловчи тўғри келиши керак. Бироқ, Ўзбекистонда бадал тўловчилар сони билан пенсионерлар сони ўзаро мутаносиб эмас;

– Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида»ги 102-сонли Конвенцияда қоплаш коэффициенти (ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақига нисбати) камида 40 фоизни ташкил этиши зарур<sup>150</sup>. Аммо, 2019 йил якунлари бўйича Ўзбекистонда қоплаш коэффициенти 31,6 фоизни ташкил қилган (ўртача пенсия миқдори

---

<sup>147</sup> [https://www.norma.uz/uz/bizning\\_sharhlar/pensiya\\_eshini\\_oshirish\\_tarafdor\\_va\\_qarshilar\\_tj.sputniknews.ru/infographics/20180729/1026318040/pensionnyj-voznost-strany-mira-georgia.html](https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/pensiya_eshini_oshirish_tarafdor_va_qarshilar_tj.sputniknews.ru/infographics/20180729/1026318040/pensionnyj-voznost-strany-mira-georgia.html).

<sup>148</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>149</sup> <https://ach.gov.uz/uploads/fda09fb9-139f-b11d-ae11-3c8a6565493b.pdf>; «2021 бюджет лойиҳаси бўйича Фуқаролар учун бюджет» наشري Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққийт дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш» қўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланган.

<sup>150</sup> Конвенция МОТ №102 «О минимальных нормах социального обеспечения», статья 67.

733,2 минг сўм ва ўртача иш ҳақи 2,320 минг сўм<sup>151</sup>). Бу эса талаб этилган меъёрдан 8,4 ф.п.га кам.

Юқорида қайд этилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши пенсионерлар учун муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган самарали ва молиявий жиҳатдан барқарор бўлган пенсия тизимини яратиш имконини беради.

## **ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ – УСТУВОР ВАЗИФА**

*ТМИ “Баҳолаш иши ва инвестициялар”  
кафедраси мустақил тадқиқотчиси Ҳошимов Ж.Р.*

Жаҳон амалиётидан маълумки, ҳар қандай мамлакат хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан туриб, иқтисодий тараққиётга эриша олмайди. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, асосий фондларни янгилаш, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, замонавий техника-технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш хорижий инвестициялар орқали таъминланади.

Бир вақтнинг ўзида XXI аср ва яқин келажакда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча жабҳаларини модернизациялашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Иқтисодиётни модернизациялаш эса, ўз навбатида, катта ҳажмдаги хорижий инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни талаб қилади. Иқтисодиёт тармоқларида замонавий техника-технологияларни жорий қилиш ва шу асосда рақобатбардошликка эришиш, жаҳон бозорларини эгаллаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишни хорижий инвестицияларсиз таъминлашнинг имкони деярли йўқ.

Шу муносабат билан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар алоҳида корхоналарнинг фаолияти, ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади. Ушбу жараёнлар маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар, буюртмачилар, рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, ишчиларнинг малакаси ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хориж капиталининг узоқ муддатга жойлаштирилишини, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акциядорлик капиталига тўла эга бўлиши ёки камида 10 фоизи хўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлашини англатади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:

– инвесторга инвестиция киритилаётган объект устидан назорат қилиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришга сарфланган узоқ муддатли хорижий

151

<https://sputniknews-uz.com/economy/20200127/13312532/zbekistonliklar-2019-yilda-rachacha-ancha-ish-ai-olishgan.html>; <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>.



қўйилмаларни;

– пировард мақсади фойда кўринишида даромад олишга қаратилган тадбиркорлик капиталининг устувор шакли;

– хусусий капиталга асосланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни;

– хорижий инвесторнинг инвестиция киритилаётган объект устидан тўлиқ эгаллик қилишини;

– хорижий инвестор томонидан инвестиция киритилаётган объекти устав капиталининг 10% дан кам бўлмаган қисми устидан назорат ўрнатишини;

– хорижий инвесторнинг инвестиция киритилаётган объектлари бошқаришда самарали қатнашиши.

Амалдаги қонунчиликка кўра, “чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари”<sup>152</sup> **тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини англатади. Бундан кўринадики, чет эллик инвесторларнинг шахсий ташаббуслари ва кутилиши мумкин бўлган турли рискларни ўз зиммасига олган ҳолда таваккал қилиб, турли шаклдаги молиявий ресурсларни инвестициялаши тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини билдиради. Бу ердаги энг муҳим принципиал масала чет эллик инвестор томонидан ҳукумат кафолатларисиз инвестиция киритилиши бўлиб, бу эса, албатта, истиқболда иқтисодий-ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши шубҳасиз.**

Тадқиқотлар кўрсатишича, миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳолати ички бозор ҳамда экспорт ҳажми, табиий ва минерал ресурслар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, бозор ислоҳотларини амалга ошириш суръатлари, иқтисодий барқарорлик омиллари билан боғлиқдир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг жозибадорлигини белгиловчи омиллар қуйидагилардан иборат: бозор омиллари (ички бозор ва экспорт имкониятлари); бой табиий ресурсларнинг мавжудлиги; шлаб чиқариш харажатлари омиллари; инвестиция муҳити. мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмларига мутаносиб эмас. Жумладан, 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 28740,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 5,3 пунктга камайиб, 14,2 фоизни ташкил қилди. Бунга мамлакатимизда 2020 йилнинг март ойида бошланган пандемия ва унинг тарқалишига қарши қаратилган чеклов чоралари сезиларли даражада салбий таъсир ўтказди. Бирлашган Миллатлар

---

<sup>152</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. ЎРҚ-598-сон. 3-модда.

Ташкилоти (БМТ)нинг Савдо ва ривожланиш бўйича Конференцияси (ЮНКТАД) тахминларига кўра, пандемиянинг салбий оқибатлари 2020-2021 йилларда дунё миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг 40 фоизгача қисқаришига олиб келиши мумкин. Бу сўнгги 20 йил ичидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади<sup>153</sup>. Пандемия инқирози мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимиغا, халқаро инвестиция келишувлари ва битимлари тузилишига, давлатларнинг яқин келажақдаги инвестиция сиёсати шаклланишига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳам коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида биринчи навбатдаги чора-тадбирлар ва давлат Дастурлари қабул қилинди

Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2019 йил 29 апрелда ПҚ-4300-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ:

кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар, банк-суғурта ташкилотлари устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёр инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш;

инвестиция ва бизнес форумлар, такдимотлар («Road Show») ва маркетинг кампаниялари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор йўналишларни ташкил этиш.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги пандемия шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими сезилари даражада камайиб, уларни жалб қилиш жараёнида рақобат кучайиб бораётган шароитда хорижий инвесторлар учун манфаатли инвестиция лойиҳаларини таклиф қилиш муҳим аҳамиятга эга. Тўғридан-тўғри хорижий инвесторларга тегишли қонунларнинг барқарорлиги, қонун нормаларининг ривожланган давлатларда амалда бўлган тартиб-тамоийилларга яқинлаштириш зарур. Шунингдек, иқтисодни

---

<sup>153</sup> <https://uza.uz/uz/posts/pandemiya-va-pandemiyadan-keyingi-davr-khorizhiy-davlatlarda-16-10-2020>

жонлантириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида қонун қабул қилиш ва ушбу қонун инвесторлар билан давлат ўртасида инвестор маблағларини ҳимоя қилинишини кафолатловчи махсус келишувни назарда тутиши мақсадга мувофиқдир.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA MENEJMENT VA MARKETINGNING DOLZARB MASALALARI**

*TMI katta o'qituvchisi Sobirjonov S  
TMI talabasi Avazbekov J*

Raqamli iqtisodiyot – bu Tovar va xizmatlarni iste'molchiga qulay va sifatli tarzda yangi texnologiyalar, IT texnologiyalar, AKTlar asosida yetkazish va davlat va ishlab chiqaruvchilar o'rtasidagi yaxlit bir tizimdir. Hozirgi kunda bu tizim barcha rivojlangan davlatlarda ishlab kelmoqda va o'z foydasini bermoqda, xususan, O'zbekiston ham ushbu tizimga bosqichma bosqich o'tmoqda.

Raqamli iqtisodiyot tizimida barcha xizmatlar internet tarmoqlari va IT texnologiyalari orqali amalga oshiriladi, bu o'z navbatida bir qancha qulayliklar beradi. Bu esa ochiqlik, tezkorlikni ta'minlaydi. Barcha ishni, hisob-kitoblarni texnologiyalarning o'zi amalga oshiradi.

Barcha kombinatsiyalarni, xizmatlarni IT texnologiyalari bajaradi, lekin bu texnologiyaning barcha ishlari to'g'ri bajarildi, unga to'liq ishonish kerak degani emas. IT texnologiyalar ham ba'zi hollarda xatoliklarga yo'l qo'yadi. Bu xatolar nosozliklar yoki inson omili natijasida yuzaga kelishi mumkin. Shuning uchun ham ularni nazorat qilish, boshqarish zarur.

IT texnologiyalari barcha ishni bajargani bilan, ularga ma'lumotlarni kiritish, ularni qayta ishlash inson qo'lida. Inson qanday ma'lumot joylasa ham texnologiyalar o'sha ma'lumotlarni uzataveradi, insonday o'ylay olmaydi. Agarda noto'g'ri ma'lumot joylansa, barcha ma'lumotlarga va ko'rsatilayotgan xizmatlarga bu katta ta'sir ko'rsatishi mumkin. Xuddi shunday ishlarni nazorat qilish, muhim qarorlar chiqarish menejerga yuklatiladi. Buning uchun kuchli mutaxassis talab qilinadi. Menejer o'z navbatida o'z kasbining ustasi, tezkor qaror chiqara oluvchi, oldinni ko'ra oluvchi bo'lishligi zarur, vaziyatlarga moslasha olishi zarur. Kelajakda juda ko'plab kasblar o'rnini AKTlar egallaydi, ammo o'sha paytda ham menejerlar zarur. Nima uchun deganda, raqamli texnologiyalar, robototexnologiyalar menejer kabi qarorlar chiqara olmaydi, vaziyatga moslasha olmaydi. Menejerlar doimo, har zamonda zarurdir. Bu esa menejment tarmog'i ko'lamini kengaytirishni, ko'proq darajada yetuk menejerlarni ishlab chiqarishni taqozo etadi. Bundan ko'rinib turibdiki, raqamli iqtisodiyot tizimining ajralmas bo'g'inlaridan biri – bu menejment.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida tovarlar va xizmatlarning rivojlanishida, ularning iste'molga yetkazilishida va foydalanilishida rol o'ynovchi omil - bu IT texnologiyalar va albatta marketing. Bu sharoitda marketing ham juda dolzarb hisoblanadi. Chunki barcha ishlab chiqaruvchilar va xizmat ko'rsatuvchilar o'z

xizmatlari va mahsulotlari uchun iste'molchi topish maqsadida marketingdan foydalanadilar. Chunki bir mahsulotni iste'molchiga taqdim etish uchun marketing, ya'ni iste'molchiga ta'sir kerak, reklama kerak, mahsulotni tanitish kerak.

Hozirgi kunda internet rivojlanib ketgani bois, dunyo aholisining 90-95%i televizor – radio yoki bannerlar orqali emas, ijtimoiy tarmoqlar orqali yangi Tovar va mahsulotlar haqida ma'lumot olmoqdalar, bunga sabab aholining juda ko'p qismi internetdan foydalanganligi, ijtimoiy tarmoqlar hamyonbopligi va ta'sir doirasining kuchliligi boisdur. Ijtimoiy tarmoqlar orqali iste'molchiga ta'sir o'tkazish juda oson va natijadordir.

Agarda raqamli iqtisodiyot tizimida marketing ishlamas, bu turli xil yo'qotishlarga olib keladi. Tasavvur qilaylik, agarda bu tizimda marketing ishlamas qanday bo'ladi? Ishlab chiqaruvchilar va xizmat ko'rsatuvchilar o'z mahsulot va xizmatlarini taqdim eta olmaydilar, iste'molchilar esa ulardan foydalana olmaydilar. Buning ortidan davlatlar ham ziyon ko'radilar. Bu holatda qo'pol qilib aytganda, bu tizimning messenjerdan farqi qolmaydi.

Raqamli iqtisodiyotning ham asl maqsadi, aholiga, davlatga, ishlab chiqaruvchi va xizmat ko'rsatuvchilarga qulayliklar yaratish, ular bilan o'zaro raqamli texnologiyalar asosida axborot ayirboshlash, barcha xizmatlarni raqamli texnologiyalar asosida amalga oshirish ekanligidan kelib chiqib xulosa qilishimiz mumkinki, raqamli iqtisodiyotning o'zi ham qaysidir ma'noda marketingning bir bo'g'ini, marketing to'plamidir. Marketing Tovar va xizmatlar iste'moli kalitidir. Bu tizim uchun marketing juda dolzarbdir!!!

## **KORXONALARDA ISHLAB CHIQRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILLARI.**

*TMI katta o'qituvchisi Sobirjonov S  
TMI talabasi G'oyibova Sh*

Har qanday ishlab chiqaruvchi korxonalar yoki firma ishlab chiqarish jarayoniga turli yo'llar bilan ta'sir o'tkazish orqali ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga intiladi. Ushbu usullar ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga ta'sir qiluvchi omillar deb olishimiz mumkin.

Ayniqsa, hozirgi paytda bu masala yanada keskin qo'yilmoqda. Buning sababi shundaki, ishlab chiqarish samaradorligini oshirmasdan turib mamlakatimiz oldida turgan muhim masala mustaqil iqtisodiy taraqqiyotni jadallashtirish vazifasini amalga oshirib bo'lmaydi. Samaradorlikning iqtisodiy mazmuni sifatida har doim ishlab chiqarishning pirovard natijasi bilan unga avanslangan resurslar, mablag'lar yoki qilingan xarajatlar o'rtasidagi nisbat tushuniladi. Korxonaning ishlab chiqarish samaradorligini oshirishning bir qancha yo'llari va omillari mavjud bo'ib, bularga quyidagilarni misol qilib keltirishimiz mumkin.

Ishlab chiqarish samaradorligining eng muhim ko'rsatkichlari:

Sifatli mahsulotlar ishlab chiqarish hajmining kengayishi

- mahsulot sifatini oshirish;
- uning ijtimoiy ehtiyojlariga muvofiqligi,

- mehnat unumdorligi.

Mehnat unumdorligini oshirish ishchilarning malakasi, ularning tajribasi va ishlab chiqarishni tashkil etish darajasiga bog'liq. Korxonada faoliyati samaradorligini oshirishning yana bir muhim omillaridan biri bu korxonaning raqobatbardoshligini oshirish. Assortimentini kengaytirish, ya'ni qo'shimcha yangi mahsulot ishlab chiqarish va bir mahsulotni boshqa mahsulotni ishlab chiqarishni kamaytirmasdan ishlab chiqarish ish samaradorligini oshiradi

Korxonada samaradorligi dastlab texnologiya bilan ham bog'liq. Pul mablag'larini qayta taqsimlash va ulardan foydalanib asbob-uskunalar bazasini yangilash.

- ishlab chiqarish quvvatlarini yanada to'liq ishlatish hisobiga ishlab chiqarish hajmining o'sishi;

- mehnat unumdorligining oshishi, ham moddiy resurslar va asosiy fondlardan foydalanish chiqindilar va ishlab chiqarishdagi nuqsonlarning kamayishi hisobiga ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirilishi;

- o'rtacha sotish narxlarining o'sishi.

Tovar ishlab chiqarish hajmining ko'payishiga ta'sir qiluvchi omillar bu:

- mehnat va moddiy resurslardan, shuningdek mehnat qurollaridan yanada samarali foydalanish hisobiga ishlab chiqarish hajmini to'g'ridan-to'g'ri oshirish;

- tugallanmagan ishlab chiqarish tovar ayirboshlash hajmini pasaytirish.

Ishlab chiqarish xarajatlari miqdorining pasayishiga olib keladigan omillar:

- mehnat unumdorligini oshirish, qo'shimcha ish o'rinlari yaratish, ishchilarni ma'naviy va moddiy rag'batlantirish, ko'p smenali ish rejimiga o'tish va ish vaqtining yo'qolishini kamaytirish hisobiga mehnat resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish;

- xom ashyo va materiallarning chiqindilarini kamaytirish, ishlov beriladigan qismlarni qayta ishlashning yanada samarali usullarini ishlab chiqish, shuningdek har bir mahsulot uchun xom ashyo va materiallarning sarflanish ko'rsatkichlarini pasaytirish hisobiga moddiy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish;

- mashina va uskunalarning ish vaqti fondidan yanada samarali foydalanish (shu jumladan bir necha smenada ishlash rejimiga o'tish orqali), asosiy vositalardan foydalanish samaradorligini oshirish, uskunalarning birligining ishlab chiqarish hajmini ko'paytirish, jihozlarni profilaktik tekshirish va ta'mirlash samaradorligini oshirish, shuningdek yangilarini sotib olish, yanada zamonaviy texnika va uskunalari.

Ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning o'rtacha sotish narxlarining oshishiga sabab bo'lgan omillar quyidagilardir:

- ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar sifatini oshirish;
- mahsulotlarni sotish uchun eng samarali bozorlarni, shu jumladan raqobati kam bo'lgan bozorlarni izlash;
- yanada samarali reklama kampaniyasini ishlab chiqish;
- mahsulotni sotish hajmlari va muddatlarini optimallashtirish.

Ishlab chiqarish samaradorligi darajasi ham intensiv, ham ekstensiv omillar ta'siri bilan belgilanadi. Intensiv tarkibiga ishlab chiqarish elementlari sifatini yaxshilashni belgilaydigan narsa kiradi - mavjud ishlab chiqarish vositalariga

nisbatan ishlab chiqarish jarayonining ancha rivojlangan elementlaridan foydalanish, mahsulot ishlab chiqarishda ularning o'zaro ta'sirini yaxshilash.

Intensiv omillarga quyidagilar kiradi: eskirgan uskunalarni zamonaviyroq uskunar bilan almashtirish, mehnat qurollarini rekonstruksiya qilish, jihozlarni modernizatsiya qilish, ishlab chiqarish jarayonlarini kompleks mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish, xomashyo, materiallar, yoqilg'i, energiyaning ilg'or turlaridan foydalanish, ishchilar malakasini oshirish va ijtimoiy chora-tadbirlar orqali mehnat unumdorligi, texnologiyani takomillashtirish. ishlab chiqarish, progressiv texnologik jarayonlarni joriy etish, ish joylariga xizmat ko'rsatish tizimini takomillashtirish, xom ashyo va materiallarni saqlash va tashishni takomillashtirish, ularni iste'mol qilishning ilmiy asoslangan me'yorlarini joriy etish, mehnatni ilmiy tashkil qilishni joriy etish, boshqaruvning tashkiliy tuzilmasini takomillashtirish, boshqaruv apparati tomonidan bajariladigan funktsiyalar va boshqaruv usullari. Ilmiy-texnik taraqqiyotning ishlab chiqarishga ta'siri intensiv omillarda namoyon bo'ladi.

Korxonaning ekstensiv rivojlanishi bu ishlab chiqarish omillarining o'zlarining oddiy miqdoriy kengayishi hisobiga ishlab chiqarishning ko'payishi, ya'ni malaka oshirmasdan ishchilar sonining ko'payishi, ulardan foydalanish samaradorligini oshirmasdan moddiy resurslar iste'molining ko'payishi, texnologiyalarni takomillashtirmasdan kapital qo'yilmalarni ko'payishi.

“O‘zingiz tasavvur qiling, oddiy qora tuproqdan, temirdan yoki yog‘och parchasidan noyob va chiroyli buyumlar yaratish uchun ularga nafaqat "jon va til" berish uchun nafaqat qo‘l mehnati, balki qalb iliqligi ham zarur. Buning uchun nozik did va mahorat, sabr-toqat, eng muhimi, o‘z kasbiga cheksiz sevgi va sadoqat, fidoyilik talab etiladi”, deya takidladi muxtaram prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev.<sup>154</sup>

Chindan ham har bir hodim qayerda ishlashidan, lavozimidan qat'iy nazar o'z ishini sidqidildan bajarsa nafaq korxonaga manfaati, balki yurtimiz ravnaqi uchun ham katta hissa qo'shgan bo'ladi.

## **ISHLAB CHIQRISH KORXONALARIGA SOLIQ HISOBOTINI SHAKLLANTIRISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI**

*Asqarova Dilrabo Ulug‘bek qizi - Toshkent Moliya Instituti magistranti,*

So‘nggi yillarda mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy hayotning ko‘plab sohalarida keng ko‘lamli islohotlar olib borilmoqda. Xususan, iqtisodiy globallashtirish sharoitida jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuv jarayonini qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan qator muhim chora-tadbirlar amalga oshirildi. Bu borada davlatning soliq siyosatini takomillashtirish katta ahamiyatga ega bo‘lib, iqtisodiyotni liberallashtirishga qaratilgan islohotlar respublikamizning soliq tizimida ham o‘z aksini topdi.

---

<sup>154</sup> [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи \(president.uz\)](http://president.uz)

Shuni ta'kidlash lozimki, 2019-yil 19-dekabrda O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tasdiqlangan yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksining qabul qilinishi bu borada ulkan qadam bo'ldi. Yangi tahrirdagi soliq kodeksining qabul qilinishi natijasida mamlakatimiz iqtisodiyotining turli sohalarini jahon standartlariga muvofiqlashtirishga qaratilgan masalalar o'z yechimini topdi. Bu orqali, soliq siyosatini erkinlashtirish mamlakatimiz rivojlanishining muhim ustuvor yo'nalishi sifatida belgilandi. Yangi soliq kodeksiga muvofiq, mamlakatimizdagi tadbirkorlik sub'ektlariga soliq to'lovlari bo'yicha qator yengilliklar yaratilgan bo'lib, xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning zimmasidagi soliq yuki yildan-yilga kamayib, uning natijasida iqtisodiy barqarorlikka va o'sishga erishishi ko'zda tutilgan.

Mamlakatimizda xo'jalik yurituvchi sub'ektlarga soliq solish ob'ektlari O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksiga asosan, mol-mulk, harakat, harakat natijasi yoki qiymat, miqdoriy yoki fizik xususiyatga ega bo'lgan boshqa holatlar bo'lib hisoblanadi. Soliq solish ob'ekti mavjud bo'lganda soliq to'g'risidagi qonun hujjatlari soliq to'lovchining zimmasida tegishli ob'ekt bo'yicha soliq majburiyatlarini yuzaga keltiradi<sup>155</sup>.

Respublikamizda ishlab chiqarish faoliyati bilan shug'ullanuvchi har bir xo'jalik yurituvchi sub'ekt o'zining mulkchilik shaklidan qat'iy nazar O'zbekiston Respublikasi soliq kodeksi va boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan soliq turlari bo'yicha hisob yuritadi hamda belgilangan soliq hisoboti shakllarini tuzadi. Ushbu soliq hisoboti shakllari O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi bilan kelishilgan holda tasdiqlanadi.

Soliq kodeksiga muvofiq soliq to'lovchilarning har bir soliq turi yoki to'langan daromadlar hisob-kitoblarni va soliq deklaratsiyalarni, shuningdek, hisob-kitoblarga hamda soliq deklaratsiyalariga doir ilovalarni o'z ichiga oladigan, soliq to'lovchilarning va soliq agentlarining soliq majburiyatlarini aniqlash uchun asos bo'lib xizmat qiladigan hujjatlari soliq hisoboti bo'lib sanaladi.

Ishlab chiqarish korxonalarini tomonidan ko'zda tutilgan soliq turlari bo'yicha soliq hisobini yuritish, soliq hisobotlarini shakllantirish hamda tuzish tartiblari, ushbu soliq hisobotlarini soliq organlariga taqdim etish tartibi, soliq majburiyatlarini to'lash davri, shuningdek, tuzilgan va taqdim etilgan soliq hisobotlariga o'zgartirish kiritish, soliq hisobotlarini saqlash muddatlari O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksida batafsil keltirib o'tilgan.

Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar (yuridik yoki jismoniy shaxs) ishlab chiqarish yoki boshqa faoliyat turlari bilan shug'ullanishidan qat'iy nazar barcha soliq turlari bo'yicha hisobot taqdim etmaydilar, ular faqat qonunda ko'zda tutilgan belgilangan soliq turlari bo'yicha hisobot tuzadi hamda soliq organlariga taqdim etadilar. Yangi tahrirdagi soliq kodeksiga ko'ra, soliq hisobotini soliq organlariga shaxs faqat soliq to'lovchi deb e'tirof etiladigan soliqlar turlari bo'yicha taqdim etishlari nazarda tutilgan. Respublikamizda o'z faoliyat turi bo'yicha soliq

---

<sup>155</sup> O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi

to'lovchi bo'lib hisoblanadigan soliq sub'ektlari tegishli hisobot davri uchun soliq hisobotini quyidagi tartibda tuzadilar hamda taqdim etadilar:

- soliq hisoboti sub'ekt soliq to'lovchi sifatida hisobga olingan joydagi soliq organlariga taqdim etiladi;

- ushbu soliq hisobotlari qonun hujjatlarida belgilangan shaklda: qog'oz yoki elektron shaklda taqdim etiladi;

- soliq hisobotlari unga doir ilova qilinishi lozim bo'lgan hujjatlar bilan birga taqdim etiladi;

- O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksiga muvofiq soliq to'lovchi soliq hisobotiga ilova qilinishi lozim bo'lgan hujjatlarni elektron shaklda taqdim etishga haqlidir;

- yirik soliq to'lovchilari hisoblanadigan xo'jalik yurituvchi sub'ektlar, joylashgan yeridan qat'iy nazar, soliq hisobotini yirik soliq to'lovchilar bo'yicha hududlararo davlat soliq inspeksiyasiga taqdim qiladilar;

- yuridik shaxs hisoblangan soliq to'lovchilar hamda yakka tartibdagi tadbirkorlar soliq hisobotini o'zi hisobga olingan joydagi soliq organlariga belgilangan shakllar bo'yicha elektron hujjat shaklida taqdim etadilar;

- soliq hisoboti me'yoriy-huquqiy hujjatlarda nazarda tutilganidek, soliq to'lovchi tomonidan shaxsan yoki o'zining vakili orqali soliq organiga taqdim etilishi yoki pochta orqali jo'natma tarzida joylanmalar ro'yxati bilan yuborilishi mumkin;

- soliq hisobotining shakllari (blankalari) soliq organlari tomonidan bepul taqdim etiladi.

Shuningdek, soliq to'lovchining nomidan soliq maslahatchilari tashkilotlari soliq hisobotlarini soliq to'lovchining shaxsiy kabineti orqali elektron hujjat tarzida taqdim etishi ham mumkin. Soliq hisobotlari soliq to'lovchining identifikatsiya raqami ko'rsatilgan holda taqdim etiladi. Soliq to'lovchi yoki uning vakolatli vakili soliq hisobotida ko'rsatilgan ma'lumotlarning to'g'riligini hamda to'liqligini tasdiqlab, imzolaydilar. Ta'kidlash kerakki, agar soliq hisobotida ko'rsatilgan ma'lumotlarning to'g'riligi va to'liqligini soliq to'lovchining vakolatli vakili tasdiqlasa, soliq hisobotida bu haqda tegishli belgi qo'yiladi, bunday holatda soliq hisobotiga ushbu vakilning hisobotni imzolashga bo'lgan vakolatini tasdiqlovchi hujjatning ko'chirma nusxasi ham ilova qilinadi.

Barcha soliq to'lovchilari qatorida ishlab chiqarish faoliyati bilan shug'ullanuvchi xo'jalik yurituvchi sub'ektlar ham soliq hisobotini soliq to'lovchisidagi qonun hujjatlarida belgilangan muddatlarda, ushbu muddatlardan kechikmagan holda soliq organlariga taqdim etishlari kerak.

Xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning faoliyati, moliyaviy hamda xo'jalik operatsiyalarini o'z vaqtida va uzlusiz hisobga olishi, buxgalteriya hisobini to'g'ri yuritishi, soliq hisobini to'g'ri shakllantirishi buxgalteriya va soliq hisobotlarini tuzishda va taqdim etishda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan turli xato hamda kamchiliklardan holi bo'lishida muhim ahamiyatga egadir. Chunki, qonun hujjatlarida belgilanganidek, soliq hisobotlarida ko'ratilgan ma'lumotlarning



to'g'riligi uchun javobgarlik soliq agentining yoki shaxsan soliq to'lovchining zimmasiga yuklatiladi.

Korxonalar rahbari sub'ektning buxgalteriya hisobi hamda soliq hisobini to'g'ri yuritilishiga, shuningdek moliyaviy hisobotlar va soliq hisobotlarining to'g'ri taqdim etilishiga, undagi mavjud ma'lumotlarning ishonchliligiga mas'ul bo'lib hisoblanadi. Soliq to'lovchi tomonidan ilgari taqdim etilgan soliq hisobotida hisoblab chiqarilgan soliq summasining o'zgarishiga (ko'payishi yoki kamayishiga) olib keluvchi noto'g'ri yoki to'liq bo'lmagan ma'lumotlar va xatolar aniqlangan taqdirda, soliq to'lovchi mazkur soliq hisobotiga tegishli tuzatishlarni kiritishi hamda soliq organiga aniqlashtirilgan soliq hisobotini taqdim etishi lozim.

So'ngi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy hamda ijtimoiy sohadagi islohotlar natijasi o'laroq, tadbirorlik sub'ektlariga buxgalteriya va soliq hisobini yuritish, moliyaviy hamda soliq hisobotlarini taqdim etish borasida ancha qulay hamda samarali imkoniyatlarni yaratilishiga zamin bo'ldi. Shuningdek, asosan ishlab chiqarish korxonalariga nisbatan berilayotgan soliq imtiyozlari, soliq va bojxona tizimlarida yaratib berilayotgan yengilliklar ularning o'z faoliyat doirasini kengaytirishiga, mahsulot ishlab chiqarish hajmining oshishiga, bu bilan esa ichki bozorning milliy mahsulotlar bilan to'yinishiga olib keladi. Korxonalarda ishlab chiqarish hajmi oshishi, o'z navbatida, mamlakatimiz yalpi milliy mahsuloti hajmining oshishidagi hissasi, eksport salohiyatining kengayishidagi o'rni kattadir.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХАТЛАР**

*ТМИ “Молия” кафедраси доцент в.б.(PhD) А.Хайдаров*

Сўнги йилларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида молиялаш, барқарор даромадларни таъминлаш, шунингдек, янги ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда, барча таркибий бўлинмалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш Пенсия жамғармаси фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сонли қарорига мувофиқ давлат пенсия таъминоти тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситалари жорий этилди.

Пенсия ва нафақаларни ҳисобга олиш, тайинлаш ҳамда тўлашни ташкил этиш, замонавий инновацион дастурий маҳсулотларидан фойдаланиш орқали Пенсия жамғармасининг барча таркибий бўлинмалари ўртасида самарали электрон ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. “Пенсия” дастурий мажмуи шулардан биридир. Айни вақтда барча пенсионерлар ва нафақа олувчилар ҳақидаги шахсий маълумотлар шакллантирилган ягона электрон маълумотлар базасини ўз

ичига олган, пенсияларни тайинлаш ҳамда тўлаш жорий этилган ахборот тизими орқали амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда ҳам, жумладан, АҚШда пенсия тизимини бошқариш, пенсия имтиёзларини белгилаш, пенсия тизимида инвестицияларни бошқариш ва бошқалар махсус компьютер дастурлари асосида амалга оширилади<sup>156</sup>

Жаҳон амалиёти тасдиқлашича, пенсия таъминоти масаласи ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. “Турли пенсия тизимларининг шаклланиши ва тараққиётининг жаҳон тажрибаси кўрсатишича” , пенсия таъминоти у ёки бу даражада мажбурий пенсия суғуртаси тамойилларига асосланади.

Бундай ёндашув мажбурий пенсия суғуртасининг турли аҳоли қатлами манфаатларига мос келиши билан изоҳланади. “Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди тавсияларида”<sup>157</sup> пенсия тизимлари уч даражали пенсия тизимларига таснифланган бўлиб, улардан иккитаси мажбурий пенсия суғуртасидан, қолгани эса кексалик даврида кўпроқ моддий ҳимоядан манфаатдор суғурталанувчилар учун ихтиёрий жамғармаларни индивидуал ҳисобга олиш тизимидан иборат.

Албатта, ушбу тавсиялар асосида пенсия тизими даражалари мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият, солиқ ва молия тизими, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва меҳнат бозори ҳолатига мувофиқ равишда ташкил этилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда пенсия таъминоти тизимида ислохотларнинг амалга оширилиши, асосан, демографик омиллар билан боғлиқ бўлди. Халқаро Валюта Фондининг прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб, саноати ривожланган барча мамлакатларда пенсия ёшидаги аҳоли улушининг ўсиб бориши кузатилади, яъни пенсионерлар улуши ўртача 2 баробарга ортади. “Япония, Италия ва Германияда 2050 йилга бориб, пенсионерлар улуши бир мунча юқори бўлади” .

Жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасида 2021 йилдан янги тизим яратиш режасида уч босқичли пенсия тизимига ўтиш, минимал пенсия миқдорларини босқичма-босқич ошириб бориш, минимал иш стажини бажарган фуқароларга кафолатланган пенсия миқдорини таъминлаб бериш, пенсия ҳисоблашда инобатга олинадиган даромаднинг юқори чегарасини босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда пенсия концепциясини яратишда кутилаётган ўзгаришлардан бири: 3 босқичли пенсия тизимига ўтишни мақсад қилиб, минимал пенсия миқдорларини ҳам босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилган.

2020 йил 1 сентябр ҳолатига кўра, пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори 262 минг 470 сўм этиб белгиланган. Ушбу сумма пенсиялар,

---

<sup>156</sup> Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition . USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 29; 85; 111.

<sup>157</sup> Вахабов А.В. вабошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Тошкент, “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2018. – Б. 27.

устамалар, қўшимча тўловлар ва пенсия таъминоти соҳасидаги, шунингдек, меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг майиб бўлиши, касб касалликларига чалиниши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда зарарни қоплаш учун компенсацияларни ҳисоблашда қўлланилади.

- Бугунги кунда минимал иш стажини бажарган фуқароларга кафолатланган пенсия миқдорини таъминлаб бериш масаласи ўрганилмоқда.

- Пенсия тизимидаги яна бир ўзгариш – пенсия ҳисоблашда инобатга олинадиган даромаднинг юқори чегарасини босқичма-босқич ошириб бориш. Бунда ҳозирги кунда юқори чегара 10 та минимал иш ҳақи қилиб белгиланган;

- меҳнат дафтарчаларини рақамлаштириш билан биргаликда пенсия ажратмалари ва бандликни ҳисобга олиш тизимларини модернизация қилиш ҳамда пенсия тизими барқарорлигининг ўрта ва узоқ муддатли прогнозини ишлаб чиқиш механизми такомиллаштирилган.

- бундан ташқари, иш стажи талабларини бажарган фуқароларга муддатдан олдин пенсияга чиқиш масаласи ҳам ислохатларнинг асоси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, пенсия таъминоти тизимида ахборот коммуникация технологияларининг фаол жорий этилиши пенсия ва нафақаларнинг тўғри ва аниқ ҳисоб-китоб қилинишини, ўзаро ахборот алмашинувининг тезкорлиги ва шаффофлигини, пенсия ва нафақа олувчи фуқароларга катта қулайликлар яратилишини таъминлайди.

## **ИҚТИСОДИЁТНИ МОНЕТАР СИЁСАТ ИНСТРУМЕНТЛАРИ ЁРДАМИДА ТАРТИБЛАШТИРИШНИНГ САМАРАСINI ОШИРИШ**

***Ф.Қодиров, ТМИ докторанти***

Докладда миллий иқтисодиётни монетар сиёсат инструментлари ёрдамида тартиблаштириш муаммоси ва унда замонавий эконометрик усуллардан фойдаланиш ва монетар сиёсат самарасини ошириш орқали истиқболда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш йўллари тадқиқ этилган.

Иқтисодиётни монетар сиёсат инструментлари ёрдамида тартиблаштиришнинг назарий ва услубий асослари кўпгина олимлар томонидан эконометрик моделларни қўллаш орқали тадқиқ этишган олимларни келтириш мумкин. Улар *Chukwi, J.O. and Agu, C.C., (2009) лар[1] молиявий кўрсаткичлар билан иқтисодий ўсиш, А.Исмоилов Ўзбекистонда[2] монетар тизим барқарорлигини, Odhiambo, N.M., (2009) Кенияда[3] молия ва иқтисодий ўсиш алоқадорлигини, Precious, Ch. and Palesa, M.K., (2014) Жанубий Африкада[4], Sturgill, B., (2014). ривожланган мамлакатларда[5] монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсишига таъсирини, Т.Шодиев ва У.Аминжоновлар Ўзбекистонда[6] монетар сиёсат ва иқтисодий ўсиш алоқадорлигини ўрганишган. Юқоридаги олимлар натижалари турлича, баъзан қарама қарши бўлган хулосалар олишган. Бу*

*эса мавзунинг мураккаблиги ва унинг тадқиқотларини давом эттиришини тақозо этади.*

Монетар сиёсатнинг моҳияти ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини, бандлик ва баҳолар даражасини барқарорлаштириш мақсадида пул таклифини муқобиллаштиришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда пул-кредит сиёсати ишлаб чиқариш даражаси пасаётган пайтда харажатларни рағбатлантириш мақсадида пул таклифини кенгайтириш, юқори инфляция шароитида эса аксинча харажатларни чеклаш мақсадида пул таклифини кискартиришга қаратилган. Банк бошқарувида унинг ликвидлилиги ва даромадлигининг оптимал даражада бўлишини таъминлаш, кредит қўйилмалари таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоғини ошириш, активлар тузилишини такомиллаштириб бериш, пул оқимлари, кредитга мижозларнинг лаёқатлилиги даражаси, ликвидлилиги, асосий молиявий натижалари устидан тезкор кузатувни ташкил қилиш услубиятини шакллантириш талаб этилади.

Халқаро амалиётда банкларни бошқаришга оид бир неча ёндашув ва талаблар қабул қилинган бўлиб, улар республика тижорат банклари томонидан кенг қўлланмоқда. Бу соҳада банк назорати бўйича Базель қўмитаси фаолиятини алоҳида таъкидлаш зарур. У жаҳонда банклар фаолиятини мувофиқлаштириш имконини берувчи ягона стандартларни ишлаб чиқади.

2000 – 2019 йиллар маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, кузатилаётган даврда пул таклифи ўсиш суръатлари иқтисодий ўсиш суръатларидан паст даражада бўлган, икки кўрсаткич орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд. Илмий тадқиқотни чуқурлаштириш ва натижавий кўрсаткич (реал ЯИМ) билан унга таъсир этувчи омиллар (пул таклифи M2, истеъмол товарлари нарх индекси CPI, давлат харажатлари Gov) қай даражада боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик моделлар туздик.

Моделларни таҳлил этиш ва улар асосида муқобил қарорлар қабул қилиш мумкинлиги гипотезаси тасдиқланди. Чизикли (1) модель натижаларига кўра пул таклифи билан иқтисодий ўсиш орасидаги боғлиқнинг зичлиги юқори (88%) ва пул таклифини бир бирликка ошириш иқтисодий ўсиш суръатини 2,2 бирликка оширади; Логарифмик чизикли (2) моделда пул таклифини бир фоизга оширганда бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда иқтисодий ўсиш суръати 0,5 фоизга ортади; Икки омилли (3 ва 4) чизикли моделларда пул таклифининг иқтисодий ўсишга таъсири товар ва хизматлар бозоридаги истеъмол нархлари индекси ва инвестициялар оқимининг ортиши орқали таъсир кўрсатишини тасвирлайди. Шунинг учун пул таклифининг иқтисодий ўсишга таъсири нархлар индексини (инфляцияни) назорат қилиш ва инвестицияларни муқобиллаштириш орқали амалга ошади; Икки омилли логарифмик чизикли (5) моделда пул таклифи давлат харажатларини муқобиллаштириш орқали самара беришини кўрсатади.

Монетар сиёсатни амалга оширишда банк бошқаруви ва самарадорлигини ошириш, хизматлар турини ривожлантиришда ҳар томонлама асосланган ва чет элларда кенг қўлланиладиган стратегияни олиб бораётган корхона устунликка эришишнинг асосий усулидир. Банк стратегияси банк операциялари ва фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган миссия, узоқни кўра билиш, мақсад ва вазифаларни, бозорда фаолият олиб бориш чора ва тадбирларни, амалга ошираётган ишларнинг мониторинги ва натижалар назоратини қамраб олади.

Тижорат банкларида бошқариш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда банкларнинг актив ва пассивларини бошқариш, рақобат юритиш стратегияларида молиявий имкониятлар, кадрлар салохиятини баҳолаш, банк филиаллари ва микробўлинмаларини худудий жойлашуви, мижозларнинг таркибий тузилиши, хатти-ҳаракатини ўрганиш, банк тизимини ривожлантиришга оид ҳукумат дастурларини билиш зарур.

Ўзбекистонда пул таклифи ва иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатдаги алоқадорлиги (мувезонати) давлат харажатлари ва нарх даражаси назорат қилинган ҳолда ҳам тадқиқотда аниқланди. Ўзбекистонда монетар сиёсатда “Пул таклифи етакчилиги” гипотезаси тасдиқланди: Пул таклифи реал ЯИМ нинг ортишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда монетар сиёсатни оқилона олиб борилиши пул таклифининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1.Chukwu, J.O. and Agu, C.C., (2009). Multivariate causality between financial depth and economic growth in Nigeria. *African Review of Money Finance and Banking*, **2009**, pp. 7-21

Gujarati, D. and Sangeetha, (2007). *Basic Econometrics*. 4ed.Tata McGraw Hill

2.Ismailov, A., (2013). Maintenance of the monetary system stability in Uzbekistan. *European Journal of Business and Economics*,**8** (3)

3.Odhiambo, N.M., (2009). Finance-growth nexus and inflation dynamics in Kenya: an empirical investigation. *Savings and Development*, **33**(1)

4.Precious, Ch. and Palesa, M.K., (2014). Impact of monetary policy on economic growth: a case study of South Africa. *Mediterranean Journal of Social Sciences*,**5** (15)

5.Sturgill, B., (2014). Money growth and economic growth in developed nations: an empirical analysis. *Journal of Applied Business and Economics*,**16** (4)

6.Shodiev,T.,Aminjonov,U., *Monetary policy and economic growth nexus: Evidence from Uzbekistan. Inclusive and sustainable economic growth: current issues. WIUT conference proceedings.WIUT, 2016*

## KORXONALARDA PERSONALNI BOSHQARISH TIZIMINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*Jo‘rayev Ilhom, TDIU magistranti*

Amaliyotda usullar tizimini to‘g‘ri qo‘llash boshqarish tamoyillariga bog‘liq bo‘ladi. Chunki usullar har doim boshqarish tamoyillar tomonidan belgilangan qoida, nizom asosida qo‘llaniladi. Bozor tamoyillari xo‘jalik rahbarlaridan tashabbuskorlik, korxonada faoliyati masalalari bo‘yicha yuqori natijalarga erishish maqsadida qayishqoqlik, tavakkalchilikni talab etadi.

Muvaffaqiyatga intiluvchi rahbar ana shu regulyator va omillarga asoslanib o‘z ishonchi bilan boshqalarga yetakchi bo‘lib, ular orqali xizmat ko‘rsatadigan mijozlarni g‘alabaga ishontiradi, atrofiga istiqbolli xodimlarni yig‘ib, ularning hurmatini qozonadi, qo‘l ostidagilarni sevadi, ularning muammosini o‘zining muammosi deb tushunadi, ishni yuqori darajada bajarishga tadbirkorlik bilan kirishadi. Boshqarishni iqtisodiy usullarining hozirgi paytdagi o‘zgarish omillaridan eng asosiysi boshqarishni ilk chiziqli shaklidan gorizontallik shakliga o‘tish hisoblanadi. Bunda boshqarish ob‘ektiga ta‘sir nafaqat yuqori boshqarish organlari tomonidan, balki korxonada bilan bog‘langan mijozlar, iste‘molchilar tomonidan amalga oshiriladi. Bunday ta‘sir qilish usullari o‘z ifodasini o‘zaro majburiyatlar, bitimlar va shartnomalarda topadi. Iqtisodiy usullarning harakati sharoitida pastki bo‘g‘inlarga markazlashgan ta‘sir ko‘rsatish susayadi.

Iqtisodiyotning pastki bo‘g‘inlari mustaqil ravishda qarorlar qabul qilishi uchun katta huquq va imkoniyatlarga ega bo‘ladi. Korxonada va xo‘jaliklarning o‘z-o‘zini boshqarishga o‘tishi amalga oshiriladi. Boshqarishning, xususan, mehnat samaradorligini boshqarishning ishlab chiqarish iqtisodiy maqsadi eng kam jonli va buyumlashgan mehnat xarajatlari sarflangan holda shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarni to‘laroq qondirish uchun zarur mahsulot chiqarish bilan belgilanadi.

1. Ijtimoiy-iqtisodiy maqsad mehnat jarayonining amal qilish uchun ijobiy ishlab chiqarish va ijtimoiy-madaniy shart-sharoitlarni yaratish bilan belgilanadi.

2. Mehnat samaradorligini boshqarish maqsadlariga erishish vositalari nafaqat kishilar foydali mehnat faoliyatining ishlab chiqarish iqtisodiy, ijtimoiy-iqtisodiy va ijtimoiy-siyosiy natijalari amalga oshirish, balki natijalarga nominal mehnat va vaqt xarajatlari yordamida erishishni ta‘minlash kerak.

3. Mehnat samaradorligini boshqarishning yana bir prinsipini bu moddiy va ma‘naviy rag‘batlantirishning optimal birligi prinsipidir. Bu prinsipni amalga oshirishda xo‘jalik hisobini boshqaruvning barcha darajalarida joriy etish muhim ahamiyatga ega. Bunda xodimlarni moddiy rag‘batlantirish bilan birga yuqori samarali mehnatni ma‘naviy rag‘batlantirish ham muhim rol o‘ynaydi.

4. Boshqaruvga aniq holatni, sharoit-tahlilini hisobga olish prinsipi muhim o‘ringa ega. Bu prinsipning o‘ziga xos xususiyati shundaki, iqtisodiy holatni to‘g‘ri baholay bilish, to‘g‘ri qaror qabul qilish va xulosa chiqarish kerak bo‘ladi.

5. Mehnat samaradorligini boshqarishni optimal tashkil etish maqsadida birinchi navbatda «mehnat salohiyati» tushunchasini ilmiy asoslash kerak, undan keyin esa bu maksimal yuqori koeffitsientini ta‘minlash kerak.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonalarida personalni boshqarishda iqtisodiy usullarning qo'llanilishi mehnat unumdorligini oshishida *muhim ahamiyat kasb etmoqda* va o'zining ijobiy samaralarini bermoqda. *Menejment usullari tizimida iqtisodiy usullar yetakchi o'rinni egallaganligi sababli, personalga qo'llashning ahamiyatli tomoni shundaki, xodimlar va ishlab chiqarish jamoasiga ularning manfaatli bo'lishini ta'minlovchi iqtisodiy sharoit yaratilishidir. Bozor iqtisodiyoti ma'muriy-buyruqbozlik tizimiga nisbatan qarama-qarshi tizim bo'lib, narx, soliq, kredit va ish haqi vositasida o'zgarishini qat'iy tartibga solmay, barqarorlikka erishib bo'lmaydi. Iqtisodiy usullar iqtisodiy ta'sir vositalari yig'indisidan (narx, kredit, biznes-reja, foyda, soliqlar, ish haqi, iqtisodiy rag'batlantirish va h.k.), ya'ni xo'jalik faoliyatiga ta'sir etishning har bir jamoa mos xo'jalik bo'g'ini bilan uzviy aloqada amal qilishini ta'minlovchi tadbirlardan iboratdir.* Korxonalar, aksioner jamiyatlari, kichik biznesda muhim boshqaruv usullaridan biri *biznes-reja bo'lib*, iqtisodiy jarayonlarni umummilliy manfaatlarni ko'zlab, xo'jalik amaliyotida ob'ektiv iqtisodiy qonunlardan foydalanish asosida, ongli ravishda, bir maqsadga intilgan holda boshqarishning o'zaro uzviy bog'liq tizimidan iboratdir. Biznes-reja xo'jalik sub'ektlari faoliyatining barcha tomonlarini: mahsulot ishlab chiqarish va uni sotish, moddiy-texnikaviy ta'minot va ishlab chiqarish fondlaridan foydalanish, mehnat va ish haqi, jamoada ijtimoiy jarayonlar va h. k.larni qamrab oladi.

Boshqarish usullari tizimida iqtisodiy usullar markaziy hisoblanadi. Iqtisodiy usul iqtisodiy mexanizmlar orqali boshqarish ob'ektiga ta'sir ko'rsatish ma'nosini anglatadi.

Xizmat ko'rsatish korxonalarida personalni boshqarish va mehnat natijalarini rag'batlantirishda motivatsiyaning quyidagi iqtisodiy va noiqtisodiy usullari qo'llaniladi. Ishga qiziqirish nazariyalarida rag'batlantirish shunchaki pul va imtiyozlardan ancha kengroq ma'no kasb etadi. Rag'batlantirish inson o'zi uchun qadrlil deb hisoblaydigan hamma narsani qamrab oladi. Hozirgi davrda insonning mehnat faoliyati bilan shug'ullanishga qiziqishi sabablari ancha murakkab, odatda ularni tushunib yetish qiyin, demakki bu qiziqishga ta'sir o'tkazish ham oson emas.

Insonning qiziqishi tarkibiga uning xatti-harakatlari asosi, deb qarash mumkin va bu tarzda o'zini tutishga da'vat qiluvchi ichki kuch sifatida qaraladi. Bu tarkib muayyan barqarorlikka ega. Shunga qaramasdan, insonni tarbiyalash jarayonida, uning ta'lim saviyasi oshishi bilan qiziqish tarkibi ham o'zgarib boradi. Hozirgi vaqtda personalga ma'muriyat tomonidan qo'shimcha imtiyozlar berish tajribasi keng yoyilmoqda. Ular quyidagilardan iboratdir: xodim maqomi nufuzini belgilovchi, xodim ijtimoiy himoyalanganligini ko'rsatuvchi, bevosita bajarilgan ish va ishlab chiqarish vazifasi uchun belgilangan imtiyozlar. Mukofotlash tariqasida u yoki bu imtiyozni tanlash ma'muriyat vakolati hisoblanadi.

Korxonalarini personalini iqtisodiy usullari orqali boshqarishda har bir marketing kompaniyasining asosiy unsuri sifatida savdoni rag'batlantirish hisoblanib, o'zida iste'molchilarni va vositachilar tomonidan alohida tovar yoki xizmatni xaridini tezlashtirish yoki kengaytirishga chaqiruvchi, undovchi usullar kompleksini o'z ichiga oladi.

## **KORXONADA PERSONALNI BOSHQARISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHDA XORIJ TAJRIBALARINI QO‘LLASH IMKONIYATLARI**

*Jo‘rayev Iltom, TDIU magistranti*

O‘zbekistonda mehnat omilini rivojlantirish davlat iqtisodiy siyosatining ustuvor vazifasi sifatida belgilanar ekan, bu sohadagi xorij mamlakatlari tajribasi ham hisobga olingan. Iqtisodchi olimlar jahon mamlakatlarida xodimning mehnati motivatsiyasi tizimini tashkil etishda uchta modelni farqlaydilar:

1. Yevropa modeli. U ijtimoiy davlat modeli sifatida ham ta‘riflanib, mehnat motivatsiyasi tizimini tashkil etishda davlatning ishtiroki nazarda tutiladi. Bu model Shvetsiya, Daniya, Germaniya, Norvegiya, Fransiya, Finlyandiya kabi mamlakatlarga xosdir.

2. Amerika modelida mehnat motivatsiyasi tizimini tashkil etishda davlatning ishtiroki nisbatan kamroqdir. Bu tizim ko‘proq AQSH, Buyuk Britaniya, Avstraliya, Yangi Zelandiya kabi davlatlarga taalluqlidir.

3. Osiyo modeli. Ko‘proq Yaponiya, Janubiy Koreyaga xos bu motivatsiya tizimi asosida xodim o‘zaro munosabatlarida bir-biriga hurmat, katta yoshdagilarga izzat-ikrom, o‘zaro ishonch yotadi. Yapon menejmentining yetakchilari K.Matsusita va A.Morita korxonalar strategiyasi va tashkiliy tuzilmasi asosiga inson xohish-istagi va qobiliyati qo‘yilishi kerak degan qoidani ilgari suradilar.

A.Moritaning ta‘kidlashicha, “Birorta nazariya, dastur yoki hukumat siyosati korxonalar muvaffaqiyat qozonishini ta‘minlay olmaydi. Buni faqat insonlar ta‘minlay oladilar”.

“HPU”, “Mitsubishi”, “Toyota”, “Nissan” kabi yirik yapon kompaniyalarining ishlab chiqarishni tashkil etishdagi tajribalari, ularning ulkan muvaffaqiyatlari bevosita ana shu tamoyilga tayangan holda xodimni mehnatga eng samarali ravishda qiziqitira olganliklari samarasi ekanligidan dalolat beradi.

Xususan, A.Morita tomonidan “HPU” kompaniyasi uchun ishlab chiqqan asosiy tamoyillari quyidagilardan iboratdir:

- kompaniya uchun yirik maqsadlarni tanlash va xodim oldiga ulkan ilmiy-texnikaviy vazifalarni quyish;
- xodimda bir oila a‘zolari xis-tuyg‘ularini shakllantirish va butun choralar bilan rag‘batlantirish;
- xodim ijodiy tashabbuskorligini butun choralar bilan kuchaytirish, ongli ravishda qat‘iy rejalashdan voz kechish.

Xitoyda korxonalarini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi ularda eng zamonaviy texnologiyalarni joriy etish uchun maxsus jamg‘arma tashkil etilishida o‘z ifodasini topgan. Mazkur jamg‘arma orqali korxonalariga grantlar ajratish yo‘lga qo‘yilgan. Bu toifadagi korxonalar tashkil etilishi vaqtida ishlab chiqarishni eng zamonaviy texnologiyalar asosiga qo‘yishni rejalagan bo‘lsalar, 1 mln. yuan (120 ming AQSH dollari) miqdoridagi grant olish huquqiga ega bo‘ladilar. Ishlab chiqarishni yanada kengaytiradigan bo‘lsalar 2 mln. yuangacha, texnologiyalarni



modernizatsiya qilishga 1 mln. yuandan 2 mln. Yuangacha moliyaviy yordam – subsidiya olish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Jahon banki ma’lumotlari ham ishlab chiqarish samaradorligini oshirishda xodimni mehnatga bo‘lgan qiziqtirish bu omili hal qiluvchi rovidan yaqqol dalolat beradi. Chunonchi, ushbu ma’lumotlarga ko‘ra AQSh milliy daromadining 76,0 % bevosita ana shu “inson salohiyati” – uning bilimi, malakasi, tajribasi, tashabbuskorligi, korxonasiga sadoqati natijasidir. Garbiy Yevropa mamlakatlarida ham korxonalar ishlab chiqarish samaradorligining 74,0 %i “inson salohiyati” ulushiga to‘g‘ri kelayotgan ekan.

Bozor iqtisodiyoti taraqqiy etgan davlatlardagi kompaniya va firmalarda qo‘llaniladigan moddiy jihatdan rag‘batlantirishning quyidagi asosiy shakllari keltirilgan:

Mukofotlar (bonuslar), ish haqi, foydaga sheriklik, qo‘shimcha to‘lovlar rejasi, kechiktirilgan to‘lovlar, aksiya sarmoyasida ishtirok etish, korxonalar transporti, transport xarajatini to‘lash, stipendiya berish dasturi, ta‘lim olishda, yordam berish, ovqatlanishni qoplash, firma mahsulotini sotib olish uchun chegirma, maslahat xizmatlari, jamoa bilan dam olish, klubga a‘zolik (sport, qiziqish bo‘yicha va h.k., kredit olish asotsatsiyalari, hayotni sug‘urta qilish, xodimlar musobaqasi, kasaba uyushmalariga a‘zolik, tibbiy ko‘rikdan o‘tish, qaramog‘idagi oila a‘zolari hayotini sug‘urta qilish, baxtsiz hodisalardan sug‘urta qilish, tibbiy xizmat, baxtsiz hodisalardan sug‘urta qilish, qarmog‘idagi oila a‘zolari hayotini sug‘urta qilish, jamg‘armalar, pensiya, ta‘til, dam olish kunlari, jamg‘arlar fondlari va h. k.

Iqtisodchi olimlardan E.Meyo birinchilar qatori ilmiy asoslangan ish operatsiyalari hamda ish haqi miqdori yuqoriligining o‘zigina hamisha ham mehnat unumdorligini oshirishga xizmat qilmasligini aniqladi. Uning tadqiqotlari mehnat motivatsiyasi psixologik jihatlariga e‘tiborni kuchaytirish zarurligini ko‘rsatdi. Natijada “insonni boshqarish” nazariyasi yuzaga chiqdi. Mehnat motivatsiyasida xodimlar yoshini ham hisobga olish kerak. Albatta, ishlab chiqarishni tashkil etish, texnologiya darajasi O‘zbekistondagidan farq qiladigan taraqqiy etgan davlatlardagi kompaniya va firmalarda qo‘llanilayotgan mehnat motivatsiyasi tajribasini mamlakat ishlab chiqarishlariga aynan ko‘chirish bilan ko‘zlangan natijaga erishib bo‘lmaydi. Lekin, jahon korxonalari yengil g‘or tajribalarini o‘rganish, umumlashtirish, tahlil etish asosida ishlab chiqilgan shunday hammabop qoidalar mavjudki, ulardan ijodiy foydalanmasdan korxonani oyoqqa turg‘izish, bozordagi keskin raqobat sharoitlarida muvaffaqiyatli faoliyat yurgizishini ta‘minlash juda mushkul. Mehnat motivatsiyasi korxonalar muvaffaqiyatini ta‘minlaydigan ana shunday omillarning eng asosiylaridan biridir. Korporatsiyaning muvaffaqiyatli faoliyat yuritishining muhim sharti – xodimlar bilan ishlashga ajratiladigan mablag‘larini oshirish hisoblanadi.

## STATISTICAL ANALYSIS IN THE EVALUATION OF PERFORMANCE

*Isakova Naima Ikromjonovna*

*O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi huzuridagi Kadrlar malakasini oshirish va statistik tadqiqotlar instituti tayanch doktoranti*

**Keywords:** *diversified corporate associations, balance sheet, retained earnings*

When developing a system of statistical analysis methods for assessing the effectiveness of the financial activities of diversified corporate associations, we may use the techniques which used in enterprise finance statistics.

The tasks of enterprise finance statistics are [1]:

- study of the state and development of financial activities of enterprises;
- analysis of the level and dynamics of profit, profitability, turnover of current assets;
- assessment of financial stability and solvency of organizations.

The main statistical indicators that allow us to assess the effectiveness of the financial activities of diversified corporate associations and its constituent organizations, i.e. organizations that pursue profit extraction as the main goal of their activities, are: revenue from sales (or a similar indicator - sales volume), profit, profitability, availability and turnover of current assets, liquidity and financial leverage. The first four indicators in our country are widely known and have long been used in statistical calculations. The indicators of liquidity and financial leverage are relatively new for the Russian economy. They are also used to analyze the financial situation of enterprises and organizations of different organizational and legal forms (very often the composition of diversified corporate associations is represented by such organizations).

The total revenue from the sale of products, works performed and services rendered is an important indicator of the financial performance of diversified corporate associations, which is one of the main factors in making financial decisions. The value of the indicator is determined by the fact that it shows the cost of sales of products (services rendered) - the volume of the main source of financial resources in operating organizations. Revenue from sales can be used as a criterion both when establishing the rating of the company that is part of the diversified corporate associations, and directly when determining the rating of the most diversified corporate association.

When conducting an economic and statistical analysis, it should be borne in mind that the actual financial resource of the diversified corporate associations is the revenue from sales, reduced by the amount of value added tax, excise taxes and other indirect taxes.

Therefore, when considering the indicator of sales volume in dynamics, it is necessary to eliminate the impact of indirect taxes.

Profit in a generalized form reflects the final financial results of the activities of industries and commercial organizations within the diversified corporate associations and serves as a very significant economic characteristic of their work.

Depending on the content, the calculation procedure distinguishes between gross or balance sheet profit, profit from sales, net profit, undistributed and taxable profit.

Gross (balance sheet) profit is the amount of profit (loss) from the sale of products, works and services, fixed assets (including land), other property of the organization and income from non-operating operations, reduced by the amount of expenses on these operations.

The balance sheet profit is determined for the reporting period on the basis of accounting for all business transactions (all enterprises and organizations included in the diversified corporate associations); it is not included in the balance sheet currency.

Profit from the sale of products, works and services is defined as the difference between the revenue from the sale of products, works and services at current prices without value added tax and excise taxes and the total cost.

Taxable profit is the profit determined for tax purposes. For its calculation, the gross profit of the diversified corporate associations is reduced by the amount of tax benefits provided to payers, and also increases (decreases) by the amount of income (costs) established by law.

When distributing it, deductions are made to the budget in the form of various taxes and fees. The main taxes levied on organizations within the diversified corporate associations to the budget are: property tax, profit tax (income), payment for the right to use mineral resources, land tax, special tax, value added tax, excise taxes, transport tax, export customs duties, import customs duties, personal income tax and other taxes.

Retained earnings (in accounting, it is called the net profit of the reporting year) represent that part of the balance sheet profit that, after the latter is used in the reporting year to pay taxes and other payments to the budget, remains at the disposal of the organization and is used in the next reporting year to stimulate employees and finance the costs of creating new property, acquiring fixed assets, accumulating working capital, paying dividends to shareholders, purchasing shares, bonds and other securities of other organizations, for charitable purposes, current expenses for the maintenance of social and cultural facilities, housing and communal services, etc. At the expense of retained earnings, payments are also made on the main debt of the bank and payment of bank interest in excess of the rates established by law, payment of bank interest on loans received for the purchase of fixed assets and intangible assets, as well as on overdue and deferred loans.

Along with the absolute indicator-the amount of profit-finance statistics widely uses the relative indicator-profitability, which allows you to generally characterize the profitability of the organizations that are part of the diversified corporate associations, which in turn will make it possible to more fully assess the effectiveness of the financial activities of the diversified corporate associations as a whole. This indicator is the result of various economic processes-changes in the volume of production, labor productivity, reducing the cost of production and is the most important indicator for assessing the financial and economic efficiency of

work and the level of recoupment of costs.

### **Literatures**

1. <https://www.cfin.ru/bandurin/article/sbrn06/27.shtml>

## **DIGITAL SHADOW ECONOMY AS A NEW REALITY OF THE MODERN WORLD**

*Irismatov Humoyunmirza Faxritdin o'g'li*  
*O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi huzuridagi Kadrlar malakasini*  
*oshirish va statistik tadqiqotlar instituti tayanch doktoranti,*  
*Davlat statistika qo'mitasi Yig'ma-axborot ishlari boshqarmasi*  
*yetakchi mutaxassisi*

**Keywords:** *digital economy, shadow economy, cyber security.*

Digital technologies are becoming more widespread, simplifying communication processes, optimizing business processes, and reducing costs for companies. The introduction of digital technologies is one of the priority areas for the development of Uzbekistan until 2024.

The active development of digital technologies, in addition to obvious positive aspects, is accompanied by a number of negative phenomena associated with the use of innovative instruments in the shadow sector of the economy (for example, with the loss of a part of the tax base by the state, with the commission of criminal acts by agents of the digital shadow economy).

The vagueness of the term "digital shadow economy" creates additional difficulties for the study and regulation of this area. All studies of the digital shadow economy, which were carried out by various scientists, can be divided into three areas: 1) research on cybercrime; 2) studies of electronic fraud; 3) research of actors' motives to take part in illegal actions in the digital space [1; 2].

These studies, as a rule, concern only specific areas, and there is clearly a lack of comprehensive generalizing works. The concept of "digital shadow economy" is a composite one, formulated from two terms, "digital economy" and "shadow economy", therefore, first of all, it is necessary to refer to the definitions of the initial concepts. There is no single definition of the digital economy in international scientific practice. In most cases, the digital economy is defined through a set of specific technologies, their application in the economic sphere and the changes that these technologies make in the ways of interaction of economic agents [3]. The digital economy is interpreted as a special stage in the development of the modern economy, which is based on digital technologies and knowledge that form digital skills and open, through their use, new opportunities for society, business and the state; as a form of economic activity that arises due to the network interaction of people; as an economy dependent on digital technologies [4]. The digital economy is characterized by the massive use of digital information data, the widespread introduction of multilateral business models. The digital economy is also called the invisible second economy, since it is formed as a result of the

digitalization of business processes, which, thanks to digital technologies, form a new "intangible" structure parallel to the general economic environment.

There are different platforms for different forms of the digital shadow economy. There is a physical black market that exists for the sale of illegal goods and services, as well as a fraudulent data market in which actors exchange stolen data and private information. The physical marketplace functions thanks to special platforms that allow actors to remain anonymous. The fraudulent data market operates on the basis of conventional Internet sites. Various economic actors can act as actors in the digital shadow economy: sellers and service providers, consumers, individuals and legal entities, multinational companies, and commercial networks.

One of the main economic drivers of participation in the digital shadow economy is the presence of clear economic benefits. These are a variety of available goods and services, easy and convenient access to a large amount of information about goods, the ability to communicate with the seller, a large number of promotions, the availability of conditions for the return of goods, convenient payment terms. Participants are also stimulated by the difference in price between goods in online stores and in traditional stores. The financial position of the actor is of great importance. According to some studies, subjects that are more financially independent are less likely to become participants in the digital shadow economy.

The digital shadow economy is a reality today. Any economic agents can become actors of the digital shadow economy. To operate in the digital shadow economy, various special platforms are used, which are currently forming a full-fledged shadow digital ecosystem, the task of which is to ensure the anonymity of participants and create obstacles for government bodies.

Measuring the volume of the digital shadow economy using classical methods for assessing the shadow economy is difficult due to the fact that they do not reflect the characteristics of the phenomenon under study. Based on the theoretical substantiation of the digital shadow economy, for an indirect assessment of development trends, an assessment can be carried out in the context of three directions: assessment of the level of dissemination of digital technologies, assessment of the population's incentives to participate in the shadow economy, assessment of barriers to the development of the digital shadow economy.

A decline in real disposable income and an increase in the proportion of the population with incomes below the subsistence level creates risks of involving a large number of people in the operations of the digital shadow economy. A dramatic reduction in costs through the use of information technology, in the absence of institutional control, can attract businesses to the digital shadow economy. The digital shadow economy creates additional sources of inflationary pressure, complicates the restructuring of the economy, and generates inadequate signals to business. Financial electronic fraud hinders the implementation of an effective social policy of the state, reducing the collection of taxes in the state budget, restricting the possibilities of state regulation, and serves as a factor in the deterioration of the investment climate in the country. The digital shadow economy

complicates the configuration of the pension, insurance and medical systems, thereby violating the social contract between citizens and the state (the exchange of taxes for public goods). The main barriers to the growth of the digital shadow economy are a high level of cyber security, which provides protection against hacker attacks, and a system for protecting intellectual property rights, which prevents the development of Internet piracy.

### **Literatures**

1. Gaspareniene L., Remeikiene R. Digital shadow economy: a critical review of the literature // *Mediterranean Journal of Social Sciences*. 2015. Vol. 6. No. 6. P. 402–409.

2. Gaspareniene L., Remeikiene R., Ginevicius R., Skuka A. Critical attitude towards the theory of digital shadow economy: literature review and new foundations // *Terra Economicus*. 2016. Vol. 14. No. 4. P. 156–172.

3. What is the digital economy? Trends, competencies, measurements. Report to the XX April international scientific conference on the problems of economic and social development // *Scientific*. ed. L.M. Gokhberg. Moscow: Ed. House of Higher School of Economics, 2019.

4. Commission Expert Group on Taxation of the Digital Economy. Report. European Commission, 2014.ec.europa.eu/taxation\_customs/sites/taxation/files.

## **МАМЛАКАТИМИЗДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ПОРТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Умаров Омонилла Сайдаминович  
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика  
қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.*

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маълумотларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан тизимли равишда қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу ишларнинг натижаси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory (ODIN) очик маълумотлар рейтингда 63 балли тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 125 позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллаганини яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Замонавий ахборот жамияти эҳтиёжларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда очик маълумотларга киришни таъминлайдиган хизматлар-ривожланган мамлакатларда давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг энг ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда рақамлаштириш жадал ривожланиши даврида электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш масаласи янада муҳим аҳамият касб этиб, давлат идоралари фаолияти очиклигини таъминлаш, жамоатчиликка бу борада аниқ ва холис ахборот етказиб бериш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини

таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарорига асосан, Давлат статистика кўмитаси, давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларни Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали (data.gov.uz)да ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгиланган[ 2 ].

Давлат органлари томонидан фойдаланувчиларда улкан қизиқиш уйғотадиган катта ҳажмдаги ахборот ресурслари шакллантирилди. Ўз навбатида, давлат органларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маълумотларини очик маълумотлар шаклида ошкор қилиш очик давлат бошқарувининг асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, очик маълумотлардан фойдаланиш ва нашр этиш орқали давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги таъминланиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти фуқаролар ва бизнес учун янги хизматлар яратилмоқда.

Очик маълумот – бу очик маълумотлар порталида кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машина ўқиши учун керакли форматларда киритиладиган, интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилиши тушунилади. Очик маълумотлар билан таъминлашда барча соҳадаги маълумотларнинг мавжудлиги, маълумотлар аниқ ва тўлиқ жойлаштирилганлиги, архив маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилганлиги, қайта ишлашга инсон ва машина ўқийдиган форматда тайёр бўлиши каби талабларга жавоб бериши лозим[4].

Соҳани янада ривожлантиришда очик маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган давлат ва хўжалик ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очик маълумотлар тўпламларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Давлат органларининг идоравий ахборот тизимларини ва ресурсларини очик маълумотлар портали билан интеграция қилиш, маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш, интерактив харитага объектнинг географик жойлашув маълумотларини киритиш, очик маълумотлар тўпламларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизмлари, очик маълумотлар тўпламларини ўз вақтида жойлаштириш ва уларни янгилаш устидан назоратни мустаҳкамлаш ҳам маълумотларни очиклигини таъминлайди. Жойлаштирилаётган очик маълумотлар тўпламларининг долзарблигини баҳолаш, давлат-хусусий шерикликни мустаҳкамлаш ва мобил иловалар ишлаб чиқувчиларни фаоллигини рағбатлантириш орқали очик маълумотлар тўпламларини такомиллаштиришга жалб этиш каби вазифалар белгилаб қўйилган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашда очик маълумотлар порталини жаҳон тажрибаси даражаси талабларига олиб чиқиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиклиги ва

шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ–4273-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қўмита тизимида “Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси” ташкил қилинди[2].

Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингида 63 баллни тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 125 позицияга қўтарилиб, дунёда 44-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Ўтган даврда, Давлат статистика қўмитаси бошқа вазирлик ва идоралар, шу жумладан, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва шу каби бошқа хорижий ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотларни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу ишлар натижаларини мамлакатимизнинг очиқ маълумотлар бўйича халқаро рейтинглар ва индексларда мавқеининг сезиларли даражада яхшиланишида кўриш мумкин. Хусусан, Open Data Inventory (ODIN) - расмий статистика камчиликларини аниқлаш, очиқ маълумотлар сиёсатини илгари суриш, миллий статистика органлари билан маълумотлардан фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни яхшилаш ва рағбатлантиришга қаратилган қамров ва очикликни баҳолайди[5].

Кейинги босқичларда Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар порталининг жаҳон талабларига мос янги версиясини ишлаб чиқиш, очиқ маълумотлар соҳасидаги нуфузли рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш ҳамда уларда юқори натижаларга эришиш учун мустақкам замин яратиш, давлат органларининг расмий сайтларида очиқ маълумотлар саҳифасини очиш ҳамда ушбу саҳифани Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган ягона кўриниш (стандарт)га келтириш каби ишлар режалаштирилиб қўйилган. Асосий мақсадимиз очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш орқали Ўзбекистон Республикасини яқин йилларда энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишдан иборатдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 29 декабрь 2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори.

3. «Открытые данные», руководство по открытым данным, IT-Park, OSCE, Госкомстат. Февраль 2019 года.

4. Лора Мэнли, Джоэл Гурин. “Открытые данные для бизнеса”. Аналитическая записка Всемирного банка для лидеров в области развития. Проект для обсуждения. 2015 год.стр.12.



5. ICT Sector Unit, The World Bank, Connecting to Work: How information and communication technologies could help expand employment opportunities, Washington, DC, September 2013. pp. 215.

6. Роль открытых данных в развитии электронного правительства Узбекистана. Аналитическая записка. Сентябрь 2015 г. Стр. 19.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA MAHALLIY BYUDJETLARNI BOSHQARISH MASALALARI**

*TMI, “Xalqaro moliya-kredit”  
kafedrasi o‘qituvchisi  
Soatova Nodira Boboxanovna*

O‘zbekiston Respublikasida bozor munosabatlarining shakllanishiga oid tub iqtisodiy islohotlar o‘tkazilishi byudjet tizimi, jumladan, mahalliy byudjetlar ahamiyatini yanada oshiradi. Chunki hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi mahalliy byudjetlarning moliyaviy barqarorligiga bog‘liqdir.

Islohotlar chuqurlashishi bilan mahalliy byudjetlar tomonidan moliyalashtiriladigan chora-tadbirlar hajmi oshaveradi, shuningdek, ular ixtiyoriga qoladigan daromadlar ham kengayaveradi. Mahalliy byudjetlarning davlat byudjet siyosatidagi tutgan o‘rni mahalliy byudjetlar daromadlarini tashkil etish hamda uning tarkibini belgilashda moliyaviy asos hisoblanadi.

Mahalliy byudjet - byudjetining tegishli viloyat, tuman, shahar pul mablag‘lari jamg‘armasini tashkil etuvchi bir qismi bo‘lib, unda daromadlar manbalari va ulardan tushumlar miqdori, shuningdek moliya yili mobaynida aniq maqsadlar uchun ajratiladigan mablag‘lar sarfi yo‘nalishlari va miqdori nazarda tutiladi. Mahalliy byudjetlar O‘zbekiston Respublikasi davlat byudjetida muhim tarkibiy qismni tashkil etadi va mahalliy hukumat organlarining faoliyat ko‘rsatishlarida moliyaviy manba bo‘lib hisoblanadi.

Mahalliy byudjetlar daromadlarini shakllantirishda tartibga soluvchi daromadlar ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shu munosabat bilan hozirgi paytda amaldagi tartibga muvofiq ravishda mahalliy byudjetlar daromad bazalarining barqarorligini ta‘minlashda quyidagilardan tartibga soluvchi daromadlar sifatida foydalanilayotganligini qayd etib o‘tishimiz mumkin. O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.M.Mirziyoev ta‘kidlaganlaridek<sup>158</sup>, “Davlat byudjeti daromadlarining katta qismini joylarga berish, mahalliy byudjetlarni mustahkamlash zarur. Bu esa mintaqalar mustaqilligini oshirish, ularning tashabbuskorligini, byudjetning ijrosidan manfaatdorligini va bu boradagi ma‘suliyatini oshirish imkonini beradi. Bundan tashqari, bu narsa mahalliy byudjetlarga tushumlarning yangi manbalarini qidirib topishga rag‘batlantiradi,

---

<sup>158</sup> Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat‘iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma‘ruza, 2017 yil 14 yanvar. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017.– 104b.

joylarda byudjet intizomini mustahkamlaydi”<sup>159</sup>. Mazkur tezisni yoritishda quyidagi ilmiy xulosalar va amaliy tavsiyalar shakllantirildi, jumladan:

1. Mahalliy byudjetlarni shakllantirishda, hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha loyihalarni amalga oshirishda mahalliy boshqaruv organlarining mustaqiligini ta'minlash, shuningdek, majburiyatlarni moliyalashtirish bo'yicha ma'suliyatni hududlar imkoniyatini hisobga olgan holda 100 foizigacha o'z zimmasida qoldirish. O'z xarajatlarini daromadlari moliyalashtirish imkoniga ega hududlarga to'laligicha mustaqilliq berish, yani yuqori byudjetdan har qanday transfert va ajratmalar ajratish amaliyotini bekor qilish, hududlar amalga oshirishi kerak bo'lgan majburiyatlarni qat'iy belgilash, Respublika byudjetiga tegishli qismini qat'iy ajratish, hududlar majburiyatlarini to'laligicha o'ziga yuklash.

2. Xududlar daromadlarini oshirish borasida nafaqat soliqlar va tushumlar, shu bilan birgalikda xorijiy mamlakatlar tajribasida mavjud boshqa amaliyotlarni ham joriy etish maqsadga muvofiqdir. Masalan, O'zbekistonda mahalliy davlat boshqaruvi organlariga qimmatli qog'ozlar emissiyasini amalga oshirishga yoki mahalliy hududlar doirasida qarz mablag'larini jalb qilish amaliyotini joriy etish lozimdir, ya'ni mahalliy boshqaruv organlarini qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchisiga aylantirishdir.

3. Mahalliy byudjet xarajatlarini rejalashtirishda hududlarning tabiiy va iqtisodiy salohiyatini hisobga olgan holda amalga oshirish, tasdiqlangan xarajatlarni bajarilishi ustidan nazoratda Xalq deputatlari viloyat, tuman, shahar Kengashlari va keng jamoatchilikning ishtirokini ta'minlash ularning samaradorligida muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Ijro samaradorligi ustidan deputatlik kengashlari va keng jamoatchilikning aloqadorligini va xabardorligini ta'minlash. Bu borada yana bir muhim jihat mahalliy hokimiyat organlari va boshqaruv organlari faoliyatlarini va ularga tegishli huquqiy normalarni qaytadan o'rganish, ularning byudjet sohasidagi vakolatlarini kengaytirish masalalariga e'tibor qaratish maqsadga muvofiqdir.

4. Xududlar daromadlarini oshirish borasida nafaqat soliqlar va tushumlar, shu bilan birgalikda xorijiy mamlakatlar tajribasida mavjud boshqa amaliyotlarni ham joriy etish maqsadga muvofiqdir. Masalan, O'zbekistonda mahalliy davlat boshqaruvi organlariga qimmatli qog'ozlar emissiyasi qilishga yoki mahalliy hududlar doirasida qarz mablag'larini jalb qilish amaliyotini joriy etish lozimdir, ya'ni mahalliy boshqaruv organlarini qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchisiga aylantirishdir.

5. Xududiy moliyaviy siyosatni amalga oshirishda xorij tajribasi amaliyotga keng masshtabda qo'llash va joriy etish xususan, Germaniyaning hududiy moliyaviy siyosat sohasidagi tajribasini qo'llash O'zbekiston uchun ahamiyatli bo'lishi mumkin, chunki har ikkala mamlakatda markazlashuv darajasi etarli darajada yuqorib bo'lib, boshqacha aytganda, byudjet mablag'larini hududlararo

---

<sup>159</sup> Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017. - 488 b.

qayta taqsimlash ko‘lami katta hamda mamlakat va hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida markaziy davlat hokimiyati muhim rol o‘ynaydi.

6. Byudjet mablag‘laridan foydalanuvchilarning ushbu mablag‘lardan samarali va oqilona foydalanishda byudjet tashkilotlarining rahbarlari va moliya-iqtisod bo‘limi hodimlariga alohida shaxsiy javobgarlikni yuklovchi huquqiy normalar tizimini yaratish ularning samaradorgini oshirilishiga xizmat qiladi. Hozirda Davlatimiz rahbari tomonidan talab qilinayotgan har bir rahbar xodimning shaxsiy javobgarligini oshirish masalalarida shu jihatga ham alohida e‘tibor qaratilsa maqsadga muvofiqdir.

## **MAHALLIY BUDJETLARNING SOLIQLI DAROMAD BAZALARI BARQARORLIGINI TA‘MINLASH MASALALARI**

*TMI, “Xalqaro moliya-kredit”  
kafedrasi o‘qituvchisi  
Soatova Nodira Boboxanovna*

Mahalliy byudjetlar umumdavlat iqtisodiy va ijtimoiy vazifalarini amalga oshirishda, birinchi navbatda, davlat mablag‘larini taqsimlash va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega. Ular mahalliy hokimiyatlarning faoliyat ko‘rsatishlarida asosiy moliyaviy manba bo‘lib, davlatning ijtimoiy-iqtisodiy siyosatini joylarda amalga oshirishda asosiy rol ni o‘ynaydi. Mahalliy byudjetlar tizimi mahalliy talab-ehtiyojlarni to‘laroq qondirishni hamda davlatning markazlashgan tartibda amalga oshiradigan tadbirlarning bajarilishi bilan chambarchas bog‘langan holda ijro etishga imkon yaratib beradi.

O‘zbekiston Respublikasida byudjet tizimi taraqqiyotining hozirgi bosqichida amaldagi davlat moliyasi tizimi zamonaviy talablarga javob bermasligi va olib borilayotgan byudjet siyosatiga, o‘rta muddatli davrda qabul qilingan davlat dasturlari bilan bog‘liq byudjet xarajatlariga ob‘ektiv va ishonchli baho berishga imkon bermasligi, byudjetni rejalashtirishning xalqaro e‘tirof etilgan usullari joriy etilishi sust bo‘lganligi kabi muammolar bugungi kunda ko‘zga tashlanmoqda.

Mamlakatimiz moliya-byudjet tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar hududiy iqtisodiyot muammolarining keskinlashuvi sharoitida mahalliy byudjetlar imkoniyatlarini yanada oshirishga zaruriyat sezmoqda. Shundan kelib chiqib, xududlar ehtiyojlarini qoplashi uchun etarli moliyaviy manbaga ega bo‘lishi, ulardan oqilona va samarali foydalanish, ularning barqarorligini ta‘minlash chora-tadbirlarini amalga oshirish, bunda ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalarni keng qo‘llash orqali masalaga tizimli yondashish muhim ahamiyat kab etadi.

O‘zbekistonning o‘rta muddatli rivojlanish strategiyasida mahalliy byudjetlar daromadlari bazasini oshirish, xarajatlari tizimlarini isloh qilish, ularning moliyaviy mustaqilligini ta‘minlash, hududlar o‘rtasida raqobat muhitini shakllantirish kabi muhim vazifalar belgilangan bo‘lib, mazkur vazifalarni ta‘minlashda rivojlangan davlatlar ilg‘or tajribasini o‘rganish, ularning ijobiy natijalarini respublikamizda qo‘llash muhim ahamiyatga ega. Hududlarni

rivojlantirish borasida fikr yurita turib, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoev shunday deydi: “Hududlarni barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni moliyalashtirish uchun mahalliy byudjetlarning mablag‘lari etarli emas”<sup>160</sup>.

Mahalliy byudjetlar - O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetining muhim va asosiy qismi hisoblanadi. Mahalliy byudjetlar orqali hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi moliyaviy mablag‘lar bilan ta‘minlab boriladi. Mahalliy byudjetlar O‘zbekiston Respublikasi byudjet tizimining ajralmas qismi sifatida o‘zida 14 ta mustaqil byudjetni mujassamlashtiradi. Hududlarning moliyaviy-byudjet rivojlanishi istiqbollari belgilanayotganda imkon doirasida shunga e‘tiborni qaratish kerakki, iqtisodiy va ijtimoiy muammolar ma‘muriy usullardan holi, yuqori organlarning aralashuvisiz, asosan, hududda yaratilgan va jalb qilingan mablag‘lar hisobidan hal etilishi kerak<sup>161</sup>. Hududda barcha sub‘ektlar o‘rtasidagi o‘zaro moliyaviy munosabatlar quyidagi tamoyillar asosida tashkil etiladi:

- hudud mahalliy byudjeti daromadlar qismining barqarorligini iqtisodiy potensialni samarali rivojlantirish asosida ta‘minlash;
- mahalliy byudjetlar uchun daromadlar manbalari va ajratmalar stavkalari tizimini, shuningdek ularning amalga oshiradigan funksiyalariga mos ravishda xarajatlar turlarini qat‘iy belgilash;
- hududni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish maqsadida korxonalar va tashkilotlarning, hududda joylashgan davlat korxonalarining, shuningdek aholining va chet el investorlarining mablag‘larini jalb qilish va muvofiqlashtirilgan holatda ishlatish.

Iqtisodiyotni rivojlantirish va mahalliy byudjetlar imkoniyatlarini hamda iqtisodiy erkinlashtirish shart-sharoitida mahalliy byudjetlarni shakllanishi va ijrosini ta‘minlashda mahalliy xokimiyat organlarining moliyaviy va xuquqiy rolini oshirish yo‘nalishlarining ilmiy tadqiqi hozirgi kunda dolzarb ahamiyat kasb etadi. Biz bilamizki, byudjetlarning mustaqilligi byudjet tizimining asosiy tamoyili sifatida belgilangan bo‘lib ushbu tamoyil turli darajadagi vakolatli hokimiyat organlarining o‘zlariga berilgan vakolatlari doirasida byudjet jarayonini mustaqil ravishda amalga oshirish huquqlarini anglatadi. Har bir darajadagi byudjet daromadlarining o‘z manbalari, shuningdek, joylardagi vakolatli hokimiyat organlarining qonunlarida belgilangan doiralarda mahalliy soliqlar va yig‘imlar soliq stavkalarini o‘zgartirish huquqini qonun asosida mustahkamlab qo‘yilgan. Daromadlar manbalari belgilanishi va ular mahalliy byudjetlarga tushishi qonun asosida mustahkamlab qo‘yilishi mahalliy hokimiyat organlarining mustaqilligi va byudjetlarni shakllantirishdan manfaatdorligini oshiradi.

---

<sup>160</sup> Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat‘iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma‘ruza, 2017 yil 14 yanvar. – Toshkent: O‘zbekiston, 2017.– 104b.

<sup>161</sup> Qosimova G.A. Mahalliy byudjetlarni tuzish va ijrosini ta‘minlash. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Fan va texnologiya”. 2007yil.

Mahalliy byudjetlar tizimida daromadlarini shakllanishida asosiy ulushni er solig'i va mol-mulk solig'i egallab turadi. Ammo ularda mahalliy soliqlar va majburiy to'lovlar asosida shakllangan daromadlar doimo ularni xarajatlarini moliyalashtirishga yetmaydi. Mana shunday holatda umumdavlat soliqlaridan ajratmalar belgilanadi. Hududlarda byudjet resurslarini shakllanishi tegishli hududning moliyaviy imkoniyatlari bilan chambarchas bog'liq. Moliyaviy imkoniyatlar esa tabiiy sharoitlarga, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasiga, xo'jalik tuzilishi va ixtisoslashuviga, hududning mamlakat mehnat taqsimotidagi mavqeiga, boshqa hududlar bilan xo'jalik aloqalarining balanslashganligiga va boshqa qator omillarga bog'liq. Albatta hudud o'z moliyaviy resurslarini shakllantirishda muayyan mustaqillikka ega bo'lishi lozim. Lekin, bu erkinlik yetarli moliyaviy imkoniyatlar mavjud bo'lgandagina real ahamiyatga ega. Umumdavlat soliqlarining bir qismi, ya'ni qo'shilgan qiymat solig'i, aksiz solig'i, jismoniy shaxslar daromadidan soliq, yuridik shaxslar foydasidan soliqlar respublika va mahalliy byudjetlar o'rtasida belgilangan tartibda o'rnatiladigan me'yorlarga asosan taqsimlanadi.

## **ФОНД БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

*ТМИ, “Молия” кафедраси  
PhD. Султонов Шерали Нуралиевич*

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ёки фонд биржаси капитализациясининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улушининг оширилишида ушбу бозорнинг давлат томонидан тартибга солиниши<sup>162</sup> муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлат томонидан тартибга солиш ҳар қандай бозор тизимининг, шу жумладан, молиявий тизимнинг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Фонд бозори ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида ва умуман бутун дунёда катта роль ўйнайди. Айнан, фонд бозори инструментлари ва механизмлари орқали тараққий этган мамлакатлар миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун ресурсларнинг катта қисмини жалб қилади. Шу сабабли дунёнинг илғор, ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Германия, Япония ва шу каби давлатлар аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг ҳамда давлатнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз миллий иқтисодиётларини ривожланишини молиялаштириш учун йўналтириш имконини берувчи фонд бозорининг ривожланган тизимига эга.

Қимматли қоғозлар бозорини бошқаришда кўплаб умумий ёндашувларга қарамай, ҳар бир мамлакат фонд бозорини давлат томонидан тартибга солиш

---

<sup>162</sup> Тартибга солиш (иқтисодий) – бу иқтисодий жараёнлар ривожланишининг йўналишларини аниқлаш, йўлга қўйиш ва маълум тизимга солишга қаратилган мақсадли йўналтирилган ҳаракат

институтининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига эга.

Фонд бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органларнинг аксарият функциялари бир-бирига ўхшашдир, бу эа фонд бозорларини бошқаришнинг жаҳон тажрибаси деярли ўхшаш эканлигини англатади. Буюк Британия, Германия, Корея, Россия ва Қозоғистонда фонд бозорини тартибга солиш молия бозорини тартибга солишнинг ягона органи – мега - тартибга солувчи муассаса томонидан амалга оширилаётган бўлса, АҚШда бу функция бевосита Президентга ҳисобот берадиган алоҳида органга юкланган. Шу муносабат билан, молиявий бозорларни бошқаришни марказлаштириш ва ягона мега-регуляторларни яратиш умумий тенденциясига қарамай, энг ривожланган фонд бозорига эга бўлган АҚШ мега-регуляторни яратиш фонд бозорини ривожлантиришнинг универсал ва асосий самарали механизми эканлиги ҳақидаги тахминларни рад этади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича хорижий тажриба шуни кўрсатадики, жаҳон молия бозорида мега-тартибга солувчи муассасаларни яратиш тенденцияси устунлик қилмоқда. Шу билан бирга, мега-тартибга солиш институтлари иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам яратилмоқда.

Мега тартибга солувчи муассасанинг асосий афзалликлари куйидагилардан иборат: алоҳида бошқарув органлари томонидан фонд бозорини тартибга солиш функцияларининг такрорланишига барҳам бериш; фонд бозори иштирокчилари ҳисобот бериш ишларини ташкил этишга ягона тизимли ёндашув; фонд бозори тараққиётини прогнозлаштириш ва марказлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш учун ахборот оқимларини оптималлаштириш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ижро этишнинг ягона механизмнинг мавжудлиги; фонд бозорини бошқариш бўйича барча ваколатларнинг бир муассасада мавжудлиги бошқа муассасалар (идоралар) фаолиятини оптималлаштиришга олиб келади.

Ушбу қатор афзалликларга қарамай, мега-тартибга солувчи муассаса яратилишида ҳам унинг камчиликлари бўлиши мумкин: молия бозорининг айрим участкаларини тартибга солишнинг заифлашиш эҳтимоли; турли хил тартибга солиш объектларига эътиборни қаратиш ва молия бозорининг муайян сегментини ривожлантиришнинг аҳамияти ва устуворлигидаги номутаносиблик.

Шу билан бирга, АҚШ дунёдаги энг ривожланган, ҳуқуқий анъаналари асрлар давомида шаклланган ва қонунчилиги амалий ишлар натижасида пайдо бўлганлигини ёдда тутиш керак. Умуман олганда, бошқарув органининг тузилиши ва ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар институтининг ривожланганлигидан қатъий назар, ваколатли органларнинг асосий функциялари қонун ижодкорлигини ва назоратни ўз ичига олади.

Мухтасар айтганда, фонд бозори макроиқтисодий сиёсат ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий муҳитсиз ривожлана олмайди. Фонд бозорининг ривожланиши маълум вақтни ва тўғри қарорлар қабул қилиниши

талаб қилади, чунки баъзи бозорлар ривожланган молиявий инфратузилмани ва тараққиёт учун кучли ҳуқуқий ҳимояни талаб этади.

Фонд бозорининг ривожланишига бозор ҳажмини оширишга қаратилган сиёсат, жумладан, солиқ ислохотлари, молиявий эркинлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кабилар ёрдам бериши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, хулоса сифатида шуни қайд этиш зарурки, хорижий мамлакатларда фонд бозорини тартибга солишнинг замонавий тизимлари асосан молия бозори мега-регуляторини яратишга асослангандир. Шунга ўхшаш ёндашувнинг Ўзбекистонда қўлланилиши ва қўлланилмаслиги миллий молия тизимининг истикболдаги тараққиёти кўрсатиб беради. Аммо, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, республика фонд бозорини тартибга солишнинг амалдаги тизими қисқа муддатда олдида турган барча вазифаларни сифатли бажара олади.

## **ФОНД БОЗОРИНИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ**

*ТМИ, “Молия” кафедраси  
PhD. Султонов Шерали Нуралиевич*

Бугунги кунда самарали корпоратив бошқарув тизими инвестицион қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи омил сифатида қаралмоқда ва шу сабабли «корпоратив бошқарув тизими мавжуд бўлмаган компания рақобатбардош ва инвестицион жозибадор бўлиш учун бозорнинг тўлиқ иштирокчисига айланиш имкониятига эга эмас»<sup>163</sup>. «Жаҳон амалиётида сўнгги ўн йилликда корпоратив бошқарувга бўлган бундай жиддий эътиборнинг асосий мезони инвесторлар учун янада хавфсизроқ ва қулай муҳит яратишга интилиш ҳисобланади»<sup>164</sup>. Акциядорлик жамиятлари хўжалик юритиш амалиётида корпоратив бошқарувнинг кенг тарқалганлиги у ёки бу мамлакатнинг очиқлик ва ривожланиш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Самарали компаниялар ва корхоналарсиз мамлакат турмуш фаровонлигини ошириш ва қўшимча ишчи ўринларини ҳосил қилиш учун етарлича шароит яратиш имкони бўлмайди. Давлат учун инвестициялар жалб қила оладиган, ишчи ўринлари ва моддий бойликларни ярата оладиган, барқарор ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, корпоратив бошқарув савияси ҳамда механизми яхши ташкил этилган корхоналар керак. Шунинг учун ҳам замонавий корпоратив бошқарув миллий иқтисодиётни ривожланиши учун заруриятга айланиб бормоқда. Мазкур жараёнлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, корпоратив бошқарувнинг лозим амалиёти барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш учун корпорациялар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш

<sup>163</sup>Силова Е.И. Сравнительный анализ моделей корпоративного управления// Вестник Челябинского государственного университета, 2011, №32 (247). – С. 104-107.

<sup>164</sup>Тагавердиева Д.С. Методы оценки эффективности корпоративного управления// Актуальные проблемы экономики и права, 2012, №2. – С. 82.

воситаларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Фикримизча, самарали корпоратив бошқарув воситасида миллий фонд бозорини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этилиши керак. Жумладан;

1. Корпоратив қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилиши масаласи;

2. Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келган хорижий инвестициялар хажми ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, аммо, корпоратив қимматли қоғозлар бозори орқали уларнинг салмоғи пастлигича қолмоқда. Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорациялардаги давлатга тегишли йирик акциялар пакети бирламчи бозор орқали стратегик хорижий инвесторларга инвестицион мажбурият асосида сотилаётганлиги; Иккиламчи бозор орқали эса бундай инвесторлар корпорациялардаги ўз улушла рини ички инвесторлар (жисмоний ва юридик шахслар) эвазига ошироқдалар. Демак, миллий корпоратив бошқарувда корпоратив қимматли қоғозлар давлатнинг фаол инвестиция сиёсати талабларига жавоб бера олмаётганлиги билан изоҳланиши мумкин.

3. Корпоратив қимматли қоғозлар ва биринчи галда акцияларнинг ликвидлигини сезиларли даражада ошириш;

4. Миллий фонд бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган мавжуд муаммоларнинг бири сифатида корпоратив облигациялар бозорининг ташкил этилмаганлиги. Жаҳон амалиётида, фонд бозорининг 70-75 фоизини қарз муносабатларини ўзида акс эттирувчи қимматли қоғозлар ташкил этади.

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларни жадаллаштиришдан асосий мақсад, қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга қаратилган қатор илмий хулосалар ҳамда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради:

- иқтисодиёт тармоқларида давлат улушининг мавжудлиги ва самарадорлигини, бошқача айтганда, “иқтисодиётдаги давлат”нинг ролини кенг миқёсда танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда хусусий секторнинг иқтисодиёт тармоқларидаги иштирокини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича янги чора-тадбирларни белгилаш вақти келди. Бундай корхоналардаги давлат улушини хусусий секторга, жумладан, янги миллий инвесторларга, улар томонидан ана шу корхоналар негизида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбуриятини қабул қилиш шarti билан ноль қийматида сотиш мақсадга мувофиқдир.

- Ўзбекистон миллий корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмалар молияси тизимини ишлаб чиқилишини тезлаштириш, акциядорлик жамиятлари мулкдорлари ва менежерлари, ҳамда тармоқлараро назорат органлари раҳбарлари ва кенг иқтисодий жамоатчилик орасида муҳокама қилинишини ташкил қилиш;

- жойларда, хорижий инвесторлар инвестиция қарорларини қабул қилишда катта эътибор берадиган корпоратив бошқарув тамойилларининг тўла амалга ошириш учун зарур бўлган ички корпоратив қурилиши масалаларида ташаббус этишмаяпти;



- ҳозирда миллий фонд бозорига хорижий инвестицияларни жалб қилиш воситаси сифатида қарашларни эътироф қилган ҳолда, фонд бозори инфратузилмасининг ҳозирги кундаги ҳолати жаҳон капитал бозорига қўшилиб кетишга кам имконият беради.

- Ўзбекистонда миллий корпоратив бошқарув тизими ишлаб чиқилишини тезлаштириш, акциядорлик жамиятлари мулкдорлари ва менежерлари, ҳамда тармоқлараро назорат органлари раҳбарлари ва кенг иқтисодий жамоатчилик орасида муҳокама қилинишини ташкил қилиш.

- Корпоратив бошқарувнинг ички корпоратив норматив-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозори тизимини ривожлантириш, корхона бошқарув органлари тузилмаси таркибига қирадиган шахсларнинг жавобгарлигини оширишни ҳисобга олиш зарур.

Яқуний хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ривожланаётган корпоратив бошқарув тизими катта ҳажмдаги капитал тўплаш имкониятини яратса, фонд бозори эса иқтисодиётнинг барча тармоқларини доимий актив молиявий маблағлар билан таъминлаш имкониятини яратиб беради.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*У.А. Абдуллаев  
Тошкент молия институти “Банк иши”  
кафедраси доценти, и.ф.н.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилган<sup>165</sup>. Бу эса, тижорат банклари фаолиятини замоанвий рақамли технологиялар асосида ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Илғор хориж тажрибаси кўрсатадики, рақамли технологиялардан кенг қўламда фойдаланиш тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган чиқимларни камайтириш имконини

---

<sup>165</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

беради. Бу эса, банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Жаҳон банк амалиётида 1995 йилдан бошлаб хизмат кўрсатишнинг масофавий тизимларидан (Банк-мижоз, Интернет-банкнинг, Мобайл-банкнинг) фойдаланиш йўли билан бизнес жараёнларни оптималлаштиришни йўлга қўйилиши тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизматлар баҳоларини пасайтириш ва операцияларнинг тезлигини ошириш имконини берди<sup>166</sup>.

Банклар фаолиятида замонавий технологияларни қўллашнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатишнинг интернет-банкнинг технологияси ҳисобланади.

Интернет-банкнинг жисмоний шахсга уйдан чиқмай туриб банкда жорий ҳисобрақамлар очиш, ички банк ва банклараро тўловларни амалга ошириш, бир валютани иккинчи валютага конвертирлаш имконини беради. Мобайл банкининг қўшимча дастури жисмоний шахснинг аниқ бир мақсад учун пул жамғариш имкониятини баҳолаш имконини беради. Бунда, жисмоний шахс жамғариш объектининг тўлиқ суммасини кўрсатган ҳолда махсус дастурни ишга туширади. Дастур эса, ушбу суммани тўплаш имконини берадиган омонат турини ва ушбу омонат орқали зарур сумма тўпланадиган даврни аниқ кўрсатиб беради.

Фикримизча, банклар фаолиятида “Сунъий интеллект” технологиясини қўллаш борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш муҳим амалий аҳамияти касб этади. Бу борада Россиянинг Сбербанки тажрибасини ўрганиш мумкин.

Россия банк амалиётида “Сунъий интеллект” технологиясини биринчи бўлиб Сбербанк қўлаган. Сунъий интеллект банк юристи функциясини бажарди. Кутилмаган ҳолатларда банк ва мижоз ўртасида, банк билан бошқа банк ўртасида мунозарали ҳолат юзага келганда мазкур технология мингдан ортиқ параметр бўйича таҳлилни амалга ошириш орқали тўғри юридик ечимни топиш имконини беради<sup>167</sup>.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банклари фаолиятига рақамли технологияларни кенг қўламда жорий этишда рақамли каналлар муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги даврда халқаро банк амалиётида рақамли масофавий канал гуруҳларидан бири бўлиб, “Digital bank channel” шуруҳи ҳисобланади. Ушбу гуруҳга рақамли масофавий каналларга эга бўлган банклар киради. Ушбу банклар мобайл ва онлайн иловаларни яратишда рақамли каналлардан кенг қўламда фойдаланишади. Ушбу банкларда WhatsApp, Facebook, Telegram,

---

<sup>166</sup> Чен Ричард Инсик, Петров А.Я., Торбеев Е.И., Лимарев П.В. Цифровые технологии в банковской сфере. Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovye-tehnologii-v-bankovskoy-sfererossiyskiy-i-mirovoy-opyt>.

<sup>167</sup> Ломская Т. Сбербанк внедрил искусственный интеллект в мобильное приложение. Режим доступа: <https://www.rbc.ru/finances/18/07/2019/5d2f3a809a79470f1a2399f6>.

Viber мессенжерларида чат-бот орқали молияларни бошқариш имконини берадиган виртуал сервис яратилган.

Таъкидлаш жоизки, рақамли технологияларни фаолиятига фаол тарзда жорий қилаётган банкларда молиявий технологиялар соҳасидаги стартапларга нисбатан талаб юқори. Бунинг сабаби шундаки, мазкур стартаплар мижозларга хизматлар кўрсатиш тезлигини ошишига ва операцион чиқимларни камайишига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тижорат банклари фаолиятига хамоанвий рақамли технологияларни кенг кўламда жорий этиш масаласини муваффақиятли ҳал қилишнинг зарурий шартларидан бири бўлиб, банк соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобланади. Фикримизча, “Банк иши” мутахассислиги бўйича бакалаврият таълим йўналишида талабалар учун махсус фан – “Замонавий банк технологиялари” фани ўқитилиши лозим. Ушбу фанни ўқитиш жараёнига малакали профессор-ўқитувчилар билан бирга, банкларнинг рақамли технологияларни жорий этиш билан шуғулланадиган малакали мутахассислари жалб қилиниши керак.

## **РАҚАМЛИ БАНКИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

*Т.И. Бобакулов  
Бизнес ва тадбиркорлик олий  
мактаби профессори, и.ф.д.*

XXI асрга келиб, чакана банк хизматлари ва тўловлар соҳасида инновацион маҳсулотлар яратишнинг жадал суръатларда ривожланиши кузатилди. Хусусан, видеобанкинг, Интернет-банкинг, Web 2.0 технологиясига асосланган онлайн-банкинг каби инновацион молиявий хизматларнинг юқори суръатларда ривожланиши юз берди. Бу эса, рақамли банкингни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Ж.Синкининг маълумотига кўра, тижорат банклари фаолиятидаги илк жиддий инновацион маҳсулот бўлиб, 1961 йилнинг феврида Нью-Йоркнинг Биринчи миллий банки томонидан чиқарилган депозит сертификатлари ҳисобланади. Ушбу сертификатлар кейинчалик оммалашиб, тижорат банкларига ресурслар жалб қилиш ва пассивларни бошқариш имконини берди<sup>168</sup>.

Кейинчалик ғарб мамлакатлари амалиётида бир қатор инновацион депозит маҳсулотлари пайдо бўлди. Жумладан, XX асрнинг 70-йилларида АҚШ банк амалиётида фоиз тўланадиган трансакцион депозит ҳисобрақамлари – NOW – ҳисобрақамлари пайдо бўлди.

---

<sup>168</sup> Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицер, 2017. – 1018с.

Рақамли банкининг жуда долўарб масалаларидан бири бўлиб, шубҳасиз, марказий банкларнинг рақамли валютасини муомалага киритиш масаласи ҳисобланади.

Марказий банкнинг рақамли валютасини яратиш масаласини яратиш тўғрисидаги биринчи изланиш ҳақида Англия Марказий банки эълон қилди<sup>169</sup>.

Ҳозирги даврда, Швециянинг Марказий банки ва Хитой Халқ банки рақамли валютани яратиш устида изланишлар олиб ормоқда.

2019 йилнинг декабрь ойида Швеция Марказий банки томонидан марказий банкнинг рақамли валютасини муомалага киритиш бўйича синов лойиҳаси учун ускуналар сотиб олиш бўйича давлат харидлари амалга оширилди<sup>170</sup>.

2014 йилдан бошлаб, Хитой Халқ банки (ХХБ) томонидан рақамли валютани жорий этишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2017 йилда ХХБ томонидан Рақамли валюталар илмий-тадқиқот институти ташкил этилди<sup>171</sup>.

Кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан марказий банкнинг рақамли валютасига хос бўлган қуйидаги афзалликлар эътироф этилган:

– қулайлиги (рақамли валюталардан ҳисобрақам очмасдан туриб фойдаланиш мумкин);

– транзакцион чиқимларнинг камлиги (рақамли валюталар валюталарни конвертация қилиш, банк ҳисобрақамларини юритиш, “” тизимига хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради);

– хавфсизлиги (рақамли валюталар муомаласи, хусусий шахслар яратадиган криптовалюталардан фарқли равишда, марказий банклар томонидан ташкил қилинади ва маълум қоидалар асосида тартибга солинади);

– рақамли технологияларни ривожлантиришга кучли туртки бериши (рақамли валюталар янги пул шакллари пайдо бўлиша замин яратгани ҳолда, рақамли технологиялардан кенг кўламда фойдаланишга туртки беради).

Республикамиз тижорат банклари фаолиятида инновацион кредит турлари бўлган контокоррент ва форфейтинг кредитлари мавжуд эмас. Бунинг устига, синдицияли кредитлаш ривожланмаган. Бундан ташқари, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган шароитда давлат солиқ хизматига солиштириш далолатномасисиз инкассо қўйиш ва солиқ

---

<sup>169</sup> Central banks beat Bitcoin at own game with rival supercurrency//URL:<http://www.telegraph.co.uk/business/2016/03/13/central-banks-beat-bitcoin-at-own-game-with-rival-supercurrency>.

<sup>170</sup> Riksbank develops an e-krona in a test environment//URL:<https://www.riksbank.se/en-gb/press-and-published/notices-and-press-releases/notices/2019/riksbank-develops-an-e-kronain-a-test-environmen>.

<sup>171</sup> What is China’s digital currency plan? // URL: <https://www.ft.com/content/e3f9c3c2-0aaf-11eabb52-34c8d9dc6d84>.

тўловларини аванс тариқасида ундириш ҳуқуқининг берилганлиги инновацион кредит маҳсулотларини жорий қилишга тўсқинлик қилади.

Шунингдек, халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган рақамли технологиялардан – “Катта маълумотлар” ва “Реестрларни тақсимлаш” технологияларини республикамиз банклари амалиётига жорий этилмаган.

Ўзбекистон Республикасида рақамли банкингни инновацион технологиялар асосида ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Тижорат банкларининг овердрафт ва контокоррент каби инновацион кредит маҳсулотларини жорий қилиш ва ривожлантириш мақсадида давлат солиқ органлари томонидан солиқ тўловларини солиштириш далолатномасиз ва аванс тариқасида ундириш тартибини бекор қилиш лозим.

2. Тижорат банкларининг форфейтинг кредит маҳсулотини яратиш учун тижорат векселлари муомаласини қайта тиклаш лозим.

Республикамизда тижорат векселлари муомаласи 1997 йилда вақтинчалик тўхтатилган эди. Аммо, у ҳозирга қадар қайта тикланмади.

Форфейтинг кредитларини амалиётга жорий этиш корхоналар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини сезиларли даражада қисқартириш ва пулларга бўлган талаб миқдорини камайтириш имконини беради.

3. Тараққий этган мамлакатларнинг марказий банкларининг рақамли валюталаридан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини алоҳида диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганиш ва ушбу тадқиқотларни амалга ошириш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан молиялаштирилиши лозим.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА БАНК ҲУЖЖАТЛАРИ АЙЛАНИШИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.**

*ТМИ доценти, и.ф.н. И. Сайфиддинов,  
ТМИ магистранти И. Мулложонов*

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асоси унинг капитали ва банк фаолияти натижалари бўлган даромадлилик ҳисобланади.

Ҳар бир тижорат банкининг мақсади – ўз даромадларини кўпайтириш ва харажатларини камайтириш ҳисобига, максимал фойда олишдир. Риск даражаси юқори бўлган шароитда тижорат банкларини барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш зарур.

Аниқ вақтда тижорат банклари фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил этишнинг ҳозирги кундаги ҳолати унга қўйилаётган талаблар даражасида эмаслиги сезилиб қолмоқда.

Бу борада мамлакатимизда фаолият юритаётган банклар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, банкларнинг ички ҳисоб сиёсатини бозор муносабатлари талабларига мос равишда такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун банк тизими ривожланган мамлакатлари тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва улардан мамлакатимиз иқтисодиётига мос келадиган томонларини олиш, ҳамда амалиётга тадбиқ этиш лозим. Айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида банклар ўзининг ҳар бир сўмини тежаб – тергаб сарф қилиш ва имкони борича кам харажат қилиб эвазига кўпроқ фойда олиш орқали ходимларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқлари зарур. Чунки бозор иқтисодиёти боқимандаликни ёқтирмайди.

Бугунги кунда корпоратив бошқарув тизими жорий қилиниб борилаётган шароитда банкларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ва юритишда ўз ечимини топмаган қўйидаги муаммолар мавжуд:

- бухгалтерия ҳисоби фаолияти бўйича қонун ва қонуности ҳужжатларнинг амалда талаб даражада қўлланилмаётганлиги, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби функцияларининг тўла – тўқис амал қилмаётганлиги;

- иқтисодчи олимлар томонидан молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларининг ўзига хос жиҳатларини ўзаро қиёсий таҳлил қилинмаганлиги, уларнинг фарқли томонлари эса яхлит тарзда тадқиқ этилмаганлиги;

- Маъмурий-бошқарув харажатлари таркиби ва даромадлар манбаларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг бугунги талабларига, ҳолатига тўла жавоб бера олмаслиги.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш банк фаолиятининг бошқаришнинг асосий функцияларидан бири бўлиб банк фаолиятида бўлаётган воқеалар, ҳодисалар ва жараёнларни кўзатиш иборатдир. Маълумотларни тўплаш ҳамда қайта ишлаш, уларни ҳолисона баҳолаш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш орқали шу соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, амалга оширилган ижобий ишлар натижаларини эса янада кенгроқ тарғиб этиш, келгўсида амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб олишда ахборот манбаи ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини мамлакатимизда халқаро стандартлари талаблари даражасида амалиётга тадбиқ этиш масалалари ниҳоятда муҳим бўлиб, у доимо давлат ва жамият тараққиётининг устивор масалларини ҳал қилишда иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштиришда алоҳида ўрин тутди. Бироқ мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш йўлида қабул қилинган қонунлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларнинг амалиётдаги ҳолати қай даражада ва улар қандай ижро этилмоқда деган савол туғилади.

Маълумки мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ташкил этишнинг асосий тамойилларини амалга оширишда мустаҳкам замин бўладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиши учун халқаро стандартларга тўлиқ мос келадиган

меъерий ҳужжатларни қабул қилинаётгани ҳозир кунда тижорат банклари томонидан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари учун қўл келмоқда.

Ҳозирги кунда масофавий банк хизматларини ҳаётга татбиқ қилиш билан бирга кредит ташкилотлари узларининг анъанавий банк операцияларига қўшимча равишда, мижозлар эҳтиёжини тўлароқ ва сифатлироқ қондиришга ва янги банк маҳсулотларини кенг жорий этишга эришмоқдалар. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларини банк амалиётига жорий этилиши ва унда банк операцияларнинг кенг қамраб олиниши - чакана банк хизматлар бозорида банкларнинг нуфузларини оширувчи муҳим омил ҳисобланади. Банк мижозлари банк ҳисобварақларидаги маблағлар ҳақида узокдан туриб мобиль алоқа ёки интернет тизимидан фойдаланган ҳолда керакли ахборотларни олишлари ва банк хизматидан фойдаланишлари, шу жумладан, тўловларни амалга оширишлари мумкин. Моҳияти жиҳатидан банк ва мижоз мулоқотининг анъанавий ва масофавий банк хизмати схемалари орасидаги фарқ унинг тезлигида, сифатида ва автоматлаштирилганлик даражасида. Масофавий банк хизматида банк офисида бажарилиши лозим бўлган айрим операциялар эндиликда масофадан туриб амалга оширилмоқда ва банк ҳужжатларининг айлануви электрон ҳолатда амалга ошмоқда. Мижозлар банк операциялари тўғрисида ва қолдиқ суммасини реал вақт режимида доимий олиш имконини бериш билан чегараланиб қолмай, тегишли тўлов операцияларни бажариш имкони ҳам кенгайиб бормоқда.

Умуман хулоса қилиб айтганда тижорат банкларида барча операцияларини ҳужжатлаштириш, масофавий банк хизматларини ривожланиши банк-мижоз дастурини тобора ривожланиб бориши банк ва мижозлар (хўжалик юритувчи субъектлар) ўртасида маълумотларни алмашинуви, ҳужжатлар айланишини такомиллашуви банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамланиб боришига олиб келмоқда.

## **ОСОБЕННОСТИ АНАЛИЗА ФИНАНСОВО-ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ**

*Урманбекова Ирода Фарходовна,  
ст. преп. кафедры  
«Экономический анализ», ТФИ*

Энергетическая отрасль характеризуется как одна из важнейших в структуре не только государственной, но и мировой экономической системы и социальной сферы, и отличается от большинства производственных отраслей рядом специфических особенностей. Можно выделить следующие отличительные особенности:

- глубокое проникновение во все отрасли экономического хозяйства;
- значительное влияние на социальную и экологическую среду общества;
- взаимозаменяемость различных видов энергии и топлива при решении различных энергетических задач, взаимозаменяемость способов

транспортирования или передачи различных видов энергии и энергетических ресурсов, взаимозаменяемость энергогенерирующих установок;

- совмещение во времени процессов производства, распределения и потребления энергии при ограниченных возможностях ее аккумуляирования;

- неравномерность производства и потребления электрической и тепловой энергии при ограниченных возможностях ее аккумуляирования;

- необходимость обеспечения надежного и бесперебойного энергоснабжения потребителей, что обуславливает обязательное создание резервов;

- территориальное несовпадение между основными центрами производства и районами потребления энергии, а также источниками энергетических ресурсов;

- высокая степень концентрации производства и передачи энергии с применением сложных и дорогих видов энергооборудования и сооружений;

Эти особенности отрасли требуют технического и частично экономического единства всего энергетического хозяйства как комплекса взаимосвязанных систем от добычи и производства энергетических ресурсов до конечного потребления энергии. При установлении цен на энергетическую продукцию, и соответственно, объемов произведенной продукции, нужно принимать во внимание особенности энергетического производства:

1. Себестоимость продукции трансформируется под влиянием структуры генерирующих мощностей и используемых энергоресурсов. Это вызывает необходимость установления дифференцированных цен по районам и регионам для обеспечения нормальных уровней рентабельности.

2. Себестоимость единицы энергетической продукции меняется в зависимости от момента времени ее производства. Это связано с тем, что в зависимости от режима потребления в энергосистеме необходима различная установленная мощность оборудования, а, следовательно, различные эксплуатационные расходы.

Поэтому при анализе финансового состояния предприятий энергетики должны использоваться показатели, с учетом особенностей деятельности компаний энергетического комплекса. Это необходимо, в частности, для соотнесения нормативных значений ключевых показателей в соответствии с нормами, принятыми в сфере энергетики, которые несколько отличаются от общепринятых в связи со спецификой деятельности данной отрасли.

Состояние энергетической отрасли во многом обуславливается проблемами финансово-экономического характера. Финансовая дестабилизация в энергетической отрасли из-за роста неплатежей со стороны потребителей продукции комплекса приводит к росту задолженности предприятий отрасли в бюджеты всех отраслей и внебюджетные фонды.

При увеличении дебиторской задолженности энергетическая отрасль теряет возможность финансирования инвестиций, что становится особенно остро ощутимым в условиях старения и высокой изношенности основных



фондов, приводящих к некомпенсируемому выбытию производственных мощностей и даже невозможности простого воспроизводства.

Каждое предприятие должно функционировать рентабельно, соизмерять результаты своего труда с затратами, стремиться к повышению результатов и снижению затрат. Работу над сокращением издержек можно проводить по нескольким направлениям. Общая потребность энергоснабжающих организаций в финансовых средствах включает в себя виды расходов на воспроизводство, относимые на себестоимость продукции:

- сырье, основные материалы;
- вспомогательные материалы;
- услуги производственного характера;
- топливо на технологические цели;
- затраты на оплату труда;
- отчисления на социальные нужды;
- амортизация основных фондов;
- прочие затраты в том числе:
  - отчисления в ремонтный фонд, в случае его формирования;
  - средства на создание сезонных запасов топлива;
  - непроизводственные расходы. Налоги и другие обязательные сборы, оплачиваемые за счет себестоимости;
- затраты на подготовку и переподготовку кадров;
- амортизация по нематериальным активам;
- плата за предельно допустимые выбросы загрязняющих веществ;
- оплата процентов за кредит и по бюджетным ссудам;
- целевые средства энергоснабжающих организаций;
- другие прочие затраты.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ ДАСТЛАБКИ ТАН ОЛИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Умаров Зафар – ТМИ, кафедра мудири  
Ғайибов Алишер – ТМИ, магистр*

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётни жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Бунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мустахкам ресурс базасига эга бўлган тижорат банкларининг роли беқиёсдир. Банклар ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш билан бирга уларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиб уларга инвестиция қилмоқда. Тижорат банкларининг инвестициялари ҳисобига хўжалик субъектларида оборот маблағлари ошаяпти, ўзларига зарур бўлган ресурсларга эга бўлиб, ишлаб

чиқаришни, хизмат кўрсатишни ва ўз фаолиятини кенгайтириш имкониятига эга бўлмоқда. Ўз навбатида тижорат банклари активларни диверсификация қилиш, кўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлмоқда. Ушбу активлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан молиявий активлар деб номланади.

Банкларнинг молиявий активларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўғри тан олиш ва ҳисобга олиш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан 2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги низомининг аҳамияти катта.

Ушбу низомга мувофиқ молиявий активлар сифатида нақд пул маблағлари, шартномадан келиб чиқиб, бошқа хўжалик субъектларидан пул маблағларини ёки молиявий активларни олиш ва алмаштириш ҳуқуқи ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг улушли воситалари тушунилади. Улар уч тоифага бўлинади: 1) олди-сотди қимматли қоғозлари; 2) сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар; 3) сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар.

Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қиймати ўзгариши фойда ва зарарларда акс эттирилувчи савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ва банк баланс ҳисоботида дастлабки тан олишда «олди-сотди қимматли қоғозлари» деб таснифланган молиявий активларни ўз ичига олади.

Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозлари қайд қилинган ёки ўрнатилган миқдордаги тўловлар ва қайд қилинган тўлаш муддатига эга бўлган молиявий активлар бўлиб, бунда банк уларни сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имкониятига эга бўлиши лозим.

Молиявий актив яқин келажакда бевосита сотиш мақсадида олинган бўлса, ёки молиявий активлар портфели таркибига киритилган бўлиб, бунда банк томонидан битта гуруҳ сингари бошқарилса ва яқинда қисқа муддатли фойда кўришнинг ҳақиқий белгилари кузатилса, у савдога мўлжалланган активлар сингари таснифланади.

Банк бирор-бир бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишда, уларнинг ҳисобини ҳаққоний қиймати бўйича юритиш мақсадида бўлиб, ҳаққоний қийматини ишончли аниқлаш мумкин бўлса ва ҳаққоний қийматидаги ўзгаришини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш мақсадида бўлса, банк уларни “олди-сотди қимматли қоғозлари” тоифасида таснифлаши мумкин. Бунда банкнинг ушбу қарори кейинчалик ўзгармаслиги лозим. Банк олдида сотиб олинган қимматли қоғозни қайси тоифага киритиш муаммоси пайдо бўлади. Бу ўз навбатида харид қилинган молиявий активни қайси бухгалтерия ҳисобварағида акс эттириш муаммосини келтириб чиқаради.

Тижорат банки уни хал қилиш учун инвестиция сиёсатида молиявий активларни тўғри таснифланишини таъминлаши лозим ва банк ходимларига

операцияларни амалга оширишда инвестиция мақсадини аниқ белгилаши керак бўлади.

Банк молиявий восита бўйича шартнома шартлари тадбиқ этиладиган томонлардан бири бўлгандагина молиявий актив банк томонидан баланс ҳисоботида тан олинади. Банклар молиявий активни баланс ҳисоботида битим санаси бўйича юритиладиган ҳисобдан келиб чиққан ҳолда тан олишлари лозим. Молиявий актив ҳам, актив учун тўлов мажбурияти ҳам битим санаси бўйича акс эттирилади.

Банклар сотиб олинган молиявий активни дастлабки тан олишда унинг ҳақиқатдаги қийматини акс эттирган ҳаққоний қиймати бўйича баҳолайдилар. Сотиб олиш учун мавжуд ёки сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар деб таснифланган молиявий активлар бўйича уларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳам актив сифатида акс эттирилади ва қимматли қоғознинг «амортизация қиймати»га киритилади. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» сифатида таснифланган молиявий активларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар банкнинг жорий харажати сифатида тан олиниб, фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади.

Банклар молиявий активларни сотиб олишда уларнинг таснифига мувофиқ номинал қиймати тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг мос баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. Бунда, мукофот, дисконт ва бошқа ҳар қандай сотиб олинган ҳисобланган фоизлар алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

Банклар «олди-сотди» ёки «сотиб олиш учун мавжуд» қимматли қоғозлар сифатида таснифланган улушли қимматли қоғозларни сотиб олишда уларни ҳақиқий қиймати бўйича тегишли баланс ҳисобварақда акс эттиришлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда молиявий активларни тўғри тан олиш ва ҳисобга олиш банк даромадлигини, ликвидлигини оширишга ёрдам беради.

## **БАНК КАФОЛАТЛАРИНИ БЕРИШ АМАЛИЁТИ**

*Элбоев Бобур – ТМИ, Банк ҳисоби ва аудит  
кафедраси кабинет мудири  
Азимов Бахром – ТМИ, магистр*

Банк кафолатлари тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган нисбатан янги хизмат турлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу банк маҳсулотидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар маълум бир тендерларда иштирок этаётганда, экспорт ва импорт операцияларни амалга оширишда, кредит ёки қарз олаётганда, айтилиб кетган вақтда маблағи бўлмаган ёки маблағини бошқа мақсадларга фойдаланмоқчи бўла туриб товарларни сотиб олиш, хизматлардан фойдаланмоқчи бўлганда янада аниқроқ қилиб айтганда тўлов мажбурияти ёки буюртмани бажариш мажбурияти пайдо бўлганда банкка мурожаат қилади.

Тижорат банклари ушбу хизматни ўз кредит сиёсатида ва қонунчилик нормаларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатади. Банк кафолати кафолат бериш тўғрисидаги шартномага асосан махсус бланка тақдим этилади. Кафолат бланклари Бош банк ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида ягона шаклдаги махсус ҳимоя белгилари билан таъминланган қоғозда тайёрланиб, Бош банк томонидан банкнинг барча филиалларига етказилади.

Кафолат бериш тўғрисидаги шартномалар амалдаги қонунчиликка, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йил 15 майдаги “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисида”ги 2364-сонли низомга асосланилади ҳамда ҳар бир тижорат банкининг “Кредитлаш билан боғлиқ бўлган шартномаларни тузиш бўйича Тавсиялар”га риоя қилинган ва уларга илова қилинган шартномаларнинг намунавий шаклларида фойдаланган ҳолда тузилади. Ушбу шартномаларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолат миқдори, банк томонидан маблағ тўлаб берилганда, улар мижозлардан регресс тартибда ундирилиши, банк кафолати берилганлиги учун хизмат ҳақи миқдори, уларнинг тўлаш тартиби ва бошқа шартлар кўрсатиб ўтилиши зарур. Банк кафолатлари берилганлиги учун комиссия тўловлар тижорат банкларининг банк хизматлари бўйича тарифлари асосида белгиланади ва ундирилади.

Тижорат банклари банк кафолатини мижознинг тўловга лаёқатлигини баҳолаш ва маълум бир турдаги таъминот тақдим этилганда беради. Банк кафолатини олиш учун принципал томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: кафолат буюртмаси; кафолатдан фойдаланишнинг бутун даврини ўз ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа; тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл), шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари; охириги уч молиявий йил натижалари бўйича аудиторлик хулосаси.

Ушбу ҳужжатлар асосида мижознинг тўловга лаёқатлиги аниқланиб, банк кафолатини бериш масаласи аниқланади. Берилган кафолатлар бўйича алоҳида йиғмажилд очилади ва мижоз (принципал) учинчи шахс (бенефициар) олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариб бўлгунга ёки кафолатнинг амал қилиш муддати тугагунча юритилади.

Мижоз томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли, банк филиали томонидан кафолат бўйича маблағлар бенефициарга тўлаб берилган ҳолатларда, кафолат йиғма жилдлари банк томонидан тўлаб берилган пул маблағлари мижоз томонидан тўлиқ қайтарилгунга қадар юритилади. Бунда, банк томонидан тўлаб берилган маблағлар учун мижоз банкка маълум миқдорда фоизлар тўлаши лозим. Ушбу фоиз миқдори ва тўлаш тартиби кафолат бериш ҳақидаги шартномада белгилаб қўйилиши шарт. Кафолатлар бўйича банк филиаллари томонидан бенефициарга маблағлар тўлаб берилиши (талаб ижро этилиши) натижасида юзага келган қарздорлик, мижоз томонидан ихтиёрий равишда қайтарилмаган тақдирда, ушбу

қарздорликни тузилган шартнома шартларига кўра акцептсиз тартибда ҳисоб рақамидан ёки қабул қилинган таъминот ҳисобидан ундириш бўйича барча чоралари кўрилиши лозим.

Хозирги кунда Ўзбекистон банк амалиётида бериладиган кафолатлар қопланмаган ва қопланган кўринишда тақдим этилмоқда. Қопланмаган банк кафолати – мижоз (принципал)нинг пул маблағлари билан қопланмай бериладиган (чиқариладиган) банк кафолати. Бу каби кафолатлар таъминот қабул қилган ҳолда берилади. Қопланган банк кафолати – пул маблағлари таъминоти билан бериладиган (чиқариладиган) банк кафолатидир.

Хулоса қилиб айтганда банк кафолати мижозлар учун маблағларга эҳтиёж пайдо бўлганда, бирор бир танловда иштирок этишда жуда муҳим ҳисобланади. Банк мижоз учун ишлаши учун ушбу хизматни сифатли кўрсатиши унинг обрў-эътиборини оширишга замин яратади.

## **ТИЖОРАТ БАНКИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*ТМИ доценти, и.ф.н. И.Сайфиддинов,  
ТМИ магистранти А. Абдуразақов*

2020 йил мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти учун жуда мураккаб йил бўлди. Глобал пандемия таъсирида бошланган инқироз ҳам ички ҳам ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви ҳамда талаб ва таклиф тебранишларининг бир пайтда содир бўлганлиги билан ўзига хос давр ҳисобланади.

Пандемиянинг давом этаётганлиги ва унга қарши кўрилаётган чоралар иқтисодиётларга турли даражада тебраниш ва таъсир кўрсатганлиги, иқтисодий истиқболларни баҳолаш ва макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаштиришни маълум жиҳатдан қийинлаштирмоқда.

Пандемия шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва молиявий ресурслари заифлашиб қолди, тижорат банклари кредит портфели таркибида муаммоли кредитларнинг салмоғи белгиланган меъёр даражасидан ортди.

Биз энди айна вақтда банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг эркин бозор механизмлари жорий этилаётганлиги, хизмат турларини кенгайтириши, инфорацион технологияларнинг кенг қўлланилаётганлиги ва бошқа бир қатор ютуқларимизга қарамадан ҳали ҳам банк тизимимизда иккинчи тоифали бир қатор муаммолар мавжуд. Биз иккинчи тоифани ўзини уч йўналишда кўриб чиқамиз:

Биринчи йўналиш. Иккинчи тоифали муаммолардан энг биринчиси ва долзарби бу мижозлар билан боғлиқ муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлигидир. Мижозларнинг банкка нисбатан ижобий муносабати кундан кунга сўниб бораётганлигини олсак, банклар фаолиятига бу салбий таъсир қилиши кутилади.

Иккинчи йўналиш. Иккинчи тоифали муаммолар орасида асосий ўрин бу тижорат банклари кредитлари билан боғлиқ муаммолар банд этади.

- тижорат банклари мижозларга кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилишда марказлаштирилган амалиётнинг ҳали ҳам мавжуд эканлиги банкнинг бош юқори ва қуйи бўғинлари ўртасида маъсулият ва жавобгарликлар бўйича бир қанча тушунмовчиликлар олиб келмоқда;

- кредитга тушган аризаларнинг кўриб чиқишнинг тушунарсиз ва ноқулай механизмлари молиявий маблағ билан тезкор таъминланишга халақит қилмоқда. Бунинг натижасида мижозлар айланма маблағларни ўз вақтида тўлдириш билан муаммолар келиб чиқиб, уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб тижорат банкларига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келмоқда;

- берилаётган кредитларни кўриб чиқиш ва ажратиш учун комиссия тўловларнинг мавжудлиги берилаётган кредитнинг реал қийматини ошириб юбормоқда. Бу эса мижознинг ушбу кредитларга нисбатан талабини камайтиришига ва бу ўз навбатида банк фойдасининг камайишига олиб келмоқда;

- маълумки аҳолини кенг қатламида микроқарзга бўлган талаб катта. Аммо банкларимиз томонидан микроқарзлар учун белгиланган фоиз ставкаларининг юқорилиги, микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминлаб бера олмайди. Микроқарз берувчи нобанк кредит ташкилотлари бўлган ломбард ва микрокредит ташкилотлари микроқарзлар бўйича юқори ставкаларни устама сифатида белгилашган. Тижорат банкларининг ушбу шароитда ҳаракатсиз фаолияти мижозларнинг улар билан боғлиқ тушунчаларида салбийлик акс этиши ҳамда қолаверса келиши мумкин бўлган аниқ даромадларга эга бўлмасликларига олиб келади.

Учинчи йўналиш. Иккинчи тоифали муаммоларнинг учинчи шакли бу пластик карталар билан боғлиқ:

- хорижий валюталар мавжуд банк тўлов карталари билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги. Чет эл валютаси мавжуд халқаро карталар билан ишловчи банкоматлар ва хизмат кўрсатиш марказларининг камлиги ҳамда мамлакатда чат эл валютаси бўйича баъзи бир чекловларнинг мавжудлиги мамлакат банк тизимининг замонавий талаблар асосида фаолият кўрсатмаётганликларини англатади.

Юқоридаги муаммоларни тўғри ечимларини топиш банкларга бўлган ишончнинг мустаҳкамланиши ва унинг самарадорлигини ўсишига олиб келади. Биз ушбу муаммоларнинг қуйидаги ечимларини тижорат банкнинг келгуси ривожланиш йўналиш сифатида келтириб ўтаемиз.

Биринчидан йўналиш сифатида биз тижорат банклари фаолиятига замонавий банк хизматларини жорий қилишни киритамиз. Ахборот коммуникацион технологияларнинг жадал ривожланиши ва банк молия соҳасининг модернизацияси натижасида банк ҳам ўз фаолиятини ўзгаришларга мослаштириши талаб этилади. Бунда ривожланган мамлакатлар банк тизимларини чуқур ўрганган ҳолда уларда мавжуд замонавий технологиялар ва янги банк маҳсулот ва хизматларини турларларини жорий қилган тақдирдагина бугунги оддий банк тизими доирасидан чиқшимиз ва ривожланишимиз мумкин

бўлади.

Иккинчи йўналиш. Жаҳон иқтисодиётини пулларнинг қоғоз шакли эмас, балки қолган замонавий шакллари (пластик карталар, электрон пуллар ва бошқалар) камраб олган бир пайтда бизнинг банк тизимимиз ҳали ҳам М2 агрегатини юқори ушлаб туришга ҳаракат қилмоқда.

Учинчи йўналиш бу кредитлар билан боғлиқ. Кредитлар бу банкларнинг асосий даромади ҳисобланади. Айнан шу сабабдан ҳам яхши таснифли кредитлар ҳажмини ошириши унинг самарадорлигини оширади. Бунинг учун тижорат банки қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

Кредит учун ҳужжат топшириш ва унинг ўрганиш жараёнини электрон кўринишга ўтказиши лозим. Электрон шаклга ўтказиш ва уни кузатиб бориш имконини бериш бу юқоридаги муаммолар билан бир қаторда коррупция каби ёмон иллатларга ҳам бутунлай барҳам беради.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОРХОНА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.**

*ТМИ. Т.Эрматов. и.ф.н., доц.*

Борган сари замонавий рақамли технологияларга асосланган ва маълумотлар оқимининг мутоносиб ўсишига олиб келадиган ижтимоий тизимлар ва муносабатларнинг давом этаётган мураккаблашуви, рақамли иқтисодиётни шакллантириш масаласини олдинга сурмоқда. Давом этаётган жараёнларнинг аҳамияти янги турдаги иқтисодиётни шакллантириш масаласини кўтаришга имкон берди, бу ерда тобора кўпайиб бораётган маълумотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар ҳукмронлик қилади. Маълумотлар замонавий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ишлаш қонуниятларини ўрганидиган иқтисодий таҳлил учун асос бўлиб хизмат қилади. Бир қатор мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда иқтисодий агент учун ресурсга эгалик қилишнинг ўзи эмас, балки ушбу ресурс тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ва ундан ўз фаолиятинини режалаштириш учун фойдаланиш қобилияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунга асосланиб, «рақамли иқтисодиёт»ни ишлаб чиқариш, истемол, тақсимлаш ва айирбошлаш соҳасида маълумотларнинг роли ва уларни бошқариш усулларининг устунлиги билан тавсифланган замонавий бошқарув тури деб тушуниш керак.

Рақамли иқтисодиётга ўтишга уринишлар давлат ва бизнес учун муҳим ишлардан ҳисобланади, аммо уни ҳар қандай олдиндан белгиланган алгоритмга мувофиқ шакллантириш мумкин эмас. Бутун дунёда иқтисодчилар, ишбилармонлар ва IT- мутахассислар рақамли иқтисодиётга ўтиш учун янги технологиялар ва моделларни яратмоқдалар, бугунги кунда ушбу атама умумий тушунчага эга эмас.

Замонавий иқтисодиёт доимий такомиллаштиришга асосланган бўлиб, бунда бошқарувнинг янги моделларини модернизация ва ихтиро қилиниб келмоқда. Ривожланиш бутун дунё миқёсида, алохида давлат, корхона ва ҳаттоки компаниядаги бўлим доирасида ҳам бўлмоқда. Бундай кенг тараққиёт «рақамлаштириш» тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Рақамлаштириш ходисасини ўрганиш нуқтаи назаридан асосий қийинчилик бу ишлаб чиқилган услубий ва илмий базанинг етишмаслигидир. Кўпчилик тадқиқот ва ишланмалар – битта доирадаги тижорат лойиҳалари, консалтинг ташкилоти, фирма ёки саноатда бўлишидир.

Бугунги кунда ўз соҳаларида етакчи компанияларнинг аксарияти рақамлаштириш воситаларини фаол равишда жорий этмоқдалар, корпоратив алоқа, ўқитиш ва ривожланиш дастурлари, танлов учун платформалар, етказиб берувчи пудратчилар, бу ўсишда айниқса коррупцияга қарши талаблар ва бизнеснинг шаффофлиги муҳимдир.

Бунга интилиш рақамлаштиришнинг ҳар иккала ички эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, улар ҳақида юқорида айтиб ўтилган самарадорликни ўсишишига, маҳсулот сифатини оширишга, кўшимча даромад олиш истагига эришишни мисол тариқасида таъкидлаш мумкин ва компанияга ташқи таъсир этувчи омиллардан бозорни ривожланиши, рақобатнинг кучайиши, ва қонунчиликни кучайтирилишини кўрсатиш мумкин. Замонавий компаниялар, айниқса йирик компаниялар қўйидаги субъектлар томонидан комплекс тартибга солишда қўйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

- коррупцияга қарши қонунчиликни кучайтирилиши давлат, бизнеснинг шаффофлигини оширишига;

- холисона манфаатдор бўлган акциядорлар ва инвесторларнинг иқтисодий манфаатларидан келиб чиккан холда, ушбу томонларнинг жараёнларнинг шаффофлигини ва очиқлигини, шунингдек самарадорликни ва барқарорликни оширишига;

- хамкорлар, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқалар компаниянинг барқарорлиги ва шаффофлигидан энг куп манфаатдор, чунки бу нафақат молиявий активларни, балки ишончсиз ташкилотлар билан хамкорлар обрусини ҳам йуқотиш хавфини туғдиришига олиб келади.

Шундай қилиб, барча санаб ўтилган томонлар компаниянинг рақамлаштириш бизнес-жараёнлари ривожланишдан манфаатдор бўлади, чунки бу уларга маълумотлардан фойдаланиш ва уларнинг очиқлигини талаб этади. Очиқликни оширилиши барча манфаатдор томонларга имкон беради, натижада керакли маълумотларни олишлари учун бу унинг сохталаштириш имкониятини камайтиради.

Юқорида айтилганларнинг барчасини умумлаштириб, ўрганилаётган жараён тарифини куйидагича изохлаш мумкин булади. Рақамлаштириш – бу барча даражадаги бизнесни рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида қиймат яратишни тубдан ўзгартириш, бизнес жараёнлари ва бошқарувни оптималлаштириш мақсадида истеъмолчилар, ходимлар, маҳсулот етказиб



берувчилар ва бошқа манфаатдор томонлар билан алоқани соддалаштиришдир.

## **БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН КЕНГ КЎЛАМДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ**

*У.А. Абдуллаев  
ТМИ. “Банк иши”  
кафедраси доценти, и.ф.н.*

Илғор хориж тажрибаси кўрсатадики, рақамли технологиялардан кенг кўламда фойдаланиш банк тизимининг хусусан, тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган чиқимларни камайтириш имконини беради. Бу эса, банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Жаҳон банк амалиётида 1995 йилдан бошлаб хизмат кўрсатишнинг масофавий тизимларидан (Банк-мижоз, Интернет-банкнинг, Мобайл-банкнинг) фойдаланиш йўли билан бизнес жараёнларни оптималлаштиришни йўлга қўйилиши тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизматлар баҳоларини пасайтириш ва операцияларнинг тезлигини ошириш имконини берди<sup>172</sup>.

Шунингдек, кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан марказий банкнинг рақамли валютасини жорий қилиш ҳам ўзига хос тарзда афзалликларни юзага келтиришини эътироф этишган.

Хусусан, тизимда қулайлиги жиҳатидан, рақамли валюталардан ҳисобрақам очмасдан туриб фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиб, транзакцион чиқимларнинг камлиги, рақамли валюталар, валюталарни конвертация қилиш, банк ҳисобрақамларини юритиш тизимига хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш имкониятига эгаллиги билан номоён бўлади.

Шунингдек, хавфсизлиги жиҳатидан эса рақамли валюталар муомаласи, хусусий шахслар яратадиган криптовалюталардан фарқли равишда, марказий банклар томонидан ташкил қилинади ва маълум қоидалар асосида тартибга солинади. Бу эса ўз навбатида рақамли технологияларни ривожлантиришга кучли туртки бериб, рақамли валюталар, янги пул шакллари пайдо бўлишига имкон яратади.

Ҳозирги даврда халқаро банк амалиётида рақамли масофавий канал гуруҳларидан бири бўлиб, “Digital bank channel” гуруҳи ҳисобланади. Ушбу гуруҳга рақамли масофавий каналларга эга бўлган банклар киради. Ушбу банклар мобайл ва онлайн иловаларни яратишда рақамли каналлардан кенг кўламда фойдаланишади. Ушбу банкларда WhatsApp, Facebook, Telegram,

---

<sup>172</sup> Чен Ричард Инсик, Петров А.Я., Горбеев Е.И., Лимарев П.В. Цифровые технологии в банковской сфере. Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovye-tehnologii-v-bankovskoy-sfererossiyskiy-i-mirovoy-opyt>.

Viber messenjerlarida chat-bot orqali moлияlarни бошқариш имконини берадиган виртуал сервис яратилган.

Таъкидлаш жоизки, рақамли технологияларни фаолиятига фаол тарзда жорий қилаётган банкларда молиявий технологиялар соҳасидаги стартапларга нисбатан талаб юқори. Бунинг сабаби шундаки, мазкур стартаплар миждозларга хизматлар кўрсатиш тезлигини ошишига ва операцион чиқимларни камайишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган мамлакатлар банк тизими, хусусан, марказий банкларининг рақамли валюталаридан фойдаланиш жараёнларини мукамал ўрганиб, Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш лозим. Бу эса ҳозирги куннинг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT-O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI DAVRI**

*Ilmiy rahbar: Ostonaqulov A  
Bajardi: Nuriddinov A*

Dunyo mamlakatlari kabi O'zbekistonda ham raqamli iqtisodiyot rivojlanmoqda. Kundalik hayotimizga axborot texnologiyalarni tadbiq qilinishi ortidan oddiy insonlar uchun ko'plab imkoniyatlar yaratilmoqda. Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan parlamentga yo'llangan Murojaatnomada ta'kidlanganidek, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish O'zbekiston uchun kelgusi yillarda eng dolzarb va ustuvor yo'nalishlardan biri. Yurtimizda 2020 yil "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" deb e'lon qilingani ham bejiz emas. 2020 yilda AKT sohasida bir qator yirik loyihalar amalga oshiriladi. Hozirga kunda uydан chiqmasdan ko'plab oziq-ovqat mahsulotlari va taomlariga buyurtma berishimiz, ularni uyimizgacha yetkazib berishlari mumkin. Lekin shuni ta'kidlash kerak-ki, O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot O'zbekiston potensialiga nisbatan bir necha barobar sekinroq rivojlanmoda. Ya'ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud lekin rivojlanish ancha sust. Bunga sabab sifatida raqamli iqtisodiyotni O'zbekistonda rivojlanishini bir qanchа to'siqlarini ko'rsatib o'tish mumkin. O'zbekistonda barchа tizimlar raqamlashmoqda. Quyidagilar raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni yana-da rivojlantirishning qo'shimcha vazifalari etib belgilandi.

2023-yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravarga ko'paytirishni nazarda tutgan holda, shu jumladan, ishlab chiqarishni boshqarishda axborot tizimlari kompleksini joriy qilish, moliyaviy-xo'jalik faoliyatda hisobot yuritishda dasturiy mahsulotlardan keng foydalanish, shuningdek, texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish orqali uni jadal shakllantirish;

2020-2021 yillarda barchа sog'liqni saqlash muassasalari, maktablar va maktabgacha ta'lim tashkilotlarini, shuningdek, qishloqlar va mahallalarni yuqori tezlikdagi Internet tarmog'iga ulash hamda aloqa xizmatlari sifatini oshirishni

koʻzda tutgan holda mamlakatning raqamli infratuzilmasini toʻliq modernizatsiya qilish va zamonaviy telekommunikatsiya xizmatlaridan barcha hududlarda foydalanish imkoniyatini taʼminlash;

2022-yilga qadar elektron davlat xizmatlari ulushini 60 foizgacha yetkazishni nazarda tutgan holda davlat axborot tizimlari va resurslarini yaratish hamda integratsiya qilish, davlat maʼlumotlar bazalaridagi axborotlarni unifikatsiya qilish, shuningdek, davlat xizmatlarini koʻrsatish tartibotlarini optimallashtirish va tartibga solish orqali elektron hukumat tizimini rivojlantirish;

dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqarish va texnologik maydonchalar yaratish orqali “raqamli tadbirkorlik”ni rivojlantirish, 2023-yilga kelib ushbu sohadagi xizmatlar hajmini 3 baravarga oshirish va ularning eksportini 100 million dollarga yetkazish;

taʼlim tizimining barcha bosqichlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish va zamonaviy iqtisodiyot uchun zarur boʻlgan raqamli bilimlarning darajasini oshirish, taʼlim infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, “Besh tashabbus” loyihasini amalga oshirish doirasida 2022-yilga qadar respublikaning barcha hududlarida raqamli bilimlarga oʻqitish markazlarini ochish.

Xulosa oʻrnida aytish joizki, insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bogʻliq boʻlib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi. Bunga erishish uchun raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning quyidagi asosiy shartlari va ustuvor yoʻnalishlarini sanab oʻtish maqsadga muvofiq:

- raqamli texnologiyalar barqaror faoliyat koʻrsatishi uchun institutsional muhit va raqamli infratuzilmani yaratish, davlat xizmatlarini koʻrsatish, iqtisodiyotning real sektori tarmoqlari, sogʻliqni saqlash, davlat kadastri va boshqa sohalarda raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, shuningdek,

Oʻzbekiston Respublikasi hududini rivojlangan mamlakatlar darajasida internet global tarmogʻiga ulanish imkoniyatlari bilan imkon qadar toʻliq qoplashni bosqichma-bosqich taʼminlash;

- kadrlar tayyorlash koʻlamini kengaytirish va bu yoʻnalishlar boʻyicha chuqur bilimga ega malakali dasturchilar va injener-texnik xodimlarni yetishtirish, taʼlim tizimining barcha bosqichlarida xalqaro andozalarga toʻliq javob beradigan zamonaviy axborot texnologiyalarini oʻqitish,

- shu jumladan, xorijiy hamkorlarimiz bilan birgalikda “1 million dasturchi” loyihasini muvaffaqiyatli amalga oshirish;

- raqamli iqtisodiyot sohasida ilmiy-nazariy bazani mustahkamlash va bu sohada “Raqamli ishonch” jamgʻarmasi mablagʻlaridan maqsadli foydalangan holda ilmiy faoliyatni qoʻllab-quvvatlash;

- aholining keng qatlamlari o‘rtasida “raqamli savodxonlik”ni targ‘ib qilish va kengaytirish, ularni axborot texnologiyalarini o‘zlashtirishga jalb qilish maqsadida o‘quv yurtlarida seminar, kurslar va boshqa tadbirlarni o‘tkazish;

- raqamli iqtisodiyot sohasida me‘yoriy-huquqiy bazani mustahkamlash va qonunchilik hujjatlarini takomillashtirish, shuningdek, “startap” tushunchasi, faoliyati, venchur fondlari orqali ularni moliyalashtirishning huquqiy asoslarini yaratish;

Xalqaro tajriba shundan dalolat bermoqdaki, bugungi kunda raqamli texnologiyalar asosan ilmiy hamjamiyat va xususiy sektorda jadal rivojlanmoqda. Shuning uchun davlat, aynan, ushbu sohalarda innovatsion loyihalar va IT-kompaniyalarni qo‘llab quvvatlagan holda qulay ekotizimni yaratishi lozim.

## **GLOBAL BOZOR MUNOSABATLARI SHAROITIDA ISHLAB CHIQRISH KORXONALARI BOSHQARUVIDA RAHBARNING ROLI**

*TMI, Menejment va marketing kafedrası  
dots.v.b., F.T.Bazarova*

Global o‘zgarishli islohotlar davrida mamlakatimiz iqtisodiyotining muvaffaqiyatli rivojlanishi uchun

boshqarishda kadrlari bilan olib borilayotganishlarni doimiy sur‘atda yaxshilash bugungi davr talabidir. Bu borada Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev qutidagi fikrlarni bildirdi:” Bozor iqtisodiyoti va davr talablariga mos ko‘plab qonun va qarorlarni qabul qilyapmiz. Lekin, afsuski, ularni ijro etadigan ko‘pgina amaldorlar hali ham eskicha ish uslubi, rasmiyatchilik va befarqlikdan qutulgani yo‘q. Ochiq bozor mahsulot sifatini oshirish, tannarxni pasaytirish, yangi texnologiyalar olib kelishga majbur qiladi, bozor islohotlarini jadal rivojlantiradi. Sodda qilib aytsak, jahon ishlab chiqarish tizimiga, dunyo bozori talablariga va iqtisodiy integratsiya jarayonlariga hamohang bo‘lishimiz lozim. Muloqot va raqobatga tayyor bo‘lish uchun tarmoq rahbarlari o‘z ustida tinimsiz ishlashi shart.”<sup>173</sup>

Amaliyot shuni ko‘rsatdiki, bozor munosabatlarining imkoniyatlari va ustunligidan samarali foydalanish aynan boshqarish kadrlarining va birinchi navbatda rahbarlarning aqli, ishbilarmonligi, yangi sharoitda boshqarish maqsadlari, tamoyillari va uslublarini qay darajada qo‘llay bilish qobiliyatiga bog‘liq

bo‘ladi. Har qanday davlatni rivojlanishi uchun uchta asosiy omilga amal qilishni alohida ta‘kidlab o‘tish joiz. Bularga insonlar, moliya siyosati, texnika va

texnologiya kiradi. Ayniqsa, bozor iqtisodiyotiga o‘tish hamda globallashtirish munosabat bilan

korxonalar rahbarlari rolining oshib borishi bir qator omillar bilan belgilanadi. Chunonchi, ishlab chiqarishdagi sifatli tashkiliy o‘zgarishlar, fan-texnika-texnologiyalarning taraqqiyoti, jamiyatning demokratlashuvi bilan rahbarlarning

---

<sup>173</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020 yil, 29 dekabr.

alohida o‘rin egallashi, xo‘jalik prospektlarining ijtimoiy jamiyatining ortishi, tabiiy-iqtisodiy va siyosiy o‘zgarishlar va hokazolar rahbar mehnatini murakkablashtiradi va uni tashkillashtirilgan bo‘lishini taqozo qiladi. Shuning uchun ham aynan bugungi kunda xo‘jalik yurituvchi sub‘yektlar faoliyatida zamonaviy rahbarining o‘rni beqiyos hisoblanadi.

Korxonada boshqaruvi tizimi murakkab munosabatlar majmuasini tashkil etish va muvofiqlashtirib borishdan bo‘lganligi sababli, rahbar faoliyatiga ham bugungi kunda yuksak talablar qo‘yilmoqda. Jumladan, korxonada rahbari yo‘nalish bo‘yicha maxsus texnik-texnologik ko‘nikma va ma‘lumotdan tashqari boshqaruvchilarga xos bo‘lgan yetakchilik, psixologik, pedagogik sifatlariga ham ega bo‘lishi shart. Ular hayot bilan qadam-baqadam yurishlari, o‘z mahsulotlari bilan bozor talablarini hisobga olishlari, talab va taklif o‘zgarishini kuzatib borishlari lozim. Ular yuksak ahloqiy, ishchan o‘z manfaatlarini jamiyat, jamoa manfaatlari bilan birga uyg‘unlashtiruvchi, ahil jamoani tuza oluvchi kishidir. Aks hollarda korxonada faoliyati samarasining pasayishi yoki inqirozga yuz tutishi mumkin.

Rahbar mehnatini ilmiy asosda tashkil qilish boshqarishda mehnatni tashkil qilishning qandaydir alohida turlaridan biri emas, balki har bir hodimning boshqaruv vazifalarini bajarishga oid mehnatini ratsional taqsimlash asosida, boshqaruv tamoyillari uslublari, vositalarini aniq bilish va mohirlik bilan foydalanishdir. Rahbarning qimmatli fazilati kreativlikdir. Bu - insonning vazifalarni hal qilishga ijodiy yondashish qobiliyati bo‘lib, u innovatsion faoliyat uchun nihoyatda muhimdir. Boshqaruv faoliyatiga tadbiquan kreativlik rahbarning o‘z xodimlari faoliyatida yangilik, ijodiylik belgilarini ko‘ra bilishi va ularni qo‘llab-quvvatlashi tushuniladi.

Rahbarlar mehnatining asosiy faoliyati korxonada yo‘lga qo‘yilgan mahsulot ishlab chiqaruvchilar mehnatining ajralmas qismidir. Rahbar to‘g‘ridan-to‘g‘ri moddiy boylik yaratmasdan, biroq uning boshqaruvchilik faoliyati ishlab chiqarish jarayonida yuzaga keladi. Shuningdek, rahbar faoliyati ishlab chiqarish ko‘rsatkichlarida kuzatiladigan o‘zgarishlar asosida baholanadi. Ko‘rinib turibdiki, rahbar faoliyati ko‘p qirrali va korxonaning samarali faoliyatiga ulkan ta‘sir ko‘rsatuvchi mehnat turi ekan.

Korxonani boshqarishning samaradorligi, maqsadlarni shakllantirish va amalga oshirishga qanchalik kam vaqt sarflansa, u shunchalik yuqori bo‘ladi. Bunga korxonada rahbari va boshqaruv funksiyalarini bajarishga mas‘ul bo‘lgan boshqa shaxslarning tajribasi va malakasidan tashqari, boshqaruv amaliyoti va ish tartibiga tashkil qilish bo‘yicha tashkiliy-texnikaviy chora-tadbirlar majmuasini qo‘llash hisobiga erishiladi.<sup>174</sup>

Rahbar mehnatining samaradorligi ko‘p jihatdan o‘z faoliyatini yaxshilash borasidagi sa‘y harakatlariga, o‘z – o‘zini boshqarish (o‘z – o‘zini menejment)ga bog‘liq bo‘ladi. U oqilona va mahsuldor ishlash mahoratini charxlash imkonini beradi. Rahbar tashkilotning ichidagi va tashqarisidagi munosabatlarni shakllantiruvchi, tashkilot a‘zolarini maqsadlarga erishishga undovchi, ularning

---

<sup>174</sup> Питер Друкер. Практика менеджмента.-М. “Манн, Иванов и Фербер”. 2015.267-276 с.

harakatlarini muvofiqlashtiruvchi, tashkilotning vakili sifatida harakat qiluvchi rahbar sifatida bo'ladi. U odamlar orqasidan borishga tayyor bo'lgan kishi bo'lishi kerak.

Rahbarlar yaxshi taktikkina bo'lib qolmay, strateg ham bo'lishlari kerak. Ular bozor ehtiyojlarini inobatga olishlari, bozorning shakllanishida ta'sir etish, talabdagi o'zgarishga egiluvchan shaklda javob berish, u maqsadni aniq tasavvur qila olish, ertangi kun muammolarini yechish uchun bugundan taraddud ko'ra olish, texnik yutuq va iqtisodiy ijtimoiy rivojdan orqada qolmaslik uchun va samarali xo'jalik yuritish kerak. Bunga erishish uchun iqtidorli boshqaruv apparatiga ehtiyoj seziladi. Bozor sharoitlarida yaxshi natijalarga erishish uchun kadrlar tayyorlash tizimiga yangi talablar qo'yiladi, bu tizimda universitet va institutlar alohida o'rin egallashi lozim, oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida yangi tipdagi, iqtisodiyotni yaxshi biluvchi, boshqaruvning iqtisodiy, ijtimoiy-psixologik usullari va texnika vositalarini qo'llay oluvchi rahbarlar tayyorlanishi lozim.

Boshqaruv tizimida rahbar xodimning faoliyati muhim o'rin egallaydi. Bu esa, o'z tavsifi bo'icha siyosiy va mumtoz faoliyatdir. Rahbar xodim davlat ko'rsatmalarini ro'yobga chiqaradi. U xo'jalik tizimida davlatning vakili hisoblanadi. Boshqacha qilib aytganda, haqiqiy rahbar xodim ushbu jamoaning ilg'or kishisi bo'lib, u o'z korxonasi va tashkilotining foydasini ko'zlovchi va korxonasi sha'nini himoya qiluvchi shaxsdir. Rahbarning boshqa xodimlardan farqi, uning boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish, joriy qilishi va ularning bajarilishini nazorat qilishdan iborat. Boshqaruvning murakkablashuvi rahbar xodim roli va ma'suliyatini oshirmoqda. Bu esa, ularning kasb qobiliyati tayyorgarligini ko'rsatadi.

Bozor munosabatlari rahbarlardan uddaburonlikni va tezkor qaror qabul qila olishni talab qiladi. Hozirda, nafaqat, umumiy islohot prinsiplarini bilish, balki kundalik hayotda ulardan samarali foydalanish, ishlash usul va uslubini takomillashtirish zarurdir.

Korxonasi maqsadlariga erishish uchun rahbar quyidagi asosiy vazifalarni bajarishi kerak: boshqaruv, texnik-texnologik, ishlab chiqarish, ilmiy tadqiqotlar, xo'jalik aloqalari, davlat bilan munosabatlar, axborot ta'minoti, moddiy-texnik ta'minoti, ishchi kuchi ta'minoti, ijtimoiy, ekologik va hokazo vazifalar. Zamonaviy rahbarlar yuqori malakaga ega bo'lishi, istiqbolni ko'ra olishi va samarali xo'jalik yuritishga imkon yaratuvchi iqtisodiy fikr yuritish, shaxsiy intizomga ega bo'lish, topshirilgan vazifaga javobgarlik hissi bilan yondashish, g'oyalarni to'plash, chiqishimli va ishbilarmon bo'lishi kerak.

Buyuk Britaniya menejment uslubi tajribasini olib qaraydigan bo'lsak, ular uchun quyidagilar xarakterli:

-ishlab chiqarish xarajatlarini pasaytirishga kuchli e'tibor;

-ITTKIning astoydil o'tkazish va ilmtalab mahsulotlar ishlab chiqarishni tez o'zlashtirish (masalan, ingliz kompaniyalarining telekommunikatsiya va farmatsevtika sohasidagi yutuqlari);

-texnologik jarayonlarning qo'llanilishida egiluvchanlik (agar Germaniyada qabul qilingan texnologik instruksiyalar o'zgartirilishidan avval uzoq kelishuvlar

o'tkazilsa, ingliz firmalarida texnologik jarayonlarni zamonaviylashtirish va takomillashtirish tez amalga oshiriladi);

-ishlab chiqarish detallari va nozikliklariga e'tibor;

-ishchi kuchiga nisbatan kam haq to'lash.

Kelajakdagi boshqaruvchilar shubhasiz umumiy dunyoqarashini rivojlantirishi kerak. Biz doimo o'zgaruvchan olamda yashaymiz. Rahbar buni boshqalardan ko'proq va yaxshiroq tushunishi kerak. Gap faqat olamdagi yoki xalqaro maydondagi katta o'zgarishlar haqida ketayotgani yo'q. Bozordagi vaziyat o'zgaradi: talab o'zgaradi, iste'molchilarning qarashlari, bozordagi narxlar, raqobat murakkablashadi, yangi tovarlar, texnologiyalar paydo bo'ladi, ishchi kuchi sifatiga talab o'zgaradi. Rahbarning kasbiy hayotda ham bir qancha o'zgarishlar yuzaga keladi: inflyatsiya yuzaga keladi va rivojlanadi, hamkorlik va xom ashyo yetkazib beruvchilar o'z majburiyatlarini bajarishmaydi, yangi qonun-qoidalar chiqadi, yuqori malakali mutaxassislar pensiyaga chiqishadi yoki boshqa korxonaga ishga o'tib ketishadi, aylanma mablag'larda uzilish yuzaga keladi, yoki yanada samaraliroq potensial sheriklar uchrab qoladi va hokazolar. Shuning uchun ham rahbar har kuni va har soatda o'zgaruvchan muhit sharoitiga tayyor turishi talab etiladi. Aks holda o'zgarishlarni tezkorlik bilan qayd etib unga muvofiq choralar ko'rmaslik tashkilot uchun yomon holatlarni yuzaga keltirishi va rahbarni bundan faol ish muhitidan chetlatilishiga olib kelishi mumkin. Bunday tez o'zgaruvchanliklarni bartaraf etishda rahbar uchun bitta imkoniyat bor-bu qaror qabul qilish.

Globalashuv jarayoni rahbar faoliyatida hamda ning ma'naviy, goyaviy hayotida ham aks etmasdan qolmaydi. Shuning uchun zamonaviy rahbar yuksak ma'naviyat sohibi bo'lishi va milliy goya negizlariga tayanishi kerak.

Xulosa qilib aytganda, globalashuv jarayonlari shiddatli tus olayotgan bugungi kunda har bir rahbar mehnatni tashkil etishda tez o'zgarib borayotgan dunyo bilan hamqadam bo'lib yashashi, har qanday tashqi ta'sirlarga milliy-ma'naviy qadriyatlarga tayangan holda hamda o'z ma'naviy salohiyati bilan javob bera olishi lozim.

## **ISHLAB CHIQRISH KORXONALARI BOSHQARUVIDA RAQOBATBARDOSHLIKNING SIFAT OMILI ORQALI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYOTI**

*TMI, Menejment va marketing kafedresi  
dots v.b., F.T.BAZAROVA*

O'zbekistonda bozor islohotlarini chuqurlashtirish va iqtisodiyotni erkinlashtirish jarayonining asosiy shartlari - bozor talabini qondiradigan mahsulotlarni ishlab chiqarishni ko'paytirish, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar raqobatdoshligini ta'minlash, ishlab chiqaruvchi va xaridorlar o'rtasidagi munosabatlarni samarali shakl hamda uslublarda tashkil etishdan va maksimal foyda olishdan iborat.

Respublikamizda iqtisodiyotning raqobatbardosh tuzilmasini shakllantirish uchun yetarlicha salohiyat mavjud. Shuning uchun hukumatimiz va rahbariyat tomonidan

birinchi navbatda sanoat korxonalari tovar siyosatining amaliy mexanizmini shakllantirish va bu jarayonda korxonalar marketing faoliyatini rivojlantirish muammolari va istiqbollari hamda boshqaruv samaradorligini oshirish masalalariga e'tibor beriladi. Ushbu masala davlatimiz rahbarining e'tibor markazida bo'lib, prezidentimiz Sh.Mirziyoyev quyidagi firlarni bildirdi:

“Barqaror iqtisodiy o'sishning eng muhim garovi – raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish, ular uchun yangi xalqaro bozorlar topish va eksportni ko'paytirish, tranzit salohiyatidan to'liq foydalanish hisoblanadi. Bu yil eksportyorlarga kafillik beradigan va xarajatlarning bir qismini qoplaydigan – Eksportni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi hamda eksportni oldindan moliyalashtirish uchun – Eksport-kredit agentligi tashkil etiladi. Shuningdek, eksport qilishda zamonaviy sug'urta xizmatlari yo'lga qo'yiladi, avtomobil va havo transporti xarajatlarini qisman davlat tomonidan qoplab berish mexanizmi joriy qilinadi. Tashqi savdo bilan bog'liq nazorat tizimi va infratuzilmani yaxshilash zarur. Jumladan, xorijiy tajribadan kelib chiqib, bojxona postlarida nazoratni amalga oshiradigan bojxona, sanitariya, karantin, veterinariya va boshqa idoralar faoliyatini isloh qilish lozim.”<sup>175</sup>

Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonaning faoliyati raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarish va sotishdan olinadigan daromadga bog'liq. Bunday sharoitda qattiq raqobat, bozorda tanlanganini olish mumkin bo'lgan turli tovarlar, ular nomenklaturasining tez yangilanishi firma oldiga muntazam ishlab chiqariladigan mahsulotni xaridor qanday qarshi oladi, tovar muvaffaqiyatli yoki muvaffaqiyatsizligining sababi nimada, degan savollar qo'yadi. Ushbu muammolarni tahlil qilish zaruratiga yangi buyumlarni ishlab chiqish narxi, ularni yaratish bilan bog'liq tavakkalchilikning oshishi sabab bo'ladi. Bularning hammasi korxonani ishlab chiqarilayotgan tovarlar raqobatbardoshligini diqqat bilan o'rganishga majbur qiladi. Sifat – mahsulotning raqobatbardoshlik omili, doimiy iste'molchini o'ziga mustahkam jalb qilish omili, bozor tokchasida yuqori pozitsiyani egallash omili va firma brendi, imidjini ko'z gusidir.

Bizning mamlakatimizda ilgari raqobatga ko'proq salbiy munosabat bildirilar edi. Lekin amaliyot shuni ko'rsatdiki, bozor munosabatlariga qadam qo'ygan mamlakatlar aynan raqobat tufayli va uning asosida olg'a harakatni ta'minlaydilar. Raqobat usullarining ikki asosiy guruhlar mavjud: narxli va narxsiz.

Narxli raqobat mahsulot assortimenti va sifatini o'zgartirmasdan ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish va ma'lum mahsulotni sotish, bu mahsulot narxini kamaytirish asosida qo'shimcha foyda olish uchun tadbirkorlar musobaqasidir. Narxsiz raqobat o'z ichiga: mahsulot xususiyatlarini o'zgartirish, mahsulotga mutlaqo yangi xususiyatlar berish, ilgari bo'lmagan ehtiyojlarni qondirish uchun yangi mahsulot ishlab chiqish, moda, nufuz timsoli bo'lgan tovarlar xususiyatlarini yangilash, tovar hamrohi bo'lgan xizmatlar (namoyish, o'rnatish, kafolatli ta'mirlash va b.) ni takomillashtirishni oladi.

Zamonaviy raqobat sharoitlarida raqobatning narxsiz usullarining narxli raqobatga nisbatan ustunligi kuzatilmoqda. Firmalar orasidagi raqobat asosini tabaqalashtirilgan

---

<sup>175</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020 yil, 29 dekabr.



talab tashkil qiladi. Bozorda o'z muomalasining strategiyasi va taktikasini ishlab chiqishda firma eng avvalo, iste'mol sifatlari bo'yicha xaridorlarning ehtiyojlariga maksimal mos keladigan mahsulotni yaratish g'amini yeydi. O'zining iqtisodiy siyosatida firma iste'molchilar kutishlari dinamikasiga qaraydi. Ma'lumki, "raqobatbardoshlik" tushunchasi "raqobat" tushunchasining bir qismidir. Agar korxonalar (firma) bozorda muvaffaqiyatsiz raqobat qilayotgan bo'lsa, uning mahsuloti raqobatbardosh emas.

Raqobatbardoshlik — mazkur bozorda mavjud eng yaxshi o'xshash obyektlarga nisbatan aniq ehtiyojni qondirish darajasini tavsiflovchi obyekt xususiyatidir. Shu bilan birga raqobatbardoshlik — aniq bozor sharoitlarida boshqalar bilan musobaqada chidash imkoniyatidir. Raqobatbardoshlik marketing tadqiqotlari natijalari bo'yicha aniqlanadi. U tovarning ham aniq ijtimoiy ehtiyojga moslik darajasi, ham uni qondirishga sarflangan xarajatlar bo'yicha uning raqib tovaridan farqini ifodalovchi tavsifidir.

O'zbekiston amaliyotida tovarlarga nisbatan "mahsulot raqobatbardoshligi" tushunchasi bilan amalda bir xil ma'noga ega "mahsulot sifati" tushunchasi ko'proq qo'llanadi, chunki mahsulot sifati deb kamroq xarajat qilib, xaridorni maqbul holda qondirish xususiyati tushuniladi. Iste'molchi nazarida yuqoriroq sifati bilan ajralib turgan buyumlar raqobat ustunligiga egadir. Ammo, bunday yondashishda mazkur mahsulotni sotib oladigan xaridor uchun mutlaqoahamiyati yo'q bo'lsa ham ishlab chiqaruvchilar nuqtai nazarida muhim bo'lgan mahsulotni tayyorlash mehnat sig'imlilik, material sig'imlilik, energiya sig'imlilik, buyumlar ishlab chiqarishning texnologikligi, konstruksiyasining muhim xosiyatlari chekkada qolib ketadi. Tovar raqobatbardoshligining asosiy tashkil etuvchisi uning iste'mol xususiyatlari va narxidir. Lekin tovarning bozor istiqbollari faqat sifat va ishlab chiqarish xarajatlariga boqliq emas. Tovarning muvaffaqiyatli yoki muvaffaqiyatsizligi sabablari ta'minlovchining reklama faoliyati, uning nufuzi, texnikaviy xizmatning taklif etilayotgan darajasi kabi boshqa notovar omillar bo'lishi mumkin. Lekin raqobatbardoshlikni ta'minlash bo'yicha korxonalar faoliyatining ishlab chiqarishga oid bo'lmagan jihatlari qanchalik muhim bo'lmasin, asos –sifat, narx va texnikaviy xizmatdir.

Tovar raqobatbardoshligini oshirish uchun raqobatbardoshlikni miqdoriy o'lchash imkonini ta'minlash kerak, bu esa uning darajasini oshirish imkonini beradi. Iqtisodiy ko'rsatkichlar tizimi shaklida bunday miqdoriy ma'lumotni yig'ish mahsulot raqobatbardoshligini yaxshilash jarayonining muhim bosqichidir. Raqobatbardoshlik integral tushuncha. Tahlil qilinayotgan tovar raqobatbardoshligini o'lchash uchun mazkur va raqib tovarlar xizmatining me'yoriy muddatda foydali samarasini tavsiflovchi sifat ma'lumotini hamda obyektlar hayotiy sikllari davomidagi jami sarflarni bilish zarur.

Foydali samara yoki hayotiy tsikldagi majmuiy sarflarni miqdoriy o'lchab vaoldindan ko'rib bo'lmaydigan tovarlar raqobatbardoshligini iste'molning aniq sharoitlarida eksperimental tekshirish asosida, sinovli sotishlar natijalari bo'yicha va boshqa usullarni qo'llab aniqlash mumkin.

Menejer o'z korxonasi buyumlari raqobatbardoshligini o'rgangandan keyin, ular raqobatbardoshligini oshirish va erishilgan darajada ushlab qolish uchun zarur bo'lgan aniq chora-tadbirlarni bajarishga kirishishi zarur. Bu yo'nalishda ish tovar

raqobatbardoshligini boshqarishga yondashish jihatlarini tanlashdan boshlanadi. Bunday yondashishlar quyidagilardir: tizimli, majmuiy, funksional.

Tizimli yondashish— asosida obyektlarni yaxlit tizim sifatida o'rganish yoki maxsus ilmiy bilish va ijtimoiy amaliyot uslubiyatidir. Tizimli tahlil tamoyillaridan kelib chiqib, marketing tadqiqotlari asosida avval tovar yoki xizmatlar parametrlari shakllantiriladi: nima chiqarmoq, qanday sifat ko'rsatkichlari va qanday sarflar bilan, kim uchun, qaysi muddatda, kimga va qanday narxda sotmoq kerak?

Eng avvalo, tovar me'yorlar bo'yicha raqobatbardosh bo'lishi kerak. Undan keyin qanday resurslar va ma'lumotnoma kerakligi, ishlab chiqarishning tashkiliy-texnikaviy darajasi (texnika, texnologiya, ishlab chiqarish, mehnat va boshqarishni tashkil qilish) va tashqi muhit parametrlari (siyosiy, iqtisodiy, texnologik, ijtimoiy-demografik mamlakatlar madaniy muhiti va mazkur mintaqa infratuzilmasi)ni o'rganib, nimalarni oldindan ko'rish mumkinligi aniqlanadi.

Iste'molchilarning tovar, bozor ko'rsatkichlariga nisbatan talablari o'zgarganda, tashkiliy-texnikaviy yangiliklar paydo bo'lganda bu o'zgarishlarga monand munosabat bildirmoq va tegishli o'zgartirishlar kiritmoq kerak. Tovar raqobatbardoshligini ta'minlash uchun tovar iste'molchiga yetkazilib beradigan paytgacha marketing tadqiqotlari natijalari jahon yutuqlari darajasida bo'lishi, muhit tizim ichida jarayonlar me'yorida kechishiga ko'maklashishi kerak. Ammo shuni qayd qilamizki, oldin tizimning chiqishiga, keyin kirishiga va faqat undan keyin jarayonga bo'lgan talablar shakllantiriladi. Boshqacha aytganda, oldin tashqi muhit bilan bo'lgan munosabatlarni aniqlash kerak va faqat undan keyin jarayon sifatini oshirish ustida ishlash lozim.

Tovar raqobatbardoshligini boshqarishga bunday yondashish tovarni bozorga tatbiq qilish paytiga uni ishlab chiqarish eng yaxshi jahon namunalari darajasida ta'minlanishiga da'vat qiladi. Mahsulotni yangilash rejalashtirilganda raqiblardan uzib ketish uchun tovarga qo'yiladigan bo'lajak talablar muhim ko'rsatkichlari rivojlanishining tendetsiyalarini oldindan ko'rish uchun sifatli ma'lumotdan foydalanish kerak.

Majmuiy yondashish boshqarishning texnikaviy, iqtisodiy, ekologik, ijtimoiy, tashkiliy va boshqa jihatlarini o'zaro bog'langanlikda ko'rishni nazarda tutadi. Afsuski, amalda aytib o'tilgan jihatlarining barchasi qamrab olinmaydi, bu esa juda katta talofatlarga olib keladi.

Korxonalar tovarlari raqobatbardoshligini oshirishning o'z-o'zidan ko'rinib turgan usullari ishlab chiqarish xarajatlari darajasini iste'molchi xarajatlari darajasidan pasaytirish, mahsulot sifatini oshirish yoki iste'molchi sotib olgandan keyin tovarga qilinadigan xizmat sifatini oshirishdir. Lekin raqibdan ustunroq chiqishning boshqa usuli ham bor. U firma bozorda qandaydir jabhada aniq ifodalangan kompetentsiyaga erishishga harakat qilishidan iboratdir.

Ayrim hollarda raqobatbardoshlik jabhasida korxonalar tovariga nufuz yoki kompetentsiya beradigan qandaydir o'rnini tanlash samaraliroq bo'ladi. Iste'molchilar o'rtasida kompaniya obro'ga ega bo'lishi mumkin bo'lgan o'rinlardan bir nechtasini aytish mumkin:

- Mahsulotning texnikaviy tavsiflari bo'yicha peshqadamlik.
- uyumning ishonchliligi bo'yicha peshqadamlik.
- yetkazib berish bo'yicha peshqadamlik.

- Mahsulotni bozorga tatbiq etish.
- Ishlab chiqarish hajmini moslashuvchan boshqarish. Korxonalar tanlagan o‘rin aynan shu bozorda joizli bo‘lishi kerak.

Raqobat sharoitida bozor munosabatlari rivojlanishida ishlab chiqarish korxonalarida xodimlarning rolini oshirish va ularni samarali boshqarish masalalari muhimdir. Jahonda texnologiyalar va axborotlashtirish jarayonlari rivojlanishining hozirgi bosqichida yuqori malakali kadrlarga ega bo‘lish va ularni yollash uchun kompaniyalar o‘rtasida raqobat kurashi birmuncha oshdi. Demak, modernizatsiyalash, innovatsiyalar va fan sig‘imi yuqori bo‘lgan tarmoqlarni rivojlantirish asosida iqtisodiyotning barqaror o‘rinishini ta‘minlash yo‘lidan borilayotgan mamlakatimizda ham ishlab chiqarish korxonalarida ishchi-xodimlarning rolini oshirish va ularni samarali boshqarish usullarini takomillashtirish zarur. Korxonalarda kadrlar mahorati va ularning intellektual salohiyati hal qiluvchi ahamiyatga ega, shuning uchun ham personalii boshqarish sifatini ta‘minlashga e‘tiborni qaratish, ular bilan o‘zaro aloqadorlik samaradorligini oshirish, ularning faoliyat natijalaridan manfaatdorliklarini ta‘minlash zarur.

Bozor iqtisodiyoti, keskin raqobat sharoitlarida korxonalar muvaffaqiyatli faoliyat yuritishi ularning jamoasi, personal malakasi, bilim va tajribasi, tashabbuskorligi, intizomlilik va mas‘uliyatiga bogliq. Bozor munosabatlari ancha ilgari shakllangan mamlakatlarda tashkilot va muassasa personallarida birinchidan, bu va boshqa sifatlarni qaror toptirish va rivojlantirishga boshqaruvni takomillashtirish hisobiga erishilishi ko‘pdan buyon yaxshi ma‘lum. Ikkinchidan korxonalar ishlab chiqarishni samarali tashkil etishda marketing tadqiqotlarini o‘tkazish va mahsulotning nechoqli iste‘molchilar uchun zarur yoki zarur emasligi haqida bosh qotiriladi. Albatta boshqaruv jarayonida bunday harakatlar ishlanmasi mahsulotning raqobatbardoshligini ta‘minlaydi va uning sifatiga ta‘sir qiladi.

## **ISHLAB CHIQRISH KORXONALARIDA SAMARALI FAOLIYATNI TASHKIL ETISH VA BOSHQARISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI**

*TMI, Menejment va marketing kafedrasida  
dots v.b., F.T.BAZAROVA*

Barqaror va samarali iqtisodiyotni shakllantirish borasida amalga oshirib kelinayotgan chuqur o‘zgarishli islohotlar bugungi kunda o‘zining natijalarini asta sekin namoyon etmoqda. O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlarning bosh maqsadi - kuchli, raqobatbardosh milliy iqtisodiyotni yaratish, raqamli iqtisodiyotga o‘tish, mahalliy bozorlarni milliy mahsulotlar bilan to‘ldirish, ishlab chiqarish korxonalarining eksport salohiyatini oshirish va shuning hisobidan aholi farovonligini muntazam oshirib borishdir. Shu sababli davlatimiz rahbari zamonaviy bozor mexanizmlari, ularning samaradorligini ta‘minlash va shu asosda mamlakatimizda barqaror bozor iqtisodiyotini rivojlantirishga alohida e‘tibor qaratmoqda va buning uchun shart sharoitlar yaratilayotganligi haqida ta‘kidlanmoqda:” ... Aholi daromadlarini oshirish, qo‘shimcha ish o‘rinlari yaratish, mahsulot ishlab chiqarishni ko‘paytirish uchun bizga yangi-yangi bozorlar kerak.

Buning uchun bozor iqtisodiyoti va davr talablariga mos ko'plab qonun va qarorlarni qabul qilyapmiz. Lekin, afsuski, ularni ijro etadigan ko'pgina amaldorlar hali ham eskicha ish uslubi, rasmiyatchilik va befarqlikdan qutulgani yo'q. Ochiq bozor mahsulot sifatini oshirish, tannarxni pasaytirish, yangi texnologiyalar olib kelishga majbur qiladi, bozor islohotlarini jadal rivojlantiradi. Sodda qilib aytsak, jahon ishlab chiqarish tizimiga, dunyo bozori talablariga va iqtisodiy integratsiya jarayonlariga hamohang bo'lishimiz lozim. Muloqot va raqobatga tayyor bo'lish uchun tarmoq rahbarlari o'z ustida tinimsiz ishlashi shart. Mana, nima uchun bizga iqtisodiy integratsiya kerak!"<sup>176</sup>

Mana shunday sharoitda, bugungi kunda har bir korxonalar rahbari, zamonaviy menejerlari va marketologlari faoliyatida bozorga qanday tovarlar olib kirish, mahsulotlarni milliy brend darajasiga ko'tarish, tovarlarni qaysi bozorda sotish, sotish jarayonlarini takomillashtirish va savdo xizmatlari madaniyatini oshirish kabi masalalarning oqilona yechimini topish - ularning oldiga qo'yilgan asosiy vazifalardan hisoblanadi. Buning uchun rahbarlardan ishlab chiqarish korxonalarini faoliyatini samarali tashkil etish va boshqarish juda katta ma'suliyat talab qiladi. Korxonalarda ishlab chiqarishni, rejalashtirishni, tashkil etish uchun xomashyo, materiallar, malakali ishchi-xizmatchilar, zamonaviy texnologiyalarni to'g'ri tanlab, ulardan unumli foydalanib ishlab chiqarish samaradorligini oshirish mumkin bo'ladi.

Ishlab chiqarish korxonalarining samaradorlik faoliyati texnika bazasining o'sishi va ishlab chiqarish jarayonining borishini tashkil etish darajasi hamda mahsulot yaratilishi bilan aniqlanadi. Korxonalarining asosiy faoliyatini ishlab chiqarish jarayonining borishi tashkil etadi. Uning asosiy vazifasi iste'mol qiymatini yaratishdir.

Ishlab chiqarish jarayoni kompleks jarayon bo'lib, birbiri bilan chambarchas bog'liq bo'lgan texnologik va mehnat jarayonlarini o'z ichiga oladi. Texnologik jarayon bu, mehnat buyumlari, lekin bu jarayon ma'lum darajada kishilar nazorati ostida olib boriladi. Ishlab chiqarish jarayoni ikki tomonlama, ya'ni: ijtimoiy-iqtisodiy (kishilar munosabati) va moddiy-texnika sharoitlari bilan xarakterlanadi. Bu omillarning ta'siri natijasida har qaysi korxonada ishlab chiqarish jarayoni tashkil topadi.

Ishlab chiqarishni va xodimlarni boshqarish so'nggi o'n yilliklarda kasbiy faoliyatining bir shakliga, boshqaruvchi xodimlar esa, ishchi kuchining muhim bo'g'iniga aylandi. Bu ilmiy-texnik taraqqiyot yutuqlaridan, kadrlar salohiyatidan to'liqroq foydalanish yo'li bilan boshqarish samaradorligini oshirish, keskin raqobat kurashi kuchaygan davrda muhim ahamiyatga egaligi bilan tushuntiriladi. Malakali ishchi kuchi bilan ta'minlanganlik, motivatsiya darajasi, xodimlardan foydalanish samaradorligi kabilar raqobatbardoshlikning asosiy omillariga aylandi.

Mehnat jarayoni bu, jismoniy va aqliy energiyaning sarflanishi bo'lib, iste'mol qiymati yaratishga qaratilganidir. Ishlab chiqarish jarayonining natijasi texnologik rejimga amal qilinishiga va sharoitlarning yig'indisiga bog'liq.

Hozirgi zamon korxonalarida ishlab chiqarish jarayonini amalga oshirish

---

<sup>176</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020 yil, 29 dekabr.

uchun, ishlab chiqarish va mehnat vositalaridan tashqari, moddiy sharoit (ishlab chiqarish binosi, yoritish qurilmalari, omborlar va h.k.) amal qiladi. Bu sharoitlar bo'lmasa jarayonning yuz berishi yo mutlaqo mumkin emas yoki faqat takomillashtirilmagan bir tushungina yuz beradi.

Hozirgi zamon ishlab chiqarish korxonalarida ishlab chiqarish jarayoni ichki tuzilishi jihatdan bir xil emas: u mustaqil jarayonlardan tashkil topgan bo'lib, turli shakllarga va o'ziga xos xususiyatga ega. Bu ayrim mustaqil jarayonlar, odatda, asosiy va yordamchi jarayonlarga bo'linadi. Ishlab chiqarish jarayonining bosqichsi bir-biridan qo'llaniladigan texnologik usullar, uskunalarning xarakteri va kadrlarning ixtisoslanishi bilan farq qilinadi. Masalan, mashinasozlik korxonalarining asosiy jarayoni uchta bosqichdan iborat: tayyorlash, qayta ishlash va yig'uv.

Ishlab chiqarish jarayoni soha mahsulotini tayyorlashdagi rolga qarab, asosiy, yordamchi va xizmatqiluvchi jarayonlarga bo'linadi. Mehnat buyumlarining asosiy mahsulotga aylantirilishi asosiy jarayon deb ataladi. Yordamchi jarayonlar ishlab chiqarish uchun xizmat qiladi va mahsulot ishlab chiqarishning asosiy jarayonini uzluksiz ta'minlaydi. Xizmat qilish jarayoniga korxonalarining moddiy-texnika ta'minoti, tayyor mahsulotni sotish, transport bilan xizmat qilish va hokazolar kiradi.

Ishlab chiqarish jarayonini ratsional tashkil qilish ishlab chiqarishni takomillashtirishning rejalivamutanosib bo'lishini ta'minlaydi. Ishlab chiqarishni tashkil etishning eng ilg'or shakllariga ixtisoslashtirish, kooperativlashtirish va kombinatsiyalash kiradi. Ishlab chiqarish korxonalarining iqtisodiy darajasi ko'p jihatdan ishlab chiqarish turlariga bog'liqdir. Soha korxonalarining ish tajribasi shuni ko'rsatadiki, hozirgi sharoitda ishlab chiqarishni tashkil qilishning asosiy turlari donalab, seriyalab va ommaviy ishlab chiqarishdan iborat.

Iqtisodiyotni modernizatsiyalashtirish sharoitida ishlab chiqarish korxonalarini faoliyatini boshqarish samaradorligini oshirishda albatta uning ilmiy-amaliy asoslangan strategik ustuvor yo'nalishlarini belgilashni taqozo etadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, aniq, puxta rejalar asosida belgilangan boshqarish strategiyalari albatta korxonaning nufuzini oshirish barobarida, uning raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish imkoniyatini berib olish bilan birgalikda nafaqat milliy bozorda balki jahon bozorida o'z mahsulotlarini eksport qilish imkoniyatini beradi. Shuni e'tirof etish mumkinki, bugungi kunda bizning fikrimizcha ishlab chiqaruvchi korxonalar istiqbol yo'nalishlarini belgilashda va uning barqaror rivojini ta'minlashda bevosita boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish zarur. Chunki, boshqaruvdagi bir qator notug'ri qabul qilingan qarorlar aniq yo'naltirilgan strategik yo'nalishlarning buzilishiga va jarayonning qiyin kechishiga olib kelmoqda. Shuning uchun strategik boshqaruv jarayonini takomillashtirish uchun avvalo ishlab chiqarish jarayonini tashkil etish bilan bog'liq bo'lgan va mahsulot sifatini yaxshilashdan hamda bozordagi mahsulotning o'z iste'molchilarga yetib borish jarayonini takomillashtirish zaruriyatini tug'diradi.

Boshqaruv jarayoni rejalashtirish rejalarni bajarishni va ularning yakuniy

natijalarini nazorat qilish bilan bu ma'lum funksiyalar qanchalik puxta ishlab chiqilgan va o'zaro bog'langan bo'lsa, boshqaruv shunchalik samarali bo'ladi.

Korxonalar strategiyasini ishlab chiqish boshqaruv jarayonidagi eng murakkab muammolardan biridir. Strategiya har qanday korxonaning qiziqishlarini o'z ichiga qamrab oladi va uning uzoq muddatli rivojlanishining bosh yo'nalishlarini aniqlaydi. Shuning uchun o'rta muddatli va operativ rejali strategik maqsadlarga tayanishi kerak.

Korxonalar zamonaviy boshqarishda strategik rejalashtirish markaziy o'rin egallaydi. Agar aniq tanlangan strategiya mavjud bo'lmasa, bu hol ishlab chiqarishda xavflarni yuzaga keltiradi, noaniqlikka olib boradi va ishchilarning ishlab chiqarish jarayonida ongli ravishda ishtirok etishini ta'minlay olmaydi.

Baholash va nazorat - strategik rejalashtirishning yakunlovchi davri hisoblanadi.

Ishlab chiqarish boshqarish, eng avvalo, funksional strategiya bilan bog'liq funksional strategiya yoki ishlab chiqarish strategiyasi xaridorlar talabini hisobga olgan holda shakllanadigan vazifalarni hal etish yo'li bilan firma strategiyasini qo'llab-quvvatlab turishga yo'naltirilgan.

Ishlab chiqarishni boshqarishda inson potentsialidan samarali foydalanish strategiyasi kadrlar ta'minoti boshqaruvning eng muhim omillaridan biri bo'lib, mehnatni taqsimlash, birlashtirish va ixtisoslashtirish, boshqaruv jarayonlarini avtomatlashtirish, ish vaqtidan tejamli foydalanilishini ta'minlash, kadrlarni tanlash va joy-joyiga qilish, boshqaruv sarf-xarajatlarini kamaytirishni nazarda tutadi.

Rivojlangan mamlakatlarning ishlab chiqarish korxonalarida faoliyatini tashkil etish va boshqarishda qo'yilgan maqsadlarga erisha olishiga rahbarlar (bosh direktori va uning lavozimi darajasidagi boshqa shaxslar)ning tajribasi bilan bir qatorda marketingni boshqarish tajribasi hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Yuqorida keltirilgan xorij amaliy tajribasidan kelib chiqib, shuni alohida ta'kidlash kerakki, rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosiy e'tibor korxonalarda ishlab chiqarish jarayonini tashkil etish va boshqarishda strategik boshqaruvga ustuvorlik berish, kadrlarni rivojlantirish, marketing xizmatlarini tashkil etishga urg'u beriladi va bu albatta o'z samarasini beradi.

Demak, har bir korxonaning muvaffaqiyatli rivojlanishi, u tomonidan aholi va boshqa iste'molchilar uchun zarur bo'lgan mahsulotlarni eng maqbul narxda ishlab chiqarish, xarajatlar bilan foyda o'rtasidagi nisbatlarning optimal ravishda ekanligi va korxonani kelajakda yanada faol amal qilish shartlari bilan belgilanadi.

## **O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDAGI MUAMMO VA YECHIMLAR**

*Iskandarov D, TMI talabasi  
Ilmiy rahbar: Sh.Allayorov*

Jahon taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi

raqamli texnologiyalarni qay darajadagi qamrovi bilan bevosita bog‘liq bo‘lib bormoqda. XXI asr – texnologiyalar asri va shunday sharoitda har bir davlatning rivojlanishida axborot texnologiyalari va raqamlashtirish jarayonlari asosiy omil hisoblanadi va har bir davlatning qay darajada rivojlanganligi bu davlatda raqamli iqtisodiyot va texnologiyalarning qay darajada tadbiiq qilinganligi bilan belgilanmoqda. Shu asosda yurtimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasi bilan bog‘liqdir.

Raqamli iqtisodiyot birinchidan, korrupsiyani oldini olishidir. U “yashirin iqtisodiyot”ning asosiy kushandasidir. Chunki raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi. Zarur vaqtda ma’lumotlarni qisqa vaqt ichida taqdim etadi. Bunday sharoitda biror ma’lumotni bekitish, yashirin bitimlar tuzish, u yoki bu faoliyat haqida to‘liq axborot bermaslikning iloji qolmaydi, buning natijasida esa iqtisodiyotga yo‘naltirilgan qonuniy mablag‘lar joy-joyiga sarflanadi. Ayniqsa, soliqlarning o‘z vaqtida to‘g‘ri hisoblanishi va to‘lanishi, byudjet taqsimoti oshkoraligi, ijtimoiy sohaga yo‘naltirilgan mablag‘lar, maktablar, shifoxonalar, yo‘llarga ajratilgan pullar to‘liq o‘z manziliga maqsadli yetib borishiga zamin yaratiladi. Shu bois, raqamli texnologiyalarni bizni taraqqiyotga eltadigan eng qisqa yo‘l hisoblanadi. Ayniqsa shuni ta’kidlab o‘tish lozimki pandemiya davrida raqamli texnologiyalar yordamida ayrim sohalarda masofaviylik vujudga keldi.

Dunyo hamjamiyatida ro‘y berayotgan jadal o‘zgarishlar va raqobatning keskinlashuvi jarayonida innovatsiyalar va raqamli texnologiyalarni keng joriy etmasdan turib, yaqin va uzoq kelajakda mamlakatimiz iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish, uning raqobatdoshligini ta’minlay olmasligimiz ayni haqiqat bo‘lib, bu esa, o‘z navbatida, ilmiy va amaliy harakatlarni kuchaytirishni talab etadi. Bu borada, so‘nggi yillarda milliy iqtisodiyotimizni tubdan modernizatsiya qilish bo‘yicha olib borilayotgan keng qamrovli islohotlar doirasida mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy hayoti va davlat boshqaruvi tizimiga raqamli texnologiyalarni joriy etish borasida qator chora-tadbirlar amalga oshirildi.

Bugungi kunda dunyoning bir qator mamlakatlari O‘zbekistonda ham raqamli iqtisodiyot va texnologiyalar ma’lum darajada rivojlanib bormoqda. Kundalik hayotimizda axborot texnologiyalarni tadbiiq qilinishi ortidan ko‘plab imkoniyatlar yaratilmoqda. Hozirgi kunda uydan chiqmasdan ko‘plab oziq-ovqat mahsulotlari va taomlariga buyurtma berishimiz, ularni uyimizgacha yetkazib berishlari mumkin va to‘lovlarni masofadan turib amalaga oshirayotganimiz yaqqol misol bo‘la oladi. Lekin shuni ta’kidlash kerakki, O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyot O‘zbekiston potensialiga nisbatan bir necha barobar sekinroq rivojlanmoda. Ya’ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud lekin rivojlanish ancha sust. Uni keng miqyosda tadbiiq etish esa dolzarb vazifadir. Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning 2020 yil 13 fevral kuni axborot texnologiyalarni rivojlantirishga bag‘ishlangan tadbirda keltirgan statistik ma’lumotlariga muvofiq AQShda raqamli iqtisodiyotning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 10,9 foiz, Xitoyda 10 foiz, Hindistonda 5,5 foizni tashkil etadi. O‘zbekistonda bu ko‘rsatkich 2 foizdan ham oshmaydi. Bunga sabab sifatida raqamli iqtisodiyotni O‘zbekistonda rivojlanishini bir qancha to‘siqlarini ko‘rsatib o‘tish mumkin.

Ko'plab sohalardagi monopoliya; internet tezligini pastligi va uni sifatsizligi; axborot texnologiyalari sohasida qonunchilikning zamondan orqada qolganligi; fuqarolarda kompyuter savodxonligining pastligi; qonunchilikning shaffof emasligi; axborot texnologiyalari bo'yicha mutaxassislarning yetishmasligi yoki ularni boshqa mamlakatlarga ketib qolishi; axborot madaniyati, axborot gigiyenasi pastligi; axborot texnologiyalari xavfsizligi yaxshi emasligi; boshqaruv organlarida sohani tushunadigan mutaxassislarning kamligi yoki (ba'zilarida) ularning umuman yo'qligi; ilm-fan va ayniqsa aniq fanlarning rivojlanishi sustligi (yoki rivojlanishdan to'xtab qolganligi).

Yuqorida keltirilgan muommolar bosqicha-bosqich, tizimli, dunyo tajribasidan kelib chiqib hal qilinsa, O'zbekiston ham bimalol raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda biri bo'la oladi. Aholining keng qatlamlari o'rtasida "raqamli savodxonlik"ni targ'ib qilish va kengaytirish, ularni axborot texnologiyalarini o'zlashtirishga jalb qilish maqsadida o'quv yurtlarida seminar, kurslar va boshqa tadbirlarni o'tkazish, raqamli iqtisodiyot sohasida me'yoriy-huquqiy bazani mustahkamlash va qonunchilik hujjatlarini takomillashtirish, shuningdek, "startap" tushunchasi, faoliyati, raqamli iqtisodiyot talablariga javob beradigan mehnat bozorini tashkil etish va uning mobilligini oshirish, yangi texnologiyalarni tezkorlik bilan o'zlashtirish uchun mutaxassislar malakasini oshirib borish, raqamli iqtisodiyot sohasidagi xalqaro hamkorlikni mustahkamlash, yetakchi xalqaro texnologik kompaniyalar bilan o'zaro hamkorlikdagi loyihalarni amalga oshirish, shu jumladan, innovatsion ishlanmalar bo'yicha zamonaviy ilmiy-ishlab chiqarish laboratoriyalarini tashkil etish zarurdir.

## **БАНК МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Ўринов Сардоржон Мирзаалиевич -  
Банк-молия академияси магистранти*

Иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган банкларнинг молиявий фаолиятида энг муҳим қарорлардан бири банк соф фойдасининг қанча қисми акциядорларга дивиденд кўринишида тақсимланиши лозимлиги тўғрисидаги қарордир. Дивиденд тўловларининг аҳамияти ва мақсадлилиги бўйича жуда кўп қарашлар мавжуд бўлсада, бугунги кунда ҳам банкларнинг дивиденд сиёсатини бошқаришнинг ушбу соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

2020-2025 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига асосан халқаро молия институтлари кўмагида «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ, АТ «Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва «Туронбанк» АТБдаги давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, бунда биринчи босқичда уларни институционал ўзгартиришни (фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотиш мўлжалланаётган бир вақтда қўйилган вазифанинг самарали ижроси




хам банклар дивиденд сиёсатига бевосита боғлиқ<sup>177</sup>. Чунки мунтазам дивиденд тўлаб келаётган банклар акциялари шунчалик тез ўз эгаларини топади<sup>178</sup> [2].

Республикамиздаги акциядорлик жамиятлари томонидан юритилаётган дивиденд сиёсати инвестицион фаолиятнинг амалга оширилиши ва ривожланишига тўсқинлик қилмасдан, аксинча акциядорлар талаблари ва компания хўжалик фаолиятининг ривожланиш имкониятлари ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаши ва пировардида республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳисса қўшиши керак<sup>179</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фонд бозорида энг фаол иштирокчи сифатида тижорат банкларини кўриш мумкин. Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида ҳам эмитент сифатида, ҳам инвестор ва воситачи сифатида иштирок этади. Шунинг учун, тижорат банклари қимматли қоғозлар эмитенти сифатида инвесторларни даромад олишларини таъминлашлари керак. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳам тижорат банклари дивиденд сиёсатига алоҳида эътибор беришлари зарур.

Дивиденд сиёсати банкнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, моликвий барқарорлигини ва капиталлашув даражасини ўстишини, банк акцидорлари ҳуқуқлари ва амалдаги қонунчилик доирасидаги қонуний манфаатларини фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Дивиденд сиёсати банк томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинадиган ва акцияларнинг бозор баҳосини ошириш мақсадида капиталлаштириш ўртасидаги нисбатни мақбуллаштиришдан иборат бўлиши керак. Фикримизча, тижорат банкларининг самарали дивиденд сиёсати юритишида куйидаги асосий тамойилларга асосланиши лозим:



<sup>177</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 февралдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.

<sup>178</sup> Кунаров Р.Р. ва Бўриев Ж.П. Тижорат банклари дивиденд сиёсати хусусиятлари. // Халқаро молия ва ҳисоб. №4. 2020 йил.

<sup>179</sup> Шерқўзиева Н.А. Акциядорлик жамиятлари молиявий бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни. // Халқаро молия ва ҳисоб. №3. 2019 йил.

## **1-расм. Тижорат банкларининг самарали дивиденд сиёсати юретишида асосий тамойиллар<sup>180</sup>.**

Юқоридаги расм маълумотларидан кўришиб турибдики, тижорат банклари учун оқилона ва самарали дивиденд сиёсатини юретишида кўрсатиб ўтилган асосий тамойилларга алоҳида эътибор бериш керак деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган ишланишларимиз ва ўрганишларимиз натижасида, тижорат банклари амалиётида дивиденд сиёсати асосан соф фойда тақсимоти асосида олиб борилмоқда. Дивиденд сиёсати объекти бундай содда мазмунга эга бўлсада, Ўзбекистон акциядорлик банкларининг аксарияти инвесторларни қониқтирадиган даражада дивиденд бермаяптилар. Хатто айрим тижорат банклари ўзларининг дивиденд сиёсатларига акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш банкнинг мажбурияти эмаслиги, балки ҳуқуқи ҳисобланишини, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилиши жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлигини киритиб олишган. Бунинг натижасида эса, тижорат банклари капитализация суръатлари замон талабларидан ортда қолмоқда.

Жаҳон амалиётида, банклар фаолиятида давлат иштироки ва директорлар кенгашида давлат вакили мавжудлиги дивиденд тўловларининг паст бўлишини тажрибалар кўрсатган<sup>181</sup>. Шунинг учун банкларни хусусийлаштиришни самарали олиб бориш мақсадида давлат улуши мавжуд тижорат банклари дивиденд сиёсатини жиддий кўриб чиқиш ва албатта дивиденд тўловларини ошириш лозим. Шундан сўнг, инвесторларни банк акцияларига бўлган қизиқишини ошириш мумкин.

Умуман олганда, тижорат банкларининг дивиденд тўлай олиш қобилияти унинг бу йил қанча соф фойда олгани ва молиявий барқарорлиги билан баҳоланади. Фикримизча, дивиденд сиёсатининг асосий аҳамияти акциядорлар сонини кўпайтиришдан иборат бўлиши керак. Шундагина, банк капитали самарали бошқарилиши ва натижада молиявий барқарорлик таъминланиши мумкин.

## **MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH ORQALI KORXONA RAQOBTBARDOSHLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI**

*TMI talabasi: Norqo'ziyev J. B.  
Ilmiy rahbar TMI, katta o'qituvchisi: Bazarova F.*

Tovar va moliya bozorlarida monopoliyani bosqichma-bosqich kamaytirish orqali samarali raqobat muhitini yaratish maqsadida mamlakatimizda iqtisodiyotdagi davlat ishtirokini qisqartirish, narxni ortiqcha tartibga solishdan voz

<sup>180</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>181</sup> Enrico Onali, Ramilya Galiakhmetova, Philip Molyneux Giuseppe Torluccio. CEO power, government monitoring, and bank dividends. // Journal of Financial Intermediation. Volume 27, July 2016, Pages 89-117

kechish va davlatning iqtisodiyotga ta'sirini kamaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, oldimizda davlat ishtirokidagi xo'jalik yurituvchi subyektlar monopoliyasining iqtisodiyot raqobatbardoshligiga salbiy ta'sirini yanada kamaytirish, imtiyoz va preferensiyalar berish tizimi samaradorligini oshirish, shuningdek tadbirkorlik subyektlariga nisbatan tartibga solish yukini pasaytirish bo'yicha kechiktirib bo'lmaydigan vazifalar turibdi.<sup>182</sup>

Bugungi kunda, samarali raqobat muhitini yaratish hamda tovarlar va xizmatlar bozoridagi monopoliyani bosqichma-bosqich kamaytirish iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirish vazifalarini hal etish uchun ustuvor yo'nalish bo'lib qolmoqda.

Shu maqsadda, mamlakat iqtisodiyotida davlat ishtirokini kamaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar va bozor mexanizmlariga o'tish amalga oshirilmoqda.

So'nggi yillarda tadbirkorlik faoliyati sohasida 86 ta ayrim litsenziyalanadigan faoliyat turlari va ruxsat berish tartib-tamoyillari, shu jumladan 38 ta turini 16 taga birlashtirish, 25 ta turi bo'yicha rasmiylashtirish muddatlarini qisqartirish hamda 14 ta litsenziya va ruxsat beruvchi hujjatlarni berishni markazlashtirish orqali bekor qilindi va soliq yuki kamaytirildi.

Tadbirkorlik sohasi izchil rivojlanayotgani qayd etilmoqda, so'nggi uch yilning o'zidayoq amaldagi tadbirkorlik subyektlari soni 25 foizga oshdi.

Ko'rilayotgan choralar mahalliy ishlab chiqaruvchilar tomonidan ishlab chiqariladigan ko'plab oziq-ovqat (alkogolsiz ichimliklar, sharbatlar, non, non mahsulotlari, go'sht va sut mahsulotlari, qandolatchilik mahsulotlari va boshqalar) hamda ayrim nooziq-ovqat tovarlar (mebel, gilam va gilam mahsulotlari, to'qimachilik va boshqalar) bozorlarida raqobatning rivojlanishini ta'minladi. Qurilish materiallari, kabel va sim mahsulotlari, pul o'tkazmalari xizmatlari bozorida yirik kompaniyalarning monopoliyasi tugatildi.

Yaratilgan birja mexanizmi bozor ishtirokchilarini yuqori likvidli va monopol turdagi xomashyo va materiallar bilan bir xilda ta'minlash imkonini berdi. Bugungi kunda O'zbekiston respublika tovar xomashyo birjasi tovar aylanmasining 65 foizini monopol mahsulotlar tashkil etadi.

Amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida so'nggi yillarda monopol korxonalar soni ikki baravardan ortiqqa kamaydi.

Shu bilan birga, mamlakat iqtisodiyotidagi raqobat muhitiga salbiy ta'sir ko'rsatayotgan quyidagi tizimli muammolar hal etilmagan:

- iqtisodiyotda davlatning haddan ziyod yuqori ishtiroki;
- narxlarning haddan ortiq tartibga solinishi;
- imtiyoz va preferensiyalarning samarasiz tizimi;
- biznes subyektlariga yuqori tartibga solish yuki va tarmoq tartibga soluvchi organlarning raqobatni rivojlantirishdan manfaatdor emasligi;

---

<sup>182</sup> <https://lex.uz/ru/docs/-4887654>. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 6-iyul, PF-6019-son "Raqobat muhitini yanada rivojlantirish va iqtisodiyotdagi davlat ishtirokini qisqartirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoni.

- tabiiy monopoliya holatini suiiste'mol qilish;  
- raqobatga qarshi holatlarga qarshi kurashish huquqiy mexanizmlarning takomillashmaganligi.

Davlat ko'magini ko'rsatishning monopoliyaga qarshi tartibga solish vositalari mavjud emasligi berilayotgan imtiyoz va preferensiyalarning samarasizligiga olib kelmoqda va raqobat muhitiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

So'nggi yillarda 40 mingdan ziyod xo'jalik yurituvchi subyektlarga, ya'ni faoliyat yuritayotgan subyektlar umumiy sonining 12 foiziga soliq imtiyozlari berilgan. Bunday vaziyat tovar va moliya bozorlarida teng bo'lmagan sharoitlarni vujudga keltiradi.

Hozirgi kunda har bir ishlab chiqarish korxonasi Respublikamiz xalq xo'jaligining bir bo'g'ini bo'lib, ular faoliyatining natijalari mamlakat iqtisodiyotiga, xalqimizning farovon turmush kechirishiga ijobiy ta'sir ko'rsatib kelmoqda. Shu sababli xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikka keng yo'l ochib berish asosida ishlab chiqarishni jadal sur'atlarda rivojlantirib boorish zarur.

Korxonalar o'zining bozordagi raqobat vaziyatini pozitsiyasini tashkil etish va sharoitlarini aniqlash orqali baholashi mumkin. Baholash ishlari korxonaning tarmoq bozoridagi holatini aniqlash, yangi bozorlarga mahsulot sotish rejasini ishlab chiqish va istiqbolli ishlab chiqarishni amalga oshirish uchun, investorlar mablag'larini jalb qilish maqsadida olib boriladi.

Iqtisodiyotda raqobatning mavjudligi uning rivojlanishini ta'minlovchi omillardan biridir. Korxonalarning faol raqobat muhitida rivojlanishi uchun mamlakatda monopoliya hukumronligi tugatilishi kerak. Yuqoridagi ma'lumotlardan kelib chiqib mamlakatimizda yuritilayotgan tub islohotlar, monopoliyaga qarshi kurashish chora tadbirlari natijasida sog'lom raqobat muhiti yaratiladi. Bu o'z navbatida korxonalarning rivojlanishida, aholining turmush tarzining yaxshilanishida mamlakat iqtisodiyotini jadal suratlarda rivojlanishiga olib keladi.

## **ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ: СТРУКТУРА, СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ.**

*Ачилова Ширин Шавкат қизи, ст. преподаватель, ТФИ  
Юлдашева Нигина Файзулло кизи, магистрант УМЭД, направление  
Международная Экономика и Менеджмент*

Стало аксиомой, что Транснациональные компании, далее ТНК, в последние годы становятся основой экономики многих развивающихся стран и мировой экономики в целом. В процветании ТНК конечно же главенствующую роль играет система управления этими компаниями, иначе говоря – транснациональный менеджмент. На сегодняшний день можно выделить два основных метода транснационального менеджмента:

1. Полицентрический метод управления. При этом методе отсутствует централизованное управление. Руководящие центры организовываются в странах, где располагаются дочерние компании ТНК. В последствии

дочерние компании получают право самостоятельно решать ряд вопросов, учитывая местные и специфические условия. Данный метод менеджмента является характерным для западноевропейских ТНК.

2. Этноцентрический метод управления. Данный метод управления подразумевает расположение руководящего центра в штаб-квартире материнской компании и является присущим для американских и японских ТНК.<sup>183</sup>

В качестве новой методики управления многие западноевропейские ТНК применяют ещё и геоцентрический менеджмент, где подразумевается оптимальный подход для комплексного решения общих и местных задач и проблем. Как показывает практика, для освоения рынков, менеджменту ТНК жизненно необходимо развивать НИОКР и диверсификацию. Лидерами по затратам на «НИОКР» являются американские компании Pfizer, Microsoft, Merck, Intel, General Motors. У всех этих компаний, кроме General Motors затраты на «НИОКР» составляют 10% от показателя продаж. 84% средств, расходуемых американскими ТНК на «НИОКР» оседает в материнских компаниях. 65% затрат приходится на европейские филиалы, 17% на страны Азиатско-Тихоокеанского региона (АТР), 3% на страны Латинской Америки, 2% на филиалы в Китае.

Благодаря грамотно построенному менеджменту, сложным юридическим налоговым хитростям и манипуляцией с трансфертными ценами, американские ТНК ещё и умудряются получать государственные субсидии. Установление трансфертных цен позволяет перераспределять общую прибыль группы компаний в пользу лиц, находящихся в юрисдикциях с более льготным налогообложением. По данным организации «Граждане за налоговую справедливость» такие крупные американские компании, как Boeing, Du Pont, IBM, General Electric за период 2008-2010 годов, получив суммарные прибыли в сумме 175,0 млрд. долларов США, не платили налогов в казну. А для японского топ-менеджмента ТНК остро стоит вопрос демократизации системы управления. Потому что, чрезмерная централизация в силу менталитета японского общества и вмешательство правительства в дела компании, мешают японским ТНК влиться в процесс глобализации мирового хозяйства. Так как, японские ТНК в основном являются консервативными, перемена необходимые для повышения конкурентоспособности принимаются очень неохотно.

Последние события, связанные с пандемией коронавируса, конечно же, затронули деятельность ТНК, состояние мировой экономики и международной торговли. Обратившись к статистическим данным, в период обострения коронавируса, а именно в течение 2020 года, можно наблюдать значительное снижение совокупного экспорта товаров, во всех экономически

---

<sup>183</sup> Методология управления экономической интеграцией и концентрацией на примере организации вертикально-интегрированного холдинга. Монография /В.В.Филатов и другие. – Курск: Университетская книга, 2016.

стабильных государствах. Таблицы, приведенные ниже помогут нам понять масштабы влияния коронавируса на мировую экономику.

**Таблица 1.**

**Масштабы влияния коронавируса на мировую экономику(США)<sup>184</sup>**

<i>Товары и товарные группы</i>	<i>Репортёр</i>	<i>Торговый партнёр</i>	<i>Торговый поток</i>	<i>Показатель</i>	<i>2019 год</i>	<i>2020 год</i>
<i>Все товары</i>	<i>США</i>	<i>Весь мир</i>	<i>импорт</i>	<i>Изменение стоимости (%)</i>	-1,682	-6,313
				<i>Стоимость доллар США</i>	2 567 492 197 103	2 405 381 557 667
			<i>экспорт</i>	<i>Изменение стоимости (%)</i>	-1,262	-13,016
				<i>Стоимость доллар США</i>	1 644 276 220 783	1 430 253 623 489

Совокупный экспорт из США составил 1,43 трл. долларов США в 2020 году. Сокращение поставок товаров из США в стоимостном выражении составило 13%. По сравнению с 2019 годом экспорт товаров уменьшился на 214 млрд. долларов США. В 2019 году из США было поставлено товаров на сумму 1,64 трлн. Долларов США.

**Таблица 2.**

**Масштабы влияния коронавируса на мировую экономику(Япония)<sup>185</sup>**

<i>Товары и товарные группы</i>	<i>Репортёр</i>	<i>Торговый партнёр</i>	<i>Торговый поток</i>	<i>Показатель</i>	<i>2019 год</i>	<i>2020 год</i>
<i>Все товары</i>	<i>Япония</i>	<i>Весь мир</i>	<i>импорт</i>	<i>Изменение стоимости (%)</i>	-3,656	-12,039
				<i>Стоимость доллар США</i>	720 858 630 025	634 068 534 249
			<i>экспорт</i>	<i>Изменение стоимости (%)</i>	-4,411	-9,186
				<i>Стоимость доллар США</i>	705 633 026 838	640 807 430 823

Совокупный экспорт из Японии составил 640,0 млрд. долларов США в 2020 году. Сокращение поставок товаров из Японии в стоимостном выражении составило 9,18%. По сравнению с 2019 годом экспорт товаров уменьшился на 64 млрд. долларов США. В 2019 году из Японии было поставлено товаров на сумму 705,0 млрд. долларов США.

Транснациональному менеджменту, несомненно, предстоит обратить внимание на цифровизацию мировой экономики. Так как, структура и характер мировой экономики стремительно меняются с развитием информационно-коммуникационных технологий. Основой этих преобразований является цифровая трансформация бизнеса. Появляются

<sup>184</sup> [trendeconomy.ru](http://trendeconomy.ru)

<sup>185</sup> [trendeconomy.ru](http://trendeconomy.ru)

компания с оборотом связанным цифровыми технологиями. Это компании, связанные с Интернетом и цифровыми технологиями в сфере услуг и в сфере товарного сектора. Данные компании смело можно считать цифровыми ТНК. К ним можно отнести такие компании, как: Apple, IBM, Facebook, Twitter, Amazon.com, Microsoft, Sony, Samsung и другие. Приобретение товаров через Интернет стало более эффективным, что позволило снизить их цены. Цифровые ТНК демонстрируют в разы больше процентов продаж, по сравнению с обычными компаниями. В сегодняшние трудные для бизнеса времена, основным фактором выживания компаний остаётся цифровая трансформация бизнеса. Данный фактор создаёт новые большие возможности. Реализация этих возможностей зависит от уровня знаний и компетентности высшего звена топ-менеджмента ТНК.

### **Используемая литература:**

1. Методология управления экономической интеграцией и концентрацией на примере организации вертикально-интегрированного холдинга. Монография /В.В.Филатов и другие. – Курск: Университетская книга, 2016.
2. Никитинская Ю.В. Функционирование и особенности управления ТНК в современных условиях. Монография /Ю.В.Никитинская – М.: МГУПИ, 2010.
3. Кони́на Н.Ю. Конку́рентоспособность фирмы в глобальном мире. -М.: Проспект, 2012.
4. Кони́на Н.Ю. Шестой технологический уклад и менеджмент современных компаний // Вопросы экономики и права. 2014.№69.
5. Макграт Р.Г. Конец конкурентного преимущества. – М: БИНОМ, Лаборатория знаний. – 2014.
6. [trendeconomy.ru](http://trendeconomy.ru)

## **РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТЕХНОПАРКЛАРИ ТАЖРИБАСИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ**

*Шарифхўжаев Шавкат Оқилович, и.ф.д., ЖИДУ  
Даминова Мадинахон Бахромжон қизи,  
Халқаро иқтисодиёт ва менежмент йўналиши магистранти, ЖИДУ*

Хозирги пайтда миллий иқтисодиётга, айниқса ишлаб чиқаришга инвестиция жалб қилиш, хорижий капитални жалб этиш долзарб фаолият деб саналмоқда. Бирон бир худудда инвестицион фаолиятини йўлга қўйиш учун эса ўша худудда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш инфраструктурасини ташкил этишни талаб этмоқда. Ушбу муаммони эса махсус иқтисодий худудлар (МИХ), технопарклар, индустриал парклар, технология трансфери марказларини очиш орқали бартараф этиш мумкин бўлади. Ушбу иқтисодий шаклларнинг самарадорлигини эса уларнинг жахон

иктисодиётидаги салмоғи ошиб бораётгани билан баҳолаш мумкин. Яъни 1975 йилда жахонда жами 79 та махсус иктисодий худудлар ва индустриал парклар ташкил этилган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони 5400 дан ошиб кетди. Хозирда дунёда жами 2500 та технопарк қайд этилган, улардан 300 таси АҚШда, 110 таси Японияда, 80 та Хитойда, Хиндистонда 50 та, Евроиттифоқда 600 та, улардан 360 таси Германияда, 80 таси Францияда, 25 та Финляндияда ва 130 таси Россия давлати худудига тўғри келади.<sup>186</sup>

Америкалик олимларнинг тахлилларига кўра, технопаркларни кенг реклама қилиш туфайли инсонлар онгида уларда автоматик муваффақият таъминланган деган фикр шаклланган. Кўпинча таъсисчилар ҳам пул, ер ёки бино технопарк ёки бизнес инкубаторнинг сўзсиз муваффақиятини таъминлайди дея хато фикр юритади. Кўпинча керакли тажрибанинг етишмаслиги ва профессионал билимларнинг мавжуд эмаслиги каби муаммолар инновацион фирмалар ўсишига халақит беради.

Агар илғор хорижий тажрибани сарҳисоб қиладиган бўлсак, унда технопаркларнинг муваффақият омиллари қуйидагилар:

- камида бешта университет яқинида технопарк ташкил этиш;
- технопарк қурилиши муддати қурилишни режалаштириш пайтидан бошлаб, унинг иши бошлангунга қадар 3,5 йилдан ошмаслиги керак;
- технопарк худудида янги шаҳар қуриш муддати 5-10 йилдан ошмайди;
- технопарк шаҳарда ёки шаҳар худудида жойлашган (50 км дан ошмаслиги керак);
- технопаркни молиялаштиришда давлатнинг устун ўрни.

Албатта, ҳар қандай технопарк ўзининг ташкил этилиши ва фаолияти жараёнида муайян муаммоларга дуч келади. Улардан асосийлари:

- технологияларни тижоратлаштиришга салбий таъсир кўрсатадиган "технология - бизнес - молиялаштириш" занжирининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги (масалан, Хиндистондаги технопарклар учун хосдир);
- венчур молиялаштириш воситаларининг заифлиги;
- технопаркдаги инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари йўқлиги;
- технопаркда фақат битта муваффақиятли бизнесни шаклланишига олиб келадиган инновацияларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш муаммоси (Финляндияда Нокиа тажрибаси);
- малакали менежерларнинг етишмаслиги (масалан, Исроилда);
- давлат назорати механизмларининг кучсизлиги.<sup>187</sup>

Айни пайтда Ўзбекистоннинг деярли барча худудларида технопаркларни ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Жумладан Тошкент шаҳар, Хоразм, Андижон каби вилоятларда технопарклар ўз фаолиятини бошлаган Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда айни пайтда фаолият олиб бораётган 2 та технопаркларнинг моделларини кўриб чиқамиз.

<sup>186</sup> <https://review.uz/post/tehnoparki-vsokix-texnologiy>

<sup>187</sup> Г. М. Костюнина, В.И. Баронов. "Технопарки в зарубежной и российской практике", Экономика, 2007. - С 1-9



Ўзбек технопарк моделлари<sup>188</sup>

Белгилари	«Технопарк» МЧЖ	“Яшнобод” технопарк
<b>Мақсади</b>	Импорт ўрнини босувчи саноат махсулотлари ва маиший техника ишлаб чиқариш, кенг ассортиментда ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш	Кичик ва хусусий инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат ва хусусий тадбиркорлик ўртасида ҳамкорликни ошириш, инновацион лойиҳа ва махсулотлар ишлаб чиқариш
<b>Иштирокчилар</b>	Хукумат, махаллий органлар	Хукумат, махаллий органлар, хусусий фирмалар, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги
<b>Муваффақият омили</b>	Тадбиркорлик мухити яхши йўлга қўйилганлиги, самарали инфраструктура	Янги товарлар бозорининг юқори сурати, ахборотлаштиришнинг юқори даражаси, кичик бизнес тармоғи
<b>Ихтисослиги</b>	Газ ўлчаш мосламалари, маиший музлатгичлар, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, штамп ва пресс-формалар	Бино ва иншоотларнинг инновацион иситиш тизими, қишлоқ хўжалигида кўп функцияли бир марталик шудгорлаш, 3D-принтер, бионик қўл(i-hand), полграфик бўёқлар, микробиологик ўғитлар, ортодонтик шаффоф элайнерлар ишлаб чиқариш
<b>Хусусиятлари</b>	Тадқиқотларнинг саноат махсулотлари ишлаб чиқаришга йўналганлиги	Тадқиқотлар минтақавий муаммоларнинг инновацион ечимларини топишга қаратилганлиги

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган “Технопарк” МЧЖ ва “Яшнобод” технопарклари ривожланган давлатлар технопарк моделларидан умуман фарқ қилади. Умуман, Ўзбекистонда технопарклар жаҳон талабига жавоб бериши учун жуда катта ислохотларни амалга ошириш зарур. Шу доирада юртимизда ташкил этилаётган технопаркларда иш олиб борувчи кадрлар малакасини ошириш бўйича БААдан келган мутахассислар билан ҳамкорликда Республика бўйлаб “1 миллион дастурчилар” (Million Uzbek Coders) лойиҳаси эълон қилинди. Мазкур лойиҳада иштирок этиш учун жами 20000 иштирокчи рўйхатдан ўтган, 2000 га яқин иштирокчи сертификат олган ва 650 нафар иштирокчи ушбу курс битирувчилар бўлган.<sup>189</sup>

Юқоридаги инновация соҳасини йўлга қўйишда ривожланган давлатлар технопарклар тажрибасига асосланиб Ўзбекистон инновацион парклар тизимини ривожлантириш учун учун қуйидаги қисқа таклифларни тақдим этамиз:

<sup>188</sup> <https://texnopark.uz/page/25> ва <https://yait.uz/preference-yic> сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>189</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2019/11/21/million-uzbek-coders/>

▶ Ўзбекистонда инновацион парклар ва саноат парклари хусусияти жихатидан бир-бирига жуда ўхшашлигини кузатдик. Бу борада ҳукуматимиз томонидан ташкилий ва қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ уларнинг амалий аҳамияти даражасини анча ошириш зарур.

▶ Ўзбекистон ривожланган давлатлар сингари мавқега эришиш учун иқтисодий рақобатбардош соҳаларга эътибор қаратиши ва рақобат афзаллигига эга соҳалар ривожини қўллаб-қувватлаши лозим.

▶ Барча соҳада бюрократик тўсиқларни бартараф этиш шарт. Технопаркларда тадбиркорлик ташкил этмоқчи булган жисмоний ёки юридик шахслар технопарк бошқарув дирекцияси ва маҳаллий ҳокимият тизимини ҳамкорлик даражаси сустиги туфайли кўпинча вақт йўқотади. Буни олдини олиш учун рақамлаштирилган иқтисодий тизим ва электрон имзо каби ислохотларни жуда тез суратда амалга ошириш, тадбиркорликни ташкил этишда тизимини кўриб чиқиш лозим (Ўзбекистон 69-ўрин, Ease of doing business 2019).

### **Фойдаланилган адабиётлар ва иқтибослар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 589-сон қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 майдаги Республика ҳудудларида ёшлар технопаркларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида 313-сон қарори

4. В. Х. Трибушная: “Инновационная инфраструктура как необходимость поддержки наукоёмкого предпринимательства: технопарки и стратегическое управление”, Ижевск-2011.-243с- С 130.

5. Рыбкина, А.С. Индустриальные парки как инструмент формирования качественной институциональной среды регионов / А.С. Рыбкина, В.М. Джуха // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2014.– С. 1–17.

6. Г. М. Костюнина, В.И. Баронов. “Технопарки в зарубежной и российской практике”, Экономика, 2007. - С 1-9

– <https://review.uz/post/tehnoparki-vsokix-technologiy>

– [www.knoema.com](http://www.knoema.com)

– <https://www.gazeta.uz/ru/2019/11/21/million-uzbek-coders/>

– <https://tehnopark.uz/page/25>

– <https://yait.uz/preference-yic>

– <https://www.gazeta.uz/ru/2020/01/23/corruption/>

– <https://www.spot.uz/ru/2019/11/12/one-million/>

## СКАНДИНАВИЯ ДАВЛАТЛАРИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ИНСТРУМЕНТЛАРИ

*Даминова Мадинахон Бахромжон қизи,  
Халқаро иқтисодиёт ва менежмент  
йўналиши магистранти, ЖИДУ*

«Скандинавия давлатлари» атамаси фанда маданий ва тарихий илдизлари ўзаро боғлиқ бўлган Норвегия, Швеция ва Финляндия давлатларини ўз ичига олади. Иқтисодиётда эса ушбу мамлакатлар ўхшаш ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделларига эгаллиги туфайли алоҳида ўрганилади.

Мазкур давлатлардан иккитаси: Швеция ва Финляндия бевосита Европа иттифоқига аъзо бўлган лидер давлатлардан ҳисобланади. Норвегия мазкур интеграция аъзоси бўлмасда, ривожланиш жihatдан қолган иккитасидан қолишмайди. Бир тарафдан ушбу давлатлар ЯИМ ҳажми, унинг аҳоли жон бошига улуши, шунингдек давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватланиши нуқтаи назаридан бир хиллиги кузатилган бўлса, иккинчи тарафдан давлат томонидан инновацион ривожланишга алоҳида эътибори ва мазкур соҳада эришган ютуқлари бўйича ҳам жуда ўхшашдир.

Шу ўринда савол туғилади. Давлатда инновацион фаолият йўлга қўйилганлик даражаси қандай баҳоланади? Мамлакатда инновацион фаолиятни баҳолаш учун Жаҳон инновация индекси тахлилига кўра 7 та ҳар бири алоҳида 3 тадан субиндексларга бўлинган кўрсаткичларга биноан аниқланади. Мазкур кўрсаткичлар инновация соҳасида инсон ресурсларига эътибор, тадқиқот соҳаси қай даражада жозибадорлиги, тадқиқот соҳасини давлат томонидан молиялаштирилиши, интеллектуал активлар, тадқиқот ва тадбиркорликнинг ўзаро боғлиқлиги каби бир қанча субкўрсаткичларни ўз ичига олади.

Қуйидаги 1-жадвалда Скандинавия давлатларидан 2020 йилда Жаҳон инновация индекси (ЖИИ, Global innovation index) ва унинг айрим кўрсаткичлари қандай қайд этилганини таҳлил қилиб чиқамиз.

**1-жадвал.**

### **Скандинавия давлатларида Жаҳон инновация индекси ва унинг субиндексларининг 2020 йилга кўра таҳлили<sup>190</sup>**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Швеция</b>	<b>Финляндия</b>	<b>Норвегия</b>
Жаҳон инновация индекси (дунёдаги ўрни)	2	7	20
Жаҳон инновация индекси (%)	62.5	57	49.3
Инновация билан шуғулланувчи институтлар фаолияти (дунёдаги ўрни)	11	2	3
Бизнес бошлаш осонлиги (дунёдаги ўрни)	37	29	23
Бизнес бошлаш осонлиги (%)	93.1	93.5	94.3

<sup>190</sup> [www.globalinnovationindex.org](http://www.globalinnovationindex.org) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Инсон капитали ва тадқиқотларга эътибор (дунёдаги ўрни)	3	4	16
Инновацион инфраструктуранинг ривожланганлиги	2	9	1
Инновациянинг бизнес билан боғлиқлиги (дунёдаги ўрни)	1	8	25
Билим ва технологиялар ишлаб чиқариш (дунёдаги ўрни)	2	6	33
Креатив маҳсулотлар ҳажми (дунёдаги ўрни)	7	16	16

Жадвал тахлилидан кўришиб турибдики, Скандинавия давлатлари ичида Швеция Жаҳон инновация индексига кўра ўтган йили етакчи бўлган ва дунёда эса 2-ўринни қайд этган. Шунингдек мазкур мамлакат инновация ва бизнеснинг ўзаро боғлиқлиги кўрсаткичи бўйича ҳам дунёда етакчи, ҳамда инновацион инфраструктуранинг йўлга қўйилганлиги ва билим ва технологиялар ишлаб чиқарилиши бўйича ҳам жаҳонда 2-ўринда туришини кўришимиз мумкин. Финляндия давлати эса ЖИИ 2020 бўйича дунёда 7-ўринни қайд этганю. шунингдек инновация билан шуғулланувчи институтлар фаолиятининг йўлга қўйилганлиги бўйича дунёда иккинчи Скандинавия давлатлари ичида эса биринчи ўринни қайд этган. Норвегия давлати ЖИИ 2020 бўйича дунёда 20-ўринни, яъни Финляндия ва Швециядан кўра анча паст кўрсаткични қайд этган бўлсада, инновацион инфраструктуранинг ривожланганлиги бўйича дунёда ҳам Скандинавия давлатлари ичида ҳам етакчиликни қўлга киритган. Умуман олганда мазкур давлатлар нафақат Европа иттифоқи давлатлари ичида, балки дунё мамлакатлари ичида инновацион бошқарув фаолиятининг йўлга қўйилганлиги бўйича ўрганишга арзийдиган мамлакатлар сирасига киради. Ушбу давлатларнинг инновация соҳасида муваффақиятларига сабаб ҳукумат томонидан инновацион маъмурий-ҳуқуқий механизмнинг тўғри йўлга қўйилганлиги, ҳамда молиявий қўллаб қувватлашларнинг мавжудлигидир. Инновацион маъмурий-ҳуқуқий механизм ўз ичига патентлаш тизими йўлга қўйилганлиги, интеллектуал мулкни рўйхатга олиш тезлиги, инновацион маҳсулотнинг ҳуқуқий химояси, энг асосийси кашфиёт ва креатив маҳсулотларнинг фойдага кириши, яъни инновацияга айланиши учун ҳукумат ва молиявий тизим (банк, инвестицион фондлар, венчур фондлари) томонидан маълум бир муддат имтиёзли даври мавжудлиги илм-фан соҳаси вакилларининг ушбу йўналишда фаолият олиб боришга рағбатлантиради.<sup>191</sup>

Бундан ташқари инновацион бошқарувда рағбатлантиришнинг молиявий механизмлари ҳам ушбу давлатларда жуда кенг йўлга қўйилганлигини қайд этиш лозим. Булар инновацион фаолиятни йўлга қўйиш учун имтиёзли банк кредитларининг мавжудлиги, давлат томонидан шу соҳага грант ва субсидияларнинг ажратилиш, бизнес фаришталари

<sup>191</sup> С.А.Балашова. Инновационное развитие в Скандинавских странах: инструменты стимулирования. Экономика.2015-С 1-15

фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, инновацияни молиялаштиришга қаратилган венчур фондлари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, шунингдек трансмиллий корпорациялар қошида корпоратив венчур фондлари ташкил этилганлиги, жисмоний ва юридик шахслар томонидан оз-озгинадан умумий молиялаштириш механизми, яъни кроудфандинг тизимини яхши йўлга қўйилганлиги, шунингдек ҳукумат томонидан мазкур соҳа вакиллари учун солиқ имтиёзлари ташкил этилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.<sup>192</sup>

Хулоса қилиб айтганда, инновация соҳасида ютуқларга эришишни баҳолаш учун бир қанча кўрсаткичлар ва турли омилларда ифодаланиши мумкин. Скандинавия давлатлари ҳукуматлари томонидан инновацион фаолият бошқаруви тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги мазкур соҳада дунёнинг бошқа давлатларидан анча илгарилаб кетишига сабаб бўлган дея айта оламиз. Ушбу давлатларда асосий эътиборни таълим, институт ва университетларда тадқиқотларни молиялаштириш, илм-фан соҳаси вакилларинининг шу соҳада фаолият олиб боришини моддий ва маъмурий рағбатлантириш, инновацион инфраструктуранинг ривожланганлиги, кашфиётларнинг бизнесга боғлиқлиги, креатив маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйилганлигида кўриш мумкин. Бироқ айтиб ўтиш лозимки, ҳукумат томонидан юқоридаги муваффақият омилларини қўллаб-қувватлаш меъёрдан ошиб кетган тақдирда, тизимда парчаланишларни ҳосил бўлиши хисобга олмай илож йўқ. Буни олдини олиш учун эса, ҳукуматлар соҳанинг самарали бошқарувини доимий назоратда ушлаш талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. С.А.Балашова. Инновационное развитие в Скандинавских старанх: интсрументы стимулирования. Экономика.2015-С 1-15
2. European Union (2020).SME's Access to Finance Survey маълумотлари
3. [www.globalinnovationindex.org](http://www.globalinnovationindex.org) сайти маълумотлари

## **RAQOBATBARDOSHLIK SHAROITIDA BRENDLARNING O`RNI**

*Aliyeva Zulayho –TMI, BBHA-50 guruh talabasi  
Ilmiy rahbar: TMI, k.o'q.Bazarova Fayyoza*

Zamonaviy bozorning raqobatbardoshlik darajasi misli ko'rilmagan darajada yuqori va kompaniyalar har qanday narxda raqobatchilaridan ustun turishni istaydilar. Bozor torayib bormoqda, hamma uchun joy yetishmayapti. Strategik brendlash - bu tijorat tashkiloti o'z taklifining o'ziga xos dizaynida o'ziga xosligini topishning yagona usuli. Shuning uchun, agar siz odamlar ongida kerakli tasvirni yaratmoqchi bo'lsangiz, iste'molchi psixologiyasi bo'yicha tahlil, rejalashtirish va tadqiqotlarga sho'ng'ishingiz kerak bo'ladi. Bu yerda muvaffaqiyatga erishish

---

<sup>192</sup> European Union (2020).SME's Access to Finance Survey маълумотларидан фойланилди.

uchun universal retsept bo'lishi mumkin emas, ammo muvaffaqiyatli brendlar ma'lum umumiy xususiyatlarga, muvaffaqiyat ko'rsatkichlariga ega.

Sizga logotip, dizaynlashtirilgan vizitka va shiordan ko'proq o'z sohangizning yetakchilari qatorida bo'lish va yetakchilik sinovidan o'tish kerak. Haqiqiy brendlar uyushgan, mas'uliyatli, uzoq muddatli va yaxshi moliyalashtirilgan ish natijasidir. Brend – raqobatchilardan farqlanish maqsadida aniq sotuvchi yoki sotuvchilar guruhining tovarlari va xizmatlarini belgilash uchun qollanadigan soz, ifoda, belgi, simvol, dizaynerlik ishi yoki ularning kombinatsiyasidir ( bu ta'rif Amerika Marketing Assosiatyasi (American Marketing Assosiations) tomonidan ishlab chiqilgan). Brend - bu xaridorda tovardan foydalangandan keyin qoladigan taassurotlarning kompleksidir (David Ogilvi).

Brend - bu sizning auditoriyangizni tovar va xizmatlar bilan ta'minlash, shuningdek ularni namoyish qilish bo'yicha harakatlaringizning barcha yig'indisi. Brendlash - bu tovarni ishlab chiqish va yanada rivojlantirish jarayoni.

O'z navbatida, tovar - bu tovarni boshqa raqobatbardosh mahsulotlar fonida farqlash usullaridan biri; u iste'molchi bilan auditoriya uchun mos bo'lgan qadriyatlar asosida uzoq muddatli munosabatlarni o'rnatadi, ular ham mavjud tovar belgisi. Shunday qilib, brendlash - bu maqsadli auditoriya talab qiladigan mahsulot va uning atrofida tasvirni yaratish uchun mo'ljallangan chora-tadbirlar va vositalar to'plamidir.

Brendlashning maqsadi-brend imidjini rivojlantirish, shuningdek iste'molchilar bilan eng samarali aloqa tizimini yaratishdir. Brendlash jarayoni tadqiqot ishlari, mahsulotning joylashishini aniqlash, tovar nomini yaratish, tavsiflovchi kabi elementlardan, shuningdek shior, tovar belgisi va korporativ identifikatsiya, qadoqlash va boshqalar kabi boshqa korporativ elementlardan iborat. Ko'pincha, ishbilarmonlar rag'batlantirish uchun katta miqdordagi mablag'ni sarflaydilar, ammo ayni paytda ular deyarli hech qanday daromad olishmaydi. Natijada umidsizlik, imidj va obro'ga sarmoya kiritishni rad etish, to'g'ridan-to'g'ri sotuvga e'tiborni jalb qilish urinishlari.

Ko'pincha "tovar" so'zi ma'lum bir savdo belgisini anglatadi. Aslida brend tushunchasi biroz kengroq. Bu ham savdo markasi, ham kompaniyani raqobatchilardan ajratib turadigan va iste'molchilar tomonidan ushbu savdo belgisi bilan bog'liq bo'lgan tasvir va belgilar to'plamidir. O'sha. brend - bu potentsial mijozlar orasida shakllangan ma'lum bir obraz.

Masalan, sizga biron bir krutonning tovar belgisi nomi aytilsa, darhol sizning boshingizda tasvirlarning butun to'plami paydo bo'ladi: bu qadoqning rangi va logotipi, ba'zi ta'm sifatleri va shu bilan bog'liq hissiyotlar.

Agar gap qimmat tovarlarga tegishli bo'lsa, unda sifat, mavqe va muvaffaqiyatga ega bo'lgan uyushmalar ham qo'shiladi. Shunday qilib, Toyota avtomobilini sotib olgan kishi, shubhasiz, Lada Kalina yoki DEUWOO haydovchilariga qaraganda ancha muvaffaqiyatli ko'rinadi. Va Germaniyada yig'ilgan kir yuvish mashinasi yoki changyutgich xuddi shu xususiyatlarga ega analogga qaraganda ancha ishonchli, ammo "Xitoyda ishlab chiqarilgan" belgisi bilan ajralib turadi.

Albatta, tovarni idrok etishga, avvalambor, mahsulot yoki xizmatning sifati ta'sir qiladi. Boshqa tomondan, bugungi kunda ortiqcha bozorda vakolatli reklama va ijobiy imidj yaratmasdan muvaffaqiyatga erishish deyarli mumkin emas. Shuning uchun brendni reklama qilish juda muhimdir.

Ushbu muvaffaqiyatsizliklarning sababi puxta o'ylangan strategiyaning yo'qligidadir. Va u, o'z navbatida, tovarlar va xizmatlarni batafsil tahlil qilish, raqobatchilarni o'rganish, shuningdek xaridorlarning ehtiyojlarini o'rganish natijasida yaratiladi. Ko'pgina hollarda, mahsulot va xizmatning ob'ektiv xususiyatlari mavjud bo'lib, ular keyinchalik PR materiallarini yaratishda ta'kidlanishi mumkin. Bundan tashqari, topilgan xususiyat haqiqiy afzallik bo'lishi shart emas.

Ehtimol, bu shunchaki qiziq bo'lishi mumkin bo'lgan farq. Yoki hattoki har kimda mavjud bo'lgan narsa, ammo bu sifatga hali hech kim e'tibor bermagan. Masalan, yigirmanchi asrda amerikalik pivo ishlab chiqaruvchi kompaniya o'z mahsulotlarining tavsiflarida pivoni faqat "bug 'shishalarida" idishga solganliklarini aytgan. Raqobatchilar dastlab hatto g'azablandilar, chunki kompaniya hamma uchun odatiy amaliyotni ta'rifladi. Ammo hech kim reklamada konteynerni qayta ishlash xususiyatlariga e'tibor qaratishni taxmin qilmadi. Va u ishladi. Brend yuqori darajadagi tozalik va gigiena standartlari bilan bog'liq bo'lib, sotuvga ijobiy ta'sir ko'rsatdi.

Kuchli raqobatga qaramay, Gucci brendi har doim mashhurlik cho'qqisida turishga va butun dunyodagi modachilar va modachilarga noyob buyumlar dizaynini berishga muvaffaq bo'ldi. Faqatgina bambuk tutqichli sumka bor, u bir necha o'n yillar davomida trendda bo'lib kelmoqda.

Shunday qilib, mahsulotlaringiz uchun ham o'ziga xos narsalarni topishga harakat qiling. Bu sizning noyob savdo taklifingiz (USP) bo'ladi.

Bozorni o'rganishning yana bir sababi - noto'g'ri qarorlarni filtrlash. Muvaffaqiyatli brendlarga e'tibor bering va unday emas. Sizning sohangizda qanday imtiyozlar targ'ib qilinayotganini va hamkasblaringiz marketing strategiyasini nimalarga asoslanganligini tahlil qiling. Va o'zingiz xulosa qiling. So'zda aytilganidek, boshqalarning xatosidan va muvaffaqiyatlardan o'rganish yaxshiroqdir.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHNING DAVLAT TOMONIDAN QO'LLAB-QUVVATLASH ISTIQBOLLARI**

*Bahrom Yaxshiboyev, TMI, BI-50 guruh talabasi  
Ilmiy rahbar – TMI, dots.v.b. Bazarova Fayyoza*

Globalashuv jarayonida raqamli iqtisodiyot va u bilan bog'liq bo'lgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Aynan shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev va Respublika Hukumati tomonidan bir qancha muhim qarorlar, farmonlar qabul qilinayapti va Parlament tomonidan qonunlar ishlab chiqib joriy etilmoqda. Ta'kidlash joizki, O'zbekiston

Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi PF-5349 sonli “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmonini ijro etish borasida<sup>193</sup>, shuningdek, mamlakatimizda davlat boshqaruvi sohasida raqamli iqtisodiyotni amalda qo‘llash, zamonaviy axborot texnologiyalarini shiddat bilan rivojlantirish bo‘yicha sharoit yaratish, hamda axborot xavfsizligini ta‘minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi 2018 yil 31 avgustda raqamli iqtisodiyotning asosiy maqsad va vazifalarini belgilab beradigan “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy qilish va yanada rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarori hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 3 iyuldagi PQ-3832 “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorni va boshqa qabul qilingan qarorlarni raqamli iqtisodiyotni keng yo‘lga qo‘yishga alohida o‘rin tutgan amaliy harakatlardan biri bo‘ldi.

Raqamli iqtisodiyotni joriy etishda asosiy qilinadigan ishlar jamlanmasiga “Elektron hukumat” ni keng joriy etish va uni qo‘llab-quvvatlash nazarda tutiladi. Bu esa shuni anglatadiki, raqamli iqtisodiyot nafaqat iqtisodiy jihatdan samara keltirishi balki, siyosiy jihatdan boshqaruvni yanada mustahkamlanishiga olib kelishi bilan an‘anaviy iqtisodiyotdan farqlanadi.

Haqiqatdan ham, ““Elektron hukumat” tizimini joriy etish raqamli iqtisodiyotning ajralmas tarkibiy qismi hisoblanadi”.<sup>194</sup> Hozirgi kunda mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishida katta tajribaga ega bo‘lgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Loyiha boshqaruvi milliy agentligi bu borada ko‘plab ishlarni amalga oshirmoqda.

Hozirgi vaqtda xizmatlar va idoralarning atigi 30 foizi Elektron hukumat tizimiga ulangan hamda davlat xizmati ko‘rsatuvchi 80 ta idoraning 27 tasi Davlat xizmatlari agentligiga integratsiya qilingan. Davlat dasturiga kora, yaqin kelajakda mamlakatning barcha sohalalari elektron tizimga integratsiya qilinishi kozda tutilagan. Mutaxasislarning fikriga ko‘ra elektron tizimlarning joriy qilinishi YaIM hajmining oshishi va sanoat korxonalarining axborot texnologiyalarni joriy etish natijasida maxsulot tannarxini o‘rtacha 12-15 foizgacha pasaytirishga erishish mumkin. Bu esa o‘z navbatida iqtisodiyotimizning o‘sishiga narxlar indeksining pasayishiga va axoli turmush darajasining yaxshilanishiga olib keladi.

O‘zbekistonda kripto-savdoning eng muhim qoidalari jumlasida quyidagilar ko‘rsatilgan:

– birinchidan, mamlakat rezidentlari faqat kripto-aktivlar va tokenlarni sotishga haqlidir

---

<sup>193</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi PF-5349 sonli “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni

<sup>194</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 13 dekabr sanasidagi “O‘zbekiston Respublikasi davlat boshqaruviga raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat hamda axborot tizimlarini joriy etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi PF-5598-son Farmoni



- ikkinchidan, kripto-birjalarda kripto-aktivlar va tokenlar bilan anonim bitimlarni (operatsiyalarni) amalga oshirish taqiqlanadi;
- uchinchidan, kripto-aktivlar mamlakat hududida to‘lov yoki to‘lovni qabul qilish vositasi sifatida qo‘llanilishi mumkin emas.

Kripto-birjalarning mijozlar bilan munosabati shartnomada rasmiylashtiriladi. 18 yoshga to‘lmagan jismoniy shaxslar, shuningdek «qora» ro‘yxatga (terrorchilik faoliyatida yoki ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishda ishtirok etish, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish) kiritilgan shaxslar bilan shartnoma tuzilmaydi. Munosabatlar o‘rnatilgandan keyin mijozga kripto-birja elektron maydonchasida mijoz, uning kripto-birjada saqlanayotgan pul mablag‘lari hamda kripto-aktivlari va tokenlari xaqidagi ma‘lumotlarni o‘z ichiga oladigan hisobga olish yozuvi (akkaunt) yaratiladi. Bir mijozga bitta akkaunt yaratiladi, undan ortig‘iga ruxsat berilmaydi.

Xususan bajarilayotgan ishlarning bir qismi sifatida: “O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyot va blokcheyn texnologiyalarining imkoniyatlari nihoyatda istiqbolli hisoblanadi. Mamlakat rahbarining 2018 yil 2 sentyabrdagi Qarori bilan kripto-aktiv va blokcheyn texnologiyalar sohasidagi kompaniyalarning erkin faoliyatiga start berildi. Bundan tashqari, bu texnologiyalar davlat sektoriga davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida joriy etilmoqda. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha eng istiqbolli va strategik muhim loyihalarni, shuningdek blokcheyn texnologiyalarini ishlab chiqish va joriy etish sohasida kadrlarni tayyorlash bo‘yicha boshqa chora-tadbirlarni amalga oshirishga qaratilgan “Raqamli ishonch” jamg‘armasi tashkil etildi. O‘zbekistonda ilk bor - “Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartizatsiyasi Davlat markazi” DUK avtomatlashtirilgan reyestrlar tizimida blokcheyn texnologiyasining pilot loyihasi joriy etildi. Shu tariqa mazkur obyekt ma‘lumotlari har qanday manipulyatsiyadan himoyalandi.”<sup>195</sup>

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, hozirgi kunda dunyo bo‘yicha asosiy o‘rinda turayotgan va tez rivojlanayotgan raqamli iqtisodiyotning bir unsuri va turi sifatida kriptovalyutalar hisoblanib, ulardan turli-xildagi moliyaviy operatsiyalarni amalga oshirishda faol tarzda foydalanilmoqda. Ushbu holatni mamlakatimizga oqilona va samarali kirib kelishini amalga oshirilishi yana bir katta yutuqdir. Ammo ushbu holat bir muncha o‘zining risk boshqaruvi holatini keltirib chiqarishi va bu ko‘plab salbiy ta’sirlarga ega ekanligi bilan xavflidir. Ularning tashkiliy tuzilmasi bir markazga birlashmagan (markazlashmagan) ya’ni maxsus tashkil etilgan bank mavjud emasligi va barcha ishlash mexanizm “R2R pirring arxitektura”si ko‘rinishida bo‘lishini taqozo etadi.

---

<sup>195</sup> Manba: <https://napm.uz/uz/activities/raqamli-iqtisodiyot-va-blokcheyn/>

## RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARINI TIJORATLASHTIRISH

*Jaloliddinova Mohira Alisher qizi*  
*Toshkent moliya instituti 1-bosqich magistranti*  
*Ilmiy rahbar: K.Z.Xomitov*

Rivojlangan davlatlar tajribasini o'rgangan holda shuni aytish mumkinki, yaratilgan ixtirolar va boshqa intellektual mulk obyektlarini aniq texnologiyalar va mahsulotlarda amaliyotga tatbiq etish bosqichida kichik innovatsion korxonalarni tashkil etish va bozor tadqiqotlari jarayonida aniqlangan bozor ehtiyojlari asosida kichik mahsulot ishlab chiqarishni tashkil etish va ommaviy ishlab chiqarishga foydali o'tkazish (transfer) intellektual mulk obyektlarini samarali tijoratlashtirish yo'llaridan biri ekanligini ko'rsatmoqda. Bir qator mamlakatlarda ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalar natijalarini tijoratlashtirish uchun (AQSh, Yaponiya, Buyuk Britaniya, Indoneziya) universitetlar va ilmiy-tadqiqot markazlari huzurida texnologiyalarni litsenziyalash byurolari tashkil etilganligini ko'rishimiz mumkin. Intellektual mulk obyektlari va boshqa intellektual foliyat natijalarini tijoratlashtirishda litsenziya shartnomasi orqali savdo masalalarini amalga oshirilishi tijoratlashtirishning keng tarqalgan biridir. Patentlangan ixtirolar va sanoat namunalari, ro'yxatdan o'tgan savdo belgilari va xizmat ko'rsatish belgilari, integral mikrosxemalar topologiyasi, seleksiya yutuqlari, kompyuter dasturlari, nou-xau va ilmiy-texnik hujjatlar ko'pincha savdo ob'ektlari sifatida xizmat qiladi. Litsenziya shartnomalarining afzalligini – intellektual mulk obyektlarini ma'lum bir muddatga berilishi, yangi mahsulot ishlab chiqarishni tashkil etish, uni o'zlashtirishda texnik yordam ko'rsatish, litsenziyalangan mahsulotlarning texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlariga erishish uchun kafolatlar va javobgarlikni ta'minlash, kichik texnik va tijorat xavfining mavjudligi, qoida tariqasida daromadning royalti shaklida muntazam kelib turishi va boshqalarda namoyon bo'lishida ko'rishimiz mumkin. Litsenziyalangan savdo bozori juda jadal rivojlanmoqda va uning o'sish sur'ati boshqa tovarlarni sotishning o'sish sur'atlaridan ancha yuqori. Dunyoda litsenziyalangan savdo aylanmasi 1990 yillarda 55,7 milliard dollardan oshgan bo'lsa. 2012-yilga kelib esa 375 milliard dollargacha yetganligini ko'rishimiz mumkin. Bugungi kunga kelib esa yillik o'sish sur'ati 10-12% yoki undan ortiq natijalarni ko'rsatayotgani tijoratlashtirishning bu usuli samarali ekanligiga yorqin misol bo'la oladi. Litsenziya shartnomasi tuzish orqali savdo bilan shug'ullanish ham sotuvchi (litsenziar) ham xaridor (litsenziat) uchun iqtisodiy jihatdan foydali jarayon deb qarasa ham bo'ladi. Litsenziar uchun bu savdo jarayoni quyidagilarni ta'minlaydi: a) biror tashkilotga sarmoya kiritmasdan turib foyda olish yoki o'z ishlab chiqarishini kengaytirish imkoniyati; b) Ilmiy-tadqiqot tajriba konstruktorlik ishlari (НИОКР) xarajatlarini qoplash muddatini qisqartirish; v) tovar mahsulotlari bilan kirib borish qiyin bo'lgan bozorlarga kirish (masalan, yuqori bojxona bojlari tufayli); d) litsenziatni o'z ilmiy bazasiga bog'lash va litsenziya obyektini takomillashtirish uchun litsenziatning salohiyatidan foydalanish. Litsenziat uchun: a) zarur ilmiy-tadqiqot tajriba konstruktorlik ishlarida (НИОКР) tekshiruvlarini

o'tkazmasdan turib eng yangi ilmiy-texnik ishlanmalar va ixtirolardan foydalanish imkoniyati; b) ushbu sohadagi sarmoyalarni tejash; v) yangi raqobatbardosh mahsulotlar bilan bozorga chiqish vaqtini qisqartirish; d) bozorda allaqachon ma'lum bo'lgan ishlab chiqarish xarajatlarini sezilarli darajada kamaytirish. Ko'rinib turibdiki tijorlashtirishning litsenziya shartnomasi orqali intellektual mulk obyektlarini tijorlashtirishning bugungi kunda keng foydalanilayotgan shakllaridan biri ekanligidan dalolat beradi. Chunki bu usul har ikki tomon uchun ham ham samarali ham sarmoyali ekanligini kafolatlaydi. Bu sohada olib borilayotgan ishlar samarasi bugungi kunga kelib yurtimizda ham bosqichma bosqich ijobiy natijalar asosida amalga oshirilayotganini biz qabul qilingan yangi qonun va qonun osti hujjatlar misolida ham ko'rishimiz mumkin. Bularga O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi №PF-5264-son bilan "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida" gi Farmoni hamda 2017 yil 30 noyabrdagi №PQ-3416-son O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi Qarorlari asosida 2017 yil 30 noyabrda tashkil etilgan O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi mamlakatimiz hududida intellektual mulk obyektlarining tijorlashtirish masalariga keng imkoniyatlar berilganligidan dalolat beradi va ushbu jarayon davlat ko'magi asosida amaliyotga tatbiq etilishi bugungi kunda intellektual faoliyat natijalari yaratuvchilari uchun keng imkoniyatlar yaratilayotganligidan dalolat beradi. Bunday ishlar misolida bugungi kunga qadar biz vazirlik tomonidan amalga oshirilgan quyidagi ilmiy ishlanmalarni tijorlashtirish masalalari amalga oshirilganligini korishimiz mumkin. Bular; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 14 iyuldagi PQ-3855-son karoriga muvofiq, tasdiqlangan 43 ta ishlanmani tijorlashtirilishi bilan bog'liq barcha masalalar "ilmiy-tadqiqot muassasasi (sotuvchi) – vazirlik va idora (sotib oluvchi) – bank (mablag' ajratuvchi)" mexanizmi asosida tijorlashtirish orqali iqtisodiyotning tegishli tarmoq va soxalariga tatbiq etilishi ta'minlanmoqda.

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi institutlari va ilg'or texnologiyalar markazining 43 ta loyihalarini tijorlashtirish bo'yicha Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlangan "yo'l xaritasi"ga muvofiq 24 ta loyiha bo'yicha 18 ta innovasion kompaniyalar ochildi, 10 ta loyiha bo'yicha litsenziya shartnomalari imzolandi. Shuningdek bunda ishlar qatoriga yana bir qonunlardan biri 2019 yil 29 oktabrda qabul qilingan "Ilm-fan faoliyati to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi qonuni misolida ham ko'rishimiz mumkin. Ushbu qonunda qonun hujjatlarida belgilangan tartibda ilmiy faoliyat natijalarini tijorlashtirish bilan shug'ullanuvchi tashkilotlar, ilmiy asbob-uskunalardan jamoaviy foydalanish markazlari va boshqa tashkilotlarni, shuningdek noyob ilmiy obyektlarni tashkil etish huquqiga ega ekanliklari belgilab qo'yilganligi ushbu faoliyatni yurtimizda rivojlantirish maqsadida amalga oshirishda qilinayotgan ishlarga yengillik yaratib berishiga xizmat qiladi.

**Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yuqorida bugungi kunda barqaror bo'lib borayotgan intellektual mulk obyektlarini tijorat maslalarida amalga oshirilishida qanday usul va shakllardan foydalanilsa ko'proq ijobiy natijalar**

keltirishi mumkinligi ko'rsatib o'tildi. Eng asosan intellektual mulk obyektlarini tijorlashtirishda asosan litsenziya savdosi bugungi kunda samarali usuli ekanligi yoritib o'tildi hamda yurtimizda bu sohada amalga oshirilgan ishlar natijalari ko'rsatib o'tildi. Bugungi kunda intellektual mulk obyektlarini tijorlashtirishda huquq egasining bu usuldan samarali foydalanishi uning uchun ham foydali ham sarmoyali bo'lishini biz yuqorida keltirilgan ma'lumotlar orqali ta'kidlab o'tdik. Demak IMO tijorlashtirishning usul va shakllaridan to'g'ri foydalanish bir tomondan ma'lum sohaning rivojlanishini ta'minlansa ikkinchi tomondan ham davlat ham huquq egasi uchun moliyaviy barqarorlikka olib kelishini ta'minlaydi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi – lex.uz
2. O.Oqyulov. "Intellektual mulkning xuquqiy maqomi" Disertatsiya, T. 2000 y. 303 c. TDYI
3. Победин Л. С. Интеллектуальная собственность и методы ее коммерциализации // Молодой ученый. – 2018. – №24. – С. 158-160. – URL <https://moluch.ru/archive/210/51431/>
4. Открытые системы и интеллектуальная собственность в ИТ. Лекция 6: Коммерциализация интеллектуальной собственности <https://www.intuit.ru/studies/courses/13877/1274/lecture/24031>
9. <http://lex.uz/ru/docs/-20596?otherlang=1>.
10. <http://lex.uz/docs/111189>
11. <https://mininnovation.uz/uz/menu/o-ministerstve>

### **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAKLLANISHI SHAROITIDA MENEJMENT VA MARKETINGNING DOLZARB MASALALARI**

*Sobirova Shahlo – TMI, BI-52 guruh talabasi  
Ilmiy rahbar – Bazarova Fayyoza TMI,  
Menejment va marketing kafedrası dots.v.b.,*

Jahon iqtisodiyoti globallasib, savdo yo'lidagi to'siqlar kamayib, soliq qonunlari va tartibga soluvchi rejimlar erkinlashib borayotgan hozirgi sharoitda chetdan kiritiladigan investitsiya oqimlari tez sur'atlar bilan o'smoqda.

Bozor iqtisodiyoti islohotlarini chuqurlashtirish, iqtisodiyotni erkinlashtirish va mulk huquqini himoya qilishni mustahkamlashga qaratilgan chora-tadbirlarning amalga oshirilishi mamlakatimizda investitsiya muhitini yaxshilash hamda hajmi tobora ortib borayotgan xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni bilan "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar Strategiyasi" qabul qilindi. Unga ko'ra: "xalqaro iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, jumladan, yetakchi xalqaro va xorijiy moliyaviy institutlar bilan

aloqalarni kengaytirish, puxta o‘ylangan tashqi qarzlarni siyosatini amalga oshirishni davom ettirish, jalb qilingan xorijiy investitsiya va kreditlardan samarali foydalanish” masalalari belgilanib olindi. O‘tish davri iqtisodiyotida zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy qilmasdan va marketing strategiyalarini ishlab chiqmasdan turib xorijiy investitsiyalarni jalb qilish deyarli imkonsizdir.

Bizning fikrimizcha, investitsiyalarni jalb qilishda quyidagi marketing strategiyalarni qo‘llash samaralidir:

1. Ochiq bozorlarga chiqish va to‘g‘ridan – to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar kirib kelishiga imkon berish. Chet el investitsiyalariga cheklolarni kamaytirish. Tashqi va mahalliy firmalarning barcha turlari uchun ochiq, oshkora va ishonchli sharoitlarni ta‘minlash, shu jumladan: biznes yuritish qulayligi, importga kirish, nisbatan moslashuvchan mehnat bozori va intellektual mulk huquqlarini himoya qilish.

2. Giper shaxsiylashtirish. Pandemiya butun dunyo bo‘ylab do‘konlar trafikining yopilishiga yoki hech bo‘lmaganda pasayishiga olib keldi, shuning uchun 2020 yilda brendlar xaridorlar bilan avvalgidan ko‘ra kamroq aloqada bo‘lishdi. Shuning uchun biz chat – botlarning yanada murakkablashib borayotganini, moslashtirilishini va shaxsiy o‘zaro munosabatlarga qodirligini ko‘rib turibmiz.

Agar bot xaridorning ehtiyojlarini to‘liq qondira olmasa, uni haqiqiy qo‘llab-quvvatlovchi xodim bilan boglab, onlayn tajribani oflayn rejimga iloji boricha yaqinlashtirishi mumkin. Kompaniya uchun ko‘p jihatdan bu yondashuv “jonli”dan ham yaxshiroqdir. Masalan, aloqa zanjirini to‘g‘ri tashkil etish orqali xaridor har doim brend bilan o‘zaro aloqada bo‘lganda, botlar yoki xodimlar foydalanuvchi bilan aloqa tarixiga kirish huquqiga ega bo‘ladilar, shuning uchun u har safar o‘z muammosini qayta tushuntirishga majbur emas.

3. Maqsadga yo‘naltirilishi kerak bo‘lgan tadbirlar to‘g‘risida yaxshilab o‘ylab ko‘rish.

4. Investorlar uchun zarur bo‘lgan infratuzilmani joylashtirish: yetarlicha yaqin transport vositalari yetarli darajada va ishonchli energiya ta‘minoti, yetarli malakali ishchi kuchi bilan ta‘minlash, ideal tarzda ishlab chiqilgan ixtisoslashgan ishchilarni kasbiy tayyorgarligi uchun imkoniyatlar va investorlar bilan hamkorlik qilish.

5. Ichki moliya bozorlarini isloh qilish orqali kredit olish imkoniyatini ta‘minlash. Ishga yaroqli moliyaviy tizimini yaratishga yordam beradi.

6. Inson kapitalini rivojlantirish. Chet el investitsiyalarini jalb qilishning yana bir katta afzalligi – bu inson kapitalini rivojlantirishdir. Inson kapitali bu bizga ko‘proq ishchi kuchi sifatida ma‘lum bo‘lgan mehnatni amalga oshirishga qodir bo‘lganlarning malakasi va bilimidir. Ta‘lim berish va tajriba almashish natijasida olingan fazilatlar mamlakatning ta‘limini va umuman inson kapitalini oshiradi.

Shuni yodda tutgan holda, marketing strategiyalarini ishlab chiqish nafaqat kompaniya balki mamlakat iqtisodiyotini ham saqlab qolishi mumkin. Har qanday iqtisodiy reja kompaniyaning bozordagi rivojlanish variantlari, shuningdek, uning faoliyatining nazariy va amaliy jihatlari to‘g‘risida tasavvurga ega bo‘lishga imkon beradi. Va buni marketing orqali amalga oshirish mumkin, bu maqsadlar va

vazifalarni belgilash, ularga erishish va hal qilish, shuningdek, ma'lum vaqt davomida mahsulotning barcha assortimenti bo'yicha tashkilotda mavjud bo'lgan muammolarni bartaraf etish usullaridir. Aynan shu narsa kompaniyaga muvaffaqiyatli moliyaviy va ishlab chiqarish faoliyatini olib borishga yordam beradi. Muayyan xususiyatni hisobga olgan holda bozor muhiti, keyin unda to'g'ri yo'nalishni yaratish kompaniyani iloji boricha samarali rivojlanishiga imkon beradi. Bunday strategiyani shakllantirishda tashkilot o'z faoliyatini tanlangan siyosatni hisobga olgan holda amalga oshirishga imkon beradigan ijro rejasi tuziladi. Xulosa sifatida shuni ta'kidlash joizki raqamli iqtisodiyot shakllanib borishi bilan birga menejment va marketing strategiyalarning o'rni va ahamiyati muttasil ortib boradi. Shuning bilan birga, menejment va marketing unsurlari ta'siri ostida iqtisodiy tizimlarning umumiy samaradorligi ham ijobiy tomonga o'zgaradi.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR**

*Ilmiy rahbar – Bazarova Fayyoza  
TMI, Menejment va marketing kafedrasida k. o'q.  
Akbarov Muhammadali, TMI BI-50 guruh talabasi*

O'zbekistonda IT (Informatsion texnologiya)larni rivojlanishi kundan-kunga o'sib bormoqda. Mamlakatni rivojlanishi ilm-fan va fan-texnikaga berilgan e'tibor maxsulidir. O'zimizni oldimizga qo'ygan maqsadlarimiz shundan iboratki, biz kelajak avlod o'rtasida turli-tuman fanlarni chuqur o'rganish va hunarmandchilik o'rtasida kuchli raqobatni yuzaga keltirishimiz joiz. Mamlakat yoshlarini istiqbolda kim bo'lishini belgilab beruvchi 3 ta eng asosiy faktorlar bilan bog'lashimiz zarur.

Birlamchi omil: yoshlarni hozirda asosiy vaqtlarni nimalar bilan o'tkazayotganligi.

Ikkilamchi omil: hozirgi kunda qanday kitoblar o'qiyotganligi.

Uchlamchi omil: kimlar bilan qanday doirada birga yurganligidir

Inson qaysi kasbni egallamasin o'z kasbini professional kadri bo'lib yetishishi zarurdir. Bunga qanday qilib erishiladi, oldimizda qanday muammolar bor va ularni yechimlari, qanday qilib zamonaviy kasblarga erishsa bo'ladi? IT sohasi zamonaviy kasbmi, nima sababdan bizda umuman globallashuvda bunga ehtiyojlar ko'payib ketdi, rivojlangan ma'mlakatlar qanday qilib muammolarni yechdi va hozirda gigant IT kompaniyalar gigant katta-katta firmalar va ularni boshqarishda IT sohasini qanchalik foydalanmoqda?

Rivojlangan mamlakatlardan biri bo'lmish Yaponiya qanday qilib hozirda juda kuchli raqobatbardosh IT sohasini o'z ustalarini yetishtirib chiqarmoqda?

Yaponiya aholisi har bir kasbni professional mutahasislari, aholi savodxonlik darajasi bo'yicha 99% ni tashkil etadi. Bu yerda kasbga tayyorlash bo'yicha bolalarga yoshlikdan boshlab qaysi kasbga qiziqishi ota-onasi tomonidan aniqlanib va hattoki bolakayni qaysi fanlarga qiziqishi va qaysi fanni yaxshi o'rganishini tekshira oladigan tashkilotlar ham tuzilgan. Inson qaysi kasbni egallamasin unga qiziqishlari orqali keladi. Mana shu usul orqali mamlakatimizda yoshlarni IT

sohasi bo'yicha professional kadr bo'lib yetishishlari uchun ularga bog'chadan boshlab qiziqish uyg'otish, alifboni o'rganganidek dasturlash tillari, kompyuter savodxonligi, internetdan to'g'ri foydalanish kabi boshlang'ich tushunchalar orqali ularda qiziqish uyg'otish zarurdir. Maktabda yoshlidan boshlab ingliz tilini puhta o'rganishi, matematika, chizmachilik va yangi fanlardan alohida qobilyat talab qiluchi fanlar, web-dizaynerlik va illustiratorlarda ishlay olish imkonini beruvchi o'quvchilarni yetishtirishimiz darkor. IT sohasi faqat dasturlashdan iborat emas. O'z nomi bilan ingliz "Information Technology" sohasi kengdir. Bularga har hil va yana kundan kunga zamonaviy kasblar qo'shilib kelmoqda. Qisqacha misol keltiramiz:

- 1.Andriod developer
- 2.Flutter developer
- 3.iOS developer
- 4.Full-Stack Java developer
- 5.Full-Stack Python developer
- 6.3D masks
- 7.Illustriator dizayning

IT sohasi kundan kunga rivojlanib kelayotgani uchun yangidan-yangi bilimlar dastlab ingliz tilida chiqmoqda. Ularni amaliyoti uchun matematika kerak, dizayning bo'yicha boladan alohida iqtidor talab etiladi. Maktabdan keyingi bosqichlarda yoshlarimizni oliygohlar va oliygohga kira olmagan abituriyentlarni zamonaviy IT-parklarda o'qitish zaruriyati bor. Oliygozlarda o'qiyotgan talabalar o'z sohasi bo'yicha IT ni bog'lay olishi zarur. Buning uchun ularga rivojlangan mamlakatlarni o'quv dasturlaridan foydalanish, "bootcamp" yoki IT-parklarni bitirgan talabalar mamlakat rivoji uchun o'zga sohalar va IT sohasi bilan ko'prik qurishga yordam berishlari, iqtisodiyot uchun yangidan-yangi raqamli texnologiyalari olib kirishlari va freelancerlik bilan shug'ullanishsa nur ustiga a'lo nur bo'lar edi.

Xulosa sifatida O'zbekistonda IT va raqamli iqtisodiyotni rivojlanishi sohasida amalga oshirilgan ishlarga ijobiy baho berish bilan birga, bu sohada hali qilinishi lozim bo'lgan ishlar talaygina ekanligini ta'kidlash joiz.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA AKT: MUAMMO VA YECHIMLAR**

*Ilmiy rahbar – TMI, Bazarova Fayyoz  
Menejment va marketing kafedrasida k. o'q.  
Raimjonova Muhlis Osmonaliq qizi  
TMI, Bank ishi fakulteti talabasi*

Raqamli texnologiyalarni qabul qilish noyob sanoat siyosatining maqsadiga aylanadi va bu muammoni hal qilmaslik keng qamrovli iqtisodiy oqibatlariga olib kelishi mumkin. Garchi ko'p hollarda raqamli iqtisodiyotning yagona ta'rifi mavjud emas, uni ko'pincha turli xil nomlar bilan yangi iqtisodiyot, internet iqtisodiyoti, veb-iqtisod deb atashadi, ammo bu raqamli hisoblash texnologiyalariga asoslangan

iqtisodiy jarayonlarni amalga oshirishni nazarda tutganligi haqiqatdir. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, raqamli asrda qiymat yaratishda ikkita asosiy omil mavjud: raqamli axborot va raqamli platforma.

Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot deyarli hamma narsa haqida mashinada o'qiladigan katta hajmdagi ma'lumotlarni to'plash, ulardan foydalanish va tahlil qilish qobiliyati bilan rivojlanishda davom etmoqda. Ushbu raqamli ma'lumotlar turli xil raqamli platformalarda bo'lib o'tadigan individual, ijtimoiy va ishbilarmonlik faoliyatining raqamli izlaridan hosil bo'ladi. Hozirgi vaqtda jahon iqtisodiyotida axborotni yig'ish, saqlash, tahlil qilish va modellashtirishni qo'llab-quvvatlovchi firmalardan iborat mutlaqo yangi "axborot qiymat zanjiri" shakllandi. Bunday holda, qiymatni yaratish raqamli aql va tijorat maqsadlarida foydalanish orqali ma'lumotlarni pulga aylantirishda yuzaga keladi.

Raqamli platformalar raqamli iqtisodiyotda qiymat yaratishning ikkinchi haydovchisi hisoblanadi. So'nggi o'n yil ichida butun dunyo bo'ylab axborotga asoslangan biznes modellaridan foydalanish va mavjud tarmoqlarni raqamlashtirish orqali bir qator raqamli platformalar paydo bo'ldi. Bugungi kunda bozor kapitallashuvi bo'yicha dunyodagi 8 ta eng yirik firmalardan 7 tasi raqamli platformalarga asoslangan biznes modellaridan foydalanadigan firmalar bo'lib, ularni ushbu platformalar mustahkamligining asosiy ko'rsatkichi deb hisoblash mumkin. Amazon, Alibaba, Facebook, eBay, Uber, Didi Chuxing, Airbnb kabi taniqli kompaniyalar raqamli platformalarga asoslangan biznes modellarga ega kompaniyalardir. Hozirgi vaqtda raqamli platformalarning o'sishi ularning axborot to'plash va tahlil qilish qobiliyatiga bevosita bog'liq<sup>196</sup>.

Raqamli iqtisodiyot so'nggi yillarda keng muhokama qilinayotgan sun'iy intellekt, robotlar va ulardan iqtisodiyotda keng foydalanish natijasida paydo bo'lgan "Sanoat 4.0" kontsepsiyasi bilan butunlay yangi yo'nalishda rivojlandi.

Raqamli inqilob bizning hayotimizni va biz yashayotgan jamiyatlarni misli ko'rilmagan tezlikda va keng miqyosda o'zgartiradi, bir tomondan ulkan imkoniyatlar yaratadi, boshqa tomondan ko'plab jiddiy muammolar va tahdidlar yaratmoqda.

Avvalo, raqamli iqtisodiyot tomonidan taqdim etiladigan raqamli ma'lumotlar yoki ma'lumotlar bazalari iqtisodiy rivojlanish maqsadlari va ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilish uchun ulardan keng foydalanish orqali iqtisodiy siyosat samaradorligini oshirish uchun katta imkoniyatlar ochishini yodda tutish kerak. .

Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot - bu innovatsiyalar va unumdorlikning o'sishini rag'batlantirish, tarmoqlar va bozorlarni raqamlashtirish orqali arzonroq narxlarda yaxshi tovar va xizmatlar ishlab chiqarish uchun sharoit yaratish va turli xil yo'llar bilan qiymat zanjirlarini o'zgartirish orqali iqtisodiy rivojlanish jarayonlarini tezlashtirishga beqiyos hissa beradi.

Raqamli iqtisodiyotning eng jiddiy muammolari, avvalambor, mavjud iqtisodiyotga duch keladi. Ishlab chiqarish omillarining an'anaviy tarkibi o'zgaradi, mehnat ishlab chiqarish omili sifatida o'z ahamiyatini yo'qotadi, miqyos ta'sirining dolzarbligi yo'qoladi, ko'p hollarda ishlab chiqarishni deyarli nolga teng marginal

---

<sup>196</sup><https://mininnovation.uz>



narxda amalga oshirish mumkin va hokazo. Bularning barchasi iqtisodiyotni tubdan paradigma o'zgarishiga olib keladi.

Raqamlilashtirish, shuningdek, qishloq xo'jaligi sohasi uchun katta muammolarni keltirib chiqaradi, bu O'zbekiston uchun ham juda muhimdir. An'anaviy qishloq xo'jaligi tobora ko'proq "yopiq vertikal dehqonchilik" bilan almastirilmoqda. Natijada, hosildorlik keskin oshganda, sog'lom sabzavot mahsulotlarini sun'iy ravishda va dori-darmonga ehtiyoj sezmasdan, har bir o'simlik ehtiyojiga moslashtirilgan maxsus yorug'lik va kimyoviy moddalar bilan ishlab chiqarish haqiqatga aylanadi.

Raqamlashtirish va sun'iy intellekt moliya sohasiga uzoq vaqt kirib kelgan va algoritmlar orqali eng kichik iqtisodiy o'zgarishlarga qadar dasturlashtirilishi mumkin bo'lgan sotib olish va sotish bir tomondan fond birjalarining savdo hajmini sezilarli darajada oshirdi, boshqa tomondan kapital bozorlaridagi o'zgaruvchanlikni oshirdi. Shu bilan birga, kelgusi yillarda raqamli pullarni jismoniy pullarga almashtirish jarayoni tezlashishi kutilmoqda va pul-kredit siyosati tubdan paradigma o'zgarishiga duch keladi.

Raqamli iqtisodiyot transport sohasida aqlli va haydovchisiz transport vositalarini yaratmoqda, ular haydovchi kasbiga chek qo'yishdan tashqari, to'xtash joylariga bo'lgan ehtiyoj, transport vositasiga egalik tushunchasi, keng qamrovli sug'urta tizimi va boshqalarni yo'q qiladi.

Raqamli iqtisodiyot kiberjinoyatdan tortib, noqonuniy iqtisodiy faoliyatga va shaxsiy hayotning muammolariga qadar yangi xavflarni keltirib chiqaradi. Raqamlashtirish natijasida kiberhujumlar kuchayib bordi, bu esa kiberxavfsizlikka sarmoyaga bo'lgan talabni sezilarli darajada oshirdi.

Xulosa qilib aytganda, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi orqali keladigan bir qator xavflarni ham inobatga olish kerak. Bunga misol qilib oladigan bo'lsak, raqamli iqtisodiyot rivojlanishi bilan hammamizga ma'lumki, oddiy ishchilarga bo'lgan talab keskin kamayadi, vaholanki, aholining orasida odiiy ishchi lavozimida ishlovchialr talaygina. Shu sababli texnikani jadal rivojlantirish bilan bir qatorda yangi va taraqqiy etayotga kelajakda "yashab keta oladigan" ish o'rinlarini kengaytirish, shuning mamlakatning jahon bilan hamnafas bo'lib, yetarli darajada rivojlanishga erishish uchun internet tarmoqlarini yaxshilash hamda tezlik va qulyliklar haqida bosh qotirish lozim deb bilaman. Bularni amalga oshirish uchun misol qilib aytganda, IT parklarni ko'paytirish, aholini tez va sifatli aloqa va internet bilan ta'minlash, internet paketlarining narxlariga jiddiy e'tibor qaratish, yosh avlodni komputer va shu kabi texnikalar bilan imkon darajasida ta'minlash, bu sohaga qiziqishi yuroqi, ammo o'rganish va amalda qo'llash uchun yetarli shart-sharoiti mavjud bo'lmagan ishtiyoqmand kelajak avlodlarini har tomonlama qo'llab-quvvatlash va shu kabi ko'plab amaliy ishlarni amalga oshirish zarur.

# THE IMPACT OF E-MARKETING ON THE TOURISM SECTOR

*Muhammad Eid Balbaa, Ph.D.  
Senior Lecturer of Economics and Business Administration,  
Faculty of Islamic Economics and International Relations  
International Islamic Academy of Uzbekistan*

## **1. Introduction:**

We can admit that tourism is the industry of the future, and therefore it is a basic need for the progress and development of countries in the current century. Although the touristic countries have a lot of capabilities that enable them to compete with many other countries in attracting tourists, we believe that tourism e-marketing plays an important role in highlighting these elements and capabilities. Therefore, the topic of evaluating the efficiency of tourism e-marketing was the focus of this research paper.

As the tourism industry has developed greatly, especially in the last two decades, and perhaps the main reason is due to the development of transportation and communications, and the transformation of the world into a small global village, in addition to that the great interest that countries began to give to the tourism sector and the realization of its great importance in revitalizing the various sectors of the national economy. It has a direct or indirect impact in these sectors, and because it brings great benefits to countries, whether in terms of employing the labor force or through the large revenues that countries get from this sector.

Tourism e-marketing has occupied a great importance, especially with the tremendous growth in modern technologies and the increase in the use of the Internet, as it has become the most competitive field in the tourism marketing environment in the modern era, and its role in promoting tourism, so the concept of e-marketing for tourism has been highlighted and its importance is moving all the tourism service establishments to compete in the field of using new sources and new channels for tourism information and tourism services.

## **2. The concept of tourism and its types:**

Tourism is a group of procedures and tasks that serve tourists and contribute to providing accommodations, transportation, and entertainment sites for all tourists. Tourism is also considered a marketing method that defines the characteristics of a group of destinations devoted to travel.

There are several types of tourism according to the criteria that are taken to classify tourists, and below we mention these types:

### - Types of tourism based on location and borders:

There are two main types: international (external) tourism, there is internal (local) tourism, and there is another type known as regional tourism.

### - Types of tourism based on the tourist's period of stay and the characteristics of the tourist area

There is permanent tourism: it is tourism that takes place throughout the year (cultural, religious tourism) and there is seasonal tourism: it is limited to a period of the year, such as summer or winter tourism.

- Types of tourism based on tourist attractions:

There are three types:

a) Cultural tourism: This tourism includes visiting historical places, archaeological and religious sites and museums, and this tourism is often permanent if the appropriate climatic conditions are available for the movement of tourists.

b) Natural tourism: it is multi-faceted (climatic, botanical, natural, general) and diversified purposes (promotional, scientific, curative), but the climate is its main component and effective engine.

c) Social tourism: It is multi-faceted tourism, as it is social relations tourism, recreation and entertainment tourism, and city tourism may be part of this tourism.

- Types of tourism based on goal:

There is recreational tourism, cultural tourism, medical tourism, religious tourism, sports, conference tourism, and business tourism.

- Types of tourism based on organization:

There are three types: family tourism, or individual tourism, and they may be group (tourist groups).

- Types of tourism based on the ages of tourists:

There are also three types: youth tourism between (16-30) years old, adult tourism (30-60) years old, and elderly tourism, meaning tourism of over 60 years of age, and the tourism of these people increases in importance as the health awareness increases and the length of a person's life.

- Types of tourism by means of transportation:

There is air tourism by aviation, land tourism by cars and trains, and marine tourism by ships and yachts. There is a new type of tourism called space tourism, and this tourism is still confined to some very few people, where the trip costs millions of dollars.

### **3. The concept of E-Marketing for tourism:**

Kotler defines marketing as: analysis, organization, planning and control of the activities, strategies and resources of the organization, which have a direct impact on the consumer, with the aim of satisfying the needs and desires of the customer. As e-marketing is one of the basic contemporary concepts that has been able during the past few years to leap all efforts, marketing work and various activities to contemporary trends in line with the current era and its variables, by using various advanced tools and means and modern technology in the implementation of operations and marketing activities, especially with regard to communications, information technology, product presentation and completion of marketing operations through multiple means.

### **4. Types of E-Marketing:**

Some experts in marketing (Kotler) believe that the marketing practiced by organizations can be classified into three main types:

a. External Marketing: It is related to traditional marketing functions such as designing and implementing the marketing mix (product, price, distribution, promotion).

b. Internal Marketing: It is related to the workers within the organization, as the organization must follow effective policies to train employees and motivate them to communicate well with customers, and support workers to work as a team that seeks to satisfy the needs and desires of customers.

c. Interactive Marketing: It is related to the idea of the quality of services and goods provided to customers depends mainly and intensively on the quality and the relationship between the seller and the buyer.

### **5. Characteristics of E-Marketing:**

E-marketing is characterized by some important characteristics:

a. Broad service: E-marketing is distinguished by that it provides a wide service, and customers dealing with the marketing site can deal with it at any time without the company that owns the site knowing who has read its e-message, unless the customer contacts it, and it cannot monitor the visitors to its site.

b. Universality of e-marketing: that the media used in e-marketing do not know the geographical boundaries, so that it is possible to shop from any place where the customer is located through his personal computer on the company's website, with a warning that the laws that govern e-commerce are not crystallized, especially those related to the safety of business deals.

c. Rapid change of concepts: E-marketing is characterized by the rapid change of concepts, the activities it covers and the rules that govern it.

d. The importance of advertising on the international network: The element of excitement and user attention must be used in electronic messages: as is the case in television ads due to the number of companies that put out their e-mails.

e. Deception and fictitious companies: It is more important to be wary of insincere marketing that does not carry real content because it is easy to spread information about the company over the Internet and that a customer may be exposed to a case of deception from this fictitious or non-compliant company.

f. Narrowing the distance between companies: E-marketing narrows the distances between giants and small companies in terms of production, distribution and human competencies, so that small companies can access via the Internet to the international market without having the infrastructure for large multinational companies and make them stand on par with these companies in competition. This is due to the use of the same method in carrying out buying and selling operations and providing various types of services electronically.

g. Acceptance of online promotion methods: With the international nature of e-marketing, cultural differences and cultural sensitivities play an important role in that, especially with regard to the methods used for promotion so that a nation can accept promotional means and conform to its cultural mentality and others that reject it.

h. Absence of paper documents: In electronic marketing, transactions are executed electronically without the need to use paper, especially products that accept numbering, from the negotiation process until the delivery of the goods until the price is paid. This raised the issue of proof of contracts and validity of electronic signatures. This called on the international organizations to set up a legal framework for e-commerce, electronic signature and payment.

## **6. The concept of Tourism Marketing:**

It is that administrative and technical activity carried out by tourism institutions inside and outside the country to identify and influence potential tourism markets in order to develop and increase tourism movement coming from them and achieve compatibility between the tourism product and the desires and motives of the different market segments.

## **7. Elements of the E-Marketing Mix for the Tourism service:**

The elements of digital marketing may differ greatly from the known elements of marketing, but they remain the same between both methods. Below we will notice how the elements of the marketing mix are affected by the Internet revolution:

a. Pricing: Pricing is affected by the fact that the customer can know the competitive prices of tourism services around the world with just a click of a button.

b. Promotion: The computer will be a mean of meeting and direct contact with customers.

c. Distribution: E-commerce strongly threatens the function of physical distribution, and allows direct contact between the tourist service provider and the tourist across borders.

d. Service design: Not far from being influenced by the digital age and e-marketing, the design of modern products in this era and the products must be compatible with the digital age and can enter the Internet as a matter of advertising.

e. Consumers: Reaching and satisfying people is now within reach of distributors and producers and can be accessed with the click of a button.

f. Service delivery: It will be through available networks and information and communication technology without the need for a service provider and a personal connection.

## **8. Conclusion:**

E-marketing is one of the basic contemporary concepts, which has been able during the past few years to leap the overall effort and marketing work and various activities into contemporary trends in line with the current era and its variables, through the use of various tools and advanced means and modern technology in the implementation of operations and marketing activities.

The elements of the marketing mix for tourism aim to provide a distinct value to the customer through information technology and the Internet, as the customer's satisfaction is the main goal of this mix, because the marketing concept considers the consumer or the customer the starting and end point of any marketing activity, and through this research paper we find that it is necessary for tourism organizations to have a wide ability to absorb the latest technology means in marketing their products, using electronic devices and equipment in the production, design and provision of tourism service, and the use of electronic marketing techniques in this field because of its positive impact, and it is imperative that there be a website for each institution on the Internet, and to use that to offer its services, to have a direct channel in contact with customers for the

purpose of conducting electronic meetings and discussions with them directly, and to work on increasing the funds allocated for marketing and tourism promotion.

### **References:**

1. Gurneet Kaur, THE IMPORTANCE OF DIGITAL MARKETING IN THE TOURISM INDUSTRY, International Journal of Research, Vol. 5, No. 6, June 2017.
2. S.PraveenKumar, Internet Marketing in Tourism, INDIAN JOURNAL OF APPLIED RESEARCH, Vol. 4, No. 11, November 2014.
3. Alex-Onyeocha and Iwuagwu Chinonso, The impact of e-marketing and services: to achieving effective customer's service in the hospitality industry, Merit Research Journal of Business and Management, Vol. 3, No. 5, September 2015.
4. Seyed Siamak Mousavi, Effective Elements on E-Marketing strategy in Tourism Industry, PhD thesis, University Trier, Germany, July 2012.

## **ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ**

*О.Т.Астанакулов*  
*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*  
*доценти, и.ф.д.*

Жаҳонда инвестиция фаолиятини ташкил этиш бўйича молиявий ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш мезонлари халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу мезон талаблари асосида давлат миллий компанияларининг бошқарув тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, ҳозирги глобал пандемия шароити дунё мамлакатлари иқтисодиётининг инкирозга юз тутиш эҳтимолини кескин оширмоқда.

Ҳар қандай корхона самарали реал ва молиявий инвестиция танлови борасида маълум муаммоларга дуч келади. Корхонада инвестиция ресурсларидан оқилона фойдаланиши борасида ўз режаларига мувофиқ кўзланган мақсадидан келиб чиқиб, баъзи бир чекланишлар ўрнатилган бўлиши мумкин. Бу ҳолат иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва инфляция даражаси бозор конъюктураси таъсирида ўзгариб туриши оқибатида кутилган натижага эришолмаслик rischi юқори бўлади. Шу боис, корхоналарда инвестиция лойиҳалари танлови ва унинг олиб борилиши режалаштирилган молиявий ресурслар ҳажмига мос келиши талаб этилади.

Инвестициялар соҳасида “баҳолаш” тушунчаси лойиҳани бошқариш фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган натижаларни ва уларга эришиш учун зарур бўлган харажатларни таққослашни ўз ичига олади.

Самарадорлик тушунчаси лотин тилидан “effectus” – бажариш, ҳаракатлар – энг кам вақт ва куч сарфлаш билан ишни бажариш ва керакли ёки исталган натижага эришиш қобилияти деб талқин қилинади. Фалсафий қарашларда эса самарадорлик бу - ҳаракатдаги омилнинг маълум бир натижа

бериш қобилияти тушунилади.

Бугунги кунда амалиётда “иқтисодий самарадорлик” тушунчаси иқтисодий натижа (самарадорлик) ва ишлаб чиқариш жараёни омиллари харажатлари нисбати акс эттирилган иқтисодий категория сифатида белгиланади<sup>197</sup>. Шундай қилиб, “эффект” ва “самарадорлик” тушунчалари аниқ ва ягона тенденцияни намоиш этади ва вақт ўтиши билан миқдорий ва сифат ўзгаришлари билан лойиҳанинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишини акс эттиради.

“Инвестиция лойиҳасининг самарадорлиги” бу харажатлар ва натижаларни унинг иштирокчиларининг манфаатларига нисбатини акс эттирадиган кўрсаткичлар тизими. Шу муносабат билан инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун лойиҳанинг натижаси ва уни амалга оширишга сарфланган саъй-ҳаракатларнинг қийматини аниқлашга йўналтирилган бир нечта усул ва операциялар қўлланилади. Математик жиҳатдан самарадорлик, кутилаётган иқтисодий натижа (самара) ва бунга эришиш билан боғлиқ харажатларнинг нисбати ва нисбий қиймат сифатида аниқланади ва қуйидаги формулага мувофиқ харажатлар бирлигида максимал натижани олишга эътибор қаратади:

$$ИС = \frac{Н}{Х}$$

*бу ерда,*

*ИС – иқтисодий самарадорлик;*

*Н – кутилаётган иқтисодий натижа (даромад, фойда);*

*Х – натижага эришиш харажатлари.*

Бундай ҳолда, ҳисобланган самарадорлик кўрсаткичининг иқтисодий таркиби иқтисодий натижа (самаралар) ва харажатлар сифатида ҳисоблаш учун олинган параметрларга тўлиқ боғлиқдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда самарадорлик баҳоси ўзаро боғлиқ бўлган омиллар тўплами - ташқи ва ички, иқтисодий, ижтимоий ва атроф-муҳит билан боғлиқ.

Лойиҳаларнинг якуний мақсадларига қараб, уларни баҳолаш мезонлари сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

Харажатлар ва уларнинг натижалари қандай ҳисобга олинишига қараб, инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичлари моддий (жисмоний ёки табиий) ва пул шаклида ифодаланиши мумкин. Самарадорлик кўрсаткичларига қуйидагилар киради: лойиҳада аниқ белгиланган мақсаднинг мавжудлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш устуворликларига мувофиқлиги, техник ва технологик даражани яхшилаш, бошқарувчанлик ва ижтимоий-маданий жавобгарлик даражасини ошириш ва бошқалар.

1-жадвалда иқтисодий ишланмаларда инвестиция лойиҳаларини баҳолаш самарадорлиги кўрсаткичлари ва усуллари келтирилган.

---

<sup>197</sup> Щербаков, А.И. Совокупная производительность труда и основы её государственного регулирования: монография. / А.И. Щербаков. — Москва: Издательство РАГС, 2004. - 284 с.

Инвестиция лойиҳасининг самарадорлигини баҳолаш усуллари<sup>198</sup>

Манба, муаллифлар	Самарадорликни баҳолаш усуллари	Кўрсаткичлар тизими
Бланк И.А. <sup>199</sup>	1. Анъанавий	- самарадорлик коэффиценти; - қоплаш муддати;
	2. Замоनावий	- соф жорий қиймат; - инвестицияларнинг рентабеллик индекси; - қоплаш муддати; - инвестицияларнинг ички рентабеллик нормаси.
Erich A. Helfert <sup>200</sup>	1. Оддий	- қопланиш муддати; - даромадлиликнинг оддий ставкаси.
	2. Вақт омилини ҳисобга олган мураккаб усуллар	- соф жорий қиймат; - фойдалилик индекси; - ички рентабеллик нормаси.
Дусмуратов Р.Д. <sup>201</sup>	1. Статистик	- инвестиция ҳаражатларини қоплаш муддати; - инвестициянинг рентабеллик коэффиценти.
	2. Динамик	- соф жорий қиймат; - инвестицияларнинг ички рентабеллик нормаси; - инвестицияларнинг рентабеллик индекси; - инвестицияларнинг дисконтланган қоплаш муддати.
Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Пулатов М.Э., Усманова Д.К. <sup>202</sup>		- дисконтланган қоплаш муддати; - соф жорий қиймат; - инвестицияларнинг рентабеллик индекси; - инвестициянинг рентабеллик коэффиценти; - инвестицияни қоплаш муддати; - инвестицияларнинг ички рентабеллик нормаси; - инвестицияларнинг дисконтланган қоплаш муддати.

Замоनावий иқтисодий фан ва амалиёт, асосан, пулнинг вақт қиймати тўғрисида илгари сурилган концепцияга асосланганлиги сабабли<sup>203</sup>, ҳар хил вақтлардаги ҳаражатлар ва даромадларни таққослаш учун қуйидаги моделлар ишлатилади:

<sup>198</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>199</sup> И.А.Бланк. Управление финансовыми рисками. – К.: Ника-Центр, 2005. – 167 с.

<sup>200</sup> Erich A.Helfert, Techniques of Financial Analysis. A guide to value creation. 10th Edition. Irwin McGraw-Hill. 2003. -640 p.

<sup>201</sup> Р.Д.Дусмуратов Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш бўйича тавсиянома. Т.:ТошДАУ, 2019. -26 .

<sup>202</sup> Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Пулатов М.Э., Усманова Д.К. Финансовый анализ предприятий. Учебное пособие. Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи” ДУК, 2020. – с. 360.

<sup>203</sup> Williams J. B. The Theory of Investment Value. Reprint edition - Fraser Publishing Co., 1997 - 613 p.;



статистик - вақтнинг турли даврларида юзага келадиган пул оқимларининг эквивалент баҳосини ҳисобга олиш;

динамик - кўп муддатли пул оқимларининг таққосланиши дисконт ставкасини қўллаш орқали таъминланади.

Анъанавий кўрсаткичлар қаторида сезиларли ўзгариш ва такомиллашиш жараёнларини кузатиш мумкин, хусусан, самарадорлик кўрсаткичи ва молиялаштириш даврийлиги эътиборга олиниши таъминланади. Шунга қарамай мазкур кўрсаткичларда ҳам камчиликлар кузатилади.

Бозор муносабатлари шароитида амортизация корхоналар учун киритилган капиталнинг қайтими сифатида қаралади. Амортизация соф фойда ва пул оқимини шакллантирувчи манба ҳисобланади. МДХ иқтисодчи олими саналган И.Бланк анъанавий усулнинг яна бир учинчи камчилиги сифатида ўзаро бир-бирини такрорлайдиган икки кўрсаткич, яъни фойда ва инвестиция суммасига боғланиб қолганлигини эътироф этган<sup>204</sup>.

Лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари тўпламининг маълум афзалликлари ва камчиликлари қуйида келтирилган 2-жадвалда кўрсатилганидек, аввало инвестиция лойиҳалари самарадорлигининг динамик ва статистик кўрсаткичларини таққослаш мақсадга мувофиқдир.<sup>205</sup>

Сўнгги пайтларда динамик ва статик кўрсаткичлардан ташқари, лойиҳанинг самарадорлигини интеграл баҳолаш индикаторини ҳисоблаш усули кенг тарқалмоқда, унинг моҳияти иштирокчилар учун энг муҳим сифат ва миқдорий мезонларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Ушбу ёндашувнинг асосий қўлланилиши - бу лойиҳани амалга ошириш ва корхона фаолияти

## 2-жадвал

### Инвестиция лойиҳалари самарадорлигининг статистик ва динамик кўрсаткичларини таққослаш<sup>206</sup>.

Пул оқимларини моделлаштириш	Афзалликлари	Салбий томонлари
Статик	<p>1. Минимал билим даражасига эга бўлиш ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун етарли шартдир.</p> <p>2. Лойиҳа иштирокчилари ҳисоб-китоб натижаларини тушунишлари ва ўзлаштиришлари учун соддалаштириш.</p> <p>3. Ушбу усуллар кенг қўлланилади.</p> <p>4. Бошқарув ва бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган усуллари асосида аниқланади.</p>	<p>1. Қоида тариқасида, ҳисоблашнинг кириш параметрлари ўтган даврларнинг кўрсаткичларини истикболда қиёсланадиган ҳолатга келтиришга боғлиқ.</p> <p>2. Лойиҳада муқобил манбалардан фойдаланиш қиймати ҳисобга олинмайди.</p> <p>3. Нақд пул оқимларини аниқлашда вақт омили ҳисобга олинмайди.</p>

<sup>204</sup> И.А.Бланк. Управление финансовыми рисками. – К.: Ника-Центр, 2005. – 167 с.

<sup>205</sup> Терёшина, Н.П. Экономика железнодорожного транспорта: учеб. для вузов ж.-д. транспорта / Н.П. Терёшина, В.Г. Галабурда, М.Ф. Трихунков, и др.; под ред. Н.П. Терёшиной, Б.М. Лапидуса, М.Ф. Трихункова. - М.: УМЦ ЖДТ, 2006 - 801 с.

<sup>206</sup> Муаллифнинг илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

	5. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун дастлабки маълумотлар мавжуд.	4. Риск омилини билвосита кўриб чиқиш.
<b>Динамик</b>	1. Ҳисоб-китоблар ишлатилган ресурсларнинг харид қобилиятини ҳисобга олади. 2. Иш кўлами кўрсаткичларини аниқлаш учун асос, бу пул оқимлари моделларини шакллантиришдир. 3. Самарадорликни баҳолашда объективликнинг юқори даражаси инвесторнинг позициясини баҳолаш туфайли таъминланади.	1. Ҳатолар эҳтимоллиги жуда кўп турли ҳил омилларни ҳисобга олиш зарурати туфайли катта аҳамиятга эга. 2. Моделларни ишлаб чиқиш учун мутахассислардан махсус билим талаб қилинади. 3. Ҳисоб-китоб ставкасини асослаш ўзаро қарама-қарши масаладир. 4. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун катта харажатларни талаб қиладиган ихтисослаштирилган дастурий тизимлар талаб қилинади.

ўртасидаги боғлиқлик ва сабаб-оқибат муносабатлари-ни акс эттирадиган стратегик хариталарни шакллантириш ва визуаллаштириш. Шу билан бирга, ушбу ёндашувни қўллашда асосий қийинчилик - бу ташкил этиш ва амалда қўллаш пайтида мувозанатли кўрсаткичлар методологиясининг бузилиши, шунингдек, ушбу ёндашувни энг самарали қўллашга имкон берадиган самарали дастурларнинг йўқлиги.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*О.Т.Астанакулов*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
доценти, и.ф.д.*

*Г.П.Гулямова*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
катта ўқитувчиси, и.ф.н.*

Мамлакатимизда қабул қилинган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”да 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантиришда туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айлантириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани, шу жумладан, хорижий сармояларни жалб қилиш ва самарали реклама-маркетинг ишларини олиб бориш эвазига такомиллаштириш орқали эришиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон зиёрат туризми учун қулай манзил ҳисобланади, чунки ислом оламида машҳур кўплаб уламолар юртимизда яшаб ижод қилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда бошқа динларга эътиқод қилувчилар учун ҳам азиз бўлган тарихий қадамжолар бор. Ислом дунёсининг энг қимматбаҳо

Қуръони карим намуналаридан бири – Халифа Усмон Қуръон китоби сақланувчи Ҳазрати Имом мажмуаси, буюк ислом имоми Маҳаммад Ал-Бухорий мақбараси, Нақшбандия тариқати издошлари мақбалари ва шу каби кўплаб бошқа диний марказлар мавжуд. Бундай тарихий ва муқаддас қадамжоларга зиёрат ва саёҳат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюради.

2020 йил 9 декабрь куни Президент Ш.Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда 2021 йилда 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш мақсади қўйилди. Бу борада энг катта манба, аввало, зиёрат туризмидир. Юртимизда ислом динига оид кўплаб зиёратгоҳлар, яҳудийлик, буддавийлик ёдгорликлари бор. Бу имкониятдан фойдаланиб, 700 минг зиёратчини жалб қилиш ва 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди<sup>207</sup>.

Ўзбекистонда туризмнинг барча турларини ривожлантириш имкониятлари юқорилиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Шу билан бирга туризм соҳасидаги мутахассислар томонидан диний туризм, зиёрат туризми тушунчалари, уларнинг таркиби бўйича яқдиллик мавжуд эмас. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, диний туризм бу - ўзи яшаш ҳудудидан ташқарида жойлашган муқаддас жойлар ва диний марказларга саёҳат қилувчи туристлар эҳтиёжини қондириш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият туридир<sup>208</sup>. Унинг таркибига зиёрат туризми, диний-экскурсия туризми ва диний илмий туризм киритилади. Бунга боғлиқ ҳолда ўз яшаш ҳудудидан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга, турли хил диний марказлар ва муқаддас жойларни кўриш, маълум ибодат талабларини бажариш, динни, диний манбаларни ўрганиш мақсадида саёҳат қилувчи шахслар диний мақсад билан саёҳат қилувчи турист деб аталади. Зиёрат – кишиларнинг муқаддас жойларга ташриф буюриш ва у ерларда маълум амалларни амалга оширишдан иборат, зиёрат туризми эса зиёрат қилиш учун саёҳат қилувчиларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган фаолият туридир.

Диний экскурсия туризми диний марказларга саёҳат қилишни ўз ичига олади, бу ерда сайёҳлар диний обидаларни, музейларни кўриши, диний тадбирларда қатнашиши мумкин. Ушбу турдаги туризм илмий туризм билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Олимлар мавжуд диний марказларга, бой диний анъаналарга эга бўлган мамлакатларга мамлакатлар ва минтакаларга ташриф буюриб, диний мерос - қўлёзмалар, диний меъморчилик объектларини ўрганадилар.

---

<sup>207</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3999>

<sup>208</sup> Христов Т.Т. Религиозный туризм: учебное пособие. Москва: Издательский центр «Академия», 2005. 2 с.

Қатор муаллифларнинг фикрига кўра, мусулмонларнинг ер юзи бўйлаб турли мақсадларда, диний ибодатларни адо этиш (ҳаж ва умра), ризқ излаш ва умуман бошқа сабаблари билан саёҳат қилиши туризм соҳасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига сабабчи бўлди.

Шу ўринда туризм мутахассислари мусулмонларнинг диний талабларидан чиқмаган ҳолда ҳар қандай сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай тушунарли бўлиши учун қандай номланиши устида фикрлар билдирганликларини таъкидлаш лозим. Зиёрат туризми, Исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, ҳалол туризм каби таклиф этилган атамаларнинг муаммоли жиҳатлари бўлганлиги сабабли, баҳс ва мунозара, диний соҳа ва туризм мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб Muslim-friendly travel (мусулмонлар учун қулай туризм) атамаси маъқул кўрилган<sup>209</sup>.

Ислом туризм маркази ислом туризмига шундай таъриф берган: саёҳат давомида ислом қоидаларига амал қилинган ҳолда амалга оширилган ҳар қандай ҳодиса, учрашув, зиёрат ислом туризми деб аталади. Шунингдек, ушбу марказнинг таърифига кўра, ислом туризми йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган: турли йўналишларда саёҳат қилувчи мусулмонлар; мусулмон мамлакатларига саёҳат қилувчи мусулмонлар; ислом тамойилларига амал қилган ҳолда саёҳат қилиш; ислом меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмонлар; ислом меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмон бўлмаганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда зиёрат туризмнинг санаб ўтилган барча йўналишларини ривожлантириш учун имконият мавжуд. Тарихий ва муқаддас қадамжоларга зиёрат ва саёҳат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг зиёрат туризми йўналишидаги жозибасини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Президентнинг 5611-сонли фармонида кўра, 2017 йилнинг 5 январь кунидан Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний-маънавий мероси ва анъаналарини ўрганиш учун ташриф буюрувчи хориж фуқароларига 2 ойгача бўлган муддат билан берилувчи Pilgrim visa жорий этилди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этилиши умумий маънода мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш ва туристлар оқимини сезиларли даражада оширишга тurtки беради. Зиёрат туризми учун диний қадамжоларнинг ўзи етарли эмас. Сайёҳларни жалб қилиш учун тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилиши, қулай виза тартиби, аэропорт, меҳмонхоналарда ибодат амалларини бажариш учун шарт-шароит бўлиши керак.

Шу билан бирга зиёрат туризми объектлари бўйича маълумотлар пакети шаклланди, туристларнинг келаётган мамлақати, маданияти, урф-

---

<sup>209</sup> Холхўжаев С. Зиёрат туризми, Исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм ва ҳалол туризм? Қай бир атама тўғри? <https://azon.uz/content/views/ziyorat-turizmi-islomiy-turizm-diniy-tur>.

одатлари, диний қадриятлари кабиларини эътиборга олинган ҳолда тур пакетлар таснифланмаганлиги, туристларга ёрдамчи бўладиган объектлар хариталарини тайёрланмаганлиги, зиёрат туризми инфраструктурасининг етарли даражада шаклланмаганлигини ва зиёрат туризмини ташкил этишда инновацион омиллардан фойдаланиш механизми илмий асосланмаганлигини таъкидлаш зарур.

Зиёрат туризмини ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари – меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб бериши масалаларини ҳал этиш муҳимдир.

Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган биринчи навбатдаги муаммолар ечилди. Зиёрат туризмини ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари – меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб бериши масалаларини ҳал этиш зарур. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш омилларидан бўлган ахборот ресурсларини жамлаш, мамлакатда мавжуд маънавий ва моддий бойликлар тавсифини умумлаштириш, зиёрат туризми бўйича тўлиқ маълумот берувчи интеграцион электрон платформани яратиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

## **THE FEATURES OF MARKETING INFORMATION SYSTEM IN ENTERPRISES**

*Mamurov Samadjon Igamnazarovich -  
senior teacher in TIF*

In marketing, an information system is usually understood as a set of equipment, personnel, methods and operations created for the purpose of collecting, processing, analyzing and then distributing reliable, accurate and necessary information that is necessary for preparing and making informed management decisions in the field of marketing activities of an economic entity.

In other words, a marketing information system (abbreviated as MIS) is a single set of procedures and methods aimed at conducting a planned analysis and timely provision of relevant marketing information that serves as the basis for making management decisions.

Within the framework of the marketing information system, the data acquired from external and internal sources is transformed into information that is necessary for managers and specialists of marketing services. The information obtained from the outside is based on data from marketing intelligence, market research, and consumer and competitor studies. Internal data reflects information about sales volumes, inventory levels, product shipments and orders, and so on. Together, external and internal information serve as the basis for making decisions about the marketing activities of the company and its individual areas.

The essence and main purpose of the marketing information system is that it is the basis that provides output, analytically processed information that allows you to make informed, economically sound and relevant management decisions, as well as make adjustments to the current marketing activities of the enterprise.

Speaking about the essence of the IIA in more detail, it should be noted that it is necessary for the collection, processing, analysis and subsequent distribution of information that is important and necessary for the management of the enterprise and other specialists of its services in order to make appropriate marketing decisions in a timely and reasonable manner. At the same time, the information received at the output of the marketing information system must be reliable, accurate and up-to-date. The information provided by the MIS can be expressed in the form of responses to specific requests from specialists and managers, periodic reports and the results of mathematical simulation.

- It is believed that the MIS is designed to implement the following tasks:
- Early detection of possible problems and difficulties of the marketing activities of an economic entity;
- Identification of favorable opportunities for business development;
- Development and evaluation of strategies and tactical plans for the marketing activities of the enterprise;

Assessment of the level of implementation of marketing strategies and plans based on statistical analysis and modeling. Thanks to the use of MIS, not only marketing tasks are solved, but also the company's relationship with customers is managed. The main purpose of building and using marketing information systems is to identify, based on the use of internal and external sources of information, the relationships between the enterprise and the market, as well as to provide the services of the economic entity with timely and reliable information.

The MIS is an integral part of the overall enterprise management information system. Its construction involves the need to connect the external and internal environment of the enterprise through the implementation of information and analytical procedures.

The marketing information system itself includes several main blocks, the main ones are:

- Information block;
- Statistical block;
- Program block.

An information block is a database that is formed by the business entity itself.

Its content is determined by the nature of the products produced and the industry affiliation of the enterprise. The statistical block includes a set of modern methods of statistical information processing, which make it possible to more fully disclose the relationship between the data and determine the degree of their reliability. The program block is formed at the expense of special software tools for processing information that is contained in the information base of the enterprise.

External sources of information can be represented by state statistical information, materials published in the mass media, official scientific publications

or the Internet, recommendations and reports of consulting agencies, as well as information obtained by trade representatives of the business entity itself. Internal sources of information include internal statistics, accounting reports and accounting, surveys, monitoring and research conducted at the enterprise, data on customers and consumers, etc. All information obtained from external and internal sources should be promptly, timely and continuously entered into the MIS database.

The responsibility for this lies on the shoulders of the marketing service specialists of the economic entity. After entering the information into the database, its subsequent processing, analysis and evaluation are performed, on the basis of which management decisions are made. The main principles of building an MIS are: continuous and continuous data collection, storage and accumulation of information, as well as its processing, analysis and evaluation.

## **THE IMPORTANCE OF MARKETING INFORMATION SYSTEM**

*Mamurov Samadjon Igamnazarovich -  
senior teacher in TIF*

A huge impetus to the development of modern marketing information systems was given by the improvement of information technologies in the 90s, when systems were developed and widely used to significantly reduce the cost of storing a unit of information, increase the speed of data processing and analysis, telecommunications and electronic means of information transmission were further developed, and the possibilities of working with the global information space of the Internet were expanded.

The growth of technical capabilities in the creation of information systems and the expansion of the range of tasks to be solved in the past few years have led to a significant increase in the number of companies using marketing information system (MIS) in developed countries. In 1991, in a number of studies on marketing information systems, it was found that already more than 90% of companies use MIS in their activities, while in 1985, 75% of organizations used marketing information systems, and in 1971 they used MIS systems. Only 30%. If in the early 1980s only 25% of American and European companies built their marketing strategy on regularly received information, then by the end of the same decade there were already about 80% of such companies<sup>210</sup>.

A marketing information system is intended to bring together disparate items of data into a coherent body of information. An MIS is, as will shortly be seen, more than raw data or information suitable for the purposes of decision making. An MIS also provides methods for interpreting the information the MIS provides. Moreover, as Kotler's<sup>211</sup> (1988) definition says, an MIS is more than a system of


---

<sup>210</sup> Bird J. Logical guides to marketing//Management today. — L., 1991. — P. 5.

<sup>211</sup> Kotler, P., (1988) Marketing Management: Analysis Planning and Control, Prentice-Hall p. 102.

data collection or a set of information technologies: "A marketing information system is a continuing and interacting structure of people, equipment and procedures to gather, sort, analyze, evaluate, and distribute pertinent, timely and accurate information for use by marketing decision makers to improve their marketing planning, implementation, and control".

Figure 1 illustrates the major components of an MIS, the environmental factors monitored by the system and the types of marketing decision which the MIS seeks to underpin.



**Figure 1. The MIS and its subsystems in enterprises (done by author)**

The explanation of this model of an MIS begins with a description of each of its four main constituent parts: the internal reporting systems, marketing research system, marketing intelligence system and marketing models. It is suggested that whilst the MIS varies in its degree of sophistication - with many in the industrialized countries being computerized and few in the developing countries being so - a fully-fledged MIS should have these components, the methods (and technologies) of collection, storing, retrieving and processing data notwithstanding.

Traditionally, marketing information systems (MIS) are viewed as systems that provide support in making marketing decisions. The first definition of MIS was given in the work of Cox D. F. and Good R. E.<sup>212</sup> (1993), according to which MIS can be considered as a set of procedures and methods of routine planned analysis and presentation of information for decision-making. Marketing information was divided into control, planning and research information. The goals of such information systems were to collect, sort, analyze, evaluate and distribute timely and accurate information for making marketing decisions, as well as improving the planning and control system. Schmidt K.P. defined MIS as a dynamic combination of marketing information, computer technology and the ever-changing consciousness of the company's management. According to

<sup>212</sup> Bazzel R.D., Koks D.F., Braun R.V. Informatsiya i risk v marketinge. – M.: Finstatinform. – 1993. - s. 7.



researchers, the use of MIS resources can be a critical factor in the success of an organization, and should become an integral part of the strategic planning process.

The development of marketing information systems in enterprises and an increase in the processing and analysis of data have led to an increase in the role of MIS in information support for decision-making at high levels of the management hierarchy. If earlier high-level managers relied more on their intuition than on the information available in the company when making decisions, and information systems were used mainly to meet the information needs of lower management, nowadays the use of marketing information systems by senior and middle managers the link is growing steadily.

In its most general form, MIS can be divided into 2 groups in enterprises, based on the type of use and user status: managerial MIS (management and decision-making systems) and operational MIS (systems of operations, sales and marketing activities). Users of management and decision-making systems are managers, executives, experts, analysts. The second group includes the operational systems of ongoing sales and marketing activities, which are necessary in the daily marketing activities. The main task of the MIS is to transform the available information about the state of the marketing object, as well as about the processes taking place in the marketing environment, into a form necessary and perceived by the manager, which allows him to assess the state of the marketing object, assess the development of the situation, and simulate its change.

The development of marketing information systems and the increase in data processing and analysis capabilities have led to an increase in the role of MIS in information support for decision-making at high levels of the management hierarchy. If earlier high-level managers relied more on their intuition than on the information available in the company when making decisions, and information systems were used mainly to meet the information needs of the lower management level, nowadays the use of marketing information systems by top and middle managers the link is growing steadily.

Among the modern directions in working with marketing information systems in foreign countries, three main ones can be named: the first is the introduction of new methods of collecting and analyzing data, the second is the formation of new approaches to market analysis using micromarketing and database marketing, and the third is the application of innovations in the organization of existing marketing data, embodied in the concept of knowledge management.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МИЖОЗЛАРНИНГ БАНК ХИЗМАТЛАРИДАН МАМНУНЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Раҳимов Акмал Матякубович  
Тошкент молия институти,  
Банк ҳисоби ва аудит кафедраси доценти, PhD.*

Банклараро рақобат шароитида мижозларга қулай шароитлар яратиш,

хизмат кўрсатиш тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, бу борада мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини баҳолашнинг аниқ ва тезкор механизминини яратиш республикамиз банк амалиётининг ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатади. Мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши талабларидан келиб чиқиб бу соҳада кўплаб самарали ишлар амалга оширилди ва мазкур муносабатлар сўнгги йилларда янада тубдан такомиллаштирилмоқда. Жумладан, “банк хизматлари сифатини ошириш мақсадида тижорат банклари фаолиятига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик индекси, мижозларнинг банк хизматларини бошқаларга тавсия этиш индекси каби кўрсаткичларни жорий этиш<sup>213</sup> ...” масалалари ушбу йўналишдаги энг муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилганлиги алоҳида аҳамиятга молик ҳисобланади.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда “молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш<sup>214</sup>,” каби масалаларга устувор аҳамият берилмоқда.

Халқаро тажрибалардан кўриш мумкинки, банк ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни баҳолашда қўлланиладиган турли хил моделлар мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини аниқ ва кенг кўламда баҳолаш имконини берадиган замонавий усуллардан биридир. Бунинг ёрдамида мижозлар томонидан энг мақбул банк танлаб олинади ҳамда банклар ўртасидаги рақобатни сезиларли ошишига эришилади. Демак, бу мижозларга банклар томонидан сифатли хизматлар кўрсатилишига олиб келади ҳамда у билан боғлиқ муаммоларни олди олинади. Мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини аниқ, тўлиқ ва тезкор баҳолаш нафақат банклар учун хизматлар сифатини ошириши балки, мижозлар учун қулай банкни танлай олиш имкониятларини кенгайтира олишлилиги билан ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини ошириш билан боғлиқ масалалар бир қатор маҳаллий ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Ж.Эклоф, О.Подкоритова, А.Маловалар томонидан мижозларнинг банк

---

<sup>213</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони.

<sup>214</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.

хизматларидан қониқиш даражасининг юқорилиги банкнинг молиявий кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келиши таъкидланган<sup>215</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, агар мижозлар банк хизматларидан мамнун бўлса, бу банкка бўлган ишончнинг ортишига, мижозлар сонининг кенгайишига ва натижада банклар даромадининг ошишига олиб келади.

С.Обложин фикрига кўра банкнинг барқарор фаолият юритиши учун унинг мижозлари асос бўлиб хизмат қилади. Яъни банк мвжуд мижозлари билан ҳам, янги мижозлари билан ҳам узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган доимий стратегияга эга бўлиши керак<sup>216</sup>. Демак, банклар томонидан ўз мижозлари ҳамда уларнинг хоҳиш ва истакларини доимий ўрганиб, таҳлил қилиб, тегишли чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириб боришлари бевосита мижозларнинг банкка бўлган ишончини ҳамда банк хизматларидан мамнунлик даражасини ошишига хизмат қилади.

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб рақамли технологияларнинг ривожланиши бевосита онлайн банк хизматларининг ривожланишига ҳамда улардан фойдаланиш даражасининг ошишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида банклар томонидан кўрсатилаётган рақамли (онлайн) банк хизматлари сифати ва уларнинг баҳосини мижозлар фикрини ўрганган ҳолда доимий тарзда янгиланган бориш заруратини яратиб беради. Бундан мақсад, албатта мижозларни йўқотмаслик, янги мижозларни жалб этиш ҳамда уларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини ошириб боришдан иборат.

Шунингдек, яна бир гуруҳ иқтисодчилар фикрича, банк соҳаси электрон банк хизматларидан мижозларни қониқтириш учун самарали ва мос восита сифатида фойдаланаётганлиги сабабли жадал ривожланмоқда. Онлайн банк хизмати бу одатий банклар томонидан мижозларга тезроқ ва ишончли хизматларни кўрсатиш учун таклиф қилинган умумий хизматдир. Мижозларни кенг жалб қилиш ва банк операцияларини самарали амалга ошириш учун технологияларни тезкор такомиллаштириш орқали электрон банк тизимидан фойдаланилади. Шунга қарамай, электрон банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ асосий муаммо Интернет-банк хизматидан фойдаланаётган мижозларни қониқтириш ҳисобланади. Мижозларнинг қониқиши банкларга рақобатбардош йўллари танлашда ёрдам берадиган муҳим омил ҳисобланади<sup>217</sup>. Албатта, ҳар бир банк учун мижозига сифатли хизмат кўрсатиб, уларни банкдан мамнун бўлишини

---


<sup>215</sup> Eklof, J., Podkorytova, O., Malova, A. Linking customer satisfaction with financial performance: an empirical study of Scandinavian banks (2020) Total Quality Management and Business Excellence, 31 (15-16), pp. 1684-1702.

<sup>216</sup> Обложин С.Ю. “Оценка удовлетворенности клиента качеством банковских услуг: учет влияния инноваций”. Управление экономическими системами: электронный научный журнал, № 9 (57), 2013, ст. 28.

<sup>217</sup> Feng Li, Hui Lu, Meiqian Hou, Kangle Cui, Mehdi Darbandi. /Customer satisfaction with bank services: The role of cloud services, security, e-learning and service quality./ Technology in Society. Volume 64, February 2021

таъминлаши асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини оширишга бир қатор омиллар таъсир қилади.



**1-расм. Мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини оширишга таъсир қилувчи омиллар<sup>218</sup>**

Мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини оширишнинг зарурлиги миждозлар учун ҳам, банклар учун ҳам бирдек зарур бўлган ҳолат ҳисобланади. Чунки, миждозларнинг қайси банк хизматларидан фойдаланишларини танлашлари ва банкларнинг миждозларни кенг жалб қилишларида кўрсатилаётган банк хизматларидан миждозларнинг мамнунлик даражаси муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, миждозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини ошириш бевосита унга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таркибий элементларини алоҳида ўрганган ҳолда ёндашиш зарурлигини кўрсатиб берди. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида банк хизматларидан мамнунлик индексидан фойдаланиш, ҳам банк учун, ҳам миждоз учун кутилган самарани беради. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар банк амалиётида миждозлар томонидан энг мақбул банкни аниқлашда банк хизматларидан мамнунлик индекси муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро тажрибаларни мужассамлаштирган ҳолда банк тизимини ривожлантириш, айниқса, соҳада рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш имконини берувчи миждозларнинг банк хизматларидан мамнунлик даражасини баҳолашнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

<sup>218</sup> Муаллиф ишланмаси.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAKLLANISHI SHAROITIDA IQTISODIY- MOLIYAVIY BARQARORLIKNI TA'MINLASH VA BOSHQARISH MASALALARI**

*Ilmiy rahbar – TMI, Bazarova Fayyoza  
Menejment va marketing kafedrasida k. o'q.  
Abdusattarova Mushtariy Dilshodbek qizi  
TMI, Bank ishi fakulteti talabasi*

Butunjahon miqyosida “raqamli inqilob” insonlar hayotini jadallik bilan o'zgartirib, mamlakatlardagi barcha sohalarda, xususan, moliya, ta'lim, texnologiya va iqtisodiy taraqqiyotning yangi bosqichi sifatida namoyon bo'lmoqda. Bu esa o'z navbatida insoniyatga keng imkoniyatlar yaratib, xalqaro maydondagi raqobat darajasini yanada kuchaytirmoqda.

Butun dunyoning raqamlashuv jarayoniga, sun'iy intellekt rivojiga ahamiyat qaratayotgan bir davrda mamlakatimizda ham jahon miqyosidagi raqobatbardoshlikni oshirish maqsadida milliy iqtisodiy tizimni tubdan isloh qilish va raqamlashuvni tadbiiq etishga katta e'tibor qaratilmoqda.

Shu o'rinda ba'zilar savol tug'ulishu mumkin. Mamlakatimiz iqtisodiyotini isloh qilishda raqamli iqtisodiyotning ahamiyati qanchalik muhim va zarur? Aksariyat insonlarda raqamlashtirilgan iqtisodiyot haqida aniq va tugal tushuncha mavjud emas yoxud raqamlashtirilgan iqtisodiyot deganda faqat kiptovalyuta opretsiyalarinigina ta'savvur qilishadi.

Aslini olgnda esa, digital iqtisodiyot nafaqat kiptovalyuta balki raqamli kommunikatsiyalar, information texnologiyalar (IT) dasturlari hamda platformalar, elektron va tezkor moliyaviy xizmatlar deganidir. Bular esa yutimizning moliyaviy ko'rsatkichlariga, iqtisodiy reytinglariga o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatadi.

Hech kimga sir emaski, barcha davlatlarda bo'lgani kabi bizda ham xufyona iqtisodiyot mavjud va bu esa o'zining milliy iqtisodiyotimiga sal'biy ta'sirni ko'rsatmay qolmaydi. An'anaviy tartibda, ya'ni, raqamlashmagan iqtisodiy-moliyaviy sharoitda moliyaviy xizmatlar, iqtisodiy amaliyotlarni bajarish ko'p vaqt, ovaragarchiliklar va ortiqcha qog'ozbozlikni talab qiladi. Bundan tashqari yurtimizni taraqqiyotini ortga tortayotgan yana bir og'riqli masalalardan biri bu davlat tomonidan ajtatilgan pul mablag'larini korrupsion o'zlashtirilayotgani ham achinarli holatlardan biri bo'lib kelmoqda. Raqamli iqtisodiyot esa bu kabi muammoli masalalarning asosiy yechimlaridan biridir. Negaki, yuqorida ta'kidlanganidek raqamlashgan iqtisodiyot sharoitida amalga oshiriladigan opretsiyalar, amaliyotlar online tarzda tez va qulay va asosiysi shaffof holatda amalga oshadi. Bundan tashqari digital iqtisodiyot oriqcha qog'ozbozliklardan xalos etadi va yashirin iqtisodiyot faoliyatiga barxam bera oladi. Ishlab chiqarish jarayonlariga ham IT texnologiyalarini tadbiiq etilishi ortiqcha mehnat sarfini tejaydi, mahsulotlar sifatini ham oshiradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "...yurtimiz xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish indeksi bo'yicha

2019 yilda 8 pog‘onaga ko‘tarilgan bo‘lsa-da, hali juda ham orqada. Aksariyat vazirlik va idoralar, korxonalar raqamli texnologiyalardan mutlaqo yiroq, desak, bu ham haqiqat. Albatta, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko‘p mablag‘ va mehnat resurslarini talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo‘lmasin, bu ishga bugun kirishmasak, qachon kirishamiz?! Ertaga juda kech bo‘ladi. Shu bois, raqamli iqtisodiyotga faol o‘tish – kelgusi 5 yildagi eng ustuvor vazifalarimizdan biri bo‘ladi.

Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi. Shu bilan birga, meni juda qattiq tashvishga soladigan va bezovta qiladigan eng og‘ir illat – korrupsiya balosini yo‘qotishda ham ular samarali vositadir. Buni barchamiz teran anglab olishimiz darkor. Davlat va jamiyat boshqaruvi, ijtimoiy sohada ham raqamli texnologiyalarni keng joriy etib, natijadorlikni oshirish, bir so‘z bilan aytganda, odamlar turmushini keskin yaxshilash mumkin<sup>219</sup>” – degan so‘zlari yuqorida bildirilgan fikrlarning yorqin dalili bolib xizmat qiladi.

Raqamli iqtisodiyotni amaliyotga tadbiq etilishining bir muncha afzalikklari bo‘lgani bilan birga ayrim murakkabliklari ham mavjuddir. Bulardan birinchisi xavsizlik masalasi bo‘lsa ikkinchisi albatta internet tezligidir. Ammo, bu muammolarni ham o‘z yechimlari mavjud. Bugungi kunda kiberxavfsizlik borasida dasturchilar tomonidan yaratilgan mukammal ishlangan avtohimoya dasturlar mavjuddir. Intenet tezligini ham oshirish imkoni mavjud va bugungu kunga bu borada ko‘plab islohotlar amalga oshirilmoqda. Ma‘lumot o‘rnida, Jahon banki tadqiqotlari natijasiga ko‘ra, biror-bir mamlakating internet tezligining 10 foiz ortishi mamlakat yalpi ichki mahsulotining ko‘rsatkichlariga ijobiy tasir qilar ekan.

Xulosa o‘rnida shuni aytish lozimki, insoniyatning yaqin kelajagi va undagi barcha sohalar, xususan iqtisodiy, moliyaviy, ijtimoiy sohlar raqamlashuv istiqbollari bilan bo‘g‘lanib bormoqda. Shunday ekan, mamlakatimizning ertangi kungi rivoji, istiqboli raqamli iqtisodiyot taraqqiy etishiga va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga suyangan holda barpo etiladi.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САНОАТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Жуманова Зилола Тўйчиевна  
ТДИУ, Магистратура бўлими  
МСТ -01 гуруҳ магистранти*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг саноат тармоғини ривожлантиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилди. Саноат тармоғида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришни

---

<sup>219</sup> О‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga murojaatnomasi, 2020 yil 29 dekabr.

худудий жиҳатдан тартибга солиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имконият ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-поябзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд”.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида чуқур таркибий силжишлар ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида саноат ишлаб чиқаришини янги имкониятларини, айниқса, ёқилғи-энергетика, кимё ва нефт кимёси, озиқ-овқат ҳамда машинасозлик соҳаларини жадал ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Саноат тармоғининг таркибий кўрсаткичларини сифат жиҳатдан ўзгариши аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлар ҳажми орқали ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлар ҳажмининг йиллик ўзгариш суръатларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси аҳолиси жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми, минг сўм

Кўрсаткичлар	Йиллар										2019 йил 2010 йилга нисбатан	
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	(+;-)	(%)
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>1334,6</b>	<b>1622</b>	<b>1933</b>	<b>2335,6</b>	<b>2731,4</b>	<b>3118,3</b>	<b>3512,6</b>	<b>4594,7</b>	<b>7141,0</b>	<b>9604,9</b>	8270,3	719,684
Қорақалпоғистон Республикаси	420,9	532,2	607,5	793,9	981,4	1343,5	2364,2	3701,4	5879,3	6759,9	6339	1606,06
<i>вилоятлар:</i>												
Андижон	1800,8	2126,6	2535,4	3336,5	3695,4	3379	2712,6	4442,4	9033,2	10694,0	8893,2	593,847
Бухоро	1016,1	1299	1430,2	1763,5	2243,3	2857,2	3044,6	3458,6	4569,0	7750,3	6734,2	762,75
Жиззах	457,9	560,6	657,1	767,6	965,6	1167,3	1553,1	1941,2	2675,6	3354,4	2896,5	732,562
Қашқадарё	1857,1	1833,8	2166,7	2392,1	2458	2914,8	3150,7	3509,9	4568,0	6270,9	4413,8	337,672
Навоий	4683,4	5547,5	6511,2	7920,5	9081,7	10087,9	11395,1	13755,1	23629,7	44963,4	40280	960,059
Наманган	434,2	565,9	662,2	762,5	915,4	1109,7	1322,6	1724,8	2416,0	3169,9	2735,7	730,055
Самарқанд	629,5	753,6	960,8	1136,8	1427,1	1717,3	2058,1	2507,4	3587,7	4112,3	3482,8	653,264
Сурхондарё	355,9	421,4	491,9	578,4	692,3	801,2	903	947,0	1272,4	1627,7	1271,8	457,348
Сирдарё	1285,8	1651,9	2051,1	2548,3	3067,4	3598,6	4420,5	4702,3	6274,3	8702,0	7416,2	676,777
Тошкент	2092,1	2741,7	3023,1	3843,3	4549,3	5187,3	5998	7624,6	13099,2	18315,4	16223,3	875,455
Фарғона	1036	1265,8	1390,8	1575,5	1931,2	2063,3	2274,6	2708,0	3728,0	5019,6	3983,6	484,517
Хоразм	397,5	527,8	617,9	777,2	1130	1511,1	1590,8	2272,9	3547,3	4612,7	4215,2	1160,43
Тошкент ш.	3083,1	4181,2	5383,2	6617,8	6548,6	7970	9761,2	12460,5	17397,3	20760,0	17676,9	673,348

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси./”Халқ сўзи” газетаси, 30 декабрь 2020 йил № 275–276 (7746–7747).

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 8270,3 минг сўмга, 7,2 мартага ошганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда саноат ривожланаётган тармоқ ҳисобланиб, унда юздан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундай улкан ишлаб чиқариш салоҳияти мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди ва маълум турдаги маҳсулотлар бўйича ҳар қандай хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорга асосий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда саноат тармоқларида юз берган таркибий ўзгаришлар ҳисобига эришилди.

Саноат тармоғининг ривожланишига қаратилган барча чора-тадбирлар корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги ошишига хизмат қилади. Корхоналар фаолияти самарадорлиги, бозор муҳитига қай даражада мослашиши, унда фаолият юритиши бевосита унинг рақобатбардошлигига боғлиқ. Маълумки, саноат корхоналарининг маҳсулот рақобатбардошлигига энг катта таъсир этувчи омиллардан бири – ишчи-ходимлар рақобатбардошлиги ҳисобланади.

Маълумки, таркибий ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишини ва иқтисодиётдаги ролини ифодаловчи муҳим жараён бўлиб, унинг натижасида ишлаб чиқариш такомиллашади ва тармоқларнинг жами ишлаб чиқаришдаги салмоғи ўзгаради. Таркибий ўзгаришлар такрор ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ва технологик тузилишини ҳам қамраб олганлиги сабабли, ялпи ички маҳсулотнинг сифат жиҳатидан ўзгариши таъминлайди.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида саноат тармоғини ривожлантиришнинг долзарб масалалари қўйидагиларда ўз аксини топади:

**Биринчидан**, мамлакатнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши, яъни у давлат миқёсида, туб иқтисодий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, янги таркибий сиёсат юритиш имконини бериш;

**Иккинчидан**, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига қўшилиш жараёни бошланиши - илгари ягона иттифоқ хўжалигининг хом ашё базасига айланган Ўзбекистон жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва бу мамлакатнинг хом ашё ҳамда меҳнат ресурсларидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш;

**Учинчидан**, мамлакатда бозор ислохотларининг амалга оширилиши - бозор муносабатларининг шакллантирилиши ва хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ишлаб чиқариш ҳамда таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.

Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналиши саноатдаги ўзгаришлар ҳисобланади. Саноат тармоғида янги технологияларнинг ўзлаштирилиши ва янги корхоналарнинг қурилиши тармоқда ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашиши ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлайди.



Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг аксарияти, дастлаб импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, кейинчалик уларнинг экспорт стратегиясини амалга ошириш, халқаро бозорга рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқаришга мослаштирилди.

**Хулоса қилиб айтганда,** Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий шакллантириш шароитида саноат тармоғини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғининг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш зарур;

- саноат тармоғида меҳнат қобилиятли ёшларнинг меҳнат ресурслари таркибида юқори улушини таъминлаш;

- саноат тармоғида ахборот, билим ва замонавий технологияларни ўзлаштириш шарт-шароитларидан бири ҳисобланган оммавий саводхонликни ошириш лозим;

- шаҳарлашишнинг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан юқори даражаси ва ижтимоий инфратузилма асосларини яратиш керак;

- мамлакатнинг табиий ва минерал-хом ашё ресурслари, йирик заҳираларига эгаллигини таъминлаш зарур;

- саноат тармоғи бўйича илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имкониятини берувчи интеллектуал салоҳиятни ошириш лозим.

## **БАНКЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Мамадияров Зокир Тоштемирович,  
ТДИУ, “Банк иши ва инвестициялар”  
кафедраси мудири, Ph.D., доцент.*

Банк фаолиятига ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ва фойдаланиш банк хизматлари оммабоплигини оширишга хизмат қилади. «Juniper Research» томонидан инфографик тадқиқот натижаларига кўра, 2020 йилда жаҳонда рақамли банклар ва масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2,4 миллиардга етганлиги ва 2024 йилга келиб 54 фоизга ортиб 3,6 миллиардни ташкил этишини прогноз қилмоқда. 2019 йилда банклар рақамли трансформацияга ва инновацияларга катта миқдордаги маблағларни инвестиция қилишди. «Juniper Research»нинг “Digital Transformation in Banking Readiness Index”га кўра рақамли трансформацияга ва инновацияларга маблағ ажратиш кўлами турлича бўлсада, рақамли трансформацияга ва инновацияларга маблағ ажратишда “Bank of America”, BBVA ва “JPMorgan Chase” трансмиллий банклари етакчи банклар учлигини ташкил этди. “Bank of America” Eгica chatbot ва рақамли тенологиялардан фойдаланишда сезгига асосланган кенг рақамли ечимларни таклиф этган, BBVA банки эса банк иши учун хизмат платформаси яъни “BBVA Open Platform”ни таклиф қилиш орқали банкда APIларни сармоялашга эътибор

қаратди. “JPMorgan Chase” банки блокчаин билан тажриба ўтказди.<sup>220</sup> Шу боисдан, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида банк хизматларини ва банкга ташриф буюрмасдан масофадан рақамли технологиялар асосида самарали бошқариш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тижорат банкларида мижозларнинг талаблари ортиб бориши ва бу талабларнинг қондирилмаслиги банк мижозларининг ўз банкига бўлган садоқатининг камайишига олиб келади. Натижада, банк мижозлари банкларини алмаштиришга ёки бошқа банк хизматларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун банклар мижозлари талабларига биноан фаолиятини трансформация қилиши, яъни банк маҳсулотлари ва хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги банк хизматларни яратишни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда банкларни трансформация қилиш, биринчидан, рақамли банкларни ташкил қилишни талаб этса, иккинчидан, амалдаги банк бўлимлари иш фаолиятининг ўзгаришига ва банк харажатларини қисқартириш имконини беради. Рақамли банкларда банк хизматлари максимал даражада автоматлаштирилади ва банк мижозлари учун ўз-ўзини бошқариш тизимлари яратилади. Чунинчи, бугунги куннинг талаби ҳам рақамли иқтисодийнинг тараққий этиши натижасида банклар филиаллар сонини ошириш йўли билан эмас, балки масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали кўп сонли мижозларига хизмат кўрсатишни талаб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, банкларни трансформация қилиш, замонавий банк амалиёти, менежменти ва янги хизматларни жорий этишни алоҳида қайд этиб ўтилди.<sup>221</sup>



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банкида 2020 йилда мижозларига тақдим қилган замонавий хизмат турлари<sup>222</sup>**

Хусусан, биргина Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банкида 2020

<sup>220</sup> JUNIPER RESEARCH: DIGITAL BANKING USERS TO EXCEED 3.6 BILLION GLOBALLY BY 2024, AS DIGITAL-ONLY BANKS CATALYZE MARKET. JUNIPER RESEARCH'S DIGITAL TRANSFORMATION READINESS INDEX 2020 (GRAPHIC: BUSINESS WIRE)

<sup>221</sup> [https://www.norma.uz/bizning\\_sharhlar/2020\\_yilgi\\_murojaatnoma\\_prezidentning\\_maruzasidan\\_asosiy\\_tezislar](https://www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar)

<sup>222</sup> Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки маълумотлари асосида тузилди

йилда мижозларига (юримдик шахсларга 8 та, жисмоний шахсларга 35 та) янги банк хизматларини тақдим этди. Жумладан, юримдик шахслар учун:

- бизнес овердрафт (мижозларнинг ҳисобрақамидаги қолдик маблағларидан ортиғини ишлатиш имкониятини берувчи очик кредит линияси);

- доиравий бизнес кредити (тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва узок муддат давомида йирик лойихаларни молиялаштириш учун кредит);

- факторинг (чорвачилик хўжаликларининг дебитор қарздорлигини сотиб олиш);

- револьвер кредит (ЯТТ ва юримдик шахсларга айланма маблағларни тўлдириш учун қисқа муддатга ажратиладиган кредит);

- роунд кредити (мижозларга айланма маблағларни тўлдириш учун қисқа муддатга ажратиладиган кредит);

- микроқарз (ЯТТ ва юримдик шахсларга исталган мақсадлар учун қисқа муддатга ажратиладиган кредит) ва бошқалар.

Жисмоний шахсларга эса “UzPay”, “Union pay”, кобейджинг картаси, “Nano” кредит, “Trade-in” автокредити, “Gold credit” кобейджинг картаси, режали тўлов картаси, МИР кобейджинг, прогоессив депозит, кредит карта, пенсия овердрафт картаси ва бошқа замонавий хизматлар яратилди. Халқ банкида бу каби янги хизматларни яратишда ҳорижий ташкилотлар, яъни Польша давлатининг “Asseco Poland SA” корпорацияси ва ТА Consult Ltd консалтинг компанияси ҳамкорлиги банкнинг мижозлар учун бугунги кундаги банклараро рақобат шароитида ишончли олға қадам ташлаганидан далолат беради.

Умуман олганда, банк тизимида инновацион ахборот технологияларини кенг кўламда тадбиқ этиш Ўзбекистонда қисқа муддатда миллий тўлов тизимини шакллантиришга имконият яратди. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларни аниқ вақт режимида амалга оширувчи бу тизим Ўзбекистон молия бозори барқарорлигини таъминламокда. Бундан ташқари у мамлакат пул-кредит сиёсатини самарали юритиш, миллий ва халқаро тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, пул оқимларини бошқаришга сезиларли таъсир кўрсатади.

## **ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ**

*Асқаров Сарвар Анвар ўғли,  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети таянч докторанти*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилан-

ган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, банкларнинг инвестициявий жозибдорлигини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилишда банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва маҳсулотларни жорий этиш ва камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш бош мақсадлардан қилиб белгиланди.<sup>223</sup>

Банк хизматлари хорижий иқтисодчилар нуқтаи назаридан мижозларга кредитлаш бериш, пул маблағларини бошқариш, валюта алмаштириш операциялари, нақд пул оқимини бошқариш, пенсион режаларини сотиш ва бошқаларни киритганлар.

Банк хизматларни амалга ошириш қийин тизимга эга бўлган жуда мураккаб жараён бўлиб, бу алоҳида олинган чакана банк хизматлари дейилмайди. Бу умумий тушунча сифатида хар икала томон маълум “банк хизмати” тушунчалар орқали ўз функцияларини бажаради.

Бу нуқтаи назаридан олганда, мазкур тушунчалар ўз йўналиши бўйича томонларни манфаатлари асосида амалга оширилиб, кредит ташкилоти банк чакана хизмат сотувчи кўринишда намоён бўлади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банкида трансформация натижасида кредитлаш фаолиятининг ўзгариши**<sup>224</sup>

1-расмдан шуни кўришимиз мумкинки, йиллар давомида кредитлаш билан боғлиқ ҳужжатларнинг кўплиги ва мижозларнинг кредит олиш билан боғлиқ кўплаб муаммоли вазиятлар билан юзма-юз бўлганлигини кўришимиз мумкин. Яъни жисмоний шахсларни кредитлашда талаб этиладиган ҳужжатлар 5 тадан 1 тага, юридик шахсларга айрим кредит турлари бўйича 16 та ҳужжатдан 8 тага камайганлиги ва жараёнлар тезлашганлигини

<sup>223</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони

<sup>224</sup> Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки маълумолари асосида тузилди

кўришимиз мумкин.

Рискларни баҳолаш усули ва уларни кредитларни қайтариш эҳтимоли тузилган режасини бошқариш скоринг (англ. *scoring* – балл(ачко) олиш)дан кенг фойдаланмоқдалар. Бу вақтда банк қарз олувчини алоҳида айрим томонлари тарзида кўриб чиқмайди, математик ва статистик услублар ёрдамида истеъмол кредитни бериш имкониятлари ҳақида қарор қабул қилади.

Скоринг тизимини самарали ташкил этиш учун тизим ости базаларни жамлаш лозим. Масалан:

- пенсия тизими (ойлик даромадлари тўғрисида реал маълумотлар олинад);

- давлат хизматлари маркази (манзили, устави, таъсисчилари, фаолият тури ва бошқа реквизитлари олинад);

- давлат жамғармаси (қарз олувчига кафиллик ва компенсация бўйича электрон шартнома тақдим этилади);

- ички ишлар вазирлиги (паспорт маълумотлари олинад);

- давлат солиқ кўмитаси (бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботи олинад);

- кредит бюро (кредит тарихи ва мавжуд қарздорлиги бўйича маълумот олинад).

Бу вақтда кредит суммаси битта қарз олувчи ёки қарз олувчи билан боғлиқ бўлган гуруҳларни алоқадорлиги бўйича меъёрлардан оширилмайди, мазкур кредит бўйича таъминотини расмийлаштириш ва баҳолаш амалга оширилмайди.

Шундай қилиб, кредитор жисмоний шахсларни умумлаштирилган ва тизимлаштирилган ҳолда пул маблағларини шакллантириш бўйича функциясини амалга оширади<sup>225</sup>.

Бинобарин, тижорат банклари инновацион банк маҳсулотлари ва хизматларини ўзларининг иқтисодий ўсишини ва рақобатбардошлигини, барқарорлигини таъминлашда муҳим восита сифатида баҳолайдилар. Чунки банклар банклараро рақобат бозорида янги маҳсулотларни жорий этиш ва сифатини яхшиламасдан самарали фаолият кўрсата олмайдилар.

Хусусан, COVID-19 пандемия шароитида тўловларни нақд пулда амалга ошириш аҳоли учун айниқса зарарли. Шунинг учун ҳам нақд пулсиз ҳисобкитобларнинг автоматлаштирилган тизимини, мобил тўлов тизимни ва янги замонавий рақамли технологияларга асосланган чакана тўлов тизимларини кенгайтиришни талаб этмоқда.<sup>226</sup>

Шунинг учун бугунги кунда банклар аҳолига чакана банк хизматларини кўрсатиш билан бир қаторда аҳолини ўсиб бораётган истеъмолини қондириш ва иқтисодий ўсишга эришиши ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

<sup>225</sup> Гончарук А. С. Институциональные аспекты развития сегмента розничных банковских услуг – Москва. ЮНИТИ 2012

<sup>226</sup> Mamadiyarov Z. Prospects For The Development Of Remote Banking Services In The Context Of Bank Transformation //The American Journal of Applied sciences. – 2020. – Т. 2. – №. 07. – С. 108-118.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAKLLANISHI SHAROITIDA AKT: MUAMMO VA YECHIMLAR**

*TMI: Xojibekova Madina  
Ilmiy rahbar: Bozorova Fayyoza*

Bugungi kunda insoniyat turmush tarziga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT)ning keskin kirib kelishi hamda iste'molchining mahsulotga bo'lgan talablari, jumladan mahsulot haqida to'liq ma'lumotga oson va qulay ega bo'lish, dunyoning har nuqtasidan buyurtma bera olish, mahsulot shaklini shaxsiy xohish irodasiga ko'ra o'zgartira olish, tezkor ega bo'lish va shu kabilar natijasida ijtimoiy munosabatlar o'zgarib, raqobatlashuv sharoitida rivojlanayotgan korxonalar va jamiyatlarning yangi boshqaruv texnologiyalari va platformalarini yaratishiga turtki bo'ldi.

Yangi texnologiyalar va platformalar korxonalar boshqaruvida, iste'molchilarda va barcha aloqador faoliyatlarda katta masshtabda tranzaksion xarajatlarni qisqartirishga olib keldi hamda davlat va xo'jalik yurituvchi subyektlar o'rtasida yaqindan aloqalar o'rnatilishini vujudga keltirdi. Natijada tarmoq xizmatlariga asoslangan, ya'ni raqamli iqtisodiyot shakllandi. Raqamli iqtisodiyot segmentning kengayib borishi bazaviy sabablaridan biri bugungi kunda rivojlangan mamlakatlar YaIMning 70 foizni tashkil etadigan tranzaksion sektorning rivojlanishi hisoblanadi.

Jahon banki vakillarining ta'kidlashicha, raqamli iqtisodiyot o'zi bilan birga iqtisodiyotning 50 foizdan ko'proq sohasini o'zgartirishga olib keladi. Axborot texnologiyalari va platformalar yaratilishi biznes yuritish modellarini keskin o'zgartiradi. Shuningdek, ko'plab mamlakatlarda yuqori tezlikdagi internetni 10 foizga oshirish YaIMning 0,4 foizdan 1,4 foizgacha oshishiga olib kelgan. 2019-yilda Boston Consulting Group kompaniyasi o'tkazgan tadqiqotlarga ko'ra, G20 mamlakatlarida raqamlashtirish 2,3 trln. dollar deb baholandi. Bu esa jahon YaIMning 4,1 foizini tashkil etgan. Kompaniya tomonidan berilgan ilmiy bashoratlarga ko'ra, yaqin 10-15 yil ichida bu ko'rsatkich 30-40 foizni tashkil etishi kerak.

Rivojlanayotgan mamlakatlarda AKT sohasida bandlar umumiy bandlikning atigi 1 foizni tashkil etadi, taqqoslash o'rnida shuni aytish mumkinki, rivojlangan mamlakatlar yuqori texnologiyali ish sharoitida faoliyat ko'rsatuvchilar 4,9% ekanligi ma'lum. Bu iqtisodiyotni raqamlashtirish natijasida vujudga keladigan jarayon hisoblanadi.

Ba'zi holatlarda raqamli iqtisodiyotning iqtisodiy ahamiyatini belgilash elektron xizmatlar va ma'lumotlarga bo'lgan ehtiyojni qondirish orqali belgilanadi. Albatta, bu holat joriy etilgan elektron xizmatlar an'anaviy holatdagidan ko'ra qancha miqdorda tranzaksiya xarajatlarni qisqartirishi orqali belgilash mumkin. Ammo ko'pgina iqtisodchilar aynan AKT sohasiga kiritilgan investitsiyalar orqali ularning iqtisodiy mohiyatini baholaydilar.

So'nggi ikki yil davomida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha izchil chora-tadbirlar amalga oshirilib, davlat organlari va

boshqa tashkilotlarda elektron hujjat almashinuvi hamda jismoniy va yuridik shaxslarga xizmat ko'rsatish uchun elektron tijorat tizimlari bosqichma-bosqich joriy etilmoqda.

Davlatimiz rahbari tomonidan "Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora tadbirlari to'g'risida" gi PQ-3832 qarorining qabul qilinishi raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish, undan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish va zamonaviy infratuzilmani qo'llashda muhim dasturi amal hisoblanadi.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sohasidagi, shu jumladan, "Blokcheyn" texnologiyalarini joriy etish bilan bog'liq loyihalarni davlat-xususiy sheriklik shartlarida amalga oshirish uchun investorlarning mablag'larini jalb etish va birlashtirish asosiy vazifalaridan biri hisoblangan davlat muassasasi shaklidagi "Raqamli ishonch" raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi tashkil etilgan.

O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, Xususiylashtirilgan korxonalariga ko'maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi, Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Davlat soliq qo'mitasining "Universal Mobile Systems" mas'uliyati cheklangan jamiyati ustav kapitalidagi davlat ulushini 100 foiz miqdorda "Raqamli ishonch" raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash jamg'armasiga beg'araz asosda topshirilgan.

Shuningdek, jamg'arma tomonidan ushbu qarorga muvofiq olingan mol-mulk yuridik shaxslarning foyda solig'i bo'yicha soliqqa tortish obyeksi hisoblanmaydi va "Universal Mobile Systems" MChJ ustav kapitalidagi ushbu qarorga muvofiq topshirilayotgan ulush yuridik shaxslarning foyda solig'iga va qo'shilgan qiymat solig'iga tortilmaydi.

2019-2021 yillarda "Universal Mobile Systems" MChJni rivojlantirish konsepsiyasini ishlab chiqilgan.

Shunday ekan, so'nggi yillarda "Raqamli iqtisodiyot" tushunchasi ko'p marta qo'llanilib kelmoqda. Ko'plab rivojlangan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyot ularning rivojlanish omillariga sezilarli darajada ta'sir o'tkazdi. Jamiyat hayotida raqamli iqtisodiyot muhimrol o'ynaydi.

"Raqamli iqtisodiyot unchalik uzoq bo'lmagan vaqtda ya'ni 1995-yil Massachusetts universiteti olimi Nikolas Neoroponte tomonidan kelib chiqqan. Olim axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini intensiv rivojlanishi ortidan eski iqtisodiyotdan yangi iqtisodiyotga o'tishda qanday o'zgarishlar ro'y berishi mumkinligini aytib o'tgan.

Raqamli iqtisodiyot- bu xo'jalik faoliyatini yuritish hisoblanadi. Bunda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko'rinishidagi ma'lumotlar bo'lib katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini tahlil qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish texnologiyalar va mahsulotlarni yetkazib berishda avvalgi tizimdan samaraliroq yechimlar tadbiriq qilishdir. Yanada tushunarli tarzda aytadigan bo'lsak, raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmat ko'rsatish, elektron to'lovlarni amalga oshirish,

onlayn savdo va boshqa turdagi sohalarni, raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog‘liq faoliyatdir. Hozirgi kunda axborot texnologiyalarini rivojlanishi va ommaga tadbiq qilinishi evaziga kundalik hayotimizda juda ko‘p qulayliklar paydo bo‘lmoqda.

Raqamli iqtisodiyot rivojlanishining boshqa afzalliklarini ham keltirib o‘tamiz:

- ishlab chiqarishda mehnat samaradorligini oshirish;
- kompaniyalarning raqobatdoshligini oshishi;
- ishlab chiqarishdagi harajatlarning kamayishi;
- yangi zamonaviy kasblar paydo bo‘lishi;
- kambag‘allikni yengish va ijtimoiy tengsizlikning yo‘qolishi.

Yuqoridagilar raqamli iqtisodiyotning bor yo‘g‘i bir nechta afzalliklari xolos. Xalqaro iqtisodiyotning rivojlanishi bizning kundalik hayotimizga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi, oddiy foydalanuvchiga ko‘plab qo‘shimcha imkoniyatlar beradi va albatta bozor o‘sishi, rivojlanishida ham muhim rol o‘ynaydi.

Har bir narsaning yaxshi tomoni bo‘lganidek yomon tomoni ham bor albatta. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi ham bir qancha xavflarni keltirib chiqaradi. Masalan, kiber hujum xavfi, shaxsiy ma‘lumotlar bilan bog‘liq muammolar, “raqamli qullik”, ya‘ni millionlab insonlar ma‘lumotlaridan keyinchalik ularning o‘zlarini tutishini boshqarish uchun foydalanish, ishsizlikning oshishi, axborot-texnologiyalarining rivojlanishi va uni tadbiq qilinishi ortidan bir qancha sohalar va kasblar yo‘q bo‘lib ketishi mumkin.

Raqamli iqtisodiyoti rivojlangan davlatlar soni ham ortib bormoqda. “Raqamli” davlatlar bugungi kunda Norvegiya, Shvetsiya va Shvetsariya hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyoti rivojlangan 10 ta davlatlar qatoriga AQSH, Britaniya, Daniya, Finlandiya, Singapur, Janubiy Koreya va Gonkong kiradi.

Dunyo tajribasini o‘rganish natijasida shu narsa aniqki, raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyotda davlat bozori “o‘yin” qoidalarini o‘yinning barcha ishtirokchilari uchun bir xil, teng huquqli va imkoniyatli sharoit yaratib beriladi. Ya‘ni bozorda katta kompaniya bo‘ladimi yoki kichikmi, ularning barchasi teng huquqlidir. Shunday ekan raqamli iqtisodiyot rivojlanishida davlat hamma uchun teng shart-sharoit yaratib berishi, iloji boricha bozor qoidalari, qonunlar, shartnomalar shaffof bo‘lishi, qonunlar bozor talabidan kelib chiqqan holda o‘yin ishtirokchilari uchun erkinlik berishi ya‘ni bozordagi rivojlanish tendensiyalarini oldindan aniqlay olishi va kerakli normativ hujjatlarni qabul qilishi zarur.

Dunyo mamlakatlari singari O‘zbekistonda ham raqamli iqtisodiyot rivojlanib bormoqda. Kundalik hayotimizga axborot-texnologiyalarini tadbiq qilinishi ortidan oddiy insonlar uchun ko‘plab imkoniyatlar yaratilmoqda. Lekin shuni ham ta‘kidlab o‘tish joizki, O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyot bir necha barobar sekin rivojlanmoqda. Ya‘ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud, lekin rivojlanish darajasi boshqa mamlakatlarga nisbatan ancha past.

Buning asosiy sababi sifatida, raqamli iqtisodiyotni O‘zbekistonda rivojlanishini bir qancha to‘siqlarini ko‘rsatishimiz mumkin:

- internet tezligining pastligi va sifatsizligi;



- ko‘plab sohalardagi monopoliya;
- fuqarolarda kompyuter savodxonligining pastligi;
- qonunchilikning shaffof emasligi;
- axborot-texnologiyalari bo‘yicha mutaxassisning yetishmasligi;
- ilm-fan va ayniqsa aniq fanlar rivojlanishining sustligi.

Xulosa qilib aytganda, biz yuqorida sanab o‘tgan muammolarga bosqichma-bosqich dunyo tajribasidan kelib chiqqan holda yechim topsak, albatta O‘zbekiston ham raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar qatoridan joy oladi.

### ***Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati***

1. Baltabayeva G.R., Ergashev E.I. va boshqalar. O‘zbekistonda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish muammolari va yechimlari. – T: “Iqtisod- moliya” nashriyoti, 2018, 116 bet
2. Ayupov R. X., Baltabayeva G.R. Raqamli valyutalar bozori: innovatsiyalar va rivojlanish istiqbollari. – T: “Fan va texnologiya “ nshriyoti, 2019, 174 bet.
3. <http://blokchain.community>- Rossiyaning blokchain jamiyati
4. <http://ru.newsbtc.com>- Biktoin va blyukcheyn yangiliklari.
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI JORIY ETISHNING ZAMONAVIY MUAMMOLARI**

***TMI: Xojibekova M.  
Ilmiy rahbar: Bazarova F.T.***

Bugungi kunda O‘zbekiston sharoitida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning qonunyalari, tendentsiyalari va imkoniyatlarini, hususan zamonaviy axborot texnologiyalarining iqtisodiyotning turli sohalariga kirib borish darajalarini ilmiy asosda o‘rganish nihoyatda dolzarb kasb etadi. Vatanimiz taraqqiyoti va istiqboli, mamlakatimizda keng ko‘lamda amalga oshiralayotgan islohatlarning muvoffaqiyati milliy iqtisodiyotimizga yangi innovatsiyalarni joriy qilishga bevosita bog‘liqdir. Shu sababli raqamli iqtisodiyotni takomillashtirish, uning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va huquqiy asoslarini ilmiy-amaliy jihatdan tadqiq etish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Mamlakatimizda ilm-ma‘rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlanlantirish, ya‘ni yaqin kelajakda aholi, ayniqsa, yoshlarning intellektual salohiyatni yuksaltirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasini qo‘llab-quvvatlash davlat siyosatining ustuvor masalalaridan biri bo‘lib qolishidan dalolat beradi.

O‘zbekistonning yaqin istiqboldagi taraqqiyot rejasidan elektron hukumatga doir elementlarni tatbiq etish va raqamli iqtisodiyotni qo‘llab- quvvatlash mustahkam o‘rin olgan. Alohida ta‘kidlash joizki, joriy yil 22-sentabr kuni davlatimiz rahbari tomonidan o‘tkazilgan yig‘ilishida iqtisodiyotni raqamlashtirish masalasi muhokama qilindi.

Shuningdek, mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni faol rivojlantirish, barcha tarmoqlar va sohalarda eng avvalo davlat boshqaruvi, ta'lim, sog'liqni saqlash va qishloq xo'jaligida zamonaviy axborot- kommunikatsiya texnologiyalarni keng joriy qilish maqsadida 2020-yil 5-oktabrda "Raqamli O'zbekiston-2030 strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PF- 6079-sonli O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni qabul qilindi. Farmonga ko'ra, 2020-2022 yillarda hudud va tarmoqlarni raqamli transformatsiya qilish doirasida:

- hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning turli sohalarida 400dan ortiq axborot tizimlari,elektron xizmatlar va boshqa dasturiy mahsulotlar joriy etiladi;

- 587 ming nafar kishini, shu jumladan "Bir million dasturchi" loyihasi doirasida 500 ming nafar yoshlarni qamrab olish orqali kompyuter dasturlash asoslariga o'qitish tashkillashtiriladi;

- iqtisodiyotning real sektori tarmoqlaridagi korxonalarda boshqaruv, ishlab chiqarish va logistika jarayonlarini avtomatlashtirish bo'yicha 280dan ortiq axborot tizimlari va dasturiy mahsulotlar joriy etiladi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisiga yo'llagan Murojaatnomasida 2020-yil – "Ilm ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" deb e'lon qilindi. Ushbu Murojaatnomani nafaqat joriy yilga qo'llanma va yo'llanma sifatida, balki yaqin o'rta muddat uchun O'zbekistonning taraqqiyot yo'lini belgilab beruvchi dastur,fundamental ahamiyatga ega bo'lgan hujjat sifatida baholash mumkin.

Ba'zilar raqamli iqtisodiyot nega kerak va nima beradi, deb o'ylashi mumkin. Raqamli iqtisodiyot deganda, faqatgina Blokcheyn (Blockchain) texnologiyasini va ulardan xalqaro moliya bozorlarida foydalanish masalalarini yoki kriptovalyutalarni tushunish kerak emas. Albatta Blokcheyn texnologiyasi, kriptovalyutalar ham raqamli iqtisodiyotning biri bo'lagi. Lekin raqamli iqtisodiyot (Digital Economy) deganda, raqamli kommunikatsiyalar, IT yordamida olib boriladigan iqtisodiyot tushuniladi. Bunda, yashirin iqtisodiyotga barham berish vositasi sifatida ham qarash mumkin. Jahon bankining "Raqamli dividendlar" nomli tadqiqoti xulosalari mamlakatlar iqtisodiyotni rivojlantirishda raqamli iqtisodiyotning naqadar dolzarb va muhim masala ekanligini ko'rsatadi. Hususan, internet tezligining 10foizga o'sishi mamlakat YaIM o'sishiga olib keladi. Rivojlangan davlatlarda bu ko'rsatkich 1,21 foizni tashkil etsa, rivojlanayotgan mamlakatlarda 1,38 foizga teng. Demak, internet tezligi 2 barobar oshadigan bo'lsa, YaIM hajmi 13-14 foiz ortishiga erishish mumkin. Jahondagi globallashuv sharoitida tashqi migratsiya, xalqaro savdo va kapitallar xarakati, turizm, xorijiy investitsiyalar, IT rivojlanishi mamlakatlarning iqtisodiy o'sish sur'atlariga ta'sir etadi.

Yangi O'zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida ochiqlik, xalqaro iqtisodiy-siyosiy aloqalarning rivojlanishi yurtimizda sanoat tarmoqlarini modernizatsiya qilish, texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlash imkoniyatlarini yuzaga keltiradi. Bunga mamlakatimiz tashqi savdo hajmining o'sishini misol qilib keltirish mumkin. "Elektron hukumat", "Elektron boshqaruv", "Telekommunikatsiya", "Internet", "Veb-sayt" kabi ko'plab iboralar

hayotimizning ajralmas bo‘lagiga aylandi. IT kundalik hayotimizning barcha sohasini qamrab olmoqda.

Raqamli iqtisodiyot rivojlangan davlatlarda YaIM hajmi ham, YaIMning aholi son boshiga ulushidagi yuqoridir. Shu jihatdan, davlatimiz rahbarining bu masalaga katta e’tibor qaratishi bir maqsadni ko‘zlaydi, u ham bo‘lsa, birinchidan, aholining yashash darajasini yuksaltirish, ikkinchidan, aholining real daromadlarini oshirish xalqimizni rozi qilishdir.

Raqamli iqtisodiyotning zamonaviy ko‘rinishi sifatida mobil to‘lov tizimlarini ko‘rsatish mumkin. Bundan hammamizga ma’lumki, mijozlarning smartfonlari bankdagi hisob raqamlarga bog‘langan bo‘ladi. Bu esa mijozlarga onlayn haridlarni amalga oshirish, mobil qurilmalar yordamida pul mablag‘larini erkin o‘tkazish imkonini beradi va bu esa bir qancha qulayliklarni yaratadi.

Ayni damda qayd etish lozimki, mamlakatimiz hayotida raqamli iqtisodiyotning ayrim elementlari allaqachon muvaffaqiyat bilan faoliyat ko‘rsatmoqda. Hususan hujjatli va kommunikatsiyalarning ommaviy ravishda raqamli vositalarga o‘tkazilishini hisobga olib, elektron imzoga ruxsat berish, davlat bilan muloqot qilish ham elektron platformaga o‘tkazilmoqda. BMT Bosh kotibi Antoniu Guterrish bu mavzuga doir :” raqamli iqtisodiyot yangi xavf-xatarlarni vujudga keltirishi mumkin, shu jumladan , kiberxavfsizlikka tahdidlar, noqonuniy iqtisodiy faoliyatning yengillashuvi, shaxsiy hayot daxlsizligini buzilishi bilan bog‘liq sabablarni keltirish mumkin. Yangi qarorlar qabul qilish hukumatlar, fuqarolik jamiyati, akademik guruhlar, ilmiy hamjamiyat va texnologik sektorlarning hamkorlikdagi harakatini talab etadi”. Raqamli iqtisodiyot miqiyosining kengayib borishida xalqaro hamkorlikni imkon qadar kuchaytirish zarur. Xususan O‘zbekistonda axborot xavfsizligi sohasida olib borilayotgan ta’sirchan chora-tadbirlar natijasida 2019- yilda Kiberxavfsizlik global indeksida 41-pog‘onaga ko‘tarilib, 52-o‘rinni egalladi bu esa quvonarli hol albatta.

Xulosa o‘rnida shuni ayta o‘tishimiz joizki, insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatidan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bog‘liq bo‘lib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Baltabayeva G.R., Ergashev E.I. va boshqalar. O‘zbekistonda innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish muammolari va yechimlari. – T: “Iqtisod- moliya” nashriyoti;

2. Ayupov R. X., Baltabayeva G.R. Raqamli valyutalar bozori: innovatsiyalar va rivojlanish istiqbollari. – T : “ Fan va texnologiya “ nashriyoti;

3. T.T.Jo‘rayev, A.A.Mamatov, A.N.Erkayev. T: “Innovatsion iqtisodiyot” nashriyoti;

4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## ТИЖОРАТ БАНКИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*ТМИ доценти, и.ф.н. И.Сайфиддинов,  
ТМИ магистранти А. Абдуразақов*

2020 йил мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти учун жуда мураккаб йил бўлди. Глобал пандемия таъсирида бошланган инқироз ҳам ички ҳам ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви ҳамда талаб ва таклиф тебранишларининг бир пайтда содир бўлганлиги билан ўзига хос давр ҳисобланади.

Пандемиянинг давом этаётганлиги ва унга қарши кўрилаётган чоралар иқтисодиётларга турли даражада тебраниш ва таъсир кўрсатганлиги, иқтисодий истиқболларни баҳолаш ва макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаштиришни маълум жихатдан қийинлаштирмоқда.

Пандемия шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва молиявий ресурслари заифлашиб қолди, тижорат банклари кредит портфели таркибида муаммоли кредитларнинг салмоғи белгиланган меъёр даражасидан ортди.

Биз энди айна вақтда банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг эркин бозор механизмлари жорий этилаётганлиги, хизмат турларини кенгайтиши, инфор­мацион технологияларнинг кенг қўлланилаётганлиги ва бошқа бир қатор ютуқларимизга қарамасдан ҳали ҳам банк тизимимизда иккинчи тоифали бир қатор муаммолар мавжуд. Биз иккинчи тоифани ўзини уч йўналишда кўриб чиқамиз:

Биринчи йўналиш. Иккинчи тоифали муаммолардан энг биринчиси ва долзарби бу ми­жозлар билан боғлиқ муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлигидир. Ми­жозларнинг банкка нисбатан ижобий муносабати кундан кунга сўниб бораётганлигини олсак, банклар фаолиятига бу салбий таъсир қилиши кутилади.

Иккинчи йўналиш. Иккинчи тоифали муаммолар орасида асосий ўрин бу тижорат банклари кредитлари билан боғлиқ муаммолар банд этади.

- тижорат банклари ми­жозларга кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилишда марказлаштирилган амалиётнинг ҳали ҳам мавжуд эканлиги банкнинг бош юқори ва қуйи бўғинлари ўртасида маъсулият ва жавобгарликлар бўйича бир қанча тушунмовчиликлар олиб келмоқда;

- кредитга тушган аризаларнинг кўриб чиқишнинг тушунар­сиз ва ноқулай механизмлари молиявий маблағ билан тезкор таъминланишга халақит қилмоқда. Бунинг натижасида ми­жозлар айланма маблағларни ўз вақтида тўлдириш билан муаммолар келиб чиқиб, уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб тижорат банкларига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келмоқда;

- берилаётган кредитларни кўриб чиқиш ва ажратиш учун комиссия тўловларнинг мавжудлиги берилаётган кредитнинг реал қийматини ошириб юбормоқда. Бу эса ми­жознинг ушбу кредитларга нисбатан талабини камай­тиришига ва бу ўз навбатида банк фойдасининг камайишига олиб

келмоқда;

- маълумки аҳолини кенг қатламида микроқарзга бўлган талаб катта. Аммо банкларимиз томонидан микроқарзлар учун белгиланган фоиз ставкаларининг юқорилиги, микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминлаб бера олмайди. Микроқарз берувчи нобанк кредит ташкилотлари бўлган ломбард ва микрокредит ташкилотлари микроқарзлар бўйича юқори ставкаларни устама сифатида белгилашган. Тижорат банкларининг ушбу шароитда ҳаракатсиз фаолияти мижозларнинг улар билан боғлиқ тушунчаларида салбийлик акс этиши ҳамда қолаверса келиши мумкин бўлган аниқ даромадларга эга бўлмасликларига олиб келади.

Учинчи йўналиш. Иккинчи тоифали муаммоларнинг учинчи шакли бу пластик карталар билан боғлиқ:

- хорижий валюталар мавжуд банк тўлов карталари билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги. Чет эл валютаси мавжуд халқаро карталар билан ишловчи банкоматлар ва хизмат кўрсатиш марказларининг камлиги ҳамда мамлакатда чат эл валютаси бўйича баъзи бир чекловларнинг мавжудлиги мамлакат банк тизимининг замонавий талаблар асосида фаолият кўрсатмаётганликларини англатади.

Юқоридаги муаммоларни тўғри ечимларини топиш банкларга бўлган ишончнинг мустаҳкамланиши ва унинг самарадорлигини ўсишига олиб келади. Биз ушбу муаммоларнинг қуйидаги ечимларини тижорат банкнинг келгуси ривожланиш йўналиш сифатида келтириб ўтаемиз.

Биринчидан йўналиш сифатида биз тижорат банклари фаолиятига замонавий банк хизматларини жорий қилишни киритаемиз. Ахборот коммуникацион технологияларнинг жадал ривожланиши ва банк молия соҳасининг модернизацияси натижасида банк ҳам ўз фаолиятини ўзгаришларга мослаштириши талаб этилади. Бунда ривожланган мамлакатлар банк тизимларини чуқур ўрганган ҳолда уларда мавжуд замонавий технологиялар ва янги банк маҳсулот ва хизматларини турларларини жорий қилган тақдирдагина бугунги оддий банк тизими доирасидан чиқшимиз ва ривожланишимиз мумкин бўлади.

Иккинчи йўналиш. Жаҳон иқтисодиётини пулларнинг қоғоз шакли эмас, балки қолган замонавий шакллари (пластик карталар, электрон пуллар ва бошқалар) қамраб олган бир пайтда бизнинг банк тизимимиз ҳали ҳам М2 агрегатини юқори ушлаб туришга ҳаракат қилмоқда.

Учинчи йўналиш бу кредитлар билан боғлиқ. Кредитлар бу банкларнинг асосий даромади ҳисобланади. Айнан шу сабабдан ҳам яхши таснифли кредитлар ҳажмини ошириши унинг самарадорлигини оширади. Бунинг учун тижорат банки қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

Кредит учун ҳужжат топшириш ва унинг ўрганиш жараёнини электрон кўринишга ўтказиши лозим. Электрон шаклга ўтказиш ва уни кузатиб бориш имконини бериш бу юқоридаги муаммолар билан бир қаторда коррупция каби ёмон иллатларга ҳам бутунлай барҳам беради.

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛАНТИРИШДА БАНК ҲУЖЖАТЛАРИ АЙЛАНИШИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.

*ТМИ доценти, и.ф.н. И. Сайфиiddинов,  
ТМИ магистранти И. Мулложонов*

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асоси унинг капитали ва банк фаолияти натижалари бўлган даромадлилик ҳисобланади.

Ҳар бир тижорат банкининг мақсади – ўз даромадларини кўпайтириш ва харажатларини камайтириш ҳисобига, максимал фойда олишдир. Риск даражаси юқори бўлган шароитда тижорат банкларини барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш зарур.

Аниқ вақтда тижорат банклари фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ишларини ташкил этишнинг ҳозирги кундаги ҳолати унга қўйилаётган талаблар даражасида эмаслиги сезилиб қолмоқда.

Бу борада мамлакатимизда фаолият юритаётган банклар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, банкларнинг ички ҳисоб сиёсатини бозор муносабатлари талабларига мос равишда такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун банк тизими ривожланган мамлакатлари тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва улардан мамлакатимиз иқтисодиётига мос келадиган томонларини олиш, ҳамда амалиётга тадбиқ этиш лозим. Айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида банклар ўзининг ҳар бир сўмини тежаб – тергаб сарф қилиш ва имкони борича кам харажат қилиб эвазига кўпроқ фойда олиш орқали ҳодимларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқлари зарур. Чунки бозор иқтисодиёти боқимандаликни ёқтирмайди.

Бугунги кунда корпоратив бошқарув тизими жорий қилиниб борилаётган шароитда банкларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ва юритишда ўз ечимини топмаган қўйидаги муаммолар мавжуд:

- бухгалтерия ҳисоби фаолияти бўйича қонун ва қонуности ҳужжатларнинг амалда талаб даражада қўлланилмаётганлиги, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби функцияларининг тўла – тўқис амал қилмаётганлиги;

- иқтисодчи олимлар томонидан молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларининг ўзига хос жиҳатларини ўзаро қиёсий таҳлил қилинмаганлиги, уларнинг фарқли томонлари эса яхлит тарзда тадқиқ этилмаганлиги;

- Маъмурий-бошқарув харажатлари таркиби ва даромадлар манбаларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг бугунги талабларига, ҳолатига тўла жавоб бера олмаслиги.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш банк фаолиятининг бошқаришнинг асосий функцияларидан бири бўлиб банк фаолиятида бўлаётган воқеалар, ҳодисалар ва жараёнларни кўзатиш иборатдир. Маълумотларни тўплаш ҳамда қайта ишлаш, уларни ҳолисона баҳолаш, таҳлил қилиш ва назорат қилиш орқали шу соҳада йўл қўйилган

камчиликларни бартараф этиш, амалга оширилган ижобий ишлар натижаларини эса янада кенгрок тарғиб этиш, келгўсида амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб олишда ахборот манбаи ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини мамалакатимизда халқаро стандартлари талаблари даражасида амалиётга тадбиқ этиш масалалари ниҳоятда муҳим бўлиб, у доимо давлат ва жамият тараққиётининг устивор масалларини ҳал қилишда иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштиришда алоҳида ўрин тутаети. Бироқ мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш йўлида қабул қилинган қонунлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларнинг амалиётдаги ҳолати қай даражада ва улар қандай ижро этилмоқда деган савол туғилади.

Маълумки мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ташкил этишнинг асосий тамойилларини амалга оширишда мустаҳкам замин бўладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиши учун халқаро стандартларга тўлиқ мос келадиган меъерий ҳужжатларни қабул қилинаётгани ҳозир кунда тижорат банклари томонидан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари учун қўл келмоқда.

Ҳозирги кунда масофавий банк хизматларини ҳаётга тадбиқ қилиш билан бирга кредит ташкилотлари узларининг анъанавий банк операцияларига қўшимча равишда, мижозлар эҳтиёжини тўлароқ ва сифатлироқ қондиришга ва янги банк маҳсулотларини кенг жорий этишга эришмоқдалар. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларини банк амалиётига жорий этилиши ва унда банк операцияларнинг кенг қамраб олиниши - чакана банк хизматлар бозорида банкларнинг нуфузларини оширувчи муҳим омил ҳисобланади. Банк мижозлари банк ҳисобварақларидаги маблағлар ҳақида узоқдан туриб мобиль алоқа ёки интернет тизимидан фойдаланган ҳолда керакли ахборотларни олишлари ва банк хизматидан фойдаланишлари, шу жумладан, тўловларни амалга оширишлари мумкин. Моҳияти жиҳатидан банк ва мижоз мулоқотининг анъанавий ва масофавий банк хизмати схемалари орасидаги фарқ унинг тезлигида, сифатида ва автоматлаштирилганлик даражасида. Масофавий банк хизматида банк офисида бажарилиши лозим бўлган айрим операциялар эндиликда масофадан туриб амалга оширилмоқда ва банк ҳужжатларининг айлануви электрон ҳолатда амалга ошмоқда. Мижозлар банк операциялари тўғрисида ва қолдиқ суммасини реал вақт режимида доимий олиш имконини бериш билан чегараланиб қолмай, тегишли тўлов операцияларни бажариш имкони ҳам кенгайиб бормоқда.

Умуман хулоса қилиб айтганда тижорат банкларида барча операцияларини ҳужжатлаштириш, масофавий банк хизматларини ривожланиши банк-мижоз дастурини тобора ривожланиб бориши банк ва мижозлар (хўжалик юритувчи субъектлар) ўртасида маълумотларни алмашинуви, ҳужжатлар айланишини такомиллашуви банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамланиб боришига олиб келмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Сунатуллаева Шахноза Хуриид қизи  
Тошкент молия институти Магистратура бўлими  
талабаси*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “..инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири бўлмоғи лозим”<sup>227</sup>. Хануз дунё мамлакатлари ичра давом этаётган глобал тус олган иқтисодий пандемия шароитида тараққиёт сари илдам қадам ташлаб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш инвестицияларсиз бунга эришиб бўлмаслиги реал амалиётда яққол намоён бўлди.

Шундай экан, инвестицияларнинг иқтисодиёт тараққиётга эришиш усутвор йўналишларини тадқиқ этиш, макроиқтисодий мувозанатликка эришиш орқали иқтисодий ўсишга таъсир этувчи йўналишларини тадқиқ этиш муҳим масалалар сирасига киради.

Жаҳон амалиётидан маълумки, иқтисодий тараққиётга эришишда энг аввало реал секторга инвестицион рурсурларни жалб этиш ҳамда улардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги кунда тараққий этган давлатлар тажрибаси тахлили шуни кўрсатадики, инвестициялар ва шу жумладан чет эл инвестициялари мамлакатларнинг юксак даражада тараққий этишига олиб келган. Эътиборлиси, инвестициялар ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётдаги локал тармоқларнинг жадал суръатларда тараққий этишига олиб келган<sup>228</sup>.

Глобал иқтисодиёт ва савдо муносабатлари тузилмасида кузатилаётган ўзгаришларни, анча-мунча молиявий хатарлар борлигини ҳисобга олиб, жаҳон иқтисодий ўсишидаги суст суръат сақланиб қолишини кутиш мумкин. Жаҳоннинг етакчи молия муассасалари башоратига кўра, таклиф даражаси баландлиги ва дунё миқёсидаги талаб камлиги сабаб хом-ашё маҳсулотлари баҳоси пасайишини кутиш мумкин. Хусусан, Марказий Осиёдаги ЯИМ ҳажмлари аксарият ҳолларда асосий савдо шериклари: ЕИ, Хитой ва Россиянинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлади. Минтақадаги айрим мамлакатлар (Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон) учун Россия ва бошқа мамлакатларда ишлаётган меҳнат мигрантларининг пул

<sup>227</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.

<sup>228</sup> <http://group-global.org>. Мировое экономическое положение и перспективы, 2017 год Организация Объединенных Наций Нью-Йорк, 2017, 3стр.



жўнатмаларига қарамлик яна бир муҳим омиллардан бири бўлиб қолаверади. Минтақа мамлакатлари иқтисодиёти ривожланишига давлат сиёсатининг турли воситалари ижобий таъсир кўрсатади: ўрта муддатли янги давлат дастурларини ишга тушириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш, истеъмолчилар талабини барқарорлаштириш учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширишдан иборат. Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиёти таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, инвестициялар ЯИМнинг ўсишида энг асосий муҳим молиявий манба ва таъсир этувчи омил ҳисобланади. Европа мамлакатларига киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғи 2017 йилда 570 млрд.долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб мазкур улуш салмоғи 429 млрд. долларга пасайган. Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестицияларнинг пасайиш тенденцияси Африка, Осиё мамлакатлари ва Шимолий Америкада ҳам кузатилган<sup>229</sup>. Маълумки 2020 йил дунё мамлакатларида кенг тарқалган Covid-19 иқтисодий пандемияси даврида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар глобал оқими 2019 йилга нисбатан 49 фоизга пасайди. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга иқтисодий пандемия даврида қўлланилган вақтинчалик карантин ҳолатлари жиддий таъсир кўрсатди<sup>230</sup>.

Мамлакатимизда инвестицион жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2011-2020 йилларда инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортди. Ўтган йиллар давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ва таркибида аҳамиятли ўзгаришлар рўй берган. Инвестиция жараён-ларини молиялаштиришда давлат бюджетининг иштироки ва роли 2011-2018 йиллардаги тенденциясида камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин мос равишда, 2011 йилда 6 фоиз, 2015 йилда 4,8 фоиз, 2016 йилда 4,5 фоиз, 2017 йилда 5,5 фоиз, 2018 йилда эса 3,8 фоизни ташкил этган. Давлат бюджетининг иштирокининг энг юқори улуш 2019 йилда кузатилган яъни 9 фоизгача ошган, 2020 йилда эса 6,5 фоизга камайган. Бундай нотекис ўсиш суръатлари инвестицияларнинг таркибий қисмларидан корхона ва аҳоли маблағларига ҳам тўғри келган, жумладан 2011 йилда 50,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йил якунларига кўра 25,7 фоизни ёки қарийиб 2 бараобарга камайган. Кейинги манба чет эл инвестицияси ва кредитлари бўлиб, 2011 йилга нисбатан сезиларли равишда ўсган, яъни 25,1 фоиздан 2020 йилга келиб 42,9 фоизга ўсган. 2020 йилга 86647,0 млрд. сўм (доллар эквивалентида 8,6 млрд. АҚШ долл.) ёки 2019 йилга нисбатан 90,6 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 32847,2 млрд. сўмни ва мос равишда хорижий кредитлар 53799,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Албатта бундай ўсиш Ўзбекистон

<sup>229</sup> [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_overview_ru.pdf). 8 стр.

<sup>230</sup> [HTTPS://NEWS.UN.ORG/RU/STORY/2020/10/1389172](https://news.un.org/ru/story/2020/10/1389172) . ПРЯМЫЕ ИНОСТРАННЫЕ ИНВЕСТИЦИИ ПО ВСЕМУ МИРУ СОКРАТИЛИСЬ НА 49 ПРОЦЕНТОВ.

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболлини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берганлиги билан тавсифланади. Нобюджет фондлар 2011 йилда 7,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 10,8 фоизга ўсган. Банк кредитлари ва қарз маблағлари 2011 йилда 11,1 фоизни, 2020 йил якунлари бўйича 14,1 фоизга ўсган. Хорижий инвесторларга қилинган улкан муваффақиятли имкониятлар бешигининг очилиши ҳамда меъёрий ҳуқуқий базанинг такомиллашуви 2020 йилда 2011 йилга нисбатан хорижий инвестицияларнинг қарийиб 2 баробарга ошишига олиб келди. Таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодий тараққиётига юқори хорижий капиталга асосланган тўғридан тўғри чет эл инвестицияларининг киритилиши ва улар улушининг юқорилиги албатта ижобий жиҳатлардан ҳисобланади. Чет эл тажрибаси, хусусан янги индустриал мамлакатлардан Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея ва Тайван давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръати 10 фоизга кўтарилганида ЯИМга нисбатан инвестицияларнинг улуши 35-40 фоизни етган.<sup>231</sup>

Шундай қилиб, хориж тажрибасига таяниб олиб борилган таҳлиллардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инвестициялар биринчи навбатда ҳар қандай мамлакат иқтисодиёт тараққиётига бирдек хизмат қилиши керак.

## **KORXONALARDA INVESTITSION FAOLLIK SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘NALISHLARI**

*Toshmuxammedov J.M.-Toshkent moliya instituti  
Magistratura bo‘limi I-5 gurux talabasi*

Jahonda investitsiya faoliyatini tashkil etish bo‘yicha moliyaviy axborotlarni shakllantirish va tahlil qilish mezonlari xalqaro tashkilotlar tomonidan ishlab chiqilgan bo‘lib, ushbu mezon talablari asosida davlat milliy kompaniyalarining boshqaruv tizimini takomillashtirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Biroq, hozirgi global pandemiya sharoiti dunyo mamlakatlari iqtisodiyotining inqirozga yuz tutish ehtimolini keskin oshirmoqda. Jumladan, Evropa Ittifoqi iqtisodchi olimlari va ekspertlari, “iqtisodiy inqirozning “Talafot davri”da hamda iqtisodiy o‘shish sur‘atlari keskin pasayishi yuz berganda, iqtisodiy faoliyatni tiklashga eng katta hissa qo‘shuvchi omil, bu - investitsiyalar ekanligini ta’kidlamodalar”<sup>232</sup>.

О‘zbekistonda faoliyat yuritayotgan milliy hamda xorijiy korxonalarining

<sup>231</sup> Некоторые аспекты инвестиции привлечение инвестиции в экономику Узбекистан. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta>.

<sup>232</sup> Petrović P., Arsić M., Nojković A. Increasing public investment can be an effective policy in bad times: Evidence from emerging EU economies. Econ Model. 2020. doi:10.1016/j.econmod.2020.02.004.

investitsiya faoliyati natijalari aks etgan hisobotlari xalqaro standartlar darajasida, haqqoniy va shaffofligi ta'minlangan holda shakllantirilmogda. Bu mamlakatimizda biznes yuritish muhitini yaxshilash bilan birga, tadbirkorlar manfaatini ham oshirmogda. Xususan, BMTning Sanoatni rivojlantirish tashkiloti (UNIDO) tomonidan har yili e'lon qilinadigan "Raqobatbardosh sanoat unumdorligi" indeksining 2020 yilgi hisobotida mamlakatimiz ilk bor aks ettirilib, "0,017 ball bilan 152 ta mamlakat orasida 92-o'rinni, MDH mamlakatlari orasida 5-o'rinni, Markaziy Osiyo mamlakatlari orasida 2-o'rinni egallagani qayd etildi"<sup>233</sup>. Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalish sifatida "mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash, to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni jalb etishni rag'batlantirish, investorlarning bu boradagi davlat siyosatining izchilligiga bo'lgan ishonchini mustahkamlash va investorlar bilan ishlashda davlat tuzilmalarining mas'uliyatini oshirish"<sup>234</sup>, "investitsiya loyihalarini o'z vaqtida va sifatli amalga oshirish mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning, yangi ishlab chiqarish quvvatlari va ish joylarini yaratish, infratuzilmani takomillashtirish hamda hududlarni obodonlashtirish va xalq farovonligi darajasini oshirish"<sup>235</sup> vazifalari qo'yildi. Bular xo'jalik yurituvchi sub'ektlar tomonidan investitsiya faoliyatini samarali yuritish bo'yicha strategik rejalashtirish va tahlilini yuritish vazifalarini belgilab berdi.

Ta'kidlash joizki, bugungi jahon arenasida yuzaga kelgan va global tus olgan COVID-19 pandemiyasi iqtisodiy inqirozi bilan bog'liq bo'lgan jarayon o'zining keskin ta'sir doirasini o'tkazishda davom etmogda. Mazkur jarayonning isboti sifatida qo'yidagi 1.2-rasmda keltirilgan dunyo bo'yicha to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar oqimining so'nggi yillardagi holatiga nazar solish etarlidir. Global COVID-19 pandemiyasi iqtisodiy inqirozi 2020 va 2021 yillarda dunyo amaliyotida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarning keskin pasayishiga olib kelib, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarning keskin pasayish tendentsiyalari 2020 yilda kuzatilib, bu holatning 2021 yilda ham davom etishi iqtisodchi ekspertlar tomonidan prognoz qilinmogda.

To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmi 2019 yilda 1,54 trln.AQSh dollari qiymatidan 2020 yil yakuniga borib, deyarli 40 foizgacha pasayganini kuzatishimiz mumkin. Bu esa, 2005 yildan beri birinchi marta to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni 1 trln. AQSh dollaridan ortiq miqdorga pasayganini ko'rsatmogda. Iqtisodchilar fikriga ko'ra, 2021 yilda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmi 5 foizdan 10 foizga pasayishi prognoz qilinmogda. Prognoz qilinayotgan

---

<sup>233</sup> <https://stat.unido.org/>

<sup>234</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция мухитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5495-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон.

<sup>235</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5717-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2019 й., 06/19/5717/3132-сон; 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон.

o'zgarish esa global moliyaviy inqirozdan keyingi ikki yil davomida sodir bo'lgan darajadan ham yomon bo'lishi kutilmoqda. E'tirof etish kerakki, 2009 yildagi to'g'ridan-to'g'ri chet el investitsiyalari oqimining eng past darajasi (1,2 trln. AQSh dollari) ham 2020 yilga nisbatan 300 milliard AQSh dollariga teng miqdordan ko'proq bo'lgan. Investitsiya loyihasining samaradorligini baholashda mutlaq va qiyosiy samaradorlik ko'rsatkichlarini ajralmas birlikda qo'llash maqsadga muvofiqdir, chunki ular bir-birini almashtirmaydi. Ko'rinib turibdiki, qiyosiy samaradorlik ko'rsatkichlariga muvofiq tanlangan variant mutlaq samaradorlik nuqtai nazaridan noqulay hisoblanadi. Bundan tashqari, samaradorlikni baholashda loyihaning ijtimoiy va ekologik natijalarini hisobga olish kerak. Agar natijalarni qiymat jihatidan ifodalash mumkin bo'lmasa, xarajatlar va jismoniy ko'rsatkichlardan foydalangan holda loyihaning samaradorligini kumulyativ baholashdan kelib chiqish kerak. Xarajatlar smetasiga ega bo'lmagan ijtimoiy, siyosiy, ekologik va boshqa natijalar milliy iqtisodiy samaradorlikning qo'shimcha ko'rsatkichlari sifatida qaraladi va investitsiya loyihalarini amalga oshirish to'g'risida qaror qabul qilishda hisobga olinadi.

Xulosa qilib aytganda, korxonada investitsion faollikni oshirishda avvalo puxat o'ylangan qarorlarni qabul qilish va korxonada istiqboli uchun zarur bo'lgan investitsiya loyihalarini samaradorligini baholash uslubiyotidan foydalangan holda jalb etish maqsadga muvofiqdir.

## **ДАВЛАТНИНГ ФИСКАЛ (БЮДЖЕТ-СОЛИҚ) СИЁСАТИНИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ҶРНИ**

*Асатуллаев Хуршид Сунатуллаевич - Тошкент молия институти,  
«Иқтисодиёт» кафедраси мудири и.ф.н., профессор,*

Хар қандай давлатнинг асосий мақсади иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади. Иқтисодий ўсишни таъминлаш анча мураккаб жараёнлардан бири бўлиб унга эришиш йўлида давлат қатор иқтисодий дастак ва воситаларидан фойдаланади. Ана шундай иқтисодий сиёсатлардан бири бўлиб давлатнинг фискал (бюджет-солиқ) сиёсати ҳисобланади. Давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсати деганда бюджет сарф-харажатлари ва даромадларини ўзгартириш орқали иқтисодиётга таъсир этиш тушунилади.

2020 йилда бошланган “Covid-19” иқтисодий пандемияси сўнгги 2007-2009 йилларда кузатилган “Буюк рецессия”дан тубдан фарқ қилиб кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини таназул ҳолатига киришига сабаб бўлди ҳамда “Буюк инқироз” номи билан дунё тарихидан жой олди<sup>236</sup>. Аҳоли саломатлигига хавфнинг туғилиши, алоқаларнинг чекланиши, вақтинчалик ишга чиқмаслик ҳолатлари ва корхоналар ўртасида пул оқимлари ҳаркатининг қисқаришига, натижада ишсизликнинг ошиб кетиши каби

---

<sup>236</sup> As dated in National Bureau of Economic Research, “Determination of the February 2020 Peak in US Economic Activity,” June 8, 2020, <https://www.nber.org/cycles/june2020.html>.

муаммоларни юзага келтирди<sup>237</sup>. Шунга мувофиқ, даромадларнинг барча манбалари бўйича қисқаришига<sup>238</sup>, хизмат кўрсатиш тармоқларига харажатларнинг камайишига<sup>239</sup> ҳамда бунинг натижасида иш ўринларини йўқолишига ва аҳоли меҳнатга лаёқатли қисми иш ҳақининг камайишига олиб келди<sup>240</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди”<sup>241</sup>. Маълумки, “..иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.”<sup>242</sup>

Миллий иқтисодиётни тараққий эттиришнинг ҳозирги иқтисодий пандемия шароитида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлашда иқтисодий сиёсатнинг янги устувор йўналишларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Давлатнинг иқтисодий сиёсатларидан бири бўлган фискал сиёсат иқтисодий ўсишни таъминлашда ва иқтисо-диётни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали таъсир этувчи иқтисодий, молиявий воситаларидан бири саналади. Шу боисдан иқтисодиётни модернизациялаш ва бозор муносабатлари такомиллашиб

---

<sup>237</sup> Alexander W. Bartik et al., Measuring the Labor Market at the Onset of the COVID-19 Crisis, Brookings Institution, Brookings Papers on Economic Activity, BPEA Conference Draft, June 25, 2020, <https://www.brookings.edu/wp-content/uploads/2020/06/Bartik-et-al-conference-draft.pdf>; and Austan Goolsbee and Chad Syverson, Fear, Lockdown, and Diversion: Comparing Drivers of Pandemic Economic Decline 2020, Becker Friedman Institutes for Economics at UChicago, Working Paper no. 2020-80, June 17, 2020, [https://bfi.uchicago.edu/wp-content/uploads/BFI\\_WP\\_202080v2.pdf](https://bfi.uchicago.edu/wp-content/uploads/BFI_WP_202080v2.pdf) (published in the J.

<sup>238</sup> Natalie Cox et al., Initial Impacts of the Pandemic on Consumer Behavior: Evidence from Linked Income, Spending, and Savings Data, Brookings Institution, Brookings Papers on Economic Activity, BPEA Conference Draft, June 25, 2020, <https://www.brookings.edu/wp-content/uploads/2020/06/Cox-et-al-conference-draft.pdf>.

<sup>239</sup> See Abe C. Dunn, Kyle K. Hood, and Alexander Driessen, Measuring the Effects of the COVID-19 Pandemic on Consumer Spending Using Card Transaction Data, Bureau of Economic Analysis (BEA), BEA Working Paper Series, WP2020-5, April 24, 2020.

<sup>240</sup> See CRS Insight IN11457, COVID-19 Pandemic’s Impact on Household Employment and Income, by Gene Falk; and Tomaz Cajner et al., The U.S. Labor Market during the Beginning of the Pandemic Recession, Becker Friedman Institutes for Economics at UChicago, Working Paper no. 2020-58, June 2020, [https://bfi.uchicago.edu/wp-content/uploads/HurstBFI\\_WP\\_202058\\_Revision.pdf](https://bfi.uchicago.edu/wp-content/uploads/HurstBFI_WP_202058_Revision.pdf)

<sup>241</sup> <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy>.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

<sup>242</sup> <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy>.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

бораётган шароитида, иқтисодий ўсишга эришишдаги таъсирчан ва самарали фискал сиёсат тамойилларини жорий қилиш, бюджет ва солиқ муносабатларини чуқур таҳлил қилиш, келгусида эришиладиган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашдаги самарадорлигининг илмий асосланган ҳамда реал амалиётда ўз амалий тасдиғини топувчи механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини туғдирмоқда.

Агар республикамизнинг 2010-2020 йиллар оралиғидаги давлат бюджети сарф-харажатлари ва даромадларини таҳлил қиладиган бўлсак, давлат бюджети харажатлари ва даромадларининг ўзгариши реал ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан мутаносиб равишда ўзгариш тенденциясига эга бўлган. 2010 йилда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 22,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб эса, 24,1 фоизга ошган. Худди шу тарзда давлат бюджети харажатлари 2010 йилда ЯИМга нисбатан 21,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 24,9 фоизга ортган.

Мамлакатимизда реал ЯИМнинг ўсиш суръатларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2010-2020 йиллардаги энг паст тенденция 2017-2018 йилларда кузатилган бунда мазкур кўрсаткич, 5,2-5,3 фоизларни ташкил этган. 2020 йилда эса мазкур кўрсаткич иқтисодий пандемия ҳолатига қарамасдан 1,6 фоизга ўсиши таъминланган. Реал ЯИМнинг энг юқори ўсиш суръатлари 2010-2015 йилларда кузатилган бунда ўсиш суръати ўртача 8,0 фоизлик даражани ташкил этган. Шунга мос равишда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан ўртача 21,0 фоизлик, давлат бюджети харажатлари эса ЯИМга нисбатан қарийиб 21,0 фоизлик даражаларни ташкил этган.

Кўпгина мамлакатлар иқтисодий пандемия даврида кичик бизнес ва уй хўжаликлари учун қўшимча молиявий ёрдамлар кўрсатилди. 2020 йил октябрь ойида давлат томонидан молиявий назорат ўтказилиб вақтинчалик янги фискал чора-тадбирлар амалга оширилди. Буларга Австралия, Канада, Франция, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Япония, Испания, Буюк Қироллик, АҚШларини киритишимиз мумкин. Европа худудидаги давлатлар янги қонунчиликларни ишлаб чиқишди. Прогнозларга кўра, 2021 йилда кўпгина мамлакатлар даромадларнинг ўсиши ҳисобига паст бюджет тақчиллиги кузатилиши таъкидланган. Пандемия билан боғлиқ бўлган иқтисодиётни тиклашга қаратилган вақтинчалик чора-тадбирлар натижасида харажатлар автоматик равишда қисқаришига олиб келган. Лекин, 2021 йилга мўлжалланган бюджет режасига асосланган қўшимча бюджет сиёсатисиз амалга ошириш мумкин эмас.

Глобал фискал ва монетар жавоб чораларининг кўрсаткичларидан бири сифатида ХВФ 2020-йилгача иқтисодий фаолликни қўллаб қувватлаш учун давлат харажатлари ва даромадлари 5,4 триллион долларни ташкил этди, кредитлар, капитал, кафолатлар ва яна бошқалар учун 5,4 триллион доллар ҳамда жами 10,8 триллион доллар ажратилди<sup>243</sup>. Бутун дунё бўйлаб ҳукуматларни қарз олиш 2019 йилда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 3,9% дан 2020 йилда 12,7% гача ўсиб боради. Бошқа ҳисоб-китобларга кўра,

---

<sup>243</sup> World Economic Outlook Update, International Monetary Fund, June 24, 2020. p. 16.

Марказий банклар ўз иқтисодларини пандемиянинг иқтисодий оқибатларига қарши курашиш учун кўллаб-қувватлаш учун 17 триллион доллар ажратдилар<sup>244</sup>. Ривожланган мамлакатларда бюджет камомадининг ЯИМга нисбати 2019 йилда 3,3% дан 2020 йилда 14,4% гача ўсиши прогноз қилинмоқда; Америка қўшма Штатлари учун бу кўрсаткич 6,3% дан 18,7% гача ўсиши прогноз қилинмоқда, бу ҳар қандай мамлакат ёки минтақа учун энг юқори кўрсаткичдир. ХВФ маълумотларига кўра Франция, Германия, Италия, Япония ва Бирлашган Қироллик йиллик ЯИМнинг 10 фоизи даражасидаги давлат секторини кўллаб-қувватлаш бўйича чораларини амалга оширди<sup>245</sup>. Тараққий этган мамлакатлар прогнозига кўра, бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 4,9 фоиздан уларнинг қарз юқини оширувчи 10,7 фоизли даражага кўтарилиши мумкин. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, молиявий жиҳатдан заиф, деб эътироф этилган мамлакатларга Аргентина, Венесуэла, Ливан, Иордания, Иран, Замбия, Зимбабве ва Жанубий Африкани киритган<sup>246</sup>. ХВФ хулосасига кўра, айрим тараққий этган мамлакатлар қарздорлик даражасини “бошқариб бўлмайдиган” даражадаги юқори салмоқни ташкил этиши мумкин. Шу мақсадда уларда фаолият кўрсатаётган банклар молиявий барқарорлигини текшириш муҳим деб ҳисоблашади<sup>247</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда иқтисодиётни камида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан ошмаслигини таъминлаш ва келгуси 2 йилда эса бюджет дефицитини 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳукумат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозимлиги таъкидланди. Жорий йилда туманлар бюджетига кўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишларни бошлаб, бу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилди. Энди бу ваколатни янада кенгайтириб, туман бюджети харажатларининг 5 фоизини ҳам ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилиш белгиланган<sup>248</sup>. COVID-19 пандемияга қарши АҚШ ҳукумати 5 та қонун ишлаб чиқди, мазкур қонунларнинг асосий жиҳати 2021 молия йилида пандемия юзасидан келиб чиққан ишсизликни қисқартиришга йўналтирилган давлат бюджетидан жами 3,4 трлн. ва 2020-2030 молия йилига эса 3,3 трлн. долларлик маблағ йўналтириш режалаштирилган<sup>249</sup>. Учинчи қонун эса асосан коронавирус

---

<sup>244</sup> Wigglesworth, Robin, Long Live Jay Powell, the New Monarch of the Bond Market, Financial Times, June 23, 2020. <https://www.ft.com/content/5db9d0f1-3742-49f0-a6cd-16c471875b5e>

<sup>245</sup> Global Financial Stability Report Update. International Monetary Fund, June 2020, p. 2

<sup>246</sup> Wheatley, Jonathan, Tommy Stubbington, Michael Stott, Andrew England, and Joseph Cotterill, Debt Relief: Which Countries Are Most Vulnerable? Financial Times, May 6, 2020. <https://www.ft.com/content/31ac88a1-9131-4531-99be-7bfd8394e8b9>.

<sup>247</sup> Global Financial Stability Report Update, p. 2.

<sup>248</sup> [uz.uz](https://uz.uz). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

<sup>249</sup> U.S. Congressional Budget Office, The Budgetary Effects of Laws Enacted in Response to the 2020 Coronavirus Pandemic, March and April 2020, June 16, 2020, <https://www.cbo.gov/publication/56403>. The two laws not mentioned in the text were the



касалланишини баргараф этишга ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича иқтисодий фаолликни таъминлашда самарали фискал сиёсатни юритиш ва кредит ташкилотларини 2020-2030 молия йилида қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ҳақини ҳимоя қилиш дастурини ижросини таъминлашга 349 млрд.долларлик ва бошқа дастурлар ижросини амалга ошириш учун 268 млрд.долларлик маблағ ажратилди<sup>250</sup>. Юридик шахсларга солинадиган тўғридан-тўғри тўловлар, шунингдек кичик бизнесни қўшимча кредитлаш ва уларга имкониятлар яратишга давлат бюджетидан 377 млрд.долларлик маблағ ажратилди<sup>251</sup>.

Шундай қилиб давлат фискал (бюджет-солик) сиёсатининг муҳим дастак ва воситалари орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, бандлик, инвестицион, инновацион фаолликни оширишга ҳаракат қилади.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH VA INNOVATSION INFRATUZILMANI RIVOJLANTIRISH YO‘NALISHLARI**

*Asatullaev X.S.- TMI, kafedra  
mudiri, i.f.n., prof.*

*Astanakulov O.T. – O‘z.DIA kafedra mudiri, i.f.d.*

Dunyoni bugungi fan-texnika taraqqiyoti, qolaversa jahon bozorida ro‘y berayotgan innovatsion o‘zgarishlar erishilayotgan yutuqlar bilan chegaralanib qolishga imkon bermayapti. Barqaror faoliyat yuritadigan ijtimoiy-iqtisodiy infratuzilmani yaratishraqamli iqtisodiyotning muvaffaqiyatli faoliyat ko‘rsatishi esa ko‘p jihatdan davlatning ilmiy-texnik sektorga bo‘lgan yondashuviga bog‘liq bo‘ladi va bu makroiqtisodiy siyosatda, normativ va huquqiy ta‘minotda, innovatsion tizimning bevosita va bilvosita boshqarilishida o‘z aksini topadi. Prezidentimiz murojaatnomasida ta‘kidlanganidek, aholining moddiy farovonligini oshirish va iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish maqsadida “Raqamli O‘zbekiston – 2030” davlat dasturida quyidagilar ustuvor vazifalar sifatida belgilanadi:

1.Raqamli iqtisodiyot infrastrukturasi yaratish, AKT rivojlantirish, “Aqlli shaharlar”, “Xavfsiz shaharlar” loyihalarini amalga oshirish.

2.Inson kapitalini rivojlantirish va raqamli ko‘nikmalarni shakllantirish. Murojaatnomada aytilgandek, yaqin 3–4 yil ichida mamlakatimizda 1000 000 komp’yuter dasturini yaratadigan programmistlar va raqamli iqtisodiyot sohasida ana shuncha ish joylari yaratiladi.

---

Coronavirus Preparedness and Response Supplemental Appropriations Act, 2020 (P.L. 116-123) and the Families First Coronavirus Response Act (P.L. 116-127). A subsequent law, the Paycheck Protection Program Flexibility Act (P.L. 116-142), provided for more generous terms for PPP loans.

<sup>250</sup> U.S. Congressional Budget Office, H.R. 748, CARES Act, P.L. 116-136, April 16, 2020, <https://www.cbo.gov/publication/56334>.

<sup>251</sup> For appropriations from all legislation, see Government Accountability Office (GAO), COVID-19: Opportunities to Improve Federal Response and Recovery Efforts, Report to the Congress, GAO-20-625, June 25, 2020, <https://www.gao.gov/reports/GAO-20-625/>.



3. Raqamli innovatsiyalar ekotizimini yaratish. Murojaatnomada ta'kidlanganidek "Innovatsion taraqqiyot biz uchun havodek zarur"

4. Samarali axborot xavfsizlik tizimini yaratish.

Umuman, AKT sohasini rivojlantirishni ta'minlash, sohada investitsiyalarni himoyalash, provayderlar va foydalanuvchilar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni qat'iy ravishda huquqiy tartibga solish imkoniyatini ta'minlaydigan normativ-huquqiy hujjatlar majmuasini ishlab chiqish va qabul qilish muhimdir. Bunda:

- Huquqiy me'yorlarni ishlab chiqish jarayonida davlat organlarining funktsional imkoniyatlarini tartibga solish va nazorat qilish funktsiyalari bilan cheklash zarur va ularni davlat axborot kiber-xavfsizligi jihatidan kerak bo'lgan holatlardan tashqari yuqori texnologiyalarni joriy qilishga va rivojlantirishga litsenziyalar va boshqa ruhsatnomalari kiritish bilan cheklash imkoniyatini olib qo'yish kerak.

- O'zbekiston Respublikasi hududida asosiy faoliyati AKT sohasida yuqori texnologiyali innovatsion echimlar ishlab chiqish, joriy etish va texnik qo'llab-quvvatlashdan iborat yuqori malakali kadrlarni tayyorlash mexanizmlarini takomillashtirish lozim. Mamlakatimizda innovatsion va ilmiy-texnik rivojlantirish sohasida yagona davlat siyosatining amalga oshirilishi natijasida qisqa muddatda innovatsiyalarga yo'naltirilgan iqtisodiyotni shakllantirish va innovatsiyalarni keng joriy etish uchun tegishli shart-sharoitlar yaratildi. Shu bilan birga, O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni shakllantirish va rivojlantirishga to'siq bo'layotgan bir qator muammolarning saqlanib qolayotganligi sohada kompleks tadqiqotlarni amalga oshirishni davr taqazosi ekanligini aks ettirmoqda.

Fikrimizcha, asosiy infratuzilmani yaratishda quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur:

- Evropa (Frankfurt-Amsterdam), Osiyo (Shanxay), Yaqin Sharq eng katta uchta eng yirik trafik tugunlarida kamida uch marta zahiralangan yangi magistral optik tolali aloqa liniyalarini (xalqaro va mahalliy) o'tkazish;

- Kanal hosil qiladigan uskunar aloqa liniyalarida loyiha birinchi bosqichida rejalashtirilgan uzatish quvvatining 60-70% hajmida foydalanishni va keyinchalik so'nggi texnologik o'zgarishlar hisobga olgan holda, reinjiniring usuli orqali uzatish qobiliyatini bosqichma-bosqich kengaytirishni o'z ichiga oladi;

- O'zbekiston Respublikasi hududida bir vaqtda uchta bir-birlarining ishlashiga yordam beradigan teng quvvatli ma'lumot markazlarini qurish, ularning har biri kamida TIR3+ standartiga muvofiq bo'lishi kerak;

- Trafik bo'yicha kanallarning va axborotni saqlash va qayta ishlash bo'yicha ma'lumot qayta ishlash markazlarining rejalashtirilgan quvvati yuzlab terabayt va petabaytda o'lchanadi, bu ko'rsatkich hozirgi ko'rsatkichlardan ancha yuqori, lekin bozor va hukumatning zamonaviy texnologik talablariga javob beradi. Barcha respublika raqamli aloqalarni IPv6 adresatsiyasiga o'tkazish, majburiy ravishda asosiy ma'lumotlar markazlarida va boshqa yirik provayderlarida SORM2-3, "LAVINA" va boshqalarni to'liq ravishda joriy qilish;

- Ob'ektlarning strategik ahamiyati va muhofazasi darajasini tasniflash tizimini, ularning axborot xavfsizligini ta'minlash va "kiber hujumlarga" qarshi

turish uchun iqtisodiyot tuzilmasida ularning strategik ahamiyati darajasi bo'yicha davlat va xususiy ob'ektlarga bo'lgan talablar tizimini ishlab chiqish va joriy etish.

- Davlat, ilmiy va texnologik va ayniqsa muhim tijorat ma'lumotlarining rejasiz "oqib ketishlaridan" kafolatli himoya qilish maqsadida barcha davlat tuzilmalarida xususiy tizimli platformani (OS) yaratish va amalga oshirish kerak.

Xulosa qilib shuni alohida takidlashimiz lozimki, bugun O'zbekiston raqamli iqtisodiyot va innovatsion rivojlanish yo'liga o'tar ekan, telekommunikatsiya infratuzilmasini yanada rivojlantirish, aholini sifatli uyali aloqa, keng polasali internetdan foydalanish imkoni bilan ta'minlash, sog'liqni saqlash, aholini ijtimoiy muhofaza qilish, ta'lim, kommunal xizmat ko'rsatish, turizm sohalarida zamonaviy ahborot tizimlari, dasturiy mahsulotlar va ma'lumotlar bazalarini joriy etish, shuningdek "Aqlli" va "Xavfsiz" shahar va qishloqlar hamda mintaqalarni tashkil etish, raqamli iqtisodiyotni davlat-xususiy sheriklik tizimiga innovatsion loyihalarni amalga oshirish jarayoniga yo'naltirish, dasturiy mahsulotlar ishlab chiqarilishini qo'llab-quvvatlash, "Intellektual hukumat" tamoyillari asosida aholi va tadbirkorlik sub'ektlariga elektron davlat xizmatlarini ko'rsatish tizimini yanada kengaytirish choratadbirlarini amalga oshirish bugungi kunimizning asosiy va dolzarb vazifalaridan sanaladi.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРАЛИ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

*Х.Н.Шадманов – ТМИ, “Менежмент  
кафедраси” катта ўқитувчи*

2020 йилда бошланган иқтисодий пандемия 2007-2009 йилларда кузатилган “Буюк рецессия”дан тубдан фарқ қилди. Иқтисодий пандемия 2019 йилда бошланган “COVID-19” коронавирус билан оммавий касалланиш туфайли инсонлар билан мулоқотни вақтинчалик карантин чекловларини қўйилиши давлат сиёсатини юритишда янгича йўналишини тақозо этди<sup>252</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “... бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам кутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди”<sup>253</sup>. Юзага келган “... мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари

---


<sup>252</sup> As dated in National Bureau of Economic Research, “Determination of the February 2020 Peak in US Economic Activity,” June 8, 2020, <https://www.nber.org/cycles/june2020.html>.

<sup>253</sup> <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-29-12-2020>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

бўйича таклиф ишлаб чиқиш...<sup>254</sup> бугунги кундаги долзарб масалалар сирасига киради.

Ҳозирги кунда давом этаётган иқтисодий пандемия жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига туртки берди. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ва иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда электрон тижорат товарлар ва хизматлар реализациясини тезлаштириш асосида инкирозларни олдини олиш имконини беради. Бунда виртуал тўловлар тизими товар айланишини тезлаштиради. Интернет реклама эса ўз навбатида реклама аудиториясини бутун дунё миқёсида кенгайтириш имконини беради.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш орқали кадрлар бандлигини янгича замонавий усулда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнат бозори муносабатларини самарали ошириш зарурияти юзага келди. Лекин, бундай масалаларни ҳал қилиш бирмунча мураккаб жараён ҳисобланиб, ижтимоий меҳнат соҳасида муаммолар, жумладан алоҳида корхоналарнинг ёпилиши, ишчи кучига бўлган талаб-таклиф нисбатининг ўзгариши, айрим соҳа-тармоқлардаги таркибий ўзгаришлар, ишчи кучига тўланадиган иш ҳақи даражасининг ҳаддан ташқари пастлиги, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошириш ва бошқа катор муносабатлар натижасида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишни мураккаблаштиради.



*1-расм. Дунёда даромад гуруҳлари бўйича иш ўрнини йўқотганлар, 2020 йил умумий ва чораклик баҳолаш (фоизда<sup>255</sup>)*

<sup>254</sup> <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-29-12-2020>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

<sup>255</sup> Alexander W. Bartik et al., Measuring the Labor Market at the Onset of the COVID-19 Crisis, Brookings Institution, Brookings Papers on Economic Activity, BPEA Conference Draft, June 25, 2020, <https://www.brookings.edu/wp-content/uploads/2020/06/Bartik-et-alconference-draft.pdf>; and Austan Goolsbee and Chad Syverson, Fear, Lockdown, and Diversion: Comparing Drivers of Pandemic Economic Decline 2020, Becker Friedman Institutes for Economics at UChicago, Working Paper no. 2020-80, June 17, 2020, [https://bfi.uchicago.edu/wp-content/uploads/BFI\\_WP\\_202080v2.pdf](https://bfi.uchicago.edu/wp-content/uploads/BFI_WP_202080v2.pdf) (published in the J.

Агар иқтисодий пандемия даврида жаҳон иқтисодиёти бўйича 1-расм маълумотларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, иш ўрнини йўқотганлар юқори даромадли мамлакатларда 8,3 фоизни, ўртача даражали мамлакатлардан юқори ривожланган мамлакатлар 7,3 фоизни, ўртача даражали мамлакатлардан ҳам кам ривожлаган мамлакатлар 11,3 фоизни паст даромадли мамлакатлар 6,7 фоизни жаҳон бўйича эса 8,8 фоизни ташкил этган.

Хулоса тарзида қайд этиш лозимки, биринчидан, иш билан банд бўлганлар сонининг камайиши, иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик таркибининг жиддий равишда ўзгариши, иш билан норасмий бандлик кўламларининг кенгайишида ўз ифодасини топади. Ушбу жараёнлар шаклланишининг қонуниятларини аниқлаш ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилашда маҳаллий миқёсдаги меҳнат ресурсларини иқтисодий тармоқлар ўртасида тақсимотини тўғри ташкил этиш, янги ташкил этиладиган корхоналарни режалаштиришда аҳоли сонига нисбатан пропорционалликни таъминлаш аҳолининг иш билан бандлигини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини рақамлаштириш ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси сўнгги йиллардаги ва 2020 оғир синов йили расмий статистик маълумотларга таяниб, таъкидлаш мумкинки, аҳоли сонига мос равишда меҳнат ресурслари сони ва иқтисодиётда фаол аҳоли сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Албатта бундай ҳолат аҳоли ёш таркиби билан боғлиқ бўлиб меҳнатга лаёқатлилар сонининг ошишига омил бўлганлигини қайд этиш лозим. Рақамли иқтисодиёт шароитида бандлик масаласини ечишда комплекс тарзда ёндашиш, яъни бандлик дастуридан келиб чиқиб мамлакат ва худудлараро электрон платформани шакллантиришни тақозо этади. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Президентнинг “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги қарори лойиҳаси эълон қилинди<sup>256</sup>.

Қарор лойиҳасида 2021 йилда 457 127та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари, 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 489 064 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг прогноз кўрсаткичлари, деҳқончилик билан шуғулланиш учун қишлоқ хўжалиги ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратиш орқали аҳолини даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш прогноз кўрсаткичлари тасдиқланиши белгиланмоқда. 2021 йил 1 июлга қадар аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича ҳисоботларни юритиш, уларни реал вақт режимида Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялашган ахборот ресурс базаси билан мониторинг қилишга мўлжалланган электрон дастур ишлаб чиқилади.

---

<sup>256</sup> <https://regulation.gov.uz/uz/d/30098> “2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги қарори лойиҳаси

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестицион сиёсат шароитида катор лойиҳалар асосида худудларда корхоналар барпо этилмоқда. Бу ўз навбатида улар учун кадрлар етиштириб беришни тақозо этади. Шунинг учун барпо этилаётган замонавий корхоналар учун олий таълим муассасалари фаоллигини оширган ҳолда улар учун кадрлар етиштириш ҳамда қайта ўқитиб бериш, яъни малакасини ошириб бериш тизимини замонавий ахборот технологияларини масофавий тарзда таълимни йўлга қўйиш керак бўлади.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

*Рўзиев Алишер Ибраимович, ТМИ  
“Статистика ва эконометрика”  
кафедраси ассистенти*

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турларини ҳисобига тубдан ўзгартириш лозимлиги таъкидланган<sup>257</sup>.

2016-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида электрон тижорат бўйича онлайн ресурсларни ҳисобга олиш учун, Миллий ахборот қидирув тизимида “Электрон тижорат” бўлими ташкил этилди. Бугунги кунда, бўлимда 81 та веб-сайт, жумладан интернет-магазин, тўлов тизими, эълонларни жойлаштириш бўйича ресурс рўйхатдан ўтказилди;

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар статистикаси – статистика фаолиятининг нисбатан янги тармоғи бўлиб, унинг аҳамияти республика инфорацион тизимининг макроиқтисодий кўрсаткичларни миллий ҳисобчилик принциплари асосида шакллантиришга ўтишида жиддий равишда ошди.

Хизмат соҳасига тегишли бўлган фаолият турларининг турли туманлиги бу соҳада статистик кузатишни икки оқимдаги тизимини юзага келтиради. У ёки бу турдаги хизматлар турининг хусусияти асосан натурал кўрсаткичларни ишлаб чиқадиган мос ҳолдаги тармоқлар статистикаси (АКТ, транспорт, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, тураржой-коммунал хўжалиги каби статистикалари)нинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Хизматлар реализациясининг умумлашган қиймат тавсифномаси хизматлар статистикаси томонидан ўрганилади.

---

<sup>257</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг энг муҳим секторлари сифатида хизматларнинг роли жуда катта ва долзарбдир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги, жамият ҳаётига янгиликларни киритадиган илмий-техника тараққиётининг тез ўсиши билан боғлиқдир. Буларнинг барчаси информацион, молиявий, транспорт, консалтинг ва бошқа турдаги хизматларнинг барчасига менежмент ва маркетинг хизматларнинг мавжуд бўлишлигини тақозо этади.

Республикамиз тармоқлари ялпи кўшилган қийматида хизматлар соҳасининг улуши 2019 йилда 35,5 фоизни ташкил этиб, кўрсатилган хизматлар ҳажми 190356,0 млрд. сўмга, 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 112,5 фоизга тенг бўлди.

Хизматлар соҳаси социал-иқтисодий категория сифатида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш турларининг кенг спектрдаги такрор ишлаб чиқаришини қамраб олиб, уларнинг ҳар бирига махсус фаолият тури мос келади. Хизматлар товарлардан фарқли улароқ моддий объектлар шаклини ола олмайди. Хизматларни амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқариш бир-бирдан ажралмасдир.

Бир гуруҳ тармоқлар, товарларнинг кўпгина хусусиятига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланса ҳам одатан хизматлар соҳаси каби таснифланади. Бу гуруҳга информацион дастурларни яратиш, янгиликлар ва маслаҳат хусусиятига эга бўлган материалларни тайёрлаш, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, кинофильмлар ва мусиқа дастурларини яратиш ва шу кабилар киради.

Ҳозирги даврда иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда хизматлар ўсишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси каби омиллар ташкил этади. Иқтисодиётнинг ушбу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир. Хизматлар нафақат корхоналарга, балки жисмоний шахслар - якуний истеъмолчиларга ҳам кўрсатилиши мумкин.

2020 йил 1 январь ҳолатига республикамизда фаолият кўрсатаётган 3981 мингта корхона ва ташкилотларнинг 65,8 фоизи хизматлар соҳасида фаолият кўрсатиб, 2019 йилнинг 1 январига нисбатан 23.0 фоизга кўпайган<sup>258</sup>.

---

<sup>258</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz)–Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг ўрни жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви, бозорни кунлик ва шахсий талабдан келиб чиққан ҳолда товарлар билан тўлдириш, жамият ҳаётини янгиловчи илмий-технологик тараққиётнинг жадал ўсиши билан боғлиқдир.

Кичик тадбиркорлик субъектлари мамлакатда хизматлар соҳасини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга ва шунга кўра, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур. Бу эса пандемия шароитида иқтисодиётнинг турли жавҳаларида юз берган салбий ҳолатларни бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб, рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш учун хизматлар соҳасига интернет-савдо қилишни кенгайтириш, унинг таркибини замон талабларига мос ҳолда ўзгартиришни амалга ошириш керак.

## **COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Анаркулов Азизжан Давлаткулович,  
Ҳарбий техник институти “Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва  
техник назорат” кафедраси бошлигининг ўринбосари, подполковник  
Мухамедов Мухамадали Мустафоевич,  
Ҳарбий техник институти “Ишлаб чиқаришни ташкил  
этиш ва техник назорат” кафедраси ўқитувчиси*

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги тизимини шакллантиришда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати муҳим ўрин тутди, шу боис шахснинг иқтисодий хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатувчи мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалаларига катта урғу берилди. “Келгуси йилда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади. Ҳуқуқ-тартибот идораларини аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айлантиришга қаратилган ислохотларимиз изчил давом эттирилади”<sup>259</sup>.

Ижтимоий соҳанинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг асосий ўринни - бандлик соҳасидаги муаммолардир. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони 2005 йилда 12594,0 минг кишидан 2019 йилга келиб 18835,6 минг кишига яъни 149,5%га ўсган. Аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2005 йилдаги 72,3фоиздан 2019 йилда 70,4 фоизга пасайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида асосий муаммо бу мавжуд меҳнат ресурсларини тўла самарали инклюзив бандлигини таъминлаш бўлиб

<sup>259</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. // Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.

ҳисобланади. Бу даврда аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси 72,3 % дан 77,7% га ошди. Аҳолининг иқтисодий нофаоллик даражаси 27,7% дан 22,3 % га тушди ва ишсизлик даражаси 5,4% дан 9,3% га ўсди.

Меҳнат бозорини чуқур тадқиқ этган академик Қ.Х.Абдурахмонов бошчилигидаги олимлар хулосаларига кўра, Республикамизда иқтисодий фаол аҳолининг тўртдан бир қисми ишдаги мажбурий таътиллار натижасида иш ҳақини доимий тўлиқ тўланишида муаммолар мавжудлигини сезишади<sup>260</sup>. Ушбу гуруҳ инсонларнинг ҳолати, ўзига ҳос ривожланиш қонуниятларига ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларига эга. Шунинг учун ушбу тушунча ишсизликнинг классик моҳиятига мос келмайди ва уни яширин ишсизлик сифатида баҳолаш мумкин. Бунинг натижасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан банд аҳолининг улуши қисқариб бормоқда: агар 2005 йилда бу кўрсаткич 71,3 %ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 70,4%гача тушиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Юқорида санаб ўтилган барча ҳолатлар уй хўжаликларининг меҳнат бозоридаги ўрнини янада ошириш борасида давлат томонидан тизимли чора – тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Ушбу келтириб ўтилган ҳолат мамлакатимизда меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлган аҳоли йил сайин ортиб бормоқда. Агар иқтисодиётнинг бу секторида бандлар сони 2013 йилда 4239,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам 4308,0 минг кишига тенг бўлган. Яъни бугуни кунда жами иш билан банд аҳолининг 32,4 фоизи норасмий секторда банд ҳисобланади.

Кўпгина мавсумий меҳнат мигрантлари ишларини йўқотдилар ва уйларига қайтиб келдилар. Апрель ойида оила аъзолари ҳозирги кунда хорижда ишлаётган уй хўжаликлари улуши 13 фоизгача тушиб кетди (2019 йилда ушбу кўрсаткич тахминан 17 фоиз бўлган). Апрель ойида ҳанузгача хорижда қолаётганлар орасидаги фаол иш билан бандлик 88 фоиздан тахминан 73 фоизга тушган.


Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди, меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредитларини ажратиш амалиёти жорий қилинди.

---

<sup>260</sup> Абдурахманов Қ.Х., Зокирова Н.К., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдурахманова Г.К. Формирование и совершенствование политики занятости населения в малом бизнесе и частном предпринимательстве. Монография. - Т.: "Iqtisodiyot", 2014. – С.186.



Ёшларнинг меҳнат бозорида фаоллигини эътироф этган ҳолда меҳнат бозоридаги умумий кўрсаткичларга нисбатан муаммоли эканини қуйида 1.Расмда келтирилган маълумотлар асосида кўришимиз мумкин.



**Расм.1. Ўзбекистонда аёллар ва ёшларнинг иш билан бандлик ва ишсизлик ҳолатининг қиёсий таҳлили, %. (2019 йил)<sup>261</sup>**

2019 йилда жами ишсизларнинг қарийиб 57 фоизини ёшлар ташкил қилган, хорижда ишлаш учун кетган меҳнат мигрантларининг ҳам 44,9 фоизи ёшлар бўлган ҳамда ёшларнинг ишсизлик даражаси 15 фоизни ташкил қилган. Аёллар бўйича маълумотлар таҳлили ҳам жами бу даврда ишсизлар орасида 56 фоизни ташкил қилганлиги ҳамда уларнинг ишсизлик даражаси 12,8 фоиз бўлганини кўрсатмоқда.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб ижтимоий соҳада иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг глобал иқлим ўзгаришлари шароитида инсонлар соғлигини сақлаш, табиий офатлар, юқумли касалликлар (коронавирус) каби соҳаларда вужудга келиши мумкин бўлган таҳдидлар аҳамияти ошиб бормоқда. Шу муносабат билан ижтимоий таҳдидларнинг учинчи блоки бу - соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида вужудга келаётган ноҳуш жараёнлар (Коронавирус пандемияси) натижасида келиб чиқадиган таҳдидлардир. Бундай таҳдидларга кўпчилик аҳоли учун юқори технологияли тиббий хизматларни, сифатли таълим, уй-жой қурилишининг камайиши, уй-жой коммунал хўжалиги бино

<sup>261</sup> Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари

ва иншоотларининг эскириши, уй-жой коммунал хизматларига тўловларнинг ошиши билан боғлиқ таҳдидлардир<sup>262</sup>.

Ижтимоий соҳа нафақат иқтисодий, балки миллий хавфсизликни таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди, зеро ижтимоий соҳа орқали шахс, оила ва шу билан бир қаторда алоҳида ижтимоий гуруҳлар ва яхлит тарзда жамиятнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари қондирилади. Айнан шу жойда шахс ва давлат, шахс ва корхоналар ўртасидаги турли туман ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамлиги ва ўзаро ҳамоҳанглиги жиддий синовдан ўтади.

## **ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЭЛЕКТРОН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

*Дусияров Шерзод Холмуротович – Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт  
таянч докторанти*

Ўзбекистонда йилдан-йилга тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Давлат солиқ қўмитаси Солиқ концепцияси доирасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида синовдан ўтган ва инсон омилини камайтиришга қаратилган замонавий ахборот технологиялари асосидаги солиқ маъмуриятчилигининг янги усуллари жорий қилмоқда. Шунингдек, мамлакат солиқ тизимида замонавий ахборот технологиялари асосидаги солиқ маъмуриятчилигининг янги усуллари кенг тарзда жорий этиш ва бунинг натижасида тадбиркорларга янада қулайликлар яратиш мўлжалланмоқда. Ана шундай замонавий технологиялардан бири бу электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобга олиш тизими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни жорий этиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 октябрдаги 807-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш тизимини жорий этиш бўйича 2018 йил 15 октябрдан 2019 йил 1 февралга қадар Тошкент

---

<sup>262</sup> Расулов Т.С., Акбарова К.А. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини ва рақобабардошлигини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали №4 2018 й.-Б. 1-14.

вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида тажриба ўтказилди.

Ушбу тажриба лойиҳаси ижобий натижасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 522-сонли қарори<sup>263</sup> қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан республика ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун 2019 йил 1 июлдан бошлаб ихтиёрий равишда электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш тизими барча ҳудудларда жорий этилди. Бунинг натижасида 2019 йил якунига кўра 100 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон ҳисобварақ-фактура тизимидан фойдаланилган<sup>264</sup>.

Ўзбекистонда электрон ҳисобварақ-фактураларни амалиётга жорий этилиши натижасида товар етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб-китоб муносабатлари тезлашади ҳамда пул маблағларининг банкдаги счётларга келиб тушиш вақти қисқаради. Бу эса ўз ўрнида давлат бюджетига қўшилган қиймат солиғи ва бошқа солиқлар ҳажмини кўпайтиради ҳамда ўз вақтида тушишини таъминлайди.

Электрон ҳисобварақ-фактураларнинг солиқ тўловчилар учун афзалликлари:

1. Анъанавий ҳисобварақ-фактураларни қоғозда тайёрлашда сарфланадиган моддий ва инсон ресурсларини тежаш;
2. Ҳисобварақ-фактураларни қулай ва осон юритиш;
3. Ҳисобварақ-фактураларда ҚҚС ҳисоблаш билан боғлиқ хатоликларни олдини олиш;
4. ҚҚС билан боғлиқ ҳисоботларни юбориш жараёнини автоматлаштириш.

Электрон ҳисобварақ-фактуралар керакли ҳужжатларни хавфсиз сақлаш ва тезкор топиш имконини беради, шунингдек, уни тўлдириш вақтида қўшилган қиймат солиғи бўйича хатолар ўтиб кетиш эҳтимолини пасайтиради.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари учун ҳам электрон ҳисобварақ-фактура тизими қатор афзалликларни тақдим этади. Мисол учун, реал вақт режимида қандай маҳсулот харид қилингани ёки сотилганини кўриш, қўшилган қиймат солиғи бўйича хатоликларни аниқлаш жараёнини автоматлаштириш ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишда асоссиз ёндашув ҳолатларининг олдини олишга шароит яратади.

Фикримизча, электрон счёт-фактурани амалиётга жорий этилиши ва қўлланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш ўзининг ижобий натижасини беради:

---

<sup>263</sup> 2019 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзаро ҳисоб-китобларда электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 522-сонли қарори

<sup>264</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари ([www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)).

- электрон ҳисобварақ-фактураларнинг қўлланилиши солиқ тушумларига таъсири самарадорлигининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;

- электрон ҳисобварақ-фактураларни жорий этиш натижаларига оид кўрсаткичларни узлуксиз равишда умумлаштириб бориш ва таҳлил қилиб салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш;

- хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимизда қўллаш;

- қўшилган қиймат солиғини электрон бошқариш тизимини, жумладан солиқлар йиғилувчанлигини ошириш ва инсофсиз солиқ тўловчиларни аниқлаш мақсадида барча айланмалар занжирини таҳлил ва назорат қилиш учун давлат солиқ хизмати органларида электрон ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш бўйича дастурий таъминот воситаларининг автоматик тарзда ишлаш механизмини таъминлаш.

Умуман олганда электрон ҳисобварақ-фактура тизими республикаимизда хуфиёна иқтисодиётнинг олдини олишда ва унинг улушини камайтиришда рақамли иқтисодиётнинг асосий элементи бўлиб хизмат қилади.

## **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРДАН МАМЛАКАТИМИЗДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*PhD, Бозоров Акмал Амонович  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти доценти*

Солиқлар пайдо бўлганидан буён турли мамлакатларда турлича кўриниш касб этиб, ҳар бир мамлакат ўз солиқ тизимининг ҳар томонлама мукамал бўлишига интилади. Аммо, шундай бўлсада бир мамлакат учун мақбул ҳисобланган солиққа тортиш тизими бошқа бир мамлакатга мутлақо тўғри келмайди ёки қўллашга у ёки бу сабаблар тўсқинлик қилади. Шундай бўлсада, солиқ турлари бўйича тадқиқотлар олиб борилганда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, уларни республикаимизда қўллаш мумкин бўлган томонларини илмий асослаган ҳолда очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлар жисмоний шахслар даромад солиғи ва ундириш механизми турли мамлакатларда турлича бўлиб, умумий ўхшаш жиҳатларидан ташқари, алоҳида ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Бу борада ўрганилиши ва келажакда мамлакатимизда қўлланилиши юзасидан бир қанча давлатлар, жумладан АҚШ, Германия, Малайзия, Япония, Хитой Халқ Республикаси тажрибаларини намуна сифатида келтириш мумкин<sup>265</sup>.

---

<sup>265</sup> Бозоров А.А. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ва уларни солиққа тортишни такомиллаштириш: Монография. Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2020. – 90 б.

Бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатлари тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда декларациялаш механизми амал қилади. Бу борада, Япония ва Малайзия давлати тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак:

Осиёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири Японияда жисмоний шахсларнинг даромадларига нисбатан декларациялаш механизмини қўллашда даромад солиғи бўйича чегирмалар ўзига хос хусусиятга эга (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Японияда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда чегирмалар<sup>266</sup>

№	Чегирма тури	Чегирма суммаси	изоҳ
1.	Солиқ тўловчининг қармоғида бўлган шахслар учун чегирма	380 000 иен	Солиқ тўловчининг қармоғидаги ҳар бир шахс учун
2.	Солиқ тўловчининг қармоғида бўлган ногиронлар учун чегирма	730 000 иен	Солиқ тўловчининг қармоғидаги ҳар бир шахс учун
3.	65 ёшдан ошган солиқ тўловчилар учун чегирма	500 000 иен	Умумий даромади 10 миллион иендан ортмайдиган солиқ тўловчилар учун
4.	Ногиронлар учун бериладиган чегирма	270 000 иен	Ҳар бир ногирон учун. Ўта оғир ногиронлар учун 400 000 иен чегирма қўлланилади
5.	Тиббий харажатлар учун чегирма	Белгиланган тартибда	
6.	Ижтимоий суғурта учун чегирма	Амалга оширилган харажатлар	
7.	Ҳаётни суғурта қилиш бадаллари бўйича чегирма	50 000 иен	
8.	Турмуш ўртоғи билан ажрашганлар (бевалар) учун чегирма	270 000 иен	
9.	Таълим учун қилинган харажатларга чегирма	200 000 иен	16 ёшдан 22 ёшгача
10.	Ёш оила аъзолари учун қўшимча чегирмалар	100 000 иен	Оила аъзолари 15 ёшгача бўлган оила аъзолари учун

Юқоридаги имтиёзларга қўшимча равишда қуйидаги имтиёзлар ҳам қўлланилади: кекса ходимларга бериладиган нафақалар – асосан мукофот ва компенсация, кўнгилочар харажатлар корхона томонидан амалга оширилган умумий харажатнинг 80 фоизидан кўп бўлган миқдорда ёки йилига 4 млн.иенни чегириш инобатга олинади.

Малайзияда жисмоний шахслар меҳнат ҳақи, дивидендлар, фоизлар, чегирмалар, ижара ҳақи, роялти кўринишидаги даромадлар, мукофотлар, пенсиялар ва бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда йил давомида амалга оширилган айрим харажатларни декларация шаклида акс

<sup>266</sup> <https://studfiles.net/preview/1956038/>

эттириши, бунинг натижасида даромад солиғини тўлаши лозим. Эътиборли жиҳати шундаки, фуқаролар Малайзия ташқарисидан олинган даромад учун солиқ тўлаши шарт эмас<sup>267</sup>.

Малайзияда жисмоний шахсларнинг даромадига нисбатан декларация усулини қўллашда Ўзбекистонда бевосита амал қилмайдиган чегирмалар яъни адабиётлар ва компьютер сотиб олиш, фарзандлар учун чегирма, спорт учун харажатлар, тиббиёт харажати инобатга олинади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Малайзияда декларация асосида чегириладиган даромадлар миқдори<sup>268</sup> (ринггит)

№	Чегирмалар тури	Чегирма миқдори	№	Чегирмалар тури	Чегирма миқдори
1.	Тиббиёт харажати (тиббий кўриқдан ўтиш)	6000	14.	Интернетга обуна учун қилинган харажат	2500
2.	Ота-она учун тиббий харажатлар	5000	15.	Уй кредити учун фоизлар	9000
3.	Фақат битта ота ёки она учун тиббий харажатга	1500 дан		Фарзандлар учун чегирма:	
4.	Ёлғиз ногирон (қўшимча)	6000	16.	Ҳар бир бола учун	2000
5.	Алиментлар	4000	17.	Мактабгача таълим учун	1000
6.	Ногирон эр/хотин	3500	18.	Мактабда ўқиш	1000
7.	Ёрдамчи ускуналар (ногирон учун) сотиб олиш учун	6000	19.	Репетитор учун (сертификат олиш учун курс)	2000
8.	Эмизиш ускуналари сотиб олиш учун	1000	20.	Институтда ўқиш	6000
9.	Оғир касаллик учун харажат	6000	21.	Ҳар бир ногирон бола учун	6000
10.	Таълим учун тўлов (алоҳида)	7000	22.	Ижтимоий ҳимоя ташкилотларига харажат	250
11.	Адабиёт учун харажатлар (китоблар, газеталар, ва б.)	2500	23.	Институтда таълим олаётган ҳар бир ногирон бола учун	8000
12.	Спорт учун харажатлар	2500	24.	Ҳаёт суғуртаси	6 000
13.	Шахсий компьютер, телефон ёки планшет сотиб олиш учун				2500

Бундан ташқари, Малайзияда жисмоний шахслар ўзларига тегишли бўлган мулкларини қисқа муддатга ижарага бериш натижасида оладиган фуқаролар даромади 20 000 ринггитгача бўлса 475 ринггит, агарда 20 000 ринггитдан ортиқ даромад олинса ҳар бир ортган суммага нисбатан 7 фоиз ставка қўлланилиб декларация асосида солиққа тортилади

Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, айниқса жисмоний шахслар даромадларини умумдекларациялаш тизими ривожланган давлатлар

<sup>267</sup> <https://thecoverage.my/news/85-malaysias-work-force-dont-make-enough-pay-taxes-gst-wont-increase-next-year-says-deputy-minister/>.

<sup>268</sup> <https://www.imoney.my/articles/income-tax-guide-malaysia/tax-reliefs-for-year-of-assessment-2016>

тизимда муҳим аҳамият касб этади, чунки, бу солиқлар улар давлат бюджети даромадларининг таркибида катта салмоққа эгадир. Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланиш жараёнида экан, бунда солиқлар, жисмоний шахслар даромадини декларациялаш орқали солиққа тортиш, ҳамда, солиқ тизимининг мутлақо янги такомиллашган ва солиқ қонунлари олдида тенглик ва адолатликни таъминловчи восита ва омил сифатида янги давр бошланганлигининг белгиси вазифасини бажаради;

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи фақат давлат бюджети даромадларини шакллантириш учун эмас, балки аҳолининг реал даромадларини оширишга ҳам хизмат қилиши лозим, бу мақсадда фуқаролар томонидан қилинган ижтимоий (таълим соғлиқни сақлаш, суғурта, мажбурий тўловлар ва ҳ.к) харажатлар солиққа тортилмаслиги керак;

- Япония, Малайзия ва бошқа хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Солиқ кодекси 378-моддасининг 16-бандига:

«болалар адабиёти ва бадиий адабиётлар, шунингдек, мактаб дарсликларини сотиб оладиган жисмоний шахслар ушбу адабиётларни сотиб олишга йўналтириладиган суммаларни;

дори-дармон воситаларини сотиб олувчи жисмоний шахсларнинг ушбу дори-дармон воситаларини сотиб олишга йўналтириладиган даромадларини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасидан чегириш тарзидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

Бунда жисмоний шахслар сотиб олган маҳсулотлари суммаларини асослантурувчи ҳужжатлар (касса чеклари) асосида солиқ идорасига тақдим этган тақдирда декларация асосида даромад солиғи суммасини қайтариш механизмини йўлга қўйиш ўзининг ижобий натижасини беради деган фикрдамиз».

## **RAQAMLI IQDISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH SHAROITIDA TIJORAT BANKLARI RESURS BAZASINI MUSTAHKAMLASHNI TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI**

*D.CH. Murodova, Ph.D*

*M.M. Jumayev, TMI magistiranti*

Raqamli iqtisodiyot rivojlanishining hozirgi bosqichida O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklari resurslari va ularning manbalarini mustahkamlash dolzarb masalalardan biri bo‘lib turubdi. Iqtisodiyotning barqaror o‘shishini ta‘minlashda tijorat banklari resurs bazasi mustahkamligiga bog‘liq ekanligi jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozida yaqqol o‘z isbotini topgan. Bu esa tijorat banklari resurs bazasi mustahkamligini ta‘minlashga qaratilgan yangicha yondashuvlarni tatbiq etishni talab etdi.

Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prizdenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020-yil 24 yenvarda Oliy Majlisning Senati va Qonunchilik palatasiga Murojatnomasida bank tizimini rivojlantirish haqida shunday deya takidlagan edilar: “Bank tizimi

raqamli texnologiyalarni qo‘llash, yangi bank mahsulotlarini joriy etish va dasturiy ta‘minotlar bo‘yicha zamon talablaridan 10-15 yil orqada qolmoqda.

2020-yildan boshlab har bir bankda keng ko‘lamli transformatsiya dasturi amalga oshiriladi. Bu borada banklarimizning capital, resurs bazasi va daromadlarini oshirish alohida e‘tiborimiz markazida bo‘ladi.

Banklarimiz xalqaro moliya bozorlariga chiqib, arzon va uzoq muddatli resurslar olib kelishi lozim.

Davlat ulushiga ega bo‘lgan banklar bosqichma-bosqich strategik investorlarga sotiladi”. [1]

Mazkur islohotlar orqali O‘zbekistonda tijorat banklari resurs bazasini mustahkamlash borasidagi ishlarni yanada chuqurlashtirib va kengaytirishga qaratilgan vazifalarni faollashtirishda muhim qadam bo‘ldi desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Hozirgi kunda 13 ta tijorat bankning ustav kapitali tarkibida davlat aksiya paketlari mavjud. Davlat ulushi mavjud banklarda bozor islohotlarini amalga oshirish hamda bir nechta davlat ulushi bor tijorat banklari ya‘ni, “Sanoatqurilishbank”, “Asaka bank”, “Ipoteka bank”, “Aloqa bank”, “Turon bank”, hamda “Qishloq qurilish bank”ni xususiylashtirish ko‘rib chiqilmoqda.

Bu islohotlar orqali biz tijorat banklarining ustav kapitalidagi davlat ulushini qisqartirib, qisqartirilgan ulushni milliy va xorijiy kompaniyalarga sotish orqali xususiylashtirsak :

- bank passivlarini boshqarishda samarali metodlarni ishlab chiqish;
- banklar resurs bazasini rivojlantirishning nostandart uslublaridan foydalanishga intilish;
- depozitlar tarkibini diversifikatsiya qilish;
- nodepozit operatsiyalarning imkoniyatlarining oshirish;
- emission qimmatli qog‘ozlarni chiqarish orqali tijorat banklari o‘z resurs bazasini mustahkamlay oladilar.

Yevro-dollar bozorida qarz olish va milliy valyutadagi xalqar obligatsiyalar hamda emission qimmatli qog‘ozlarni chiqarish tijorat banklari resurs bazasi uchun eng arzon hamda barqaror mablag‘ bo‘lib xizmat qiladi. Bu mablag‘lar risk darajasining pastligi bilan alohida ajralib turadi.

Banklarning resurs bazasini mustahkamlash, aholi va xo‘jalik yurituvchi sub‘yektlarning bo‘sh pul mablag‘larini jalb qilish maqsadida tijorat banklari tomonidan uzoq muddatli obligatsiyalar va depozit sertifikatlarining chiqarilishiga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Hozirgi kunda tijorat banklari tomonidan jalb qilinayotgan aholi omonatlari tarkibida muddatli va jamg‘arma omonatlarining ulushi barqaror resurs manba hisoblanib, banklarning uzoq muddatli kreditlash imkoniyatlarini kengaytiradi. Aholi jamg‘armalarini banklarga jalb qilish juda muhim va ahamiyatli masala bo‘lib hisoblanadi, buning sababi quyidagilarda namoyon bo‘ladi:

- Aholi qo‘lidagi bo‘sh pul mablag‘larini banklarga jalb qilish orqali pul aylanishi tezligini oshirish va milliy valyutani barqarorligini ta‘minlash mumkin;
- Pullarni nazorat qilish orqali soliq bazasini oshirish va yashirish iqtisodiyotni cheklash;



•Naqd pulga bo‘lgan talabni qondirish orqali inflyatsiyani oldini olish.[2]

Bundan ko‘rinadiki iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida yuridik va jismoniy shaxslardan jalb qilingan depozitlar miqdori va ularga to‘lanadigan foizlar bo‘yicha stavkalarini oshirish lozim hamda innovatsion deposit dasturlarini ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Mirziyoyev Sh.M. Banklarning investitsion faolligini oshirish bo‘yicha vazifalar. <https://prezident.uz/> 10.25.2019.

2. O-56 Tijorat banklaring resurslarini shakllantirish va ularni samarali joylashtirish: Monografiya / A. Omonov, I. Raxmonov; -T.: “Iqtisod-Moliya”, 2017. -124 b.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси  
таянч докторанти Муродова Моҳиғул Чори қизи*

Ўзбекистон республикасида озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантириш ва ташкилий-иқтисодий асосларининг замонавий ҳолати таҳлили кўплаб илмий ишларда тадқиқ қилинган. Қуйида озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларга қаратилган илмий ишларнинг айримларига тўхталсак.

Ж.Милль ўзининг “Сиёсий иқтисод принциплари” номли илмий асарида иқтисодиётни ерларни тақсимлаш билан боғлиқлиги ғоясини илгари сурди. У фанга капитал ва аҳолининг “стационар ҳолати” тушунчасини киритди [1]. Д.Медоузнинг хулосасига кўра, барқарор жамият жисмоний ўсиш билан эмас, балки сифатли ривожланиш билан тавсифланади. Унинг фикрига кўра, “ўсиш” дегани ўзаро кўшилиш даражасигача кўпайишни, “ривожланиш” дегани мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда интенсив ривожланишни таъминлашни англатади [2].

Англиялик иқтисодчи олимлар М.Уитби ва Н.Ворд томонидан амалга оширилган тадқиқот натижалари кўрсатдики, Буюк Британияда қишлоқ хўжалигининг барқарорлиги уни интенсив ривожланишини таъминлашнинг натижасидир. Ривожланишнинг ушбу йўли нафақат кўшимча фойда олиш имконини берди, балки атроф-муҳитни хонавайрон бўлишига, масалан, тупроқ деградациясига, айрим ёввойи ҳайвонларни йўқолиб кетишига олиб келди. Ишлаб чиқариш жараёнлари қайта тикланмайдиган ресурсларни бутунлай тугашига олиб келмагандагина барқарорлик бўлиши мумкин [3].

Д.Еременконинг фикрига кўра, озиқ-овқат саноатининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришда кооперация тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади [6]. С.Толкачеванинг

хулосасига кўра, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш муҳим роль ўйнайди. Унинг фикрига кўра, бир вақтнинг ўзида бир нечта диверсификация йўналишларини қамраб олган комплекс қарорларни танлаб олиш лозим. Бунда бир вақтнинг ўзида икки йўналашдан фойдаланишга асосланган вариант танланиши ва диверсификация йўналишлари ўзгариб бориши мумкин [7]. Бевосита агрокластернинг моҳияти А.А. Настин томонидан атрофлича асосланган. Жумладан, унинг таърифича, “агрокластер, бир вақтда ва ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш ва атроф муҳитни ҳимоя қилишда бирлашиш мақсадида географик жиҳатдан бир жойда жойлашган, ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи, турли мулк эгалари-оилавий ферма, фермерларни кооператив корхоналари, ижтимоий ва илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва маслаҳат хизматлари иборат бозор субъектлари тизими”дан [8] иборат.

Ушбу мавзу доирасида илмий тадқиқот олиб борган олимлар натижаларидан келиб чиқиб, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришни ташкилий-иқтисодий асосларининг замонавий ҳолати таҳлилини олиб борамиз.


Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотига кўра, 2019 йилда республика корхоналари томонидан 331,0 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2018 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси 106,6 фоизни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат - 9,4 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш - 0,3 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утили-зация қилиш – 6,3 % га ўсиши ҳисобланди шунингдек, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноатида – 1,0 % га пасайиш кузатилди<sup>269</sup>.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2018 йил якунига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,3 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 98,5 % ни ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш-нинг улуши 13,0 % ни, 2018 йилга нисбатан физик ҳажм индекси эса 7,9 % га ошди ва 34 483,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йилида хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар натижасида Бухоро вилоятида кунгабоқар ёғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш дастури доирасида “Aziya Oil Integral” МЧЖ томонидан 1,85 млн. доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши, Бухоро вилояти озиқ-овқат саноати физик ҳажм индексининг 6,6 % га ўсишига ва республика озиқ-овқат саноати физик ҳажм индексининг эса 7,9 % га ўсишига ўз таъсирини кўрсатди.

---

<sup>269</sup> Саноат. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси).



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм**

1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2018 йилга нисбатан солиш-тирганда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 69,0 % дан 68,0 % гача камайганлиги қайд этилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 7,1 % ни (2018 йил январь-декабрь ойларида 7,3 %) ни ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республиканинг жами ҳажмидаги энг юқори улушлар, Тошкент шаҳри (21,4 %), Тошкент вилояти (16,4 %), Самарқанд вилояти (9,3 %), Қашқадарё вилояти (6,5 %) ҳамда Фарғона вилояти (6,4 %) ҳиссаларига тўғри келади.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Наманган (125,5 %) ҳамда Сурхондарё (121,7 %) вилоятларининг ўсиш суръатлари Республика бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш кўрсаткичидан юқори бўлганлиги қайд этилди. Худудлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг юқори улушлар Тошкент шаҳри (21,4 %), Тошкент (16,4 %), Самарқанд (9,3 %), Қашқадарё (6,5) % ҳамда Фарғона (6,4 %) вилоятларида қайд этилди.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг кам улушлар эса Жиззах (1,9 %), Сурхондарё (2,4 %), Сирдарё (2,9 %) ва Хоразм (3,5 %) вилоятларида қайд этилди.

Умуман олганда, озиқ-овқат саноати корхоналарининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ҳам, эмиссион операциялари ҳам ривожланмаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Миль, Дж. С. Основы политической экономии: в 3-х т. / Дж. С. Миль. – М.: Прогресс, 1980. – Т. 2. – 480 с.
2. Медоуз, Д. Х. За пределами поста / Д. Х. Медоуз, Д. П. Медоуз, Й. Рондерс. – М.: Наука, 1994.
3. M. Whitby, N. Ward. The UK strategy for sustainable development: a critical analysis, 1994. – 98 p.

4.Бурмистров Н.А. Формирование модернизированной стратегии развития предприятий пищевой промышленности. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Саратов, 2011. – С. 20.

5.Костюков Е.Б. Организационно-экономические аспекты эффективного развития отраслей пищевой промышленности. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Москва, 2003. – С. 17.

6.Еременко Д.В. Экономические аспекты устойчивого развития пищевой и перерабатывающей промышленности. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Москва, 2004. – С. 15.

7.Толкачева С.В. Научно-методические аспекты диверсификации предприятий хлебопекарной промышленности. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Воронеж, 2007. – С. 18.

8.Настин А.А. Сельскохозяйственный кластер Дании// Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2011. №4,стр.45.

## **ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЯНЧ ТАРМОҚЛАРИДАН БИРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БАНК ОМОНАТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

*PhD Муродова Дилноза Чориевна  
Тошкент молия институти*

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг таянч тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш ... аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”[1] вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини моддий ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж юзага келади. Ушбу эҳтиёжлар ҳозирда асосан банк кредитлари ҳисобига қопланиб келинмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тармоққа етказиб беришда моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархи ўсиши ўртасидаги диспаратетнинг юзага келишини олдини олиш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилиги даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиш заруратини келтириб чиқариб ва бу борада амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги шулар жумласидандир.

Жамғарма депозитларининг асосий қисмини аҳолининг муддатли омонатлари эгаллайди. Аҳолининг муддатли омонатлари эса, юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

–банкда нисбатан узоқ сақланади;

–фоиз ставкалари юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан паст бўлади;

–тижорат банки ресурс базасининг диверсификация даражасини ошириш имконини беради.

Ривожланган давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқининг қатор давлатларида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари тижорат банклари депозит базасининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Олиб борилган қатор илмий тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан арзон ва узок муддатли ресурс манбаи ҳисобланади[2].

Таъкидлаш жоизки, инфляция ва миллий валютанинг девальвация даражаси жамғарма депозитлари ва уларга тўланган фоизларнинг реал қийматини пасайишига олиб келади.

Тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида муддатли ва жамғарма депозитлари салмоғини ошириш мақсадида, биринчидан, талаб қилиб олинadиган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишни таъқиқлаш, иккинчидан, соф фоизли маржани қисқартириш ҳисобидан мазкур депозитларга тўланадиган фоизнинг ставкасини ошириш керак. Ҳозирги даврда республикамиз тижорат банклари талаб қилиб олинadиган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланишмоқда. Бунинг натижасида банкларнинг соф фоизли спрэд маржа кўрсаткичининг реал даражасига баҳо бериш қийин бўлмоқда. Чунки, соф фоизли спрэд коэффицентини аниқлаш методикасида талаб қилиб олинadиган депозитлар суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ҳисобга олишга рухсат этилмайди.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида, хусусан, АҚШ ва Японияда тижорат банклари томонидан талаб қилиб олинadиган депозитлардан ресурс сифатида тўғридан-тўғри фойдаланишга рухсат этилмайди. Бу ерда тўғридан-тўғри фойдаланиш деганда банк ва мижоз ўртасида муддатли депозит шартномаси тузмасдан, яъни талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобрақамидаги маблағларни муддатли депозит ҳисобрақамига ўтказмасдан туриб фойдаланиш назарда тутилмоқда. Ушбу маблағлардан ресурс сифатида фойдаланиш учун улар олдин муддатли депозит ҳисобрақамига ўтказилиши лозим.

Тижорат банклари томонидан талаб қилиб олинadиган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланилиши уларнинг ликвидлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради, уларнинг соф фоизли спрэд коэффицентини реал даражасини аниқлаш имконини бермайди. Бу эса, ўз навбатида, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– талаб қилиб олинadиган депозитлар беқарор пассив ҳисобланади ва исталган вақтда эгаси томонидан талаб қилиб олинishi мумкин;

– соф фоизли спрэд коэффицентини ҳисоблашда талаб қилиб олинadиган депозитлар суммаси ва уларга тўланган фоизлар ҳисобга олинмайди;

– республикамиз тижорат банкларида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди.

Тижорат банкларининг жорий ликвидлилигига нисбатан Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрни ҳисоблаш методикасида банкларнинг жорий ликвидлилик коэффициенти ликвидли активларни талаб қилиб олинadиган депозитларга нисбати шаклида аниқланади. Ушбу методикада банкларнинг яқин 30 кун ичида қайтариладиган активлари ва яқин 30 кун ичида тўланадиган тўловлари суммалари ҳисобга олинади.

Тижорат банкларида соф фоизли маржанинг даражасини ўзгартириш қуйидаги омилларга боғлиқ эканлигини эътироф этиш жоиз:

- фоизли даромадлар миқдорининг ўзгариши;
- фоизли харажатлар миқдорининг ўзгариши;
- фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши;
- банк активларининг ўртача суммасини ўзгариши.

Таъкидлаш жоизки, давлатнинг иқтисодий агенти вазифасини бажараётган банкларда соф фоизли маржа даражасини ўзгартириш қийин. Чунки, уларнинг кредитлари паст имтиёзли ставкаларда берилadi ва банкларнинг ўзи кредитларнинг фоиз ставкалари даражасини оширишга ҳақли эмас. Узоқ муддатли кредитлар суммасини узоқ муддатли пасивлар суммасидан катта бўлиши тижорат банкларида трансформация рискининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса, банкларнинг кредитлаш салоҳиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Аммо Марказий банкнинг тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитларга нисбатан ўрнатган мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги депозитларга банклар томонидан белгиланган фоиз ставкаларини ошириш имконини бермайди.

Хулоса қилиб тижорат банкларининг ресурс базасини жамғарма депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш йўли билан мустаҳкамлаш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилadиган микрокредитлар ҳажмини ошириш натижасида жамғарма депозитларнинг “Агробанк” АТБ жами депозитларининг ҳажмидаги салмоғини 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 14,6 фоизга оширилиши мазкур даврда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган микрокредитлар ҳажмини 5,0 баробарга ошишига эришилган.

## **ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ЕЕ РОЛЬ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ**

***В.Ш. Нуритдинова, старший преподаватель  
Ташкентский финансовый институт,***

Широкое внедрение цифровых технологий в государственное управление и стремление к современным знаниям будут способствовать благополучию наших людей. Духовное и просвещенное поколение - ключевой фактор развития страны.

В Узбекистане принимаются комплексные меры по активному развитию цифровой экономики, переходу к цифровой экономике через повсеместное

внедрение современных информационно-коммуникационных технологий во всех секторах и отраслях, особенно в сфере государственного управления, образования, здравоохранения и сельского хозяйства.

Все мы знаем, что краеугольным камнем развития, а также силой, делающей страну сильной и великой нацией, являются наука, образование и воспитание. Наше будущее, светлое будущее нашей Родины тесно связано, прежде всего, с системой образования и воспитанием наших детей.

Поэтому в последние годы в целях всестороннего развития нашей страны, создания нового Узбекистана в системе образования, а также во всех сферах проводятся радикальные реформы.

В нынешний непростой период, когда Узбекистан, как и другие страны мира, переживает пандемию коронавируса, система образования страны также прошла серьезное испытание. Несмотря на сегодняшние непростые условия, в результате своевременных мер, принятых государством, проект «онлайн-школа» и дистанционное обучение были внедрены в короткие сроки.

Также были внедрены такие системы как «Онлайн-школа», «Цифровая и безопасная школа», «Электронный учебник», «Электронный дневник». К концу 2021 года планируется повысить уровень широкополосного доступа в Интернет в школах до 80%, в будущем обеспечить 100% Интернетом во всех школах, а также на эти цели выделить средства из государственного бюджета.

Беспрецедентное внимание уделяется радикальной реформе национальной системы образования, основанной на идее, что «Новый Узбекистан начинается на пороге школы». Многие делается для развития науки, культуры и искусства, литературы, спорта, повышения эффективности духовно-воспитательной работы, реализации талантов и способностей молодежи, особенно наших девушек.

Все это закладывает фундамент Третьего Ренессанса в Узбекистане - новой эры национального развития.

На основе системы государственно-частного партнерства налаживается деятельность негосударственных высших учебных заведений. Путем изучения мнения населения возродились формы заочного и вечернего обучения, увеличены квоты приема. Прием выпускников в высшие учебные заведения увеличился с 9% в 2016 году до 25% в 2020 году. Создан механизм, обеспечивающий повышение квалификации и стажировку преподавателей в высших учебных заведениях и научно-исследовательских учреждениях за рубежом. Их месячная зарплата увеличилась в среднем в 2,5 раза по сравнению с 2018 годом. С 2020 года 10 высших учебных заведений переведены на хозрасчетную систему.

Согласно Госпрограмме по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы в «Год науки, просвещения и развития цифровой экономики», планировался довести подключение общеобразовательных школ к

широкополосному Интернету до 70%. Источником финансирования станут бюджетные средства, АК «Узбектелеком» и другие фонды.

Программа предусматривает отбор не менее 5 вузов на конкурсной основе, начало их трансформации в сотрудничестве с ведущими зарубежными университетами, привлечение средств государственного бюджета, а также грантов иностранных финансовых институтов. Программа предусматривает выявление организаций, предоставляющих «Proofreading service», расходы, связанные с подготовкой научных публикаций для публикации в международных журналах, которые финансируются Фондом поддержки инновационного развития и инновационных идей.

Средства государственного бюджета определяются как централизованные инвестиции, бюджетные средства, предусмотренные сметными расходами министерств, ведомств и организаций.

В заключение отметим, что сегодняшняя стремительно развивающиеся времена требует от нас постоянно проявлять инициативу и работать над новым. Чем образованнее наши дети выходят из школы, тем быстрее развиваются отрасли экономики, основанные на высоких технологиях, тем больше социальных проблем они могут решить.

### **Список литературы:**

1. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном Дню учителей и наставников, 30.09.2020 // <https://uza.uz/ru/posts/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziye-30-09-2020>

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 года “О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ” № УП-6110 // Национальная база данных законодательства, 13.11.2020 г., № 06/20/6110/1512

3. Постановление Президента Республики Узбекистан 28 апреля 2020 года «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства» № ПП-4699 // Национальная база данных законодательства, 29.04.2020 г., № 07/20/4699/0520; 24.07.2020 г., № 06/20/6033/1094

4. Аброскин, А. С. Международный опыт измерений цифровой экономики. / А. С. Аброскин // Вестник университета. - 2018. - N 12. - С. 59-6.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ**

*“Менежмент ва маркетинг”  
кафедраси к.ўқ.Н.Рахматуллаева*

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда албатта рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти катта. Айни вақтда рақамли иқтисодиёт тушунчаси бир қатор мамлакатларнинг иқтисодиётида пайдо бўлди. Жамиятни



ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ва ёндашувларни шакллантиришга зарурат туғдиради. Энг кенг маънода "рақамлаштириш" жараёни одатда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришни англатади. ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш технологияларидир.

Рақамли иқтисодиёт бу ишлаб чиқариш комплекси инсонлар учун қулайликларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал муҳит бўлиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш тизимидир. Шунингдек, рақамли иқтисод расмийлаштирилиши мумкин бўлган барча нарсани қамраб олиши мумкин, яъни мантиқий схемаларда намоён бўлади. Ҳаётнинг ўзи эса бу "нарсаларни" ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмаштириш ва истеъмол қилиш тизимига айлантиришга имконият яратади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши халқаро бизнеснинг ички ва ташқи муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида катта ўзгаришлар рўй бермоқда, бу эса компаниялар фаолиятининг турли йўналишларида акс эттирилиши мумкин эмас. Интернет орқали бутун дунё бўйлаб ўз маҳсулотларини сотишлари мумкин. Кичик инвестицияга эга бўлган компаниялар тезда пайдо бўлиб, тез ўсиб ривожланиши мумкин. Ахборот технологиялари ёрдамида харажатларни камайтириш ва айна пайтда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун бундай имконият мавжуд. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда бозорда компанияларнинг позицияси тобора мураккаблашиб бормоқда. Стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида хавф ва ноаниқлик даражаси ошади. Бу ҳолат технологик даражадаги динамик ўзгаришлар, рақобатнинг ўсиши ва иқтисодиётга давлат таъсири туфайли барқарор бозор ҳолатига боғлиқ бўлмайди. Рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар учун янги бозор қоидаларини яратиши мумкин. Бундай муҳитда компаниялар янги рақобат стратегияларини қидириши ва рақобат самарадорлигини оширишлари керак. Омон қолиш ва айна пайтда янги шароитда ривожланиш учун компаниялар рақамли ахборот технологиялар соҳасида ўз ваколатларини оширишлари керак. Кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра, бу одамлар учун ҳаётни осонлаштирмайди. Шу билан бирга, ёшларнинг янги технологияларга мослашиши осонроқ бўлган рақамли иқтисоддаги ёшларнинг аҳамияти катта ёшдагиларга қараганда муҳимдир. Шубҳасиз рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлиги соҳасига таъсир қилади. Келажакда қуйидаги касблар пайдо бўлиши мумкин: шахсий брендни бошқарувчи, виртуал адвокат, давлат органлари вакиллари билан мулоқот платформаси модератори, инфостйлеист, рақамли лингвист, муддатли брокер, интерфейси услубчиси. Шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожланиши оқибатида миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш лозим. Институционал ёндашиш

нуктаи назаридан “Миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизими” тушунчаси мураккаб сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, техник, ижтимоий-маданий тизим бўлиб, у миллий рақамли иқтисодий хавфсизликни таъминловчи объект ва субъектлар мажмуасидан иборат, бу рақамли иқтисодиёт субъектларининг миллий манфаатларини, амалдаги миллий қонунчиликни етарли даражада ҳимоя қилиш учун фойдаланилиши мумкин. Бу эса давлат сиёсати, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, норасмий норма ва ижтимоий ҳуқ-қоидаларини тартибга туширувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни яратиш кераклигини билдиради. Рақамли иқтисод, ноёб функциянинг айрим хусусиятларининг мавжудлиги сабабли классик иқтисодга хос бўлган чекловларни енгишга имкон беради: 1. Бир нечта одамлар моддий маҳсулотлардан фойдалана олмайдилар, чунки рақамли маҳсулотларнинг бундай тўсиқлари йўқ: нусха кўчириш ва чексиз одамлар доирасига тақсимланиши мумкин. 2. Материаллардан фойдаланиш пайтида фойдаланиш тақиқланади. Рақамли маҳсулотлар асл хусусиятларини йўқотмайди, шунингдек, бу хусусиятлар биргаликда ишлаш ёки алмашинув жараёнида яхшиланиши мумкин. 3. Ахборот-коммуникация майдончалари одатий савдо биноларида мавжуд бўлган майдонларнинг ҳажмига чекловлар ва шу билан бирга бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатадиган мижозларнинг сони ва миқдори жиҳатидан чекланишларини олдини олади.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва амалга оширишнинг муҳим жиҳати, биринчи навбатда, қуйидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган давлат минтақавий сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади. Худудларда инвестицион жозибадорлигини ошириш ва улардаги инновацион фаолиятни ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, минтақаларнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиш соҳасидаги худудий номуносибликни минималлаштириш, минтақалараро муносабат-ларни мустаҳкамлаш ҳамда инсон салоҳиятидан оқилона фойдаланиш лозим. Биз минтақавий ривожланиш соҳасида тўртта стратегик вазифани белгилашни таклиф қиламиз: Биринчидан, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими сифатида худудларнинг рақобатдошлигини ошириш ва уларнинг ресурс салоҳиятини мустаҳкамлаш; Иккинчидан, инсон ресурсларини ривожлантириш; Учунчидан, минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда минтақаларни ривожлантириш учун институционал шароитларни яратиш. Тўртинчидан, жараёнларни самарали бошқариш ва ўз вақтида тўғри қарор қабул қилиш учун онлайн режимда хўжалик юритувчи субъект даражасида молиявий ва иқтисодий хавфсизликни мониторинг қилиш учун дастурий таъминотни тақдим этиш учун бевосита мулоқот қилиш ва алоқа учун алоқа тизимини яратиш керак. Ушбу вазифалар давлат томонидан тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиялаштиришни мақсадли йўналтиришда ўз вақтида жавоб бериш учун минтақавий ва давлат даражасида мунтазам равишда янгиланиши, кўллаб-қувватлаши, мониторингини амалга ошириши ҳамда мунтазам янгиланишини таклиф этади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари даражасида самарали узлуксиз ишлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар интернетдан фойдаланишади.

Шу билан бирга, "бизнес- ҳокимият" тизими субъектлари ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш модели ажралмас ва муҳимдир. Шу билан бирга асосий омилларни дастурий таъминотни фаоллаштиришга қаратилган оммавий ахборотлаштиришни ривожлантириш, аппаратни янгилаш, тармоқ технологияларини ривожлантириш, транзакцион секторнинг ўсиши ҳисобланади. Рақобатбардош иқтисодий ривожлантиришнинг ғояларини тарқатиш, ахборот бозори сифатида тавсифланган ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши соҳасида истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ўртасидаги савдоси ахборот маҳсулотлари бозорини шакллантиради. Ушбу ёндашув бир қатор мамлакатларда ахборот индустриясининг устунлигини кучайтиради, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси борган сари билимга асосланган ва инновацион асосида ривожланади.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЭЛЕКТРОН ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ**

*“Менежмент ва маркетинг”  
кафедраси к.ўқ.Н.Рахматуллаева*

Мамлакатимизнинг иқтисодий жадаллик билан ривожланаётган айни вақтда кичик саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил қилиш ва салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратиш, шу билан бирга уларнинг иш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни рақамли иқтисодий талабларига мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу аснода янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, мазкур зоналар фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашадиган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари тизими шакллантирилди. Натижада ҳозирги кунда республикамизнинг 10 та минтақасида 14 та эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил этилиб, ҳозиргача ушбу зоналарда 62 та лойиҳа амалга оширилиб, яна 87 та лойиҳа бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев “2020 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Парламентига Мурожаатномасида

мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш бўйича энг долзарб масалалар ва шуларнинг қаторида тадбиркорликни, кичик саноат зоналарини ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар яратиш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар тўғрисида қуйидагиларни баён қилдилар. “Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш зарур.”<sup>270</sup>

Мана шу кичик саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил қилиш ва уларнинг салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир. Бунинг натижасида бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнларнинг сифатли ўсиш самарадорлиги таъминланади. Инсон интеллектуал фаолияти, унинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаси ҳисобланади.

Кичик саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратишда инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим.

Ҳозирги кунда кичик саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратишда рақамли иқтисодиётдан унумли фойдаланиш замон талаби ҳисобланади. Бунинг натижасида янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд шароитни янгича тизимга кўчириб, ишнинг самарадорлигини ошади. Масалан юқори даражада автоматлаштирилганлик, электрон ҳужжат алмашинуви, бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви, маълумотлар электрон базалари, CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги, корпоратив тармоқлар ва бошқалар.

Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир.

Мамлакатимизда кичик саноат зоналари салоҳиятини аниқлашнинг инновацион электрон таъминотини яратишда рақамли иқтисодиётдан

---

<sup>270</sup> Мирзиёев Ш.М. “2020 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. [https://www. norma.uz](https://www.norma.uz). Ахборот ҳуқуқий портал.

фойдаланишнинг бир қанча ижобий томонлари мавжуд. Масалан рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. “2020 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. <https://www.pogma.uz>. Ахборот ҳуқуқий портал.

## **SOLIQQA OID HUQUQBUZARLIKLAR, ULARGA QO‘LLANILADIGAN JAVOBGARLIKNING JAHON AMALIYOTI TAMOYILLARI.**

*Ilmiy rahbar “Soliqlar va soliqqa tortish” kafedrası  
dotsenti M. S. Usmanova  
“Soliqlar va sug‘urta ishi” fakulteti ST-50 guruh  
talabasi M. M. Murtazayev*

*“Bu dunyoda o‘lim va soliqlardangina qochib qutulib bo‘lmaydi”  
Benjamin Franklin*

Bizga ma’lumki, davlat borki o‘zining ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarini bajarishi uchun o‘zining soliq siyosatini yuritadi. Zero, har qanday mamlakat byudjetiga tushumlarning asosiy qismi ham, ijtimoiy sohalar rivoji ham soliqlar evaziga ta’minlanadi. Hamma zamonlarda uning yig‘imiga jiddiy e’tibor qaratilgani boisi ham shundan. Budjet taqchilligi mamlakat iqtisodiyotiga sezilarli darajada ta’sir etadi. Shuning 2021-yil 7-yanvarda qabul qilingan “Soliq xavfini boshqarish, soliq xavfi mavjud soliq to‘lovchilarni (soliq agentlarini) aniqlash va soliq tekshiruvlarini tashkil etish va o‘tkazish to‘g‘risida”gi vazirlar mahkamasi qarori ishlab chiqilib amaliyotga joriy etildi.

Amaldagi tizim qanchalik kuchli bo‘lmasin, qonun buzilish holatlari albatta ko‘zga tashlanmasdan qolmaydi. Avvalambor soliqqa oid huquqbuzarlik tushunchasiga aniqlik kiritib olaylik. 2020-yil 1-yanvaridan kuchga kirgan yangi Soliq Kodeksining VIII bo‘lim 27-bob 210-moddasida shunday ta’rif berilgan: “Soliq to‘lovchining, soliq agentining yoki boshqa shaxsning ushbu Kodeksda

javobgarlik belgilangan g'ayriqonuniy aybli qilmishi (harakati yoki harakatsizligi) soliqqa oid huquqbuzarlik deb e'tirof etiladi". Ma'lumki hech kim soliq to'lash uchun faoliyat yuritmaydi, ularning asosiy maqsadi daromadlarini maksimallashtirish va o'z ehtiyojlari uchun kerakli mablag'larni jamg'arishdan iborat. Shuning uchun daromadini ma'lum qismini shunchaki davlatga topshirish hammaga ham ma'qul kelmasligi tayin. Undan tashqari soliq huquqbuzarliklar paydo bo'lishining boshqa omillari ham mavjud. Soliq stavkalarining yuqori bo'lishi, qonunchilikning obro'si va ta'siri kamligi, ularning adolatlilik, ijtimoiylik tamoyillariga zid kelishi, huquqbuzarliklar uchun javobgarlik uchun jazo choralarining yengilligi sababli qonun buzilish holatlari ro'y beradi. Soliqqa oid huquqbuzarliklarning bir qancha ko'rinishlari mavjud: tegishli hisobotlarni o'z vaqtida yoki umuman topshirmaslik, soliqlarni o'z vaqtida yoki umuman to'lamaslik, daromad va foydani yashirish, taqiqlangan metod va usullardan foydalanish.

Huquqbuzarliklar uchun javobgarlikning moliyaviy, ma'muriy va jinoiy javobgarlik kabi turlari mavjud. Soliq Kodeksining 28-bobi ushbu masalalarga qaratilgan bo'lib, huquqbuzarliklar sodir etganligi uchun javobgarlik batafsil bayon etilgan.

Soliqqa oid huquqbuzarliklar va ularni sodir etganlik uchun javobgarlik jahon amaliyotida ham tez-tez uchrab turadi. Masalan, soliqqa oid huquqbuzarlik Estoniya Jinoyat kodeksining bir qismi bilan belgilanadi va shunga ko'ra soliqqa oid huquqbuzarlik soliq to'lash majburiyatini kamaytirish maqsadida "Soliq idoralariga ma'lumot taqdim etmaslik yoki noto'g'ri ma'lumotlar taqdim etish" hisoblanadi. Agar soliq majburiyati yashirilgan bo'lsa yoki qaytarib berish to'g'risidagi talab asossiz ravishda katta zararga mos keladigan yoki undan oshadigan miqdorga ko'tarilsa, pulni qaytarib berish to'g'risidagi da'voni oshirish, moddiy jazo yoki besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.

Jahon amaliyotida soliq huquqbuzarliklariga qarshi harakat 10ta tamoyilga asosan amalga oshadi.

Dastlab soliqqa oid huquqbuzarliklarning jinoiy javobgarlikka tortilishini ta'minlash. Qayerda jinoiy xatti-harakatlar o'rtasida bo'ladigan bo'lsa, yurisdiksiyalar soliq qonunchiligining buzilishiga nisbatan jinoiy jazo choralarini qo'llash imkoniyatiga ega bo'lishi kerak. Profilaktik nuqtai nazardan, bu bir necha sabablarga ko'ra belgilanadi: qonunning yaxlitligi, betarafligi va adolatlilik (ya'ni hech kim qonundan ustun emasligi); jinoiy faoliyatning turi va jazolanish oqibatlarini keltirib, imkoni bo'lsa, soliq majburiyatlaridan qochishga moyil bo'lgan odamlar uchun umumiy to'xtatuvchi sifatida harakat qilish. Qonunchilikka rioya qilmaganlarni jazolash uchun jazo qoidalarining amalda bajarilishi ham adolatni ta'minlash uchun, ham jazo qoidalari va qonun tizimining o'zi uchun ishonchni kuchaytirish uchun muhimdir.

Soliq jinoyatlariga qarshi kurashning samarali strategiyasini ishlab chiqish. Soliq jinoyatlariga qarshi kurashishda eng samarali bo'lish uchun soliq organlari majburiyatlarni rag'batlantirish, soliq to'lovchilarning o'z majburiyatlarini bajarishga bo'lgan turli xil munosabatlariga samarali javob berish uchun bir qator strategiyalarga ega bo'lishi kerak. Soliqqa oid jinoyatlar bilan bog'liq qonunlarning

amalda samarali bo'lishini ta'minlash uchun qonunni bajarishning izchil strategiyasini ishlab chiqish kerak. Umumiy strategiyani soliq organlarining maqsadlarini belgilaydigan, soliq qonunchiligiga rioya qilmaslikning tegishli xatarlarini aniqlaydigan va ushbu xatarlarni bartaraf etish rejasini belgilaydigan hujjat sifatida tavsiflash mumkin.

Yetarli tergov kuchlariga ega bo'lish. Jinoiy (soliq) tergovining maqsadi - taxmin qilingan jinoiy (soliq) xatti-harakatlarini tekshirish. Tergovni olib borishda, jinoiy tergovchilar, odatda, jinoyat sodir etilgan yoki qilinmaganligini aniqlash maqsadida ma'lumot topishga va tahlil qilishga intiladi. Tekshiruvlar natijasida ayblov ("ayblovchi") va aybsizligini tasdiqlovchi dalillar ("ayblov dalillari") topilishi mumkin. Bu prokuratura organlarini ayblanuvchini javobgarlikka tortish to'g'risida qaror qabul qilishda foydalaniladi. Jinoyatchilar o'zlarining xatti-harakatlarining jinoiy xususiyatlarini yashirishga intilayotganliklari sababli, jinoiy huquqni muhofaza qilish organlari kerakli ma'lumotlarni olish uchun tegishli tergov vakolatlariga muhtoj. Xususan, soliqqa oid huquqbuzarliklarni tergov qilish sharoitida moliyaviy aktivlarning manbasini va harakatini samarali tekshirishning muhim ahamiyati bor.

Aktivlarni muzlatish va musodara qilish bo'yicha samarali vakolatlarga ega bo'lish. Aktivlarni muzlatish sud yoki boshqa vakolatli organ tomonidan chiqarilgan buyruq asosida mol-mulkni topshirish, konvertatsiya qilish, tasarruf etish yoki ko'chirishni vaqtincha taqiqlash yoki aktivlarni saqlash yoki nazorat qilishni vaqtincha o'z zimmasiga olish tushuniladi. Muzlatish - bu aktivga bo'lgan huquqlarni vaqtincha to'xtatib turadigan va masalan, bank hisobvaraqlariga taalluqli bo'lgan harakat. Odatda, muzlatish ish ko'rib chiqilguncha mol-mulk harakatining vaqtincha oldini olish uchun ishlatiladi. Aktivlarni musodara qilish sud yoki boshqa vakolatli organning buyrug'i bilan mol-mulkdan doimiy ravishda mahrum etish deb ta'riflanishi mumkin. Musodara qilish odatda ishning yakuniy natijalaridan so'ng qo'llaniladi. Muzlatish, musodara qilish vakolatlari milliy qonunchilikka, shu jumladan mutanosiblik talablariga muvofiq amalga oshirilishi kerak.

Belgilangan vazifalar bilan tashkiliy tuzilmani joylashtirish. Aniq tashkiliy modelga ega bo'lish muhim ahamiyatga ega, chunki u vazifalarni samarali taqsimlashga imkon beradi, bu esa harakatlarning takrorlanishi va huquqni muhofaza qilishdagi bo'shliqlar xavfini kamaytiradi. Aniq tashkiliy tuzilma ham muhimdir, chunki u resurslardan foydalanish va strategiyalarni joylashtirish uchun oshkoralik va hisobdorlikni oshirishga imkon beradi. Tashkiliy tuzilma soliq jinoyatlarini tergov qilish va jinoiy javobgarlikka tortish uchun mas'ul idoraning shaxsiy yoki siyosiy manfaatlardan mustaqil bo'lishini hamda o'z vazifalarini adolat va halollik bilan bajarishi uchun javobgarlikni ta'minlashi kerak.

Soliqqa oid jinoyatlarni tergov qilish uchun yetarli resurslarni taqdim etish. Tashkiliy modeli qanday bo'lishidan qat'i nazar, soliq jinoyatlariga nisbatan tergov qilish va majburiy choralarni ko'rish uchun yetarli mablag' ajratilishi kerak. Resurslarning darajasi va turi umumiy byudjet cheklovlariga va yurisdiksiya uchun boshqa byudjet ustuvorliklariga qarab o'zgaradi. Xususan, iqtisodiyotning ko'lamini va rivojlanish bosqichiga qarab zarur bo'lgan resurs turlari turlicha bo'lishi

mumkin. Masalan, ilg'or analitik va texnologik vositalarni sotib olishdan oldin qonuniy va jismoniy infratuzilmani yaratish dolzarbroq bo'lishi mumkin.

Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga qaratilgan harakatlar. Predikativ huquqbuzarliklar - bu mablag ' yoki aktivlarni keltirib chiqaradigan jinoiy faoliyatning aniq turlari. Ushbu mablag'lar / aktivlar keyinchalik noqonuniy manbani yashirish uchun "yuvilgan" bo'lishi mumkin.

Ichki idoralararo hamkorlik uchun samarali asosga ega bo'lish. Moliyaviy jinoyatchilikka qarshi kurash bir qator muhim bosqichlarni o'z ichiga oladi, jumladan, huquqbuzarliklarning oldini olish, aniqlash, tergov qilish va jinoiy javobgarlikka tortish va jinoyatlardan olingan daromadlarni undirish. Vaziyatlarga qarab, bunga bir qator davlat idoralari, shu jumladan soliq ma'muriyati, bojxona ma'muriyati, moliyaviy regulyatorlar, korrupsiyaga qarshi kurash organlari va prokuratura jalb qilinishi mumkin.

Xalqaro hamkorlik mexanizmlari mavjudligini ta'minlash. Soliq jinoyati xalqaro miqyosga ega, masalan, chet el yurisdiksiyasi aktivlarni yoki daromadlarini yashirish uchun ishlatilganligi yoki noqonuniy operatsiyalardan olingan daromadlar soliq organlariga e'lon qilinmasdan chet elda saqlanganligi sababli. Chunki jinoiy faoliyat xalqaro chegaralarni kesib o'tishi mumkin, ammo tergov idoralari yurisdiksiya bilan cheklangan vakolatlarga ega, tergov idoralari o'rtasida hamkorlik zarur

Gumon qilinuvchilarning huquqlarini himoya qilish. Jinoiy soliq terгови olib boriladigan shaxslar jinoiy qilmishda gumon qilingan yoki ayblanayotgan har bir shaxs aybdorligi aniq bo'lmagunga qadar, belgilangan huquqlaridan foydalanishga imkon yaratib berish.

— Soliq siyosatini takomillashtirishni biz, avvalo, soliqlarning yig'iluvchanligini oshirishdan boshlashimiz kerak, — deydi Behzod Musayev. — Buning uchun soliq to'lovchilarga iloji boricha yengillik berish, soliq xizmati xodimlarining malaka va tajribasini oshirish, shuningdek, aholining iste'mol madaniyatini yuksaltirishimiz talab etiladi. Har birimiz sotib olgan mahsulotimiz, bizga ko'rsatilayotgan ish va xizmatlar uchun chek talab qilishni o'rgansak, bozorlar va xizmat ko'rsatish shoxobchalaridagi pullarning qonuniy aylanishiga hissa qo'shgan bo'lamiz.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, soliqqa oid huquqbuzarliklarning oldini olishning eng samarali usullar majmui soliq nazorati infrastrukturasi yaxshilash, qonunlarni barcha tamoyillarga javob berdigan tarzda ishlab chiqish orqali ularni amal qilish darajasini oshirish, soliqlarni stavkalarini kamaytirish orqali soliq bazasini kengaytirish, javobgarlik choralari kuchaytirishdan iborat.



## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI TA'MINLASH VA INVESTITSION FAOLLIKNI OSHIRISH YO'NALISHLARI**

*Ilmiy rahbar – Bazarova Fayyoza  
TMI, Menejment va marketing kafedrası dots.v.b.  
TMI, BI-50guruh talabasi –Abdusattorova M.*

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasiga binoan mamlakatimiz iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo'naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo'yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag'batlantirish, hududlar, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish kabi ustuvor yo'nalishlar amalga oshirilib, mamlakatimiz iqtisodiyoti rivojlantirishga va makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlashga erishilib kelinmoqda.

Bugungi kunda raqamli iqtisodiyotning ahamiyati oshib bormoqda. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish asosida iqtisodiyotning barcha soha va tarmoqlarida rivojlanaishga va o'sishga erishish mumkin. Raqamli iqtisodiyotga qisqacha qilib iqtisodiyot tarmoqlarining raqamli texnologiyalar bilan taminlanishi deb tarif berish mumkin. Raqamli iqtisodiyot bugungi kunda dunyoning ko'plab mamlakatlari iqtisodiyotiga jadal kirib bormoqda. Raqamli texnologiyalarning tez sur'atlar bilan rivojlanishi, iqtisodiyotning globallashtirish jarayonlarini tezlashtirishini yuzaga keltirdi. Iqtisodiyotning barcha jabhalarida ulardan samarali tarzda foydalanish bugungi kun talabiga aylanmoqda. Raqamli transformatsiya tez sur'atda o'zgarayotgan bugungi kun dunyosi uchun asosiy vositadir. Raqamli iqtisodiyot – bu iqtisodiy faoliyat bo'lib, u insonlar uchun qulayliklarni ta'minlagan holda mahsulot va xizmatlarni yaratuvchi virtual muhit hisoblanib, raqamli texnologiyalardan foydalaniladi va har kuni onlayn tarzda odamlar, bizneslar, qurilmalar, ma'lumotlar va jarayonlar orasidagi millionlab bog'lanishlarni amalga oshiruvchi tizimdir. Iqtisodiy faoliyatlarning keng xilma-xilligi raqamlashtirilgan ma'lumotlar va bilimdan asosiy omil sifatida foydalaniladi. Internet, bulutli hisoblash (cloud computing), katta ma'lumotlar (big data), moliyaviy texnologiya (financial technology) va boshqa raqamli texnologiyalar ma'lumotlarni raqamli shaklda to'plash, saqlash va tarqatish uchun foydalaniladi, bundan tashqari ular ijtimoiy o'zaro ta'sirni butunlay o'zgartiradi. Raqamli iqtisodiyotning afzalliklari quyidagilarda namoyon bo'ladi:

- raqamli iqtisodiyot sharoitida mahsulotlarni izlash harajatlari keskin kamayadi, chunki istalgan ma'lumotni online qabul qilish offline qabul qilishdan osonroqdir;

- raqamli iqtisodiyotdagi tovarlarning bir iste'molchi tomonidan iste'mol qilinishi boshqa mahsulotlarga bo'lgan talab va ularning sifatini pasaytirmaydi;

- raqamli iqtisodiyotda mahsulotlarni tashish va ular to'g'risidagi malumotlarni tarqatish harajatlari nolga teng;

- raqamli texnologiyalar yordamida iste'molchining xarakterini osonlik bilan o'rganish mumkin. Bu esa o'z o'rnida birga-bir (one to one) bozorlarni yaratadi;

- raqamli texnologiyalar mahsulot brendi va nufuzini yaratishni ham osonlashtiradi; - raqamli iqtisodiyotda savdo-sotiqalar elektron shaklda chegaralarni oson kesib o'tadi. Raqamli iqtisodiyotga aloqador o'zgarishlar ishlab chiqaruvchilar va haridorlar uchun yangi bozor qoidalarini vujudga keltirishiga zamin yaratadi. Buning natijasida kompaniyalar yangi raqobat strategiyalarini qidirishi va raqobat samaradorligini oshirishlari kerak bo'ladi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi mamlakatda ham aholiga ham davlatga ham eng muhimi tadbirkorlarga qo'shimcha qulayliklar yaratib beradi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi asosida mamlakatda qulay investitsion muhit shakllanib boradi. Bular o'z navbatida mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlashga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi asosida yangi, zamonaviy kasblar hamda ish o'rinlari paydo bo'ladi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi ishsizlik darajasining oshishiga sabab bo'lishi haqidagi ba'zi fikrlar mavjud. Bu fikrlar qandaydir ma'noda to'g'ri bo'lishi mumkindir, lekin aslini olganda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi yangi ish o'rinlarining paydo bo'lishiga olib keladi. Natijada ishsizlik darajasi pasayib boradi. Hozirgi kunda O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha juda ko'p islohatlar amalga oshirilmoqda. Natijada iqtisodiyot tarmoqlarining raqamlashish darajasi ham oshib bormoqda.

Quyidagilar O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish bo'yicha eng muhim vazifalar hisoblanadi:

- investitsiya va tadbirkorlikni diversifikatsiya qilish uchun kriptoaaktivlar aylanmasi sohasidagi faoliyatni, jumladan, mayining, smart kontrakt, konsalting, emissiya, ayriboshlash, saqlash, taqsimlash, boshqarish, sug'urtalash, kraudfunding (jamoaviy moliyalashtirish), shuningdek, blokcheyn texnologiyalarni joriy etish va rivojlantirish;

- blokcheyn texnologiyalarni ishlab chiqarish va ulardan foydalanish sohasida amaliy ish ko'nikmalariga ega bo'lgan malakali kadrlarni tayyorlash;

- raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish uchun innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va ishlanmalarni joriy etish sohasida davlat organlari va tadbirkorlik subyektlarining yaqin hamkorligini ta'minlash;

- kriptoaaktivlar bo'yicha faoliyat va blokcheyn texnologiyalari sohasida xalqaro va xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlikni har tomonlama rivojlantirish va ishlab chiqarish sohasida faoliyat ko'rsatadigan yuqori malakali xorijlik mutaxassislarni jalb qilish;

- xorij tajribasini hisobga olgan holda blokcheyn texnologiyalarini joriy etish uchun huquqiy baza yaratish. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi mamlakatimizda investitsion faollikni yanada oshirib kelmoqda. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi natijasida mamlakatda qulay investitsion muhit shakllanib boradi. Olib borilayotgan islohatlar natijasida yalpi ichki mahsulot tarkibida investitsiyalarning salmog'i oshib bormoqda.

Raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlantirish asosida mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni hamda investitsion faollik yanada oshirishga qaratilgan quyidagi takliflarni amaliyotga tadbiiq etish maqsadga muvofiq hisoblanadi:

- raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun zarur bo'lgan infratuzilmani rivojlantirish ishlarini yanada yaxshilash;

- raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish uchun innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va ishlanmalarni amaliyotga joriy etish sohasida davlat organlari va tadbirkorlik subyektlarining yaqin hamkorligini ta'minlash ishlarini yanada takomillashtirish;

- respublikamizga jahon darajasidagi texnologiyani yetkazib berayotgan, iqtisodiyotning zamonaviy tarkibini vujudga keltirishga ko'maklashayotgan xorijiy sarmoyadorlarga imtiyoz va preferensiyalarni taqdim etish tizimini takomillashtirish;

- rivojlangan mamlakatlarning raqamli iqtisodiyotga o'tish yo'lini tahlil qilgan holda, milliy iqtisodiyotimiz uchun mos tomonlarini mamlakatimiz iqtisodiyotida qo'llash asosida raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi mamlakat iqtisodiyotida barcha tarmoqlarning rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ayniqsa raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi qulay investitsion muhitning shakllanishiga o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatadi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bu qo'shimcha imkoniyatlarning yaratilayotganligidan darak beradi. Uning rivojlanishi bilan yangi, zamonaviy ish o'rinlari paydo bo'ladi. Insonlarning ortiqcha sarf-xarajat qilishlari hamda ortiqcha vaqtlarini o'g'irlanishining oldini oladi. Yalpi ichki mahsulotda raqamli iqtisodiyotning ulushining ko'payishi, yalpi ichki mahsulotning ham shunga mutanosib tarzda o'sishiga olib keladi. Pirovard natijada esa mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlashga xizmat qiladi.

Shuning uchun ham hozirgi kunda mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish eng muhim dolzarb masala bo'lib hisoblanadi hamda bugungi kunda bu sohada ko'p islohatlar amalga oshirilmoqda. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga qaratilgan choratadbirlarning amaliyotga tadbiiq etilishi natijasida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyot jadal rivojlanib kelmoqda. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi natijasida mamlakatda yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlariga erishilib kelinmoqda. Bundan tashqari bunga proporsional tarzda mamlakat iqtisodiyotida investitsiyalarning hajmi ham oshib bormoqda. Bu esa mamlakatda makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlashga olib keluvchi asosiy omillardan biri hisoblanadi

## **БАНКЛАРИДА САМАРАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ.**

*Бердиев Тоштемир Боймуродович  
АТ “Халк банки” Банк стратегияси ва инновацион  
ривожлантириш департаменти директори ўринбосари*

Мамлакатимиз банк тизимида корпоратив бошқарувнинг паст даражаси банкларимизнинг инвестицион жозибадорлигини пасайтирмоқда. Банкларида корпоратив бошқарув амалиётини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида хорижий ва миллий олимлар, тадқиқотчилар томонидан узлуксиз равишда изланишлар олиб борилмоқда. Корпоратив бошқарув ўзининг муҳимлиги ва ҳозирги замон иқтисодиёти тараққиёти учун зарур бўлган соҳа сифатида доимий изланишларга ва янгиликларга эҳтиёж сезмоқда.

Самарали корпоратив бошқарув тизимини яратиш нафақат банк бошқарув тизимини такомиллаштириш, манфаатдор томонлар (стейкхолдер): сармоядорлар, мижозлар ва акциядорларнинг ишончини оширишга ёрдам беради. Маҳаллий банк тизимининг келажаги банк секторида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигига боғлиқ бўлиб, инвесторларнинг мамлакат банк тизимига бўлган ишонч даражасини оширишга мезон яратади.

Банкларининг муваффақиятли фаолияти турли хил омилларга боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳими малакали бошқарув, шаффофлик бизнесни ривожлантириш ва кенгайтириш учун капитал жалб қилиш имкониятидир. Бу омиллар корпоратив бошқарув тамойилларини қўллаш орқали такомиллашиши мумкин. Шу билан бирга, корпоратив бошқарувни ривожланаётган банклар фаолиятига энг катта ҳиссаси инвестицион капиталга эришишни осонлаштиришдир. Банкнинг корпоратив бошқарув тизими бевосита тижорат банкининг стратегик режалаштириш ва бошқариш тизимига ўз таъсирини ўтказади.

Корпоратив бошқарув - бу банк бошқаруви тизимининг аспектларини ва акциядорлар ва менеджерлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттирадиган мураккаб, кўп қиррали тушунчадир. У мазмуни жиҳатидан корпоратив бошқарув эгалари (инвесторлар), шунингдек бошқа манфаатдор томонлар ва гуруҳлардан номидан банк менежерлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш тизимини ташкил қилишдир.<sup>271</sup>

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банк тизимида корпоратив бошқарув меъёрлари билан белгиланадиган менежмент ва акциядорлар ўртасидаги муносабатлар тизимини шакллантириш корпоратив бошқарув амалиётини жадаллаштириш учун барча имкониятларни ишга солинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ-5992-сон Фармонида

---

<sup>271</sup> OECD (2016), Принципы корпоративного управления G20/ОЭСР, OECD Publishing, Paris.

2020-2025 йилларда мамлакатнинг энг йирик давлат банклариги хусусийлаштириш дастурини қабул қилинди. Банк тизимининг иқтисодийдаги функционал ролини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва банкларнинг халқаро капитал бозорига чиқиш имкониятларини кенгайтиришда самарали корпоратив бошқарувни ўрни белгилаб ўтилди.

Республикада банк сектори учун корпоратив бошқарувнинг асосий муаммолари унинг тамойилларини қўллаш тажрибаси йўқлиги балки институционал ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Фикримизча, мамлакатимиз банк секторининг ўзига хос хусусиятларига кўра, корпоратив бошқарувни жаҳон андозаларига мос равишда такомиллаштириш бўйича ўзига хос қарашлар ва муаммолар мавжуд:

Биринчидан, Тижорат банклари уставининг 83% ортиғи давлатга бевосита ёки билвосита тегишли ва давлат ҳуқуқлари биринчи ўринда ҳимоя қилинишини ҳисобга олган жараёнда корпоратив бошқарув амалиётини жорий этиш самарадорлигини пастлиги;<sup>272</sup>

Иккинчидан, молия бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги, кўплаб банкларимизнинг молиявий заифлиги, корпоратив бошқарув механизмини танлаш ва ривожлантириш масалаларида сусткашлик;

Учинчидан, ҳозирги вақтда банк рентабеллиги ошиши ва банкдаги корпоратив бошқарув даражаси ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни англамасликлари сабабли тижорат банкларимиз корпоратив бошқарув амалиётларини ўзларининг фаолиятига жорий этишга бўлган интилиш пастлиги;

Тўртинчидан, банкларда сифатли корпоратив бошқарувга эришиш учун молиявий ёки ҳуқуқий таълимга эга мутахассислар етишмаслиги, бу эса самарали бошқарувни мураккаблаштириб ва банк бошқарувининг нотўғри қарорларига олиб келишлиги;

Ва ниҳоят, бешинчидан, банк секторида корпоратив бошқарувни ривожлантириш комплекс тарзда амалга оширилмаслиги, яъни ислохотнинг якуний мақсадини ва ҳар бир иштирокчининг ушбу ислохотларни амалга оширишдаги устунлигини ҳамда ушбу ислохотларни амалга ошириш масъулияти белгилаб ўтилмаганлиги.

Шунингдек, мамлакатимизда айни пайтда регуляторнинг тижорат банклари фаолиятига аралашуви жуда юқориликча қолмоқда бу эса якуний ҳулосани ким чиқариши бўйича мунозарали ҳолатларни келириб чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, буларнинг барчаси мамлакатимиз банк секторидаги корпоратив бошқарув бошланғич босқичда эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Банкларда корпоратив бошқарувнинг эришилган даражасини баҳолаш мезонлари ва усуллари

---

<sup>272</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси - 2018 йил 28 декабрь.-Тошкент.: - <http://uza.uz-сайти> маълумотлари.

хақида савол очиклигича турибди, чунки ҳозирги вақтда банкларда корпоратив бошқарув даражасини баҳолашда ягона ёндашув мавжуд эмас.

Фикримизча, банкларда корпоратив бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат:

*1. Бизнеснинг шаффофлиги ошириши.* Таъкидлаш жоизки, компания хақидаги маълумотларни ошкор қилиш сифати, барча манфаатдор томонлар билан мулоқотга тайёрлик даражасини тавсифлайди.

Компаниянинг фаолият шаффофлиги, очиклигини ошириш учун қуйидаги омилларга эътибор бериш керак:

Биринчидан, компаниялар имкон қадар компаниядаги турли жараёнларни такомиллаштириш, умумий талаб этиладиган муаммоларни аниқлаш мақсадида корпоратив лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда халқаро консалтинг компанияларини (Big Four кирувчи) жалб қилиш амалиётини кўпроқ қўллаш, эришилган натижаларни ОАВ рида кенг ёритиб бориш.

Иккинчидан, барча манфаатдор томонлар (стейкхолдер) гуруҳларини билан ўзаро алоқа механизми ташкил этиш, компания фаолияти тўғрисида кенг миқёсда маълумотлар бериш орқали жонли мулоқат сиёсатни юритиш. Бу акционерлар, мижозлар, шериклар ва ходимлар билан ишончли муносабатларини ўрнатишга ва компания фаолиятни шаффофлигига хизмат қилиши мумкин.

Учинчидан кузатув кенгаши, ижро бошқаруви ходимларини рағбатлантириш тизими ва диведент сиёсатида шаффофликни таъминлаш компания фаолиятга инвесторлар томонидан қизиқиш ортишига хизмат қилади.

Тўртинчидан, компанияларимиз web-сайтларида уларнинг акционерлари, фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ ва сифатли акс этишини таъминлаш зарур.

*2. Кузатув кенгаши ролини кучайтириши.* Кузатув кенгаши корпоратив бошқарув тизимида муҳим рол ўйнайди: у стратегик мақсадларни белгилайди ва компания учун муҳим қарорларни қабул қилади. Бироқ, ушбу институтнинг компанияларимиз фаолиятидаги асосий камчиликлар мавжуд бўлиб, бу кенгаш аъзоларининг номиналлигидадир. Қайсидир давлат ташкилоти раҳбари бир неча компания кенгаши аъзоси қилиб белгиланган. У ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотдан ортиб компания фаолияти билан шуғулана олмайди. Жаҳоннинг бошқарув кенгаши фаолиятидаги муваффақият омилларидан бири бу профессионал мутахасисларни жалб қилишдир. Кузатув кенгашлари таркибини камида 30% ини мустақил аъзолардан ташкил топишини таъминлаш зарур.

*3. Капиталнинг юқори концентрациясига барҳам бериши.* Банклар акционерлар таркибида миноритар акционерлар сонини камида 20% дан кам бўлмаслигини, бир ёки ўзоро боғлиқ бир неча акционерлар гуруҳи акциялар улуши 7-10% ортиқ бўлмаслиги тизимини яратиш. Бунинг учун тегишли

қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш керак. Банклар акцияларини авваламбор ички бозорда сотиш амалиётини кучайтириш зарур.

4. *Замонавий газначилик тизимини яратиш.* Газначилик сиёсати фалсафасини ўзгартириш, яъни фақат ресурс жалб қилиш эмас турли иқтисодий инструментлардан фойдаланган ҳолда даромад олиш тизими шакллантириш зарур.

Юқорида айтиб ўтилганларни яқунлашдан олдин, биринчи навбатда тижорат банкларининг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда банкларда самарали корпоратив бошқарув тизимини жорий этишнинг афзалликларини аниқлаш орқали уларнинг манфаатларини кучайтириш зарурлигини таъкидлаш лозим. Энг йирик тижорат банкларимиз менежерлари банкларимиз инвестицион жозибадорлиги даражаси аввалгидек молиявий кўрсаткичлар бўйича эмас, балки корпоратив маданиятни ривожлантириш даражасига, корпоратив бошқарув сифати билан боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси - 2018 йил 28 декабрь.-Тошкент.: - <http://uza.uz>-сайти маълумотлари.

6. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муоммолар ва ечимлар. “Академия” Тошкент, 2007.

7. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. “Академнашр” Тошкент, 2016.

8. Б.Ю.Ходиев, Р.Х.Карлибаева, Н.И.Акрамова Корпоратив Бошқарув. “Чўлпон” Тошкент, 2011.

5. OECD (2016), Принципы корпоративного управления G20/OЭСР, OECD Publishing, Paris.

6. Рекомендации Базельского комитета по банковскому надзору "Совершенствование корпоративного управления в кредитных организациях". Базель, сентябрь 1999 г.

7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz);

#### **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA ELEKTRON POLIKLINIKA JORIY ETILISHIDA HORIJ TAJRIBASI QO‘LLASH VA AXBOROT XAVFSIZLIGI MASALASI**

*Shuhratov Ma'murjon Shuhrat o`g`li  
O`zbekiston Milliy Universitet magistranti  
M.S. Kosbergenova*

*O`zbekiston Milliy Universitet o`qituvchisi dotsent*

**Annotatsiya:** sog'liqni saqlash sohasidagi ochiq ma'lumotlar va ochiq manbalar harakati ko'plab umumiy falsafa va yondashuvlarni, shu jumladan

ko'plab tashkilotlar va tajriba sohalorida xalqaro hamkorlikni rivojlantirishni o'z ichiga oladi. Ikkala harakat ham intellektual mulk bo'yicha ochiq litsenziya shartnomalari va amaliyot kodekslarini qabul qilish orqali ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va butun dunyo bo'ylab odamlarga sog'liqni saqlashni yaxshilash xarajatlarini kamaytirishga qaratilgan. Sog'liqni saqlash sohasida ochiq ma'lumotlarning qabul qilinishining ko'payishi oqibatida ma'lumotlar manbalarini ochishda xavfsizlik va maxfiylik muammolarini tadqiqotlar va tibbiy xizmatni yaxshilash uchun ochiq ma'lumotlarning potentsial foydalari bilan muvozanatlash zaruriyati kiradi.

**Kalit soʻzlar:** Ochiq ma'lumotlar, ma'lumotlar xavfsizligi, server, elektron poliklinika, tahdidlar, havf, tibbiy karta.

O'zbekiston Respublikasida elektron poliklinikani joriy etishda aholini tibbiy muassalarga bo'lgan ehtiyojni o'rganish hamda shifokor qabuli online murojatlar tibbiy sug'urtalar, keng ko'lamli miqiyosidan olib o'rganish hamda shifokorlar va bemorlarni malumot almashinuvida shaffofligini ta'minlash. Bu tizimni yaratishdan asosiy maqsad aholiga vaqtini tejash maqsadidida tibbiy muassaslarni xizmatlari hamda bemorlarni qayd nomalarini yuritish, kasallik tarixi qaysi kasalliklarga allergiyasi borligi hamda qanday kasalliklarga moyilligi borligi haqida ma'lumot beradi. Hozirgi kunda elektron poliklinika va tibbiyot xizmatlaridan dunyodagi barcha rivojlangan mamalakatlar online foydalanib kelmoqda. Davlatimizni rivojlanishida yana bir soha o'z ifodasini topadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 iyundagi PQ-3071-sonli "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi aholisiga ixtisoslashgan tibbiy yordam ko'rsatishni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi farmoniga muvofiq, Elektron Poliklinika tizimi ishga tushirildi. "Elektron poliklinika" Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi tomonidan ishlab chiqilgan va amalga oshirilgan eng muhim loyihalardan biri hisoblanadi. Ushbu tizim yordamida aholi uydan chiqmasdan o'zlariga qulay vaqtda shifokorga yozilishlari, muassasa va o'z hududidagi shifokorlar haqida ma'lumot olishlari, shuningdek olingan tibbiy xizmat sifatini baholashlari mumkin. O'z navbatida, ushbu tizimning poliklinikalar uchun afzalliklari ma'lumotlarni avtomatlashtirilgan ro'yxatdan o'tkazish, oilaviy poliklinikalarda yagona elektron ambulatoriya tibbiy kartasini yuritish qobiliyatidir.


Ushbu tizim shuningdek quyidagi xususiyatlarga ega:

- tibbiyot muassasalarining joylashgan joyi va ularning ishlash tartibi to'g'risida ma'lumotni shakllantirish;
- "Shifokorga tayinlash" elektron xizmatini amalga oshirish;
- Shifokorlarning ish jadvalini shakllantirish.

Shaxsiy elektron sog'liqni saqlash ma'lumotlarini himoya qilish asosan shaxsiy hayotni himoya qilishga qaratilgan sog'liqni saqlash xizmatlarini ko'rsatadigan shaxsning maxfiyligi elektron sog'liqni saqlash orqali amalga oshirildi. Xavfsizlik texnologiyalaridagi yutuqlar hozircha bartaraf etilmagan



elektron sog'liqni saqlash ma'lumotlarini xavfsizligini ta'minlash zarurati tug'diradi. Maxfiylik darajasi va maxfiylik buzilishi tinimsiz o'sishda davom etmoqda. Ushbu buzilishlar axborot xavfsizligini ta'minlash vazifalarini birlashtirgan barcha domenlarga qiyinchilik tug'diradi va elektron sog'liqni saqlash ma'lumotlarini boshqarishda ishonchni kuchaytirish. Faqat yaxlit yondashuvo'zini qonun sohalari, organisa-yaqinlashish nuqtasida joylashtiradi. Siyosat, professional etika va IT xavfsizligi yumshatish va'dasini berishi mumkin, agar yo'q qilinmasa, elektron sog'liqni saqlash ma'lumotlarini ta'minlashdagi asosiy muammolar. Axborotni raqamlashtirishga qaratilgan sa'y-harakatlar jamiyatning deyarli barcha qatlamlarida tarqalib borayotgan bir paytda, sog'liqni saqlash xodimlari bemorlarning shaxsiy hayotini himoya qilish muammosiga duch kelishmoqda. Bu esa yangi muammo emas, elektron pochta orqali bemorlarning shaxsiy hayotini himoya qilish qiyinroq. Himoyalangan ma'lumotlarning sezgir va murakkabligi tufayli sog'liqni saqlash va himoya qilish kerak bo'lgan tobora takomillashib borayotgan muhitdir. Elektron sog'liqni saqlash bo'yicha axborot menejmenti faol ravishda xavfsizlikni ta'minlaydigan domen hisoblanadi. Shaxsiy sog'liqni saqlash to'g'risidagi ma'lumotlarning maxfiylikni ta'minlash va himoya qilish muhim ahamiyatga ega. Kabi ma'lumotlarni himoya qilish uchun bir necha usullar ishlab chiqilgan shifrlash, raqamli imzo va anonimlashtirish. Ushbu texnikani qo'llash orqali sog'liqni saqlash provayderlar raqobatbardosh, ishonchli va elektron sog'liqni saqlashdan foydalanishni ko'paytiradi axborot tizimlari. Elektron sog'liqni saqlashni qo'llab-quvvatlaydigan sog'liqni saqlash xizmatlari tashkilotlari axborot tizimlariga ma'muriyatni boshqarish uchun mas'uliyat va vazifa yuklatilgan. Ushbu tizimlarda saqlanadigan sog'liq to'g'risidagi ma'lumotlar. Shunday qilib, elektron sog'liqni saqlash ma'lumotlarini ta'minlash - tobora ko'payib borayotgan va davom etadigan tashvish. Elektron sog'liqni saqlash ma'lumotlarini ta'minlashdagi asosiy muammolar ko'rib chiqiladi va elektron sog'liqni saqlash bo'yicha ma'lumotlarning mohiyati va nazariyasi. Ushbu qiyinchiliklar va elektron sog'liqni saqlashning nazariy jihatlari 1-rasmda umumlashtirilgan. Buning usullari elektron sog'liqni saqlashni ta'minlashga qaratilgan sa'y-harakatlarning texnologik asoslari shubha ostiga olinadi shakllanishi tekshiriladi. Biz ko'rib chiqadigan narsalar muhandislikdagi usullar ko'rib chiqilgan elektron sog'liqni saqlash axborot tizimlari, faqatgina holis-qonun sohalarining yaqinlashish nuqtasida o'zini tutadigan tik yondashuvi, tashkiliy siyosat, kasbiy etika va IT xavfsizligi va'da berishi mumkin elektron sog'liqni saqlash ma'lumotlarini ta'minlashdagi asosiy muammolarni bartaraf etmasa, ularni yumshatishda turli hil muammolarga duch keladi.



**1-rasm. Elektron sog'liqni saqlashda ochiq ma'lumotlarini xavfsizligini ta'minlashning asosiy muammolar**

Bugungi kunga qadar "Elektron poliklinika" axborot tizimidagi bog'langan muassasalarning umumiy soni 423. Shulardan: 167 ta oilaviy poliklinika, 168 ta ko'p tarmoqli poliklinika, 19 ta viloyat (bolalar) ko'p tarmoqli tibbiyot markazlari, 69 ta viloyat PDMLari va markazlarining filiallari. Bemorlarning yig'ilgan ma'lumotlari soni 8,412,211 ga yetdi. "Elektron poliklinika" axborot tizimi tibbiyot xodimlariga ma'lumotlarning samaradorligi va shaffofligini oshirishga imkon beradi. 2021 yil 15-fevral holatiga ko'ra tizim foydalanuvchilari soni 10 000 kishidan oshdi. Yuqoridagi ko'rsatkichlar soni ko'paymoqda.

### **Asosiy muammolar**

Bugungi kundagi O'zbekiston Respublikasidagi barcha tibbiy muamssalardagi barcha muammolar va tahdidlar xatarlarni ko'rib chiqamiz. Biroq, bugungi kunda tizimni takomillashtirish bir qator muammolarga duch kelmoqda. Xususan, ayrim tibbiyot muassasalarida to'liq kompyuter uskunalari mavjud emas, yuqori sifatli Internetga ulanish, shifokorlar tizimdan foydalanish ko'nikmalariga ega emas va hk. Hozirgi kund elektron poliklinikada dunyoda hamda O'zbekistondagi tibbiyot muassasalarida ucharsi bo'lgan tahdidlarni ko'rib chiqamiz. Avvalo bunga ichiki tahdidlar va tshqi tahdidlarga bo'linadi:

#### **Ichki tahdidlarga:**

Hodimlar tomonidan qilinadigan hujumlar ochiq ma'lumotlarni ruhsatsiz kirib o'g'irlash; Ruhsatsiz kirish; Serverdan bemorlarni ma'lumotlarni o'g'irlash; Ma'lumotlarni o'zgartirish o'zlashtirish; Turli hil fleshka yoki chipalrdan foydalanish; Mobil qurilmalardan foydalanib tarmoqdagi ma'lumotlarni olish; Doctorlarni o'zi ham ma'lumotlarni o'g'irlash.

#### **Tashqi tahdidlar:**

Web saytga hujum qilish; Serverni buzib kirish; Bemorlarni shaxsiy ma'lumotlarini o'g'irlash; Fishing hujumlari; Doctorlarni ma'lumotlarini o'g'irlash; Ma'lumotlar bazasiga hujum qilish; Bemorlarni ochiq ma'lumotlarini o'g'irlash; Hamda tarmoqqa cheklov qo'yish

Ushbu kamchilik va muammolarni bartaraf etish uchun zarur choralar rejalashtirilgan. Shuningdek, yaqin kelajakda tizim mobil ilova sifatida taqdim etiladi.

### **Ximoya usullari**

Axborot xavfsizligida shaxshiy ma'lumotlarni o'g'rilashini oldini olish maqsadida tibbiy muassasini atrofiga kuzatuv kameralar qo'yish, kirish eshigida turnikedlarni tashkillashtirish, biometrik qo'l bilan kirish, qo'riqlash xizmati server xonalariga kuzatuv moslamari bo'lishi, Elektr tarmoqlarini kuzatuv moslamalari bilan ta'minlash, kelayotgan bemorlarni kirdi chiqtisini aniqlovchi dasturlarni qo'yish. Kamerada yuzni tanib oluvchi sunniy intellektda yaratilgan platformalarni qo'llash samarali usullardan biri hisoblanadi. Elektron Poliklinikada har bir hodimni lavozimiga qarab shaxsiy kompyuterlariga taqiq qo'yish. Har bir hodimni ish rejasini kunlik ish jarayonini nazorat qilish va monitotingini dasturga kiritish. Ruhsatsiz kirishni oldini olish firewall dasturidagi himoya vositalari, shaxsiy kompyuterlarga turli hil saytlarga kirmaslik uchun cheklov qo'yish, jumladan barcha shaxsiy kompyuterlarga antivirus dasturlarini o'rnatish.

### **Xulosa**

Yuqorida takidlangan ximoyalsh usullarini qo'llagan holdan, elektron poliklinikada xavfsiz hamda tahdidlarni oldini olish mumkin. Yildan yilga zamon taraqqiyot etgani sari yangi texnika va texnologiyalar paydo bo'ladi. Ularga yangi dasturiy ta'minotlar hamda dasturlar chiqqani sari yangi hujumlar yangicha ruhsatsiz kirish usullari paydo bo'ladi. Jumdaladan O'zbekiston Respublikasida Elektron poliklinikani joriy etilishi aholiga bir qator qulayliklar olib keladi. Online kassalik varag'i, vaqtni tejalishi online doctor konsultatsiyasi, kassalik tarixi, barcha turdagi doctorlardan masofaviy konsultatsiya olish muki, doctorni qabuliga online yozilish va navbat olish, doctor haqida umumiy ma'lumot olish. Online tibbiy kartalarni yo'lga qo'yilishi. Respublika bo'yicha barcha tibbiy muassalar raqamlashtirilish rejalashtirilmoqda, eng muhimi ochiq ma'lumotga bo'layotgan ehtiyolarni oshishi hamda ularni himoyalash usullari keltirilgan. Ochiq ma'lumotlarni bugungi kunga kelib bepul foydalanish muki, ammo pullik malumotlar ham mavjud. Elektron Poliklinikada ochiq ma'lumotlarni qo'llash va ularni ishinchli saqalash juda muhim.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:**

1. <https://ssv.uz/>- O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi.
2. [www.reg.ssv.uz/](http://www.reg.ssv.uz/)- Elektron poliklinika test rejimida.
3. <http://ziyonet.uz/>-Ziyonet ta'lim portali.
4. Lex.uz- O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma'lumotlar milliy bazasi.
5. <https://my.gov.uz> Yagona interaktiv davlat xizmatlar portali.
6. Data.gov.uz - O'zbekiston Respublikasi Ochiq ma'lumotlar portali.
7. Stat.uz- O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi.

## ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

*Кочкаров Абдуворис*  
*студент Ташкентского финансового института*  
*Научный руководитель: Аминова Нилуфар старший*  
*преподаватель кафедры «Оценочное дело и инвестиции» ТФИ*

Цифровая экономика представляет собой экономическая деятельность, основанная на электронных работ, ориентированных на реализацию электронных товаров и услуг с помощью электронных денег между участниками электронных сделок. Для сильной конкуренции организации внедряют информационные системы управления в своих деятельности, а также развивают продажи товаров и услуг через электронные каналы. Уже все предприниматели поняли, что использование информационных технологий и систем при правильном применении позволяет им управлять бизнесом эффективно.

В республике реализуется комплексные меры по внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во все отрасли. Для дальнейшего развития отечественного рынка программных продуктов и информационных технологий начата реализация свыше 220 приоритетных проектов, предусматривающих совершенствование системы электронного правительства, а также организация во всех регионах республики IT-парков. В рамках цифровой трансформации регионов и отраслей в 2020 — 2022 годах предусматривается:

— внедрение свыше 400 информационных систем, электронных услуг и иных программных продуктов в различных сферах социально-экономического развития регионов;

— внедрение свыше 280 информационных систем и программных продуктов по автоматизации процессов управления, производства и логистики на предприятиях реального сектора экономики;

— организация обучения 587 тысяч человек основам компьютерного программирования, в том числе путем привлечения 500 тысяч молодых людей в рамках проекта «Один миллион программистов»;

— закрепление в регионах соответствующих высших учебных заведений для повышения цифровой грамотности и навыков хокимов, сотрудников государственных органов и организаций, обучения их информационным технологиям и информационной безопасности.<sup>273</sup>

Развитие менеджмента в условиях перехода к цифровой экономике связан с некоторыми проблемами:

---

<sup>273</sup> Указ президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации. г. Ташкент, 5 октября 2020 г., № УП-6079.

— несовершенство технологий в управлении не позволяет менеджерам управлять ресурсами эффективно и принять необходимое стратегическое или оперативное решение своевременно, а также контролировать сегменты и секторы деятельности предприятия;

— низкий уровень цифровой грамотности менеджеров. Цифровые технологии и технологическое новшество требуют специалистов, аналитиков и менеджеров, которые хорошо разбираются в новых технологиях. Недостача таких специалистов, как менеджеры, маркетологи и аналитики не дает возможность планировать, составлять бюджет доходов и расходов и приготовить долгосрочные корпоративные планы своевременно.

В связи с этим, для развития менеджмента в условиях перехода к цифровой экономике в Узбекистане предлагаем:

— для повышения цифровой грамотности менеджеров, аналитиков и директоров организовать обучение их информационным технологиям и информационной безопасности в высших учебных заведениях;

— в многих развитых странах используются современные информационные системы в управлении как система обработки транзакций (TPS), информационная система управления (MIS), информационная система руководителя (EIS) и система управления ресурсами (ERP). Эти информационные системы позволяют менеджерам принимать своевременные и эффективные решения по планированию, управлению и контролю деятельности, а также обеспечивают общую вычислительную и коммуникационную среду для руководителей высшего звена для поддержки стратегических решений. Кроме того, эти информационные системы представляют собой модульные программные пакеты, предназначенные для интеграции ключевых процессов в организации,

— а также большие данные (Big Data) включают в себя анализ больших объемов данных для выявления тенденций, понимания потребностей клиентов и помощи организациям в более эффективном сосредоточении ресурсов и принятии более эффективных решений. Понимание клиента ключевое преимущество аналитики больших данных (Big Data). Бизнес может реагировать на потребности клиента и адаптировать клиентский опыт к более личному и, следовательно, повышать лояльность клиентов.

— система управления взаимоотношениями с клиентами (CRM systems) это программные приложения специализируются на предоставлении информации о продуктах, услугах и клиентах организации. Эти системы предоставлять клиентам индивидуальные услуги, а также быстро отвечать на их запросы. Лучшее понимание клиента и способность работать с ним как с личностью должны способствовать формированию лояльности клиентов.

Внедрение в деятельность бизнеса информационные системы и технологи дает возможность для роста производительности труда, снижения издержек, а также создания конкурентоспособной продукции во многих сферах экономики.

## ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОИЗВОДСТВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

*Бабаева Г.Я. старший преподаватель, ТФИ*  
*Кочкаров А.Б. студент ТФИ*

Государства, которые обеспечивают благоприятную инфраструктуру и всю полноту возможностей для развития, освоения и широкого использования цифровых технологий, будут развиваться высоким темпе.

В республике Узбекистан принимаются широкомасштабные меры по развитию цифрового сектора экономики и внедряются системы электронного документооборота. При этом, в рамках цифровой трансформации регионов и отраслей в 2020 — 2022 годах предусматривается внедрение свыше 400 информационных систем, электронных услуг и иных программных продуктов в различных сферах социально-экономического развития регионов, а также внедрение свыше 280 информационных систем и программных продуктов по автоматизации процессов управления, производства и логистики на предприятиях реального сектора экономики.<sup>274</sup>

Кроме этого, принимаются меры по повышению качества жизни граждан путем повышения качества товаров и услуг, произведённых с использованием современных цифровой технологий, повышения цифровой грамотности, а также улучшения качества государственных услуг для граждан.

Организация производства в условиях цифровой экономики включает в себя комплекс приёмов и методов, позволяющих обеспечить эффективное сочетание обладающих компетенцией высококвалифицированных работников в процессе труда с инновационными средствами.

Переход к цифровой экономике требует необходимость модернизации отечественных производственных систем, процессов и методов. В области цифрового производства развиваются такие направления современных технологий как «аддитивные технологии производства», «аналитика больших данных», «промышленный интернет вещей» и другие. Масштабное внедрение современных технологий позволяет сохранить лидерство на рынке, а также перейти на новый уровень развития.

Организация производства в условиях перехода к цифровой экономике связан с некоторыми проблемами:

— цифровое производство требует подготовки вузами компетентных кадров и специалистов финансовых, маркетинговых, производство-диспетчерских, логистических служб промышленных предприятий, обладающих навыками современных программных продуктов

---

<sup>274</sup> Указ президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации. г. Ташкент, 5 октября 2020 г., № УП-6079.

управления предприятиями. Необходимо целенаправленное взаимодействие между предприятиями и вузами по обеспечению компетентными кадрами.

— информационная инфраструктура отечественных промышленных предприятий на низком уровне. Информационная инфраструктура включает в себя системы, сети технические и программные средства, а также автоматизированные процессы позволяющие информационное обеспечение предприятия. Грамотно организация информационной инфраструктуры в деятельности промышленных предприятий позволяет повышать производительность, минимизировать риски, связанные с интеграцией ИТ-инфраструктуры, а также минимизировать затраты.

В связи с этим, для развития производства в условиях перехода к цифровой экономике предлагаем:

— внедрять современные информационные системы на производство предприятия. Во многих компаниях используются информационные системы как MES (Manufacturing Execution System) и ERP (Enterprise resource planning). MES (Manufacturing Execution System) это автоматизированная система управления производства включает в себя специализированное прикладное программное обеспечение, решающие задачи синхронизации, координации, анализа и оптимизации выпуск продукции в рамках производства. Система управления производством MES (Manufacturing Execution System) позволяет комплексно планировать производство, контролировать параметры качества выпускаемой продукции, собирать необходимые информации о производственном процессе, а также оперативно реагировать на изменение спецификации продуктов. ERP (Enterprise resource planning) это система интеграции производства и операций, управления трудовыми ресурсами и активами, ориентированная на балансировку и оптимизацию ресурсов предприятия с помощью прикладного программного обеспечения. ERP (Enterprise resource planning) дает возможность контроль над всеми важными процессами организации, а также для организации и планирования производства. Кроме этого, поддерживает те виды деятельности в организации, которые поддерживают процесс продажи, включая обработку заказов, производство, распределение, планирование, обслуживание клиентов, финансы и закупки.

— использовать технологии «аналитика больших данных» (Big Data) в деятельности промышленных предприятий позволяет анализ больших объемов данных для выявления тенденций, понимания потребностей клиентов и помощи организациям в более эффективном сосредоточении ресурсов и принятии более эффективных решений. Большие данные (Big Data) ключевой источник инноваций, помогающий создавать новые продукты и услуги. Большие данные (Big Data) можно использовать также для анализа возможностей увеличения доходов и снижения затрат. Компании могут быстрее реагировать на изменения окружающей среды.

Использование в деятельности предприятия информационных систем и технологий позволяет повышать рост производительности труда, снижать

издержки, создать конкурентоспособную продукцию и сохранить лидерство предприятия на рынке.

## **БАНКЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ КАПИТАЛИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Мирзаев Мирза  
“Ҳалқаро молия-кредит” кафедраси  
катта ўқитувчиси, ТМИ.*

Бугинги кунда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат, таркибий ўзгаришлар, шу жумладан, банк тизимида олиб борилаётган босқичма-босқич ва аниқ мақсадли ислохотлар мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарор ривожланиши учун муҳим замин яратмоқда.

Ҳозирда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан тижорат банкларига нисбатан қўйиладиган меъерий талабларни янада такомиллаштиришдан иборат. Жумладан, капиталнинг етарлилик ва ликвидлик кўрсаткичи бўйича янги талабларни назарда тутган янги стандартлар ва тавсияларни (Базель III стандартлари) 2015-2020 йилларда банк тизимида босқичма-босқич жорий этиш мазкур ислохотларни давом эттирган ҳолда, банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш, шунингдек, умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқори даражага чиқишини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан 2015 йилнинг 6 майида ПҚ-2344-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тасдиқланди.

Шу ўринда банк тизими ривожланиши ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда иқтисодий капитал баҳоланишининг замонавий методологиясини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда. Методология мақсадни аниқлаш, мақсадга эришиш йўллари, воситалари, услублари, усуллари, тамойилларини тўплаш қоидалари мажмуидан иборат. Методология иқтисодий капитал баҳоланишига мувофиқ равишда баҳолаш тушунчаси таърифланиши, мақсад ва вазифалари, баҳолаш усуллари ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланишини, иқтисодий капитални таваккалчиликлар билан бирлаштириш усулларини, шунингдек, уни баҳолаш моделларини ишлаб чиқишни ўзичига олади.

Банкнинг «иқтисодий капитал» тушунчаси. «Иқтисодий капитал» тушунчасини ўрганиш уни баҳолаш методологик асосини шакллантиришнинг зарур элементларидан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, иқтисодий капитални баҳолаш методологиясини тузишда қуйидаги энг асосий қоидаларга амал қилиш зарур:



• иқтисодий капитал таваккалчиликка йўналтирилган назорат шароитларида ташкил қилинади ва белгиланади. Банк томонидан қабул қилинган таваккалчиликларни ва уларни бошқариш сифатини эътиборга оладиган иқтисодий капиталнинг етарлилик соҳасидаги назоратнинг таваккалчиликка йўналтирилганлик хусусияти иқтисодий капитал концепциясини ривожлантиришга ёрдам беради;

• иқтисодий капитал банк таваккалчиликлари бошқарувининг интеграцияланган тизимида белгиланади.

Базель II иқтисодий капиталга қўйиладиган талабларни банк тизимида юзага келадиган таваккалчилик кўрсаткичлари, унинг сон ва сифат мезонларидан фойдаланилган ўлчови сифатида кўриб чиқади.

Шу ўринда таваккалчиликка йўналтирилган назорат, банк таваккалчиликлари бошқарувининг интеграцияланган тизимлари, иқтисодий капитал концепциясининг ўзаро боғлиқ равишда изчил ривожланиши миллий банк тизимининг интенсиф моделини шакллантиришга кўмаклашишини қайд этиш зарур.

## ХУДУДИЙ ТОВАР-МОДДИЙ РЕСУРЛАР ҲАРАКАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХУДУДИЙ МАРКЕТИНГНИНГ АҲАМИЯТИ

*А.А. Фаттахов - Тошкент Давлат иқтисодиёт  
университети профессори, и.ф.д.*

*Ш.Х. Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва  
сервис институти таянч докторанти*

**Аннотация:** Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда товар-моддий ресурслар ҳаракатини таъминлаш, мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш жараёнида худудий маркетингнинг аҳамияти, мақсадли ва устивор йўналишлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** худуд, худудий ривожланиш, худудий маркетинг, товар-моддий ресурслар, хом ашёлар.

**Аннотация:** В этой статье выделены важность, целенаправленные и приоритеты регионального маркетинга в социально-экономическом развитии регионов в области цифровой экономики.

**Ключевые слова:** регион, территориальное развитие, региональный маркетинг, товарно-материальных ресурсов,

**Annotation:** This article highlights the importance, goals and priorities of regional marketing in the process of ensuring the movement of goods and material resources in the socio-economic development of regions in the digital economy, the widespread use of available opportunities.

**Keywords:** region, regional development, regional marketing, brand material resources, raw materials.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, хом ашёни қайта ишловчи корхоналарни

ташкил этиш ва товар-моддий ресурсларни айнан ўша ҳудудда ишлаб чиқариш, аҳолининг мавжуд эҳтиёжларини максимал даражада кондириш ва ишсизлик даражасини айнан шу масала орқали камайтиришга ҳисса қўшиш ҳудудий товар-моддий ресурслар ҳаракатини ташкил этишда бозор механизмларини ишлаб чиқиш шартлигини келтириб чиқаради.

Шу мақсадда 2020-йил 1-майда ПҚ-4702-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”<sup>275</sup> ги қарори қабул қилинди. Шунга мувофиқ, биринчи марта туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар асосида улардаги ушбу ривожлар ҳолати “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” ҳудудларга ажратилган. Хусусан, 48 та туман ва шаҳарлардаги ҳолат “яхши”, 119 тасида “ўрта” ва 33 тасидаги ҳолат “қониқарсиз” деб топилган<sup>276</sup>. Баъзи таҳлилий хулосаларда республикадаги ҳудудларидаги мавжуд муаммолар бўйича “яшил”, “сарик” ва “қизил” ҳудудларга тоифаланмоқда ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатида “... **Учинчидан**, товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур. ...**Тўртинчидан**, иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат зоналарини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Горвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд” деб эътироф этган ҳолда, республикадаги ҳудудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бу — уларнинг ўртасида транспорт алоқасини таъминлаш эканлигини, барча аҳоли пунктларидан пойтахтимизга, энг йирик шаҳарлар ва туристик марказларга тезда келиб-кейтиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғини яратишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Юқоридаги таъкидни инобатга олган ҳолда, ҳудудларда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ҳудудий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни юқори савияда ташкил этиш учун аввалом бор ҳудудий жозибадорликни ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу дегани ўз-ўзидан

---

<sup>275</sup> [www.lex.uz/docs/4803531](http://www.lex.uz/docs/4803531)

<sup>276</sup> 2020 йил 24 сентябрдаги Президент Ш.М.Мирзиёев раислигида ўтказилган ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор баённомаси

маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилишнинг муҳим омилidir. Шу мақсадда ҳудудий ишлаб чиқаришда таъминлашда ҳудудда мавжуд бўлган имкониятлардан самарали фойдаланиш, жумладан ҳудудий товар-моддий ресурслар ва уларнинг ҳаракатини ташкил этишда маркетинг-логистик воситаларидан фойдаланиш, ҳудудий маркетингни ривожлантириш заруратини туғдиради.

Ҳўш, бу масалада қандай қилиб ҳудудий маркетинг зарурлигини англашимиз мумкин?

Ҳудудий маркетингга бўлган эҳтиёжни англаш турли сабабларга кўра, ҳар-хил йўллар билан амалга оширилади. Масалан, ҳудудларга ўз таъсирини ўтказиш иштиёқини билдирган инвесторлар, сайёҳлар ва шу масаладаги дипломатик алоқалар учун айнан ҳудудларнинг жозибадорлиги катта аҳамиятга эгадир.

Маркетинг учун ҳудуднинг маваффақиятли бўлишини таъминлаш, айнан ўша ҳудуддаги бозор муносабатларининг ривожланганлик даражасидир. Ҳудудда яшаш, ишлаш ва ривож топиш учун истеъмолчига ҳар томонлама қулай бўлиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда туридан қабий назар саноатни ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш лозим. Ҳудудлардаги табиат инъом этган ва бир текис тақсимотга эга бўлмаган хомашё ва товар-моддий ресурсларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш, маълум касб эгаларини, маълум маҳорат даражаларини ҳудудга жалб этишни тақазо этади. Бунинг оқибатида ҳудудий бозор муносабатларининг амалга ошиши, ҳудудларда яратилган моддий қийматликларнинг жозибадорлигини оширишга сабабчи бўлади.

Ҳудудий бозор амал қилган жойда ўз-ўзидан ҳудудий маркетинг воситалари амал қилади.

Демак, ҳудудий маркетинг – бу ички ва ташқи бозор субъектларининг ҳагги-ҳаракатларини, ўша ҳудудда мавжуд табиий, моддий, техник, молиявий, меҳнат, ижтимоий ресурсларни ва товар муносабатларини шакллантиришга қаратилган фаолиятдир.

Ҳудудий маркетингнинг асосий мақсадли йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳудуднинг обрўсини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- ташқи инвесторларга нисбатан жозибадорликни ошириш;
- моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш;
- ҳудудий ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали ижтимоий инфратузилманинг яхшилаш;
- бошқа қўшни ва олис ҳудудларнинг ҳам эҳтиёжларини мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товар ёки хизматларни сотиш имкониятларини кўпайтириш ва бошқалар.

Ҳудудий маркетингни амалга оширишнинг устивор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳудудда фаолият юритадиган, маҳсулотлар ва хизматлари экспорт даражада бўлган рақобатбардош тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

2. Саноат тармоқларини модернизациялаш мақсадида юқори технологиялардан самарали фойдаланишни кенг тарғиб қилиш;

3. Ялпи ҳудудий маҳсулот улушида, ҳудуддаги мавжуд аҳоли сонига нисбатан ва уларнинг келгусидаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда конкретлаштириш;

4. Яқин ва олис ҳудудлар билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантириш орқали маҳсулот сотиш бозорини кенгайтириш ва бунда маҳаллий тадбиркорлар ролини ошириш;

5. Маҳаллий тадбиркорларни кўшни ҳудудларда бўлиб ўтадиган кўрғазма ва тақдимотларда қатнашишга жалб этиш;

6. Ривожланган ҳудудлардан юқори самара берувчи технологияларнинг ишлаб чиқарувчиларини жалб қилиш;

7. Интеллектуал фаолият соҳасида бошқа ҳудудлар билан ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;

8. Нафақат яқинларда, балки олислардаги ҳудудлар билан алоқаларни яхшилашда транспорт-логистик тизимни яратиш, тизимга замонавий транспорт воситаларини кенг жорий этиш;

9. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этиб ўтилган устивор йўналишлар ва уларнинг амалиётда бажарилишини таъминлаш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, мавжуд имкониятлардан фойдаланилган ҳолда ҳудудий товар-моддий ресурсларни қайта ишловчи хусусий секторларни кўпайтириш ва уларни қўллаб-қувватлашда ҳудудда маркетинг воситаларини кенг жорий қилиш эвазига ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш, унинг натижасида ташқи инвесторларни кенг жалб қилиш ва мавжуд бирламчи хом ашёлар ва моддий ресурсларнинг ишлаб чиқариш объектларигача бўлган ҳаракатини амалга ошириш имкониятини беради. Бу эса муаммоли деб қайд этилган иқтисодий ҳудудларнинг ривожланишини кафолатлайди деган умиддамиз.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ**


*Муқимов Шерали Ахмадали ўғли  
мустақил изланувчи*

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тақдим этган маълумотларга кўра<sup>277</sup>, 2010-2020 йилларда номинал ЯИМ ҳажми 7,8 баравар, асосий капиталга инвестициялар ҳажми эса 12,3 баравар ортган. Шунингдек, ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш ҳажми мос равишда 9,5 ва 20,0 баравар кўпроқ кўрсаткични қайд этган. Манбасига кўра инвестицияларнинг турлари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдики, ташқи

---


<sup>277</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари илова қилинади.

инвестицияларга нисбатан ички инвестициялар ўсиши ЯИМ ўсиши билан ўхшашроқ тенденция эга бўлмокда (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда ЯИМ ва инвестицияларнинг ўсиш кўрсаткичлари (ўтган йилга нисбатан %да)<sup>278</sup>**

Мазкур боғлиқликни янада аниқлаштириш мақсадида корреляцион таҳлиллар олиб борилди (2-расм). Унга кўра, ички инвестициялар (ИИ) ва ЯИМ ўртасидаги боғланишни тўғри чизиqli тенглама ёрдамида ифодалаш мумкинлиги аниқланди. Хорижий инвестиция ва кредитлар (ХИК) ҳамда ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик тенграмасида эса стандарт хатоликлар кўпроқ бўлишини кўришимиз мумкин.



**2-расм. ЯИМнинг ИИ ва ХИК билан боғлиқлиги**

Манба: муаллиф ишланмаси.

Бунда олинган ўзгарувчилар: ЯИМ, ИИ ва ХИК ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди:

<sup>278</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

## ЯИМ, ИИ ва ХИК ўртасидаги корреляция коэффициентлари

	ЯИМ	ИИ	ХИК
ЯИМ	1,000		
ИИ	0,9912	1,000	
ХИК	0,9298	0,9234	1,000

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, ЯИМ ва ИИ ўртасидаги корреляция коэффициентлари 0,99 ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ЯИМ ва ХИК ўртасида 0,93 ни қайд этди. Бу эса олинган ўзгарувчилар ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини англатади. Шунингдек, ИИ ва ХИК ўртасида ҳам кучли корреляция (0,92) мавжудлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот давомида ички ва ташқи инвестицияларнинг Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотига таъсирини аниқлаш мақсадида регрессион таҳлил ҳам ўтказилди. Таҳлил учун энг кичик квадрат усули (OLS) дан фойдаланилди қуйидаги тенглама ҳосил қилиди:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 \text{ИИ} + \beta_2 \text{ХИК} + \mu \quad (1)$$

Бу ерда

$Y$  – ялпи ички маҳсулот;

$\beta_0, \beta_1, \beta_2$  – коэффициентлар;

ИИ – ички инвестициялар;

ХИК – хорижий инвестиция ва кредитлар;

$\mu$  – тасодифий қолдиқ.

Тенгламанинг статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эканлиги Фишер ва Стьюdent тестлари орқали тасдиқланди. Шунингдек, детерминация коэффициентлари 0,98 га тенг бўлиб, бу ҳам тенгламанинг ишончлилиги даражаси юқори эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, тенгламанинг ишончилиги Гаусс-Марков шартлари талабларини бажариш нуқтаи назаридан текширилиб, ижобий хулосага келинди.

Шундай қилиб, умумий регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$Y = 45,0 + 4,0 \cdot \text{ИИ} + 0,5 \cdot \text{ХИК} + \mu \quad (2)$$

Демак, бошқа омиллар ўзгармаган шароитда, ИИнинг 1 сўмга ошиши ЯИМни 4 сўмга оширади. ХИКнинг 1 бирликка ошиши эса ЯИМнинг 0,5 сўмга кўпайишига олиб келади. Шунингдек, мазкур тенгламадаги ўзгармас коэффициент 45,0 – бу иқтисодий умулан инвестиция киритилмаган шароитда ЯИМ 45 триллион сўмни ташкил этишини кўрсатади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда ички инвестициялар иқтисодий ўсишнинг бош омили бўлиб, давлат ўз инвестицион сиёсатини айнан миллий инвесторларни қўллаб-қувватлашга қаратиш орқали иқтисодий ўсишни суръатларини янада ошириши мумкин.

Бизнингча, ички инвестициялар даражаси мамлакатда қарор топган инвестицион муҳитнинг энг ёрқин кўзгусидир. Чунки, ички инвесторларнинг фаоллиги мавжуд инвестицион имкониятлардан дарак бериш билан биргаликда, мамлакатдаги фойдалилик даражаси, бизнес rischi ва инвесторлар учун яратилган қулайликлар тўғрисида энг ишончли ахборот беради. Бу эса хорижий инвесторлар учун ҳар қандай рекламадан

қийматлироқ маълумот бўлиб, уларнинг мамлакатга маблағ киритишларида ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Зеро, Л.Ндикумана ва С.Верик<sup>279</sup> томонидан яратилган “сигнал назарияси”га кўра, ички инвестицияларнинг юқори даражаси юқори даромад даражасидан дарак беради ва бу хорижий фирмаларга “сигнал” юбориб, ТТХИлар кириб келишини таъминлайди.

Бундан ташқари, ички инвесторлар хорижий инвесторлар эга бўлмаган бир нечта устунликка эгалар. Улардан бири маҳаллий бозор, истеъмолчилар диди, хулқи ва менталитети, ишчи кучи бозори тўғрисида аниқ маълумот бўлса, иккинчи бошқа маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, товар ва хом ашё етказиб берувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилар билан ҳамкорлик алоқаларидир.<sup>280</sup>

Шунинг учун ҳам ТТХИларни жалб қилишга қаратилган ташаббусларни маҳаллий саноатни ривожлантириш, ички инвестицияларни қўллаб-қувватлаш сиёсатига трансформация қилиш кўпроқ иқтисодий самара келтиради.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТ ЮРИТИЛИШИ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД**

*Муродов Миразиз Мухаммадович  
(мустақил изланувчи)*

Сўнгги йилларда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида тизимли ислохотлар олиб борилмоқда. Ушбу яратилган шарт-шароитлар мамлакатимизнинг инвестицион жозибодорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Инвестиция бўлмаса, иқтисодиёт ривожланмайди. Инвесторларга муҳит, инфратузилма яратсак, иш жойи бўлади, маҳсулот кўпаяди, солиқ тушади. Корхоналарнинг ўз маблағини яна айлантириб, фаолиятини ривожлантиришга рағбатлантириш керак”.<sup>281</sup>

---

<sup>279</sup> Ndikumana, L., Verick, S. The linkages between FDI and domestic investment: unravelling the developmental impact of foreign investment in Sub-Saharan Africa // Development Policy Review, v. 26, n. 6, 2008.

<sup>280</sup> Муқимов Ш “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ички инвестицияларнинг роли” илмий мақола Тизимли тадқиқотлар илмий-таҳлилий журнали 2-сон 2019-йил.

<sup>281</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 24 январь куни 2019 йилда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига оид маълумотлар билан танишдаги нутқидан. Президент матбуот хизматининг “Инвестиция

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, асосий капиталга киритилган инвестициялар ва хорижий инвестиция кредитлар ҳажмида ҳамда ички инвестициялар ҳажмида ҳам кескин ижобий ўсиш кузатилмоқда. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар динамикаси, млрд. сўмда**<sup>282</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2005	2010	2015	2020
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3 165,2	16 463,6	44 810,4	202 000
Хорижий инвестиция ва кредитлар	687	4 340,8	8 309,5	86 646,9
Ички инвестициялар	4 312,4	12 122,8	36 500,8	115 353,2
ЯИМдаги инвестиция улуши %да	19,9	22,2	21,3	34,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2020 йилда 2010 йилга нисбатан деярли 13 баравар, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми деярли 20 баравар, шунингдек, ички инвестицияларнинг ҳажми деярли 10 баравар ошган ўсиши ҳукуратимиз томонидан соҳада олиб борилаётган тизимли ислоҳотларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигидан дарак беради. Асосий капиталга инвестициялар ўсиш суръатларини молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилинганда (1-расм) охириги икки йилликда энг юқори кўрсаткич тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) ва ташқи қарзлар ҳисобига тўғри келди.



**1-расм. Асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилишини молиялаштириш манбалари таснифи 2010-2020 йиллар оралиғида**<sup>283</sup>

лойиҳаларини амалга оширишда шаффофлик, ҳалоллик таъминланади” мақоласи, электрон манзил: <https://president.uz/uz/2267>, мурожаат санаси: 25.03.2021-й.

<sup>282</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>283</sup> Давлат Статистикаси маълумотлари асосида ишланди



2020 йил якунига кўра, асосий капиталга қўйилган инвестициялар ҳажми реал қийматида 2019 йилга нисбатан 8,2 фоизга камайди ва 202 трлн сўмни ташкил қилди. Марказлаштирилган манбалардан молиялаштириладиган инвестициялар ҳажми 34,9 фоизга камайиб, 39,3 трлн сўмни ташкил этди.

Шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестициялар 33,6 фоизга, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ЎТТЖ) маблағлари 75,7 фоизга, ҳукумат томонидан таъминланган хорижий инвестициялар ва кредитлар 28 фоизга камайган.

2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 32,7 фоизга (кафолатланмаган хорижий кредитларни инобатга олмаган ҳолда) камайиб, 2,9 млрд долларни (доллар эквивалентида пасайиш 33,8 фоизга етди) ташкил этди.

Буни ўтган йилда амалга оширилган цемент ишлаб чиқаришини ташки этиш, “Ташкент сити” ХИМ ҳудудида “Congress Hall” ва беш юлдузли “Hilton” меҳмонхонасининг қурилиши, металлни қайта ишлаш заводи қурилиши, тўқимачилик фабрикаси қурилиши ва бошқа лойиҳалар бўйича инвестицион фаоллик билан изоҳлаш мумкин.

Кафолатланмаган хорижий кредитлар қуйидаги тармоқларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробардан зиёд (2,4 млрд доллардан 3,5 млрд долларгача) ўсди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 22,1 фоизи табиий газ ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга, 22,5 фоизи бошқа металл бўлмаган минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 9,3 фоизи қурилиш ишларига йўналтирилди.

Бундан ташқари, экспорт салоҳияти юқори бўлган — машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё ва фармацевтика тармоқларида асосий капитални шакллантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларнинг даражаси пастлигича қолмоқда.

Мазкур тенденция ушбу соҳаларда қулай инвестиция муҳити яратилмаганлиги, хусусан рақобат муҳити, хусусий мулк дахлсизлиги, молия бозорлари, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасида тизимли муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Инвестициялар соҳасидаги мавжуд тенденцияларнинг давом этиши 2021 йилда иқтисодий ўсиш суръатларига (5,1% даражасида деб прогноз қилинмоқда) эришишга таҳдид солиши мумкин, бу эса иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажмини сезиларли даражада оширишга қаратилган инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалий чораларни ва уларнинг самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Инвестицияларнинг асосий манбалари ҳисобланган давлат ташқи қарзи, Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари, кафолатланмаган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, шунингдек тижорат банклари кредитларининг ЯИМга нисбати 2019 йилда 23,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 20,1 фоизини ташкил этди.

Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг юқори технологияли ва инсон капиталига фаол йўналтирилмаслиги мамлакатда юқори даражадаги инклюзив ўсишга эришиш ва камбағаллик даражасини қисқартириш каби мақсадларга эришиш жараёнини хавф остига қўймоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасига оид куйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитининг шаффофлигини ошириш ва инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини етакчи халқаро рейтингларга мувофиқ изчил давом этиш;

- давлат иштирокидаги улушга эга бўлган давлат корхоналари ва ташкилотларини хусусий бошқарув компаниялари бошқарувига ўтказиш, (приватизация) шунингдек, давлатнинг давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятига аралашувини камайтириш;

- аҳолининг бўш пул маблағларини реал иқтисодиётга жалб қилиш орқали миллий инвестиция оқимини кўпайтириш. Экспертлар фикрича аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг реал секторга инвестиция киритишга бўлган қизиқишини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида миллий инвестициялар ҳажми 1,4 бараварга ошади.

Хулоса қилиб айтганда асосий капиталга инвестицияларни жалб этишни янада такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.


## **BANK KREDITLARI GAROV TA'MINOTI VA RAQAMLI TEKNOLOGIYALAR**

*Abdikarimova Dinara Rustamxanovna –  
TMI, PhD, dotsent*

Xalqaro amaliyotda garov ta'minoti banklarga ikkita asosiy muammoni hal qilishga yordam beradi. Birinchidan, bank potensial zararni garov bilan cheklashi mumkin. Ikkinchidan, garov qarz oluvchilarning shaxsiy ma'lumotlaridan kelib chiqadigan banklar va qarz oluvchilar o'rtasida axborot assimetriyasi muammosini hal qilishi mumkin.

Birinchi muammoni hal qilish uchun garovdan foydalanish mumkinligi tushunarli, ammo shuni ta'kidlash kerakki, bu jarayonda muayyan muammolar mavjud. Ikkinchi holda, axborot assimetriyasi muammosini hal qilishda garovga yondashuvlarni ikkita asosiy oqimga bo'lish mumkin. Birinchidan, garov qarz oluvchining moliyaviy holati to'g'risida banklarga aniq ma'lumot berish vositasi sifatida ishlatilishi mumkin. Kreditga layoqatliligi to'g'risida shaxsiy ma'lumotlarga ega bo'lgan yuqori daromadli qarz oluvchilar kreditni to'lamaslik va garovni yo'qotish ehtimoli kamligini biladilar. Shu sababli, moliyaviy holati yuqori bo'lgan qarz oluvchilar boshqa qarz oluvchilarga qaraganda ko'proq miqdorda kredit olishga intilishadi.

Firmalarning kreditga layoqatini baholash uchun yirik texnologik firmalar tomonidan katta miqdordagi ma'lumotlardan foydalanish kredit bozorlarida garovga bo'lgan ehtiyojni kamaytirishi mumkin. Moliyaviy barqarorlik kengashining (2019) so'rovnomasiga ko'ra, AQShda kichik va o'rta bizneslarga beriladigan bank kreditlarining 90%i garov bilan ta'minlangan. Shveytsariyada bu ko'rsatkich 82% bo'lsa, Kanadada 65%ni va Xitoyda 53%ni tashkil etgan (OECD 2019). Moliyaviy texnologiyalar rivojlanishi bilan, ayniqsa, yirik texnologik firmalar moliyaviy xizmatlarni taqdim etayotgan sharoitda ular tomonidan shakllantirilgan ma'lumotlar kichik va o'rta biznes vakillari uchun kreditni baholashda tobora muhim rol o'ynamoqda<sup>284</sup>.



**1-rasm. Garov ta'minoti bilan bog'liq asosiy risklar<sup>285</sup>**

Yuqoridagi rasm ma'lumotlarida garov bilan bog'liq bo'lgan risklar tavsiflangan. Banklar garov bilan kredit berishda bunday risklarni hisobga olishlari kerak. Bundan tashqari, raqamli texnologiyalar bank tizimida garov ta'minotini yaxshilashga, samaradorlikni oshirishga xizmat qiladi.

Garov ta'minotini boshqarishda blokcheyn texnologiyalariga asoslangan garov ta'minotini baholashning yangi usullari va jarayonlari garov ta'minotidan foydalanishni yanada samarali, arzon va xavfsizroq qiladi. Bu garov ta'minotidan foydalanishni kengaytirishni va natijada kredit olish imkoniyatiga ega bo'lgan firmalarning kengayishini ta'minlaydi. Bunday texnologiyalarni xo'jalik yurituvchi subyektlar va banklarning asosiy maqsadlariga erishish uchun qo'llash juda zarur,

<sup>284</sup> **Leonardo Gambacorta, Yiping Huang, Zhenhua Li, Han Qiu.** Data, Collateral, and Implications for the Credit Cycle. Dec 09, 2020; <http://voxcchina.org/show-3-208.html>

<sup>285</sup> [www.ibankguru.com](http://www.ibankguru.com) –Investment Banking rasmiy veb sayti ma'lumotlari; <https://www.ibankguru.com/attributes-of-a-good-collateral/#:~:text=In%20lending%20agreements%2C%20collateral%20is,terms%20of%20the%20loan%20agreement.>

shuning uchun banklar kreditlar berish va garov ta'minotini baholashni raqamlashtirish yo'llarini izlashlari kerak.

## **ИЧКИ ИНВЕСТИЦИОН ПОТЕНЦИАЛНИ ТАЪРИФЛАШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАР**

*Муқимов Шерали Ахмадали ўгли  
мустақил изланувчи*

Мамлакатнинг узок муддатли даврда иқтисодий ўсиш имкониятларини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири инвестицион фаоллик ҳисобланади. Инвестицион жараёнларнинг нормал кечиши учун етарли шароит яратиш давлатнинг бирламчи вазифаси ҳисобланиб, бунда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг назарий ва амалий асосларини тадқиқ этиш муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда инвестицион фаолиятнинг макродаражадаги моҳиятини очиб берувчи тушунчаларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Бундай тушунчалардан бири сифатида “инвестицион потенциал” тушунчасини келтиришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, “инвестицион потенциал” тушунчаси ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра кўп маъноли тушунча ҳисобланади. Уни таърифлашда турли тадқиқотчилар турли ёндашувлардан фойдаландилар. Хусусан, Н.И.Лахметкина ўз тадқиқотларида инвестицион потенциал тушунчасига ёндашишнинг 3 турини кўрсатиб ўтади<sup>286</sup>:

- харажатли – худуд ёки иқтисодий субъектнинг капитални “юта олиш” қобилиятига асосланади;
- ресурсли – потенциал инвестицион ресурслар сифатида қаралиб, у имкониятлар ва мавжуд ресурслар йиғиндиси орқали аниқланади;
- натижавий – фойдаланилаётган ресурслар қайтими нуқтаи назаридан қаралиб, хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашга асосланади.

Ресурсли ва натижавий ёндашув И.М.Голайдонинг илмий ишларида ҳам ўз аксини топган. Муаллиф, шунингдек, ушбу 2 ёндашув билан биргаликда тармоқ хусусиятлари ва рейтингларга асосланган ёндашувларни ҳам қайд этиб ўтади<sup>287</sup>.

- ресурсли ёндашув – инвестицион ресурслар ва уларнинг шаклланиш манбаларини сифатида қаралади;
- натижавий ёндашув – инвестицион потенциал амортизация ажратмалари ва солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда йиғиндиси сифатида қаралади;

---

<sup>286</sup> Лахметкина Н.И. Инвестиционный потенциал – фундаментальное понятие инвестиционного процесса // Финансовая аналитика: проблемы и решения, 4 (46) – 2011.

<sup>287</sup> Голайдо М.И. Инвестиционный потенциал региона // Инновации и инвестиции, 17 (74) – 2008.

- тармоқли ёндашув – инвестицион потенциал фонд яратувчи тармоқлар комплексининг ишлаб чиқариш потенциалига ёки ривожланиш даражасига тенглаштирилади;

- рейтингли ёндашув – инвестицион потенциални структуризация қилиш, унинг алоҳида таркибий қисмларини баҳолаш ва уларни яна бирлаштиришга асосланади.

Инвестицион потенциалга ягона ёндашув асосида таъриф берган муаллифлар ҳам кўп сонлидир. Таҳлиллар орқали аниқландики, уларнинг таърифлари юқорида зикр этилган ёндашувларнинг муайян бирига тўлиқ мос келади. Хусусан, Ф.С.Тумусов инвестицион потенциални жами инвестицион ресурслар йиғиндиси сифатида кўриб, уни пул бозорида потенциал инвестицион талаб шаклига эга бўлиши ҳамда реал инвестицион талабга айлана олишини таъкидлаб ўтади<sup>288</sup>. Бу таъриф кўпроқ ресурсли ёндашувга тааллуқли бўлиб, инвестицион ресурслар йиғиндиси тушунчасига зарур аниқликлар киритади. Яъни, инвестицион потенциални ҳисоблашда инвестицион ресурсларнинг мутлақ ҳажмига эмас, балки ушбу ҳажмнинг ишлаб чиқаришга йўналтириш мумкин бўлган қисми инобатга олинади.

Шунингдек, В.Ю.Катасоновнинг талқинига кўра, инвестицион потенциал олдинги инвестицион фаолият натижасида пайдо бўлган ва келгусидаги инвестицион фаолиятни таъминлашга йўналтириладиган барча ресурслар йиғиндисидир<sup>289</sup>. Натижавий ёндашувга оид бўлган бу таъриф инвестицион ресурслар кўламини қисқартириб, унга фақат тадбиркорлик фойдаси ва амортизация ажратмалари сифатида қарамоқда. Бу эса “инвестицион потенциал” тушунчасининг “корхонанинг инвестицион ресурслари” тушунчаси билан айти маънога келиб қолишига замин яратади.

Инвестицион потенциал тушунчасини аниқлашга бўлган ёндашувларнинг кўплиги уларни ягона ва яхлит бир ёндашувга келтириш заруриятини яратади. Бунинг учун эса мазкур иқтисодий категориянинг туб моҳиятини англаш, яъни унинг этимологик ва семасиологик жиҳатларини чуқур ўрганиш талаб этилади. Шу билан бирга, таъкидлаш ўринлики, тадқиқотимизнинг предметини ички инвестицион потенциал ташкил этади ва бу ўрганилаётган терминни 3 га бўлиб аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Даставвал, “инвестицион потенциал” терминининг лингвистик таҳлилини кўриб чиқсак. Бунда таҳлилимизнинг самаралироқ бўлиши учун туркий тиллар оиласининг ўзига хос хусусияти ҳисобланган воқелик, яъни ҳоким сўзнинг сўз бирикмаси якунида келишини инобатга оламиз. Бошқача айтганда, ўрганишларимизни “потенциал” сўзидан бошлаймиз.

“Потенциал” сўзи кўпгина илмий доираларда “салоҳият” сўзининг маънодоши сифатида ишлатилади. Кўп ҳолларда эса ўзбек тилида фақатгина “салоҳият” сўзи мавжудлиги ва унинг “потенциал” сўзининг таржимаси эканлиги уқтирилади.

---

<sup>288</sup> Тумусов Ф.С. Управление экономическим развитием. - М.: Экономика, 2000. – С.25.

<sup>289</sup> Катасонов В.Ю. Инвестиционный потенциал экономики: механизмы формирования и использования / В.Ю. Катасонов. – М.: «Анкил», 2005. – С.11.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “салоҳият” сўзи ҳам, “потенциал” сўзи ҳам мавжуд. Унга кўра, “салоҳият” сўзи араб тилидан кириб келган бўлиб (арабча “салаҳият” – яроқлилиқ, ваколат, ҳукмдорлик ва тўлиқ ҳокимият), ўзбек тилида “қобилият”, “иқтидор” маъноларини англатади<sup>290</sup>. “Потенциал” сўзи эса лотинча “potentia” (куч) сўзидан келиб чиққан бўлиб<sup>291</sup>, унга луғатда 2 хил таъриф берилади<sup>292</sup>:

– бирон-бир жихатдан имкониятлар, куч-қудрат даражаси; фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар, имкониятлар мажмуи.

– фойдаланилиши мумкин бўлган, аммо рўёбга чиқмаган.

Кўриниб турганидек, “потенциал” ва “салоҳият” сўзлари моҳиятан бир-бирига яқин бўлсада, бир маънони англатмайди. Яъни, уларни синоним сўзлар сифатида ўзаро алмаштириб қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилган таъриф ва мисоллардан англашиладики, “салоҳият” сўзи асосан инсонга нисбатан қўлланилиб, иқтидор маъносида келади (масалан, инсоннинг ақлий салоҳияти). “Потенциал” сўзи мамлакатга, ҳудудий бирликка ва умуман, ташкилий тузилишга эга объектлар хос ҳисобланади (масалан, институтнинг илмий потенциали). Шу нуктаи назардан, иқтисодий тадқиқотларда “салоҳият” эмас, балки “потенциал” сўзидан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқ.

Шу ўринда инвестицион потенциални аниқлаштиришда юзага келадиган баъзи чалкашишларга тўхталиб ўтсак. Юқорида қайд этилганидек, инвестицион потенциал тушунчаси иқтисодиёт фанида кўп маъноли тушунча ҳисобланиб, у кўпинча “инвестицион иқлим”, “инвестицион имкониятлар”, “инвестицион сиғим” ёки “инвестицион жозибадорлик” терминлари билан алмашиб ишлатилади. Бу эса ушбу йўналишларда олиб бориладиган тадқиқотларга методологик жихатдан салбий таъсир кўрсатиб, изланиш объекти ва предметининг мавҳумлашишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бу тушунчалар ўртасида маъно жихатдан аниқ чегараланиш ўрнатиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Кўйида эса инвестицион потенциал ва унга маъно жихатдан яқин бўлган тушунчаларни жадвалга жойлаш орқали улар ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиш ҳаракат қиламиз.

---

<sup>290</sup> Ҳодиев И.Р. ва б. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 687 б.

<sup>291</sup> Агафонов Е. и др. АБВҮҮ Lingvo: электронный словарь. Выпуск: 16.2.2.64. Артикул: 1. 2014. ООО «Аби продакшн».

<sup>292</sup> Бегматов Э. ва б. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Манба: [www.ziyouz.uz](http://www.ziyouz.uz)

## Иқтисодий категорияларнинг маъно жиҳатдан чегараланиши

Иқтисодий категория	Маъноси	
	микродаражада	макродаражада
Инвестицион иқлим	-	инвестиция киритиш натижасида юзага келадиган риск ва фойда олиш имкониятига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар йиғиндиси.
Инвестицион жозибadorлик	ишлаб чиқариш объекти ёки молиявий инструментларга инвестиция киритишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткич.	инвестицион иқлимнинг муайян вақтдаги ҳолати.
Инвестицион имкониятлар	хўжалик юритувчи субъект томонидан унга маъқул шарт-шароитларда инвестицион ресурсларни жойлаштириш мумкин бўлган лойиҳалар йиғиндиси.	муайян ҳудудда иқтисодий субъектлар томонидан инвестиция киритиш мумкин бўлган барча реал ва молиявий объектлар мажмуи.
Инвестицион потенциал	хўжалик юритувчи субъектнинг ўз инвестицион имкониятларини амалга ошириш учун инвестицион ресурсларни йўналтира олиш қобилияти.	ҳудудда мавжуд инвестицион имкониятларни амалга ошириш учун керак бўлган барча инвестицион ресурслар йиғиндиси.

*Манба: муаллиф ишланмаси*

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқландики, макро- ёки микродаражада бўлишидан қатъий назар инвестицион потенциал инвестицион имкониятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни, ҳудудда ёки корхона миқёсида инвестицион имкониятлар англаб етилмас экан, мавжуд инвестицион ресурслар ҳаракатсиз қолаверади. Шунингдек, инвестицион потенциалдан тўлиқ фойдаланилиш учун қулай инвестицион иқлим, яъни юқори инвестицион жозибadorлик ҳам зарурий шарт ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтилганидек, ички инвестицион потенциал тушунчаси ҳали иқтисодиёт фанида чуқур тадқиқотлар предметиға айланиб улгурмаган. Шунинг учун ҳам ушбу тушунчани инвестицион потенциалға берилган **муаллифлик таърифи** орқали аниқлаштирамиз: ички инвестицион потенциал – миллий иқтисодиёт тармоқларидаги инвестицион имкониятларни амалга оширишға йўналтириш мумкин бўлган мамлакат ҳудудида мавжуд барча инвестицион ресурслар йиғиндиси. Бу ерда инвестицион ресурсларни, шунингдек, ички инвестицион ресурслар, деб ҳам тушунишға етарлича асос бор.

## ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИДА КРЕДИТ РИСКНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ.

*Мамажонов Баҳодиржон Эркинович  
Банк-молия академияси, 2-босқич тингловчиси*

**Аннотация:** Тезисда тижорат банклари инвестицион кредитлаш соҳасида кредит рискни бошқаришнинг аҳамияти ўрганилиб, уни самарали бошқаришнинг устуворлик жиҳатлари тадқиқ қилинган. Амалга оширилган тадқиқот асосида хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, инвестицион кредит, кредит рискни, рискни баҳолаш, кредит рискни бошқариш.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, инвестиционный кредит, кредитный риск, оценка рисков, управление кредитным риском.

**Keywords:** commercial bank, investment credit, credit risk, risk assessment, credit risk management

### **Кириш.**

Тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини узоқ муддатли кредитлаш молиявий ресурсларнинг энг муҳим манбаи, иқтисодийнинг прогрессив ва инновацион ривожланишининг зарурий шартидир. Кредитлаш жараёни натижасида банк фойдасининг катта қисми шаклланади. Ҳар қандай кўзланган фойда эса риск билан ёнма ён юради, ушбу жараён кредитнинг қайтмаслик хавфи - кредит рискни бошқаришни самарали йўллари топишни талаб қилади. Банк фаолиятида кредит рискига катта эътибор қаратилишининг яна бир зарурияти шундаки, берилган ссуда маблағларининг ўз вақтида қайтарилмаслиги банк ликвидлигига таъсир қилади, ресурс базасининг етарли бўлмаслигига олиб келади ва пировардида банк янги мижозларга ўз хизматларини таклиф эта олмайди. Одатий кредитлашдан фарқли равишда, инвестицион кредитлаш жараёнида кредит рискни бошқариш бирмунча мураккаб бўлиб, у инвестиция лойиҳасини комплекс экспертиза қилиш орқали инвестицион қарор қабул қилишни тақозо этади.

### **Асосий қисм.**

Сўнгги йилларда мамлакатимиз тижорат банкларида анъанавий кредитлаш йўналишларидан ташқари узоқ муддатли инвестицион кредитлаш амалиёти ҳам ривожланиб бормоқда. Корхоналарнинг асосий фондига йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар **инвестицион кредитлар** деб ҳам аталади. **Инвестицион кредитлаш** – бу банк кредити берилишининг бир кўриниши, тижорат банклари инвестицион фаолиятининг асосий йўналишидир. Бу каби кредитлар ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ёки модернизациялаш, қурилиш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилади. Бу кредит турини беришнинг асоси корхонада мавжуд бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг янада самарали босқичига ўтишга мўлжалланган инвестиция дастури ҳисобланади. Инвестицион кредитларнинг фарқи шундаки, кўп



ҳолларда улар узоқ муддатли бўлади. Бу каби кредитларни 3 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга олиш мумкин. Бу инвестиция дастурини амалга ошириш ва кўзланган натижага эришиш учун етарли муддат ҳисобланади. Маълумки, инвестицион кредитлаш оддий кредитлашга нисбатан рисклилик даражаси юқори бўлганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган кредит рискинни пухта ўрганишни тақозо этади.

**Кредит рисқи** - мижоз томонидан асосий қарз суммасини ва кредит бўйича фоизларни тўлай олмаслик эҳтимоли бўлганда юзага келади. Банк кредит бериб, унинг ўрнига мижознинг тегишли ҳужжатларини олади. Бу ҳужжатлар моҳияти жиҳатидан тўлаш тўғрисидаги ваъдадан иборатдир. Қарздорлар томонидан ваъда қилинган фоизлар ва кредит асосий суммасининг бир қисми ёки ҳаммасининг тўланмаслиги, охир оқибатда банк учун зарар олиб келади, бу эса ўз навбатида банк капиталини камайтириши мумкин. Одатда кредит рисқи етакчи банк хатарларидан бири ёки банк портфелидаги энг муҳим хатар сифатида қаралади.

**Кредит рискинни баҳолаш** - бу юзага келиши мумкин бўлган хавф хатарлар даражасини аниқлаш ва унга қарши чоралар кўриш жараёни бўлиб, бу бир қанча мезонларга асосланади. Шартли равишда куйидаги асосий 5 та мезон кредит рискинни баҳолашга хизмат қилади:

**Репутация** - бу қарз олувчи - банк мижози ва қарз берувчилар ўртасидаги муносабатларни аниқлаштириш;

**Имкониятлар** - бу қарз олувчининг охириги даврга боғлиқ равишда тўлов қобилиятини аниқлаш;

**Капитал** - бу ўз (улушли) капиталнинг мавжудлиги ва қарз олувчининг уни қўллашга розилиги;

**Шарт-шароитлар** - бу қарз олувчи фаолият юритувчи тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиётнинг (минтақавий, мамлакат миқёсидаги) ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

**Гаров таъминоти** - қарз олувчи томонидан кредит таъминоти учун тақдим этилган моддий ва номоддий қийматликлар. Агар лойиха муваффақиятга эришмаса, гаров таъминоти бу иқтидорсизликни енгиш имкониятини беради.

Шу билан бир қаторда, инвестицион кредитлаш амалиётида қарз олувчи томонидан ишлаб чиқилган бизнес режа, яъни инвестиция лойихаси чуқур ўрганилиши, унинг самарадорлиги, даромадлилиги, ўзини ўзи қоплаши, зарарсизлик нуқтаси, лойиха бўйича пул оқимлари прогнозларининг мутаносиблигини ўрганиш юзага келиши мумкин бўлган кредит рискинни бошқаришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бунда инвестиция лойихасининг самарадорлик кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади.

**Тижорат банкларида инвестицион кредитлаш бўйича кредит рискларини бошқаришни одатда куйидаги 2 гуруҳга бўлиш мумкин:**

1. Якка тартибдаги лойиха даражасида кредит рискинни бошқариш;
2. Банк кредит портфели даражасида кредит рискинни бошқариш.

**Якка** - алоҳида лойиха бўйича хатарларни бошқариш усулларига қуйидагилар киради:

- қарз олувчининг кредитга лаёкати тахлил қилиш (инвестицион лойиха самарадорлиги, ўзини ўзи қоплаши, пул тушумлари тахлили);
- кредит рискларини тахлил қилиш ва баҳолаш;
- кредитлаш структураси;
- кредит операцияларини хужжатлаштириш;
- кредит таъминоти ва гаровнинг ҳолати устидан назорат.

**Банкнинг кредит портфели даражасида рискларни бошқариш усуллари:**

**Диверсификация.** (Банк тармоқлар ва сохалар бўйича ссудалар салмоғини назорат қилади. Аксарият кредитлар бир тармоққа йиғилиб қолишига йўл қўймайди, яъни “хамма тухумни бир саватга солма” тамойили);

**Лимитларни белгилаш.** (Банклар кредит беришнинг максимал рухсат этилган лимитларини белгилаш орқали келиб чиқадиган йўқотишлардан ҳимояланади);

**Захираларни яратиш.** (Қарзларнинг қопланмаслигини ҳисобга олиб, маблағларнинг бир қисмини махсус ҳисоб рақамига тўплаш. Захиралар кредит рискини камайтириш усулларида бири ҳисобланади, омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади);

**Секьюритизация.** (Банк активларини қимматли қоғозларга айлантириш орқали сотиш).

**Хулоса.**

Инвестиция кредитларини беришда кредит рискини бошқариш фақатгина банк манфаатларини ҳимоя қилибгина қолмай, мўлжалланган инвестиция лойихасини самарали ишлашига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Тижорат банкларида рискларни минималлаштиришга риск стратегиясини ишлаб чиқиш орқали эришилади. Кредит rischi банкнинг асосий фаолияти - кредитлаш йўналишида юзага келувчи асосий хавф ҳисобланади. Кредит рискини самарали бошқариш рискнинг юзага келишини олдиндан ҳисоб-китоб қилиш, риск туфайли юзага келадиган салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ёки уларнинг таъсирини камайтириш борасида чора-тадбирлар, усуллар йиғиндисини ўз ичига олади ҳамда ажратилган ссудаларнинг қайтишини енгиллаштиради. Инвестиция лойихаларида юзага келувчи банк рискларини, хусусан кредит рискини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк фаолиятини чуқур билиш аввало, инвестиция лойихасини комплекс экспертиза қилиш, унинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни тахлил қилиш, банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолиятлари бўйича оптимал қарорлар қабул қилишга эришиш, мижозларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи, тармоқлар фаолиятининг хусусиятлари ва бошқаларни билиш лозим. Кредит рискини бошқаришда алоҳида инвестицион лойиха бўйича ва банк кредит портфели даражасида тахлил қилиш, маълум чегаравий шартлар ўрнатиш, лойиханинг амалга оширилиш жараёнини бевосита назорат қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002
2. Каримов Н. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш // «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2000. - № 5
3. Риск-менеджмент инвестиционного проекта. / Под ред. Грачевой М. В. – М.: Юнити, 2009. - С. – 44
4. Тютин А.С. Тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш муаммолари // Самара давлат иқтисодиёт университети ахборотномаси. РФ, 2010. № 3 (65). 117-122 б.
5. Швец А.Ю., Литун В.В., Кораблев А.В. Банк соҳасида жараёнларни бошқариш // Иқтисодиёт ва бошқарув. РФ, 2017. № 2 (136). 96-100 б
6. Черкашнев Р.Ю. О сущности банковских рисков на современном этапе развития // Ученые записки Тамбовского регионального отделения Вольного экономического общества России Тамбов, 2015. С. 79- 89.

## **BUDGET OF GOVERNMENT IN DIGITAL ECONOMY**

*Navruzova Go‘zal*  
*Student of Tashkent Institute of Finance*  
*G‘aniyev Shaxriddin Vohidovich*  
*Dots. Tashkent Institute of Finance*


The digital economy as a driver of economic growth. The digital economy creates a new digital space and provides access to a substantial array of data to numerous participants in the global economic space. The generated “big data”, along with technologies, become one of the leading assets of the state, business and civil society. Moreover, there is the development of national programs for the development of a new generation of economy, including the development and implementation of high technologies, analysis of “big data”<sup>293</sup> and forecasting, and the implementation of new ways of management. The task of strategic importance is not only to achieve in the context the socio-economic well-being of states, but also as a condition for the preservation of sovereignty in the context of globalization and the implementation of digital development programs by other participants in the world market. Other way e-government is essential for digital budget. Digital technologies should be considered as an integral part of social and economic activities, creating general conditions (foundation) to ensure normal conditions for improving the efficiency of business, government activities and daily life of the population. They link together all sectors of the market economy, contributing to its stabilization and balanced development. The efficiency of their functioning is clearly manifested in the acceleration of the reproduction process, which inevitably leads to a reduction in costs, maximizing profits, growth of GDP and national wealth of the country. Therefore a budget is a planning and controlling tool for an organisation. This tool can work effectively only when it is used with

---

<sup>293</sup> *Journal of Business Research, Volume 70, January 2017, Pages 263-286*

due care. It is not only the a cost monitoring mechanism but also an integral part of an organisation's planning and control activities. It aims at achieving organisational objectives and motivating the personnel concerned. For the success of budgetary system gathering the essential information and choosing an appropriate budgetary system etc. are necessary. The Success of a budget is also largely dependant on the level of accuracy in estimating the revenues and costs for the budget period. There are several statistical techniques which may prove useful in forecasting the figures to be incorporated in budgets.

### **The budgetary control process loop<sup>294</sup>**



As we look forward to higher investments in smarter digital infrastructure in the country, the need of the hour is to accelerate the fibre network deployment across the country, enable high network capacities for managing the traffic load and better connectivity, thus easing the way further for business continuity in these uncertain times. There must be a dedicated and non-lapsable budget allocation for network build and modernisation, and more importantly, the government must incentivise (e.g. in the form of tax rebates) telecom infrastructure providers and other players to enable fast execution of digital infrastructure projects. Assessments of efficiency in government are difficult. Government outputs are difficult to quantify; as with other service industries increases in quality are difficult to measure; the political satisfaction of particular projects or policies may legitimately outweigh more mundane considerations of cost and savings; measures of productivity such as multi-factor productivity and labour productivity raise issues of the valuation of capital and the influence of staffing practices such as outsourcing.

---

<sup>294</sup> EVOLUTION AND CRITICAL EVALUATION OF CURRENT BUDGETING PRACTICES

Published 2005

## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

*Чинқулов Қахрамон Равшанович,  
ТМИ «Молия» кафедраси доц.в.б., PhD*

Корпоратив бошқарув тушунчаси молиявий адабиётларда ҳамда тадқиқот ишларида етарлича, кенг тадқиқ этилган. Шунинг учун мазкур тушунчага кўп тўхталмоқчи эмасмиз.

Шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш борасида тадқиқот олиб борган иқтисодчиларнинг барчаси (масалан, Д.Х.Суюнов, Г.Ш.Ханкелдиева, Н.Т.Пўлатов, Д.Б.Бегматова<sup>295</sup> ва ҳ.к.) акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув даражаси билан унинг инвестицион жозибадорлиги ўртасида тўғри боғлиқлик борлигини алоҳида таъкидлаганлар ҳамда тадқиқотлари натижасида исбот этганлар.

Умуман, иқтисодчилар орасида акциядорлик жамиятларидаги корпоратив бошқарув даражаси билан унинг инвестицион жозибадорлиги ўртасидаги тўғри боғлиқлик аксиома даражасига келган. Яъни, қайси бир акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув самарали йўлга қўйилган бўлса – мазкур жамиятнинг инвестицион жозибадорлиги ҳам юқори ҳисобланади, инвестициялар арзон, қулай шартларда жалб этилади ва аксинча.

Корпоратив бошқарувнинг самарали йўлга қўйилиши акциядорлик жамиятининг корпоратив қимматли қоғозлар орқали жаҳон капитал бозоридан қулай шартларда маблағ жалб этишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли фармони мамлакатимизда корпоратив бошқарув соҳасидаги ўзгаришларга муҳим асос бўлди дея айта оламиз.

Масалан, мазкур фармонга асосан мамлакатимизда илк бор корпоратив бошқарув Кодекси ишлаб чиқилди. Мазкур Кодексда акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни киритиши мумкинлиги, мустақил аъзоларга бўлган талаблар белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича

---

<sup>295</sup> Қаранг: Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006.—Б.116.; Ханкелдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. И.ф.д.(DSc)...автореф. –Т., 2018.-- Б.14.; Пўлатов Н.Т. Очиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н....автореф. – Т., 2011.—Б.22.; Бегматова Д.Б. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш. И.ф.н.....автореф. –Т., 2017– Б.13.

қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунга жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолари борасида ўзгартириш киритилди. Мазкур ўзгартиришга асосан, қонуннинг 76-моддасида кузатув кенгашининг мустақил аъзосига бўлган талаблар белгилаб берилди (олдин мавжуд эмас эди). Хусусан, «Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади»<sup>296</sup>.

Шунингдек, мазкур қонундаги ўзгаришга асосан қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

-сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

-жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

-жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

-жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

-жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

-давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

Қонундаги ўзгаришга эътибор берадиган бўлсак, жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзосига бўлган талаб корпоратив Кодексда аввал белгиланган талабга нисбатан бироз ўзгарган. Шунингдек, биржа

---

<sup>296</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 76-модда. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

листинггига кирган акциядорлик жамиятлари учун кузатув кенгашида мустақил аъзоларнинг бўлиши мажбурий қилиб белгиланган.

Табиий савол туғилиши мумкин. Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига Ўзбекистон Республикаси корпоратив бошқарув Кодексидаги белгиланган талаблар билан қонунда белгиланган талаблар мос келмаса, яъни фарқ қилса – акциядорлик жамияти қайси бирига амал қилади? Албатта, бундай ҳолат кузатилиши мумкин. Мазкур ҳолатда уч хил вариант амал қилади. Яъни, агар акциядорлик жамияти акциялари фонд биржаси листинггига киритилмаган, аммо корпоратив бошқарув Кодексида амал қилишни қабул қилган бўлса – кодекс талабларига бўйсўнади. Агар акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув Кодексида риоя этишни қабул қилиш билан бирга, акциялари фонд биржаси листинггига киритилган бўлса – у ҳолатда қонунга риоя қилади. Чунки, кодекс тавсиявий характерга эга. Агар акциядорлик жамияти акциялари биржа листинггига киритилган бўлиб, корпоратив бошқарув Кодексида риоя этиш мажбуриятини олмаган бўлса – бундай ҳолатда қонун талабларига бўйсўнишга мажбур ҳисобланади.

Фикримизча, кузатув кенгашига мустақил аъзоларни киритишдан энг асосий кўзланган бош мақсад – кузатув кенгашининг мажлисларида ҳолис, объектив қарорлар қабул қилинишини таъминлашдан, нафақат жорий фаолият билан машғул бўлиш, балки стратегик қарорларни қабул қилишдан иборат. Буларнинг барчаси пировардида – акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигининг ошишига олиб келади.

Экспертларнинг фикрича, мустақил директорлар институти яхши корпоратив бошқарувнинг муҳим белгиларидан бирига айланган. У компаниянинг имижини яхшилайти ва унга инвесторларни жалб қилади.

Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни киритиш амалиёти АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва ҳ.к. давлатларда кенг қўлланилади Шунингдек, Нью-Йорк, Лондон фонд биржаларида кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан бири мустақил аъзолардан (independent directors) иборат бўлиши лозимлиги борасида листинг талаблари мавжуд.

Ўз-ўзидан кузатув кенгашининг мустақил аъзолари қаердан олинади, деган савол туғилади.

Фикримизча, бу борада жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш, мустақил аъзолар уюшмаси (ёки институти)ни ташкил этиш лозим. Уюшма (ёки институт) ўз-ўзини молиялаштириш асосида фаолият юритиши, масалан, аъзолик бадали асосида ўз фаолиятини молиявий таъминлаши мумкин. Мазкур уюшма аъзоларининг ягона базаси шакллантирилади, тегишли малака талаблари ўрнатилади. Акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашига мустақил аъзолар ушбу уюшмадан танлов асосида танлаб олинади.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA XALQARO MOLIYA MARKAZINI YARATISH AFZALLIKLARI**

*Talaba: 2-kurs TMI magistranti  
Ahmadaliyeva N*

So'nggi o'n yilliklarda moliyaviy globallashtirish jarayonlarining chuqurlashuvi global iqtisodiyot uchun xarakterli bo'lib, dunyo mamlakatlari o'rtasida sezilarli kapital oqimlariga asoslangan. Kapital resurslari uchun mamlakatlarning raqobati sezilarli darajada oshmoqda, chunki kapital ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning muhim omili, zamonaviy texnologik va boshqaruv yechimlari, shuningdek mamlakatlar o'rtasidagi hamkorlikning yangi shakllarida muhim ro'l o'ynaydi. Ushbu jarayonlar moliya sektorining yuqori darajada rivojlanishi, qulay geografik joylashuvi, rivojlangan institutsional va ishbilarmonlik muhiti, zamonaviy shahar infratuzilmasi tufayli dunyoning turli burchaklaridan sarmoyalarni jalb qilish markazlariga aylangan xalqaro moliyaviy markazlar (XMM) joylarida amalga oshiriladi. Xalqaro moliyaviy markazlar global kapital oqimlarini jalb qilish va boshqarish mexanizmlari qurilgan platforma sifatida ishlaydi. Xalqaro moliya markazlari milliy iqtisodiyot uchun ham katta ahamiyatga ega bo'lib, ular jahon moliyaviy tizimining elementlari vazifalari bilan bir qatorda mamlakat investorlari uchun qulay joy bo'lib, uni yangi ishlab chiqarish omillari bilan ta'minlaydilar. Xalqaro moliya korporatsiyasining milliy iqtisodiyotga ta'sirini tahlil qilish moliya markazlari faoliyati oqibatlarini to'g'ri baholashni shakllantirish, markazlarni rivojlantirish bo'yicha uzoq muddatli va samarali strategiyalarni ishlab chiqishda muhim ahamiyatga ega. Bundan tashqari, xalqaro moliya markazlarining shakllanishi mamlakatning iqtisodiy rivojlanishning postindustriya turiga o'tishining muhim qismi sifatida qaralmoqda, bu esa ushbu jarayonlarni o'rganishni ayniqsa dolzarb qiladi.

Bugungi kunda iqtisodiyotni rivojlantirishdan va iqtisodiy o'sishning yangi manbalarini izlashdan manfaatdor bo'lgan ko'plab davlat hukumatlari o'z hududlarida moliya markazlarini yaratishga harakat qilmoqdalar, ularning joylari butun dunyo investorlari uchun katta qiziqish uyg'otadi. Bu yerda yetakchi o'rinlarni G'arbiy Yevropaning va AQShning yirik shaharlari egallaydi. Shu bilan birga, hozirgi vaqtda Osiyoning tez rivojlanayotgan mamlakatlari poytaxtlarida joylashgan xalqaro moliyaviy markazlar roli o'sib bormoqda. Xalqaro moliyaviy markazlarga ega bo'lgan yoki unga da'vogarlik qilayotgan shaharlarni bir qator ko'rsatkichlar bo'yicha baholash odatiy holdir: moliya bozorining rivojlanish darajasi, yuqori malakali kadrlarning mavjudligi, ishbilarmonlik muhitining barqaror va aniq tartibga solinishi, tovarlar va kapitalning xalqaro bozorlariga erkin kirish, soliq rejimining xususiyatlari, siyosiy va iqtisodiy sifati, muassasalar va shahar muhiti kabilar orqali. Bugungi kunda XMM rivojlanish darajasini baholash raqobatbardoshlik omillarini tahliliga asoslangan bo'lib, ularning har biri markazning samarali ishlashiga ma'lum hissa qo'shadi.



Raqobatbardosh XMM yaratish vazifasi O‘zbekiston uchun ham dolzarbdir. Bugungi kunda milliy iqtisodiyot uchun asosiy vazifa uzoq muddatli investitsiyalarni moliyalashtirish manbalarini shakllantirish hisoblanadi. Shunday qilib, O‘zbekiston moliya sektorini investitsiyalarga mablag‘larni tejashning samarali mexanizmiga aylantirish mamlakatning barqaror iqtisodiy o‘lishi va global raqobatbardoshligini oshirish uchun zarur shart bo‘lishi mumkin. Toshkent shahrini moliya markazga aylantirish iqtisodiyotimizni rivojlanishiga hamda jahon standartlarga javob beradigan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatuvchi markaz sifatida shakllantirishga eng asosiy strategik maqsad sifatida amalga oshirilmoqda.

Toshkentda xalqaro moliya markazini tashkil etish zarurati so‘nggi yillarda mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining uzoq muddatli maqsadlarini belgilashning bir qismi sifatida shakllantirilmoqda. Ushbu tashabbus O‘zbekistonning jahon iqtisodiyotidagi ishtiroki jarayonini kuchaytirish va sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarishga katta turtki beradi. Ushbu maqsadning paydo bo‘lishining muhim sharti global iqtisodiy va moliyaviy inqiroz bo‘ldi, bu yurtimiz iqtisodiyotini diversifikatsiya qilishning jiddiy ehtiyojini, shu jumladan raqobatbardosh va salohiyatli moliyaviy industriyani va moliyaviy xizmatlarning professional bozorini rivojlantirish orqali zarurligini ko‘rsatadi. 2018-yildagi Xalq deputatlari Toshkent shahar kengashining navbatdan tashqari sessiyasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev Toshkent shahrini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo‘yicha muhim yo‘nalishlarni ko‘rsatib o‘tdi. Ijtimoiy soha, qurilish va kommunal tarmoqlarni rivojlantirish, aholi va turistlar uchun qulayliklarni oshirish bo‘yicha ham istiqboldagi muhim vazifalar belgilandi. Toshkent shahrini yirik ishbilarmonlik va moliya markaziga aylantirish bo‘yicha strategiya ishlab chiqish zarurligini ta’kidladi. “Bugungi globallashuv davrida iqtisodiyotga investitsiyalarni faol jalb etib, biznes uchun qulay sharoitlar yaratib berayotgan shaharlar jadal rivojlanmoqda. Toshkent shahrini yuqori texnologik sanoat mahsulotlari ishlab chiqaradigan, bank, moliya, sug‘urta va boshqa zamonaviy xizmatlar ko‘rsatadigan yirik xalqaro markazga aylantirishimiz zarur. Shahar atrofi sanoat zonalari, shahar ichi esa innovasion hudud bo‘lishi kerak” dedi Shavkat Mirziyoev<sup>297</sup>.

Toshkentda xalqaro moliya markazini tashkil etish vazifasining strategik ahamiyati shundan iboratki, uning institutsional bazasi yaratish jarayonlarining boshidanoq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti va Hukumatining qarorlari asosida shakllantiriladi. Toshkentda xalqaro moliya markaz infratuzilmasini yaratish ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasi doirasidagi ustuvor vazifalardan biridir. Moliya markazi tashkil etilgan vaqtdan boshlab, O‘zbekiston Respublikasining moliya bozorini rivojlantirish, xorijiy mamlakatlarning mintaqaviy moliyaviy markazlar faoliyatini tartibga solish sohasidagi tajribasini joriy etish va bozor ishtirokchilari faoliyatidagi har xil to‘siqlarni bartaraf etish bo‘yicha takliflarni shakllantiruvchi va taqdim etadigan Xalqaro maslahat kengashini tashkil etish juda muhimdir.

---

<sup>297</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/2209>

XMMni izchil va samarali rivojlantirish uchun "Xalqaro moliya markazini yaratish va O'zbekiston Respublikasida investitsiya iqlimini yaxshilash"ning yo'l xaritasini ishlab chiqilishi iqtisodiyotimizni tubdan yuksalishiga olib keladi. Toshkent moliyaviy markazini rivojlantirishda asosiy yo'nalishlari quyidagilardan iboratdir:

- Moliya bozorlarida nazorat va nazoratni tartibga solish tizimini takomillashtirish;
- Moliyaviy vositalar va manbalardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish;
- Moliyaviy infratuzilmani rivojlantirish;
- Korporativ boshqaruv va ijro etish, shu jumladan investorlarning huquqlarini himoya qilish, to'lovga layoqatsizlik holatlarini, kontraktlarni bajarish, moliya bozorlaridagi nizolarni hal qilish;
- Moliya bozorlarida soliq solish va soliqlarni to'lash tizimini takomillashtirish;
- Umumiy raqobatbardoshlik, shu jumladan o'zbek brendini xalqaro miqyosda ilgari surish va reyting tuzuvchilar bilan o'zaro hamkorlik;
- Yangi hududlarni hisobga olgan holda Toshkent metropolitenining ijtimoiy va biznes infratuzilmasini rivojlantirish.

Yo'l xaritasi raqobatbardosh XMM tashkil etishning barcha asosiy yo'nalishlarini qamrab oladi. Loyiha moliyaviy rivojlanish markazini bosqichma-bosqich belgilaydi, uning rivojlanish xususiyatlari jihatidan Toshkent yo'l xaritasi markazni rivojlantirish muammolarini hal qilish uchun davlat va ishbilarmon doiralar uchun mavjud bo'lgan barcha vositalardan foydalanishni ko'zda tutadi. Me'yoriy-huquqiy bazani takomillashtirish, moliya bozorini tartibga solish bo'yicha standartlar va strategik yondashuvlarni ishlab chiqish, bozor infratuzilmasini takomillashtirish, korporativ boshqaruvni joriy etish va soliq sohasini takomillashtirish bo'yicha faol ishlar olib borilishi rejalashtiriladi.

Xulosa qilish kerakki, XMMning O'zbekistondagi rivojlanish xususiyatlarini tahlil qilish markazning uzoq muddatli rivojlanish strategiyasiga kiritish bo'yicha takliflarni shakllantirishga imkon beradi: moliya bozorlarida tartibga solish va nazoratni takomillashtirish bo'yicha ishlar davom ettiriladi; institutsional muhitni rivojlantirish va xorijiy sarmoyadorlar oldida markazning obro'sini oshirish, shu jumladan markazning ixtisosligini aniqlash va Toshkent shahrini moliyaviy markaz sifatidagi imidjini mustahkamlash uchun hududiy brending vositalaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТИЗИМИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*Илмий раҳбар: Ф.Базарова ТМИ доцент в.б.  
Ш.Бекмирзаев, ТМИ талабаси*

Сўнгги вақтларда “рақамли иқтисодиёт” тушунчаси илмий-оммабоп адабиётларда ва шунингдек, амалиётда жуда кенг қўлланилмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, кўплаб ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт уларнинг ривожланиш омилларига сезиларли даражада таъсир ўтказган ва пандемия даврида сезиларли даражада ривожланди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, рақамли иқтисодиётнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли жадал ортиб бормоқда.

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси муомалага илк бор 1995-йили Массачусетс (АҚШ) университети олими Николас Негропonte томонидан киритилган. Унга кўра, ахборот-коммуникация технологияларини интенсив ривожланиши ортидан эски иқтисодиётдан янги иқтисодиётга ўтишдаги техник ва технологик ўзгаришларга асосланиб тушунтириш берилган.

Рақамли иқтисодиёт - бу хўжалик фаолиятини юритиш бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги асосий омил рақамлар кўринишдаги маълумотлар бўлиб, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва шу қайта ишлаш натижасини таҳлил қилиш ёрдамида ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологиялар, қурилмалар, сақлаш, маҳсулотларни етказиб беришда олдинги тизимдан самаралироқ ечимлар тадбиқ қилишдир. Электрон коммерция тизими уч турга бўлинади:

- чакана савдони ташкил қилиш (B2C, бизнес-истеъмолчи, ёки инглизча: Business-to-consumer);

- бизнес ҳамкор билан алоқалар ўрнатиш (B2B, бизнес-бизнес, ёки инглизча: Business-to-business);

- истеъмолчилар ўртасидаги савдо (C2C, истеъмолчи-истеъмолчи, ёки инглизча: Consumer to-consumer).

Электрон тижорат Интернет тармоғидаги тижорат соҳасига оид фаолликни, унда олди-сотдини амалга оширилишини ифодалаш учун қўлланилади. У компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда харид қилиш, сотиш, сервис хизматини кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Электрон тижорат анъанавий савдо туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

- харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга;

- савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжуд;

- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли харидорларнинг алоқа воситалари ёрдамида сотувчилар билан мулоқотда бўлиш имконияти;

- керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва шу маҳсулотлари бор фирмаларга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни бир жойга йиғиш ва уларни сотиб олишда аниқ манзилларга мурожаат қилиш, ортиқча вақт ва харажатларни камайтиради;

- хариддорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;

- ҳозирги кунда чиққан жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти;

- электрон тижорат сотувчининг маҳсулотларини (иш, хизматларини) сотиш жараёнидаги имкониятини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди сотувчи маҳсулотларини сотиш жараёнини тезлаштириши, янги ва сифатли маҳсулотларни мунтазам алмаштириши, маҳсулотларнинг айланма ҳаракатини тезлаштириши керак бўлади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда давлат органлари электрон тижоратни ривожлантиришда, дунё тажрибасида кенг қўлланилган қуйидаги принципларга амал қилишмоқда.

- электрон тижоратни ривожлантиришда корпоратив сектор фаол роль ўйнаши лозим;

- электрон тижоратга нисбатан, давлат органлари томонидан асосланмаган турли чекловлар қўйилишига йўл қўйилмаслиги лозим;

- давлат ҳокимияти электрон тижорат жараёнига, асосан, ушбу соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқ базасини такомиллаштириш мақсадида арилишиши мумкин;

- электрон тижоратни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда давлат ҳокимияти Интернетнинг ўзига хосликларини инобатга олиши лозим;

- электрон тижорат жараёни маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда, глобал масштабда содир бўлиши лозим.

Рақамли маркетинг ижтимоий медиа-менежерларидан, оммавий ахборот воситалари режиссёрларидан, реклама қилувчиларга ва бошқа кўплаб нарсаларни қамраб олувчи кенг майдондир. Бу позицияларнинг умумийлиги, мижозлар билан боғланиш ёки улар ҳақидаги маълумотларни тўплаш учун ёки ҳар иккисини бирлаштирадиган рақамли оммавий ахборот воситаларидан (веб ёки мобил) фойдаланиш ҳисобланади.

Рақамли маркетинг билан, бюджетда маркетинг тактикаси билан ижодий ва тажриба ўтказишда фойдаланиш учун чексиз имкониятлар ва стратегиялар мавжуд. Бу анъанавий маркетингга ўхшаш, аммо у фақат рақамли қурилмалардан фойдаланади. Рақамли маркетинг кириш маркетингининг бир тури ҳисобланади ва унинг мақсади одамлар сизнинг бизнесингизни топишларидир. Улар сизни Интернетда қанчалик кўп кўришса, улар сизнинг брендингиз билан шунчалик яқиндан танишадилар ва охир-оқибат ушбу онлайн мавжудлик орқали сиз билан ўзаро муносабатларни ривожлантирадилар.

Рақамли маркетинг компаниянинг Интернетда ўзларини бозорга чиқаришда фойдаланадиган барча каналларини ўз ичига олади. Мисол учун:

- CEO

- PPC (Ad Words/Bing)

- PR

- Ижтимоий медиа
- Пулли ижтимоий медиа (FB/Instagram/Pinterest ва ҳк)
- ва бошқалар

Рақамли маркетингнинг афзалликлари:

- нисбатан кенг, мақсадли аудитория билан ишлаш учун;
- қисқа вақт ичида потенциал миқдорнинг кўпроқ сонига маълумот етказиш учун;
- томошабинларга жуда катта таъсир кўрсатиш учун;
- миқдорлар ҳақида бренд хабардорлигини ва унга содиқликни ошириш учун;
- маркетинг кампанияси натижаларини ошқора ўлчаш ва реал вақт режимида тузатиш киритиш учун;
- анъанавий реклама билан солиштирганда кам харажатлилиги учун.

Электрон тижорат соҳасини ривожлантириш учун қуйидагиларни таклиф этилади:

Электрон тижорат соҳасида илмий изланишларни чуқурлаштириш зарур. Илмий ишлар, мақолалар ёзиш, махсуслаштирилган интернет-ресурслар яратиш, доимий форум ва конференциялар ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда электрон тижоратнинг нафақат техник, балки иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларини ҳам инобатга олиш, энг асосий муаммолардан бири – малакали кадрлар етишмовчилигини, олдини олади.

Телекоммуникацион хизматларни кўрсатиш соҳасида рақобатни ривожлантириш. Бу хизмат сифатининг ошишига, нархлар даражасининг тушишига ва электрон тижорат учун маълум интернет-аудиторияларининг яратилишига олиб келади.

АКТ соҳасига инвестицияларни киритиш учун қулай ҳуқуқий шароитнинг кўрсатилган тартибда доимий мавжуд бўлишини таъминлаш.

Ўз-ўзини бошқариш ва тажриба алмашиш тизимларини яратиш.

Электрон тизими бўйича таълим тизимини ривожлантириш.

Ахборот технологияларининг бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг тарқалишини таъминлаш. Нафақат вилоят марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам ахборот технологияларининг жорий қилиниши электрон тижорат ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Онлайн банкинг тизимини бутун республика бўйлаб самарали жорий қилиш. Бу улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун ўз товар ва хизматлари билан интернет тармоғи орқали эркин савдо қилиш имкониятини оширади. Шу билан бирга бу банк соҳасининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам сезиларли ўзгаришларга олиб келади.

# АГРАР СОҲАДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Ш.Мадиев Тошкент давлат аграр университети  
3 курс талабаси*

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари кўп жиҳатдан келгуси йилларда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳолати билан ҳам боғлиқ. Жумладан, 2023-йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш вазифалари белгилаб қўйилган<sup>298</sup>. Бинобарин, бугунги тезкор замонда жаҳон бўйлаб глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган шароитда рақамли иқтисодиёт илғор давлатлар иқтисодиётининг барча тармоқларида кенг жорий этилмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, шунинг баробарида, хуфёна иқтисодиётга барҳам бериш ва коррупцияни кескин камайтириш имконини берар экан.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида аграр соҳани ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича кенг ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунда бошқа соҳаларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигига ҳам рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Рақамли технологиялар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва чорва моллари маҳсулдорлигини салмоқли даражада ошириб, ишлаб чиқариш харажатларини кескин камайтириш имконини берувчи замонавий технологиялардир.

Рақамли қишлоқ хўжалиги бу – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда меҳнат унумдорлигини ошишини ва ишлаб чиқариш таннархини пасайишини таъминловчи рақамли технологиялардан фойдаланилган замонавий усулларга асосланган қишлоқ хўжалигидир. Рақамли қишлоқ хўжалиги юқори самарадорликка эришиш, башоратлаш ва ўзгаришларга мосланувчанлиги билан ўзгарувчан иқлим туфайли юзага келган ҳолатларга мослашувчан муҳитни яратиш имконини беради.

Жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда аграр соҳада рақамли технологияларни қўллашнинг қуйидаги асосий йўналишлари мавжуд:

---

<sup>298</sup> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2020 ЙИЛ 28-АПРЕЛДАГИ "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ПҚ-4699-СОН ҚАРОРИ.

“IoT” Интернет буюмлар технологияси<sup>299</sup>. Ушбу технология реал вақт режимида интернетга уланган ақлли қишлоқ хўжалигининг истиқболли интернет буюмлар платформасига асосланган бўлади. Буюмлар интернет (Internet of Things – “IoT”) бу турли хил “ақлли қурилмалар” орқали аниқ деҳқончилик шароитларини ўрганиш, бошқарув ва мониторинг жараёнларини автоматлаштириш ва уларда инсон иштирокини сезиларли даражада камайтириш имконини берадиган турли хил қурилмалар ва машиналар ўртасидаги ўзаро маълумотлар алмашиш тизимидир. “IoT” технологияси қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ошишини ҳисобга олган ҳолда тармоқ рақобатбардошлигини оширади, маҳсулот сифатини яхшилади, қишлоқ хўжалиги техникалари ёқилғи сарфларини камайтиради, маҳсулотларни ташиш ва сақлашда маҳсулот йўқотилиши олди олинади.

“GPS-мониторинг тизими” – Спутник навигациялари орқали нафақат трактор ёки конбайнларни далада аниқ бошқариш, балки уларнинг қаерда жойлашганлигини ҳам кузатиб бориш мумкин. . GPS қурилмасини барча қишлоқ хўжалик техникалари ва хизмат транспортларига ўрнатиб, уларнинг шахсий мақсадларда фойдаланилишига ва ортиқча ёнилғи ва вақтни сарфланишидан безовта бўлмасангиз ҳам бўлади.

“Big Data”-катта маълумотлар тизими<sup>300</sup>. Бу ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган самарали қарор қабул қилишда муҳим ўрин тутаяди, шунингдек қишлоқ хўжалигини аниқ тартиб ва режа асосида юритиш ҳамда ривожлантиришга ёрдам беради. Бунда қабул қилинган, тўпланган ва биргаликда олинган янги маълумотларни соҳада иштирок етувчи турли хил субъектлар орасида олиш, алмашиш, тўплаш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни жорий қилишни янада ривожлантириш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратиш ҳамда ушбу турдаги технологияларни олиб киришда талаб этиладиган бож тўловларидан имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, рақамлаштириш жараёни қишлоқ хўжалигида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва соҳада юқори самарадорликка эришиш, меҳнат унумдорлигини салмоқли оширувчи, ишлаб чиқариш харажатларни камайтирувчи, иштирокчиларнинг интернет орқали барча турдаги ахборотларни ўзаро алмашиш имконини берувчи ишончли бошқарув ва ахборот мониторинг тизимини яратиш имконини беради.

---

<sup>299</sup> [https://www.researchgate.net/publication/312164156\\_Internet\\_of\\_Things\\_in\\_agriculture](https://www.researchgate.net/publication/312164156_Internet_of_Things_in_agriculture)

<sup>300</sup> <http://aims.fao.org/activity/blog/big-data-unlocking-future-agriculture>

## **ИКТ В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ**

*Назаралиева Шохсанам,  
Ташкентский Финансовый Институт,  
Группа ММ-21  
Науч. Руководитель: старший преподаватель  
Кафедры «Банковский учет и аудит»  
Бабаева Г. Я.*

В 2020 году, в год развития науки, просвещения и цифровой экономики приоритетное внимание уделялось вопросам развития цифровой экономики, широкого запуска цифровых технологий во всех отраслях и сферах жизнедеятельности. Этот год стал весьма плодотворным для реализации крупных проектов в отечественной ИКТ-сфере.

Бурное развитие информационно-коммуникационных технологий, их глобальное проникновение во все без исключения сферы жизнедеятельности, коренным образом поменяло модели коммуникаций общества. Благодаря стремительному развитию ИКТ теперь возможно совершать все необходимые операции, процедуры и вести документооборот дистанционно с высокой эффективностью. И уже на сегодняшний день это происходит и дешевле, и значительно быстрее.

В масштабах всей сферы одним из главных программных документов, определяющих вектор развития ИКТ-сферы на ближайшую перспективу, является постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства»<sup>301</sup>. Согласно данному постановлению рассматривается увеличение доли цифровой экономики в ВВП страны к 2023 году в 2 раза и увеличение объёма услуг в данной сфере в 3 раза с доведением их экспорта до 100 миллионов долларов. Соответственно, в период 2020-2022 годов запланирована реализация 268 проектов по самым различным направлениям хозяйственной и экономической деятельности.

Развитие цифровой экономики в свою очередь требует наличия развитой телекоммуникационной инфраструктуры и обеспечения достаточной скорости интернета. Проблемой здесь может являться недостаточное обеспечение скоростью интернета и неразвитая система телекоммуникаций. Решение государства в том, что министерством осуществляется целый комплекс мероприятий, направленных на дальнейшее развитие отечественного телекоммуникационного рынка. За последние два года произошёл качественный скачок в развитии телекоммуникационной отрасли.

Только, в 2019 году в ходе развития телекоммуникационной инфраструктуры по Республике было установлено 490 тысяч портов широкополосного доступа, и таким образом общее количество портов

---

<sup>301</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан О Мерах по Широкому Внедрению Цифровой Экономики и Электронного Правительства №ПП-4699 28.04.2020



абонентского доступа достигло 2,5 миллиона единиц. Помимо этого, проложено около 9 тысяч километров оптоволоконных линий включая дополнительное увеличение общей инфраструктуры телекоммуникаций во всех регионах страны. В результате модернизации существующих производственных мощностей пропускная способность магистральных телекоммуникаций была увеличена в областях в два раза, а в районах — в четыре раза.

Следующей проблемой может являться отсутствие в государственных образовательных учреждениях или в других социальных сферах ИКТ. Но решением здесь послужило то, что в этом году намечено подключить к высокоскоростному Интернету 80 процентов всех общеобразовательных школ, 100 процентов дошкольных образовательных учреждений и объектов здравоохранения. В этом 2021 году все объекты социальной сферы будут обеспечены высокоскоростным интернетом, в том числе даже в самых отдаленных населенных пунктах будут созданы условия для доступа к современным телекоммуникационным услугам.

Следующей проблемой может быть то, что ИКТ не развито равномерно по всем регионам Республики. С целью дальнейшего предотвращения и устранения данной проблемы телекоммуникационной инфраструктуры в 2020 году поставлена задача внедрить не менее 800 тысяч широкополосных интернет-портов и проложить 12 тысяч километров оптоволоконных линий связи. Масштабная работа проводится и в плане повышения доступности мобильных услуг для населения. В течение двух лет в регионах будет установлено порядка 4,4 тысяч новых базовых станций мобильной связи. И основное внимание будет уделяться отдаленным населенным пунктам. Охват населения республики широкополосным мобильным интернетом будет доведен до 85 процентов. Таким образом, важнейшая задача по ликвидации цифрового неравенства между городом и районом получит свое дальнейшее воплощение.

Также за последние два года в Узбекистане были осуществлены конкретные меры, направленные на развитие электронного правительства, создание целостной системы оказания современных электронных государственных услуг.

Сегодня граждане могут получить целый комплекс услуг посредством Единого портала интерактивных государственных услуг (<https://my.gov.uz>). В настоящее время через ЕПИГУ оказывается более 200 видов госуслуг, обработано более 20,8 миллиона заявок. В числе важных проектов можно также отметить Виртуальную приёмную Премьер-министра Республики Узбекистан по рассмотрению обращений предпринимателей (“[business.gov.uz](https://business.gov.uz)”), Единую электронную систему разработки и согласования проектов нормативно-правовых актов (“[project.gov.uz](https://project.gov.uz)”), Портал открытых данных ([data.gov.uz](https://data.gov.uz)).

Таким образом, начиная с марта текущего года Министерством и его подведомственными предприятиями были предприняты все возможные меры

по защите населения страны от негативных последствий пандемии, смягчения её негативного воздействия на отрасли экономики.

## РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

*Эгамбердиева Мухлиса Шерзод қизи  
ТДИУ талабаси*

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашув даврини бошлаб бермоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодиётсиз тасаввур қилиш қийин. Масалан, Accenture konsalting компанияси 2022 йилга келиб, глобал ЯИМнинг чорак қисми рақамли соҳада бўлишини тахмин қилмоқда. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки 2019 йилда технологик гигантлар даври бошланди, бунда технологик соҳадаги 7 компания энг қиммат 10 та компаниялар рўйхатига маҳкам ўрнашиб олди. Бироқ, рақамли иқтисодиётни рағбатлантириш учун рақамлаштириш ва рақамли тижоратни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган тўсиқларни олиб ташлаш керак. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг ривожланиши индекси бўйича Ўзбекистон 170 дан ортиқ давлат ичида 103-ўринни эгаллаб турибди, масалан, Мисрдан олдинда, аммо Туркия ва Бразилиядан кейин (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси алоҳида таъкидлаб ўтилган масала «...рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. **Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.**

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор.

Сўнгги йилларда миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимида рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарори қабул қилиниши рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим кадам бўлиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи энг муҳим вазифалар белгилаб берилди:


- инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг, смарт-контракт, консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш) технологияларини жорий этиш;

- блокчейн технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши тушунадиган, амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

- крипто-активлар бўйича фаолият ва “блокчейн” технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда зарур ҳуқуқий базани яратиш;

- рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

Асосий муаммолардан бири телекоммуникация инфратузилмаси ва коммуникациясининг пастлиги. АКТга инвестицияларнинг камлиги (2017 йилдаги умумий инвестицияларнинг 2,8%) туфайли республикада базавий алоқа станцияларининг зичлиги жуда пастлигича қолмоқда (1600 аҳолига 1 та база станцияси). Бундан фарқли ўлароқ, Қозоғистондаги бундай минора 643, Россияда эса 235 аҳолига АКТ эҳтиёжларини қондиради.



**1-расм. Айрим мамлакатлар бўйича АКТ ривожланиш индекси, 2018 йил ҳолатига.**<sup>302</sup>

<sup>302</sup> Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бу эса ёмон Интернет ва уяли алоқа хизматлари рақамли иқтисодий ўсишни секинлаштириши ва рақамли тафовутни кенгайтиришига олиб келади. МДХ давлатлари билан таққослаганда, 2019 йилда Ўзбекистонда Интернетнинг ўртача тезлиги (мобил ва қўзғалмас кенг полосали) тахминан икки барабар паст эди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг куйидаги асосий шартлари ва устувор йўналишларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- рақамли технологиялар барқарор фаолият кўрсатиши учун институционал муҳит ва рақамли инфратузилмани яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;

- кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш ва бу йўналишлар бўйича чуқур билимга эга малакали дастурчилар ва инженер-техник ходимларни етиштириш, таълим тизимининг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш, шу жумладан, хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириш;

- рақамли иқтисодиёт соҳасида илмий-назарий базани мустаҳкамлаш ва бу соҳада “Рақамли ишонч” жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланган ҳолда илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Negroponte N. Being Digital / N. Negroponte. - NY: Knopf, 1995. - 256 p.

2. Лapidус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией: учебник. – М.: ИНФРА-М, 2018. – С.29.

3. Кастельс М. Галактика Интернет: Размышления об Интернете, бизнесе и обществе. Екатеринбург: У — Фактория, 2004.;

4. Паньшин, Б. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития / Б. Паньшин // Наука и инновации. – 2016. – Т. 3. – № 157. – С. 17-20.;

## **DIRECTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF DIGITAL BANKING SERVICES IN UZBEKISTAN**

*Author: H.A.To'xtasheva, student  
of Tashkent financial institute  
Research advisor: B.Tursunov, teacher  
of Tashkent financial institute*

The role of the banking system in increasing economic activity and accelerating the process of technical and technological modernization of production in our country is of particular importance. After all, the successful implementation of large investment projects without the participation of banks is a complex process. This is because the increase in investment activity and sustainable economic growth in the country is largely due to the state of the banking system and its efficient operation. The process of further improving the banking system of the republic, expanding the freedom of business entities and increasing their responsibility for their own end results has been significantly developed in recent years. In this regard, the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev, who comprehensively assessed the current challenges facing the economy of the country, addressed the Parliament on the most important priorities of the country's development in 2019: “The Government and the Central Bank develop a long-term strategy for the development of the banking and financial system. At the same time, we will gradually reduce the share of state-owned banks due to the inflow of private and foreign capital into the banking system. This will serve to improve the competitive environment in the industry, comprehensively improve the activities of commercial banks, the quality and culture of lending”<sup>303</sup>. Indeed, the future of banks is greatly influenced not only by the global context, but also by interbank relations, relationships with customers and competitors. Relationships with competitors need to be considered in determining the factors that will help you choose the right banking strategy. At the same time, along with the analysis of competitors, it is advisable to introduce digital banking services in the banking system, which will lay the foundation for increasing the competitiveness of the bank. In this regard, the relationship with the improvement of the use of bank plastic cards is one of the most pressing issues facing the economy of our country.

In the context of financial globalization, competition between banks to attract large corporate clients has intensified, and the market of retail banking services in Uzbekistan is becoming one of the most promising areas for ensuring bank income and competitiveness. At the same time, the retail market has a special place in the banking services market, which is mainly aimed at meeting the demand of the

---

<sup>303</sup> O‘zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2018 yilda amalga oshirilgan asosiy ishlar yakuni va O‘zbekiston Respublikasini 2019 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Oliy Majlisga Murojaatnomasi <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyevning-oliy-22-12-2017>

population for financial and banking services. It is known that retail banking services have a number of features, in particular, the main consumers are individuals, although the volume of transactions is small, the costs are higher than corporate banking services, the services meet individual requirements. will be focused.

The volume of retail banking services provided by commercial banks of the country is growing every year. The number of deposits for the population is growing, the volume of transactions with plastic cards is growing, the practice of issuing consumer and mortgage loans is improving. The task of most commercial banks is to increase the number of customers and demonstrate the quality of services in free competition. is to ensure speed. All these results can certainly be achieved by expanding digital banking services. In this regard, the formation of a marketing strategy for the development of retail banking services in the country, taking into account the needs of customers in retail banking services, the scientific solution of the problem of appropriate segmentation of the retail services market based on banking competitiveness is important advantage.

The new financial services introduced in the activities of banks, new banking products are not developed independently by commercial banks, but as a result of reforms implemented by the government. However, commercial banks have a separate form of ownership and are independent organizations.

One of the most popular types of retail banking services is plastic card services. Plastic cards are convenient for banks and the public. Also, today the payment for various products and services through the Internet and electronic systems is improving. The widespread use of plastic cards and mobile communication is laying the groundwork for the development of the industry. In particular, the use of information and communication technologies in such areas as consumer credit, remittances, deposit operations is in its infancy.

The use of modern technologies in the banking system to meet modern requirements is a topical issue. Undoubtedly, the most important issue is the active introduction of digital banking services, especially Internet banking, on the basis of such modern technologies.

Due to the rational use of e-commerce and e-payment opportunities by businesses, small businesses and private entrepreneurship, there are ample opportunities to find business partners, conclude contracts, enter foreign markets quickly, which will increase their competitiveness. serves as. In turn, this situation ensures the stability of our national economy.

In our opinion, in order to develop digital banking services in our country, it is expedient to:

1. Offer this service to every customer who visits the bank about the services provided by commercial banks through the system of plastic cards and show them in the appropriate waiting rooms of banking institutions by creating special videos, available to the public through the website more extensive introduction;

2. Expanding the capabilities of special programs for the use of remote account systems ("SMS-banking", "Internet-banking", "Mobile-banking") through bank plastic cards;

3. More complex systems of remote banking services, such as ordering loans to customers, calculator of loan and deposit interest, as well as entering information about the customer's own account into their computer, additional banking services development of creative opportunities;

4. The use of remote banking services (internet banking, online banking) in the banks of the country in order to attract free funds of the population and businesses to the banking sector and increase the profitability of the bank and increase the range of their services. , Modern banking services such as "bank-client" systems (PC-banking, home-banking, telephone banking), mobile-banking systems (SMS-banking, advance SMS-banking, STK-banking, Java-banking, WAP-banking) further development of species;

5. Increasing the number of services offered in Internet banking and creating conditions for the system to work in an integrated manner with banking accounting, etc.

## **RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BYUDJET TASHKILOTLARIDA TOVAR-MODDIY ZAHIRALAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH**

*Toshkent moliya instituti “Byudjet hisobi va  
g‘aznachilik ishi” kafedrasida katta o‘qituvchisi  
Ramazonov Akmal Samadovich*

Davlat funksiyalarini amalga oshirish uchun belgilangan tartibda davlat hokimiyati organlarining qaroriga ko‘ra tashkil etilgan hamda davlat byudjeti mablag‘lari hisobidan saqlab turiladigan notijorat tashkilotlar, bu — **byudjet tashkilotlaridir. Byudjet tashkilotlari** o‘z faoliyatlarini amalga oshirishlari uchun belgilangan normativlarga asosan ma‘lum miqdorda tovar-moddiy zahiralari(TMZ)ga ega bo‘lishlari kerak. Tovar-moddiy zahiralari (TMZ) byudjet tashkilotlarining faoliyatini normal davom etishini ta‘minlaydi. “... Davlat byudjeti o‘lchovsiz emas, mablag‘larni qattiq tejash, belgilangan maqsad uchun va oqilona ishlatishni ta‘minlash ... hammaga ravshan va rad etib bo‘lmaydigan haqiqat”<sup>304</sup> ekanligini hisobga olib, byudjet tashkilotlarining cheklangan mablag‘laridan oqilona foydalanilishida TMZ hisobini to‘g‘ri tashkil etilishi muhim hisoblanadi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida byudjet tashkilotlarida ishlab chiqarish zahiralariidan foydalanish ustidan nazoratni kuchaytirish, ularning oqilona sarflanishiga rioya qilish, mahsulot tannarxida moddiy xarajatlarning salmog‘ini minimallashtirish, ularning hisobini to‘g‘ri tashkil etish borasida byudjet


---

<sup>304</sup> Sh.M. Mirziyoyev Tanqidiy tahlil, qat‘iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – Toshkent: —“O‘zbekiston” NMIU, 2017.

tashkilotlari foydalanadigan “UzASBO” dasturiy majmuasi imkoniyatlaridan to‘liq foydalanish va takomillashtirish masalalariga alohida e’tibor berish lozim.

Ishlab chiqarish zahiralari - bir ishlab chiqarish jarayonida qatnashib, o‘z qiymatini ishlab chiqarilgan mahsulot qiymatiga shu davrning o‘zida to‘la o‘tkazadigan zahiralarga aytiladi. Ishlab chiqarish zahiralari, asosiy vositalardan farqli ravishda, bir ishlab chiqarish jarayonida qatnashib, o‘z qiymatini ishlab chiqarilgan mahsulot qiymatiga shu davrning o‘zida to‘la o‘tkazadi.

TMZning tarkibiga oziq-ovqat mahsulotlari, xizmat ko‘rsatish va qurilish materiallari, harbiy qurol-aslahalar, asosiy vositalar uchun ehtiyot qismlari, strategik zahiralari (masalan, energiya resurs zahiralari), muomalaga chiqarilmagan pul belgilari, sotish uchun mo‘ljallangan pochta inventarlari va boshqalar kiradi (1- chizma):



### 1-chizma. Byudjet tashkilotlarida tovar-moddiy zaxiralarning turlari<sup>305</sup>.

Byudjet tashkilotlarida tovar-moddiy zaxiralarning hisobini tashkil etishga doir 12-son DSBHXS (IPSAS) “Zahiralari”, 4-son BHMS “Tovar-moddiy zahiralari”, 7-son BHS “Tovar-moddiy zahiralari” hamda mavzuga oid boshqa ko‘pgina adabiyotlar o‘rganildi.

M.T. Xaydarov tomonidan byudjet tashkilotlarida tovar-moddiy zahiralari harakatlarini to‘g‘ri aks ettirish, ularning kirimi va belgilangan me‘yorlar ososida chiqimini to‘g‘ri tashkil etish masalalari, S. N.Tashnazarov tomonidan tovar-moddiy zahiralari tannarxini shakllantirish va ularni moliyaviy hisobotda aks ettirish masalalari hamda buxgalteriya balansida Zahiralari tarkibini takomillashtirish, A.Ostonokulov, X.Iskanovlar tomonidan tovar-moddiy zahiralarning saqlanishi, inventarizatsiyani tashkil etishning MDH mamlakatlari tajribasi, A.To‘rayev, A.Norquchqorovlar tomonidan byudjet tashkilotlarida tovar-moddiy zahiralari hisobini tashkil qilishdagi mavjud muammolar va ularni byudjet

<sup>305</sup> 7-sonli BHS asosida muallif tomonidan tayyorlangan.



hisobi standarti bo'yicha kutilayotgan yechimlari bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan va tahlil qilingan.

Sohaga doir boshqa adabiyotlarda ham zahiralarning tannarxi hisobi va hisobotining standartlarga uyg'un jihatlari aks ettirilgan. Ushbu yuqoridagi xorijiy va mahalliy adabiyotlarda tovar-moddiy zahiralarning hisobini olib borish, kirimi va chiqimini moliyaviy hisobotlarda aks ettirish masalalari o'rganilgan bo'lib, lekin hozirgi raqamli iqtisodiyot talablaridan kelib chiqib, tovar-moddiy zahiralari hisobini olib borishda zamonaviy elektron dasturlarning imkoniyatlarini oshirish va ularni takomillashtirish, dasturiy majmuani integratsiyalashtirish masalasiga yetarlicha ahamiyat qaratilmagan. Shu nuqtai nazardan ushbu tadqiqot ishi dolzarb masalalardan hisoblanadi.

4-sonli BHMS da keltirilishicha, **tovar-moddiy zahiralarning** — keyinchalik sotish maqsadida normal faoliyat yuritish jarayonida tutib turiladigan va ishlab chiqarish jarayonida mavjud bo'lgan, shuningdek mahsulot ishlab chiqarish, ishlarni bajarish yoki xizmatlar ko'rsatish jarayonida yoxud ma'muriy va ijtimoiy-madaniy vazifalarni amalga oshirish uchun foydalaniladigan moddiy aktivlardir.

Mahsulot (tovar, ish va xizmatlar) ishlab chiqarish bilan shug'ullanuvchi byudjet tashkilotlari uchun TMZ hisobining vazifalariga quyidagilar kiradi:

- TMZ harakati bilan bog'liq o'zgarishlarni o'z vaqtida tegishli hujjatlarda rasmiylashtirish
- Moddiy-texnika ta'minoti rejasining bajarilishi ustidan nazorat olib borish
- TMZning ishlab chiqarishga to'g'ri berilishi va sarflanishi me'yoriga rioya etilishni nazorat qilish
- Mahsulot tannarxini hisoblashda sarflangan TMZlarni kalkulyatsiya obyektlariga to'g'ri taqsimlash
- Ichki resurslarni ishga solish maqsadida oqtiqcha va foydalanilmayotgan TMZlarni aniqlash va sotish;
- TMZning butligini saqlash, ombor xo'jaligini yuritish va inventarizatsiyani o'tkazish;
- ishlab chiqarish zahiralarni saqlanishi ustidan nazorat o'rnatish;
- ombordagi mavjud ishlab chiqarish zahiralarning belgilangan me'yoridan oshmayotganligini nazorat qilish;
- ishlab chiqarish zahiralarning kelib tushishi, saqlanishi va sarflanishi bilan bog'liq bo'lgan xo'jalik jarayonlarini hujjatlarda to'g'ri rasmiylashtirish;
- ishlab chiqarishga sarflanayotgan zahiralarning belgilangan me'yorlariga amal qilishini va kalkulyatsiya obyektlari bo'yicha to'g'ri taqsimlashni nazorat qilish

### 2-chizma: TMZ hisobining vazifalari<sup>306</sup>

12-son DSBHXS (IPSAS) ga asosan: Tovar-moddiy zahiralarning—bu quyidagi aktivlardir:

- odatdagi faoliyat doirasida sotish uchun mo'ljallangan;
- bunday sotuv uchun ishlab chiqarish jarayonida bo'lgan;

<sup>306</sup> Muallif tomonidan Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik. 196-199 betlar ma'lumotlari asosida tuzilgan

•ishlab chiqarish jarayonida yoki xizmatlar ko'rsatilishida foydalanilishi ko'zlangan xomashyo va materiallar boshqa aktivlar.

TMZlar hisobini yuritishda byudjet tizimi subyektlari:

- moddiy boyliklardan foydalanish ustidan nazoratni kuchaytirish;
- xo'jasizlikka qarshi kurashish;
- mahsulot tannarxida moddiy xarajatlarning ulushini kamaytirib borish

vazifalariga alohida e'tibor berishi lozim.

Byudjet tashkilotlarida tovar-moddiy zahiralari hisobini tashkil etish va yuritishning o'ziga xos jihatlari, normativ huquqiy hujjatlar talablari va byudjet hisobi standartlari qoidalari hisobga olingan holda tizimli tahlil, analiz, sintez, taqqoslash, qiyosiy tahlil va boshqa shu kabi bir qancha tadqiqot usullaridan foydalanish asosida ilmiy xulosalarga kelindi.

2020 yilning 1 iyulidan amalga kiritilgan yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Buxgalteriya hisobining milliy standarti «Tovar-moddiy zahiralari» (4-son BXMS) ni qabul qilishdan asosiy maqsad – TMZni hisobga olishga doir to'plangan mahalliy va xalqaro amaliyotni, qonun hujjatlaridagi o'zgartirishlarni inobatga olgan holda ayrim normalarni qayta ko'rib chiqish, shuningdek muayyan tahririy o'zgartirishlar kiritishdan iborat. Fikrimizcha, bu bilan hisob tizimini xalqaro normalarga yaqinlashtirish borasida muxim qadam tashlandi. Lekin sohada o'z yechimini kutayotgan ko'pgina muammolar mavjud.

Respublikamiz soliq ma'muriyatchiligida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llashni kengaytirish, o'zaro hisob-kitoblar tizimida elektron shakldagi hisobvara-fakturalardan foydalanishni takomillashtirish natijasida 2020 yil 1 yanvardan boshlab barcha xo'jalik yurituvchi subyektlar uchun hisobvara-fakturalarni elektron shaklda rasmiylashtirish, saqlash va hisobini yuritish tizimi majburiy tartibda joriy etildi. Elektron shakldagi hisobvara-fakturalardan foydalanishga o'tish mahsulot (tovar, ish va xizmatlar) ishlab chiqarish bilan shug'ullanuvchi byudjet tashkilotlari uchun ayrim salbiy oqibatlarni keltirib chiqarmoqda.

Bu borada qabul qilingan Vazirlar Mahkamasi qarorida byudjet tashkilotlarining ushbu tizimdan foydalanishiga oid me'yor kiritilmagan hamda tizim operatorlarida (e-faktura.uz, faktura.uz, soliqservis.uz va boshqalar) byudjet tashkilotlarining manfaatlariga mos ta'riflar yo'q. Bizning fikrimizcha, byudjet tashkilotlarining davlat va jamiyatdagi tutgan o'rni va ahamiyatini inobatga olgan holda, ular uchun mos alohida (tekin) ta'riflar yaratilishi maqsadga muvofiq. Hozirda bunday tekin xizmat turi faqat, [didox.uz](http://didox.uz) tizimida taklif etilgan bo'lib, ko'pgina byudjet tashkilotlari ushbu tizimdan foydalanmoqda. Bu esa byudjet tashkilotlari rouming operatorlarini erkin tanlashiga cheklov bo'lib qolmoqda.

**Xulosa va takliflar:** Respublikamizdagi byudjet tashkilotlari hozirda amalda foydalanayotgan "UzASBO" dasturiy majmuasida TMZ hisobini olib borishda bir qancha ketma-ketlikdagi murakkab buxgalteriya amallarini bajarishga to'g'ri kelmoqda. Sotib olingan TMZni balansga kirim qilishdagi "Spravochnik TMZ" bo'limida TMZning alohida ro'yxatini shakllantirish, kirim qilinadigan bo'limni tanlash, provodkani tanlash kabi amallar shular jumlasidan. TMZ sotib olishda MEB tashkilotga ishonchnoma berish funksiyasi ham dasturiy majmuaning

“Hujjatlar” menyusida “Ishonchnoma” bo‘limida mavjud bo‘lib, ishonchnoma elektron shaklda rasmiylashtiriladi, lekin, uni mol yetkazib beruvchi tashkilotga elektron yetkazib berish va ulardan elektron hisobvaraƒ-fakturalar orqali mahsulot(ish va xizmat)larni qabul qilish imkoniyati mavjud emas.

Yuqorida keltirilgan fikr va mulohazalardan kelib chiqib, “UzASBO” dasturiy majmuasining internet tarmog‘i vositasida ishlashini inobatga olgan holda, uning raqamli texnologiyalar asosida integratsiyalashuv imkoniyatlarini oshirish zarur. Buning uchun “Hujjatlar” menyusida “Elektron hisobvaraƒ-faktura” oynasini kiritish, ushbu oynada routing operatorining barcha funksiyalarini o‘zida jamlagan tizim yaratilishi, byudjet tashkilotlari uchun yanada samarali bo‘ladi degan yakuniy xulosaga kelindi. Dasturiy majmuaning raqamli texnologiyalar asosida integratsiyalashuv imkoniyatlarini oshirish uchun, quyidagi tizimli ishlarni amalga oshirish zarur deb hisoblaymiz:

**Birinchidan**, “UzASBO” dasturiy majmuasining menyusiga ba’zi bir o‘zgartirishlar kiritib, “Hujjatlar” bo‘limida “Elektron hisobvaraƒ-faktura” oynasini yaratish. Ushbu oyna orqali elektron shakldagi barcha hujjatlarning aylanishini yo‘lga qo‘yishni takomillashtirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish zarur.

**Ikkinchidan**, “Elektron hisobvaraƒ-faktura” oynasi orqali mahsulot (tovar, ish va xizmatlar) ishlab chiqarish bilan shug‘ullanuvchi byudjet tashkilotlari uchun o‘zlarida yaratilgan mahsulot (tovar, ish va xizmatlar) uchun buyurtmachi(kontragent)lar bilan tuziladigan shartnomalarni elektron raqamli imzo yordamida elektron tarzda yuborish, buyurtmachilardan ishonchnomalarni elektron tarzda qabul qilishni yo‘lga qo‘yish.

**Uchinchidan**, dasturiy majmuaning “Elektron hisobvaraƒ-faktura” oynasi orqali mol etkazib beruvchi (MEB) tashkilotlardan kelgan elektron hisobvaraƒ-fakturalar orqali mahsulot(ish va xizmat)larni qabul qilib, tegishli provodkalarini avtomatik to‘g‘ridan-to‘g‘ri tarzda shakllantirish orqali, mahsulot(ish va xizmat)larni xarajat moddalariga taqsimlagan holda tegishli bo‘limda hamda balansda aks ettirilishini ta’minlashga xizmat qiladigan tizim yaratish zarur.

**To‘rtinchidan**, “Elektron hisobvaraƒ-faktura” oynasi orqali mol etkazib beruvchi (MEB) tashkilotlarga elektron shaklda ishonchnoma rasmiylashtirish, uni tashkilotning ishonchli shaxsining elektron imzosi yordamida tasdiqlab, mol yetkazib beruvchi tashkilotga elektron yetkazish imkoniyatini yaratish kerak.

**Natija**, biz tomondan ilgari surilayotgan taklif asosida “UzASBO” dasturiy majmuasining menyusida “Elektron hisob faktura” oynasi yaratilishi orqali barcha byudjet tashkilotlarida elektron hisob fakturalarni qabul qilish TMZ hisobini yuritishda inson omilini kamaytirib, balansga avtomatik ravishda kiritilishiga erishamiz. Ya’ni, balansga kiritish jarayonida “Spravochnik TMZ” bo‘limida alohida ro‘yxat shakllantirish, kiritiladigan kerakli bo‘limni va provodkani tanlash, dasturiy majmuada avval shakllantirilgan ishonchnomani belgilash kabi murakkab amallar ketma-ketligini bajarish uchun ketadigan vaqt hamda tushunmovchiliklarni oldini olishga erishamiz.

Byudjet tashkilotlari tomonidan yaratilayotgan mahsulot (ish, xizmat)lar miqdori va ularning byudjetdan tashqari tushumlari miqdori qanchaligini nazorat qilish imkoniyati yaratiladi.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ГИДРОЭНЕРГЕТИК ОБЪЕКТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Маматқулов Дилмурод Абдуганиевич  
ТашДТУ "Гидроэнергетика ва гидравлика"  
кафедраси катта ўқитувчиси;  
Каримов Абдирауф Азамат ўғли  
ТашДТУ "Гидроэнергетика ва гидравлика"  
кафедраси 2- босқич 164-19 Э(ГЭ) гуруҳ талабаси*

Жамиятнинг ривожланиши сувдан фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Ҳатто ибтидоий даврларда ҳам дарёлар, кўллар ва денгизлар одамларнинг яшаш жойларидаги энг муҳим омил бўлган. Улар инсонларнинг сув ва озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондирган, табиий алоқа йўллари сифатида хизмат қилган. Дунё бўйлаб инсоният цивилизациясининг тарқалиши дарёлар ва денгизлар орқали ўтган. Дунёдаги деярли барча йирик шаҳарлар (шу жумладан кўплаб давлатлар пойтахтлари) дарёлар бўйида, денгиз соҳилларида жойлашган. Суғориладиган деҳқончилик ва умуман замонавий цивилизация дунёнинг Янгзе, Сарик дарё, Ганг, Ҳинд, Нил, Дажла ва Фурот, Амударё ва Сирдарё сингари йирик дарёларининг куйи оқимлари ва делталарида пайдо бўлган. Дарё водийлари унумдор бўлган мўл-кўл дарёлар қадимги цивилизация марказлари бўлган.

Бугунги кунда ҳам сув (гидро) ресурслари истисодиётда саноат учун зарур бўлган энергия манбаи ҳисобланади. Гидроэлектр станциялари энергия таъминотининг сифатини таъминлашда, суткалик юкланиш графикларининг ПИК қисмини қоплашда, частота ва кучланишни тартибга солишда, ИЭС ва АЭСларнинг бир хил иш режимларини таъминлашда, ишлашнинг ишончилиги ва самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди. Қисқа муддатли операцион ва фавқулодда қувват захираси вазифасини бажарадиган электр юкланишидаги кутилмаган ўзгаришларни қоплаш учун фойдаланилади. Ҳозирги вақтда саноат объектларининг асосий жиҳозларининг 65 фоизга яқини ишлаш муддатини ўтаб бўлган. 2009 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда, агар техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш бўйича зарур чоралар кўрилмаса, унинг ишлаш муддатини ишлаб чиққан қувват улуши 90 фоизгача камайиши мумкин, бу эса хавотирли ҳолатни келтириб чиқариб, маълум гидроэлектр станцияларида ускуналар бутунлай ишламай қолиши мумкин. Гидроэнергетика соҳасининг ҳозирги ҳолатини, шунингдек, мамлакатнинг ягона энергия тизимининг ишончли ва муаммосиз ишлаши учун шароит яратишда гидроэнергетик объектларнинг глобал инфратузилма ролини ҳисобга олган ҳолда шароит яратиш, муаммоларини ҳал қилиш учун сифат жиҳатидан янгича ёндашув зарур.

Гидроэнергетик объектларнинг ишончилиги ва хавфсиз ишлашини таъминлаш учун шароит яратиши керак бўлган рамка, ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва услубий таъминотдир. Хусусан, гидроэнергетика бўйича давлат техник сиёсати институтини яратиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий базани доимий мониторингини ва янгиланишини таъминлаш, яратилаётган меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан зарурий назоратни таъминлаш масаласи жуда долзарбдир. Ҳозирги вақтда янги гидроэнергетик объектларни қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш (реконструкция қилиш) нуқтаи назаридан соҳага сармояларни жалб қилиш масаласига сифат жиҳатидан янгича ёндашув зарур. Саноатнинг юқори "капитал интенсивлиги" ва гидроэнергетикада эгаллик тузилишини ҳисобга олган ҳолда, гидроэнергетикани ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш масаласи ўта долзарбдир. Бундан ташқари, мамлакатдаги органик ёқилғи захираларининг (нефть, табиий газ) доимий равишда камайиб боришини ҳисобга олган ҳолда, атмосферага чиқадиган атроф-муҳит чиқиндиларини камайтириш масаласининг долзарблиги, ишлаб чиқаришдаги ресурслар ва харажатларни тежаш ва унинг самарадорлигини оширишда қуйидаги масалалар долзарб бўлиб қолмоқда: энергия ишлаб чиқаришнинг инновацион ва самарали усулларини жорий этиш (технологик инновациялар); ишлаб чиқариш активларини бошқариш тизимини модернизация қилиш, уларнинг самарадорлиги ва амалдаги бошқарув тизимининг ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш (технологик бўлмаган янгиликлар); энергия тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Соҳанинг юқоридаги устувор масалалари ҳукумат иштирокисиз ҳал этилмайди. Давлат гидроэнергетикани ривожлантириш ва гидроэнергетик объектлар учун рақобатдош устунликларни яратиш учун локомотивга айланиши керак. Юқорида айтилганларнинг барчаси мавжуд гидроэнергетик ишлаб чиқариш мажмуаси учун янги бошқарув тизимини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган ишлаб чиқариш мажмуасини бошқаришни институционал ташкил этиш асосида гидроэнергетика саноатининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий концепция ишлаб чиқиш таклиф этилади:

1. Иш самарадорлигини ошириш учун институционал таркибдаги илмий тавсиялар ишлаб чиқиш; сув ва энергетикани тартибга солиш самарадорлигини ошириш ва энергия самарадорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини энергия тежаш орқали ишлайдиган ГЭСларнинг ишлаб чиқариш комплекси.

2. Саноат активларини ҳаётий цикли нархини минималлаштириш ҳисобига саноатни модернизация қилиш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш, капитал таъмирлаш жараёнларига хизмат кўрсатиш учун молиявий ресурслар харажатларини камайтириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

3. Гидроэнергетика саноатининг ишлаб чиқариш активларини бошқариш бўйича институционал тизимнинг меъёрий-услубий базасини ривожлантириш бўйича қуйидаги асосий йўналишлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш: қонунчилик базасини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш фондларини реконструкция қилиш ва модернизация қилиш учун солиқ имтиёзлари, гидроэнергетика корхоналарининг кредит имкониятлари, гидроэнергетика иншоотларини қуриш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан биргаликда молиялаштириш.

4. Гидроэнергетикада давлат техник сиёсати институтини яратиш зарурияти, шунингдек гидроэнергетикада давлат техник сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, назорат қилиш учун жавобгарлик жараёнлари бўйича институционал таркибга оид таклифлар ишлаб чиқиш.

Йирик гидроэнергетик объектларини қуриш кўламининг ўсиши ва марказлашган энергия таъминотининг ривожланиши билан мамлакатда кичик гидроэлектростанциялар қурилишига ҳам эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

*Ахметжон Атажанович Маматов профессор МГ ХТИ.  
Сардор Ахметжанович Маматов ТДИУ тадқиқотчиси  
Абдужаббаров Абдурашул Абдурашид ўгли  
АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” марказий идораси ходими*

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида “КОВИД-19” пандемияси туфайли юзага келган молиявий-инқироз сабабли халқаро муносабатларнинг кескинлашуви натижасида тижорат банкларининг иқтисодий хавфсизлигига юқори таълабларни қўйилмоқда. Тижорат банкларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда юзага келаётган таҳдидларга тезкор жавоб бериш, уларнинг банклар фаолиятига салбий таъсирини олдини олиш ёки минималлаштириш имконини берувчи янги механизм ва инструментларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни долзарб қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Марказий банкнинг асосий регулятори бўлмиш, қайта молиялаш ставкасини ўрнатишнинг халқаро методикасидан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг очиклиги ва молия бозорларининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳани янада ривожлантириш белгиланган<sup>307</sup>. Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб

---

<sup>307</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига олиб келади. Мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этиш тижорат банкларининг молиявий ресурслар билан таъминлашнинг энг қулай инструменти ҳисобланади. “Банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш эътиборимиз марказида бўлади. 2021 йилда “Саноатқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотека банк”, “Алоқабанк”, “Туронбанк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк”ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади. Бу борада етакчи Европа банклари билан музокаралар олиб борилмоқда”<sup>308</sup>.

Миллий хавфсизликнинг энг муҳим иқтисодий, ахборот, ижтимоий ва экологик йўналишлари бўлиб, улар миллий хавфсизлик тушунчасининг ташкил этувчилари ҳисобланади. Кредит ташкилотлари хавфсизлигини таъминлашнинг мураккаблиги шундаки, жиноий-криминал таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича фаолият қонунда банк муассасаларининг ўзига юклатилган. Кенг маънода, хавфсизлик жамиятда, давлат ва унинг фуқароларини турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш энг муҳим вазифаси сифатида белгилайди. Ўрта асрларда давлатчиликнинг ривожланиши билан хавфсизлик, жамиятдаги инсонларнинг маънавий - ахлоқий меъёрларини шакллантирадиган ва унга бўлган ишончни мустаҳкамлайдиган муҳим атрибут сифатида қаралган.

Келтирилган турли тарихий даврлардаги хавфсизлик масалалари бўйича таниқли иқтисодчиларнинг ёндашувлари шуни кўрсатадики жамиятнинг хаётий фаолияти хавфсизлигини таъминлаш масаласи инсоният тарихининг барча даврларида долзарб бўлиб келган. Жамиятда хавфсизликни таъминлаш муаммоси бўйича замонавий қарашларнинг муаллифи В. Паретто бўлиб ҳисобланади. В. Паретто ўзининг тадқиқотларида “жамиятдаги хавфсизлик биринчи навбатда маълум ички ва ташқи параметрларга ўзаро боғлиқ бўлган учта ташкил этувчилар: сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва давлатнинг мудофа қобилятига боғлиқ”<sup>309</sup> эканлиги таъкидлаган.


Хавф-хатарсиз мавжуд бўлиш ва ривожланиш ҳар қандай алоҳида олинган инсон, инсонлар жамиятлари ва на давлат эриша олмаган. Инсоннинг ҳар қандай фаолият соҳасини хавф - хатарлардан ҳимоя қилиш қийин.

Бизнинг миллий ва тижорат банкларининг иқтисодий хавфсизлиги (ТБИХ) таъминлаш тизими тузилмаси тўғрисидаги қарашларимиз 1 расмда

<sup>308</sup>. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент.// Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.

<sup>309</sup> Ефимов В.В. Экономическая безопасность в системе обеспечения национальной безопасности государства // Вестник Академии. -2014. - № 4. - С. 143-149.

тақдим этилган, бу ерда миллий хавфсизлик таркибида биз банкларнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган давлатнинг иқтисодий ва молиявий хавфсизлигини ажратиб кўрсатилган.



**Расм 1. Миллий хавфсизлик тизимида тижорат банкларининг иқтисодий хавфсизлиги таркибий тузилмаси**

Тижорат банкларининг фаолияти кўплаб таҳдидларга, ноаниқликларга, уларнинг ўзгарувчанлигига, таъсирларнинг турли даражадалиги ва мураккаблиги билан боғлиқ. Шундай қилиб, ТБИХ таъминлаш тизимини шакллантиришнинг асосий мақсади ушбу шароитларда унинг барқарор иш фаолиятини таъминлашдир.

Тижорат банклар жуда қийин ва мураккаб даврда фаолият юритмоқда ва яқин истикболда ушбу тенденция сақланиб қолади. “Шу сабабли, банкларнинг молиявий хавфсизлик даражасини доимий баҳолаб бориш ва таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш лозим”<sup>310</sup>. Бугунги кунда тижорат банкларининг молия-хўжалик фаолияти хавфсизлиги тизими олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш уларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. ТБИХни таъминлашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хавфсизлик таҳдидларини аниқлаш ва уни бартараф этиш;
- махфийлик ва эҳтиёж даражасига қараб ахборотларни тақсимлаш;
- ахборот оқимларининг хавфлилик даражасини аниқлаш;
- хавфсизлик таҳдидларига тезкор оператив жавоб бериш механизминини амалга ошириш;
- ҳуқуқий чора-тадбирлар, муҳандислик-техник воситалар, банк ресурсларига таҳдид ва тажовузларнинг олдини олиш хавфсизликни таъминлаш инструментларини ишлаб чиқиш;

<sup>310</sup> Бурхонов А. Молиявий хавфсизлик ўқув қўлланма. – Т: “Маънавият”, 2019.- Б.203.



• хавфсизликка таҳдидларни башорат қилиш, аниқлаш ва уни бартараф этиш;

• учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан етказилган зарарни максимал даражада қоплаш ва уни локаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш.

## **ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ЎРНИ**

*Ахметжон Атажанович Маматов профессор МГ ХТИ.  
Сардор Ахметжанович Маматов ТДИУ тадқиқотчиси  
Абдужаббаров Абдурасул Абдурашид ўғли  
АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” марказий идораси ходими*

Бугунги тез ўзгарувчан шароитда мамлакат банк тизимининг беқарорлиги унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг илмий асосланган ва яхши ташкил этилган, умумлаштирилган концепциясининг йўқлиги билан кескинлашмоқда. Банк фаолиятини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг устувор масалаларига қуйидагилар: молиявий ресурслар ва ахборотларни узлуксиз етказиб бериш; тижорат банкининг мол-мулкни ва ходимларини ҳимоя қилиш; банк тизимини ҳимоя қилиш воситалари ва механизмларини яратиш; кредитларни қайтишини таъминлаш; рентабелликни ошириш; ликвидликни сақлаш ва рискларни камайтириш киради.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш асосида уларни молиявий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган<sup>311</sup>.

Банкларнинг молиявий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда унинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига олиб келади. Тижорат банкларини молиявий хавфсизлигини оширишда мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этиш тижорат

---

<sup>311</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

банкларининг молиявий ресурслар билан таъминлашнинг энг қулай воситаси ҳисобланади.

"Иқтисодий хавфсизлик" тушунчаси таркибий жиҳатдан молиявий, инвестицион, интеллектуал, инновацион, энергетик, илмий-техник, ахборот, нарх, валюта, ҳуқуқий хавфсизликларни ўз ичига олади. Бугунги кунда иқтисодий адабиётлардаги мавжуд бўлган ёндашувларни умумлаштириб, биз банк тизимининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш - бу банк тизимини ва унинг алоҳида бўғинларининг (тижорат банклари, банкдан ташқари кредит ташкилотлари) шундай ҳолатики унда маълум муайян бир гуруҳ шахслар ва ташкилотларнинг мақсадли ҳаракатлари ёки банкларнинг ички ва ташқи тизимида юзага келадиган молиявий вазиятлар натижасида унинг молиявий барқарорлиги ёки обрў-эътиборига путур етказа олмайдиган ҳолат тушунилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, респондентларнинг аксарияти иқтисодий хавфсизлик таркибида унинг ташкил қилувчиларининг таъсири қуйидаги кетма-кетлик тартибида жойлашган деб ҳисоблашади: молиявий, ахборот, инвестициявий, инновацион, интеллектуал, нархли, валютали, илмий-техник, шахс, ҳуқуқий, энергетик. Ўтказилган тадқиқот асосида экспертларнинг хулосаларига таяниб, тадқиқот ишимизда молиявий хавфсизликни таъминлаш ва унинг тижорат банкларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасига таъсирига алоҳида эътибор қаратамиз.



**Расм 1. Иқтисодий хавфсизликнинг таркибий тузилмаси**<sup>312</sup>

Молия – бугунги кунда жамиятнинг асосий иқтисодий механизмининг энг муҳим элементи – ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш асосида пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий муносабатлар тизимидир. Давлатнинг молиявий барқарорлиги - бу молия ва

<sup>312</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

молия институтларининг шундай ҳолатики, унда, миллий иқтисодий манфаатларнинг кафолатланган ҳимояси таъминланади. Давлатда иқтисодиётни мутаносиб равишда, ижтимоий йўналишларда ривожланишини, бутун молия тизимини, молия муносабатларини кафолатли ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳолати бўлиб ҳисобланади.

Ички ва ташқи жараёнларни ривожлантиришнинг энг ноқулай шароитида, молиявий барқарорликка ички ва ташқи таҳдидларга муваффақиятли қарши тура олиши билан бирга, молия институтларининг миллий молия манфаатларини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш механизмларини шакллантириш ва уни ҳимоя қилишга тайёрлиги ва унга қобилиятлиги, ҳамда молиявий тизимнинг яхлитлиги ва бирлигини сақлаб қолиш учун зарурий, етарли иқтисодий салоҳият ва молиявий шароитлар билан тавсифланади. Юқоридагиларга асосланиб ва тижорат банкининг ўзига хос хусусиятларини билиш орқали тижорат банкининг молиявий барқарорлига баҳо бериш мумкин.

Банк фаолиятида молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий вазифалари ва хусусиятлари - бу банк хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлардир. Ички таҳдидларнинг олдини олишда, хусусан, бу банк хизматлари бозорини фаол маркетинг орқали ўрганиш ва энг илғор технологияларни жорий этиш, потенциал мижозлар ва қарз олувчиларнинг тўлов қобилиятини чуқур ўрганишдир.

Банк фаолиятининг молиявий барқарорлигига эришиш-бу унинг уставида келтирилган мақсад ва вазифаларини тўла амалга оширишда ва унинг низомида назарда тутилган банк фаолиятининг барча турларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишда намоён бўладиган банкнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш жараёнидир. “Демак банкнинг молиявий хавфсизлиги ўз капиталининг етарлилик даражаси; мижозлар, жамият ва давлатнинг манфаатлари ҳимоя қилинганлиги; молиявий барқарорлик, ички ва ташқи рискларларга нисбатан барқарорлик даражаси сифатида талқин қилинади<sup>313</sup> .

**Сулаймонов И.Б.**  
**Российский экономический университет**  
**имени Г. В. Плеханова, г. Москва,**  
**магистр, 1 курс, направление**  
**подготовки «Экономика»**

Цифровая трансформация отраслей – огромная возможность для дальнейшего развития промышленности и общества. Быстрые достижения в области цифровых технологий – это переориентация направления развития.

---

<sup>313</sup> Бурхонов А. “Банкларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари // Молиячи маълумотномаси бюлетени журнали. - 2019. - N 1. - С.10-19.

Падение цен на передовые технологии (самый современный смартфон в 2007 году стоил 499 долларов США, сейчас модель с аналогичными спецификациями стоит всего 10 долларов) – революция в бизнесе и обществе. И комбинаторные эффекты этих технологий – мобильный, облачный, искусственный интеллект, датчики и аналитика, среди прочих – ускоряют прогресс экспоненциально. Технология – это множитель<sup>314</sup>.

Цифровая трансформация предоставляет отраслям беспрецедентные возможности для создания ценности. Раньше компании из списка Fortune 500 требовалось в среднем 20 лет для достижения стоимости компании в миллиард долларов; сегодняшние цифровые стартапы добиваются туда за 5 лет.

В то же время, цифровизация может принести выгоду обществу, равную или даже превосходящую стоимость всего созданного промышленностью. Например, массовое принятие автономных транспортных средств и страхование автомобиля, может спасти около 1 миллиона жизней к 2025 году<sup>315</sup>.

Невозможно переоценить важность реализации комбинированной ценности цифровой трансформации, учитывая центральную роль цифровой обработки в решении многих проблем, с которыми человечество сталкивается сегодня.

Цифровая революция уже трансформирует многие аспекты бизнеса и даже целые отрасли. Подобно тому, как парогенератор и электрификация революционизировали целые сектора экономики с 18-го века, современные технологии начинают резко изменять сегодняшние отрасли. Предшествующие промышленные революции оказали огромное влияние на общество, что выразилось в значительном увеличении населения мира за последние 200 лет. За последние 50 лет глобальное население удвоилось и, по прогнозам, возрастет до 11 миллиардов к концу века. Потребовалось время до 1804 года, чтобы население мира достигло 1 миллиарда. Увеличение числа жителей на ещё 1 миллиард человек заняло всего 12 лет. Чтобы идти в ногу с растущим спросом, технологиям пришлось ускориться. Часто отмечалось, что улучшения в вычислительной мощности в значительной степени сохраняются с законом Мура<sup>316</sup>. Этот закон гласит, что количество транзисторов, размещаемых на кристалле интегральной

---

<sup>314</sup> Brynjolfsson Erik and McAfee As referenced in The Second Machine Age // ebook– 2018. [электронный ресурс] URL: <http://secondmachineage.com> (Дата обращения: 16.10.2018).


<sup>315</sup> . Griswold Alison The author of “The Sharing Economy” on Uber, China, and the future of work // QZ&A– 2017. [электронный ресурс] URL: <https://qz.com/710515/arun-on-sharing-economy/> (Дата обращения: 16.10.2018).

<sup>316</sup> Ethans Constantine The Effects of Inflow, Overflow and Valve Placement on Economy of the Circle System// Anesthesiology. 29(1)– 2018. [электронный ресурс] URL: <https://insights.ovid.com/anesthesiology/onet/1968/01/000/effects-inflow-overflow-valve-placementeconomy/26/00000542> (Дата обращения: 16.10.2018).

схемы, удваивается каждые 24 месяца, т.е. происходит огромный рост количества вычислительной мощности за каждый двухлетний период, что приводит к поразительным скачкам в технологических возможностях<sup>317</sup>.

Сложные устройства искусственного интеллекта теперь являются массовым рынком и более известны как личные помощники по имени Алиса, Сири и Кортана. Менее, чем за пять лет основные запросы, сменились с «который час?» на более сложные, например, «этот человек похож на меня?». Технологии являются множителем. Комбинаторные эффекты этих технологий – мобильный, облачный, искусственный интеллект, датчики и аналитика среди прочих – ускоряют прогресс экспоненциально (рис. 1). Как только человечество преодолеет физические и химические ограничения которые препятствуют экспоненциальному росту, вполне вероятно, что темпы изменений ускорятся еще значительно<sup>318</sup>.

Цифровизация может принести выгоду обществу, равную или даже превосходящую ценность всего созданного промышленностью. Цифровые инициативы имеют потенциал для повышения экологической устойчивости, создания рабочих мест и наших жизней безопаснее.



**Рисунок 1. Темпы изменения и развития новых технологий**

Невозможно переоценить важность реализации комбинированной ценности цифровой трансформации, учитывая центральную роль цифровой обработки в решении многих проблем, которые человечество ставит перед собой. Часть технологий, указанных в таблице ещё не распространена и не имеет чётких аналогов на русском. Например, «связанный дом» – shared house подразумевает дом, который объединён в сеть, обеспечивающую взаимодействие нескольких устройств, служб и приложений от коммуникации и развлечений до здравоохранения, безопасность и

<sup>317</sup> Griswold Alison The author of “The Sharing Economy” on Uber, China, and the future of work // QZ&A– 2017. [электронный ресурс] URL: <https://qz.com/710515/arun-on-sharing-economy/> (Дата обращения: 16.10.2018).

<sup>318</sup> Huckle Steve Internet of Things, Blockchain and Shared Economy Applications // University of Sussex– 2018. [электронный ресурс] URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S18770509163221901> (Дата обращения: 16.10.2018).

домашнюю автоматизацию. Каждая технология в таблице – это обширная область, рассмотреть которую в условиях нынешней статьи не представляется возможным<sup>319</sup>.

Невозможно переоценить важность реализации комбинированной ценности цифровой трансформации, учитывая центральную роль цифровой обработки в решении многих проблем, которые человечество ставит перед собой на данный момент развития.

Невозможно переоценить важность реализации комбинированной ценности цифровой трансформации, учитывая центральную роль цифровой обработки в решении многих проблем, которые человечество ставит перед собой на данный момент развития.

Например, потребление энергии в мире является неустойчивым, а выбросы от энергетического сектора удваиваются в течение трех десятилетий с 2012 года. Ожидается, что население мира будет расти, увеличивая давление на продовольствие и природные ресурсы. Поддержание нынешней тенденции роста ожидаемой продолжительности жизни приведёт к большему налогообложению, поскольку перегруженные системы здравоохранения будут сохранять позицию, поддерживающую старение населения. Единственным возможным выходом является внедрение цифровых технологий.

## DIGITAL TECHNOLOGY AND THE DIGITAL ECONOMY

*Olim U.Umurzokov*

*Student of Tashkent institute of Finance*

**Annotation:** Over the years, each country's economy has developed traditionally. The rapid development and integration of technologies in the economic sphere of state activity contributes to its radical change and effective development. And it is thanks to digital technologies, which show high indicators that are expected in the direction of successful economic growth. This article is devoted to the role and significance of the digital technology and its place in economic.

**Keywords:** Digital economy, technologies, e-government, information and communication technologies.

In recent years, in the developing countries, there has been an accelerated introduction of innovations in the economic sphere of the state. After all, these innovations help its rapid and effective modernization. It is no secret that countries have begun to adopt roadmaps or strategies for further digitalization of this area.

---

<sup>319</sup> Mona Bushnell AI Faceoff: Siri vs. Cortana vs. Google Assistant vs. Alexa// business news daily– 2018. [электронный ресурс] URL: <https://www.businessnewsdaily.com/10315-siri-cortana-googleassistant-amazon-alexa-face-off.html> (Дата обращения: 16.10.2018).

First of all, the digital economy is a type of economic activity of people, in which the main factor of production is a digital data. Besides, it is an economic activity, a special feature of which is manifested in meeting the needs of people through the use of information and various types of technologies. The main distinguishing feature of the digital economy from its traditional form is the accumulation, storage, processing and distribution of information, and not the production of material goods or services. Moreover, existing resources will eventually run out, while digital ones will not. This difference erases all borders of possibilities and opens up a new potential for the successful development of the state with the help of digital technologies.

Currently, the process of digitalization is clearly necessary, since modern digital technologies are good because they create a durable connection between the state, organizations, enterprises and people, reducing a large number of intermediaries, and serve to accelerate transactions and settlements. The ability to process large amounts of information quickly and accurately makes the digital economy more efficient. Also, an accurate and reliable analysis of the markets for certain periods will help the development of the economy, both in the region and in the country.

In general, the basic technologies for the digital transformation of the industry are: the Internet of Things, cloud technologies, robotics, artificial intelligence, big data, paperless technologies, mathematical modeling; also: biometric, mobile, quantum and unmanned technologies. We must not forget that the best technology companies in the world for 2020 were: Microsoft, Apple, Amazon, Alphabet, Alibaba group, Tencent, Facebook, and many other companies. As you know, they have achieved all this rank thanks to the timely and effective implementation of digital technologies in their lives.

Meanwhile, the use of digital technologies can significantly reduce costs and expenses. The essence of the digital economy is not only evident in e-commerce, but it also engages all spheres of people's life. I would like to remind you that the transition to a digital economy requires high-speed and high-quality Internet. It became known that currently mobile coverage of the population of our Republic has reached 97 percent, including 78 percent (which is planned to increase to 85% in the next year) of subscribers using broadband mobile Internet services.

Everyone knows that the volume of information transfer in the digital world is growing exponentially. Of course, for its processing, storage and accumulation, a larger number of software is needed. This problem is one of the main challenges for the development of digital relations. Experts have planned to increase the capacity and number of data centers in comparison with last year's figures by 10 times. It is also encouraging to see attempts to significantly increase the speed of Internet access throughout the country. Although, according to the latest data from the service Speedtest.net In Uzbekistan, a steady increase in the speed of Internet access is recorded every month, and a consistent decline in prices for tariffs for telecommunications services is occurring more and more often.

**The digital process of creation, exchange, distribution, and consumption (i.e., the digital economy) engulfs all spheres of human activity. For example,**

**the faster the company passes the registration process, the sooner it will start its activities, deliver products to the market, provide jobs, pay taxes on time, and etc. In all this, e-government, which provides online services, plays a key role. This helps to reduce long queues. Now we can take advantage of the amenities of the state without leaving home. We can safely say that the digital economy has radically changed people's lives.**

E-government will provide residents with a sea of amenities and services. Moreover, various e-government programs are being created in different countries of the world, such as: " Digital citizen "in the Netherlands and Australia, " Intelligent Nation" in Singapore," Digital India " in India and others. At the same time, in our country, citizens can get a number of services and conveniences on the Unified Portal of Interactive Public Services (EPIGU), simply through a digital address "my.gov.uz", where more than 200 types of public services are currently served. Open data for the public will increase the confidence of residents in the government, which in turn provides an electronic data portal "data.gov.uz".

At the present time, the problem of COVID-19 is very significant, since this virus has a negative impact not only on the economic, but also on other social spheres of society. The process of isolation, oddly enough, has helped the development of information and communication technologies (ICTs), which in turn has shown effectiveness for the development of all social and economic spheres of people's lives. This period forced the authorities to think seriously about considering approaches to the work of state bodies and management systems. It is precisely during the coronavirus pandemic that the introduction of digital technologies in public and social services is considered very necessary.

In particular, during a severe pandemic, online lessons prevented the spread of an invisible virus among children and young people. The activities of many educational institutions have been put online. Lessons in schools were conducted through televisions, with the help of online lessons, and in universities through online conferences and various programs. During this period, maintaining the interest of young people in digital and innovative technologies is also considered the most important task of educational authorities.

As we know, the above-mentioned factors of uncertainty say that the digital economy is a general concept that covers all sectors of the economy and spheres of life. And in turn, the republic is implementing comprehensive measures for the active development of the digital economy, as well as the widespread introduction of modern information and communication technologies in all sectors and spheres of state activity, primarily in economic, public administration, education, health and agriculture.

In short, digital technologies have many positive features. This is reflected in the fact that these technologies are able to prevent all kinds of violations of the law, corruption, also contribute to reducing the shadow economy, save time, energy, money, etc. Of course, the opportunity to visit other places without leaving home is not excluded from this list. After all, digital technologies help to buy foreign goods and analyze markets. At the same time, information exchange with



information technologies is much faster and more efficient than in the traditional form.

Based on the above conclusions, it became clear that the digital economy unwittingly affects all spheres of human life and public administration. When solving some problems related to the Internet, we can safely say that our country can switch to a digital lifestyle, using the example of developed countries. In other words, the process of implementing digital technologies has already begun. We must just wait a bit and soon we will see a new world based on digital technologies, full of conveniences and comforts.

#### **References:**

•B.B.Slavin / Digital Economy: Global trends, social and economic consequences of the spread of digital technologies / Moscow, 2018.

•Digital transformation of the economy: results, prospects and plans / Pravda Vostoka No. 183 of August 29, 2020.

### **ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ИЖРО ЭТИШДА БЮДЖЕТ МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МАРКАЗЛАШГАН БЮДЖЕТДАН ВОЗ КЕЧИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

*ТМИ талабаси: Саидвалиев Б.  
Илмий раҳбар: Останакулов А.*

Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бюджет жараёни очиклигини оширишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бюджет маълумотларининг очиклиги ва сифати, уларнинг хорижий инвесторларга ва бошқа манфаатдор субъектларга етказиш, шунингдек, парламент вакиллари ва фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнида иштироки даражаси етарли эмас.

Бюджет маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида вазифалар белгиланган.<sup>320</sup> Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида (Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш) деб номланган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бюджет ҳисобидан

---

<sup>320</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. №6 (766)-сон

маблағ ажратиладиган лойиҳаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат натижага йўналтирилган индикаторларини ишлаб чиқиш каби амалга ошириладиган устувор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 22-августдаги ПҚ-3917-сони "Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда жорий йилининг 31-октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида "Макроиктисодий кўрсаткичлар, солиқ-бюджет сиёсати, давлат бюджетининг жорий йилда кутилаётган ижроси ва 2020-йилга мўлжалланган параметрлар муҳокамаси"га бағишланган йиғилишнинг ўткалиши ушбу мавзунинг қанчалик долзарблиги далолат беради.

Мамлакат бюджетининг шаффофлигини ошириш мақсадида Ахборот платформалари интернетда брошюралар, такдимотлар, бюджет параметрлари тўғрисидаги турли хил маълумотларни график шаклида тарқатиш, босма оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар ва телевизион интервьюлар жойлаштириш учун хизмат қилади. Жамоатчилик муҳокамалари жамоат йиғинларида, ҳудудий халқ депутатлари кенгашида, онлайн мунозаралар ва сўровлар ўтказиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб-сайтидаги форумда иштирок этиш билан, мақсадли дастурлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамалари шаклида ўтказилади.

Ўзбекистон аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини ўрганиш натижалари "Фуқаролар учун бюджет" ахборот нашрига бўлган юқори даражадаги қизиқиш борлигини аниқлашга ёрдам беради - аҳоли маҳаллий бюджет маблағларини нимага сарф қилинаётганини билишни истайди. Шунингдек, кўпчилик аҳоли болалар боғчаларига, уй- жой шароитларини яхшилашга, соғлиқни сақлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, йўл инфратузилмаси ва бошқаларга бюджет маблағларининг қанчалик сарфланаётганлигига қизиқиш билдиради. Шунга қарамай, фуқаролар фаоллигининг паст даражаси муаммо бўлиб қолмоқда: маълум бир қатлам бюджет лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига такдим этишга қарши, бир қисми эса бюджетни тайёрлашда профессионаллар жалб қилиниши кераклигига ишонишади ва бошқалар фикри ҳеч нарсага таъсир қилмайди деб ҳисоблашади.

Такдим этилган маълумотларнинг долзарблигини таъминлаш учун биз "Фуқаролар учун бюджет"ни бюджетнинг барча даражаларда бюджет харажатлари ва уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни ягона Интернет-ресурс шаклида Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ягона портали "Очиқ бюджет"ни ([www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz)) ташкил этган ҳолда синхронлаштиришни таклиф этамиз.

Ушбу порталда ҳар қандай фуқаро (нафақахўр, талаба, ота-она, тадбиркор, ишчи, ишсиз, мулк эгаси ва бошқалар) куйидаги аниқ маълумотларни тушунарли тарзда олиш имконияти мавжуд бўлиши керак<sup>321</sup>:

✓ унинг давлат олдидаги мажбуриятлари тўғрисида - қандай солиқлар, қанча миқдорда, қачон тўлаш кераклиги, уларни тўлаш тартиби (тўлов ҳужжати чоп этиш мумкин бўлиши керак);

✓ ўз ҳуқуқлари тўғрисида (давлатдан нимани олиши мумкин):

✓ унга бюджетдан тўланадиган тўловлар (пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, уй сотиб олиш учун субсидиялар, ўз бизнесингизни бошлаш, ёрдамчи фермер хўжалигини юритиш ва бошқалар) - уларнинг ҳажми (тўловлар контекстида), уни олиш тартиби (зарур ҳужжатлар, манзиллар) ва бошқалар;

✓ жорий имтиёзлар (солиқ имтиёзлари, солиқ тўловларини тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш), ижара ҳақини камайтириш, коммунал тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар ва бошқалар) - уларни олиш шартлари, ҳажми ва тартиби (ҳужжатлар, манзиллар) ва ҳк.

## **РЕАЛИЗАЦИЯ СТРАТЕГИИ «ЦИФРОВОЙ УЗБЕКИСТАН – 2030» И ДАЛЬНЕЙШИЕ ПРИОРИТЕТНЫЕ ЗАДАЧИ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

*Махкамов Дониёр,  
студент 2 курса совместного факультета ТФИ-ПГУ*

Узбекистане в сфере ИКТ в 2020 году была проделана масштабная и комплексная работа по внедрению IT-технологий в государственное управление и в реальный сектор экономики, дальнейшему развитию телекоммуникационной инфраструктуры, и по другим направлениям.

Заслуживает внимания и тот факт, что за этот период с целью развития ИКТ-отрасли были принят ряд нормативно-правовых документов со стороны Президента и Правительства Республики Узбекистан по дальнейшему развитию цифровой экономики и электронного правительства, реализации Стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030» и программы «Цифровой Ташкент», реформированию почтовой сферы, совершенствованию системы по подготовке IT-кадров, увеличению числа оказываемых электронных государственных услуг.

В ходе развития цифровой экономики и электронного правительства:

Внедрение IT-технологий в медицинскую сферу, в частности, внедрение системы «Единая скорая помощь» позволило в два раза сократить время обращения граждан;

Помимо этого, в 88 многопрофильных и семейных поликлиниках города Ташкента была внедрена система «Электронная поликлиника».

---

<sup>321</sup> А.С. Чулков. Перспективы повышения открытости (прозрачности) государственных и муниципальных финансов в субъектах российской федерации. Финансы и кредит, 2017, т. 23, вып. 24, стр. 1410–1421 <http://fin-izdat.ru/journal/fc>

В систему Единого портала интерактивных государственных услуг было внедрено свыше 50 услуг, и таким образом сегодня населению оказывается в общем 218 госуслуг.

С этой целью в прошлом году были открыты филиалы IT Park в пяти регионах: Андижанской, Ферганской, Сырдарьинской, Джизакской и Самаркандской областях, где осуществляют деятельность более 400 предприятий. За короткое время ими было разработано свыше 900 программных обеспечений.

Также в рамках реализации третьего направления Пяти инициатив, выдвинутых Президентом Республики Узбекистан, было организовано 107 Учебных центров цифровых технологий и создано свыше 200 рабочих мест [2]

В рамках проекта «Один миллион программистов» обучение прошли свыше 120 тысяч слушателей, из которых 18 тысяч успешно закончили курсы.

В Послании главы государства парламенту и народу Узбекистана от 29 декабря 2020 года были определены приоритетные задачи по дальнейшему развитию ИКТ-сферы в 2021 году. И в этом контексте основное внимание будет уделяться реализации реформ в ИКТ-сфере на системной основе, развитию цифровой экономики, электронного правительства и подготовке кадров для ИКТ-отрасли [2]. В частности:

Будет усовершенствован Единый портал интерактивных государственных услуг и его мобильная версия;

Будут осуществлены меры по обеспечению открытости деятельности государственных органов и прозрачности процессов взаимодействия с гражданами;

В систему ЕПИГУ будет внедрено 60 актуальных услуг;

В органах местной исполнительной власти будет внедрена электронная система «E-qaror»;

Будет модернизирована инфраструктура и платформа Портала открытых данных, расширены его возможности;

Во всех высших учебных заведениях будут организованы инкубационные центры по поддержке бизнес-проектов начинающих предпринимателей;

Будет возведено порядка 50 тысяч километров оптоволоконных линий связи. И здесь основное внимание будет уделяться сельским населенным пунктам и социальным инфраструктурным объектам в отдаленной местности;

Совместно с другими министерствами будут проведены работы по подключению к Интернет-связи всех социальных объектов.

Со стороны операторов мобильной связи будет установлено дополнительно 2 тысячи базовых станций.

Также с целью развития IT-предпринимательства в регионах и создания новых рабочих мест в сотрудничестве с местными органами власти в Нукусе,

Ургенче, Намангане, Карши, Термезе и Ташкенте будут открыты филиалы IT Park.

К концу года во всех районах и городах республики будет открыто порядка 100 Учебных центров цифровых технологий.

С целью дальнейшего развития IT-образования будет организован филиал Ташкентского университета информационных технологий в Ташкентской области, а в регионах будут созданы техникумы по подготовке кадров в сфере информационных технологий.

На базе общеобразовательных школ будет создано 82 специализированные школы с углубленным изучением информатики и информационных технологий.

В системе почтовой связи будет налажено оказание государственных услуг, будут реализованы комплексные меры в целях включения страны в первые 50 позиций Глобального рейтинга индекса почтового развития [2].

#### **Список использованной литературы:**

1. <https://tma.uz/ru/2019/05/24/5-initsiativ-prezidenta-respubliki-uzbekistan/>
2. <https://www.uzdaily.uz/ru/post/58293>

### **ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ**

*Назарова Мунаввар Соатмурод қизи*

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти таянч докторанти

**Аннотация:** Мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти, моҳияти, республикамізда озиқ-овқат муаммоси ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммолари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони бўйича 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича “Харакатлар Стратегияси”нинг 3.3 бандида “Қишлоқ хўжалигини” модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига замонавий интенсив боғ ва узумзорларни яратиш, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги селекция ва интродукция қилинган юқори хосилли навлардан мевали кўчатларни етиштириш вазифаси белгилаб берилган.

Маълумки, республикаміз аҳолисини йил давомида озиқ-оват, хусусан хўл мева маҳсулотлари билан узлуксиз равишда таъминлаб туриш халқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос

бўлганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги фақат ички ўзини ўзи тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан чекланмайди. Бунда озиқ-овқат импорти ҳам эътиборга олинади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида асосан ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга қисман чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолининг озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ва уларни импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари бу сиёсат даврий равишда янгиланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади.

Хозирги пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш аҳоли соғлом турмуш даражаси ва сифатини ошириш, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шу сабабга озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосига назарий жихатдан караганда, дунё мамлакатларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: импортга йўналтирилган, экспорт қилувчи маҳсулотлар, ўз ишлаб чиқаришлари орқали ички бозорни таъминлаш. Шу билан бирга, дунёнинг турли мамлакатларидаги озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, импортга йўналтирилган мамлакатларда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар мавжуд ва аксинча экспортга йўналтирилган мамлакатларда маҳсулотларнинг айрим турларини импорт қилишга эҳтиёжлар мавжуд. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчилари деҳқон ва фермер хўжаликларида етказилади.

Ўз навбатида, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини белгилаб беради, шу боис хўжаликларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун йўналтириладиган даромадлари, шунингдек хўжаликларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ажратиладиган, ўзининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қопловчи ресурслари. Маълумки, даромад оилаларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлари, хусусан уларнинг бозорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш қобилиятини белгилаб берувчи асосий омилдир. Бозор талаби даражаси ушбу бозорларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беерувчи маҳаллий ишлаб чиқариш даражасига таъсир кўрсатади. Самарали таклиф билан озиқ-овқат ишлаб чиқариши ўртасидаги ушбу боғлиқлик жуда муҳим, чунки бозор таклифи нафақат ишлаб чиқариш омиллари билан, балки талаб омиллари билан ҳам белгиланади. Боз устига, самарали таклиф бозорга йўналтирилган озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг асосий омили ҳисобланади, шунинг учун, агар ишлаб чиқариш ҳажмининг

оширилиши талабнинг ортиши билан мувофиқлаштирилмаса, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўналтирилган бир томонлама сиёсий чора-тадбирлар самара бермайди.

Ўзини ўзи таъминлашга йўналтирилган мамлакатларда экспортга йўналтирилган ва импортга йўналтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиши мумкин. Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлашга йўналтирилган мамлакатлар тоифасига киради. Шу билан бирга, шакар, ўсимлик мойи, чой, дуккакли экинлар, мевалар ва мевалар каби бир қатор маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Сўнгги йилларда ғалла мустақиллиги масаласининг ҳал этилиши муносабати билан экспорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхати буғдой билан тўлдирилди.

Ички бозорни озиқ-овқатнинг енг муҳим турлари билан асосан ўз ишлаб чиқариши орқали таъминлайдиган мамлакат сифатида протекционистик сиёсат олиб боради ва шу билан озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатлайди, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосининг сифат кўрсаткичлари даражаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланади ва натижада иқтисодий ривожланишга иолиб келади.

Ўзбекистонда, келажакда жаҳон ресурсларини шакллантиришдаги замонавий ва кутилаётган тенденцияларнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, келажакда, ҳозирги пайтда бўлгани каби, ўз ишлаб чиқариши ҳисобига таъминланади, бу мамлакатнинг валюта боғлиқлигини олдини олади жаҳон бозорида, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасининг бошқа тармоқларининг мавжуд имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишни таъминлайди. Республикамизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги маҳаллий ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг уйғун комбинацияси билан таъминланиши керак. Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларини импортини қисқартириш учун маҳаллий ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Бундай шароитда давлат томонидан тартибга солинадиган тизимларини тамойиллари протекционизм бўлиши керак.

Яна бир муҳим тамойил - дастурга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш, яъни. ҳар хил турдаги қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишга қаратилган янги ишлаб чиқилган агросиқтисодий сиёсатни изчил амалга ошириш агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун аҳолининг ижтимоий гуруҳлари томонидан энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасига қараб таснифлашни ҳисобга олган ҳолда сифат кўрсаткичларининг динамик ўсишини назарда тутиш керак. Таснифлаш озиқ-овқат таъминоти аҳолининг доимий кўпайиши, инсоннинг фаол фаолиятини сақлаб қолиш ва унинг табиатини яхшилаш вазифаларига мувофиқлигини асосланиши керак.

Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти - бу ўз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни истеъмол қилишнинг юқори қисми, айниқса қишлоқ жойларида. Шу муносабат билан озиқ-овқатнинг жисмоний мавжудлиги нафақат бозорда озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги билан белгиланади, балки у асосан деҳқон ва фермер хўжалиқларининг

имкониятлари билан белгиланади Умуман олганда, сўнгги ўн йил ичида деҳқон ва фермер хўжаликларининг фаолияти мамлакат аҳолисининг катта қисми учун озиқ-овқатнинг жисмоний мавжудлигини таъминлашнинг энг муҳим омили бўлди. Умумиқтисодий хавфсизлик замирида озиқ-овқат хавфсизлиги иккита жиҳатга эга: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-иқтисодий. Агар биринчи жиҳат миллий хавфсизлик билан бевосита боғлиқ бўлиб, давлатнинг ички омиллари билан шартланган бўлса, иккинчи жиҳат унинг ташқи параметрларини акс эттирган ҳолда халқаро, глобал муаммолар жумласига киради. Ўзаро боғлиқ оламнинг ҳозирги босқичида ички ва ташқи омиллар ҳам миллий, ҳам халқаро даражада озиқ-овқат хавфсизлигига катта таъсир кўрсатади. Озиқ-овқат муаммоси ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Унинг белгилари XX аср охири ва XXI аср бошидаги халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини тавсифлайди. Ҳозирги босқичда озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат миллий муаммо, балки глобал хусусиятга эга бўлган муҳим халқаро муаммолардан бири бўлиб, унинг ҳал этилиши барқарорлик ва фаровонлик муҳитини яратишнинг зарур шarti ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги аграр сиёсатининг асосий йўналишлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришни кучайтириш, ташқи бозорга чиқиш ва озиқ-овқат маҳсулотларини оқилона импорт қилишдан иборат.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” ва қишлоқ хўжалигига оид қонунлари. – Т.: Адолат, 1999. 19-б.
4. Олимжонов О. ва бошқалар Фермер фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Тошкент, 2005.
5. Микулович Л.С. и др. Товароведение продовольственных товаров. 4-е изд., испр. – Минск: Выш. шк., 2010. - 416 с.
6. Джафаров А.Ф. Товароведение плодов и овощей. – М.: Экономика, 1979.
7. Михеева Е.Н., Сероштан М.В. Управление качеством, 2012 г.- <http://nashol.com/2015051184599/upravlenie-kachestvom-miheeva-e-seroshtanm-v-2012.html>
8. Литвинова А.В. “Управление качеством продовольственных товаров: теория, методология, практика, под ред. Н.С. Яшина. - Саратов: Издат. центр СГСЭУ, 2004. 164
9. Ражаметов Ш., Нармуратов И. “Мева, резавор мева ва ток кўчатзорларни ташкил этиш” Тошкент-2018.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.-Т.2019



## ТАМАДДУН СИЛСИЛАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ МЕНЕЖМЕНТИГА ТАЛҚИНЛАР

*Набиев Элиод Фаниевич, Тошкент молия  
институтини профессори, и.ф.д.  
Худайбердиева Дилафруз Абидовна,  
Тошкент шахридаги Ёджу техника институтини  
катта ўқитувчиси*

Хизматлар кўрсатиш соҳаси замирида тармоқларнинг, жамият томонидан талаб қилинадиган турли хил хизматларни тақдим этувчи компаниялар ва унда хизмат кўрсатувчи ишчи-ходимларнинг тақсимланиши билан боғлиқ фаолият соҳаларини тушуниш мумкин.

Шунинг учун хизмат кўрсатиш соҳаси шахснинг ижтимоий ва индивидуал эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тармоқлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар мажмуининг фаолияти комбинациясидир<sup>322</sup>. Жумладан, В.Ф.Уколов тахрири остидаги “Менеджмент в сфере услуг” асарида ҳам мазкур соҳага қулай ҳаёт тарзини ташкил этишга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи, инсон ривожини учун зарур шарт-шароитлар яратиб берувчи “вақт тежовчи” майдондир деб айтилади<sup>323</sup>.

Меҳнат тақсимоти жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қатор хусусиятлари намоён бўлади. Биринчидан, у яратувчилик хусусиятини ўзида акс эттиради. Шундай хизмат турлари борки, улар ишлатиладиган саноат тармоқлари ишлаб чиқаришга дахлдор бўлганлиги сабабли, гўёки бу хизматларнинг кўрсатилиши оқибатида моддий неъмат яратилаётгандек туюлади (ателье, таъмирлаш, қуруқ тозалаш ва бошқалар). Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида касбий ва малакавий меҳнат тақсимоти турли хизмат турларида хилма-хилликнинг юқори даражаси билан тавсифланади ҳамда у “интеллектуал меҳнат” билан ифодаланиб (таълим, консалтинг, аудит, маданият ва ҳ.к.), махсус ускуналар ёки мураккаб техник воситалардан фойдаланилмайди<sup>324</sup>. Ундан ташқари, Е.Б.Дворядкинанинг “Локальный потребительский рынок товаров и услуг: теоретические аспекты исследования”<sup>325</sup> ҳамда “Факторы спроса на локальном потребительском рынке товаров и услуг”<sup>326</sup> номли мақолаларида хизмат бозорининг

---

<sup>322</sup> Лазарев В.А. Туризм в системе общественного разделения труда: теоретико-методологический аспект. Екатеринбург, 2012. С.47.

<sup>323</sup> Менеджмент в сфере услуг / под ред В.Ф.Уколова. М.: Луч, 1995.

<sup>324</sup> Карх Д.А., Лазарев В.А., Якушев Д.С. Управление и методика планирования товарно-транспортных потоков в локальных розничных сетях. Екатеринбург: Издательство Уральского государственного экономического университета, 2016. С.19.

<sup>325</sup> Дворядкина Е.Б. Локальный потребительский рынок товаров и услуг: теоретические аспекты исследования // Известия Уральского государственного экономического университета. 2011. №6 (38). С. 98-104.

<sup>326</sup> Дворядкина Е.Б. Факторы спроса на локальном потребительском рынке товаров и услуг // Известия Уральского государственного экономического университета. 2014. №1 (51). С. 43-48.

ривожланишига турли омиллар таъсир кўрсатса-да хизматлар аниқ бир худудий бўлинмаларга эга бўлмайди ва улар вилоят ёки шаҳарнинг табиий ва иқлим хусусиятларига жуда қаттиқ боғланиб қолмайди, шунчаки ҳар бир худуд хизматлар алмашинувининг фаол иштирокчиси бўлиши мумкин деган фикрлар илгари сурилади.

Ноишлаб чиқариш соҳаси ҳам, ўз навбатида иқтисодиёт тармоқларидан бирининг анъанавий номи бўлиб, натижаси хизмат шаклида намоён бўлувчи жамиятнинг ижтимоий инфратузилмасидир. Л.Ш.Лозовский, Б.А.Райзберг, А.А.Ратновскийларнинг фикрича<sup>327</sup> бугунги кунда илмий манбаларда қўлланилаётган “ижтимоий соҳа” ёки “ижтимоий-маданий соҳа” атамалари ҳам айнан “ноишлаб чиқариш соҳаси” тушунчасининг ўзи бўлиб, моҳиятан бир-бирини ифодалайди.

Демак, ижтимоий соҳани биз ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллатлар ва элатларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатлари, меҳнат ва турмуш шароити, саломатлик ва ҳордиқ чиқариш билан боғлиқ манфаатларини қамраб олган “жамоатчилик билан алоқалар соҳаси” деб ҳисоблашимиз ҳам мумкин<sup>328</sup>. Е.В.Горшенина ўзининг “Система основных социально-экономических индикаторов для уровня жизни в регионе<sup>329</sup>” номли илмий мақоласида ижтимоий соҳа таркибига таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, туризм, дам олиш, жисмоний маданият ва спорт, уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт, алоқа, маиший хизмат, юридик хизматлар, банк хизматлари сингари нафақат одамларнинг турмуш даражасини, балки уларнинг ҳаёт тарзини ҳам белгиловчи бир қатор уйғун тармоқларни киритади. Е.Н.Жилцов эса ўз тадқиқотлари<sup>330</sup> давомида мазкур соҳадаги хизмат турларини синфлаштиришга урунади.

Хизматлар соҳасининг фаол ривожланишида қатор омиллар кўзга ташланади. Соҳа олимлари мазкур омиллар гуруҳини турлича фарқлайдилар. Бироқ хизматлар соҳаси маркетинги бўйича олиб борган тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда, К.Лавлок ўзининг “Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии” асарида соҳа ривожиди асосий ўрин тутаётган сервис ташкилотлари бошқарувидаги қуйидаги факторларни ажратиб кўрсатади<sup>331</sup>:

- давлат ва сиёсат;
- бизнесдаги ўзгаришлар;
- ахборот технологияларининг тараққий этиши;

---

<sup>327</sup> Лозовский Л.Ш., Райзберг Б.А., Ратновский А.А. Универсальный бизнес-словарь. М.: ИНФРА-М, 1997. С. 799.


<sup>328</sup> Баранова Л.Я., Левин А.И. Потребности, доходы, потребление. М.: Экономика, 1988. С. 152.

<sup>329</sup> Горшенина Е.В. Система основных социально-экономических индикаторов для уровня жизни в регионе // Вопросы статистики. 1996. №4. С. 53.

<sup>330</sup> Жильцов Е.Н. Основы формирования хозяйственного механизма в сфере услуг. М.: МГУ, 1991. С. 5.

<sup>331</sup> Лавлок К. Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии. М.; СПб.; Киев: ИД “Вильямс”, 2005, с.59.

- ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар;
- хизматлар соҳасининг халқаро миқёсга чиқиши.



Изоҳ: \**жисмоний тарбия* бу ерда, саломатликни таъминлаш ва рекреация мақсадларидаги хизмат сифатида;

\*\**спорт* бу ерда, хордиқ чиқариш ва хобби<sup>332</sup> мақсадларини камраб олувчи хизмат сифатида.

### 1-расм. Е.Н.Жилцов таълимотига кўра хизмат турларининг классификацияси<sup>333</sup>

Л.С.Демидованинг “Сфера услуг в постиндустриальной экономике” мақоласида мазкур факторлардан ташқари илмий-техника инқилоби ва моддий ишлаб чиқаришнинг таркибий-технологик қайта қурилиши ҳам соҳа ривожига жиддий таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди<sup>334</sup>.

Адабиётларда хизматлар тушунчасининг бир нечта таърифлари мавжуд:

- бу фойдали ҳаракатлар, иш ёки умуман олганда фаолият;
- бу сотиш мақсадида ишлаб чиқариладиган номоддий активлар;

<sup>332</sup> Хобби (*инглизча, hobbi – севимли машғулот*) ёки севимли машғулот - бу инсон фаолиятига мазмун бахш этиш, дам олиши ва завқланиши учун танланадиган машғулот тури.

<sup>333</sup> Е.Н.Жилцовнинг “Основы формирования хозяйственного механизма в сфере услуг” (М.: МГУ, 1991. С. 5.) асари маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

<sup>334</sup> Демидова Л. С. Сфера услуг в постиндустриальной экономике // Мировая экономика и международные отношения. 1999. № 2. С. 24–32.

-бу жараён ёки бир қатор ҳаракатлар, яъни бу ҳаракатлар қийматни яратиш воситаси бўлиши мумкин. Улар қиймат яратиши мумкин, лекин уларнинг ўзи мустақил қиймат ҳисобланмайди.

Ватанимизда мазкур соҳада тадқиқот олиб борган М.Қ. Пардаев ва И.С. Очилов<sup>335</sup>, З.Акбарова<sup>336</sup>, Х.М. Маматкулов<sup>337</sup>, Ж.И.Исроилов, А.Қ.Ғаппаров<sup>338</sup>, Ю.П.Урунбаева<sup>339</sup>, Ғ.Ҳ.Қудратов, Б.А.Абдукаримов<sup>340</sup>, Ғ.Ҳ.Қудратов, Г.М.Шодиева<sup>341</sup> сингари қатор иқтисодчи-олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари натижаларидан олган хулосаларимизни бирлаштириб, хизматлар бу - истеъмолчиларнинг (юридик ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирадиган ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активларни айирбошлашда кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолияти натижасидир деган умумий фикрга келиш мумкин. Бу эса бевосита аҳолининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган йирик каналлардан бири сифатида майдонга чиқаётганлиги ҳозирги кунда сир эмас, албатта.

Хизматлар соҳасида барқарор ривожланиш XX асрнинг иккинчи ярмида нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилди. Натижада хизматлар соҳасининг кўлами кенгайди ва мамлакат ЯИМнинг қатта қисмини эгаллади.

Бугунга келиб, хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси жамиятнинг жадал ривожланишини белгилаб берувчи мезонга айланди. Хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилиш аҳолининг турмуш сифатини, инвестицион муҳитни, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ва тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Давлатимиз томонидан иқтисодий модернизациялаш шароитида ҳудудларда хизматлар ва уларнинг янги турларини ривожлантириш сиёсатини амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Кўриниб турибдики, жамият фаровонлиги ва иқтисодий тараққиётнинг келажаги айнан хизматлар соҳасининг ривожини билан бевосита боғлиқдир. Демак,

---

<sup>335</sup> Пардаев М.Қ., Очилов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари”. Монография. Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 172 б.

<sup>336</sup> Акбарова З. “Товар ва хизматлар бозори статистикаси”. Ўқув қўлланма, Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 144 б.

<sup>337</sup> Маматкулов Х.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати”. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010.–398б.

<sup>338</sup> Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Ғаппаров А.Қ. “Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари”. Рисола. Самарқанд. “Зарафшон”, 2009.- 66 б.

<sup>339</sup> Урунбаева Ю.П. “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари”. Монография. Т.: “Фан” нашриёти, 2013.–9,0 б.т.

<sup>340</sup> Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривожини – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”. Рисола .Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007 – 28 б.

<sup>341</sup> Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. “Қасаначилик – аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили”. Рисола Т.: ‘Fan va texnologiya’, 2007. – 32 б.

мамлакатимизда ҳам ушбу соҳани тарғиб этиш орқали фаровонликни оширишга кенг замин яратиш мумкин. Зеро, ушбу жабҳадаги фаолиятлар учун бизда имкониятлар ҳамда етарлича бизнес муҳити мавжуд. Хусусан, мамлакатимизда Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингда, энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича кўрилган барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ўз амалий тасдиғини топмоқда<sup>342</sup>.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лазарев В.А. Туризм в системе общественного разделения труда: теоретико-методологический аспект. Екатеринбург, 2012. С.47.
2. Менеджмент в сфере услуг / под ред В.Ф.Уколова. М.: Луч, 1995.
3. Карх Д.А., Лазарев В.А., Якушев Д.С. Управление и методика планирования товарно-транспортных потоков в локальных розничных сетях. Екатеринбург: Издательство Уральского государственного экономического университета, 2016. С.19.
4. Дворядкина Е.Б. Локальный потребительский рынок товаров и услуг: теоретические аспекты исследования// Известия Уральского государственного экономического университета. 2011. №6 (38). С. 98-104.
5. Дворядкина Е.Б. Факторы спроса на локальном потребительском рынке товаров и услуг // Известия Уральского государственного экономического университета. 2014. №1 (51). С. 43-48.
6. Лозовский Л.Ш., Райзберг Б.А., Ратновский А.А. Универсальный бизнес-словарь. М.: ИНФРА-М, 1997. С. 799.
7. Баранова Л.Я., Левин А.И. Потребности, доходы, потребление. М.: Экономика, 1988. С. 152.
8. Горшенина Е.В. Система основных социально-экономических индикаторов для уровня жизни в регионе // Вопросы статистики. 1996. №4. С. 53.
9. Жильцов Е.Н. Основы формирования хозяйственного механизма в сфере услуг. М.: МГУ, 1991. С. 5.
10. Лавлок К. Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии. М.; СПб.; Киев: ИД “Вильямс”, 2005, с.59.
11. Демидова Л. С. Сфера услуг в постиндустриальной экономике // Мировая экономика и международные отношения. 1999. № 2. С. 24–32.
12. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари”. Монография. Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 172 б.
13. Акбарова З. “Товар ва хизматлар бозори статистикаси”. Ўқув қўлланма, Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 144 б.

---

<sup>342</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 2020 йил, 24 январь. <http://www.uzreport.uz>.

14. Маматкулов Х.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати”. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010.–398б.

15. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Гаппаров А.Қ. “Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари”. Рисола. Самарқанд. “Зарафшон”, 2009.- 66 б.

16. Урунбаева Ю.П. “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари”. Монография. Т.: “Фан” нашриёти, 2013.–9,0 б.т.

17. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”. Рисола .Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007 – 28 б.

18. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. “Касаначилик – аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили”. Рисола Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007. – 32 б.

## **МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР**

*Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
2-босқич тингловчиси  
Рахимов Қамариддин Фахриддинович*

### **Аннотация**

Ушбу тезисда тижорат банкларининг масофавий банк хизматлари кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш йўллари ва тижорат банкларининг масофавий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Банк пластик карталари, эмиссия, эквайринг, USSD, QR-код, NFC тўлов тизими, электрон ҳамён, масофавий банк хизматлари.

### **Кириш**

Ҳозирги ахборот асрида замонавий ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқлари инфраструктурасини такомиллаштириш, маълумотлар узатиш, Интернет хизматларига кириб бориш ва замонавийлаштириш мамлакатимиз банк тизимидаги энг устувор ўринларга чиқмоқда. Хусусан, тижорат банкларининг масофавий хизматларини ривожлантириш давр талаби бўлиб, замонавий бизнес жараёнларини ташкил этиш, янги банк хизмат турларини жорий қилиш ва ундан самарали фойдаланиш иқтисодиётимиз ва жамиятимизнинг барча соҳаларига кенг тадбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш ва инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, шу жумладан, банк-молия соҳасида замонавий ахборот-

коммуникация ва интернет технологияларини кенг жорий этиш бўйича мунтазам равишда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан бугунги кундаги ислохотларнинг «Йўл харитаси» сифатида 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгилаб берилган вазифалар, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш ҳамда «Рақамли Ўзбекистон—2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги (ПФ, 2020) Фармонлари иқтисодий ривожлантириш, эркинлаштириш ва тартибга солишнинг, хусусан, рақамли иқтисодийга ўтиш шароитида банк тизимини ривожлантиришнинг тамомила янгича устувор йўналишлари бўлиб хизмат қилмоқда.

### **Асосий қисм**

Ўзбекистонда рақамли иқтисодийга ўтиш жараёни кечаётган бир вақтда тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг молиявий ресурсларни жалб қилиши, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилишнинг инновацион технологияларини жорий қилишни ҳамда бевосита масофавий банк хизматлари кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришни талаб қилмоқда.

Бу эса ўз навбатида, банк тизимида замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий қилишни, замонавий банк ахборот тизимларининг самарадорлигини ошириш ҳамда банклар томонидан аҳоли, тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларига кўрсатиладиган хизмат турларини, жумладан, интерактив хизматларини кенгайтириш ҳамда банк хизматлари сифатини оширишни тақозо қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари асосида янги турдаги банк хизматларини кўрсатиш, электрон тижорат, электрон тўловлар тизими, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни масофавий тарзда амалга ошириш учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилиши натижасида масофавий хизмат кўрсатишнинг қуйидаги уч тури кенг қўлланилмоқда:

Интернет-банкнинг – Интернет технологияси асосида банк хизматлари кўрсатилиши тизими бўлиб, бу мижозлар ўзларининг ихтиёрий компьютеридан банк ҳисобрақамлари билан операцияларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятини беради;

СМС-банкнинг – Банк мижозларига СМС орқали ҳисобрақамлари ва операциялари тўғрисидаги маълумотларни етказиб бериш имкониятини берувчи тизим ҳисобланади;


Мобил-банкнинг – Банкнинг масофавий хизмат кўрсатиш тизими ҳисобланиб, мижозларга планшет, смартфон ва оддий телефон орқали банк операцияларини масофадан туриб амалга ошириш имкониятини беради.

Ушбу масофавий банк хизматларини ривожлантиришда банк пластик карталари орқали ҳисоб-китоб қилишнинг жорий этилиши нақд пулнинг банкдан ташқари муомаласини кескин қисқартиришга, нақд пул эмиссиясини камайтиришга ва аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини иқтисодиётга жалб этишга, пировардида эса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ортиқча оворагарчиликларсиз банк хизматларидан масофавий тарзда фойдаланиш имнинг имкон бермоқда.

Масофавий банк хизмати кўрсатишида мобил-банкнинг хизмат тури муҳим аҳамият касб этиши ва мобил-банкнинг моҳиятини ёритиб берган. Унинг фикрича, Мобил-банкнинг тижорат мақсадлари учун фойдаланиладиган мобиль техника бўлиб, бу мобиль кўчма қурилма ва матнли хабарлардан (СМС) фойдаланиш орқали банк мижозлари исталган жойда, исталган вақтда банк билан боғланиб, ўз молиявий ва ахборот олиш операцияларини амалга оширувчи мобиль дастур эканлигини айтган (Shi Yu, 2009).

Тадқиқотчиларимиздан Рустамов (2018) илмий мақоласида масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари ва уларни келгусида ривожлантириш истиқболлари мобил-банкнинг ва интернет банкинг имкониятларини ва унинг моҳиятини кенг ёритиб бергани ҳолда, масофавий банк хизматларини ривожлантириш банкларнинг келгусидаги истиқболлини белгилаб беришини таъкидлаган.

Бугунги кунда тижорат банкларининг электрон тўловлари ва интерактив хизматларини янада такомиллаштириш, хўжалик субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва қулайлигини ошириш, пластик карточкалари орқали амалга оширилаётган электрон тўловлар ҳамда масофавий хизмат кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш тижорат банкларининг рақобатдошлигини оширишнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланиб улгурди.



**1-расм. Муомаладаги карталар сони ва масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони динамикаси (1 январь ҳолатига, минг дона).**

Манба: <http://cbu.uz>



Мазкур 1-расм маълумотларидан кўринадикки, мамлакатимизда 2020 йил март ойида Пандемия сабабли карантин эълон қилиниши муносабати билан банклар ўз миждозларига масофавий банк хизматларини таклиф қилишни кенгайтиришга эътибор қаратдилар, жумладан, Банк-миждоз, Интернет-банкнинг, Мобил-банкнинг ва СМС-банкнинг каби масофавий банк тизимларидан фойдаланишнинг оммаланиши ва ўсишига олиб келди. Масалан, 2021 йил 1 январга масофавий банк тизимларидан фойдаланувчилар сони 14 571 094 кишини ташкил этди, шу жумладан, 822518 юридик шахслар ва 13 748 576 жисмоний шахслар, ёки 2020 йил 1-январга нисбатан 43,50% га ошди.

### **Хулоса**

Бугунги ахборот асрида, тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш сифатини тубдан такомиллаштиришни, хусусан, Банк ва миждоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан харажати нисбатан кам бўлган электрон рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизматларини кенг жорий қилишни тоқозо қилади. Ҳеч кимга сир эмаски, келгусида тижорат банкларининг самарали фаолият кўрсатиши, миждозларни жалб қилиши, жозибодор банк хизматларини таклиф қилиш ва уларнинг молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги рақобатбардошлиги бевосита масофавий банк хизматлари кўрсатиш имкониятлари билан белгиланади.

Фикримизча, масофавий банк хизматларини ривожлантиришнинг асосий ижобий томонлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш жоиздир:

- нақд пул муомаласини ва банкдан ташқари пул айланмасини сезиларли даражада камайтириш имконини беради;
- банк хизматларидан масофавий тарзда кенг халқ оммаси фойдаланиши учун қулайликлар яратилиши ва аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш имкониятини кенгайтириши;
- банкларнинг янги бизнес-моделли асосида молия бозоридаги ўрнини мустаҳкамланиши ва имкониятининг кенгайтириши;
- интеллектуал технологияларга асосланган дастурларни жорий қилиш орқали банк миждозлари қарор қабул қилиши учун атрафлича маълумотлар таклифини шакллантириш в.б..

Ушбу кўрсатиб ўтилган имкониятлар масофавий банк хизматларини йилдан-йилга ривожланишига ва кенг халқ оммаси орасида оммавийлашиб боришига хизмат қилади. Шунинг билан бирга, аълоқа каналлари орқали кўрсатиладиган масофавий банк хизмат турларининг кенгайтириши янги бизнес турларининг шаклланишига, пировардида эса тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишга кенг имкониятлар яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. (ПФ, 2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрдаги «РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН — 2030» Фармони, ПФ-6079-сон.
2. Shi Yu. (2009), Factors influencing the use of Mobile Banking: The case of SMS-based Mobile Banking

3. Рустамов М (2018), Масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари ва уларни келгусида ривожлантириш истиқболлари.

## **THE ROLE AND IMPORTANCE OF FINANCING INVESTMENT PROJECTS IN ECONOMIC DEVELOPMENT.**

*Hakimova Nargiza. Student of TFI  
Scientific advisor: Ochilov Bobur.  
Teacher at TFI*

The financial system plays a vital role in the economic development of a country. It encourages both savings and investment and also creates links between savers and investors and also facilitates the expansion of financial markets and aids in financial deepening and broadening. Financial markets play an essential role in the allocation of resources and operation of modern economies. Financial markets create products that provide a return for those who have excess funds (Investors/lenders), making these funds available to those who need additional money. Financial markets play a critical role in the accumulation of capital and the production of goods and services. In this way, financial markets direct the allocation of credit throughout the economy—and facilitate the production of goods and services. Economic system relies heavily on financial resources and transactions, and economic efficiency rests in part on efficient financial markets. Financial intermediaries purchase securities for their own account and sell their own liabilities and common stock. Various importance of these institutions are: 1) They provide economic loans to various persons or organizations. 2) They provide financial interest to the money deposit accounts. 3) They can control and manipulate the money flow in an economic market. The primary role of financial institutions is to provide liquidity to the economy and permit a higher level of economic activity than would otherwise be possible.

As our President pointed out: "One of the most important tasks in the development of the economy is to mobilize the savings of the population in the form of investments, to strengthen the entrepreneurial spirit of the people. To this end, I propose to open an "Investment Portal" on the Internet, which will provide local and foreign investors with the necessary statistical information, information about the conditions created for doing business. Based on foreign experience, it is necessary to establish a free mobile phone connection for all investors, which works around the clock. It is also important to consider creating an incentive system for foreign investors to re-invest their capital, rather than withdrawing it quickly."<sup>343</sup>

The major categories of financial institutions include central banks, retail and commercial banks, internet banks, credit unions, savings, and loans associations,

---

<sup>343</sup> Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis, 22.12.2017 <https://Prezident.uz>

investment banks, investment companies, brokerage firms, insurance companies, and mortgage companies. As part of the financial system within a market-based economy, these institutions full fill a vitalrole in channelling funds from those able and willing to lend, to those individuals and organisations wishing to borrow in order to consume or invest. The main role of a financial institution is to transfer financial resources from those who save it to those who are in need of financial resources for economic activity.

The urgent implementation of the assessment of the value of sources of financing investment projects in the national economy will increase the share of finished products at a high technical level. This will depend on the following aspects: the development of cooperative relations between enterprises in foreign countries and exporting enterprises in Uzbekistan; the production of high technology and knowledge-intensive products serves to improve the industry and the intra-industrial system; sale of licenses for intellectual property of export and technical and trade secrets in the form of know-how, to accelerate the entry of scientific and technical achievements in the country into the world circulation through the development of services in the field of engineering and leasing; scientific developments, in particular, development of an effective system of integration of innovations, creating conditions that give market direction to scientific developments in the field of applied science and technology transfer; to identify the main ways of optimal harmonization of the innovation process by the state and in the commercial way, and to bring scientific and technical developments to the level of commercial results; Uzbek scientists and experts are leading institutions abroad, expanding and deepening cooperation with organizations and firms; conducting high-level marketing research, etc.

In conclusion, we will be able to address many of the challenges associated with building a developed market economy by effectively mastering the methods of assessing the value of sources of financing investment projects. Its implementation will not only ensure the establishment of additional activities and production, but will also serve to increase the well-being of the population and increase the wealth of the state and increase its economic power, indicating the real level of life in society.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШИДА КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Акбарова Муаттар Рахматуллаевна  
(Ўзбекистон республикаси давлат статистика  
қўмитаси қошидаги Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар институти, Иқтисодиётда ахборот  
tizимлари ва рақамли иқтисодиёт кафедраси таянч докторанти)*

Маълумки давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилди. 2020 йил 2 мартда эса Президентимизнинг “2017–

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури** қабул қилинди. **Давлат дастури бешта асосий йўналишлардан иборат бўлиб**, дастурнинг бешинчи йўналишида 2020-2023 йилларга мўлжалланган Киберхавфсизликка доир миллий стратегия ҳамда “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланиб қўйилган.

Президентимизнинг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони **Ҳукуматимиз томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига ва ҳаётга татбиқ этилишига асос бўлди.**

Рақамли маълумотларни бошқаришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим омил саналади. Бунда асосий эътибор рақамли маълумотларга рухсатсиз кириш, уларни ахборот воситачиларидан ҳимоя қилган ҳолда хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотлар узатишнинг соддалигини таъминлашга қаратилиши лозим.

*Иқтисодиётнинг барча соҳаларида автоматлаштириш ахборот тизимларидан фойдаланилганда, ахборот хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.*

Қачонки кўплаб маълумотлар рақамли форматга ўтказилса, электрон кўринишда сақланса, шундагина ахборот ва киберхавфсизлик масаласи долзарблик касб этади. Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳаси мутахассисларига шундай талаб қўйилганки, улар бу борада рўй берган нохуш ҳодисаларни ўрганишлари ва бартараф этишлари эмас, балки бундай ҳолатни олдиндан кўра билишлари, яъни олдини олишга ҳаракат қилишлари керак.

Рақамлаштириш ва киберхавфсизлик тушунчалари доимо ёнма-ён келади. Чунки барча тизим ва жараёнларни рақамлаштириш билан бирга, уларнинг техник жиҳатдан мукамал ва беҳато ишлашини, хавфсизлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қанчалик эътибор қаратилаётган бўлса, киберхавфсизликни таъминлашга ҳам шунча аҳамият берилмоқда. Бунга яққол мисол сифатида ҳар йили Ҳалқаро электроалоқа иттифоқи томонидан эълон қилинадиган киберхавфсизлик бўйича мамлакатимизнинг ҳалқаро глобал рейтингда юқори ўринлардан жой олишини кўрсатиш мумкин.

*Киберхавфсизлик бўйича халқаро глобал рейтинг ABI Research ва ҲЭИ(Ҳалқаро электроалоқа иттифоқи)нинг қўшма лойиҳаси бўлиб, индекс давлатларнинг киберхавфсизлик соҳасидаги иштироки даражасини баҳолаш имконини беради. Бунда мажбуриятлар даражаси беш соҳада баҳоланади: ҳуқуқий чоралар, техник чоралар, ташиқий чоралар, салоҳиятнинг ривожини ва халқаро ҳамкорлик.*

*Киберхавфсизлик бўйича глобал рейтингларда 2019 йил сарҳисобига кўра Ўзбекистон Миллий киберхавфсизлик индекси (National Cyber Security Index) да 90 ўринда, Глобал киберхавфсизлик индекси (Global Cybersecurity Index) да 52 ўринда, АКТ ривожланганлик индекси (ICT Development Index) да 95 ўринни эгаллаб келмоқда.*<sup>344</sup>

Ўзбекистон киберхавфсизлик глобал индексида ўзи позициясини мустаҳкамлаб бормоқда. 2017 йилда мамлакатимиз бу рейтингда 93-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 52-ўринга кўтарилди.

Киберхавфсизлик кенг маънода ахборот технологиялари, яъни курилмалар, дастурлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар ҳимоясига қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Яъни маълумотлар конфиденциаллигини сақлаш, уларнинг бутунлигини ҳимоялаш, дастур ва ахборот тизимларини бузилишларсиз тўлақонли ишлаши демакдир. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

“Киберхавфсизлик маркази” ДУК(Давлат унитар корхонаси) таҳлилларига кўра, 2019 йилда интернетнинг миллий сегменти веб-сайтларида 268 та киберхавфсизлик инциденти аниқланган. Бу рақамли оламдаги ҳуқуқбузарликлар сони олдинги йилга қараганда 44 фоизга камайган деганидир. Шулардан 222 таси контентни рухсатсиз юклаш, 45 таси дефейс (веб-сайт саҳифаси бошқа, масалан, реклама жойлаштирилган саҳифага алмаштирилишини англатувчи хакерлик ҳужуми) ва биттаси яширин майнинг (криптовалюта платформасидаги яширин фаолият) улушига тўғри келади.

2018 йил билан солиштирганда, интернет миллий сегментида руй берган инцидентлар сони 2019 йилда анча камайган, бу эса киберхавфсизлик соҳасида амалга оширилган ишлар ижобий самара берганлигини кўрсатади.

Инцидентларнинг 69 фоизи Ўзбекистондаги хостинг-провайдерларида жойлашган веб-сайтларда аниқланган, қолган 31 фоизи хорижий давлатлардаги хостинг-провайдерларидаги сайтларга тегишли. 80 та ҳолатга нисбатан текшириш ишлари олиб борилиб, аниқланган заифликларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар берилган, қолган 188 та ҳолат веб-сайт эгалари томонидан мустақил равишда бартараф этилган. Кибермаконда хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келишига кодида хавфсизлик хатолари мавжуд бўлган контентни бошқариш, дастурий воситаларнинг эскирган версиялари билан ишлаш, кириш паролларининг осонлиги, хавфсиз бўлмаган манбалардан юклаб олинган шаблонлар, вируслар билан зарарланган компьютерларда веб-сайтларни бошқариш кабилар сабаб бўлади.<sup>345</sup>

2020 йилнинг мониторинг таҳлил натижаларига кўра, миллий интернет сегментида ахборот ва киберхавфсизликка таҳдид солувчи 270 000 дан ортиқ зарарли ва шубҳа уйғотувчи тармоқ ходисалари кузатилди. Ўтган 2020 йил давомида ахборот тизимлари ва веб-сайтларнинг хавфсизлигини таъминлаш

<sup>344</sup> <https://ncsi.ega.ee/country/uz/> - National Cyber Security Index

<sup>345</sup> <https://www.itu.int> - Ҳалқаро электроалоқа уюшмасининг расмий сайти

доирасида 680 та ҳодиса рўй берган. Шу билан бирга идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига уланган ахборот тизимларида 9 955 152 та ҳодиса қайд этилган бўлиб, улардан 94 147 таси махфий маълумотлар базасининг бузилиши ва конфеденциал маълумотлар базасининг тарқалишига олиб келувчи хавфли ҳодиса эканлиги аниқланди. Миллий “.UZ” доменида 2020 йилда 342 та ҳодиса аниқланган бўлиб, улардан 306 таси веб-сайтларга рухсатсиз контент юклаш ва қолган 36 таси эса бузилган веб-сайтнинг асосий саҳифаси ноқонуний ўзгартирилиб қўйилиши аниқланди.<sup>346</sup>

Бу таҳлиллар киберхавфсизлик масаласининг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди, боиси дастурий заифликлар бузғунчига ахборот тизими ёки веб-сайт, шунингдек, файл ва маълумотларга масофадан кириш, фуқароларининг шахсий маълумотлари чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Киберхавфсизлик чоралари бу каби ҳолатларнинг олдини олади.

Юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар замирида халқимизга қулайликлар яратиш мақсади ётибди. Киберхавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши рақамли имкониятлардан ишончли ва хавфсиз тарзда фойдаланишга замин бўлиб келмоқда.

## **МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ХИСОБЛАШНИ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.**

*Собиров Отабек Олимжонович  
Тошкент молия институти  
“Бухгалтерия хисоби” кафедраси  
Мустақил изланувчиси*

Ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини юритувчи субъектларининг харажатлари таркибида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари катта салмоқни ташкил қилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши билан пасайиб боради. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг узлуксиз пасайиши бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш усулининг қонуниятидир.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бу услубиётда харажатлар тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) харажатларга бўлинади. Тўғри харажатларни иқтисодий жиҳатдан асосли усул билан объектга бевосита ўтказиш мумкин бўлади. Эгри харажатлар объект билан бевосита алоқага киришмайди ва одатда бир неча объектга тегишли бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш ходимининг меҳнат ҳақи тўғри харажат бўлса, цех бошлиғининг меҳнат ҳақи эгри харажат ҳисобланади. Ушбу тасниф ишлаб чиқариш ҳажмидан қатъи назар маълум турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисидаги қабул қилинган қарорнинг харажатларга таъсирини ўрганишда

---

346

қўлланилади.

support financial inclusion for sustainable economic development. The rapid development of digital technologies leads to a radical transformation not only in the economy, but also in society itself. Thus, by reducing information costs, digital technologies significantly reduce the cost of economic and social transactions for the state, companies and individuals, promote innovation, in which transaction costs become almost zero, and also dramatically increase efficiency: existing activities and services become cheaper, faster or more convenient. And finally, digital technologies promote integration: people get the opportunity to use services that are previously inaccessible to them. At the same time, an information market is being formed, which is characterized as a pool of social, legal and economic relations in the sphere of sale and exchange of information products between consumers, producers and intermediaries. This approach enhances the dominance of the information industry in the economy of several countries, the sphere of production and services is becoming more knowledge-intensive and innovative. In this context, in Uzbekistan at the highest level, great attention is paid to the development of information and communication technologies, increase their role in the socio-economic development of the country. A striking example of this is the performance of Shavkat Mirziyoyev at the solemn the inauguration ceremony of the President of the Republic of Uzbekistan, which specifically notes the following: —Modernization of industries and regions, increasing their competitiveness, development of export potential will always be in the center of our attention. For this, it is necessary to attract more actively foreign investment, advanced technologies, including information and communication, into all areas. It is on this basis that we will be able to achieve an increase in gross domestic product of more than 2 times by 2030. In this case, the cyclical nature of competition implies a greater probability achieving successful digital platforms significant, but at the same time, temporary market advantages. There is general consistency in the fact that dynamic competition based on continuous processes of innovation, development and change is a key component of a market economy. In this regard, the greatest benefits from the digital economy will be those countries that can quickly and as much as possible adapt to the changes taking place, while the rest are more likely to be lagging behind. In order to compete in the digital economy, it is necessary to have the appropriate number of competencies, flexibility and efficiency are important, it is necessary to competently manage project portfolios and analyze large amounts of data in order to be able to make objective decisions 24 hours a day. Therefore, in such a digital economy, it will be difficult for a person to find a place for himself—not only the financial sector will change, but also the industry, services and products that can have a digital form.

Digital technologies in the modern world create fundamentally new opportunities for building interaction between the state, business and the public, eliminating long chains of intermediaries and speeding up a variety of transactions and operations. Based on this view of the digital economy, many researchers have come to the conclusion that this model of the economy will provide —digital dividends to society in the form of increased market access and market coverage, increased internal and market efficiency, including higher labor productivity, lower

transaction costs employment growth (reduction of unemployment), better satisfaction of human needs, poverty reduction and even weakening (or completely overcoming) the social polarization of society. Digital transformation is accompanied by risks. Very acute are the issues of economic security of the credit institution. The relevance is due to the fact that in the transition to the digital economy, digital banking is one of the main elements of ensuring economic security of the financial sector. That is, increasing the level of economic security of the credit institution is a priority in the transition to the digital economy. As society becomes less dependent on cash transactions and more dependent on public Internet services, capital management and banking compliance will look very different, with more emphasis on decentralized cryptographic systems. The cost of banking IT can be reduced by using open source software and improving its sustainability by using its distributed nature. The first technologically adjusted regulators will create Internet standards for regulation and open the way for everyone else. This will provide cryptographic proof of solvency or your identity. Companies will be able to work with greater transparency and consumers will consume with greater confidentiality

## **ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ВАЛЮТА КУРСИ ВА УНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ РОЛИ**

*ТМИ. Болтаев Т.Қ.*

Республикамиз ташқи иқтисодий муносабатларининг кенг ривожланиши Ўзбекистоннинг ташқи савдо муносабатларини янада ошиб боришига олиб келди.

Мустақиллик йилларида ташқи савдо муносабатлари таркибий жиҳатдан ўзгартирилиб, хом ашёни четга чиқаришдан тайёр маҳсулотлар, тугалланган технология натижаларини экспорт қилишга ўтила бошланди.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Ташқи иқтисодий муносабатларга давлат таъсири экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш, божхона ва валюта назоратини амалга ошириш йўли билан. иқтисодий тараққиётга, барқарорликка эришиш белгиланган. Давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда валюта сиёсати муҳим ҳисобланади.

Валюта сиёсати ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг энг таъсирчан воситаси ҳисобланади. Унинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил май ойида қабул қилинган ва дастлаб 2003 йилда, сўнгра 2019 йилда қайта янги таҳрирда қабул қилинган “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунида ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган.

Халқаро савдони баҳоловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткич тўлов баланси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг охириги йиллардаги тўлов баланси қулай макроиқтисодий конъюнктура, экспорт қилинаётган товарларга бўлган талабнинг ошиши, ташқи савдо балансининг ижобий бўлиши ва олтин-валюта захираларининг ўсишида ўз аксини топди.

Шунингдек, жаҳон бозорида республикамизнинг асосий экспорт товарлари ва хизматлари нархларининг мақбул ҳолда бўлиши ва Марказий банк томонидан валюта алмашув курсининг барқарор ҳолатда ушлаб турилиши, ўз навбатида, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини рағбатлантирган ҳолда экспорт қилинаётган товар ва хизматлар ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Марказий банк томонидан миллий валюта курсининг хорижий валюталарга нисбатан барқарор ушлаб турилиши ҳамда пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарадорлигининг оширилиши ҳам тўлов балансининг ижобий ҳолатда бўлишига замин яратди.

Шунингдек, экспортнинг тобора ошиб бориши ҳисобига республикамизда олтин-валюта захираларининг миқдори ҳам сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Валюта бозорини тартибга солишдаги эришилган ютуқлар иқтисодиётдаги қатор ижобий ўзгаришларда, жумладан республикада инвестицион вазиятни яхшилашда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифати ва ҳажмининг ошишида ҳамда ички бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўз аксини топди. Миллий валюта алмашув курсининг мақсадли параметрлар доирасида бўлиши ва унинг девальвация даражасининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши истеъмол товарлари нархларини паст даражада ушлаб туриш учун қўшимча омил сифатида хизмат қилди.

Сўнги йилларда Марказий банкнинг валюта сиёсати инфляцион жараёнларни жиловлаш заруриятидан келиб чиқиб, миллий валюта алмашув курси динамикаси кескин тебранишларининг олдини олиш ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Бугунги кунда давлатимиз олдида турган энг асосий вазифлардан бири меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида валюта курсини барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Миллий валютанинг барқарорлиги мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциали, жаҳон бозорида эркин алмашинуви етарли миқдордаги рақобатбардош маҳсулотлар, зарур резервлар орқали таъминланади. Бунга эришмоқ учун Ўзбекистон қуйидагиларни амалга ошириши лозим. Биринчидан сўмнинг харид қувватини ошириш учун республика бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш. Бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар билан ҳам тўлдириш чораларини кўриш керак. Иккинчидан, валютанинг барқарор амал қилиши унинг эркин алмашинувчи етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Шу мақсадда етарли олтин-валюта захираси ташкил қилинди. Учинчидан - ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини кадрлашни ўрганган тақдирдагина ҳамда пул даромадидан самарали фойдаланила олинган шароитда миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Тўртинчидан -

миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарт- инфляцияга қарши бақувват пухта ўйланган сиёсат ўтказишдир. Инфляция даражасини кескин камайтиришгина миллий валютани барқарор валютага айлантира олиш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, валюта курси мамлакат ички ва ташқи иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқ бўлиб, курснинг ўзгариши мамлакат иқтисодиётига ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Валюта курсини барқарорлигини таъминлаш мамлакат иқтисодиёти учун муҳимдир.

Валюта курси ва унги келгусидаги ҳолати ташқи иқтисодий муносабатларни, айниқса ташқи савдони ривожлантиришда асосий омил бўлади. Валюта курсининг ўзгариши ташқи савдо самарадорлигига таъсир қилади. Шу сабабли давлат ташқи иқтисодий муносабатларни бошқаришда валюта курсидан молиявий инструмент сифатида фойдаланади. Реал курсга нисбатан валютанинг номинал курсини юқори бўлиши экспорт операциялари самарадорлигини оширади. Аксинча валюта курси баланд бўлса экспортни камайтириб импортни ошишига олиб келади, натижада тўлов баланснинг ёмонлашувига олиб келади.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT VA ELEKTRON HUKUMATNI RIVOJLANTIRISH**

*Ilmiy rahbar: Yuldasheva U  
Bajardi: Begmatova D. Zokirova F*

Iqtisodiyotda raqamli texnologiyalardan foydalanish, xususan raqamli iqtisodiyotni joriy etishning afzalliklaridan biri davlat xizmatlari tizimini rivojlantirishga va ularning ochiqligi va samaradorligini ta'minlashga, ishbilarmonlik muhitining shaffofligini oshirish hisobiga biznes sharoitlarini yaxshilashga yordam beradi.

Tashkiliy va iqtisodiy tamoyillarning raqamli o'zgartirilishi global iqtisodiy o'sishning asosiy omillaridan biriga aylanmoqda.

Raqamli iqtisodiyot doirasida davlat sektorida axborot texnologiyalaridan keng foydalanish, elektron xizmatlarning rivojlanishi va infratuzilmaga kiritiladigan investitsiyalar xususiy sektorda axborot texnologiyalaridan kengroq foydalanishga turtki beradi va uning boshqa sohalarga ta'sirini kuchaytiradi.

Iqtisodiyotning eng muhim tarmoqlarini yanada axborotlashtirish va axborot texnologiyalarini rivojlantirish bo'yicha loyihalarni amalga oshirish yangi biznes yo'nalishlarini barpo qilishga va mavjudlarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Ushbu maqsadlarda esa, Markaz raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirish bo'yicha davlat organlari va tashkilotlarga uslubiy-amaliy yordam ko'rsatadi.

Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni yanada rivojlantirishning qo'shimcha vazifalari:

- 2023-yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravarga ko‘paytirishni nazarda tutgan holda, shu jumladan, ishlab chiqarishni boshqarishda axborot tizimlari kompleksini joriy qilish, moliyaviy-xo‘jalik faoliyatda hisobot yuritishda dasturiy mahsulotlardan keng foydalanish, shuningdek, texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish orqali uni jadal shakllantirish;

- 2022-yilga qadar elektron davlat xizmatlari ulushini 60 foizgacha yetkazishni nazarda tutgan holda davlat axborot tizimlari va resurslarini yaratish hamda integratsiya qilish, davlat ma‘lumotlar bazalaridagi axborotlarni unifikatsiya qilish, shuningdek, davlat xizmatlarini ko‘rsatish tartibotlarini optimallashtirish va tartibga solish orqali elektron hukumat tizimini rivojlantirish;

- ta‘lim tizimining barcha bosqichlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish va zamonaviy iqtisodiyot uchun zarur bo‘lgan raqamli bilimlarning darajasini oshirish, ta‘lim infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, “Besh tashabbus” loyihasini amalga oshirish doirasida 2022-yilga qadar respublikaning barcha hududlarida raqamli bilimlarga o‘qitish markazlarini ochish.

Elektron hukumat loyihalarini boshqarish markazi davlat muassasasiga yagona integrator bilan birgalikda 2020-yil 1-oktabrga qadar aholi va tadbirkorlik subyektlariga axborot xizmatlarini, jumladan, xabardor qilish xarakteridagi ma‘lumotlarni taqdim etuvchi davlat organlari va tashkilotlarining axborot tizimlari bilan integratsiyalashgan elektron hukumat xizmatlari haqida axborot berish va xabardor qilish tizimini ishlab chiqish vazifasi yuklatilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirish sohasidagi vakolatli organ hisoblanishi, raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirish doirasida axborot tizimlari, resurslari va boshqa dasturiy mahsulotlarni yaratish va joriy etish bo‘yicha davlat organlari va tashkilotlarning loyihalari va texnik hujjatlari hamda normativ-huquqiy hujjatlari loyihalarini majburiy ekspertizadan o‘tkazishi Prezident huzuridagi Loyiha boshqaruvi milliy agentligida kripto-aktivlar va blokcheyn texnologiyasini joriy etish bo‘yicha vakolatlar saqlab qolinishi ham belgilab berilgan.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT- O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTINING YANGI DAVRI**

*Ilmiy rahbar: Ostonaqulov A  
Bajardi: Nuriddinov A*

Dunyo mamlakatlari kabi O‘zbekistonda ham raqamli iqtisodiyot rivojlanmoqda. Kundalik hayotimizga axborot texnologiyalarni tadbiq qilinishi ortidan oddiy insonlar uchun ko‘plab imkoniyatlar yaratilmoqda. Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan parlamentga yo‘llangan Murojaatnomada ta‘kidlanganidek, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish O‘zbekiston uchun kelgusi yillarda eng dolzarb va ustuvor yo‘nalishlardan biri. Yurtimizda 2020 yil “Ilm, ma‘rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb e‘lon qilingani ham bejiz emas. 2020 yilda

AKT sohasida bir qator yirik loyihalar amalga oshiriladi. Hozirga kunda uydan chiqmasdan ko'plab oziq-ovqat mahsulotlari va taomlariga buyurtma berishimiz, ularni uyimizgacha yetkazib berishlari mumkin. Lekin shuni ta'kidlash kerak-ki, O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot O'zbekiston potensialiga nisbatan bir necha barobar sekinroq rivojlanmoda. Ya'ni imkoniyat bor, kerakli resurslar mavjud lekin rivojlanish ancha sust. Bunga sabab sifatida raqamli iqtisodiyotni O'zbekistonda rivojlanishini bir qancha to'siqlarini ko'rsatib o'tish mumkin. O'zbekistonda barcha tizimlar raqamlashmoqda. Quyidagilar raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni yana-da rivojlantirishning qo'shimcha vazifalari etib belgilandi.

2023-yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravarga ko'paytirishni nazarda tutgan holda, shu jumladan, ishlab chiqarishni boshqarishda axborot tizimlari kompleksini joriy qilish, moliyaviy-xo'jalik faoliyatda hisobot yuritishda dasturiy mahsulotlardan keng foydalanish, shuningdek, texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish orqali uni jadal shakllantirish;

2020-2021 yillarda barcha sog'liqni saqlash muassasalari, maktablar va maktabgacha ta'lim tashkilotlarini, shuningdek, qishloqlar va mahallalarni yuqori tezlikdagi Internet tarmog'iga ulash hamda aloqa xizmatlari sifatini oshirishni ko'zda tutgan holda mamlakatning raqamli infratuzilmasini to'liq modernizatsiya qilish va zamonaviy telekommunikatsiya xizmatlaridan barcha hududlarda foydalanish imkoniyatini ta'minlash;

2022-yilga qadar elektron davlat xizmatlari ulushini 60 foizgacha yetkazishni nazarda tutgan holda davlat axborot tizimlari va resurslarini yaratish hamda integratsiya qilish, davlat ma'lumotlar bazalaridagi axborotlarni unifikatsiya qilish, shuningdek, davlat xizmatlarini ko'rsatish tartibotlarini optimallashtirish va tartibga solish orqali elektron hukumat tizimini rivojlantirish;

dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqarish va texnologik maydonchalar yaratish orqali "raqamli tadbirkorlik"ni rivojlantirish, 2023-yilga kelib ushbu sohadagi xizmatlar hajmini 3 baravarga oshirish va ularning eksportini 100 million dollarga yetkazish;

ta'lim tizimining barcha bosqichlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish va zamonaviy iqtisodiyot uchun zarur bo'lgan raqamli bilimlarning darajasini oshirish, ta'lim infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, "Besh tashabbus" loyihasini amalga oshirish doirasida 2022-yilga qadar respublikaning barcha hududlarida raqamli bilimlarga o'qitish markazlarini ochish.

Xulosa o'rnida aytish joizki, insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bog'liq bo'lib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi. Bunga erishish uchun raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning quyidagi asosiy shartlari va ustuvor yo'nalishlarini sanab o'tish maqsadga muvofiq:

- raqamli texnologiyalar barqaror faoliyat ko'rsatishi uchun institutsional muhit va raqamli infratuzilmani yaratish, davlat xizmatlarini ko'rsatish,

iqtisodiyotning real sektori tarmoqlari, sog'liqni saqlash, davlat kadastri va boshqa sohalarda raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, shuningdek,

O'zbekiston Respublikasi hududini rivojlangan mamlakatlar darajasida internet global tarmog'iga ulanish imkoniyatlari bilan imkon qadar to'liq qoplashni bosqichma-bosqich ta'minlash;

- kadrlar tayyorlash ko'lamini kengaytirish va bu yo'nalishlar bo'yicha chuqur bilimga ega malakali dasturchilar va injener-texnik xodimlarni yetishtirish, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida xalqaro andozalarga to'liq javob beradigan zamonaviy axborot texnologiyalarini o'qitish,

- shu jumladan, xorijiy hamkorlarimiz bilan birgalikda "1 million dasturchi" loyihasini muvaffaqiyatli amalga oshirish;

- raqamli iqtisodiyot sohasida ilmiy-nazariy bazani mustahkamlash va bu sohada "Raqamli ishonch" jamg'armasi mablag'laridan maqsadli foydalangan holda ilmiy faoliyatni qo'llab-quvvatlash;

- aholining keng qatlamlari o'rtasida "raqamli savodxonlik"ni targ'ib qilish va kengaytirish, ularni axborot texnologiyalarini o'zlashtirishga jalb qilish maqsadida o'quv yurtlarida seminar, kurslar va boshqa tadbirlarni o'tkazish;

- raqamli iqtisodiyot sohasida me'yoriy-huquqiy bazani mustahkamlash va qonunchilik hujjatlarini takomillashtirish, shuningdek, "startup" tushunchasi, faoliyati, venchur fondlari orqali ularni moliyalashtirishning huquqiy asoslarini yaratish;

Xalqaro tajriba shundan dalolat bermoqdaki, bugungi kunda raqamli texnologiyalar asosan ilmiy hamjamiyat va xususiy sektorda jadal rivojlanmoqda. Shuning uchun davlat, aynan, ushbu sohalarda innovatsion loyihalar va IT-kompaniyalarni qo'llab quvvatlagan holda qulay ekotizimni yaratishi lozim.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKILLANTIRISH SHAROITIDA AKT: MUAMMO VA YECHIMLAR**

*Ilmiy rahbar: Ostonaqulov A  
Bajardi: Shahobiddinov K*

Bugungi kunda insoniyat turmush tarziga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari AKT ning keskin kirib kelishi hamda iste'molchining mahsulotga bo'lgan talablari, jumladan mahsulot haqida to'liq ma'lumotga oson va qulay ega bo'lish, dunyoning har nuqtasidan buyurtma bera olish, mahsulot shaklini shaxsiy hohish irodasiga ko'ra o'zgartira olish, tezkor ega bo'lish va shu kabilar natijasida ijtimoiy munosabatlar o'zgarib, raqobatlashuv sharoitida rivojlanayotgan korxonalar va jamiyatlarning yangi boshqaruv texnologiyalari va platformalarini yaratishiga turtki bo'ldi.

Raqamli iqtisodiyot - bu xo'jalik faoliyatini yuritish bo'lib, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko'rinshidagi ma'lumotlar bo'lib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini analiz qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish,



texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tadbiriq qilishdir. Boshqacha qilib aytgancha, raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlar ko'rsatish, elektron tulovlar amalga oshirish, internet savdo, kraudfanding va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog'langan faoliyatdir. "Raqamli iqtisodiyot"ga Internet, uyali aloqa, axborot-kommunikatsiya va boshqa zamonaviy texnologiyalarni qo'llash bilan bog'liq iqtisodiy munosabatlarning bir qismi sifatida qaraladi. "Raqamli iqtisodiyot"ni shakllantirish jarayoni iqtisodiyotda qo'shimcha qiymat yaratishning barcha bosqichlarida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va Internetni joriy etish hisobiga yangi texnologik darajaga o'tish bo'yicha kompleks vazifalardir. Ushbu jarayonning asosiy maqsadi va vazifalari fuqarolarning turmush sifatini yaxshilash, iqtisodiyotning raqobatbardoshligi va samaradorligini oshirish, uning eksport salohiyatini rivojlantirishga qaratilgan. Raqamli iqtisodiyot, birinchi navbatda, korrupsiyadan xoli hududda ishlash imkoniyatini yaratadi. U "xufiyona iqtisodiyot"ning asosiy kushandasidir. Chunki raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi. Kerak paytda ma'lumotlarni tez taqdim etadi Buning natijasida esa iqtisodiyotga yo'naltirilgan qonuniy mablag'lar joy-joyiga sarflanadi. Ayniqsa, soliqlarning o'z vaqtida to'g'ri hisoblanishi va to'lanishi, byudjet taqsimoti oshkoraligi, ijtimoiy sohaga yo'naltirilgan mablag'lar, maktablar, shifoxonalar, yo'llarga ajratilgan pullar to'liq o'z manziliga maqsadli yetib borishiga zamin yaratiladi. Shu bilan birga, transport sohasi, qishloq xo'jaligi, sog'liqni saqlash, uy-joy-kommunal xo'jaligi, moliyaviy xizmatlar bozori va "raqamli iqtisodiyot"ni rivojlantirishning shu kabi ustuvor yo'nalishlarini belgilash zarur. Shu bilan birga, 2020–2022 yillarda elektron hukumat, telekommunikatsiyalar, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalari texnologik parki faoliyatini yanada rivojlantirish, iqtisodiyotning real sektori tarmoqlarida hamda qishloq va suv xo'jaligida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bo'yicha 268 ta loyihani amalga oshirish rejalashtirilmoqda. Bugungi kunda soha mutaxassislariga sharoit yaratish, IT tadbirkorlikni, ayniqsa, AKT sohasida startap loyihalarni rivojlantirish bo'yicha ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. Shu maqsadda Dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalari texnologik parki barpo etildi. Ayni paytda to'rt ming nafar mutaxassis faoliyat yuritayotgan 392 ta tashkilot IT-parkning rezidentlari hisoblanadi. Mazkur parkda zarur infratuzilma, shu jumladan, zamonaviy laboratoriyalar, kovorking markazi hamda ofis maydonlari mavjud. Texnopark rezidentlariga moliyaviy, marketing, yuridik va boshqa konsalting xizmatlari ko'rsatiladi. Yana bir muhim jihat shundaki, rezidentlar uchun moliyaviy imtiyozlar ham belgilangan. Bunday muvaffaqiyatli tajriba yurtimizning boshqa hududlarida ham texnoparklarni ochishga turtki bo'ldi.

2020–2024 yillarda mamlakatimizning 14 ta hududida, birinchi navbatda, Nukus, Buxoro, Namangan, Samarqand, Guliston va Urganch shaharlarida, shu jumladan, Toshkent shahridagi al-Xorazmiy nomidagi ixtisoslashtirilgan maktab huzurida IT-park tashkil qilinadi. Yoshlar o'rtasida IT-asoslarini keng o'qitish, ularning ushbu yo'nalishda ta'lim olishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Vazirlik tomonidan "Besh tashabbus" dasturi

doirasida aholi va yoshlarning kompyuter texnologiyalari va internetdan samarali foydalanishlarini tashkil qilish bo'yicha ishlar amalga oshirildi. Raqamli texnologiyalar o'quv markazi tashkil etilib, yangi ish o'rinlari yaratildi. Bundan tashqari, Toshkent shahridagi Amiti Universiteti tashkil etildi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, bu kabi yirik loyihalarga start berilgani Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yilida raqamli texnologiyalarning hayotimizdagi o'rni va rolini, ularning yurtimiz bo'ylab qamrovini jadal sur'atda oshiradi. Tizim muntazam rivojlanyapti, keng ko'lamli va kompleks loyihalar amaliyotga joriy etilmoqda. Shu bilan birga, hali oldimizda bajaralishi zarur bo'lgan muhim vazifalar turibdi. O'zbekistonning taraqqiyoti raqamli texnologiyalarning barcha soha va tarmoqlarga joriy etilishi va qo'llanishiga uzviy bog'liqdir

## **O'ZBEKISTONDA INVESTITSIYA SIYOSATINING BUGUNGI KUNDAGI HOLATI**

*Ilmiy rahbar: "Baholash ishi va investitsiyalar"  
kafedrasida o'qituvchisi Ochilov B.B.  
"Moliya" fakulteti MM-56 guruh  
talabasi D.M.Muqimjonova*

Hozirgi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotiga chet el investitsiyalarini jalb etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, ularni huquqiy himoya qilishning amaliy mexanizmlarini joriy etish va investitsion muhitni yanada yaxshilash iqtisodiy rivojlanish sohasidagi eng muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi investitsiya siyosati xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun yanada qulay shart-sharoitlarni ta'minlash, xorijiy investitsiyalarni ishonchli huquqiy himoya qilishning amaliy mexanizmini barpo etish, mana shu asosda mamlakatdagi investitsiya muhitini yanada yaxshilashda MDH mamlakatlari orasida yetakchi hisoblanib kelmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev aytganlaridek: "Investitsiya bo'lmasa, iqtisodiyot rivojlanmaydi". Darhaqiqat, shu boisdan mamlakatimizda investitsion jozibadorlikni oshirish masalasidagi ko'plab yangidan-yangi yondashuvlar, investorlarga berilgan imtiyozlar shu bilan birga, zamonaviy va modernizatsion texnologiyalarni mahalliy bozorlarga olib kirish natijasida rentabilligi yuqori bo'lgan loyihalar xorijiy investitsiyalar oqimini tezlashtirishga sabab bo'lganligini aytishimiz mumkin.

Investitsiya – iqtisodiy taraqqiyotning asosiy harakatlantiruvchi kuchidir. Shu bois bu masala davlatimiz rahbarining doimiy e'tiborida bo'lib kelmoqda. 2019-yil mamlakatimizda «Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili» deb e'lon qilindi. Bu sohadagi ishlar samaradorligini oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi tashkil etildi.

Investitsiya - iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida o'z mamlakatida yoki chet ellarda turli tarmoqlarga, ijtimoiy-iqtisodiy dasturlarga, innovatsiya, tadbirkorlik loyihalariga uzoq muddatli kapital kiritish (qo'yish) deyilsa, ayrim adabiyotlarda esa pulning vaqt (zamon)ga bog'liq qiymati nazariyasiga ko'ra, Investitsiya

kelajakda naf olish maqsadida mablag'lar qo'yishdir. Investitsiya kapitalni muayyan muddatga bog'lashni yoki band qilishni bildiradi. Bundan asosiy maqsad kapital qiymatini saqlab qolish yoki bo'lmasa kapital qiymatini bir vaqtda o'sib borishdir. Iqtisodiy mazmuni jihatdan investitsiya turli faoliyatlarga safarbar etilgan moddiy, nomoddiy boyliklar va ularga bo'lgan huquqlarni aks ettiradi. Investitsiya sifatida pul, qimmatli qog'ozlar (aksiya, obligatsiya, sertifikat, veksel), yer, bino, inshoot kabi boyliklar, intellektual mulk bo'lgan ilmiy kashfiyotlar, ixtirolar ishlatiladi. Investitsiya loyihalariga mablag' qo'yuvchilar — investorlar davlat, kompaniya, korxonalar, chet ellik fuqarolar, aholi va boshqalar bo'lishi mumkin. Keyingi davrda xalqaro iqtisodiy munosabatlarda investitsion hamkorlik rivoj topdi. Bunday hamkorlikning real, moliyaviy, intellektual (litsenziyalar, nou-xauni berish, hamkorlikda bajariladigan ilmiy ishlanmalar va b. ga mablag' sarflash) kabi ko'rinishlari bor.

Respublikamizda 2800 dan ortiq konlar va foydali minerallar aniqlangan, mamlakatning umumiy mineral-xom ashyo salohiyati taxminan 3,5 trln. dollar, shu jumladan, bir qancha o'rinlarda metall va metall buyumlar, qishloq xo'jaligi buyumlar bo'yicha O'zbekiston dunyodagi yetakchi o'rinlardan birini egallaydi. Xususan, mis zaxiralari bo'yicha – 10-o'rin, oltin ishlab chiqarish bo'yicha – 7-o'rin, uran-6-o'rin, paxta tolasi – 2-o'rinlarni egallaydi.

O'zbekiston iqtisodiyoti mutlaq energetik mustaqilligi bilan ajralib turadigan dunyodagi ozchilik mamlakatlardan biridir. Respublikaning sanoati tabiiy gaz, neft va neft mahsulotlari, ko'mir va elektr energiyasi bilan to'la ta'minlangan. Shu jumladan Respublikada 188 ta neft, gaz va kondensat konlari, uchta ko'mir zaxiralari aniqlangan. O'zbekiston uran zaxiralari va uni qazib olish bo'yicha birinchi o'ntalikka kiradi. O'zbekistonning jami energiya zahiralari iqtisodiyotning kamida 100 yillik ehtiyojlarini qondirish uchun yetarli. Qulay iqlim sharoitlari tufayli O'zbekiston eng boy qishloq xo'jalik imkoniyatiga ega, Respublika to'qimachilik sanoatida eng ko'p talab etiladigan paxta tolasining ishlab chiqaruvchi yirik mamlakatlar ichida ikkinchi o'rinni egallaydi. Ushbu mamlakat yiliga 10 million tonnadan ortiq meva va sabzavot ishlab chiqarish salohiyatiga ega bo'lib, har yili 10 ming tonnaga yaqin quruq ipak qurti pilla ishlab chiqaradi. O'zbekistonning keng savdo bozorlari va rivojlangan transport infratuzilmasiga yaqinligi, Yevroosiyoning multimodal kommunikatsiya tizimi integratsiyalashgan va investitsiya va savdo-iqtisodiy hamkorlik rivojlanishini belgilab beradi. O'zbekistonga sarmoya kiritib, xalqaro kompaniyalari eng yirik va eng jadal rivojlanayotgan beshta bozorga chiqish imkoniyatiga ega – ular bozordagi MDH mamlakatlari hamda, Markaziy va Sharqiy Yevropa, Janubiy va Janubi-Sharqiy Osiyo, Yaqin Sharqdagi 300 million kishidan ortiqdir.

Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rib turibmizki O'zbekistonga investitsiya kiritish tarmoqlari juda ko'p. Keltirib o'tilgan misollar bu tarmoqlarning bir qismigina xolos. Ammo bizda bu soha bo'yicha o'z ishining ustalari ya'ni yaxshi kadrlar yetishmaydi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan “ Investitsiya bilan shug'ullanuvchi kadrlar yetishmaydi. Investorlar bilan ishlash tizimini takomillashtirish, mavjud infratuzilmani rivojlantirish zarur. Shu bois bu soha

bo'yicha hali yana ko'p ishlashimiz, izlanishimiz kerak. Tashqaridan investitsiya kirmasa, mamlakat rivojlanmaydi." deb ta'kidlaganlar.

Hozirgi kunda davlatimiz tomonidan chet ellik investorlar uchun maksimal darajada qulayliklar yaratib berish yo'lga qo'yilmoqda. Misol uchun prezidentimiz tomonidan investorlar faoliyatini rag'batlantirish va himoya qilish uchun zarur normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi. Biznesni rivojlantirish yo'lidagi turli to'siqlarga barham berildi, tashqi savdo va bojxona-tarif nazorati sezirlarli darajada qisqartirildi. Bu esa, kelgusida mamlakat investitsion muhitini yaxshilashga, chet-el investitsiya oqimini tezlashishi va ishlab chiqarishni kengayishi natijasida, ko'plab ish o'rinlari yaratilishi bilan birga, aholining turmush darajasi keskin suratlarda o'sib borishiga zamin yaratadi, shu asnoda investitsiyalar kirib kelishi mamlakat chet-el valyuta zaxirasi kengayishiga va eksport hajmi oshishiga ham turtki bo'ladi.

## **THE ROLE OF MANAGEMENT SYSTEM**

*Done by : Musayeva Mukharram  
Research advisor :*

In the days where businesses recorded all transactions in a bound ledger, tallying and tracking what was going on took a lot of time and work. In the late 1800s, process automation began to appear in the form of punch cards. Associated machines tabulated the punch card data and printed results, which made it easier to capture transactions. The company that came to eventually be known as IBM was founded in the early 1900s and became the leader in business machines and punch cards. These cards evolved from a solution to automate pattern creation in weaving machines. The company adapted the idea to store and input data for applications from as simple as time for payroll to very complicated uses like recording census data. When general-purpose computers became available after WWII (originally developed for codebreaking, calculating shell trajectories, and other war-related needs), the punch card became an input method as well as a way to store outputs (though it required readers to decode and print the data so people could read it).

Later, magnetic media (such as tapes and floppy disks) took over the storage of input and output, and computers could read and write directly to their own memory. This eliminated the need for the specialized machines. Next, optical media (like CDs and DVDs) that could store much more data on a single disc came along. Today, we are transitioning to flash memory (which also goes by solid state, as in a solid state drive or SSD). Flash memory has a higher capacity, is less volatile, and you can reuse it thousands of times with little degradation in quality.

Each of these periods has brought an increase in storage capacity at a lower cost. In tandem with the constant increase in computing power, more and more powerful software, almost-ubiquitous connectivity via wifi and mobile devices, and ever-expanding networking that evolved into the internet, work that previously took many hours - like tabulating a company's shipping costs over a year or

population increases in a state over a century - now takes little time or human effort.

On the software side, the functions that paper ledgers performed moved to spreadsheet programs (the term spreadsheet came from the large sheets of paper spread out on tables). Microsoft Excel is the best-known example, but it wasn't the first to become popular. VisiCalc, which was created for the Apple II in the late 1970s by Dan Bricklin and Bob Frankston, was the first to gain popularity. There were spreadsheet programs available for mainframes and minicomputers before VisiCalc, but they didn't offer the ability to see results in real time.

Spreadsheets became more powerful in the 70s and 80s. When connected with databases, they gave users the ability to easily and quickly access and manipulate data. As users' needs and desires changed, specialized programs were developed for different user groups, allowing innovative ways to use data.

Information technology and MIS used to be synonymous. Task automation (such as report creation) led to an expansion of the work that fell under MIS. Simultaneously, the definition of IT expanded even more, and it now encompasses areas beyond MIS, such as cyber security and network administration.

In business, management information systems (or information management systems) are tools used to support processes, operations, intelligence, and IT. MIS tools move data and manage information. They are the core of the information management discipline and are often considered the first systems of the information age.

MIS produce data-driven reports that help businesses make the right decisions at the right time. While MIS overlaps with other business disciplines, there are some differences:

- **Enterprise Resource Planning (ERP):** This discipline ensures that all departmental systems are integrated. MIS uses those connected systems to access data to create reports.
- **IT Management:** This department oversees the installation and maintenance of hardware and software that are parts of the MIS. The distinction between the two has always been fuzzy.
- **E-commerce:** E-commerce activity provides data that the MIS uses. In turn, the MIS reports based on this data affect e-commerce processes.

## **RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKILLANTIRISH SHAROITIDA IQTISODIY BARQARORLIKNI TA'MINLASH**

*Ilmiy rahbar: Yuldasheva U  
Bajardi: Ergasheva S Ergasheva D*

Ayni paytda qaysi sohaga nazar tashlamang, "raqamli" so'ziga duch kelasiz. Bugungi kun talabi shunday. Prezidentimizning Oliy Majlisga Murojaatnomasida raqamli iqtisodiyotga faol o'tish kelgusi 5 yildagi eng ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilandi. Shuningdek, joriy yilning Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili deb e'lon qilingani bejiz emas. Eng asosiy vazifa "Raqamli

O‘zbekiston–2030” konsepsiyasini amaliyotga tatbiq etish bo‘lib, u o‘z ichiga barcha soha va tarmoqlarni qamrab olgan. Bunday yirik loyihani amalga oshirish mamlakatimiz iqtisodiyotining to‘liq hamda kompleks o‘zgarishiga, raqobatbardoshlikni ta‘minlashga xizmat qiladi. Muhim vazifalardan yana biri davlatimiz rahbarining “Toshkent shahrida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori ijrosini ta‘minlashdir. Qarorga asosan tasdiqlangan “Raqamli Toshkent” kompleks dasturida ta‘lim, sog‘liqni saqlash, transport, kommunal sohalarga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jalb qilgan holda poytaxtimizning qiyofasini to‘liq ijobiy o‘zgartirish ko‘zda tutilgan. Raqamli Toshkent” konsepsiyasi “Xavfsiz shahar” yirik loyihasi bilan bevosita bog‘liq. Mazkur loyihani 2019–2023 yillarda respublikamizning barcha hududida bosqichma-bosqich joriy etish zarurligi belgilangan. Birinchi bosqichda Toshkent shahrida loyihaning yagona texnologik platformasini yaratish bo‘yicha ishlar amalga oshirilmoqda. Ijtimoiy hayotning har bir sohaga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining keng joriy etilishi natijasida raqamli iqtisodiyotning roli yildan-yilga ortib bormoqda. “Raqamli iqtisodiyot”ning yaralishi va taraqqiy etishi yangi texnologiyalarning rivojlanishi bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, bu ikki mavzuni bir-biridan ajratish mumkin emas. Shu yil 28 aprel kuni Prezidentimizning “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi. Unga ko‘ra, 2023 yilga borib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravar va ushbu sohadagi xizmatlar hajmini 3 baravar oshirish hamda ularning eksportini 100 million AQSh dollariga yetkazish nazarda tutilgan. Axborot texnologiyalarini rivojlantirish “raqamli iqtisodiyot”ni qurish uchun zarur negizni yaratadi. Raqamli iqtisodiyot esa raqamli texnologiyalarga asoslangan elektron biznes va elektron tijorat bilan chambarchas bog‘liq iqtisodiy faoliyat hamda shu faoliyat natijasida ishlab chiqariladigan va sotiladigan raqamli tovarlar va xizmatlar yig‘indisi. Raqamli iqtisodiyotining izchil rivojlanishining birinchi va eng muhim omili — zamonaviy AKT-infratuzilmani yaratishdir. Axborot-texnologik platformalarda faoliyat ko‘rsatadigan raqamli iqtisodiyot jadal rivojlanmoqda, bu esa shunday platformalarning yangi modellarini yaratish zaruratini taqozo etmoqda. “Raqamli iqtisodiyot” jamiyat hayotining barcha sohalarida, jumladan, iqtisodiyot sohasida ham muhim rol o‘ynaydi. Raqamli iqtisodiyot sohasida qo‘llanilayotgan so‘z va atamalar hammaga ham birdek tushunarli emas. Bu esa, o‘z navbatida, mazkur sohaga oid lug‘at yoki qo‘llanma yaratishni talab qildi. Shu sababli ham Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi “UNICON.UZ” – Fan-texnika va marketing tadqiqotlari markazi Davlat unitar korxonasi tomonidan “Raqamli iqtisodiyotga oid atamalarning ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘ati” yaratildi. Mazkur lug‘at raqamli iqtisodiyotda mavjud atamashunoslikni umumlashtirishga qaratilgan bo‘lib, albatta, hali yetarlicha mukammal bo‘lmagan urinish bo‘lib hisoblanadi. Mazkur lug‘at nafaqat virtual reallik, bitkoin va blokcheynlar to‘g‘risidagi atamalar izohini, balki moddiy buyumlar – platformalar, aloqa liniyalari, Ma‘lumotlarni qayta ishlash markazlari, logistika kabi atamalar izohini ham o‘z ichiga oladi. Ularsiz eng muhim ijtimoiy-iqtisodiy tizimlar, xususan, sog‘liqni saqlash, ta‘lim tizimida masofadan o‘qitish, yo‘l harakati xavfsizligi, uy-

joy kommunal xo‘jaligi, davlat boshqaruvi va axborot texnologiyalarining “raqamli iqtisodiyoti” rivojlanishi mumkin emas. O‘zbekistonda Hukumat Qarori bilan “raqamli iqtisodiyot”ni rivojlantirishning “Aqlli uy”, “Buyumlar interneti”, “Xavfsiz yo‘llar”, “Aqlli shahar”, “Aqlli tibbiyot” kabi yangi raqamli, fuqarolarimiz uchun qulay muhit yaratilishini nazarda tutadigan loyihalarni keng miqyosda amalga oshirishning tayanch infratuzilmasi barpo etilmoqda. “Raqamli iqtisodiyot”ni shakllantirish va rivojlantirish muammolari, zamonaviy iqtisodiyotni “raqamli iqtisodiyot”ga aylantirish uning yuqoridagi kabi ko‘plab ta‘riflari mavjudligi va uning yagona talqini yo‘qligi to‘g‘risida xulosa chiqarish imkonini berdi. “Raqamli iqtisodiyot”ga Internet, uyali aloqa, axborot-kommunikatsiya va boshqa zamonaviy texnologiyalarni qo‘llash bilan bog‘liq iqtisodiy munosabatlarning bir qismi sifatida qaraladi. “Raqamli iqtisodiyot”ni shakllantirish jarayoni iqtisodiyotda qo‘shimcha qiymat yaratishning barcha bosqichlarida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va Internetni joriy etish hisobiga yangi texnologik darajaga o‘tish bo‘yicha kompleks vazifalardir. Ushbu jarayonning asosiy maqsadi va vazifalari fuqarolarning turmush sifatini yaxshilash, iqtisodiyotning raqobatbardoshligi va samaradorligini oshirish, uning eksport salohiyatini rivojlantirishga qaratilgan.

## **FAZNAЧИЛИК ТИЗИМИ АСОСИДА БЮДЖЕТ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ**

*ТМИ талабаси: Эргашева Д.  
Илмий раҳбар: Останакулов А.*

Иқтисодиётдаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Давлат бюджетини бошқариш соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёсатидаги ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмаларининг функционал фаолиятини амалий ва норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун тегишлича шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ўз зиммасига юклатилган функционал фаолиятни амалга оширишида жорий қонунчилик талабларига, шунингдек, айти турдаги фаолиятга тааллуққли жаҳон стандартларига мувофиқ иш юритиши таъминланди.

Фазначилик фаолият кўрсатиши учун унинг қуйидаги ташкилий элементлари мавжуд бўлиши ва ўзаро боғлиқликда амал қилиши зарур:

1. *Фазначиликнинг ягона газна ҳисобрақами;*
2. *Фазначиликнинг бош китоби;*
3. *Фазначилик органлари фаолияти;*
4. *Фазначиликнинг ахборот тизими;*
5. *Фазначиликда бюджет маблағларини бошқариш.*

*Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами.* Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ, солиқли ва солиқсиз давлат тушумларини тўплаш, сақлаш ва давлат харажатларини амалга ошириш учун Ғазначилик томонидан Ғазначиликнинг ягона ғазна ҳисобрақами очилади. “Ягона ғазна ҳисобрақами Ғазначилик томонидан бошқариладиган

махсус банк ҳисобрақами бўлиб, бу ҳисобрақамда Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади.

Ягона ғазна ҳисобрақамидан Давлат бюджетида маблағлари назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади. Ғазначилик алоҳида операцияларни, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари билан операцияларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами доирасида шахсий ҳисобрақамларини очиш ҳуқуқига эга. Бу ҳисобрақамлардаги қолдиқлар ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами қолдиғининг ажралмас қисми ҳисобланади.

*Ғазначиликнинг бош китоби.* Ғазначиликнинг бош китоби – бюджет ижроси ғазна усулининг асосий элементларидан биридир. Ғазначилик Бош китоби билан давлат молиявий ресурсларининг ҳисоб-китоби юритилади ва молия тизимининг ахборот тизими фаолият кўрсатади. Ғазначиликнинг Бош китоби бюджет операциялари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг компьютерлаштирилган тизимидир. Ғазначиликнинг Бош китобида давлат ташкилотлари ва муассасалари билан бўладиган барча молиявий операциялар ўз ифодасини топади. Ғазначиликнинг Бош китоби Ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами ва субсчётлари билан бўладиган операциялардаги барча бухгалтерия проводкаларини акс эттиради. Ғазначиликнинг Бош китоби ҳам республика бюджетидан, ҳам маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш ҳисоб-китобининг ўз вақтида юритилишини таъминлайди.

*Ғазначилик органлари.* Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги таркибидаги давлат органи ҳисобланади. Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси Ғазначилик Бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Бошқармалари, шаҳар ва туманларда Ғазначилик бўлинмалари каби ҳудудий органлари фаолият қилади. Ғазначиликка Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Давлат Ғазначиси раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг буйруғига мувофиқ Ғазначиликнинг ҳудудий органлари тузилади ва тугатилади. Ғазначилик органларининг харажатларини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.

*Ғазначиликда давлат бюджети маблағларини бошқариш* шундан иборатки, Ғазначилик ягона ғазна ҳисобрақамидан ва Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобрақамларидаги давлат бюджети маблағларини, давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек, давлат бюджетининг вақтинча бўш турган



маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорағалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга, шунингдек, давлат мақсадли жамғарма-ларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради.

Бюджет ижросининг ғазначилик тизими шаклини жорий қилиш бюджет маблағларининг самарасиз ишлатилиши рискининг олдини олади, чунки вақтинча бўш бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларини бошқариш механизми жорий қилинади. Бюджет ижросини ўз ичига оладиган ва йил давомида бюджетни кассавий режалаштириш механизмини жорий этиш орқали бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун олинadиган қарзларга қилинадиган харажатлар рационаллаштирилади. Ғазначилик тизими, бюджет маблағларини ишлатилишнинг дастлабки назоратни жорий қилиш асосида, бюджет ташкилотларига уларга товар етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар зиммасига оладиган молиявий мажбуриятларни, шартномаларни ва товар етказиб беришни тасдиқловчи хужжатларни ғазначилик тизимида мажбурий рўйхатдан ўтказиш, уларни мақсадли бўлишини таъминлашга имкон беради, бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишининг олди олинади.

## **REGULATION OF EMPLOYEE MOTIVATION IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY DEVELOPMENT**

*Bakieva Iroda Akbarovna, Ph.D., Assoc. TSUE  
Zamonova Shakhnoza, master of TSUE*

Today, the study, on a scientific basis, of trends and opportunities for the development of the digital economy in Uzbekistan, in particular, the degree of penetration of modern information technologies into various spheres of the economy, is of paramount importance, since currently in our country a digital society is being actively formed, which is characterized by the exchange of information, databases, IT-technologies and information systems, automatic control systems. The development of a digital society makes it possible to use complex motivational systems that are formed in conjunction with wages and the personnel management system as a whole.

Improving the wage system is an integral part of the ongoing economic reforms in Uzbekistan. The measures set by the government in this area are aimed at constantly improving the living standards of the population. As a result, the remuneration will depend not only on the size of the minimum wage and the wage scale, but also on the employee's personal skills, his productivity, contribution to the activities of the institution, the introduction of appropriate categories and additional bonuses.

Labor motivation is the motivation of people to perform the actions necessary to achieve the goals of the enterprise, independently or by someone else<sup>355</sup>. It is well known that the need to motivate people to work increases for various reasons when employees become alienated from the work process. That is, in the process, a person loses the inner content of labor and its ultimate goal. Through external stimuli, this goal is replaced by money, position, status, the possibility of self-expression, etc., which are its alternatives.

Some authors identify three types of personnel motivation systems, depending on the focus<sup>356</sup>:

1. The prevalence of the system of material compensation.
2. The prevalence of the system of moral influence on personnel.
3. Harmonious combination of a complex of stimulating influences and moral impact on personnel, with an encompassing nature of the motivational policy.

In the context of the development of the digital economy, automated information systems for personnel management are increasingly used as independent elements. On the basis of automated information systems for personnel management, systems of labor motivation have been developed and tested in practice, taking into account the peculiarities of working with personnel of organizations in various spheres of economic activity. Modern systems of motivation make it possible to take into account the nature of labor activity in a particular organization in order to both maximize the company's profits and increase the level of social protection of employees.

The development and implementation of various systems of motivation are due to the long period of prevalence of the tariff system of remuneration without the possibility of additional motivation and incentives for personnel. In this regard, the majority of innovative technologies for personnel motivation management are adaptations of foreign developments, including gamification, talent management, etc. Thus, the introduction of innovative systems of motivation in the context of the digitalization of the economy within a particular organization should be carried out on an individual basis, taking into account specifics of commercial activities.

Currently, innovative forms of personnel motivation, formed as part of the digitalization of society, are of the following main types:

- modernization of the entire motivation system as a whole: the formation of material incentives on the basis of a collective-contractual system within the framework of public-private partnerships, the introduction of a grading system (assessment of the competence of each employee: knowledge, skills and their value for the employer), KPI system, etc.;
- modernization of the material part of personnel motivation within the framework of the variable part of remuneration, by changing the entire personnel

---

<sup>355</sup> Abdurakhmanov Kalandar. Labor economics. Theory and practice. Scientific Publishing House IVG London. Copyright 2020. ISBN UK Print 978-1-912966-004. ISBN UK E-Book 978-1-912966-01-1. P 615

<sup>356</sup> Магура М.И., Курбатова М.Б. Обучение персонала как конкурентное преимущество. – М: ООО Журнал «Управление персоналом», 2014. – 216 с

management system as a whole: the kaizen method, gamification, talent management, etc .;

– application of combined systems of personnel motivation: combining grades with competency models and kaizen, etc.

Thus, modern forms of motivation in organizations in the context of the development of the digital economy of the republic should be designed on the basis of automated personnel management systems that allow autonomous processing of significant amounts of data for each employee, depending on the specifics of the company's activities, financial condition, development goals for the medium and long term. labor indicators, etc. In the presence of a significant number of developments of a wide variety of approaches to personnel motivation within each business entity, it is advisable to individually select not a monosystem, but a combination of various forms and systems of motivation in order to minimize costs and maximize the effectiveness of personnel management.

## **O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI**

*Ilmiy rahbar: Aripova M  
Bajardi: Usanov S*

O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, iqtisodiy o'sish va aholi va ta'lim turmush darajasini oshirishning muhim omili sifatida axborot tizimlaridan keng foydalanish, ishlab chiqarish va bir biriga bog'liq bo'lgan operatsiyalarni optimallashtirish, mehnat bozori samaradorligini oshirish, ishlab chiqarish, texnika va uskunalarni unumdorligini oshirish, tovarlar/xizmatlar ishlab chiqarish jarayonlariga raqamli texnologiyalarni joriy etish va boshqa ko'plab ma'lumotlarni o'z ichiga oldi. O'z navbatida, raqamli iqtisodiyot sohasidagi ekspert sifatida, u bugungi kunda O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun ba'zi to'siqlar mavjudligini, ya'ni raqamli ko'nikmalarning etishmasligi raqamli transformatsiyaga jiddiy to'siq bo'lib qolayotganini ta'kidladi. O'zbekistonda IT va kompyuter ko'nikmalarini rivojlantirish, onlayn savdo va savdo maydonchalarining yetarli darajada emasligiga alohida e'tibor qaratadi.

Tadqiqotlar natijalariga ko'ra, 2022 yilga kelib global YaIMning chorak qismi raqamli sohada bo'lishini taxmin qilinmoqda. Lekin, xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalari rivojlantirish indeksi bo'yicha O'zbekiston 170 dan ortiq davlat ichida 103-o'rinni egallab turishining o'zi mamlakatimizda bu sohada hali o'z yechimini kutayotgan masalalar va qilinishi lozim bo'lgan ishlar ko'pligidan dalolat beradi. Elektron hukumatga doir elementlarni tatbiq etish va raqamli iqtisodiyotni qo'llab-quvvatlash O'zbekistonning yaqin istiqboldagi taraqqiyot rejasidan mustahkam o'rin olgan. Bu, birinchi navbatda, elektron hujjat almashish ulushini yanada oshirish va davlat xizmatlarining muayyan qismini Davlat xizmatlari markazlari orqali bosqichma-bosqich ravishda elektron shaklga o'tkazish vazifalariga tegishlidir. Telekommunikatsiya infratuzilmasi bu jarayonda muhim vazifani bajaradi. Shuningdek, 2020–2023-yillarga mo'ljallangan

kiberxavfsizlikka doir milliy strategiya ko‘ra kiberxavfsizlikning yagona tizimi va muhim hisoblangan infratuzilmani kiberhujumlardan himoya qilish sohasidagi huquqiy baza shakllantiriladi.

O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish jamg‘armasi tashkil etildi.

Jamg‘arma blokcheyn texnologiyasini ishlab chiqish va joriy etish bo‘yicha mutaxassislarni tayyorlashga ko‘maklashadi. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish fondi tashkil etildi.

Bu haqda Prezident qarorida keltirilgan.

Qaror bilan Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish fondi tashkil etilib, uni faoliyatiga oid tashkiliy tadbirlar, xususan vazifalari, moliyalashtirish manbalari belgilandi.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish fondi davlat-xususiy sherikchilik shartlarida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga oid istiqbolli va strategik muhim, shu jumladan kripto-aktivlar aylanmasi va kripto-birjalar sohasidagi loyihalarni amalga oshiradi. Shuningdek, blokcheyn texnologiyasini ishlab chiqish va joriy etish bo‘yicha mutaxassislarni tayyorlashga ko‘maklashadi.

Jamg‘armaning tushumlari quyidagi maqsadlarda qo‘llaniladi:

- raqamli iqtisodiyotda moliyalashtiriladigan loyihalar, jumladan blokcheyn, kripto-aktivlar;

- raqamli iqtisod sohasida kompaniyalarning ustav fondida aksiyalar va ulushlarni sotib olish;

- loyihalar uchun zarur bo‘lgan tovarlar, ko‘chmas mulk, transport va boshqa mol-mulknini sotib olish;

- start-uplarni qo‘llab-quvvatlash uchun grantlar va kreditlar ajratish;

- treninglar, konferensiyalar, seminarlar o‘tkazilishi bilan bog‘liq xarajatlarni moliyalashtirish;

- talabalar va yosh mutaxassislarni qo‘llab-quvvatlash uchun stipendiya va grantlar ajratish;

- xorijiy mutaxassislarni O‘zbekistonga jalb qilish uchun xarajatlarni moliyalashtirish;

- raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha boshqa maqsadlarga.

Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi. Bunga erishish uchun raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning quyidagi asosiy shartlari va ustuvor yo‘nalishlarini sanab o‘tish maqsadga muvofiq:

- raqamli iqtisodiyot talablariga javob beradigan mehnat bozorini tashkil etish va uning mobilligini oshirish, yangi texnologiyalarni tezkorlik bilan o‘zlashtirish uchun mutaxassislar malakasini oshirib borish;

- raqamli iqtisodiyot sohasidagi xalqaro hamkorlikni mustahkamlash, yetakchi xalqaro texnologik kompaniyalar bilan o‘zaro hamkorlikdagi loyihalarni amalga oshirish, shu jumladan, innovatsion ishlanmalar bo‘yicha zamonaviy ilmiy-ishlab chiqarish laboratoriyalarini tashkil etish.

Shuningdek, davlat innovatsion va raqamli ekotizimni qo‘llab-quvvatlash sohasida raqamli ta‘limning zamonaviy metodlarini qo‘llab-quvvatlashi,

innovatsion xizmatlarni samarali tartibga solish normalarini ishlab chiqishi, yangi bozorlarni o'zlashtirishda ko'maklashishi hamda texnologik jarayonlarning chuqurlashuvida yuzaga chiqadigan risklarni pasaytirish choralarni ko'rishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

## **ОСОБЕННОСТИ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАН НА ОСНОВЕ ПРИМЕНЕНИЯ ОБЛАЧНОЙ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СФЕРЕ**

*Отакулов М.К – к.т.н., доцент кафедры переработка и хранения сельскохозяйственной продукции, Ташкентского государственного аграрного университета*

Сегодня интенсивно развивается процесс цифровизация экономики Узбекистан. Применение облачных технологий как неотъемлемая часть цифровизация в социально – экономической сфере в частности в образование, так как использование их увеличивает возможностей образовательных технологий и возможности использование облако в виде внешнего хаба, а так же сокращает времени и транзакционных издержек в совокупности в экономике.

Одним из современных технологий повышения эффективности в использовании информационных систем в образование является переход к технологиям «Cloudcomputing», который в переводе с английского языка означает «облачными вычислениями»<sup>357</sup>.

В первые применения идей «Cloudcomputing» для вычисления предложено в 1961 году Джоном Маккарти (John McCarthy), что вычисление могло быть продано как полезность теми же самыми способами как электричество и вода, в котором вычислительные мощности будут предоставляться пользователям как услуга<sup>358</sup>. Он предложил фактически идею облачного вычисления.

В 1963 Ж.С.Р. Ликлидер (J.C.R Licklider) начал исследовать идею глобально доступную сеть компьютеров. По мнению его глобальная доступная сет позволила бы человеку получать выход к компьютерным программам и данным от любого местоположения в мире<sup>359</sup>. Он сформулировал самые ранние идеи глобальной компьютерной сети результат, которого является сегодняшнее сетевое пространство, в пределах которого существуют облачные вычисления.

Характеристики сегодняшних облачных вычислений с учетом их особенностей определены в стандартах США в следующем:

---

<sup>357</sup> [www.wikipediya.com](http://www.wikipediya.com)

<sup>358</sup> Blaisdell, Rick. "A Brief History of Cloud Computing | CloudTweaks.com - Cloud Computing Community". CloudTweaks.com - Cloud Computing Research Community. 28 Oct. 2011. Web. 05 Dec. 2011.

<sup>359</sup> Mohamed, Arif. "A History of Cloud Computing". ComputerWeekly. Retrieved May 1, 2012.

самообслуживание по требованию (англ. self service on demand), универсальный доступ по сети, объединение ресурсов (англ. resource pooling), эластичность и учёт потребления<sup>360</sup>.

По проведенным исследованием компаний Forrester Research (“Sizing the Cloud”, Forecast: Global Public Cloud Market Size, 2011 to 2020), что в период с 2011 г. по 2020 г. объем мирового рынка облачных вычислений вырастет практически в шестеро т.е. – с \$40,7 млрд до более \$241 млрд. При этом стоимость «публичного облака», то есть приложений и услуг, предоставляемых компаниям и индивидуальным пользователям через общедоступный Интернет, за тот же период увеличится еще больше – с \$25,5 млрд. до \$159,3 млрд<sup>361</sup>. Прогноз компаний Forrester Research способствовал увеличению тех компаний, которые готовы предлагать своим заказчикам услуги публичного облака. Поэтому применение облачных услуг быстро распространяется и в будущем она могут, предложит в бухгалтерском учете разные калькуляционные услуги для предприятий малого бизнеса, что связано с рядом специфических моментов в зависимости от формы и степени предприятий.

По нашему мнению, если купить облако в частной компании и его применить в ВУЗах и их филиалах достаточно удобно и недорого. Филиалы ВУЗа получив в аренду облако от головного офиса следующим способом: «снять» программное приложение (SaaS), платформу (PaaS) или целую инфраструктуру (IaaS) они могут значительно сократить затраты свои и перейти мобильную форму образовательного процесса. Аналогичная схема применима и в случае аутсорсинга образовательных услуг, в рамках облачных технологий. Особенно в период пандемии значительно сокращает транзакционных затрат в ВУЗах.

По мнению Абдулина, Э. М.<sup>362</sup> использования облачных технологий в образовательном процессе, могут быть в виде: – электронные дневники, журналы – личные кабинеты для студентов и преподавателей – интерактивная приемная – тематические форумы и т.д. При этом студенты могут осуществлять обмен информацией – поиск информации, где студенты могут решать определенные учебные задачи даже в отсутствии преподавателя или под его руководством – используя облачные хранилища данных.

Особенностей применения облачных технологий связано с созданием пространству для преподавателя и студента в облачном пространстве. При наличии сайта преподавателя ВУЗа для дистанционных консультаций студентам в облачном пространстве размещают учебную информацию, конспекты лекций, практических и лабораторных занятий, а также вопросы и итогового контроля.

---

<sup>360</sup> Национальный институт стандартов и технологий США. NIST

<sup>361</sup> Грубин А. НР: федеративное хранение для облачных сервисов “Storage News” № 4 (48), 2011., www.storagenews.ru

<sup>362</sup> Абдулина, Э. М. Облачные технологии в образовании.// Молодой ученый. — 2019. — № 52 (290). — С. 7-9. — URL: <https://moluch.ru/archive/290/65873/>

Таким образом, формируется команда единомышленников, ориентированных на взаимную помощь в подготовке к итоговому контролю и экзаменам с использованием виртуальной облаке.

Сегодня специальные образовательные платформы и сети еще не обладают возможности интегрирования со всеми признаками «облачных» технологий, поскольку не являются средством депонирования данных, но они могут играть такую роль, если их использовать для обмена информацией в учебном процессе, что связано с внедрением Cloudcomputing в ведущих ВУЗах более выгодно, так как переход не требует достаточно больших вложений в переконфигурирование ИТ-инфраструктуры и рекомендуется ВУЗам приобрести частные облака.

## APPLICATION OF «BIG DATA» TECHNOLOGY IN THE BANKING SPHERE

*Tursunova Munisa Khujayor qizi  
Joint Faculty  
Tashkent Financial Institute and Polotsk State University  
Student, specialty " Finance and credit»*

**Annotation:** This article discusses the use of big data technology by banks. The main advantages of using this technology, such as speed and ease of maintenance, are outlined. It is concluded that working with Big Data, banks can use the client's transactional data to track their behavior in real time, providing the type of resources that will be needed at this moment. Such an assessment significantly increases the overall productivity and profitability of the entire banking industry, pushing it to growth.


**Keywords:** big date, digital bank, information, technology, competition.

The influence of fintech has led to the emergence of new generation banks (digital banks, digital banks), most of which were aimed at retail customers. Digital banks have a format without front offices (branches), and they use mobile applications and websites to provide services. They are often referred to as online banks or direct banks. Big Data technologies are one of the ways to increase the profitability of the banking business by analytically confirming the adjustment of the product sales strategy and shifting the vector of service provision from general to private, including a customized approach to customer groups and timely consideration of their dynamically changing needs. Banks are ready to switch to cloud services if they solve information security issues. It should be noted that this area includes the processing of a large amount of information, which is difficult to process in traditional ways.

Such a relatively small number of credit institutions using this technology is due to the fact that its implementation requires large amounts of money, which not all banks have. But every year, it will become more difficult for those banking organizations that do not use Big data to compete with those who use it. Since they will not be able to meet the main needs of customers – speed and convenience of

service. Competition in the banking sector is getting tougher, and without the introduction of the latest technologies in the service mechanism, even the strongest banks with a conservative strategy will lose a significant part of their customers[1]. Big Data helps banks effectively manage loans, fight fraud, and access and manage risk. Systems that work with Big Data can detect suspicious transactions in real time, and machine learning will allow you to predict the behavior of such users as accurately as possible.

Today, there are so many financial institutions on the market that it is very difficult for people to decide whose services to start using. Therefore, banks are obliged to provide the best user experience, this is possible only after an individual analysis of the needs of each client, which is best handled by Big Data analytics (see figure 1).



**Figure 1. Dynamics of the growth of the big data market, billion dollars [2].**

From the above, it follows that in 2018, the volume of the global Big Data and business analytics market (global big data and business analytics market) reached \$ 168.8 billion. According to IDC's estimate, the global big data market increased by 12% in 2019, compared to the previous year, and reached \$ 189.1 billion. In addition, in the period 2018-2022, the market is expected to grow at an average annual rate (CAGR) of 13.2%. Thus, the market volume may increase to \$ 274.3 billion by 2022. Research And Markets forecasts the possible growth rate of the global Big data market at the level of 19.7% annually for the period 2019-2025. From a geographical point of view, according to the results of 2019, the largest market was the United States with a revenue of \$ 100 billion. Japan (\$9.6 billion) and the United Kingdom (\$9.2 billion) ranked second and third in terms of volume. China (\$8.6 billion) and Germany (\$7.9 billion) are also among the top five markets. Argentina and Vietnam have the highest growth rates over the five-year period (CAGRs-23.1% and 19.4%). The third place in terms of CAGR was taken by China (19.2%), which by 2022 may ensure that this country will reach the second place in terms of income [3].

In conclusion, the use of big data has revolutionized informati on technology. Today, banks use valuable data and implement big data tools to outperform their competitors. As the use of electronic devices increases, the amount of recorded data will increase. Therefore, financial institutions need to use Big Data analytics



right now. This will help them deliver improved services in a timely manner with optimized operating costs.

### Reference

1. Эскиндаров М.А., Абрамова М.А., Масленников В.В., Амосова Н.А., Варнавский А.В., Дубова С.Е., Звонова Е.А., Криворучко С.В., Лопатин В.А., Пищик В.Я., Рудакова О.С., Ручкина Г.Ф., Славин Б.Б., Федотова М.А. Направления развития финтеха в России: экспертное мнение финансового университета // Мир новой экономики. 2018. № 12(2). С. 6-23.

2. Global big data and business analytics revenue from 2015 to 2022: <https://www.statista.com>

3. 9 IDC Forecasts Revenues for Big Data and Business Analytics Solutions Will Reach \$189.1 Billion This Year with Double-Digit Annual Growth Through 2022: <https://www.idc.com>

## РОЗНИЧНЫЕ ПЛАТЕЖНЫЕ СИСТЕМЫ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

*Миргиёсов Хамид, магистрант Ташкентского  
финансового института*

В современном мире уровень развития цифровых технологий играет важнейшую роль в развитии экономики страны и его конкурентоспособности. Развитие практически всех отраслей экономики стран подвержено цифровизации в той или иной степени. В большей степени это проявляется в сфере финансовых услуг и торговли. В частности, в системе SWIFT, в которую включены более 9 000 кредитных организаций из 200 стран мира, ежегодно производится более 2,5 млрд платежей. Платёжная система TARGET2, заменившая в 2007 году систему TARGET1, соединяет информационные потоки 28 центральных банков стран-членов ЕС, что позволяет быстро проводить платежи в режиме онлайн. Федеральная автоматизированная система денежных переводов для осуществления брутто-расчётов в режиме реального времени Fidewire используется для перевода денежных средств между 6 000 банками, через неё осуществляются 99% всех платежей кредитных организаций в США<sup>363</sup>.

Как нам известно, до недавних пор в Узбекистане большинство платежей, даже крупные суммы в интересах бизнеса оплачивались наличными. ненадёжность этого метода оплаты стало очевидно, так как с увеличением количества денег и платежей в свою очередь участились случаи мошенничества. Применение в данной сфере современных информационно-коммуникационных технологий, цифровизация стали большим шагом в преодолении недостатков наличных денег.

---

<sup>363</sup> [www.core.uk](http://www.core.uk) – статья “Цифровая трансформация: возможности и последствия”// Володько Л.П., к.э.н. доцент, Володько О.В. , к.э.н. доцент.//УДК 004.9:330//стр.328-332.

Таким успехам в платёжном секторе мы достигли благодаря технологиям, которые непрерывно развивались на протяжении многих лет. Цифровые способы оплаты были созданы и усовершенствованы таким образом, что теперь мы осуществляем платежи быстро и безопасно.

Кроме этого, процесс цифровизации даёт большой толчок к развитию банковского дела. Новые технологии позволяют банкам лучше обслуживать клиентов, охватить большую территорию для предоставления своих услуг. При этом минимизировать или даже устранить операционные риски, связанные с взаимодействием с клиентом. Банки могут расширять доступ к своим продуктам через удалённые каналы и значительно сократить участие персонала, необходимого для совершения основных банковских операций. Благодаря новым технологическим процессам, таким как открытие депозита через мобильное приложение в смартфоне, банковским переводам РТР (peer-to-peer) и возможности электронных платежей, банки могут предлагать доступ к своим продуктам и услугам независимо от близости клиента к филиалу банка.

Цифровые технологии, направленные на повышение качества обслуживания клиентов (например, онлайн-банкинг) в свою очередь повышает прозрачность финансовых продуктов и услуг (например, ценообразование). Кроме этого, корпоративные клиенты, также могут использовать банковские веб-сайты для получения подробной информации о банковских продуктах и выбирать для себя более выгодные условия, что в свою очередь приводит к свободной конкуренции, которая является одним из предпосылок экономического роста и развития.

Кроме этого в Узбекистане большое значение уделяется к развитию розничных платёжных систем. В настоящее время в стране действуют платёжные такие платёжные системы, как Узкард (UZCARD) и Хумо (Humo).

Несомненно, цифровая экономика даёт очень много преимуществ, но для полного перехода на цифровую экономику требуется много времени и ресурсов.

В 2020 году был принят указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по её реализации» № УП-6079. Утверждена «дорожная карта» по реализации Стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030»<sup>364</sup>. Это показывает, что в нашей стране уже предпринимаются меры по переходу к цифровой экономики.

Развитие цифрового банкинга — путь к прозрачности экономики, сокращению теневой экономики, увеличению объема налоговых поступлений, количества рабочих мест и росту ВВП. Центральный банк Республик Узбекистан предпринимает ряд системных мер, которые направлены на расширение цифровой трансформации банковского сервиса и платёжной системы. Внедрение и развитие инновационных банковских продуктов должно найти отражение в стратегиях всех банков. Цифровизация

---

<sup>364</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по её реализации» № УП-6079 от 5 октября 2020 года.

может стать одним из драйверов развития банковской системы, а также повысит уровень доверия между вкладчиками и банками обеспечит прозрачность в секторе. Однако основным препятствием в цифровой трансформации является дефицит компетентных специалистов, а также отсутствие понимания в вопросе о необходимости срочного трансформирования бизнеса на основе цифровых технологий.

#### **Список использованной литературы:**

1. Плотников, В.А. Цифровизация производства: теоретическая сущность и перспективы развития в российской экономике / В.А.Плотников// Известия Санкт–Петербургского государственного экономического университета. – 2018. –№ 4 (112). – С. 16–24.

2. Назаренко Г.В. Банковские инновации как результат инновационной банковской деятельности в условиях конкурентной борьбы //Финансовые исследования. 2014. № 2 (43).

3. Рыков С.В. Основы разработки и внедрения инноваций коммерческим банком // Территория науки. 2016. № 3.

4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. [www.finance.uz](http://www.finance.uz)

### **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ ДАСТЛАБКИ ТАН ОЛИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Умаров Зафар – ТМИ, кафедра мудури  
Ғайибов Алишер – ТМИ, магистр*

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётни жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Бунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мустахкам ресурс базасига эга бўлган тижорат банкларининг роли беқиёсдир. Банклар ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш билан бирга уларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиб уларга инвестиция қилмоқда. Тижорат банкларининг инвестициялари ҳисобига хўжалик субъектларида оборот маблағлари ошаяпти, ўзларига зарур бўлган ресурсларга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни ва ўз фаолиятини кенгайтириш имкониятига эга бўлмоқда. Ўз навбатида тижорат банклари активларни диверсификация қилиш, қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлмоқда. Ушбу активлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан молиявий активлар деб номланади.

Банкларнинг молиявий активларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўғри тан олиш ва ҳисобга олиш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан 2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан

давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги низомининг аҳамияти катта.

Ушбу низомга мувофиқ молиявий активлар сифатида нақд пул маблағлари, шартномадан келиб чиқиб, бошқа хўжалик субъектларидан пул маблағларини ёки молиявий активларни олиш ва алмаштириш ҳуқуқи ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг улушли воситалари тушунилади. Улар уч тоифага бўлинади: 1) олди-сотди қимматли қоғозлари; 2) сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар; 3) сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар.

Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қиймати ўзгариши фойда ва зарарларда акс эттирилувчи савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ва банк баланс ҳисоботида дастлабки тан олишда «олди-сотди қимматли қоғозлари» деб таснифланган молиявий активларни ўз ичига олади.

Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозлари қайд қилинган ёки ўрнатилган миқдордаги тўловлар ва қайд қилинган тўлаш муддатига эга бўлган молиявий активлар бўлиб, бунда банк уларни сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имкониятига эга бўлиши лозим.

Молиявий актив яқин келажакда бевосита сотиш мақсадида олинган бўлса, ёки молиявий активлар портфели таркибига киритилган бўлиб, бунда банк томонидан битта гуруҳ сингари бошқарилса ва яқинда қисқа муддатли фойда кўришнинг ҳақиқий белгилари кузатилса, у савдога мўлжалланган активлар сингари таснифланади.

Банк бирор-бир бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишда, уларнинг ҳисобини ҳаққоний қиймати бўйича юритиш мақсадида бўлиб, ҳаққоний қийматини ишончли аниқлаш мумкин бўлса ва ҳаққоний қийматидаги ўзгаришини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш мақсадида бўлса, банк уларни “олди-сотди қимматли қоғозлари” тоифасида таснифлаши мумкин. Бунда банкнинг ушбу қарори кейинчалик ўзгармаслиги лозим. Банк олдида сотиб олинган қимматли қоғозни қайси тоифага киритиш муаммоси пайдо бўлади. Бу ўз навбатида харид қилинган молиявий активни қайси бухгалтерия ҳисобварағида акс эттириш муаммосини келтириб чиқаради.

Тижорат банки уни хал қилиш учун инвестиция сиёсатида молиявий активларни тўғри таснифланишини таъминлаши лозим ва банк ходимларига операцияларни амалга оширишда инвестиция мақсадини аниқ белгилаши керак бўлади.

Банк молиявий восита бўйича шартнома шартлари тадбиқ этиладиган томонлардан бири бўлгандагина молиявий актив банк томонидан баланс ҳисоботида тан олинади. Банклар молиявий активни баланс ҳисоботида битим санаси бўйича юритиладиган ҳисобдан келиб чиққан ҳолда тан олишлари лозим. Молиявий актив ҳам, актив учун тўлов мажбурияти ҳам битим санаси бўйича акс эттирилади.

Банклар сотиб олинган молиявий активни дастлабки тан олишда унинг ҳақиқатдаги қийматини акс эттирган ҳаққоний қиймати бўйича баҳолайдилар. Сотиб олиш учун мавжуд ёки сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар деб таснифланган молиявий активлар бўйича уларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳам актив сифатида акс эттирилади ва қимматли қоғознинг «амортизация қиймати»га киритилади. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» сифатида таснифланган молиявий активларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар банкнинг жорий харажати сифатида тан олиниб, фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади.

Банклар молиявий активларни сотиб олишда уларнинг таснифига мувофиқ номинал қиймати тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг мос баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. Бунда, мукофот, дисконт ва бошқа ҳар қандай сотиб олинган ҳисобланган фоизлар алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

Банклар «олди-сотди» ёки «сотиб олиш учун мавжуд» қимматли қоғозлар сифатида таснифланган улушли қимматли қоғозларни сотиб олишда уларни ҳақиқий қиймати бўйича тегишли баланс ҳисобварақда акс эттиришлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда молиявий активларни тўғри тан олиш ва ҳисобга олиш банк даромадлигини, ликвидлигини оширишга ёрдам беради.

## **БАНК КАФОЛАТЛАРИНИ БЕРИШ АМАЛИЁТИ**

*Элбоев Бобур – ТМИ, Банк ҳисоби ва аудит  
кафедраси кабинет мудири  
Азимов Баҳром – ТМИ, магистр*

Банк кафолатлари тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган нисбатан янги хизмат турлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу банк маҳсулотидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар маълум бир тендерларда иштирок этаётганда, экспорт ва импорт операцияларни амалга оширишда, кредит ёки қарз олаётганда, айтилиб вақтда маблағи бўлмайд ёки маблағини бошқа мақсадларга фойдаланмоқчи бўла туриб товарларни сотиб олиш, хизматлардан фойдаланмоқчи бўлганда янада аниқроқ қилиб айтганда тўлов мажбурияти ёки буюртмани бажариш мажбурияти пайдо бўлганда банкка муурожаат қилади.

Тижорат банклари ушбу хизматни ўз кредит сиёсатида ва қонунчилик нормаларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатади. Банк кафолати кафолат бериш тўғрисидаги шартномага асосан махсус бланка тақдим этилади. Кафолат бланклари Бош банк ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида ягона шаклдаги махсус ҳимоя белгилари билан таъминланган қоғозда тайёрланиб, Бош банк томонидан банкнинг барча филиалларига етказилади.

Кафолат бериш тўғрисидаги шартномалар амалдаги қонунчиликка, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йил 15 майдаги “Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисида”ги 2364-сонли низомга асосланилади ҳамда ҳар бир тижорат банкининг “Кредитлаш билан боғлиқ бўлган шартномаларни тузиш бўйича Тавсиялар”га риоя қилинган ва уларга илова қилинган шартномаларнинг намунавий шаклларида фойдаланган ҳолда тузилади. Ушбу шартномаларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафолат миқдори, банк томонидан маблағ тўлаб берилганда, улар миждозлардан регресс тартибда ундирилиши, банк кафолати берилганлиги учун хизмат ҳақи миқдори, уларнинг тўлаш тартиби ва бошқа шартлар кўрсатиб ўтилиши зарур. Банк кафолатлари берилганлиги учун комисион тўловлар тижорат банкларининг банк хизматлари бўйича тарифлари асосида белгиланади ва ундирилади.

Тижорат банклари банк кафолатини миждознинг тўловга лаёқатлигини баҳолаш ва маълум бир турдаги таъминот тақдим этилганда беради. Банк кафолатини олиш учун принципал томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: кафолат буюртмаси; кафолатдан фойдаланишнинг бутун даврини ўз ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа; тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл), шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари; охириги уч молиявий йил натижалари бўйича аудиторлик хулосаси.

Ушбу ҳужжатлар асосида миждознинг тўловга лаёқатлиги аниқланиб, банк кафолатини бериш масаласи аниқланади. Берилган кафолатлар бўйича алоҳида йиғмажилд очилади ва миждоз (принципал) учинчи шахс (бенефициар) олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариб бўлгунга ёки кафолатнинг амал қилиш муддати тугагунча юритилади.

Миждоз томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли, банк филиали томонидан кафолат бўйича маблағлар бенефициарга тўлаб берилган ҳолатларда, кафолат йиғма жилдлари банк томонидан тўлаб берилган пул маблағлари миждоз томонидан тўлиқ қайтарилгунга қадар юритилади. Бунда, банк томонидан тўлаб берилган маблағлар учун миждоз банкка маълум миқдорда фоизлар тўлаши лозим. Ушбу фоиз миқдори ва тўлаш тартиби кафолат бериш ҳақидаги шартномада белгилаб қўйилиши шарт. Кафолатлар бўйича банк филиаллари томонидан бенефициарга маблағлар тўлаб берилиши (талаб ижро этилиши) натижасида юзага келган қарздорлик, миждоз томонидан ихтиёрий равишда қайтарилмаган тақдирда, ушбу қарздорликни тузилган шартнома шартларига кўра акцептсиз тартибда ҳисоб рақамидан ёки қабул қилинган таъминот ҳисобидан ундириш бўйича барча чоралари кўрилиши лозим.

Хозирги кунда Ўзбекистон банк амалиётида бериладиган кафолатлар қопланмаган ва қопланган кўринишда тақдим этилмоқда. Қопланмаган банк кафолати – миждоз (принципал)нинг пул маблағлари билан қопланмай бериладиган (чиқариладиган) банк кафолати. Бу каби кафолатлар таъминот

қабул қилган холда берилади. Қопланган банк кафолати – пул маблағлари таъминоти билан бериладиган (чиқариладиган) банк кафолатидир.

Хулоса қилиб айтганда банк кафолати мижозлар учун маблағларга эҳтиёж пайдо бўлганда, бирор бир танловда иштирок этишда жуда муҳим ҳисобланади. Банк мижоз учун ишлаши учун ушбу хизматни сифатли кўрсатиши унинг обрў-эътиборини оширишга замин яратади.

## **РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Каримов Жахонгир Махамаджон ўгли,  
Давлат Солиқ Қўмитаси янги технологиялар  
Илмий Ахборот Маркази етакчи мутахассиси,  
Тошкент Халқаро Вестминстер Университети магистри,*

### **Кириш**

Иқтисодиётни рақамли технологиялар асосида ривожлантириш унинг самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, соҳага Big Data технологиялари каби тежамкор технологияларни қўллаш мамлакатда бугунги куннинг долзарб масаласига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.07.2019 4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорида солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга оширишда Business Intelligence ва Big Data каби илғор ахборот технологияларини қўллаш алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.06.2020 359-сон “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорида солиқ тўловчиларга мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга шароит яратиш ҳисобига солиқ йиғимларини ошириш, шунингдек, инсон аралашувини чеклаш, қарор қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш ва ягона стандартларни жорий этиш стратегиясининг асосий вазифаларидан бири бўлиб катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлашнинг самарали усулларини ва илғор бизнес-таҳлил (Business Intelligence, Big Data) технологияларини жорий этиш ҳисобланади.

Бизнесда солиқ тўловини йиғиш ортикча харажатлар сарфи билан боғлиқ бўлиб, мавжуд қўшилган қиймат, даромад, мулк ва бошқа солиқларни ундириш ҳамда субъектлар учун мавжуд солиқ тўлови шаклини оптимал тўлов имкониятини аниқ қийматини аниқлаш кабиларда жуда катта маълумотларни тўпламини шакллантиришни ва ундан керакли маълумотларни олиш ва қайта ишлаш, бир мунча вақт сарфини ва ортикча

харажатларни талаб қилади<sup>365</sup>. Ушбу маълумотлар ҳар доим ҳам аниқ натижа олишга имкон бермайди<sup>366</sup>. Бундан ташқари тўпланган маълумотларни қанчалик статистика қонунияти талаблари бўйича шаклланганлиги ва уни тасодифийлик ёки танланма миқдор эканлиги қарор қабул қилишда катта аҳамиятга эга.

Маълумки, Big Data технологиялари<sup>367</sup> маълумотларга ишлов бериш, уларни статистика усуллари орқали тартиблаштириш<sup>368</sup>, белгилари ва хусусиятлари бўйича таснифлаш<sup>369</sup>, аниқлик ва ишончлилик талаблари бўйича текшириш<sup>370</sup>, соҳа фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича<sup>371</sup> бошқарув қарорларини қабул қилиш ёки прогнозлаштиришда қўллаш учун узатилади.

Солиқ тизимда Big Data технологияларини қўллаш<sup>372</sup> солиқ тушумлари ва солиқ тўловчи субъектларни тури ва қўлланиладиган солиқ ставкасини шакли бўйича мавжуд маълумотларга ишлов беришда вужудга келадиган бир мунча транзакция харажатларни тежашга<sup>373</sup> ва солиқлар бўйича ҳисобдорликнинг сифатини ва субъектлар солиқ тўлови бўйича

---

<sup>365</sup> McIntyre, I. (2017) 'Data Analytics for Tax: A Primer', *Tax Executive*, 69(1), pp. 63–64. Available at: <<https://taxexecutive.org/data-analytics-for-tax-a-primer/>> [Accessed: 9 April 2021].

<sup>366</sup> Webb, R., 2020. 12 Challenges of Data Analytics and How to Fix Them. [online] *Clearrisk.com*. Available at: <<https://www.clearrisk.com/risk-management-blog/challenges-of-data-analytics-0>> [Accessed 9 April 2021].

<sup>367</sup> Favaretto, M., De Clercq, E., Schneble, C. and Elger, B., 2020. What is your definition of Big Data? Researchers' understanding of the phenomenon of the decade. *PLOS ONE*, 15(2), p.e0228987.

<sup>368</sup> Ma, H., 2021. The role of clustering algorithm-based big data processing in information economy development. *PLOS ONE*, 16(3), p.e0246718.

<sup>369</sup> Srivani, B., Sandhya, N. and Padmaja Rani, B., 2020. Literature review and analysis on big data stream classification techniques. *International Journal of Knowledge-based and Intelligent Engineering Systems*, 24(3), pp.205-215.

<sup>370</sup> Baumann, P. and RIEDEL, M., 2021. Big Data - Definition, Importance, Examples & Tools. [online] *RDA*. Available at: <<https://www.rd-alliance.org/group/big-data-ig-data-development-ig/wiki/big-data-definition-importance-examples-tools>> [Accessed 9 April 2021].

<sup>371</sup> Ali, S., Poulouva, P., Yasmin, F., Danish, M., Akhtar, W. and Usama Javed, H., 2020. How Big Data Analytics Boosts Organizational Performance: The Mediating Role of the Sustainable Product Development. *Journal of Open Innovation: Technology, Market, and Complexity*, 6(4), p.190.

<sup>372</sup> Deloitte. 2016. Tax Data Analytics. A new era for tax planning and compliance. [online] Available at: <<https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/us/Documents/Tax/us-tax-data-analytics-a-new-era-for-tax-planning-and-compliance.pdf>> [Accessed 9 April 2021].

<sup>373</sup> Chedrawi, C., Atallah, Y. and Osta, S., 2020. Big Data in the Banking Sector from a Transactional Cost Theory (TCT) Perspective—The Case of Top Lebanese Banks. *Lecture Notes in Information Systems and Organisation*, [online] pp.391-405. Available at: <[https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-030-34269-2\\_27#citeas](https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-030-34269-2_27#citeas)> [Accessed 9 April 2021].



трансформабелликни ошириш<sup>374</sup>, солиқдан қочишнинг олдини олиш<sup>375</sup> каби имкониятларни беради.

Рақамли технологияларнинг ажралмас қисми сифатида Big Data технологиялари<sup>376</sup> бизнеснинг ахборот тизимини маълумотлар базаси сифатида<sup>377</sup> ягона интеграцион платформанинг маълумотлар манбаини турли хил манбалардан ва турли форматдаги тўпламда матрица ёки бошқа белгилар кўринишидаги массивини ташкил қилади.

Матн, товуш, видео, фотосуратлар, ижтимоий тармоқлардан олинган маълумотлар, SQL маълумотлар базаси, геодаталар ва бошқалар кўринишида акс эттирилган, структуралашмаган маълумотларнинг катта маълумотлар массиви миқдорини ихчамлаштириш корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш яширин иқтисод ва солиқдан қочиш каби муаммоларни аниқлашда Big Data технологияларини қўллаш долзарб масала ҳисобланади.

### Асосий қисм

Маълумки, Big Data технологиялари бизнес субъектларини таҳлил қилиб, қўшилган қиймат солиғи ва уни тадбиркорлик шакли бўйича ривожланиш тенденцияларини кузатиб бориш, маълумотларни электрон алмашинувини амалга ошириш, ахборот тизимларнинг ўзаро алмашинуви ва технологияларини ривожлантиришда субъектларни солиққа тортиш учун ахборотни сақлаш, бошқариш ва таҳлил қилишда одатдаги маълумотлар базаларидан каттароқ маълумотлар массиви ва тўпламларини шакллантиришни назарда тутати.

Бугун ИТ майдонида фойдаланилаётган маълумот ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. 2020 йилга қадар сақланадиган маълумотлар миқдори 40-44 зеттабайтгача (1 ЗБ ~ 1 миллиард ГБ) кўпайиб, 2025 йилга келиб, тахминан 400 зеттабайтгача кўпайиши башорат қилинмоқда<sup>378</sup>. Шунга кўра, Big Data технологияларини қўллаб структураланган ва структураланмаган маълумотларни бошқариш тобора муҳим йўналиш бўлиб бормоқда.

Big Data технологиялари катта маълумотлар технологиялари хавфни баҳолаш жараёнига янгича қарашга ундайди.

Бизнесда маълумотлар массивини шакллантириш ва маълумотларга ишлов бериш, Map-Reduce концепцияси асосида катта ҳажмдаги маълумотларни “Big Data” технологияси асосида қайта ишлашни Hadoop

---

<sup>374</sup> Levin-Epstein, M., 2015. Tax technology: forging forward - but how fast and in which direction? Data rules the tax technology roost, elevating professionals who embrace its potential, but the "new normal" is not without its pitfalls.. [online] v|Lex. Available at: <<https://law-journals-books.vlex.com/vid/tax-technology-forging-forward-636925449>> [Accessed 9 April 2021].

<sup>375</sup> Ruan, J., Yan, Z., Dong, B., Zheng, Q. and Qian, B., 2019. Identifying suspicious groups of affiliated-transaction-based tax evasion in big data. Information Sciences, 477, pp.508-532.


<sup>376</sup> Agrawal, R. and Prabakaran, S., 2020. Big data in digital healthcare: lessons learnt and recommendations for general practice. Heredity, 124(4), pp.525-534.

<sup>377</sup> Lundquist, E. (2013) ‘Hybrid Databases Gaining Favor for Enterprise Big Data Analytics’, eWeek, p. 2. Available at: <<https://www.eweek.com/enterprise-apps/hybrid-databases-gaining-favor-for-enterprise-big-data-analytics/>> [Accessed: 9 April 2021].

<sup>378</sup> <https://indevlab.com/ru/blog-ru/it-trendy/>



маълумотларни тезкор ишлаши. Бунда “Big Data” технологияси бизнес субъектларини муқобил солиқ ставкаларини қўллаган ҳолда унинг юқини камайтириш эвазига самарадорлигини ошириш имконини беради.



Каримов Жаҳонгир Махамаджон ўғли етмиш беш минг сўм (75000)  
10-апрел 12:42 да ўтказди 8600 3329 3784 6800 га (карта эгаси Ходжаева  
Шодиябону Абитжановна)

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: АҲАМИЯТИ, АФЗАЛЛИК ВА МУАММОЛАРИ**

*Н.А. Инагамова  
Тошкент Архитектура қурилиш институти  
“Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни  
бошқариш” кафедраси ассистенти*

Шиддат билан тарқалиб бораётган рақамли технология кўплаб иқтисодий ва ижтимоий фаолият турларини кундан-кунга тамоман

ўзгартириб бормоқда. Бироқ ўсиб бораётган рақамли жарлик ривожланаётган мамлакатларни ривожланган мамлакатлардан ортда қолиб кетиши ҳавфани ҳам юзага келтириши мумкин. Рақамли соҳа стратегияларининг ривожланиши ва глобализациянинг келгусидаги контурларини қайта кўриб чиқиш янги технологияларга комплекс ёндашувни, мустаҳкам шериклик ва етакчиликни талаб қилади. “Рақамли иқтисодиёт” атамаси 1995 йилда ахборот-коммуникацион технологияларнинг жадал ривожланиши билан пайдо бўлди. Интернет ва мобил алоқаларнинг ривожланиши рақамли иқтисодиётнинг базавий технологиялари бўлиб ҳисобланади. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди. Бутунжаҳон банкининг таърифи бўйича, рақамли иқтисодиёт – иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли ахборот-технологиялари қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Рақамли платформалар жаҳон иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Рақамли иқтисодиёт ривожланиб бориб, нафақат йирик компаниялар, балки бизнес, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган шахсларнинг ҳам даромад манбаига айланиб бормоқда. Унинг баъзи бир кенг тарқалган турларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Жараёнларни автоматлаштириш ва ҳужжатларни қисқартириш;
- Электрон тўловлар;
- Онлайн харидлар ва буюртмаларни кузатиш;
- Интернет-банкнинг;
- Электрон чипталар;
- Онлайн нашрлар;
- Мултимедиа онлайн хизматлари (видео ва аудио оқимлари, ўйинлар ва бошқалар).

Сўнгги йилларда капиталлашуви 100 миллиард АҚШ долларидан ортик бўлган платформаларда ишлайдиган компанияларнинг умумий қиймати тахмин қилинган 7 триллион АҚШ долларидан ошди, бу эса ўтган йилларга нисбатан 67 фоизга кўпдир. Баъзи глобал рақамли платформалар маълум соҳаларда кучли бозор позицияларини эгаллашди. Масалан, интернетдаги кидирув тизими бозорининг 90%дан ортиқроғини “Google” компанияси эгаллаган. “Facebook” компанияси ижтимоий тармоғи жаҳон бозорининг учдан икки қисмини ташкил этиб, унинг платформаси 90%дан ортик мамлакатда ижтимоий тармоқлар орасида энг машҳур бўлиб ҳисобланади. Дунё бўйлаб онлайн чакана савдонинг деярли 40% “Amazon” тармоғи орқали сотилади ва унинг шўба компанияси “Amazonwebservices” булутли инфратузилма хизматлари глобал бозорининг тахминан бир хил улушига эга. Агар амалдаги сиёсат ва қоидалар сақланиб қолса, бу тенденция давом этиши ва тенгсизликнинг янада кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи Интернетга уланмаган бўлса, рақамли бўлинишни тегишли ҳаракатларсиз бартараф этиб бўлмайди. Рақамли иқтисодиёт жамоат манфаати учун ишлаши учун у инклюзив бўлиши керак. Янги технологиялар, хусусан, сунъий интеллект, муқаррар равишда меҳнат бозоридаги жиддий

Ўзгаришлар билан, шу жумладан баъзи соҳаларда иш жойларини йўқотиш ва бошқа масштабларда янги имкониятлар яратиш билан боғлиқ. Рақамли иқтисодиёт турли хил янги билим ва кўникмаларни ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг сезиларли даражада янги чораларини талаб қилади. Шу билан бирга, таълимни ривожлантириш учун катта сармоялар, шунингдек, бутун ҳаёт давомида таълим хизматларидан умумий фойдаланишни таъминлаш керак. Рақамли иқтисодиётнинг фойдали томонлари билан бирга бир қанча муаммоларни туғдириши ҳам маълум. Рақамли иқтисодиёт, шунингдек, киберхавфсизлик таҳдидлари, ноқонуний иқтисодий фаолиятни осонлаштириш ва шахсий ҳаётни бузиш каби янги хавфларни келтириб чиқаради. Янги ечимларни топиш ҳукуматлар, фуқаролик жамияти, илмий доиралар, илмий доиралар ва технологиялар секторининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилади<sup>380</sup>.

Юртимизда рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим омили сифатида аҳамияти беқиёс бўлиб, уни мамлакатимизда ривожлантириш истикболлари, рақамли иқтисодиётни жорий этишнинг афзалликлари ва камчиликлари, ишлаб чиқаришга рақамли технологияларни жорий этиш товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантиришдаги ҳамда ички ва ташқи омилларни ҳисобга олиш, тизимли ёндашувга эътибор қаратиш, маълумотларни мослаштиришдаги камчиликларни ва рақамли иқтисодиётни ўлчаш муаммоларини таҳлил қилиш зарурлиги иқтисодий давраларда муҳокама қилинмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти айниқса пандемия шароитида сезилди, аҳолининг асосий қатлами интернет тармоғи орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармон воситаларини буюртма қилиш ва етказиб бериш хизматларидан фойдаландилар. Биз фақат рақамли асрнинг бошида турибмиз ва рақамлаштиришга оид кўплаб саволларга ҳали жавоб топилмаган. Тегишли маълумотлар камлиги ва тезкор технологик тараққиёт билан сиёсатчилар рақамли иқтисодиёт учун самарали стратегияларни ишлаб чиқишда ўзгарувчан устуворликларга дуч келишмоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрича, бугунги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун баъзи тўсиқлар мавжуд, яъни рақамли кўникмаларнинг этишмаслиги, бу рақамли трансформация учун жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда. ИТ ва компьютер маҳоратини ривожлантиришга, Ўзбекистондаги онлайн савдо ва савдо майдончаларининг етарли даражада эмаслигига, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун нафақат дастурчилар, балки техник тавсифларни малакали равишда ўрнатадиган ва рақамли хизматларни қандай амалга оширишни тушунадиган малакали менежерлар ҳам зарур. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, саволларга жавоб топиш учун ҳам бу соҳани чуқур ўрганиш, уни ривожлантириш муҳимдир. “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ишлаб чиқилиши ҳам шу мақсадни кўзлаб амалга оширилган бўлса бежиз эмас. Унга кўра 2020–2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида

---

<sup>380</sup> “Доклад о цифровой экономике 2019”. Конференция ООН по торговле и развитию

аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан кенг поласали уланиш портларини 2,5 млнгача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толали алоқа линияларини куриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78%дан 95%га етказилиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этилиб, 587 минг нафар кишини, шу жумладан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилади ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилиши ва бир қанча тадбирлар белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу стратегияни амалга ошириш учун йўл хариталари ҳам ишлаб чиқилган. Бундан ташқари ушбу стратегияга мувофиқ инвестиция лойиҳалари ҳамда жалб этилаётган халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар маблағлари умумий миқдорининг 5%дан кам бўлмаган қисми «рақамли» компонентларга йўналтирилади<sup>381</sup>.

Рақамли иқтисодиётнинг Ўзбекистон ЯИМдаги улушини 2023 йилга қадар 2 баробар, 2022 йилдаги электрон давлат хизматлари улушини эса 60% га оширилиши режалаштирилмоқда. Республикаимизнинг барча минтақаларида рақамли билимларни ўзлаштириш марказлари очилиши ҳам қайд этилган.<sup>382</sup>

## **ELEKTRON TIJORATDA XATARLAR**

*Rustamova Kamola Diyorovna*  
*BET 60-guruh talabasi*

Компьютер тармоқларидан tijorat maqsadlarida foydalanish o'tgan asrning ikkinchi yarmida, elektron hisoblash kompyuterlari paydo bo'lgandan so'ng rivojlana boshlagan. Tarmoqqa birlashtirilgan kompyuterlar yordamida ma'lumotlarni uzatishning qulayligi Shimoliy Amerika transport kompaniyalari tomonidan reyslarni tayyorlash va chiptalarni sotish jarayonida yuqori baholangan. Natijada aviatsiya, temir yo'l va yo'l-transportlari sohasida yagona elektron axborot almashinuvi standart (Electronic Data Interchange (EDI)) paydo bo'ldi.

Elektron tijoratda texnologiyalardan foydalanish sohasida keyingi muhim qadam moliya institutlari tomonlaridan keng ko'lamli universal to'lov vositalarini — kredit kartalarini muomalaga joriy etish bo'lib hisoblanadi. Kredit kartalar moliyaviy va hisob-kitob operatsiyalarini avtomatlashtirish uchun mo'ljallangan va ularning asosida Banklararo Karta Uyushmalari (BKU) paydo bo'lgan va yakka

---

<sup>381</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 й. ПФ-6079-сонли Фармони «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

<sup>382</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2020/04/29/digital/>

tartibdagi a'zolari ham oxir-oqibat global ko'lamda qamrab olingan. Shimoliy Amerika kompaniyalari turli elektron o'zaro ta'sir va nazorat qilish texnologiyalari muvaffaqiyatli joriy qilingandan so'ng mazmun-mohiyatida: ta'minot, ishlab chiqarish, savdo, to'lovlarni amalga oshirish kabi iqtisodiy-moliyaviy amallarni birlashtiruvchi va jarayonlarni avtomatlashtirish orqali boshqarish hamda axborotlarni uzatish davom ettirilishi nazarda tutiladigan e-Tijorat (Elektron tijorat — electronic commerce) atamasi paydo bo'ldi.

Elektron tijorat konsepsiyasining bir qator ta'riflari mavjud, jumladan, elektron biznes (electronic business) tushunchasi — Internet-texnologiyalardan foydalangan holda asosiy biznes-jarayonlarini o'zgartirishni anglatadi. Masofaviy to'lovlarni amalga oshirish uchun alohida tizimlar va usullar mavjud bo'lib, ular orqali masofadan turib, xarid qilish uchun onlayn-to'lovni amalga oshirish mumkin. Bu esa elektron tijorat infratuzilmasining yangi ishbilarmonlik muhiti sifatida ta'minlaydi. Elektron tijorat sohasining rivojida, tijorat jarayonlarini amalga oshirishda o'z-o'zidan xatar tushunchasi ham paydo bo'ldi. «Xatar (risk, xavf)» tushunchasini quyidagicha ta'riflash mumkin: Risk — bu zarar ko'rish yoki manfaatni qo'ldan chiqarish bilan bog'liq ehtimollar, resurslarni yo'qotish ehtimoli yoki tadbirkorlik faoliyatida resurslardan samarali foydalanish bilan taqqoslaganda yo'qolishi, yoki daromad kamomadiga zarar ko'rish bilan belgilangan. Boshqacha aytganda, xatar bu tadbirkorlik subyekti qo'shimcha xarajatlar ko'rinishida yo'qotish yoki daromadlarni kutilganidan kam bo'ladigan xavf deb hisoblanadi.

Elektron tijoratda xatarlarning kelib chiqish xususiyatlari turli tuzilmalarda axborot texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari bilan bog'liq, e-tijorat texnologiyalar yordamida xo'jalik yurituvchi subyektlar tomonidan operatsiyalar bajarilayotgan davrda tahdid beixtiyor yoki maxsus yaratilishi mumkin. Shuning uchun elektron tijorat xavfini tavsiflashdan oldin «xavf» va «tahdid» tushunchalarini ajratib olish lozim. Tahdid tushunchasi mazmunida axborot texnologiyalari vositalari va mexanizmlarini qo'llash orqali moddiy va boshqa qadriyatlarga zarar yetkazish niyatini tushunamiz. Xavf tushunchasi esa har qanday ehtimollik darajasida, moddiy yoki boshqa yo'qotishlarga olib keladigan tijorat operatsiyalari sharoitlari va natijalarini anglatadi.

O'zbekiston Respublikasi o'z iqtisodiyotini muvozanatli rivojlantirish, tarkibiy tuzilishini modernizatsiya qilish, asosiy sanoatning yuqori raqobatbardoshligiga erishish uchun intilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida nazarda tutilgan strategik maqsad — fuqarolik jamiyatini shakllantirish va ijtimoiy jihatdan yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotini yaratish — ushbu vazifalarni izchil hal etish orqali amalga oshiriladi. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozining davom etayotgan ta'siri nuqtai nazaridan, iqtisodiyotning real sektordagi korxonalarini har tomonlama qo'llab-quvvatlashga ehtiyoji mavjud. Respublikada bu yo'nalishda bir qator chora-tadbirlar izchil amalga oshirilmoqda. Ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, hamkorlik aloqalarini kengaytirish, xorijiy sheriklar bilan barqaror hamkorlikni yo'lga qo'yish va mahalliy mahsulotlar uchun ichki talabni rag'batlantirish uchun tegishli moliyaviy va tashkiliy sharoitlarni yaratishni maqsad qilgan.

O‘zbekiston izchil va bosqichma-bosqich bozor tizimiga o‘tmoqda. Milliy tadbirkorlikning an‘analari tiklanmoqda, bozor institutlari shakllanmoqda va faol rivojlanmoqda. Barqaror rivojlanish strategiyasini amalga oshirish va shu tariqa, respublikamizning iqtisodiy islohotlarning muvaffaqiyatli amalga oshirish eng muhim omili kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hamda buning asosida haqiqiy mulkdorlar sinfini shakllantirish hisoblanadi. Tashqi tahdidlar: viruslar va zararli dasturlar, xaker hujumlari, turli uzatish aloqa vositalaridan foydalanish bilan firibgarlik, intellektual mulkni qo‘lga kiritish tahdidi (kiberskvoting) kabilarni o‘z ichiga oladi. Ichki tahdidlar: sabotaj, ma‘lumotlarni o‘g‘irlash, xodimlarning beparvoligidan iborat bo‘lishi mumkin. Axborot xavfsizligining buzilishi bilan bog‘liq zararlarning taxminan 80 foizi shu tarzdagi maxfiy axborotning oqibati bilan bog‘liq. Bunday sharoitda, elektron tijorat xatarlarni boshqarish ostida tadbirkorlik faoliyatini olib borish uchun elektron tijorat usullari yordamida moddiy va boshqa yo‘qotishlarning oldini olish yoki kamaytirishni inobatga olgan holda, maksimal foyda olish maqsadida qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadli faoliyati deb tushuniladi. Elektron tijorat bilan bog‘liq ravishda xavfsizlik ta‘rifini quyidagicha ifodalanishi mumkin. Elektron tijoratning xavfsizligi — bu elektron va tijorat texnologiyalaridan foydalangan holda tijorat operatsiyalari (tranzaksiyalar, bitimlar) ni amalga oshiradigan munosabatlar subyektlari manfaatlarini va boshqa zarar ko‘rsatuvchi tahdidlaridan himoya qilishdir.

Xulosa qilib aytganda, jamiyatimizning barcha sohalariga zamonaviy texnologiyalarning keng joriy etilishi istiqbolda ko‘zlagan yuksak maqsadlarga erishishda muhim ahamiyat kasb etadi. Har bir soha faoliyatida Internet tarmog‘idan foydalanish ish unumdorligini oshiradi. Shu nuqtai nazardan, axborot xavfsizligini, ayniqsa, elektron tijorat sohasining xavfsizligini ta‘minlash dolzarb masala bo‘lib hisoblanadi.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT –TIJORAT BANKLARI NODEPOZIT OPERATSIYALARINING SHAKLLANISHIGA TA’SIR QILUVCHI ASOSIY OMILLARDAN BIRI**

*TMI magistranti Jumayev M.M.*

Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida tijorat banklari resurs bazasining muhim segmentlaridan biri, bu tijorat banklari nodepozit operatsiyalari hisoblanadi. Tijorat banklari nodepozit operatsiyalar orqali o‘z resurs bazasini mustahkamlab o‘z mablag‘lari miqdorini oshiradilar.

Tijorat banklari faoliyatining samaradorligi va uzluksizligi birinchi navbatda banklarning resurs bilan qanchalik darajada to‘yinganligi bilan bog‘liq. Ma‘lumki bank passivlari bu kapital va majburiyatlardan iborat, shunday ekan, ushbu resurslarni uzoq muddatga va arzon narxlarda qanday samarali jalb qilish masalasi, resurslar taqchil bo‘lgan bir zamonda tijorat banklari oldida turgan muhim masalalardan biri bo‘lib turadi [1].



Shuni ta'kidlash lozimki, xorijiy davlatlar tijorat banklari resurs bazasini mustahkamlashda e'tiborni ko'proq nodepozit operatsiyalarga qaratishadi. Ya'ni, banklararo bozordan qarz olish, qimmatli qog'ozlarni qayta sotib olish sharti bilan sotish, tijorat qog'ozlar va obligatsiyalar chiqarish orqali hamda yevro-dollar bozoridan qarz olish orqali o'z banklariga mablag'larni jalb qilishadi. Bu mablag'lar o'z navbatida arzon hamda risk darajasi pastligi bilan farqlanadi.[2]

Hozirgi kunda tijorat bank faoliyatining passivlar holatini tahlil qilib borish bank boshqaruvining asosi hisoblanadi. Oxirgi yillarda davlat byudjetidan tijorat banklariga dasturlarni moliyalashtirish uchun 8,4 trillion so'm, ustav kapitalini oshirish uchun 1,7 milliard dollar mablag' ajratilgan. Umuman olganda, so'nggi ikki yil ichida banklar kapitalizatsiyasini oshirish uchun 3,3 milliard dollar davlat mablag'lari berilgan.

Bugungi kunda banklarga qo'yilgan depozitlarning 70 foizi qisqa muddatli bo'lgan holda, kreditlarning 90 foizi uzoq muddatga berilgan. Ayrim banklarda joriy harajatlar daromadga nisbatan 60-70 foizni tashkil etadi [3].

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabrda Oliy Majlisning Senati va Qonunchilik palatasiga Murojatnomasida bank sohasidagi islohotlarning asosiy maqsadi hamda bank tizimini rivojlantirish haqida shunday deya ta'kidlagan edilar: "Yangi yilda milliy valyutada chiqariladigan xalqaro obligatsiyalar ulushini 25 foizdan kamida 40 foizga oshirish zarurligi hamda "Sanoatqurilishbank", "Asaka bank", "ipoteka bank", "Aloqa bank", "Turon bank", hamda "Qishloq qurilish bank"ni xususiylashtirishga tayyorlaymiz"[4].

Milliy valyutada chiqarilgan xalqaro obligatsiyalar miqdorini oshirish orqali tijorat banklari barqaror mablag'ga ega bo'ladilar hamda davlat ulushi bor tijorat banklarini xususiylashtirishimiz yevro-dollar bozoridan arzon qarz olish imkonini yaratib beradi.

Respublikamiz tijorat banklari uchun nodepozit operatsiyalarni samarali shakllantirish hamda ularni to'g'ri joylashtirish raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada:

**Brinchidan**, yurtimiz tijorat banklari davlat ulushini tugatib yirik investorlar tomonidan bankning transformatsiya jarayonini olib borishlari lozim.

**Ikkinchidan**, tijorat banklari resurs bazasini mustahkamlash borasida yevrobondlarni chiqarishni yo'lga qo'yish maqsadga muvofiqdir. Bu boradagi fikrni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisning Senati va Qonunchilik palatasiga Murojatnomasida ham takidlaganlar.

**Uchinchidan**, tijorat banklari xalqaro obligatsiyalarni chiqarish orqali havfsiz va arzon hamda barqaror kapitalga ega bo'lishadi. Bu orqali kichik biznes va xususiylashtirishni yanada rivojlantirishga keng yo'l ochib bergan bo'lamiz.

Shu nuqtayi nazardan tijorat banklari nodepozit operatsiyalarining barcha instrumentlarini samarali olib borish uchun uzoq yillarga mo'ljallangan dastur ishlab chiqishimiz lozim. Shundagina bank sohasini takomillashtirishga yana bir katta qadam tashlagan bo'lamiz desam mubolag'a bo'lmaydi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. №5, sentyabr-oktyabr, 2018-yil.
2. A 15 Bank ishi; Darslik / Sh.Z. Abdullayeva, U.O‘. Azizov; - T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019.-540 b.
3. Mirziyoyev Sh.M. Banklarning investitsion faolligini oshirish bo‘yicha vazifalar. <https://prezident.uz/> 10.25.2019.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabrda Oliy Majlisning Senati va Qonunchilik palatasiga Murojatnomasi.

### **РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИНГ АСОСИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА УНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ.**

*Эшев Алибек Сабирович*  
*Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг*  
*халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи*

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг рақобатбардошлиги микроиқтисодий категория ҳисобланади, шунинг учун ҳам унинг даражасини кўтариш иқтисодиётнинг аграр сектори субъектларининг манфаатлари ҳамкори ҳисобланади. Шу билан бир вақтда ҳар қандай аграр корхона маълум бир ташқи муҳитда иш юритади, шунинг учун кўрсатиб ўтилган категорияни макроиқтисодий жараёнлардан ажратилган ҳолда тадқиқ этиш, бизнинг фикримизча, ғайриқонуний ва мақсадга мувофиқ эмас. Қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлигининг диалектиклиги шундан иборат бўладики, айнан унда қишлоқ хўжалик корхоналари ва давлатнинг иқтисодий манфаатларининг бирлиги ҳам қарама-қаршилиги ҳам намоён бўлади. Давлат позициясидан қараганда, қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлиги миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан қаралади. Бир томондан, қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлигининг даражаси маълум бир даражада макроиқтисодиёт омиллар билан аниқланади (ёки белгиланади), уларнинг тартибга солиб турилиши эса давлатнинг ваколатида бўлади (солиқ ва кредит-молия сиёсати, нархларни тартибга солиб туриш, божхона-тарифини тартибга солиб туриш, инвестиция сиёсати). Бошқа бир тарафдан эса, қишлоқ хўжалик корхоналарининг рақобатбардошлик позицияларини мустаҳкамлаш умумдавлат иқтисодий манфаатлар соҳасига қарашли бўлган, ҳусусан иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби макроиқтисодий характердаги бутун бир қатор муаммоларнинг ҳал қилинишига имкон яратади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлиги ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ўзаро алоқадорлигини қуйидагилар билан тушунтириш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш озиқ-овқат хавфсизлиги, давлат молияси ва биринчи навбатда, давлат

бюджетининг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, зеро рақобатбардош корхоналар барқарор фаойда келтирувчи, сердаромад ҳисобланади. Шу билан бирга солиқ тушумларининг ўсиши натижасида бюджетнинг фойда кўриш қисми ҳам ортиб боради. Шу билан бир вақтда, сердаромад, фойда келтирувчи корхоналар сонининг ўсиб бориши натижасида дотациялар ва субсидиялар ҳажмининг камайиши ҳисобига бюджетнинг сарф-харажатлар қисми қисқариб боради.

2. Қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлиги даражасининг ошиши натижаси ўлароқ, агросаноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва ички бозорнинг маҳаллий озиқ-овқат моллари (шу билан бирга импорт ўрнини босувчи товарлар) билан тўйинтириш учун замин яратилишидир, бу эса инфляция жараёнлари суръатининг пасайишига ва мамлакатнинг ташқи савдо тўлов балансининг нормаллашувига ёрдам беради.

3. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларнинг маҳсулоти рақобатбардошлигининг ошиши экспорт потенциалининг ривожланишига ва Ўзбекистон агроишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги позициясини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, корхоналарнинг валюта киримининг (ёки тушумининг) ўсишини таъминлайди, ташқи савдо тўлов балансининг ҳолатига ва бюджетнинг даромад қисмига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, экспортнинг ошиши валюта бозорининг барқарорлашувига таъсир кўрсатади, бу эса миллий валютанинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги учун замин яратади.

4. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг тутган бозор позицияларини мустаҳкамлаш потенциал банкротликларни қисқартиришга ёрдам беради, бу эса ижтимоий соҳанинг энг муҳим масалаларидан бирини ечишни – аҳолининг, хусусан қишлоқ жойларидаги аҳолининг юқори даражадаги бандлигини қўуллаб-қувватлашни енгиллаштиради. Мазкур жараённинг иқтисодий оқибат-натижаси корхоналарнинг санацияси ва банкротлик чоратadbирларининг амалга оширилиши, шунингдек ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлган бюджет сарф-харажатларининг қисқаришида намоён бўлади.

5. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини нормаллаштириш – уларнинг рақобатбардошлиги ошишининг натижаси сифатида – меҳнатга ҳақ тўлашга, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ва экологик ҳавфсиз технологияларни жорий қилишга сарф қилинадиган харажатларни ошириш ҳисобига харидорнинг тўлашга қодир эҳтиёжларини жонлантириш учун замин яратади. Бундан ташқари, корхонанинг шахсий маблағлари ҳисобига инвестицияларни кенгайтириш учун имкониятлари пайдо бўлади, бу эса марказлаштирилган капитал маблағлар ажратишга, давлат ва маҳаллий бюджетлардан махсус тегишли сарф-харажатларга бўлган эҳтиёжларни камайтиришга олиб келади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик корхоналарининг юқори рақобатбардошлигини таъминлаш давлат аграр сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, рақобат фақатгина рақобатдошлик шароитидагина намоён бўлади. Сиёсий иқтисодиёт нуқтаи назаридан ва замонавийлик контекстида рақобатдошлик – бу тартибга солиб туриладиган иқтисодий рақобат ва турли хил тип ва шаклдаги мулкчилик субъектлари ўртасидаги кураш шакли, барча бозор хўжалиги субъектлари манфаатларининг ўзаро тўқнашув шаклидир .

Турли хил луғатларда “рақобат” тушунчаси – энг юқори натижаларга эришиш учун мусобақалашув, рақобатчилик, курашиш сифатида таърифланади; ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарларни энг қулай ва фойдали шарт-шароитларда ишлаб чиқариш ва сотиш учун мусобақалашувдир.

Шундай қилиб, рақобат – товар ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи объектив иқтисодий қонун, унинг ишлаши товар ишлаб чиқарувчилар учун ўз корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишда, ишлаб чиқариш масштабини кенгайтиришда, илмий-техник тараққиётни (прогрессни) жадаллаштиришда, ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг янгича шакллари, маош тўлашнинг янгича шакл ва тизимларини жорий этишда ташқи мажбурий куч ҳисобланади.

Яъни, бир сўз билан айтганда рақобат – манфаатлар келишуви, мослиги ёки ҳамжиҳатлиги (мутаносиблиги) йўқ жойда юзага келади, бунинг устига, манфаатлар ихтилофи (конфликти) ҳам бўлади, ва кўпгина замонавий иқтисодчилар “рақобат” тушунчасини рақибчилик қилиш ёки бирор нарсага эришиш ёки эга бўлиш учун кураш каби талқин қилишади .

Л.А.Евчукнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги бутунлай рақобатчиликдан иборат тармоқ ҳисобланади, чунки анчагина кўп сонли ишлаб чиқарувчилар борлиги билан характерланади, уларнинг ҳар бири (ёки ҳеч бири) бозор ёки нархларга таъсир кўрсата оладиган етарлича ҳажмдаги таклифларга эга эмаслар.

Иқтисодий категория бўлган “рақобат” нинг моҳиятан мантиқий давоми “корхонанинг рақобатбардошлиги” тушунчасининг мазмунан тўлдирилишининг аниқланиши ёки белгиланишидир. Корхоналар рақобатбардошлигини таъминлашнинг назарий муаммолари деярли барча иқтисодий мактаблар ва оқимларнинг илмий тадқиқотлар тизимида доимо муҳим ўрин эгаллаб келган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари рақобатбардошлиги тушунчасининг мазмунини мантиқан белгилаш бўйича иқтисодий адабиётлар таҳлили кўпжиҳатли талқинлар мавжудлиги ҳақида далолат бермоқда, ушбу тушунча етарлича мураккаб ва бир маъноли талқин қилинмайди. Рақобатбардошликнинг сўзма-сўз талқини “рақобатга қодир бўлиш”, “рақобатлаша олиш” ликни билдиради .

Бунда эса айнан рақобатбардошликни рақобат (конкуренция) призмасида қарайдиган бўлсак умуман олганда аграр корхоналар рақобатбардошлигига ягона умумлаштирувчи таъриф беришнинг мураккаблигини тушунтиради.

Тадқиқотнинг мазкур соҳасидаги категориал аппарат моҳиятини умумлаштирган ҳолда, “корхона рақобатбардошлиги” тушунчасининг таърифларини муайян (конкрет) категорияларнинг фарқларини

характерловчи турли хил илмий изоҳлаш (ёки талқин) йўналишлари бўйича тузилмавий (структуравий) тарзда тақсимлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Олиб борилган изланишлардан келиб чиқан ҳолда, аниқландики, олимлар рақобатбардошликни шу рақобатбардошликка яқин бўлган қуйидаги тушунчалар билан ассоциациялаган ҳолда фикран боғламоқдалар:

- корхонанинг қуввати (қобилияти);
- корхонанинг имконияти;
- корхонанинг хусусияти;
- жараёнлар, предметлар ва ҳодисаларни характерловчи аломат (белги);
- ўхшашларидан фарқ қилувчи характеристикалар жамланмаси;
- нисбий характеристика, ўхшашларидан (аналогларидан) ажралиб

турувчи фарқлар.

Тадқиқотчилар Н.Малик ва А.Нужналар қишлоқ хўжалик корхоналари рақобатбардошлиги тушунчасини етарлича тўлиқ ва тизимли тарзда очиб беришган. Уларнинг фикрича, бу аграр соҳадаги иқтисодий фаолият юритувчи субъектларнинг хўжалик юритишнинг янгича шарт-шароитларига мослаша олиш, ўзларининг рақобат устунликларидан фойдалана олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хизматлари бозоридаги рақобатчилик курашида ғалаба қозониш, ер ресурсларидан максимал даражада самарали фойдаланиш, бозор тузилмасини (структурасини) таҳлил қилиш ва унинг конъюктураси ўзгаришларига нисбатан мослашувчан тарзда жавоб қайтариш йўли билан харидор эҳтиёжини яна ҳам тўлароқ қондира олиш қобилиятидир дейишади.

Рақобатбардошлик характеристикаларини идентификациялашни, бизнинг фикримизча, унинг талқинларига тегишли типик гуруҳларини таҳлил қилиш асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу контекстда Италия иқтисодчилари Д.Депперу ва Д.Сератто нинг тадқиқот натижалари қизиқиш уйғотади, улар мавжуд дефиницияларнинг иккиомилли классификациясини таклиф этишади.

### **Адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2020 й. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4575 сонли қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 ноябрь, "Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 952-сон қарори

3. Малик Н.И. Конкурентоспособность аграрных предприятий: методология и механизмы: [монография.] / М.И. Малик, А.А. Нужна. - М.: Институт аграрной экономики, 2007. - 270 с.

4. Depperu D. Analyzing International Competitiveness at the Firm Level: Concepts and Measures / D. Depperu, D. Cerrato // Working Paper. – № 32.
5. Dipartimento Scienze Sociali-Sezione Economia Aziendale, Universita Cattolica del Sacro Cuore, Piacenza, 2005. – 27 с.
6. Buckley P.J. Measures of International Competitiveness A critical Survey / P.J. Buckley // Journal of Marketing Management. – 1988. – Vol.4 (2). P. 175–200.
7. Азоев Г.Л. Конкурентные преимущества фирмы / Г.Л. Азоев, А.П. Челенков. – М.: ОАО “Типография “НОВОСТИ”, 2000. – 256 с.
8. Алтухов П.Л. Процессный подход к обеспечению конкурентоспособности предприятия / П.Л. Алтухов // Вестник экономической науки. – 2005. – № 2. – С. 3–5.
9. Воронкова А.Е. Поддержка конкурентоспособного потенциала предприятия / А.Е. Воронкова, Понамарев В.П., Дибнис И. - М.: Техника, 2000. - 152 с.
10. Градов А.П. Экономическая стратегия фирмы / А.П. Градов. Спб.: Спец. лит-ра, 1998. – 611 с.
11. Гальвановский М. Конкурентоспособность в микро-, мезо- и макроуровневом измерениях / М. Гальвановский, В. Жуковская, И. Трофимова // Российский экономический журнал. – 1998. – № 3. – С. 67 - 77.
12. Черванев Д.М. Менеджмент инновационно-инвестиционного развития предприятий Украины / Д.М. Черванев, Л.И. Рельсовая. - М.: Знание, 1999. - 514 с.
13. Коноплицкий В.А. Экономический словарь. Тлумачно - термінологічний / В.А. Коноплицкий, И. Филина. - М.: КНТ, 2007. - 580 с.
14. Пантелеев В.Д. Оценка конкурентоспособности предприятия (Методология простого решения) / В.Д. Пантелеев // Вестник аграрной науки при Черноморья. - 2008. - Вып. 2 (45). - С. 10-16.
15. The World Competitiveness Yearbook 2004 [Online] / Lausanne: IMD, 2004. Available from: <http://www02.imd.ch/wcc/pressreleases/>.
16. The World Competitiveness Report 1991 [Online] / World Economic Forum, IMEDE. – Lausanne, Geneva: IMD, WEF, 1991. Available from: <http://www02.imd.ch/wcc/pressreleases/>.
17. Конкурентоспособность экономики Украины в условиях глобализации / Я.А. Жалило, Я.Б. Базилук, Я.В. Белинская, С. Давыденко и др.; Под ред. Я.А. Жалела. - М.: НИСИ, 2005. - 388 с.
18. The World Competitiveness Yearbook 2004 [Online] / Lausanne: IMD, 2004. Available from: <http://www02.imd.ch/wcc/pressreleases/>.
19. Конкурентоспособность экономики Украины в условиях глобализации / Я.А. Жалило, Я.Б. Базилук, Я.В. Белинская, С. Давыденко и др.; Под ред. Я.А. Жалела. - М.: НИСИ, 2005. - 388 с.
20. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление Р.А. Фатхутдинов. – М.: ИНФРА-М, 2000. – 312 с.

21. Ермолова М.О. Чем отличается конкурентоспособность фирмы от конкурентоспособности товара / М.О. Ермолова // Как продать ваш товар на внешнем рынке: [справочник]. – М.: Мысль, 1990. – С. 228-241.

22. Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. / М. Портер; пер. с англ.; под ред. В. Д. Щетитина. - М.: Международные отношения, 1993. – 896 с.

23. Портер М. Конкуренция / М. Портер. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2005. – 608 с.

24. Демьяненко М.Я. Государственная поддержка как фактор обеспечения конкурентоспособного аграрного производства / М.Я. Демьяненко, Ф.В. Иванина // Экономика АПК. - 2009. - №9. - С. 3-9.

## RAQAMLI IQTISODIYOTNING MAMLAKAT IQTISODIYOTIDAGI O`RNI.

*Toshkent Moliya instituti magistratura yo`nalishi  
Bank hisobi va audit yo`nalishi-5 guruh talabasi  
Ergashev Muhibbek Aslam o`g`li*

**Raqamli iqtisodiyot** – bu iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo‘llash asosida amalga oshirish tizimidir. Ba’zida u internet iqtisodiyoti, yangi iqtisodiyot yoki veb-iqtisodiyot degan terminlar bilan ham ifodalanadi. 1995 yilda amerikalik dasturchi Nikolas Negroponte “raqamli iqtisodiyot” terminini amaliyotga kiritdi. Hozirda bu istilohni butun dunyodagi siyosatchilar, iqtisodchilar, jurnalistlar, tadbirkorlar – deyarli barcha qo‘llamoqda. Raqamli iqtisodiyot – bu noldan boshlab yaratilishi lozim bo‘lgan qandaydir boshqacha iqtisodiyot emas. Bu yangi texnologiyalar, platformalar va biznes modellari yaratish va ularni kundalik hayotga joriy etish orqali mavjud iqtisodiyotni yangicha tizimga ko‘chirish deganidir. Raqamli iqtisodiyotning yuksalishi XXI-asrning o‘ziga xos xususiyatlaridan biridir. Raqamli texnologiyalar jamiyat va iqtisodiyotga ko‘p jihatdan ta’sir qilib kelmoqda. Shu sababli, raqamlashtirish bizning hayotimiz va birgalikda ishlash tarzimizni tubdan o‘zgartiradi. Hukumatning an’anaviy tartibga solish funksiyalari, shu jumladan ilg‘or tartibga solish amaliyotlari ushbu transformatsion o‘zgarishlar bilan qanday rivojlanishi kerakligi to‘g‘risida kamroq narsa tushuniladi va aytiladi. Shuning uchun bunday ish bilan shug‘ullanish juda muhim, ayniqsa raqamli transformatsiya doimiy tartibga solinadigan jarayon bo‘lib, u tartibga solishni talab qiladigan ehtiyojlarni keltirib chiqaradi. Chakana savdo, bank-moliya, aloqa va o‘yin-kulgi kabi sohalar allaqachon ko‘p davlatlarda "raqamlashtirilgan". Yuqoridagilarni hisobga olib aytish mumkin, O‘zbekiston milliy iqtisodiyotining raqamlashtirilishi juda muhim va o‘tgan 2020-yil “Ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish” yili deb e’lon qilinishi hozirgi vaqtda mamlakatimizda raqamli innovatsiyani rivojlanganini ko‘rsatib turibdi. Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni faol rivojlantirish, barcha tarmoqlar va sohalarda, eng avvalo, davlat boshqaruvi, ta’lim, sog‘liqni saqlash va qishloq xo‘jaligida zamonaviy axborot-

kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Xususan, elektron hukumat tizimini takomillashtirish, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalarining mahalliy bozorini yanada rivojlantirish, respublikaning barcha hududlarida IT-parklarni tashkil etish, shuningdek, sohani malakali kadrlar bilan ta'minlashni ko'zda tutuvchi 220 dan ortiq ustuvor loyihalarni amalga oshirish boshlangan. Bundan tashqari, 40 dan ortiq axborot tizimlari bilan integratsiyalashgan geoportalni ishga tushirish, jamoat transporti va kommunal infratuzilmani boshqarishning axborot tizimini yaratish, ijtimoiy sohani raqamlashtirish va keyinchalik ushbu tajribani boshqa hududlarda joriy qilishni nazarda tutuvchi «Raqamli Toshkent» kompleks dasturi amalga oshirilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-6079-sonli "Raqamli O'zbekiston-2030"<sup>383</sup> Qarorining qabul qilinishi natijasida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga yanada talab oshganini ko'rishimiz mumkin. «Raqamli O'zbekiston — 2030» strategiyasi iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining jadal raqamli rivojlanishini ta'minlash, shu jumladan elektron davlat xizmatlarini ko'rsatish mexanizmlarini yanada takomillashtirish maqsadida ishlab chiqilgan. Strategiya O'zbekiston Respublikasining raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirishning strategik maqsadlari, ustuvor yo'nalishlari hamda o'rta va uzoq muddatli istiqbolli vazifalarini belgilaydi, shuningdek, BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari va Elektron hukumatni rivojlantirish reytingida belgilangan ustuvor vazifalardan kelib chiqib, raqamli texnologiyalarni yanada keng joriy etish uchun asos bo'lib xizmat qilmoqda.

#### **Raqamli iqtisodiyotning belgilari:**

- yuqori darajada avtomatlashtirilganlik;
- elektron hujjat almashinuvi;
- buxgalterlik va boshqaruv tizimlarining elektron integratsiyalashuvi;
- ma'lumotlar elektron bazalari;
- CRM (mijozlar bilan o'zaro munosabat tizimi) mavjudligi;
- korporativ tarmoqlar.

#### **Qulayliklari:**

1. To'lovlar uchun xarajatlar kamayadi (masalan, bankka borish uchun yo'lkira va boshqa resurslar tejaladi).
  2. Tovarlar va xizmatlar haqida ko'proq va tezroq ma'lumot olinadi.
  3. Raqamli dunyodagi tovar va xizmatlarning jahon bozoriga chiqish imkoniyatlari katta.
  4. Fidbek (iste'molchi fikri)ni tez olish hisobiga tovar va xizmatlar jadal takomillashtiriladi.
  5. Tezroq, sifatliroq, qulayroq.
- Raqamli iqtisodiyot insonlarning turmush darajasini sezilarli darajada oshiradi, bu uning asosiy foydasidir.

---

<sup>383</sup> <https://lex.uz/docs/5030957>



Raqamli iqtisodiyot korrupsiya va “qora iqtisodiyot”ning asosiy kushandasidir. Chunki, raqamlar hamma narsani muhrlaydi, xotirada saqlaydi, kerak paytda ma’lumotlarni tez taqdim etadi. Bunday sharoitda biron ma’lumotni yashirish, yashirin bitimlar tuzish, u yoki bu faoliyat haqida to’liq axborot bermaslikning iloji yo’q, kompyuter hammasini namoyon qilib qo’yadi. Ma’lumotlar ko’pligi va tizimliliigi yolg’on va qing’ir ishlarga yo’l bermaydi, chunki tizimni aldash imkonsiz. Natijada “iflos pullarni” yuvish, mablag’larni o’g’irlash, samarasiz va maqsadsiz sarflash, oshirib yo yashirib ko’rsatish imkoni qolmaydi. Bu esa iqtisodiyotga legal mablag’lar oqimini oshiradi, soliqlar o’z vaqtida va to’g’ri to’lanadi, byudjet taqsimoti ochiq bo’ladi, ijtimoiy sohaga yo’naltirilgan mablag’lar o’g’irlanmaydi, maktablar, kasalxonalar, yo’llarga ajratilgan pullar to’liq yetib boradi va hokazo. Davlatning raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yo’lini tanlaganligi axborot texnologiyalari sohasida va umuman, elektron hujjatlar aylanmasi sohasida yangi yo’nalishlar ochib beradi. “Raqamli texnologiyalar” tomon burilishga butun jahon internet tarmog’i va sifatli aloqaning rivojlanishi sababchi bo’ldi. Ta’kidlash joizki, bugungi kunda foydalanuvchilar oziq-ovqat mahsulotlariga buyurtma berish uchun Telegram botlaridan faol foydalanmoqdalar. Shuningdek, turli internet do’konlar, elektron to’lov tizimlari ham faol rivojlanib bormoqda. Demak, fuqarolarimiz elektron bitimlarni amalga oshirishga ishonaptilar. Faqat hozirgi kungacha foydalanuvchilar katta xarajatlar talab qilmaydigan kichik bitimlarni amalga oshirmoqdalar, o’rtacha xarid hajmini oshirishga esa unchalik tayyor emaslar. Endigi masala o’rtacha va yirik iqtisodiy bitimlar va moliyaviy operatsiyalarni raqamli texnologiyalar orqali amalga oshirishni rivojlantirishdan iborat. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Loyiha boshqaruvi milliy agentligi raqamli iqtisodiyotni joriy etish va rivojlantirish sohasida vakolatli organ hisoblanadi. Bundan tashqari Iqtisodiyot, Moliya, Axborot texnologiyalari, Adliya vazirliklari va boshqa qator davlat tuzilmalari raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun o‘ziga xos mas’uliyat va vazifalarga ega. Raqamli ma’lumotlar qimmatbaho iqtisodiy resurs hisoblansa-da, u raqamli tafakkurga aylanganidagina foyda keltiradi. Raqamli iqtisodiyot kirib kelishi bilan raqamli platformalar yaratish va tez sur’atlarda o’sib borayotgan raqamli ma’lumotlarni monetizatsiya qilish muammolari vujudga kelmoqda. Bunda qiymat yarata olish yo’llarini, mazkur jarayonlardagi to’siqlarni bartaraf etish vositalarini aniqlash muhimdir. Bu qiymatni yaratish va tarqatish salohiyatini, qiymatni yangilash, boshqarish hamda qiymatni qo’lga kiritish shakllarini tushunish imkonini beradi.

## **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Козимжонов Аброрбек  
ТДИУ таянч докторанти*

Ўзбекистон рақамли иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлини танлади. Инновация – бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва

маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгилик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”

Иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида корхоналарнинг фаолиятида асосий кўрсаткич улар фаолиятининг молиявий натижаси – фойда ҳисобланади. Фойда миқдорининг ошиб бориши иқтисодий субъектнинг молиявий барқарорлигини ошириш, рентабеллик кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади. Корхона ихтиёрида қоладиган маблағнинг кўпайиши, уларда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг камайишига хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир қилаётган ва ўз ечимини кутиб турган муаммолардан бири бу дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммосидир.

Корхонада мажбуриятларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тўхтатилиши фактларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда энг аввало, қуйидаги икки вазифани бажариш кўзда тутилади:

1) хўжалик фаолиятида мажбуриятларни тан олиш пайтини аниқлаш кирим ва чиқим деб идентификацияланадиган фактларини танлаш;

2) кирим ва чиқимларнинг корхона мажбуриятлари суммаси тарзида ҳисобот даврларига киритилиши корхонанинг молиявий натижаларида ҳисобга олинишини тақозо қилади.

Корхона мажбуриятларин тўрт гуруҳга ажартиб олиш мумкин:

Биринчи гуруҳ юридик шахслар олдидаги мажбуриятлар. Буларга мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, банклар сугурта ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар олдидаги мажбуриятлар киради.

Иккинчи гуруҳ жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлар. Буларга ишчи ходимлар, ҳисобдор жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлар киради.

Учинчи гуруҳ устав капиталида улуши бор таъсисчилар ва акционерлар олдидаги мажбуриятлар.

Тўртинчи гуруҳ давлат солиқ органлари ва мақсадли жамғармалар олдидаги мажбуриятлардир.

Мажбурият Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида қуйидагича таъриф берилган:

Мажбурият - фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса - қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир қилаётган ва ўз ечимини кутиб турган муаммолардан бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобини хўжалик юритувчи субъектлар рақамли иқтисодиётни

ривожлантириш шароитида инновациялардан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар, жисмоний шахслар, устав капиталида улуши бор таъсисчилар ва акционерлар олдидаги мажбуриятлар ҳисобини янги рақамли моделлар (маълумотларни “булутли” қайта ишлаш, рақамли платформалар, рақамли хизматлар)ни ўзлаштириб, “катта маълумотлар” (BIG DATA) технологиясини қўллаган ҳолда янги автоматлаштириш ва роботлаштириш технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мажбуриятлар ҳисоб-китобининг самарадорлигига олиб келади ва бу соҳада янгилик инновация бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобида инновациялардан фойдаланиш мамалакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтишга ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилади. Рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий, ижтимоий ва бошқа алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади. Энг муҳими, у коррупция ва яширин иқтисодиётнинг асосий қушандасидир. Негаки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирор маълумотни яшириш, пинҳона битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини ошқор қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдашнинг иложи йўқ. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғрилаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ёки камайтириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимооти очик бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлининг танлаганлиги ахборот технологиялари, умуман олганда, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишларни очиб беради.

Айталик, хўжалик юритувчи субъект жисмоний шахслар, устав капиталида улуши бор таъсисчилар ва акционерлар олдидаги мажбурияти бор. Ҳозирги вақтда юридик шахслар, жисмоний шахслар, устав капиталида улуши бор таъсисчилар ва акционерлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар масофавий онлайн тарзда юритилмапти натижада ўзаро ҳисоб-китобларни тасдиқлаш учун куп вақт ва маблағ кетади. Хўжалик юритувчи субъект ишчиси олдидаги мажбуриятини бухгалтерия бошланғич ҳужжатлар асосида назорат қилиб аниқ маълумотга эга бўлиб туради. Лекин ишчи ходим хўжалик юритувчи субъектдан дебитор ёки кредитор қарзга эгами ёкми билмайди, қачонки иш ҳақи бухгалтеридан маълумотнома олмагунича. Яна бир вазиятда хўжалик юритувчи субъект ходими хизмат сафарига юборилганда, хизмат сафари бўйича ҳисоб-китоблар ҳам ходим сафардан

кайтиб келгандан кегин амалга оширилади. Хизмат сафари давомида хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида мажбуриятлар ҳисоби онлайн тарзда амалга оширилмайди. Агар хўжалик юритувчи субъект рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, жисмоний шахслар билан ўзаро ҳисоб китобларни мобил иловалар орқали амалга оширса мажбуриятлар ҳисобида анча ишончлик ва аниқлик бўлади. Хўжалик юритувчи субъект ходими мобил иловалар орқали ҳисобот даврида нечи соат, кун ишлагани, канча ойлик ҳисоблангани, қандай ушланмалар ушланиб қолинаётгани қандай ойлик тушишини онлайн тарзда кўриб туради. Натижада иқтисодиётнинг яна бир муносабатлари яъни банк-кредит йўналишлари ҳам ривожланишига олиб келади. Кредит операцияларини амалга оширишда ойлик иш ҳақи маълумотлари онлайн тарзда хўжалик юритувчи субъектисиз ҳам амалга оширади. Хизмат сафарига жўнатилган ходимлар билан ҳам ҳисоб-китобларни мобил иловалар орқали амалга оширилса хўжалик юритувчи субъект онлайн тарзда мажбуриятлар ҳисобини юрита олади. Сафар харажатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган харажатларни олдиндан билиш имкониятига эга бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектуставка капиталда улуши бор таъсисчилар ва акционерлар олдидаги мажбуриятларини рақамли технологияларни қўллаган ҳолда мобил иловалардан фойдаланиши ҳам дебитор ва кредиторлик қарзлар ҳисобини такомиллаштиришига олиб келади. Рақамли иқтисодиёт ривожланиши даврида акциядорлар умумий йиғилиши ҳам онлайн тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Айтайлик акционерларни бир қисми чет-эллик фуқролар бўлса, уларнинг келиб-кетиш, меҳмонахона овқат пули харажатлари оладиган дивидент кўринишидаги даромадларидан ортиб кетиши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилиши онлайн тарзда амалга оширилиб ҳар бир акционерлар билан ҳисоб-китобларни мобил иловалар орқали амалга оширилиши керак. Ҳар бир акционерга ID номер берилиб, битта оддий акция учун қанча дивидент ҳисобланаётгани ва акционерга қанча дивидент тўлаши мажбурияти борлигини хўжалик юритувчи субъект масофовий онлайн тарзда ахборот бериши мажбуриятлар ҳисобини юритишда инновация ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлар ҳисобида юқорида айтиб ўтилган инновацияларни жорий этилиши ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига жавоб бериши ва ехтиёткорлик, ишончлилик, ахборотнинг сифатлилиги тамойилларига асосан амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобиинг самарадорлиги ошишига олиб келади.

## КОРХОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ- ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

*Бердиев Абдумалик Ҳакимович-Карши муҳандислик иқтисодиёт  
институтини “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти и.ф.н.  
Ҳакимова Муяссар Абдумалик қизи-КарМИИ, талаба*

**Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни рақобатбардошлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш сифат самарадорлиги фақат ишлаб чиқариш ресурсларнинг етарлилигига эмас, балки корхонанинг ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва самарали бошқарувни йўлга қўйишга ҳам боғлиқ.**

**Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш-** бу корхонада мавжуд бошқарув тизимини самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш мақсадида ўзгартириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

Корхона ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришнинг такомиллашиб бориш жараёни мустақиллик йилларидан ҳозирги молиявий беқарорлик шароитида сезиларли даражада ошди.

Шундай экан, бу борада давлатимиз раҳбари корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларда рақобат муҳитини шакллантириб бориш лозимлиги тўғрисида қуйидаги фикларни таъкидлаганлар. “Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шунини ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак.

Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак.<sup>384</sup>

Ҳар қандай корхонанинг олдидаги асосий вазифаларидан бири маҳсулот **ишлаб чиқаришни** максимал ҳажмларда ташкил этиш ва **ишлаб чиқарилган** маҳсулотлар захираларини яратиш билан боғлиқ.

---

<sup>384</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

Бунда ўзининг ижобий натижалари билан бирга салбий томонларини ҳам кўриш мумкин.

Биринчи ва энг катта камчилик - омборда сақланадиган ортиқча маҳсулотни яратиш, натижада пайдо бўлган харажатлар натижасида маҳсулотлар нархининг ошишига олиб келади. Кейинги камчиликни маҳсулот сифатини ўзгарувчан талабларга мувофиқ равишда такомиллаштиришнинг иложи йўқ деб аташ мумкин, бу эса аллақачон мавжуд бўлган бозор секторини йўқотишига ва янгиларини ўзлаштира олмаслигига олиб келади.

Мавжуд бозор муҳити корхона **менежерларидан ишлаб чиқариш** жиҳатидан мослашувчан бўлишни талаб қилади. Бугунги кунда **ишлаб чиқарувчи** фаолият юритаётган бозорни, мавжуд қувватларни, шунингдек, кейинги оптималлаштириш ва модернизация қилиш воситалари ва имкониятларини ҳар томонлама таҳлил қилиш талаб этилади.

Корхона **ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этиш** соҳасида зарур билимларга эга бўлган мутахассисларни талаб этади. Бу корхонада менежмент самарадорлигини сезиларли даражада оширадиган самарали чораларни кўриш имконини беради. Корхонада **ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш ва бошқариш** натижаси ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рентабеллиги ва **маҳсулдорлиги** ошади. Бу харидорга истеъмол бозорида маълум рақобатбардош устунликларга эга бўлиш имконини беради.

Корхона томонидан маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган **бошқарувни ташкил** этиш, сақлаш, асосий жиҳозларнинг ишламай қолишини олдини олиш, **ишлаб чиқаришнинг** технологик таркибий қисмини такомиллаштириш мақсадида ортиқча маҳсулотларни **ишлаб чиқаришни** рад этишни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида иборат корхоналарнинг пайдо бўлиши, уларнинг мамлакат ичкарисида ва ташқи бозорларда эркин иқтисодий муносабатларни ўрнатиш имкониятлари тобора такомиллаштиб бормоқда. Бу эса корхоналарнинг қучли рақобат шароитида **ишлаб чиқаришни бошқаришни** ҳозирги иқтисодий вазият талабларига мувофиқ **ташкил этиш** учун барча зарур имконият ва ресурсларга эга эканлиги, бу эса мижозларга корхона самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Корхонанинг мақсадларини рўёбга чиқариш, маҳсулотлар (хизматлар) нинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва шу билан бизнесда муваффақиятга эришиш учун юқори самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарур. Дарҳақиқат, корхонанинг ишлаб чиқариш тизимида у ёки бу сифатдаги маҳсулотларни (хизматларни) олиш имкониятлари, маҳсулотларни такомиллаштириш ва уларнинг янги турларини ўзлаштириш имкониятлари яратилади. Шунинг учун корхона бошқарувчисининг асосий вазифаси ҳар томонлама таҳлил қилиш, баҳолаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш

даражаси боғлиқ бўлган бир қатор муҳим стратегик қарорларни қабул қилишдир. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усулини танлаш асосан маҳсулотнинг хусусиятига боғлиқ.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир раҳбар корхонада ишлаб чиқаришни самарали ташкил этса ва корхонани фаолиятини замонавий бошқарув принциплари асосида олиб борса, корхонанинг истиқболи, жамият ва корхона ишчи ходимлари учун манфаатлидир.

Корхона ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришнинг натижадорлигини оширишда кўпгина чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин. Шулар асосийлари сифатида корхона раҳбари қуйидаги тадбирларни амалга ошириш ва уларга амал қилиш лозим:

- янгиликларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва ходимларга этарли шарт-шароитларни яратиб беришни ўз зиммасига олиш, меҳнатни ташкил этишнинг энг самарали усулини топиш ва жамоа аъзолари ўртасида ижодий меҳнат муҳитини яратиш;

-ўз ходимларини шахсий хусусиятларини яхши билган ҳолда бошқарув жараёнида албатта уни ҳисобга олмоғи зарур. Шу билан бирга ҳар бир ходимнинг қобилиятини алоҳида баҳоламоғи, аниқроғи ўз соҳасининг эксперти деб муомила қилиш;

- раҳбар ишни ташкил этиш ва бошқаришда жамоа фаолиятини ва уларнинг куч-ғайратини пировард натижага эришишга қаратмоғи зарур. Вазифаларни ходимлар ўртасида оқилона тақсимлаб олиши шарт;

- бошқаришда муаммоларни ижодий ҳал этишга ҳаракат қилиш, меҳнат ва моддий ресурслардан мумкин қадар самарали фойдаланиш усулларини қўллаш;

-яхши ишлайдиган ходимларини қўллаб-қувватлаш ва шахсан ташаккур билдириш, бунда гуруҳни ёки бўлимни қўшган ҳиссасини эмас, балки яхши меҳнат қилган ходимнинг қўшган ҳиссасини кўрсатиб ўтиш;

-ўзи бошқараётган ташкилотда ижодий муҳитни яратиш, аҳил жамоани шакллантириш ва бошқа шу каби тадбирларни амалга ошириш зарур.

## **НАЛОГОВОЕ ПЛАНИРОВАНИЕ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ: НОВЫЕ ГОРИЗОНТЫ И ИХ ЗАДАЧИ**

*Неъматуллаев Азиз Неъматуллаевич –  
соискатель кафедры «Налоги и налогообложение» ТФИ*

В современном мире в условиях финансовой глобализации, когда бизнес приобретает все более интернациональный характер, менеджменту компании следует учитывать возможность экономии финансовых затрат во взаимосвязи с особенностями налоговой политики отдельных стран и их сотрудничеством в налоговой сфере. Дело в том, что некоторые положения заключаемых между странами соглашений об избегании двойного налогообложения, а также различия в налоговых режимах стран позволяют компании сократить

налоговые выплаты, в том числе путём целенаправленного структурирования бизнеса. В связи с этим налоговая привлекательность юрисдикции при построении схемы международного бизнеса рассматривается как один из факторов при принятии решения о выборе места размещения компаний транснациональной группы.

4. Интеллектуаллаштириш ва таълим тизимининг роли. Автоматлаштириш ва роботлаштириш мунтазам касбларни энг тез бартараф этади, яъни доимий қайта тайёрлашни талаб қиладиган ишларнинг улуши ўсиб бораверади. Бошқача қилиб айтганда, биринчи навбатда, корпоратив таълим тизимига юқори талабларни қўймайдиган касблар йўқолади.

Етакчи компаниялар аста-секин таълимни ташкил этиш, ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш учун платформа сифатида ўқув тизимини қуриш ва қулай таълим муҳитини яратиш вазифасини резервлаш жараёнидан четлаштирилмоқда. Ўқитишда рақамли технологиялар ва форматлардан фойдаланиш билимларни инсондан шахсга ўтказиш жараёнини

---

<sup>397</sup> Глобализация и институциональная модернизация экономики России: теория и практика: монография / под общ. ред. В.В. Бондаренко, Е.М. Щербакова, Н.В. Колгановой, Т.В. Харитоновой. -М.:Прометей, - 656 с.

<sup>398</sup>Позмогов А.И., Гергиев И.Э. Актуальные проблемы устойчивого экономического роста России. – LAPLAMBERT Academic Publishing Omni Scriptum GmbH&Co. KG Bahnhofstrasse 28, 66111 Saarbrücken, Germany, 2017. – 80 с.

<sup>399</sup>Позмогов А.И., Гергиев И.Э., Каллагов Б.Р., Бекойты А.Г. Перспективы развития интегрированных корпоративных бизнес-структур в условиях неустойчивости социально-экономических систем. – М.: РУСАЙНС, 2018. – 244 с.

жадаллаштиради ва таълим мазмунини янада мослашувчан ва тезроқ қайта кўриб чиқиш имконини беради.

5. Ташкилотлардаги таркибий ўзгаришлар. Ташкилотнинг анъанавий иерархик тузилиши бир кишининг бошқарув қамровини тақозо этади: агар жамоа сони маълум бир чегарадан ошиб кетган бўлса, оралиқ бошқарув бўғинига эҳтиёж туғилади. Технологик ютуқлар бу чеклашни енгиллаштирди ва компаниялар ностандарт тузилмалар асосида турли тажрибалар бошлайди.

Технологиянинг кейинги тараққиёти ва ўзгариш суръатларининг ортиб бориши компанияларнинг иш жараёнини ташкил этишдан лойиҳага ўтиш учун кучли бўлишига олиб келди. Лойиҳа гуруҳлари ўртасида ходимларнинг доимий равишда қайта тақсимланиши, масофавий иш ва фрилансерларнинг кенг кўламли иштироки ташкилот тузилмаларининг бўлинишига олиб келади, ходимлар айланмаси кучаял бошлайди ва охир оқибатда йўқолади.

Бизнес ва технология доимо ривожланиб бормоқда, ва шу сабабли ходимларнинг тахминлари ҳам ўзгариб боради. Бунга жавобан HR экспертлари ташкилотни бошқаришда янгича ёндашувларни қабул қилади. Шартлари Agile, Scrum, blockchain, рақамли трансформация, ва ҳоказо. нафақат ташқи маслаҳатчилар тақдимотларининг ажралмас қисми, балки корпоратив стратегияларнинг муҳим қисми бўлиб қолади.

Шундай қилиб, ҳозирги замон бизнесида кенг тарқалган рақамлаштириш шароитида, барча унинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаш ёндашувларни ўзгаритириш учун тайёр бўлиши керак. Мослашувчанлик ва фикрлаш қобилятининг ўсиши тез ўзгарувчан дунёда асосий ваколатлар бўлмоғи шарт.

## **РЕСУРСНЫЙ ПОТЕНЦИАЛ РЕГИОНА - КАК ФАКТОР ИННОВАЦИОННЫХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ В ЭКОНОМИКЕ**

*Гайбуллаев Одил Бахтиярович – докторант ТГАУ*

Эффективное развитие современной экономики в условиях ресурсного дефицита предполагает, что хозяйственная деятельность должна базироваться на наиболее рациональном использовании имеющихся производственных, кадровых и научных возможностей. Данная тенденция накладывается на протекающие в Республике Узбекистан процессы инновационной модернизации, ориентированную на применение новейших технологий во всех секторах экономики.

В современных условиях, одним из важных направлений выступает интенсификация использования имеющегося ресурсного потенциала государства и входящих в него регионов. Стоит отметить, что данный процесс невозможен для экономики страны и регионов без полноценного использования имеющихся запасов ресурсов: трудовых, материальных, финансовых, природных, научных и т.д. Республика Узбекистан, как и другие страны, имеет свою пространственную специфику. Например, богатое

разнообразие видов ресурсов и условий их использования, актуализирует вопрос не только количественной и качественной оценки имеющихся региональных запасов, но и эффективности их освоения.

В научной литературе термин «потенциал» тесно связан с понятием «ресурсы». Необходимо отметить, что наиболее часто под ресурсами понимается все то, что необходимо для производства продукта на любом уровне – от отдельного предприятия (микро) до национального уровня (макро). Однако, представляется, что такая трактовка не полностью отражает возможности использования ресурсов.

Таким образом, наиболее правильным будет считать ресурсы не только как объективно существующие ограниченные запасы производственных сил, но и как комплекс условий (технологических, социальных, экономических, институциональных и т.д.), в которых данные запасы вовлекаются в экономические и производственные отношения, меняя свою ранее существовавшую форму (запасов) на факторы производства.

При этом необходимо отметить, что между понятиями «потенциал» и «ресурсы» существует принципиальное отличие. Так, ресурсы представляется возможным анализировать независимо от субъектов экономической деятельности, а в свою очередь потенциал и субъекты хозяйствования неотделимы. Иными словами, помимо нематериальных и материальных средств, потенциал также включает инструменты реализации и применения этих средств, для получения планируемого эффекта и достижения намеченной цели.

В свою очередь, эффективность развития социально-экономической системы на всех уровнях определяется полнотой и своевременностью применения располагаемого запаса ресурсов всех типов, а также вектором развития, включая и инновационный. Для мониторинга и своевременной корректировки последнего следует проводить оценку освоения территориального ресурсного потенциала в динамике.

Важно выделить ряд обязательных черт, присущих категории «ресурсный потенциал»:

- *системность* – совокупность нескольких взаимосвязанных элементов;
- *эффективность* – востребованность существующего набора ресурсов и обоснованность его использования тем или иным способом;
- *полнота* – задействованность в экономическом развитии совокупности ресурсов (природных, трудовых, материальных, финансовых и др.);
- *экологичность* – использование ресурсов таким образом, чтобы это не наносило непоправимого ущерба и сохраняло возможности их освоения для будущих поколений (согласно концепции устойчивого развития);
- *эффект синергии* – усиление качеств системы за счет объединения взаимосвязанных составных частей ресурсного потенциала;
- *инновационность*, которая характеризуется не только как современные способы применения ресурсов, обеспечивающие эффективность их использования, но и как фактическое их олицетворение в разработке и

коммерциализации новых идей и технологий, что по своей сущности достаточно близко к инновационной активности;

- *социальность*. Ресурсный потенциал необходимо использовать эффективно с социальной точки зрения, стимулируя тем самым рост благосостояния населения территории и, соответственно, уровня и качества его жизни;

- *результативная эмерджентность*. Следует учитывать характер интеграции систем низшего уровня в высший, что должно выражаться в адекватности оценочных процедур, корректном использовании статистической и нормативно-правовой базы, выполнении мониторинга и разработки региональных стратегических программ, а также грамотном обосновании ориентиров развития на перспективу;

- *историчность*. Предполагает учет ретроспективы развития и сформировавшихся хозяйственных связей.

Таким образом, можно сформулировать авторский подход к категории и утверждать, что **ресурсный потенциал** – это система, включающая не только имеющиеся в определенных территориальных границах ресурсы (материальные, финансовые, человеческие, природные и т.д.), вовлеченные в хозяйственный процесс, но и тех, использование которых возможно в перспективе, а также инфраструктурные условия освоения хозяйственного потенциала. При этом следует подчеркнуть, что указанная система, несмотря на ее существование в стохастических условиях, должна функционировать с определенным уровнем социально-экономической эффективности, обеспечиваемом, прежде всего, инновационной направленностью экономики, способствующей повышению качества и уровня жизни населения и формирующей устойчивое, т.е. безопасное для будущих поколений, расширенное воспроизводство при исторически сложившейся хозяйственной специализации региона и уровне взаимодействия с внешней макросредой.

## **ХУДУД ИНВЕСТИЦИОН САЛОХИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*ТДАУ 08.00.13-“Менежмент” таянч  
докторанти О.Б.Файбуллаев*

*ТМУ “Давлат молияси ва халқаро молия”  
мутахассислиги магистранти А.Қ.Султонов*

Инвестицион салоҳият ва ҳудуд инвестицион салоҳиятини бошқариш тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш учун инвестициялардан фойдаланишда инсон фаолиятининг турли хил кўринишлардаги шакллари тадқиқ этилган. Инвестицион салоҳиятнинг эволюцион жараёни ва ўзгариши бўйича ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу соҳадаги аксарият тадқиқотлар бизнестан инвестицион салоҳиятдан фойдаланишнинг таркибий ва функционал жиҳатларига йўналтирилган. Бироқ, инвестицион салоҳият ва инвестицион салоҳиятни бошқариш тушунчалари ҳақида кенг камровли

тасаввурга эга бўлиш учун инвестицион фаолиятни ташкил этиш, таъминлаш ва бошқариш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Бу борада олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион салоҳият, ҳудуд инвестицион салоҳият устунлиги ҳамда ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишлари ҳақида аниқ тушунчалар илмий жиҳатдан етарлича ёритилмаган.

Ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларининг ҳудуд ҳамда ҳудудлараро миқёсда инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш назарияси мавзуси маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан яқин даврдан бошлаб чуқур ўрганила бошланди. Неоклассик ва замонавий Европа мактаби вакиллари бўлган классикларнинг назарий қарашларида иқтисодий жараёнлардаги инвестицион салоҳият муносабатлари анъанавий тарзда, яъни ҳудудий омиллар ва минтақалараро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этилган. Мавжуд назарий қарашларга мувофиқ уларни қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин: а) макроиқтисодиёт концепцияси нуктаи-назаридан ҳудуд инвестицион салоҳиятини ўрганиш; б) ташқи таъсир омиллари нуктаи-назаридан ҳудуд инвестицион салоҳиятини бошқариш муносабатларини ўрганиш; в) инвестицион салоҳият ва уни бошқаришнинг (бизнес даражасидаги) мезо ва микроиқтисодий омиллари.

**Инвестицион фаоллик** – бу мураккаб, кенг камровли тушунча булиб, уз ичига ҳам гомоген ҳам янги инвестицион циклнинг бошланиши давридан унинг реал ҳолати ва фаолияти натижаларини камраб олувчи экзоген ва эндоген омиллар мажмуини ҳамда гетероним ҳолатларни олади. Шунга кура, **инвестицион фаоллик** – турли даражадаги тизимлар (мамлакат, тармок, ҳудуд, тармоқлараро ва ҳудудлараро комплекс, корхона) фаолият юритишининг мақсадли параметрларига эришишни таъминлаш учун ички тизим капиталини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнларининг самарадорлиги (натижавийлиги)ни акс эттирувчи иқтисодий муносабатлар мажмуини ифодалайди. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, инвестицион фаоллик тахлили учун кўрсаткичлар ва мезонлар тизимини урганиш муҳим аҳамият касб этади ( 1.2.1-расм).

Иқтисодий ўсиш назарияси ва ушбу масала юзасидан минтақашунос тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлардан<sup>400</sup> келиб чиқиб айтиш мумкинки, глобал миқёсда шундай механизмлар ишга тушмоқдаки, улар ҳудудни глобал ривожланишнинг муҳим бўғинига айлантириш имконига эга<sup>401</sup>. Амалга оширилган илмий изланишларга кўра, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви ва глобаллашув шароитида ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш жараёнларини тадқиқ этишнинг илмий воситалари етарли даражада ўрганилмаганлиги аён бўлди.

<sup>400</sup> *Krugman P. Geography and Trade. Cambridge: The MIT Press, 2009. Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. – The MIT Press, 2010. p. 384.*

<sup>401</sup> *Портнер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / М.: Международные отношения, 2013. - 886 с.*



**1.2.1-расм. Инвестицион фаоллик курсаткичлари ва мезонлари**<sup>402</sup>.

Ушбу нуқтаи-назардан, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларини тадқиқ этишнинг методологик ёндошуви (1.2.2.-расм) ҳудуд инвестицион салоҳияти, ҳудуд инвестицион салоҳият устунликлари ҳамда ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларининг ўзаро боғлиқлигини мазмунан ва таркибий жиҳатдан батафсил очиб беради. Шундан келиб чиқиб, ушбу тушунчаларни қабул қилиш, тадқиқ этиш ва талқин қилишга комплекс ҳамда тизимли ёндошув таклиф этилади. Муаллиф, жараёнларнинг бир меъёрада эволюцион ривожланишини ўрганишга нисбатан диалектик ёндошувнинг, тўлиқ формаллаштириш ҳамда эмпирик ҳисоблаш мумкин бўлган масалаларда эса синергетик ёндошувнинг афзалликларини инкор этмаган ҳолда, ҳудуд инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш йўналишларини ўрганиш асосида тизимли парадигма<sup>403</sup> орқали тизимли англаш моделини таклиф этган.

Ҳудудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш бўйича баҳо бериш усулларида битта объектнинг талқини бутун ҳудуднинг барча жиҳатларини қамраб ололмайди ва бошқарув самарадорлигини ҳам тўлиқ очиб беролмайди. Шунини инобатга олиб, бизнингча, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун янги усулни татбиқ этиш лозим. Бу борада «ҳудуд – тизим» усулини қўллаш ва унинг барча узвий боғлиқ бўлган алоқаларини аниқлаш ҳамда тизимнинг хатти-

<sup>402</sup>Муаллиф ишланмасы.

<sup>403</sup> Корнай Я. Системная парадигма//«Вопросы экономики», 2002, № 4, с. 4–23; Клейнер Г.Б. Системная парадигма и экономическая политика// «Общественные науки и современность», 2007, №№ 2, 3.

ҳаракатига таъсир этишини намоён этадиган схемани яратиш масаланинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Худудлар инвестицион салоҳиятини самарали бошқариш муаммосини ҳал этишда тизимли ёндашувнинг бир қанча функцияларини келтириб ўтиш жоиз, яъни:

- бошқарувчи тизим;
- бошқариладиган тизим – жамиятнинг барча унсурларига объект сифатида қараш;
- ўзаро боғлиқ тизим – турли институтлар алоқалари: тўғридан тўғри ёки билвосита; вертикал ёки горизонтал<sup>404</sup>.

Бу ерда бошқарувчи субъектдан бошқариладиган ахборот чиқади ва бошқариладиган объектдан қайта алоқа сифатида ахборотнинг узатилиши содир бўлади. Шунинг учун ҳам, худудлар ривожланишини бошқариш тизими жамиятда мавжуд бўлган барча ресурслар самарали сарфланишига шарт-шароит яратиб берилишини таъминлаши керак. Жумладан, моддий, интеллектуал, молиявий, ахборот, демографик ресурслар ва хоказолар.

Мамлакат иқтисодиётида инвестицион салоҳият ёки алоҳида худуд инвестицион салоҳиятини тизимли бошқаришда уларга ягона тизим сифатида қараш, бир неча функционал боғлиқ иерархик бўғинлардан таркиб топганини ва ягона мақсад сари ҳаракатланишини қайд этиш лозим. Худуднинг иерархик тузилиши тизимда мавжуд унсурларнинг ўзаро вертикал ҳамда горизонтал боғланишини юзага келтиради. Худуднинг инвестицион салоҳиятини бошқариш тизими ўзига хос мураккаб бўлиб, у мавжуд гуруҳлар (хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, турли институтлар)ни ягона мақсад сари бирлаштириш билан бир қаторда, уларнинг манфаатларини инобатга олиш зарур. Демак, бу ерда турли манфаатларни мувофиқлаштириш, тузилмаларнинг ҳар бирини бозор қоидаларидан келиб чиқиб, индивидуал ривожланишига шарт-шароит яратиш, керак пайтда назорат қилиш ва мониторингини мунтазам олиб боришни йўлга қўйиш муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Жаҳон ҳамжамиятидаги эгаллаб турган иқтисодий мавқеини сақлаш ва яхшилаш стратегиясида, жумладан “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси”да, турли ривожланиш сценарийлари ва халқаро рейтинг баҳоловчи агентликлар башоратларига кўра, мамлакатимизда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатлари 6%дан 7-8%гача оширилиши лозимлиги таъкидланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини кенг қамровли модернизациялаш тадбирлари амалга оширилиши натижасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришмоқда. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган самарали иқтисодий сиёсати натижасида юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

---

<sup>404</sup> Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Т.:Baktria press, 2017 – 146-б.



Макроиктисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг ички ва ташқи секторлари мутаносиблигини таъминлаш борасида:

– қаттиқ пул-кредит ислохоти натижасида сўнгги 10 йил мобайнида йиллик инфляция даражаси 7-8 % атрофида сақланиб қолинмоқда;

– самарали бюджет-солиқ сиёсати натижасида сўнгги йилларда мамлакат бюджети профицит билан яқунланмоқда;

– иқтисодиётни модернизациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдони ташкил этмоқда.

Ички омиллар ҳисобидан иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида:

– мамлакатда иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш натижасида сўнгги 10 йилда республикада ЯИМ ҳажми ўсиш суръати ўртача 7,8 %ни ташкил этмоқда;

– ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш натижасида 2019 йилда умумий экспорт ҳажмининг 76 %дан ортиғини тайёр товарлар ташкил этди.

Худуднинг инвестицион ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига баҳо беришда иқтисодий ресурслар, интеллектуал салоҳият ва ушбу салоҳиятдан амалда нечоғлиқ фойдаланилаётганлиги, унинг ресурс салоҳиятидан техник ва технологик жиҳатдан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг кўламадан келиб чиқиб, бошқа омилларнинг инobatга олиниши ва турли худудий дастурлар ишлаб чиқилиши зарурий шартлардан ҳисобланади. Зеро, умумэътироф этилган ва амалиётда ўз тасдиғини топган ишланмаларни ўрганиш ва татбиқ этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда амалга ошириш худудларнинг комплекс равишда ривожлантирилиши учун ишлаб чиқилаётган худудий дастурлар ва концепцияларнинг самарали натижа беришини таъминлайди.

Худуднинг инвестицион салоҳиятини бошқариш тизими ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у мавжуд гуруҳлар (хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, турли институтлар)ни ягона мақсад сари бирлаштириш билан бир қаторда, уларнинг манфаатларини ҳам инobatга олиши талаб этилади<sup>405</sup>.

Юқоридаги ҳолатни таҳлил этган ҳолда, унинг ечими сифатида бизнингча худудларда инвестиция фаолиятини самарали бошқариш мақсадида худудларда ахборот марказларини ташкил этиш лозим. Яъни, бунда ушбу марказлар очиқ ахборот тизимига эга бўлиши, худудий ғоялар, таклифлар, бизнес режалар ва инвестицион лойиҳалар ҳақида ахборот бериш керак. Бу марказларни банкларда ёки молия институтларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодиётни ривожлантиришда банклар фаолияти самарали олиб борилмоқда. Юқоридаги маълумотлар банклар ва молия ташкилотлари базасида етарлича бўлсада, аммо худудий инвестиция

---

<sup>405</sup> Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Т.:Baktria press, 2017 – 151-б.

дастурлари ва лойиҳаларини амалиётга жалб қилиш бўйича камчиликлар етарли.

## **THEORETICAL ASPECTS OF THE DIGITAL ECONOMY DEVELOPMENT**

*TSUE, Department of Management  
O.D.Djurabaev*

The core of the digital economy is the sector for the production of digital goods and the provision of services related to digital technologies. Enterprise spending on digital research is increasing, indicating that the digital sector is playing a key role in innovation. The digital infrastructure is developing and becoming more accessible, the quality of communication networks is improving with the introduction of 4G technologies and fiber-optic data transmission facilities, while prices, in particular, for mobile communication services are decreasing, opportunities for using mobile devices to access the Internet increase, which ultimately , allows us to predict the increasing coverage and development of digital technologies in the world [7].

There is a significant potential for the use of modern digital technologies in the activities of firms. It is important to pay attention to such aspects as the use of modern computing technology, software, and the availability of qualified specialists.

The emerging new business models, network structures based on collective methods of production and consumption, are transforming traditional market relations and require the development of new solutions in the management of a modern firm. The further development of digital technologies is important for the entire economy as a whole. If now the share of retail trade on the Internet accounts for about 10% of all transactions, then in the future their number will only grow. [5].

The governments of many countries, predicting such changes, are increasingly striving to develop the digital economy, using its advantages to respond to key challenges of our time, such as reducing unemployment, fighting poverty, and environmental degradation. Modern national digital strategies concern the development of the economy, the creation of innovative enterprises, the increase in employment of the population, and the formation of an effective public sector.

In general, the following list of measures implemented by states and aimed at developing the digital economy can be distinguished: the development of infrastructure, which is the basis for the formation of new business models and the construction of scientific and social networks; lowering barriers in the sectors of the digital economy; increasing the level of proficiency in digital technologies, training and retraining of specialists; ensuring confidence in the reliability and security of digital infrastructure, risk assessment; development of the digital sector of the economy.

The digital sector of the economy is based on innovative technologies created by the electronics industry. It is represented by two elements. Firstly, it is the electronic industry, the production of microchips, computers and telecommunication devices, household electronics. Secondly, these are companies that provide services in the field of digital technologies and use digital means of production, storage, data management. The importance of the development of the digital sector for national economies is confirmed by the fact that a number of countries are currently implementing comprehensive and fairly large-scale programs aimed at developing the digital sectors of their economies, creating new jobs in these areas, and increasing the competitiveness of the electronics industry and IT technologies. Investments in the digital sector of the economy are becoming one of the key points. [3].

In the modern economy, digital companies come to the fore and become growth points that provide the economy with a digital resource. If at the beginning of the 20th century the main locomotives of the world economy were large oil, metallurgical, engineering and mining enterprises, now the largest companies are representatives of the digital economy sector (Table 1).

**Table 1. Rating of the largest companies in the world [2]**

<b>Company</b>	<b>Main field of activity</b>	<b>Capitalization, \$</b>
Apple	Electronics and information technology manufacturing	577.4 billion
Google	Internet services, applications, YouTube video hosting	547.9 billion
Microsoft	Software production	443 billion
Amazon	Online trading	360 billion
Wells Fargo	Banks	299 billion
Samsung	PCs, mobile devices, home appliances and electronics	254 billion
China Mobile	Telecommunications	250 billion

Theoretical understanding of the impact of increasing data flows on the modern socio-economic system can be noted in the concepts of post-industrial and information society. Changes in production processes, the reorientation of production from the creation of material goods to the provision of services, the globalization of the economy are noted by theorists of the digital society as the most fundamental signs of a new type of society caused by informatization.

**List of used literature:**

1. Varnavsky V.G. Digital technologies and the growth of the world economy // Drucker Bulletin. 2015. No. 3 (7). S. 73-80.

2. Sadykov N.N. The influence of global trends in the field of ICT on economic information systems // Economic science of modern Russia. 2014. No. 1 (64). S. 58-71.

3. Cruz-Jesus F., Oliveira T., Bacao F., Irani Z. Assessing the pattern between economic and digital development of countries // Inf Syst Front DOI 10.1007 / s10796-016-9634-1

4. Drucker P. (1993) Post-Capitalist Society. New York: HarperCollins.

5. Gates B. (1995) The Road Ahead. Harmondsworth: Penguin.

6. Jonscher C. (1999) Wired Life. New York: Bantam.

7. Martin J. (1978) The Wired Society. Englewood Cliffs, NJ: Prentice-Hall.

## **МАРКЕТИНГОВЫЕ ИННОВАЦИИ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ФИРМЫ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ**

*ТФИ, и.о. профессора кафедры  
“Менеджмент и маркетинг”*

*Г.Хамдамова*

*Соискатель ТГТУ Ф.Матчанова*

Единственный способ сохранить высокие темпы развития и повысить конкурентоспособность организаций и их брендов-это разработка и внедрение маркетинговых инноваций в рыночных условиях. Маркетинговые инновации направлены на более полное удовлетворение потребностей потребителей и открытие новых рынков сбыта для увеличения объемов продаж, необходимых для успешного развития организации.

Для любого бизнеса, работающего на высоко конкурентном рынке, крайне важна способность адаптироваться к потребителю и новым технологиям, сохраняя при этом сильную клиент ориентированность. Эффективный цифровой маркетинг требует, чтобы бренды адаптировались к изменениям и использовали новые возможности. Эта инновационная способность позволяет брендам концептуализировать и реализовывать новые идеи.<sup>406</sup>

Инновации уже признаны необходимыми качествами, но инновационные методы все чаще используются в маркетинговых стратегиях при разработке конкурентоспособных новых продуктов и технологий.

Менеджеры в значительной степени полагаются на маркетинговые мероприятия и инструменты, поскольку считают, что инновации-это создание лучших продуктов и технологий (маркетинговая стратегия, используемая для продвижения нового продукта или услуги). Но маркетинг вниз по течению (маркетинговая стратегия, направленная на поощрение

---

<sup>406</sup>Актуальные аспекты развития теории организации. Курочкина А.А., Сорокина М.В., Десфонтейнес Л.Г., Копылова Т.В., Луговской Р.А., Семенова Ю.Е., Сычева Э.В., Фомиченко И.А., Харламова Т.Л., Хныкина Т.С., Курочкина О.В., Островская Е.Н. Монография/ Санкт-Петербург, 2016.

существующего продукта или услуги) требует, чтобы менеджеры концентрировались на рыночных действиях и инструментах. Конкурентные сражения выигрываются путем предложения инноваций, которые снижают затраты и риски клиентов на протяжении всего цикла покупки, потребления и утилизации.<sup>407</sup>

Маркетинговые инновации - это реализация новых или ранее неиспользуемых маркетинговых стратегий или концепций. маркетинговые инновации Дизайн или упаковка продуктов, их позиционирование, продвижение и цена должны быть существенно изменены.

Маркетинговые инновации исключают сезонные или повторяющиеся изменения в маркетинговой практике или другие подобные изменения. Эти инновации ведут, но не к изменениям в использовании продукта, а к поиску нового рынка сбыта.

Роль маркетинговых инноваций заключается в исследовании новых и более прибыльных рынков. Традиционные методы маркетинга на современном рынке, а компании, обогатившиеся передовыми технологиями, как известно, неэффективны. Маркетологи могут отслеживать эффективность изменения стратегий для лучшего удовлетворения потребностей клиентов с помощью инновационных маркетинговых стратегий.<sup>408</sup>

Инновации - один из ключевых факторов успеха маркетинговых стратегий всех известных брендов. Бренды должны принять перемены и воспользоваться возможностью в эпоху цифрового маркетинга. Amazon-это пример бренда, который успешно реализует инновационные маркетинговые стратегии. В июне 2019 года интернет-ритейлер запустил сервис StyleSnap для решения проблемы в процессе поиска одежды Amazon. Нажав на значок камеры в правом верхнем углу приложения Amazon, клиенты могут найти нужный им элемент и использовать опцию “StyleSnap” для загрузки изображения или скриншота своего режима. Для аналогичных товаров на Amazon, которые соответствуют внешнему виду на фотографии, StyleSnap даст покупателю рекомендации. При составлении рекомендаций, таких как бренды, ценовые диапазоны и таможенная обратная связь, StyleSnap учитывает ряд факторов. Чтобы идентифицировать предметы одежды, StyleSnap использует искусственный интеллект и машинное обучение.<sup>409</sup> Машинное обучение также помогает классифицировать одежду на изображении в категории “стрейч” или “фланелевая рубашка”. Интернет-ритейлер использует нейронные сети для успешного функционирования этого сервиса. Нейронные сети состоят из миллионов соединенных искусственных нейронов и могут быть “обучены” распознавать паттерны одежды, подавая серию изображений. Эта услуга значительно сокращает

---

<sup>407</sup>5Examples of Innovative Marketing StrategiesM// Linkdex. [URL:https://www.linkdex.com/en-gb/inked/innovative-marketing-strategies-examples/](https://www.linkdex.com/en-gb/inked/innovative-marketing-strategies-examples/).

<sup>408</sup>Innovative Marketing - Strategies & Examples// Marketing Tutor. [URL:https://www.marketingtutor.net/innovative-marketing/](https://www.marketingtutor.net/innovative-marketing/).

<sup>409</sup>StyleSnap will change the way you shop, foreverM// The Amazon Blog. URL: <https://blog.aboutamazon.com/shopping/stylesnap-will-change-the-way-you-shop-forever>.

время поиска, так как покупатель часто не может найти нужные слова, чтобы получить необходимую информацию. StyleSnap даст Amazon серьезное конкурентное преимущество, поскольку онлайн - ритейлеры способны увеличить количество возможностей онлайн-покупок и привлечь новых клиентов, которые не могут использовать много времени в интернет-магазинах или оффлайн-магазинах для своего темпа жизни.

Деятельность компаний находится под сильным влиянием постоянно меняющейся внешней среды. От того, использует ли компания инновационные маркетинговые инструменты и стратегии, во многом зависит ее успех в условиях высокой конкуренции. Используя инновационные технологии, можно расширить рынки сбыта и укрепить конкурентные позиции на существующих рынках. Поиск и инициирование постоянно меняющихся запросов потребителей и достижение новых степеней удовлетворения потребностей, на новых форумах общения и новых практиках продаж должны стать инновационной маркетинговой деятельностью, которая позволит решить поставленные выше задачи.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА РЕАЛ СЕКТОР САНОАТ СОҲАСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

*Каландаров Р.А. ТМИ Мустақил тадқиқотчиси*

Бугунги кунда хўжалик амалиётида ва иқтисодий ҳаётимизда энг кўп ишлатиладиган иқтисодий сўзлардан бири бу “иқтисодиётнинг реал сектори” деган тушунчадир. Мазкур ибора сўнгги 10-15 йил ичида анча оммалашди. Дастлаб мазкур тушунча расмий ҳужжатларда, аниқроғи йил якунларига бағишланган маърузаларда, Президент Фармони ва Қарорларида ҳамда Марказий банк статистик ҳисоботларида маълумотларида фойдаланила бошланди. Иқтисодиётнинг реал сектори деганда иқтисодиётнинг бевосита моддий ишлаб чиқариш: инсон ёки умуман жамият эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган моддий буюмларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш (молиявий хизматлардан ташқари) орқали даромад олиш ва давлат бюджетини тўлдиришга бевосита боғлиқ сектор тушунилади.

Сўнгги 10 йил мобайнида саноат соҳасидаги иқтисодий ўсиш юқори суръатларни, йиллик 104,4 фоиздан 110,8 фоизгача, ташкил этди. Лекин бу ўсиш тенденцияси тўлқинсимон характерга эга бўлди. Жумладан, 2010-2012 йиллар 104,4-105,9 фоиз, 2013 йил 107,5 фоиз, 2014-2017 йиллар 104,5-105,4 фоиз ва 2018-2019 йиллар 106,6-110,8 фоизни ташкил этди. Бунинг сабаблари: янги йирик лойиҳаларни амалга оширилиши ҳамда ушбу соҳа таркибининг хилма-хиллигидир. Фикримизча саноат соҳасидаги иқтисодий ўсиш қуйидаги омиллар таъсирида юзага келган:

- давлат томонидан иқтисодий дастурларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши;
- фаол инвестиция сиёсатининг қўллаб-қувватланиши;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини ошириш мақсадида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этилиши ва кенгайтирилиши;
  - кластер тизимини жорий этилиши билан реал сектор тармоқларининг интеграциясининг кучайиши;
  - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши;
  - давлат саноат бошқаруви соҳасидаги ўзгаришлар ва бошқалар.
- Ўрганилаётган даврда саноатнинг таркибида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди.

1-жадвал

### Саноат соҳаларининг таркиби, фоизда

Соҳалар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Ўзгариши
Саноат жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	15,0	12,7	14,7	12,7	11,0	9,7	8,1	10,3	12,3	13,5	9,0	-6
Ишлаб чиқарадиган саноат	73,8	77,2	75,8	78,3	79,9	80,4	81,8	81,1	80,6	79,0	83,0	+9,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш	10,7	9,5	9,0	8,4	8,5	9,2	9,4	7,8	6,2	6,8	7,4	-3,3
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	0,5	0,6	0,5	0,5	0,6	0,7	0,7	0,8	0,9	0,7	0,6	+0,1

Ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши 73,8 фоиздан 80,6 фоизга ўсиши рўй берди. Ушбу ўсиш металлургия соҳасининг улуши 8,1 фоиздан 13,3 фоизга ҳамда машина, ускуналар ва автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш соҳанинг улуши 15,1 фоиздан 19,2 фоизга ўсиши ҳисобига эришилди. Бу ўзгаришлар ижобий баҳоланиб, фаол инвестиция сиёсатининг натижасидир.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига саноатда янада юқори ўсиш кўрсаткичларига эришиш мумкин.

2-жадвал

### Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, йирик корхоналар бўйича фоизда

Соҳалар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	Ўзгариши
Кўмир	94,8	89,8	87,7	99,6	97,6	97,6	99,9	100	100	+5,2
Совутгич ва музлатгичлар	34,4	34,8	35,7	12,1	11,4	27,7	48,4	51,1	82,7	+48,3
Енгил автомобиллар	100	100	100	75,4	75,6	70,9	59,2	92,6	100	0
Тракторлар	20,9	14,4	16,3	40,8	27,6	24,0	16,7	33,7	70,0	+49,1
Тола ва кимёвий иплар	66,4	52,0	30,8	16,7	7,4	14,6	39,2	25,3	45,1	-21,3
Цемент	100	100	97,1	98,4	92,3	97,2	96,3	95,6	91,6	-8,4
Трикотаж буюмлари	63,1	70,6	61,8	81,6	99,0	56,5	79,3	64,3	78,7	+15,6
Гилам ва гилам буюмлари	65,4	60,1	60,7	64,6	36,6	79,3	83,5	76,7	87,4	+22
Пойабзал	100	100	100	100	81,7	61,1	69,2	68,5	75,6	-24,4
Пахта толаси	77,2	76,6	69,4	63,6	76,1	75,7	87,2	82,9	97,2	+20
Қандолатчилик маҳсулотлари	65,9	14,7	27,1	49,0	13,4	42,2	48,1	81,3	99,4	+33,5
Ун	31,1	54,5	49,3	47,1	47,0	44,6	57,9	60,3	77,0	+45,9
Мева-сабзавот консервалари	57,2	24,3	39,7	27,5	66,5	69,4	55,7	59,3	52,1	-5,1
Маргарин маҳсулотлари	27,7	33,0	36,5	24,6	22,2	39,1	42,4	38,4	38,2	+10,5
Хўжалик совуни	45,2	44,6	38,2	39,4	36,8	37,6	47,0	52,9	21,1	-24,1

Совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 2014 йилдаги 11,4 фоиздан 2018 йилда 82,7 фоизга кўтарилганлиги ижобий ҳолатдир. Саноатнинг кўпчилик соҳаларида сўнгги йилларда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишда ижобий ўзгаришлар рўй берган бўлса-да, баъзи соҳаларда, масалан, цемент, пойабзал, хўжалик совуни ишлаб чиқариш соҳаларида салбий кўрсаткичлар қайид этилди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичи паст бўлган соҳалар, жумладан, хўжалик совуни ишлаб чиқариш 21,1 фоиз, маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш 38,2 фоиз, тола ва кимёвий ишлар ишлаб чиқариш 45,1 фоиз, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 52,1 фоиз ва бошқа соҳаларда мавжуд муаммонинг сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш йўллари топиш долзарб муаммодир.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2018 йил 25 декабрьдаги “Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4077 сонли Қароридан бир қатор институционал ўзгаришларни амалга ошириш, жумладан, давлатга тегишли бўлган корхоналар акциялар пакетларини танлов асосида ишончли инвесторларга топшириш белгиланди, “Олмалик КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ ва “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖ фаолиятини янада такомиллаштиришга оид йўл харитаси ишлаб чиқилди ва амалга тадбиқ этилмоқда.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАРКЕТИНГ АҲАМИЯТИ.**

*ТМИ “Суғурта ва пенсия иши” кафедраси  
Катта ўқитувчиси PhD Г.Адилова*

Бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқларида хизмат кўрсатиш жараёни рақамлашуви, ҳамда сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқда. 2022 йилга келиб дунё ЯИМнинг қарийб чорак қисми рақамли секторга тўғри келиши прогноз қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурати янада ортиб бормоқда.

Рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган ҳолда электрон бизнес, электрон тижорат билан боғланиб, рақамли товар ва хизматлар ишлаб чиқараётган ва тақдим этаётган иқтисодий фаолиятдир. Бунда миқозларга қулайликлар яратиш мақсадида уларга хизмат кўрсатишда интернет орқали амалга оширилади.

Барча савдо хизмат кўрсатувчи корхоналарда бўлгани каби суғурта компаниялари ҳам миқозларга сифатли ва уларга қулай суғурта хизматларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва



унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>410</sup> Қарорига мувофиқ суғурта компаниялари янги инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиши ҳамда интернет орқали суғурта полисларини сотиш ва суғурта даъволарини интернет орқали ҳал этиш вазифалари белгилаб берилган. Ҳозирги кунда суғурта компаниялари маркетинги суғурта бозоридаги потенциал суғурталанувчиларнинг талаблардан келиб чиққан ҳолда янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиши ва қай усулда сотиш лозимлигини таҳлил қилиб бормоқдалар. «O'zbekinvest» эксперт-импорт суғурта компанияси “Суғуртада маркетинг” мавзусидаги семинар-тренингида компания фаолияти билан бирга маркетинг бўлими бир-бирига боғланган ҳолда иш олиб бориши ҳақида таъкидлаб ўтган. Компания маркетингининг стратегиясига кўра суғурта маҳсулотларини сотиш усуллари ва суғурталанувчиларга қулай хизмат кўрсатиш йўллари ишлаб чиқилган бўлиб, суғурта бозорини таҳлил қилиш орқали суғурта хизматларини тақдим этиш йўллари ишлаб чиқилган.

Компаниянинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун қуйидагиларни эътиборга олиши муҳимлини ҳам кўрсатиб ўтган:

- Ташкилотнинг асосий мақсади;
- Компаниянинг бозордаги мавқеи;
- Компаниянинг мавжуд маблағлари;
- Компаниянинг бозордаги ривожланиш истиқболлари;
- Рақобатчиларнинг мумкин бўлган ҳаракатлари.



**1-расм. Суғурта маркетинг стратегияси.**<sup>411</sup>


Маркетинг стратегияси компаниянинг умумий стратегиясининг таркибий қисмларидан биридир. Шу билан бирга у узок муддатли истиқболда сотишдан олинадиган фойдани ошириш учун компания

<sup>410</sup> <https://lex.uz/docs/> ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”.

<sup>411</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

томонидан қўлланиши керак бўлган усулларнинг тавсифини ўз ичига олади. Шунини таъкидлаш керакки маркетинг стратегияси компаниянинг даромадларини оширишда, ҳамда мижозларнинг сонини ортишига ёрдам беради.

Янгича ёндашув билан илғор АКТ технологияларини қўллаш ишлари ҳам амалга оширилиб, суғурта маҳсулотларини яратишда инновацион маркетинг усулларидан фойдаланган тарзда, аҳолининг фикр ва таклифларини инобатга олган ҳолда, суғурта шартномалари, полислари, тарқатма буклет ва реклама маҳсулотларини жозибадор кўринишда чоп эттириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш офисларини замонавий кўринишга келтириш ишлари жадал олиб борилмоқда.



Маркетинг суғурта компаниясининг бир қатор функцияси сифатида шаклланиб, режалаштириш, нархлаштириш, реклама, суғурта хизматларига ҳақиқий ва улушли талаб асосида суғурта полислари ҳаракатга келтирувчи тизимини ташкил этишни ўз ичига олади. Суғурталовчининг диққат марказида суғурта манфаати бўлиши керак.

## **НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ В КОНТЕКСТЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА**

*Выполнил: Икромов С.А.  
Студент ТФИ, Группы ММ-21  
Научный рук.: Бабаева Г.*

*Старший Преподаватель кафедры «Банковское дело»*

Роль услуг, предоставляемых финансовой системой, является критической для успешного осуществления инновационной деятельности и обеспечения устойчивого экономического роста. Это подтверждает теоретические взгляды Й. Шумпетера, что финансовая система играет ключевую роль в оценке перспективности новых предприятий и в перераспределении сбережений от менее перспективных к более перспективным и инновационным фирмам. Она также позволяет

диверсифицировать риски, связанные с инновациями. Повышение эффективности национальной экономики, обеспечение устойчивого экономического роста на инновационной основе требует более детального анализа методов и способов усиления инновационной восприимчивости экономики. Почти все исследователи вопросов финансирования инноваций согласны в том, что доступность в финансировании является необходимым и едва ли не важнейшим условием введения инноваций.

Принципы организации финансирования инноваций должны быть ориентированы на множественность источников финансирования и предполагать быстрое и эффективное внедрение инноваций с их коммерциализацией, обеспечивающей рост финансовой отдачи от инновационной деятельности. Возможность для компании привлечь финансирование является критической составляющей процесса коммерциализации результатов исследований и опытно-конструкторской деятельности и для этого используются различные методы финансирования. В настоящее время в качестве основных источников средств, используемых для финансирования инновационной деятельности, могут быть следующие финансовые ресурсы: - ресурсы, образуемые за счет собственных и приравненных к ним средств; - ресурсы, мобилизуемые на финансовом рынке и других способах организации частных инвестиций; - ресурсы, поступающие в порядке перераспределения и бюджетные средства, а также другие виды государственного финансирования. Остановимся на ресурсах, мобилизуемых на финансовом рынке: то есть финансировании на основе банков и финансировании с помощью рынков капитала.

Финансирование с помощью рынков капитала (ценных бумаг). Данная форма позволяет аккумулировать крупные финансовые ресурсы путем размещения ценных бумаг среди неограниченного круга инвесторов для осуществления перспективных инновационных проектов. Посредством эмиссии ценных бумаг производится замена инвестиционного кредита рыночными обязательствами, что способствует оптимизации структуры финансовых ресурсов, инвестируемых в инновационный проект. Банковские кредиты. Коммерческие банки финансируют инновационные проекты, обладающие реальными сроками окупаемости (срок окупаемости меньше срока реализации проекта), имеющими источники возврата предоставляемых финансовых средств, обеспечивающие значительный прирост инвестируемого капитала. Банковский кредит предоставляется на определенный срок под проценты, размер которых зависит от срока займа, величины риска по проекту, характеристик заемщика и пр. Процентная ставка может определяться исходя из базисной ставки, на которую ориентируются инвестиционные банки. Существование эффективного банковского сектора необходимо для любой экономики, поскольку она создает необходимую среду для экономического роста. Играя важную роль финансового посредничества, банковский сектор рассматривается как эффективный институт в использовании денежно-кредитной политики, которая в свою очередь оказывает влияние на финансово-хозяйственную, в

том числе инновационную деятельность. Влияние же рынка ценных бумаг на финансирование модернизации и доступ к высоким технологиям связано с тем, что механизм фондового рынка позволяет: а) привлекать необходимые финансовые ресурсы по более низкой цене в результате эффекта масштаба на более широком рынке; б) приобретать пакеты акций высокотехнологичных компаний и участвовать в их деятельности и корпоративном управлении, давать инвесторам возможность проводить диверсификацию и разделение рисков; в) осуществлять слияния и поглощения бизнес-структур. Последствия кризиса обозначили новую тенденцию – союз рынка капиталов в целях эффективного развития национальных экономик.

По мере развития стран, рост стимулирующих эффектов развития банковского сектора уменьшается, а положительные эффекты рынков капитала становятся все более важными. Что касается отдельных фирм, то на ранних стадиях развития банковские кредиты, как правило, доминируют. Для зрелых же фирм, внешние средства, привлеченные через облигации и акции на фондовых рынках, становятся все более важными. Кроме того, в то время как рыночные системы помогают облегчить спады после финансовых кризисов, банковские системы более эффективны в сглаживания влияния «обычных» колебаний делового цикла. Банковская система Узбекистана, а также рынок ценных бумаг демонстрируют очевидные положительные тенденции, хотя потенциал последнего только начинает реализовываться. Реформы финансового сектора имеют важное значение для обеспечения устойчивого экономического роста. Однако здесь приходится решать двуединую задачу – сочетание либерализации и стабильности. При всех реформах финансового сектора необходимо обезопасить финансовые институты от негативного влияния нестабильной внешней среды. Обязательной предпосылкой стабильного развития национальной финансовой системы является ее сбалансированность. Определить возможные параметры сбалансированности финансового сектора, а также факторы ее достижения в прогнозируемом периоде возможно на основе использования прогнозных балансов секторов и финансовых инструментов.

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СУҒУРТА  
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ**

*Шеннаев Хўжаёр Мусурманович  
Тошкент молия институти “Суғурта ва пенсия иши”  
кафедраси доценти, и.ф.н.*

Иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган трансформация жараёнлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлари каби суғурта компанияларининг фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Буни мамлакатимиз суғурталовчилари томонидан расмий веб-сайтлари орқали юридик ва жисмоний шахсларга онлайн суғурта хизматларини кўрсатишни

йўлга қўйилганлигида кўриш мумкин. Рақамли технологияга асосланган ҳолда суғурта фаолиятини ташкил этиш, бир томондан, суғурта компаниялари учун, иккинчи томондан, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари учун анча қулайлик туғдиради.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан суғурта тизимини рақамлаштириш учун давлат-хусусий шериклик асосида рақамли суғуртани амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди<sup>412</sup>. Шу ерда қайд этиш лозимки, суғурта компаниялари фаолиятини кенг миқёсда рақамлаштириш, ўз навбатида, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш вазифасига катта эътибор қаратишни тақозо этади. Зеро, суғурталовчининг молиявий барқарор фаолият кўрсатиши давлат ва жамият манфаатларига ҳамоҳангдир.

Бизнинг назаримизда, рақамли иқтисодиёт шароитида олдинги даврларда бўлгани сингари етарли даражада устав капитали ва суғурта захирасининг мавжудлиги ва қайта суғурта суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Зотан, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасида “қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар”<sup>413</sup>, деб кўрсатилганлиги фикримизни яққол тасдиқлайди.

Суғурта соҳасидаги ёш олимларимиздан бири Б.Ҳақбердиев суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари устида тадқиқот олиб борар экан, “Суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги деганда унинг нормал ва нохуш иқтисодий ҳолатларда ҳам тузилган суғурта шартномалари бўйича олинган мажбуриятларни бажара олиш имконияти тушунилади”<sup>414</sup>, деган фикрга келган. Фикри ожизимишча, суғурталовчининг молиявий бақарорлиги, фақат, тузилган суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни бажара олиш имкониятини англатмайди. Гарчи, суғурта шартномалари бўйича суғурта компаниясининг ўз зиммасига олган мажбуриятини бажара олиш қобилияти унинг молиявий

---

<sup>412</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // <https://lex.uz/docs/5030957>.

<sup>413</sup> “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. // <https://www.lex.uz/docs/40253>.

<sup>414</sup> Ҳақбердиев Б.Ў. Ўзбекистонда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. // Т.: - 2020. – 16-б.

барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисоблансада, суғурталовчининг бундан бошқа кўплаб мажбуриятлари мавжудлигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз даркор.

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда уларнинг капитализация даражасини ошириш муҳим ўрин тутди. Суғурта соҳасида кўзга кўринган тадқиқотчиларимиздан бири О.Юлдашев бу борада қуйидаги таклифларни илгари сурган: “хаёт суғурта компанияларининг умумий капиталлашув даражасини босқичма-босқич ошириб бориш. Бу компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва шунга мос равишда жамғарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга инвестицион салоҳият ва рақобатбардошликни оширади”<sup>415</sup>. Бизнинг фикримизча, ушбу олимнинг таклифи илмий-назарий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, юқорида қайд этилганидек, суғурталовчининг етарли миқдорда устав капиталига эга бўлиши унинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 3-иловасига мувофиқ суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар)нинг устав капиталига нисбатан қуйидаги минимал миқдорлар белгиланган.

жадвал

**Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) учун устав капиталининг минимал миқдорлари (млн.сўм)<sup>416</sup>**

Т/р	Суғурта фаолиятининг турлари	2020 йил 1 июлдан	2022 йил 1 июлдан
1.	Умумий суғурта ёки хаётни суғурта қилиш тармоғида ихтиёрий суғурта	15000	20000
2.	Умумий суғурта ёки хаётни суғурта қилиш тармоғида мажбурий суғурта	25000	35000
3.	Фақат қайта суғурта	35000	45000

<sup>415</sup> Юлдашев О.Т. Ҳаёт суғуртаси бўйича тўловларни кафолатлаш тизимини ташкил этиш принциплари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil. – 365-б.

<sup>416</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 3-иловасига мувофиқ келтирилди. // <https://lex.uz/docs/4459802>.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2021 йил 1 апрель ҳолатига Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари устав капиталининг минимал миқдори умумий ва ҳаётни суғурта қилиш тармоғида ихтиёрий суғурта хизматларини кўрсатадиган суғурталовчилар учун 15,0 млрд.сўмни ташкил этади. Демак, юқорида қайд этилган сана ҳолатига мамлакатимизда жами 41 та суғурта компанияси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг барчасининг устав капитали миқдори 15,0 млрд.сўмдан кам эмас.

Суғурта компаниялари устав капиталига белгиланган минимал миқдорнинг босқичма-босқич оширилиши, пировардида, уларнинг капитализация даражасини ошишига ҳамда суғурта сиғимининг кенгайишига олиб келади. Мамлакат суғурта бозори доирасида суғурта сиғимининг кенгайиши қайта суғурта орқали йирик миқдордаги валюта маблағларининг хорижий мамлакатларга чиқиб кетишини олдини олиши, шубҳасиз.

Суғурта соҳасидаги етакчи олималардан бири Н.Маврулованинг фикрича, қайта суғурта ҳар қандай суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил сифатида эътироф этилади<sup>417</sup>. Мазкур олиманинг фикрларини тасдиқлаган ҳолда эътироф этиш керакки, масаланинг ўта муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда истиқболда давлат-хусусий шерикчилиги асосида миллий қайта суғурта компаниясини тузиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, суғурталовчининг молиявий барқарорлигини таъминлашда суғурта мажбуриятлари ва активлар ўртасидаги оқилона мутаносибликка эришиш улкан аҳамият касб этади.

Хотима ўрнида қайд этиш жоизки, рақамли иқтисодиёт шароитида суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта институтига бўлган ишончини ошириши баробарида суғурта фаолиятининг комплекс тараққий этишига мустаҳкам замин ҳозирлайди.

## **O‘ZBEKISTONDA YEVRONDLAR BOZORINIG SHAKLLANISHI VA UNING IQTISODIYOTDAGI O‘RNI**

*Usmonov Zuhridinjon Husniddin o‘g‘li  
Toshkent moliya instituti magistranti*

Mamlakatlararo iqtisodiy munosabatlarning hozirgi darajasida iqtisodiy faoliyatni transmilliylashtirish juda murakkab jarayon hisoblanadi. Bu jarayonning eng muhim jihatlaridan biri bu albatta moliyaviy kapital asosiy sahnaga chiqadi.

Jahon iqtisodiy hayotida kapitalning global harakatida fond bozorining roli o'sib bormoqda. Qimmatli qog'ozlarning global bozori ishlash tamoyillarini chuqur anglash nafaqat bozor ishtirokchilarining o'zi uchun, balki global iqtisodiyot va siyosatda global tendentsiyalarni rivojlantirish muammolarini tadqiq etuvchilar

---

<sup>417</sup> Маврулова Н.А. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини ошириш. 08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. // Т.: - 2019. – 11-б.

uchun ham muhimdir. Shunday ekan yevrobondlar tushunchasiga qisqacha to'xtalib o'tsak.

Yevroobligatsiyalar moliyaviy **“lahja”da** yevrobond deyiladi. Bu emitent(qimmatli qog'ozlar va qog'oz pul chiqarish huquqiga ega bo'lgan davlat, bank yoki idora) uchun xorij valyutasida chiqarilgan uzoq muddatli qimmatbaho qog'ozlardir. Emitentning ishonchligini reyting agentliklari kuzatib boradi. Yevroobligatsiyalar 1 yildan 30 yilgacha bo'lgan muddatga mablag' resurslarini olishdan manfaatdor bo'lgan hukumatlar, xalqaro tashkilotlar, mahalliy davlat hokimiyati organlari, yirik korporatsiyalar tomonidan chiqariladi.

Aslida yevrobondlar O'zbekiston uchun unchalik ham foydali bo'lmasligi mumkin. Ammo kapital bozori unchalik yaxshi rivojlanmagan davlat uchun yevroobligatsiyalarni bozorga olib kirish qaysidur ma'noda suvga chanqoq bozor uchun chanqoqbosdi bo'la oladi deb o'ylayman. Undan tashqari yevroobligatsiyalarni joylashtirilishi bu mamlakat bozori uchun benchmark yaratishga ham xizmat qiladi. Yevroobligatsiyalarni joylashtirish bu albatta bizning mamlakat uchun olamshumul va ajoyib natija ammo bu yerda turgan ikkinchi masala turibdi yaniykim, olingan mablag'lar to'g'ri joylashtira olamizmi? Nimaga yo'naltirishni reja qilyapmiz? Yoki bu valyutada olinganligining o'zi ham inflatsiya surati o'sish tendensiyasiga ega davlat uchun qiyin va og'riqli savolni keltirib chiqaradi.

### Yevroobligatsiyalarning afzalliklari va kamchiliklari

№	Afzalliklari Kamchiliklari	Kamchiliklari
1	Jalb qilinadigan mablag' miqdorining yuqoriligi (muomalaga chiqarishning o'rtacha qiymati – 300 million AQSH dollari)	Axborotlarni oshkor etish bo'yicha qarz oluvchiga nisbatan jiddiy talablarning mavjudligi
2	Muomala muddatining uzoqligi (3 yildan – 30 yilgacha)	Yevroobligatsiya muomalaga chiqarish jarayonining yuqori miqdorda xarajatlar talab qilishi
3	Foiz stavkalarining juda pastligi (yillik 5%)	Qimmatli qog'ozlarni tayyorlash va joylashtirishning ko'p vaqt talab qilishi (4–6 oy)
4	Ta'minot va garov bo'yicha talablarning mavjud emasligi	Valyuta riskining yuzaga kelishi va boshqalar
5	Xalqaro miqyosda kredit tarixi yuzaga kelishi	Davlat moliyaviy siyosati bilan bog'liq risk

Yevroobligatsiyalar muomalaga chiqarish ma'lum bir tayyorgarlik ishlarini va xarajatlarni talab qiladi. Lekin boshqa tomondan nisbatan past foizlarda uzoq muddatli yuqori miqdordagi moliyaviy resurslar jalb qilish imkonini beradi.



Odatda yevroobligatsiyalar kamida 3 yilga chiqariladi, eng keng tarqalgan muddat sifatida 5 yillik muddat keltiriladi. Dunyoga mashhur kompaniyalar tomonidan muomalaga chiqariladigan yevroobligatsiyalar 15 yildan 30 yilgacha bo'lgan muddat bo'yicha amal qiladi. Yuqorida qayd etib o'tganimizdek, yevroobligatsiyalar bozoriga chiqish aniq dastur asosida tayyorgarlik ko'rish va emissiya qilish, chet eldan moliyaviy konsultantlar va anderrayterlar jalb qilish, xalqaro investorlar uchun taqdimotlar o'tkazish, huquqiy xizmat uchun to'lovlar va boshqalar bilan bevosita bog'liq bo'lgan yuqori miqdordagi xarajatlarni talab qiladi. Yevroobligatsiyalarni muomalaga chiqarish bilan shug'ullanuvchi dunyoga mashhur tashkilotchilar sifatida Deutsche Bank, ABN Amro, CSFB, UBS, DrKW, Citigroup, J.P.Morgan kabilarni keltirish mumkin.

*Yevroobligatsiyalarni muomalaga chiqarish jarayonida yuristlar xizmatlari bo'yicha xarajatlar miqdori 600 mingdan 1 million AQSH dollarigacha tashkil etishi kuzatiladi. Anderrayterning o'rtacha komissiya haqi esa odatda muomalaga chiqarilgan yevroobligatsiya umumiy summasining 0,5 – 0,7 foizini tashkil etadi.*

*Tahlillarga ko'ra, yirik yuzta auditorlik kompaniyalari tahlil qilinganda ularning xizmat haqlari 2,8 million AQSH dollaridan 86,5 million AQSH dollarigacha ekanligini ko'rish mumkin.*

Moliya vazirligi London fond birjasiga, O'zbekiston tarixda ilk marotaba 1 milliard dollarlik yevroobligatsiyalarni joylashtirdi. Qarz obligatsiyalarini yopish muddati 2024 va 2029 yil fevral oylari etib belgilandi. Obligatsiyalarning aksariyatini (75% va 78%) boshqaruv fondlari, sug'urta kompaniyalari va pensiya fondlari (20% va 16%), hamda banklar (5–6%) xarid qildi. Ushbu yevroobligatsiyalar haqiqatda jud ham yuqori natija deb qarashimiz mumkin lekin men avval ham yozganimdek, yuqoridagi masalaga to'xtalmoqchiman ya'ni haqiqatda bu mablag'lar to'g'ri joylashtirdikmi?

O'zbekiston bank tizimini yanada isloh qilisi lozim. Aholi, bank mijozlari uchun o'z pullarini istalgan vaqtda olish va ishlatishlari imkoniyati yaratib qo'yilishi kerak.

Yevrobondning chiqishi O'zbekistonning ilgari sir saqlangan, e'lon qilinmagan butun ichki fiskal kitoblarini investorlarga, ya'ni keng ommaga, dunyo moliyaviy sistemasiga ochib berdi. Endi orqaga yurishga yo'l yo'q. Ochildimi, bundan buyog'iga yanada ochilib ketadi. Bundan tashqari, investorlar O'zbekistonga yanada ko'proq sarmoya kiritaman der ekan, ko'proq shaffoflik talab etiladi, ochiqlik talab etiladi. Bu "domino effekti"dek asta-sekin bank sohasiga ham o'z ta'sirini o'tkazadi. Biror bank o'z bondini chiqarishni istadimi, moliya tahlilchilari, investorlar tomonidan asl islohotlar o'tkazilishi taklif yoki talab qilinadi.

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КЛАСТЕРЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Гулбаҳор Солиева, доцент PhD, Наманган  
муҳандислик-технология институти,  
Маркетинг кафедраси мудири  
Ахмедов Музаффар, Наманган  
муҳандислик-технология институти,  
Менежмент кафедраси  
катта ўқитувчи*

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашув даврини бошлаб берди. Бундан кескинлашув жараёнида рақобатда ютиб чиқишнинг асосий омилларидан бири кластерлаштиришдир.

“Кластер” атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекчага таржимаси “панжа”, “бош”, “боғлам”, “гуруҳ”, “гўпланиш” маъноларни англатади. Шунингдек, “кластер” танланма тадқиқотларнинг бир усули сифатида ҳам ифодаланади.

“Кластер” назариясининг асоси бўлиб, Алфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган “Иқтисодиёт принциплари” номли асарида (1890) ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади. Унинг илмий хулосалари бўйича ихтисослашган фаолият юритувчи субъектларнинг ҳудудий уйғунлашуви:<sup>418</sup>

- малакавий меҳнат ресурсларининг борлиги;
- таъминотчи ва қўшимча соҳаларнинг ўсиши;
- ҳар хил фирмаларни ишлаб чиқариш жараёнининг турли бўғинларига ихтисослашувининг мавжудлигига асосланган.

“Кластер” назариясини ўрганиш жаҳон ҳамжамиятимизда тез суръатларда ўсиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса, миллий ва минтакавий иқтисодий ривожланиш ва ўзаро муносабатларга асосланган рақобатбардошликни оширишнинг асосий йўналишига айланмоқда.

Мамлакат ва ҳудудлар рақобатбардошлигини ривожлантиришга кластер назариясини татбиқ этиш ғоясининг асосчиси Майкл Портер фикрига кўра, “кластер”-жуғрофик нуқтаи назардан қўшни бўлган, ўзаро боғлиқ компаниялар (ишлаб чиқарувчилар, маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқалар) ҳамда уларга алоқадор хизматларни кўрсатиб, маълум соҳада фаолият юритувчи ташкилотлар таълим муассасалари, давлат бошқарув идоралари, инфратузилмавий компаниялар) гуруҳидир. Ёки “кластер”-ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг ўсишига имкониятлар яратувчи, ўзаро чамбарчас боғланган тармоқлар ягона технологик занжирини ташкил этувчи ҳамжамиятлардир.

---

<sup>418</sup> З.А.Хакимов. Енгил сноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш омиллари. Монография. Т.: “Иқтисод-Молия”. 2016.-216б.

Ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда кластерларнинг, халқаро логистик марказларининг, эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Жаҳон экспертларининг баҳолаши бўйича кластерлаштириш ҳозирги вақтга келиб, дунёнинг етакчи мамлакатларида иқтисодиётнинг қарийб 50 фоизини эгаллаган. Кластер тузилмалари Германияда кимё ва машинасозлик саноатида, Францияда озиқ-овқат саноати ва косметика саноатида, Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Хитой, Туркияда энгил саноатида муваффақиятли ишламоқда.

2020 йил 2 мартда мамлакатимизда “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Ўзбекистон Республикаси Президент фармони қабул қилинди.<sup>419</sup>

Ушбу дастурнинг 3.13.бўлими - Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кластер тизимини ва барча йўналишларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш йўналишларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, деб номланиб, қуйдаги долзарб вазифалар қўйилди:

-қишлоқ хўжалигида кластер ва кооперация муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

-аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш ишларини давом эттириш;

- мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳаси рақобатбардошлигини ошириш ва бошқалар.

Дастурда қишлоқ хўжалиги соҳасида кластер ва кооперация муносабатлари билан боғлиқ барча нормаларни ягона қонун ҳужжатига бирлаштириш ва ҳужжатларни унификациялаш; фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро кооперация муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш каби бошқа муҳим амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб қўйилди.

---

<sup>419</sup> <https://lex.uz/ru/docs/4751561>

Иқтисодиётни рақамлаштириш даврида қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётимизни асосий ва муҳим соҳаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида юқори рақобатбардошликка эришиш учун барча потенциал имкониятларга эга.

Қишлоқ хўжалигини кластерлаштириш – бу аниқ фаолиятдаги умумий манфаатлар билан ўзаро боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотларнинг худудий-тармоқ бирлашмаларининг ресурс салоҳиятларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, бозор рақобатбардошлигини ошириш ва умуман қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш учун тизимли инновацион жараёнدير.

Кластерлашнинг асосий элементлари бу инновациялар, кластер аъзолари ўртасида ўзаро алоқаларни ривожлантириш, кооперация билан рақобатни бирлаштириш, ахборот, билимлар, “ноу-хау” ва патентлар алмашинувининг очиклиги. Кластер шаклланишининг ўзига хос хусусияти ва афзаллиги шундан иборатки, эътибор алоҳида корхоналарга эмас, балки кластер таркибига кирадиган корхоналар ва муассасалар ўртасидаги муносабатларига қаратилган. Ўзаро муносабатлар эса, авваламбор, ҳамкорлик, очиклик, ишонч, узоқ муддатли шартномавий муносабатлар тамайиллари асосида қурилади.

Ўз навбатида, кластерлаштириш саноатнинг илм-фан интенсивлигини ривожлантиришга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва иш билан таъминланишининг ошишига, қишлоқ хўжалигининг давлат таркибидаги ролининг ошишига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозоридаги экспорт салоҳиятининг ва рақобатбардошлик даражасини ошишига олиб келади.

## STATISTICAL ANALYSIS IN THE EVALUATION OF PERFORMANCE

*Isakova Naima Ikromjonovna*

*O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi huzuridagi  
Kadrlar malakasini oshirish va statistik tadqiqotlar instituti tayanch doktoranti*

**Keywords:** *diversified corporate associations, balance sheet, retained earnings*

When developing a system of statistical analysis methods for assessing the effectiveness of the financial activities of diversified corporate associations, we may use the techniques which used in enterprise finance statistics.

The tasks of enterprise finance statistics are [1]:

- study of the state and development of financial activities of enterprises;
- analysis of the level and dynamics of profit, profitability, turnover of current assets;
- assessment of financial stability and solvency of organizations.

The main statistical indicators that allow us to assess the effectiveness of the financial activities of diversified corporate associations and its constituent organizations, i.e. organizations that pursue profit extraction as the main goal of their activities, are: revenue from sales (or a similar indicator - sales volume),

profit, profitability, availability and turnover of current assets, liquidity and financial leverage. The first four indicators in our country are widely known and have long been used in statistical calculations. The indicators of liquidity and financial leverage are relatively new for the Russian economy. They are also used to analyze the financial situation of enterprises and organizations of different organizational and legal forms (very often the composition of diversified corporate associations is represented by such organizations).

The total revenue from the sale of products, works performed and services rendered is an important indicator of the financial performance of diversified corporate associations, which is one of the main factors in making financial decisions. The value of the indicator is determined by the fact that it shows the cost of sales of products (services rendered) - the volume of the main source of financial resources in operating organizations. Revenue from sales can be used as a criterion both when establishing the rating of the company that is part of the diversified corporate associations, and directly when determining the rating of the most diversified corporate association.

When conducting an economic and statistical analysis, it should be borne in mind that the actual financial resource of the diversified corporate associations is the revenue from sales, reduced by the amount of value added tax, excise taxes and other indirect taxes.

Therefore, when considering the indicator of sales volume in dynamics, it is necessary to eliminate the impact of indirect taxes.

Profit in a generalized form reflects the final financial results of the activities of industries and commercial organizations within the diversified corporate associations and serves as a very significant economic characteristic of their work.

Depending on the content, the calculation procedure distinguishes between gross or balance sheet profit, profit from sales, net profit, undistributed and taxable profit.

Gross (balance sheet) profit is the amount of profit (loss) from the sale of products, works and services, fixed assets (including land), other property of the organization and income from non-operating operations, reduced by the amount of expenses on these operations.

The balance sheet profit is determined for the reporting period on the basis of accounting for all business transactions (all enterprises and organizations included in the diversified corporate associations); it is not included in the balance sheet currency.

Profit from the sale of products, works and services is defined as the difference between the revenue from the sale of products, works and services at current prices without value added tax and excise taxes and the total cost.

Taxable profit is the profit determined for tax purposes. For its calculation, the gross profit of the diversified corporate associations is reduced by the amount of tax benefits provided to payers, and also increases (decreases) by the amount of income (costs) established by law.

When distributing it, deductions are made to the budget in the form of various taxes and fees. The main taxes levied on organizations within the diversified

corporate associations to the budget are: property tax, profit tax (income), payment for the right to use mineral resources, land tax, special tax, value added tax, excise taxes, transport tax, export customs duties, import customs duties, personal income tax and other taxes.

Retained earnings (in accounting, it is called the net profit of the reporting year) represent that part of the balance sheet profit that, after the latter is used in the reporting year to pay taxes and other payments to the budget, remains at the disposal of the organization and is used in the next reporting year to stimulate employees and finance the costs of creating new property, acquiring fixed assets, accumulating working capital, paying dividends to shareholders, purchasing shares, bonds and other securities of other organizations, for charitable purposes, current expenses for the maintenance of social and cultural facilities, housing and communal services, etc. At the expense of retained earnings, payments are also made on the main debt of the bank and payment of bank interest in excess of the rates established by law, payment of bank interest on loans received for the purchase of fixed assets and intangible assets, as well as on overdue and deferred loans.

Along with the absolute indicator-the amount of profit-finance statistics widely uses the relative indicator-profitability, which allows you to generally characterize the profitability of the organizations that are part of the diversified corporate associations, which in turn will make it possible to more fully assess the effectiveness of the financial activities of the diversified corporate associations as a whole. This indicator is the result of various economic processes-changes in the volume of production, labor productivity, reducing the cost of production and is the most important indicator for assessing the financial and economic efficiency of work and the level of recoupment of costs.

### **Literatures**

1. <https://www.cfin.ru/bandurin/article/sbrn06/27.shtml>

## **DIGITAL SHADOW ECONOMY AS A NEW REALITY OF THE MODERN WORLD**

*Irismatov Humoyunmirza Faxritdin o'g'li  
O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi huzuridagi  
Kadrlar malakasini oshirish va statistik tadqiqotlar instituti  
tayanch doktoranti, Davlat statistika qo'mitasi  
Yig'ma-axborot ishlari boshqarmasi yetakchi mutaxassisi*

**Keywords:** *digital economy, shadow economy, cyber security.*

Digital technologies are becoming more widespread, simplifying communication processes, optimizing business processes, and reducing costs for companies. The introduction of digital technologies is one of the priority areas for the development of Uzbekistan until 2024.

The active development of digital technologies, in addition to obvious positive aspects, is accompanied by a number of negative phenomena associated with the use of innovative instruments in the shadow sector of the economy (for example, with the loss of a part of the tax base by the state, with the commission of criminal acts by agents of the digital shadow economy).

The vagueness of the term “digital shadow economy” creates additional difficulties for the study and regulation of this area. All studies of the digital shadow economy, which were carried out by various scientists, can be divided into three areas: 1) research on cybercrime; 2) studies of electronic fraud; 3) research of actors' motives to take part in illegal actions in the digital space [1; 2].

These studies, as a rule, concern only specific areas, and there is clearly a lack of comprehensive generalizing works. The concept of "digital shadow economy" is a composite one, formulated from two terms, "digital economy" and "shadow economy", therefore, first of all, it is necessary to refer to the definitions of the initial concepts. There is no single definition of the digital economy in international scientific practice. In most cases, the digital economy is defined through a set of specific technologies, their application in the economic sphere and the changes that these technologies make in the ways of interaction of economic agents [3]. The digital economy is interpreted as a special stage in the development of the modern economy, which is based on digital technologies and knowledge that form digital skills and open, through their use, new opportunities for society, business and the state; as a form of economic activity that arises due to the network interaction of people; as an economy dependent on digital technologies [4]. The digital economy is characterized by the massive use of digital information data, the widespread introduction of multilateral business models. The digital economy is also called the invisible second economy, since it is formed as a result of the digitalization of business processes, which, thanks to digital technologies, form a new "intangible" structure parallel to the general economic environment.

There are different platforms for different forms of the digital shadow economy. There is a physical black market that exists for the sale of illegal goods and services, as well as a fraudulent data market in which actors exchange stolen data and private information. The physical marketplace functions thanks to special platforms that allow actors to remain anonymous. The fraudulent data market operates on the basis of conventional Internet sites. Various economic actors can act as actors in the digital shadow economy: sellers and service providers, consumers, individuals and legal entities, multinational companies, and commercial networks.

One of the main economic drivers of participation in the digital shadow economy is the presence of clear economic benefits. These are a variety of available goods and services, easy and convenient access to a large amount of information about goods, the ability to communicate with the seller, a large number of promotions, the availability of conditions for the return of goods, convenient payment terms. Participants are also stimulated by the difference in price between goods in online stores and in traditional stores. The financial position of the actor is of great importance. According to some studies, subjects

that are more financially independent are less likely to become participants in the digital shadow economy.

The digital shadow economy is a reality today. Any economic agents can become actors of the digital shadow economy. To operate in the digital shadow economy, various special platforms are used, which are currently forming a full-fledged shadow digital ecosystem, the task of which is to ensure the anonymity of participants and create obstacles for government bodies.

Measuring the volume of the digital shadow economy using classical methods for assessing the shadow economy is difficult due to the fact that they do not reflect the characteristics of the phenomenon under study. Based on the theoretical substantiation of the digital shadow economy, for an indirect assessment of development trends, an assessment can be carried out in the context of three directions: assessment of the level of dissemination of digital technologies, assessment of the population's incentives to participate in the shadow economy, assessment of barriers to the development of the digital shadow economy.

A decline in real disposable income and an increase in the proportion of the population with incomes below the subsistence level creates risks of involving a large number of people in the operations of the digital shadow economy. A dramatic reduction in costs through the use of information technology, in the absence of institutional control, can attract businesses to the digital shadow economy. The digital shadow economy creates additional sources of inflationary pressure, complicates the restructuring of the economy, and generates inadequate signals to business. Financial electronic fraud hinders the implementation of an effective social policy of the state, reducing the collection of taxes in the state budget, restricting the possibilities of state regulation, and serves as a factor in the deterioration of the investment climate in the country. The digital shadow economy complicates the configuration of the pension, insurance and medical systems, thereby violating the social contract between citizens and the state (the exchange of taxes for public goods). The main barriers to the growth of the digital shadow economy are a high level of cyber security, which provides protection against hacker attacks, and a system for protecting intellectual property rights, which prevents the development of Internet piracy.

### **Literatures**

1. Gaspareniene L., Remeikiene R. Digital shadow economy: a critical review of the literature // *Mediterranean Journal of Social Sciences*. 2015. Vol. 6. No. 6. P. 402–409.

2. Gaspareniene L., Remeikiene R., Ginevicius R., Skuka A. Critical attitude towards the theory of digital shadow economy: literature review and new foundations // *Terra Economicus*. 2016. Vol. 14. No. 4. P. 156–172.

3. What is the digital economy? Trends, competencies, measurements. Report to the XX April international scientific conference on the problems of economic and social development // Scientific. ed. L.M. Gokhberg. Moscow: Ed. House of Higher School of Economics, 2019.

4. Commission Expert Group on Taxation of the Digital Economy. Report.



European Commission, 2014.ec.europa.eu/taxation\_customs/sites/taxation/files.

## **МАМЛАКАТИМИЗДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ПОРТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Умаров Омонилла Сайдаминович  
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика  
қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.*

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маълумотларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан тизимли равишда қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу ишларнинг натижаси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory (ODIN) очик маълумотлар рейтингда 63 балли тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 125 позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллаганини яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Замонавий ахборот жамияти эҳтиёжларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда очик маълумотларга киришни таъминлайдиган хизматлар-ривожланган мамлакатларда давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг энг ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда рақамлаштириш жадал ривожланиши даврида электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш масаласи янада муҳим аҳамият касб этиб, давлат идоралари фаолияти очиклигини таъминлаш, жамоатчиликка бу борада аниқ ва холис ахборот етказиб бериш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарорига асосан, Давлат статистика қўмитаси, давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларни Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали (data.gov.uz)да ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгиланган [ 2 ].

Давлат органлари томонидан фойдаланувчиларда улкан қизиқиш уйғотадиган катта ҳажмдаги ахборот ресурслари шакллантирилди. Ўз навбатида, давлат органларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маълумотларини очик маълумотлар шаклида ошкор қилиш очик давлат бошқарувининг асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, очик маълумотлардан фойдаланиш ва нашр этиш орқали давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги таъминланиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти фуқаролар ва бизнес учун янги хизматлар яратилмоқда.

Очик маълумот – бу очик маълумотлар порталида кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машина ўқиши учун керакли форматларда киритиладиган, интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти

тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилиши тушунилади. Очiq маълумотлар билан таъминлашда барча соҳадаги маълумотларнинг мавжудлиги, маълумотлар аниқ ва тўлиқ жойлаштирилганлиги, архив маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилганлиги, қайта ишлашга инсон ва машина ўқийдиган форматда тайёр бўлиши каби талабларга жавоб бериши лозим[4].

Соҳани янада ривожлантиришда очiq маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган давлат ва хўжалик ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очiq маълумотлар тўпламларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Давлат органларининг идоравий ахборот тизимларини ва ресурсларини очiq маълумотлар портали билан интеграция қилиш, маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш, интерактив харитага объектнинг географик жойлашув маълумотларини киритиш, очiq маълумотлар тўпламларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизмлари, очiq маълумотлар тўпламларини ўз вақтида жойлаштириш ва уларни янгилаш устидан назоратни мустаҳкамлаш ҳам маълумотларни очiqлигини таъминлайди. Жойлаштирилаётган очiq маълумотлар тўпламларининг долзарблигини баҳолаш, давлат-хусусий шерикликни мустаҳкамлаш ва мобил иловалар ишлаб чиқувчиларни фаоллигини рағбатлантириш орқали очiq маълумотлар тўпламларини такомиллаштиришга жалб этиш каби вазифалар белгилаб қўйилган.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда давлат бошқарувининг очiqлиги ва шаффофлигини таъминлашда очiq маълумотлар порталини жаҳон тажрибаси даражаси талабларига олиб чиқиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очiqлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ–4273-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қўмита тизимида “Очiq маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси” ташкил қилинди[2].

Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory (ODIN) очiq маълумотлар рейтингда 63 баллни тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 125 позицияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Ўтган даврда, Давлат статистика қўмитаси бошқа вазирлик ва идоралар, шу жумладан, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва шу каби бошқа хорижий ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида очiq маълумотларни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу ишлар натижаларини мамлакатимизнинг очiq маълумотлар бўйича халқаро рейтинглар ва индексларда мавқеининг сезиларли даражада яхшиланишида кўриш мумкин. Хусусан, Open Data Inventory (ODIN) - расмий статистика камчиликларини аниқлаш, очiq маълумотлар сиёсатини илгари суриш, миллий статистика органлари билан маълумотлардан

фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни яхшилаш ва рағбатлантиришга қаратилган қамров ва очикликни баҳолайди[5].

Кейинги босқичларда Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталининг жаҳон талабларига мос янги версиясини ишлаб чиқиш, очик маълумотлар соҳасидаги нуфузли рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш ҳамда уларда юқори натижаларга эришиш учун мустақам замин яратиш, давлат органларининг расмий сайтларида очик маълумотлар саҳифасини очиш ҳамда ушбу саҳифани Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган ягона кўриниш (стандарт)га келтириш каби ишлар режалаштирилиб қўйилган. Асосий мақсадимиз очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш орқали Ўзбекистон Республикасини яқин йилларда энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишдан иборатдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 29 декабрь 2020 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори.

3. «Открытые данные», руководство по открытым данным, IT-Park, OSCE, Госкомстат. Февраль 2019 года.

4. Лора Мэнли, Джоэл Гурин. “Открытые данные для бизнеса”. Аналитическая записка Всемирного банка для лидеров в области развития. Проект для обсуждения. 2015 год. стр.12.

5. ICT Sector Unit, The World Bank, Connecting to Work: How information and communication technologies could help expand employment opportunities, Washington, DC, September 2013. pp. 215.

6. Роль открытых данных в развитии электронного правительства Узбекистана. Аналитическая записка. Сентябрь 2015 г. Стр. 19.

### **ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*Фаттахов А.А. ТДИУ  
Сафаров Б.Ж. ТДИУ*

Хозирги кунда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологиялари истеъмолчилар хаётида муҳим ўринни эгалламоқда. Чакана савдо корхоналари томонидан мижозларга савдо ходимлари билан шахсий мулоқот қилиш ёки инновацион қарорлар асосида товарларни харид қилишни янада тезкор тарзда мустақил амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда. Ўз-ўзига хизмат

кўрсатиш технологиялари нафақат чакана савдо жараёнларини тезлаштиради, балки чакана савдо корхонаси товарларини силжитиш бўйича муҳим маркетинг воситаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолат истеъмолчиларнинг чакана савдо корхонасига бўлган мойиллигини оширади ва сотувлар ҳажмининг ўсишига олиб келади [1].

Харидорлар томонидан ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологияларини ижобий қабул қилиниши, уларнинг чакана савдо корхонасига мойиллигини ошаётганлигини англатади ва бу ҳолат сотувларнинг ўсиши ҳамда чакана савдо хизматлари бозорида рақобатбардошликни кучайтишига олиб келади. Бироқ бунда инсонга боғлиқ бўлмаган технологик муаммоларни енгиб ўтиш зарур бўлади, чунки техник носозликлар иккала томон, яъни чакана савдо корхонаси ва харидор учун ҳам мазкур инновацияларнинг кўплаб устунликларини йўқотишларига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари чакана савдо корхоналари истеъмолчиларнинг янги технологиялардан кўрқиб, эҳтиёткорона фойдаланишларига ҳам эътибор қаратишлари лозим. Янги технологиялардан фойдаланишда ўзларида етарлича ишонч ҳосил қилишлари учун мижозларга ёрдам кўрсатувчи стратегияларни ишлаб чиқиш лозим [2].

Чакана савдо корхоналари прайс-чекер технологиясидан кенг фойдаланиш тўғрисида ўйлаб кўришлари лозим, бироқ инновацион технологиялар бозорини жадал ривожланиши билан чакана савдо тармоқлари инфорацион киоскларни дарҳол қўллашлари мумкин, бу эса истеъмолчиларга қўшимча қулайликлар ва имкониятлар яратади. Масалан, ҳозирги кунда Германияда прайс-чекерлар инфорацион киосклар ёки “шахсий ёрдамчилар” билан алмаштирилмоқда [3].

Инновацион технологиялар (инфорацион киоск, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассаси, радиочастотали белгилар ва харидорнинг шахсий ёрдамчиси (Personal Store Assistant - PSA)) кейинги ўн йилликлар давомида Европа мамлакатларида фаол қўлланилиши натижасида дўконларга кўп сонли истеъмолчиларни жалб қилиш ва харажатларни камайтириш имконини бермоқда. Инновацион технологияларнинг пайдо бўлиши ахборот технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, улар товарларни харид қилиш жараёнини янада соддалаштириш имконини бери.

Харидорнинг шахсий ёрдамчиси (Personal Store Assistant - PSA) ёрдамида харидор харид жараёнида мустақил тарзда уни қизиқтираётган товарнинг штрих-кодини сканер қилади ва бунда дисплейда махсулотлар ва дўконда ўтказиладиган промоакциялар тўғрисидаги долзарб маълумотлар акс этади. Бундан ташқари шахсий ёрдамчи (Personal Store Assistant - PSA) кўпинча харидорнинг клуб картаси ёрдамида фаоллаштирилади, шу сабабли у истеъмолчи томонидан илгари харид қилинган товарларнинг рўйхатини акс эттириши мумкин. Бу эса харид жараёнини янада енгиллаштиради.

Германиядаги “Метро” деб номланувчи чакана савдо тармоғининг қатор дўконларида ҳам шахсий ёрдамчидан (Personal Store Assistant - PSA) фойдалана бошлашди ва бу ҳолат компанияга сотувларни фаоллаштириш ва истеъмолчига уни қизиқтирган товарни таклиф этиш имконини берган.

Бундан ташқари, дисплей қурилмасида реклама қилинган товарлар бўйича кутилмаган (спонтан) харидлар ҳажми ошган [4].

Ушбу инновацион технологияни мамлакатимиз чакана савдо тармоғида қўллаш янгилик билан қизиққан харидорларни жалб қилиш имконини беради, бироқ технологиядан фойдаланишдан олдин у билан дастлабки танишув зарурдир. Бундан ташқари дўконга ташриф буюрувчилар сонига ҳам эътибор қаратиш лозим, яъни мазкур қурилмадан барча ташриф буюрувчилар эмас, балки фақат VIP-мижозлар фойдаланишлари мумкин бўлади.

АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатлари чакана савдо хизматлари бозорида бир қатор ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологияларидан етарли даражада кенг фойдаланилмоқда. Электрон тарозилар, прайс-чекерлар харид жараёнини тезлаштириш имконини беради ва шу орқали ҳам компанияларга ҳам истеъмолчиларга фойда келтиради.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологияларини мамлакатимизнинг чакана савдо хизматлар бозорида қўллаш, мазкур соҳада инновацияларни қўллаш жараёнини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин. Биринчи босқичда чакана савдо корхоналари томонидан электрон тарози ва прайс-чекерлар каби содда инновацион қурилмалардан фойдаланишади. Бу қурилмалар ёрдамида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологиялари харид жараёнининг фақат маълум бир босқичига таъсир кўрсатади (товарнинг нархи ва оғирлигини аниқлаш).

Кейинги босқичда дўконлар ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассалари (self-scan checkout) ва инфорацион киоск каби янада мураккаб жихозларни қўллаш бошлайдилар. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассалари (self-scan checkout) фақатгина товарнинг оғирлигини ўлчаш эмас, балки хариднинг умумий қийматини ҳисоблаб беради. Информацион киоск фақатгина товарнинг нархи тўғрисидагина эмас, балки унинг хусусиятлари ва махсус таклифлар тўғрисида маълумотлар беради. Иккинчи босқичда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш барча харид жараёнларини қамраб олади. Бундан ташқари у маҳсулотни силжитиш бўйича маркетинг воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологияларини ривожланишининг учинчи босқичида чакана савдода харид жараёнининг тезлашуви ва индивидуаллашуви амалга ошади. Радиочастотали белгилар (RFID-технологиялар) ёрдамида товар учун тўлов жараёни соддалашади (ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кассаларига нисбатан), шахсий ёрдамчи (Personal Store Assistant - PSA) эса бир неча функцияни ўзида мужассамлаштиради: таклиф этилаётган товарлар тўғрисида маълумот беради (информацион киоск сингари) ва товарлар учун тўлов жараёнини енгиллаштиради. Бундан ташқари мазкур жихоздан фойдаланишда ҳар бир мижознинг харидлари тўғрисидаги маълумотлар сақланади ва бу ҳолат маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва истеъмолчиларнинг ҳошиш-истакларини билиш имконини беради.

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки ўз-ўзига хизмат кўрсатиш технологияларини қўллаш ҳам харидор ҳам чакана савдо тармоғи учун етарали даражада наф келтиради. Бироқ, бунда инновацияларни қўллаш жараёнида иккала томон ҳам дуч келадиган муаммоларни эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Валеева Ю.С. Мартынова О.В. Экономическое содержание интенсивного развития услуг розничных торговых сетей // Казанский кооперативный институт (филиал) Российского университета кооперации. - 2013. - № 5. - С. 87-91.

2. Матковская Я.С. Потребительское поведение на рынке инновационных технологий: моделирование стандартов//Маркетинг в России и за рубежом, № 2, 2010.

3. Пецольдт К., Коваль А. Г., Шлиеве Я.. Проблемы и перспективы применения технологий самообслуживания в России и Германии//Вестник Санкт-Петербургского университета. Серия 5, вып. 11, 2011.

4. K. Pezoldt, J. Schlieuwe, A. G. Koval. Acceptance of self-scan checkouts: a cross-cultural comparison between Germany and Russia//Proceedings of 10th International Marketing Trends Conference. Paris, 2011.

### **ИННОВАЦИОННОЕ НАПРАВЛЕННОСТЬ РАЗВИТИЯ РЫНКА РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ УСЛУГ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

*Фаттахов А.А. ТГЭУ*

*Сафаров Б.Ж. ТГЭУ*

*Самадов А.Н. ТГЭУ*

В условиях цифровой экономики инновационный путь развития экономики, в частности, рынка розничных торговых услуг является одним из важнейших направлений. В Республики Узбекистан созданы нормативно-правовые основы развития рынка розничных торговых услуг. В современных условиях обеспечение инновационного развития экономики, в частности сферы услуг и особенно рынка розничных торговых услуг является важной стратегической задачей. Конкретные меры, направленные на инновационное развитие розничной торговли, предполагают доступность благ и их качество, развитие человеческого потенциала во взаимосвязи с высокими темпами устойчивого экономического роста, рассматриваемого как обеспечивающее условие устойчивого решения социально - экономических задач. Из этого следует, что приоритетные направления инновационного развития торговли должны лежать в основу совершенствования рынка розничных торговых услуг и по своему функциональному предназначению наиболее тесно взаимодействующих с конкретным потребителем.

Рынок услуг розничной торговли, вся деятельность которой направлена на удовлетворение потребностей человека и общества в разнообразных торговых услугах, и от результатов инновационного развития, которой непосредственно зависит уровень и качество торгового обслуживания населения [1,с.45].

Дальнейшее развитие рынка услуг розничной торговли в Республике Узбекистан, прежде всего, связано с инновационной активностью его

экономических субъектов, т.е. предприятий розничной торговли. Поэтому в условиях рыночных отношений и жёсткой конкуренции, перед предприятиями розничной торговли стоит важная задача - переход на инновационный путь развития.

Мировой опыт показывает, что инновационное развитие во всех уровнях хозяйственной системы (на уровне предприятия, отраслей, территориальных образований, страны) существенным образом зависит от уровня его потенциала. Высокий уровень инновационного потенциала предприятий розничной торговли является гарантией перехода отрасли на инновационный путь развития.

В условиях цифровой экономики основная задача инноваций в сфере услуг розничной торговли является обеспечение высокого качества осуществления процессов купли-продажи и товародвижения, торгового обслуживания и торговой деятельности в целом.

Очень важно внедрение новых технологий, позволяющие более эффективно использовать здания, торговые площади и оборудования, технические средства, информационно-коммуникационную технологию, программные продукты, а также создавать необходимые условия для роста производительности труда, снижения затрат и повышения эффективности работы предприятий розничной торговли в целом [2,с.154].

В настоящее время розничная торговля является важной отраслью национальной экономики, в которой неминуемое развитие инновационных преобразований обуславливается движущейся силой развития научно-технического прогресса и как следствие повышением качества оказываемых ими услуг.

Инновация в торговле - это эффективное применение новаций в виде высококачественных продуктов и услуг имеющих организационно-экономический характер, и направленные на улучшения деятельности предприятий розничной торговли [3,с.76].

Инновационное развитие розничной торговли - это особая форма хозяйственно-экономической деятельности предприятий розничной торговли, которая позволяет подготовить определенные приоритетные варианты, связанные с принятием управленческих решений посредством разработки прогнозов, проектов планов и программ, с учетом обоснования их оптимальности, обеспечения выполнения, мониторинга и контроля выполнения [6,с.82].

Важно заметить, что все нововведение в розничной торговле, в начале появляются в странах с развитой розничной торговлей, в таких как: США, Западная Европа, Япония. Затем через транснациональные торговые предприятия, они распространяются и в развивающиеся страны [4,с.138].

Большинство технических нововведений воспринимаются как иное излишество, другие - как обязательный элемент деятельности предприятий розничной торговли. Нынешний этап развития экономики страны характеризуется возможностями осуществления инновационной деятельности, как сложной и эффективной формой [5,с.70].

Исследования показывает, что качество функционирования отдельного предприятия сферы розничной торговли, взаимосвязано с параметрами ее инновационного развития.

Интеллектуальный потенциал предприятия розничной торговли играет ключевую роль в развитии и внедрении инноваций, а в качестве дополнительной функции можно рассматривать и материальные активы.

Согласно этому положению, развитие инновационного потенциала предприятий розничной торговли должно осуществляться только через развитие всех ее подразделений. Поэтому в качестве инструмента оценки инновационного потенциала целесообразно использовать диагностику внутренних ресурсов [7,с.229].

Оценка инновационного потенциала предприятия розничной торговли дает возможность для углубленного анализа и принятия оперативных и стратегических решений.

Инновационное развитие розничной торговли можно понимать, как эффективное использование современных технологий, услуг, организацию и социально-экономические решения, связанные с процессом производства. Стоит отметить, что для совершенствования процесса инноваций в розничной торговле можно использовать следующие компоненты: креативность, стратегия, реализация, прибыльность [8,с.56].

На основе концепции маркетинга задача инновационного развития розничной торговли является предоставление разнообразных услуг, удобств покупателям, обеспечение высокого качества процессов купли-продажи, ускорение товародвижения и т.д.

### **Использованная литература**

1. Авагян Ю.Г., Диянова С.Н., Авагян Э.Ю. Применение новой техники и технологий в торговле// Вестник ИМСИТ. - 2016. - № 1. - С. 45-49.
2. Кафиатулова Э.М. Растущая роль использования информационных технологий в розничной торговле//Альманах современной науки и образования. - 2010. - № 9. - С. 153-155.
3. Макаренко В.И. Использование инновационных технологий в сфере торговли // Образование и наука без границ: социально-гуманитарные науки. – 2016. - № 3. - С. 75-78.
4. Николаева Т.И. Оценка ресурсного потенциала торговой организации - важнейшее условие ее конкурентоспособности. Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». 2015. Т.9, № 2. С. 135-141.
5. Назарова О.А. Факторы, определяющие качество обслуживания в розничных торговых сетях/ Назарова О.А. // Экономика и управление в XXI веке: тенденции развития.- 2015.- № 23.- С. 68-73.
6. Пецольт К., Коваль А. Г., Григорьева А. С. Инновации в розничной торговле: технологии самообслуживания как путь повышения конкурентоспособности компаний // Инновации. - 2012. - № 7. - С. 78-85.
7. Скруг В.С. Инновационные технологии в торговле // Российское предпринимательство. - 2018. - Том 19. - № 8. - С. 229-230.



8. Солодилов К.В. Инновации в розничных торговых сетях. Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 10, Инновационная деятельность. Выпуск. 7. 2012.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA YIRIK TIJORAT BANKLARI FAOLIYATIDA MENEJMENT STRATEGIYASINING AHAMIYATI**

*Jalolova Dildora Jamolovna  
Toshkent moliya instituti, v.v.b. professor, i.f.n.,  
Abduvaliyev Alisher Abdurashid o'g'li  
Toshkent moliya instituti, BKT(BI)-70 guruh talabasi*


Raqamli iqtisodiyot sharoitida har qanday jarayonni ertangi holatini baholash uni optimal harakatini belgilab berish bevosita strategik qaror qabul qilish hamda boshqaruvni qay darajada yo'lga qo'yilganligi bilan baholanadi.

Ma'lumki, yirik tijorat banklar faoliyatining samaradorligi ko'p jihatdan puxta va aniq ishlab chiqilgan strategiyaga bevosita bog'liq sanaladi. Shuning uchun ham tijorat banklarining kuchli raqobat sharoitida "g'olib chiqishi" hamda iqtisodiyotda o'z o'rnini uzoq muddat saqlab qolish uchun strategik menejmentning ahamiyatini e'tiborga olish lozim bo'ladi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida yirik tijorat banklarining uzoq muddatli maqsadlar va faoliyatiga ta'alluqli. Aytish mumkinki, strategiyani (harakatlar tarzini) va uning aniq vositalarini ifodalash boshqaruv negizini tashkil qiladi va bankda menejmentni yaxshi yo'lga qo'yilganligini ko'rsatuvchi eng to'g'ri belgi bo'lib xizmat qiladi.

Yirik tijorat banklarida strategik menejmentning mazmuni quyidagilardan iborat:

- bank biznesining yo'nalish va asosiy maqsadlarini belgilab olish;
  - bankning tashqi muhitini tahlil qilish;
  - undagi ichki vaziyatni tahlil qilish;
  - bankning o'rta bo'g'inlarida strategiyani tanlash va ishlab chiqish;
  - bankning tashkiliy tuzilmasini loyihalash;
  - integratsiya darajasini va boshqaruv tizimini tanlash;
  - «strategiya - tuzilma - nazorat» majmuasini boshqarish;
  - bank faoliyatining ba'zi sohaldagi siyosati va uning fe'l-atvor me'yorlarini belgilash;
  - bank strategiya va natijalarining teskari aloqasini ta'minlash;
  - strategiya tuzilma va boshqaruvni takomillashtirish.
- Bularning barchasi quyidagi chizmada keltirilgan.



**1-rasm. Yirik tijorat banklari faoliyatida strategik boshqaruvning mazmuni**<sup>420</sup>

Strategik menejment bankning uzoq muddatli maqsadlar va faoliyatiga ta'alluqli. Aytish joizki, strategiyani (harakatlar tarzini) va uning aniq vositalarini ifodalash boshqaruv negizini tashkil qiladi va bankda menejmentni yaxshi yo'lga qo'yilganligini ko'rsatuvchi eng to'g'ri belgi bo'lib xizmat qiladi.

Strategiya - tashkilotning tashkiliy vazifa va maqsadlariga erishishda foydalaniladigan tashkiliy xatti-harakatlar va boshqaruvga hosdir<sup>421</sup>.

Biznes sohasini tanlash, maqsadni belgilash, qisqa va uzoq muddatli vazifalarni (dasturlarni) aniqlash, maqsadga erishish strategiyasini belgilab olish strategik rejani tashkil qiladi.

Bank strategiyasi - bu bankning turgan joyidan erishmoqchi bo'lgan joyiga qanday qilib o'tkazish mumkin, degan masalani yechish haqidagi yo'riqnomadir. Odatda banklarda, xususan tijorat banklarida strategiya 4 xil ko'rinishda ishlab chiqiladi:

- 1) korporativ strategiya (bank va uning faoliyat yo'nalishlari bo'yicha umumiy strategiya);
- 2) ishbop strategiya (bankning har bir yo'nalishi uchun strategiya);
- 3) funktsional strategiya (bankning har bir funktsional tuzilmasi uchun);

<sup>420</sup> Круглова Н. Ю., Круглов М. И. Стратегический менеджмент. Учебник. М.: РДЛ, 2006.-стр. 124.

<sup>421</sup> D.J.Jalalova. Strategik boshqarish Darslik-T.: "Iqtisod-Moliya",2020.452b

4) amaliy strategiya (asosiy tuzilmalar: bosh ofislar, filiallar va bo'limlar uchun);

Strategiya faqat oliy rahbariyat miqyosidagina ishlab chiqilishi mumkin emas. Uni ishlab chiqishning quyidagi to'rtta pog'onasini ajratib olish maqsadga muvofiqdir:

- korporatsiya miqyosi;
- bo'linmalar miqyosi;
- funktsional miqyosi;
- quyi pog'ona menejerlari.

Ko'pincha bankning asosiy ustunliklari bank o'z mahoratini muvaffaqiyatni tez fursat ichida ta'minlaydigan yo'nalishlarda rivojlantirishi yoki iste'molchilar talablari hamda raqobatchilarning xatti-harakatlariga o'z vaqtida javob berishni ta'minlagan hollarda tez o'sadi. Ba'zida bank menejerlari bozor va iste'molchilar talablaridagi o'zgarishlarni to'g'ri bashorat qilish va raqobatli afzallikni ta'minlovchi ustunliklar to'plamini tezkorlik bilan shakllantirish imkoniyatiga ega bo'ladi.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MARKETINGNI BOSHQARISH STRATEGIK POZITSİYALARINI TANLASH USLUBIYATI**

*JALOLOVA DILDORA JAMOLOVNA  
Toshkent moliya instituti, v.v.b. professor, i.f.n.,  
ABDUVALIYEV ABDULAZIZ ABDURASHID O'G'LI  
Toshkent shahridagi YEOJU Texnika instituti, talabasi*

Korxonani boshqarishda strategik pozitsiyalarini tashkil qilish va boshqarish iqtisodiy fanlardagi eng munozarali mavzulardan biridir. Marketing boshqarish strategiyasi xorijiy, mahalliy olimlar va mutaxassislar orasida marketing boshqaruvini tizimini yaratish va strategiya yuritishining yagona pozitsiyasi, yagona metodologiyasi yo'qligi bilan isbotlangan.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida marketingni boshqarish kontsepsiyasidan foydalanish korxonani marketingni rivojlanishiga yo'naltirishning printsiplial muhim shartlaridan biri xisoblanadi. Bu kontsepsiyani F. Kotler, "Marketing boshqaruvi narxlarni belgilash, reklama, maxsulotlar va xizmatlarni tarqatish strategiyasini rejalashtirish va amalga oshirish jarayoni, sotuvchi va xaridorlarni qoniqtiradigan almashuvlarni amalga oshirishga qaratilgan" deb belgilagan.<sup>422</sup>

Marketing mutahassisi bo'lgan rus olimi E.P. Golubkov kontsepsiyani mukammalroq shakllantiradi va korxonada marketingni rivojlanish darajasiga qarab, foydalanishning uchta darajisini aniqlaydi.<sup>423</sup>

Birinchiidan, umumiy korxonada boshqaruvi marketingni bozorni boshqarish

---

<sup>422</sup> Котлер Ф. Основы маркетинга. 2-е европейское издание. Пер. с англ. - М.: Издательский дом "Вильямс", 2010. - С. 994.

<sup>423</sup> Голубков Е.П. Маркетинг как концепция рыночного управления // Маркетинг в России и за рубежом. - 2015. - №2.

tushunchasi sifatida yo‘naltirishga qaratilgan bo‘lib, bu, nafaqat, korxonada marketing xizmatini, boshqarishni, strategik pozitsiyalarini yaratishni, balki butun menejment falsafasini o‘zgartirishni xam o‘z ichiga oladi.

Ikkinchidan, korxonada marketing boshqarishning alohida komplekslaridan foydalaniladi, bunda marketing strategiyasi butun korxonani o‘z ta’siri ostiga qamrab ololmaydi.

Uchinchidan, korxonada faqat marketingning ayrim elementlari yakka tartibda amalga oshiriladi.

Shuning uchun, “Marketingni boshqarish” atamasidan foydalanganda, biz korxonaning umumiy boshqarishini marketing tamoyillari asosida boshqarish nazarda tutiladi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida marketing boshqarish strategiyasini va xizmatlarini marketing maqsadlariga erishishga eng yaxshi foyda qo‘shadigan tarzda yaratadi. Professor Aleksunin V.A. ta’kidlaganidek: “Deyarli barcha maxalliy ishlab chiqarish korxonalarida marketing xizmatlari yaratilgan”.<sup>424</sup> Bir necha ishlab chiqarish korxonalarida marketing xizmatlari rasmiy ravishda nomlarni o‘zgartirish orqali yaratilgan. Bizning fikrimizcha, marketing xizmatiga sotuvlar, moliyaviy rejalashtirish, logistika va’zifalari topshiriladi, ammo u o‘zining bevosita va’zifalari bilan shug‘ullanmaydi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida marketing strategiyasi, ko‘pgina hollarda, korxonaning ishlab chiqarish, moliyaviy, savdo, kadrlar faoliyatini o‘zgaruvchan iqtisodiy vaziyatga, bozor ehtiyojlariga moslashuvchanligini ta’minlash uchun yaratiladi. Ba’zida, marketing xizmati hal qilishi kerak bo‘lgan vazifalarni aniq ajratish muhimligini tasdiqlaydi. Shuningdek, marketing xizmatlarini tashkil etishning xususiyatlari ko‘p jihatdan korxonaning hajmiga, ishlab chiqarish ko‘lamiga, mahsulotning o‘ziga xos xususiyatlari va sotiladigan bozorlarga, korxonani boshqarishning mavjud tuzulmasiga bog‘liq bo‘ladi.<sup>425</sup>

Marketingni boshqarishda strategik pozitsiyani tanlash ko‘lami juda keng. Bu narxlash, omborxonalar, iste’molchilarni o‘rganish, savdo va boshqalar bilan bog‘liq. Ko‘pgina korxonalarining marketing xizmatlari mavjud va asosan, uzoq muddatli, ya’ni strategik maqsadlar va ularga erishish yo‘llarini oqilona belgilashga qaratiladi.

Shu bilan birga, mahalliy va xorijiy korxonalarining tajribasini umumlashtirish bizga marketingni boshqarish uchun bir necha maqsadlarni shakllantirishga imkon beradi:

-iqtisodiy - maxsulot va xizmatlarni sotishdan olingan daromadning hisoblangan samarasiga erishish;

-ilmiy va texnik innovatsion texnologiyalar yordamida raqobatdosh maxsulotlar ishlab chiqarish va mexnat unumdorligini oshirish;

-ishlab chiqarish va tijorat - maxsulotlarni ma’lum hajmda va belgilangan muddatda sotish;

---

<sup>424</sup> Алексунин В.А. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности. -М.: Изд-во Торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2017. -С. 26.

<sup>425</sup> D.J.Jalalova. Strategik boshqarish Darslik-T.: “Iqtisod-Moliya”,2020.452b

-ijtimoy - xodimlarning ehtiyojlarini qondiradigan ma'lum darajaga erishish. Marketingni boshqarish quyidagi muammolarni hal qilishni o'z ichiga oladi:

- maqsadli bozorlarni izlash;
- marketing tadqiqotlarini o'tkazish;
- raqobatbardosh maxsulotni ishlab chiqish;
- marketing majmuasini boshqa elementlar ishlab chiqish;
- mijozlar fikrini shakllantirish.

Marketingni boshqarishda strategik pozitsiyalarni tuzilishi - bu boshqarish sub'ektlar va ob'ektlari o'rtasidagi boshqaruv munosabatlariga bo'ysunishdir. Bevosita bo'ysunishda joylashgan va ma'lum xuquqlarga ega bo'lgan bo'linmalar yoki ijrochilarning tarkibi va axborot aloqalari bilan tavsiflanadi. Bog'lanishlar soni uning darajasini belgilaydi.

## **СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ЯХШИЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР**

*Кенжаева Халима Сойилхон қизи –  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг  
1-тоифали иш юритувчиси,  
Тошкент Молия Институди II-курс талабаси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчаси, иқтисодиётимизнинг ривожланишидаги рақамли ва хуфиёна иқтисодиётнинг ўрни, рақамли иқтисодиёт жараёнида жаҳон тажрибаси, солиқ назоратини рақамлаштириш, солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш, шунингдек бу борада олдинда турган вазифалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, хуфиёна иқтисодиёт, МІМІС модели, онлайн НКМ, солиқ назоратини рақамлаштириш, солиқ маъмуриятчилиги.

**Аннотация:** В этой статье описывается концепция цифровой экономики, роль цифровой и теневой экономики в развитии нашей экономики, мировой опыт цифровой экономики, цифровизация налогового контроля, совершенствование налогового администрирования, а также стоящие перед нами задачи.

**Ключевые слова:** Цифровая экономика, теневая экономика, модель МІМІС, онлайн-НСМ, цифровизация налогового контроля, налоговое администрирование.

**Annotation:** This article describes the concept of the digital economy, the role of the digital and shadow economy in the development of our economy, the global experience of the digital economy, digitalization of tax control, improvement of tax administration, as well as the challenges we face.

**Keywords:** Digital economy, shadow economy, МІМІС model, online NCM, digitalization of tax control, tax administration.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “2020 йил – Илм- маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди.[1] Шу муносабат билан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.[2] Келинг, аввал рақамли иқтисодиётнинг ўзи нималиги тўғрисида бироз тушунчага эга бўламиз.

Рақамли иқтисодиёт - бу янгидан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонтте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди.[3]

Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиётнинг жорий этилиши мамлакатдаги хуфиёна иқтисодиётни халққа ошқора кўрсатилиши натижасида юзага келди.

Хуфиёна иқтисодиёт дунёнинг барча мамлакатларида, сиёсий тизим, фуқароларнинг турмуш даражаси ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллардан қатъий назар мавжуд. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунёда яширин иқтисодий фаолиятнинг ўртача даражаси ялпи ички маҳсулотнинг 17,2 фоизини ташкил этади ва муайян омиллар туфайли бу кўрсаткич турли ҳудудлар ва давлатларда фарқ қилади. Масалан, энг паст кўрсаткичлар Европанинг ривожланган давлатлари, хусусан Швейцарияда кузатилмоқда: ЯИМ нинг ўртача 8,6%, Хитойда - 12,9%, Россияда - 43,6% ва Боливида иқтисодий ўсишнинг энг юқори даражаси – ЯИМ нинг 66,4% ни ташкил этади.

Дунёнинг барча мамлакатлари учун хуфиёна иқтисодиётнинг умумий сабаблари қуйидагилардан иборат: солиқлар ва ижтимоий бадалларнинг ҳажми, давлат институтларининг сифати, давлат аппарати коррупцияси, давлат томонидан тартибга солишнинг интенсивлиги, хуфиёна иқтисодий фаолиятнинг олдини олиш интенсивлиги (санкциялар, жарималар ва жазолар), ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, ўз-ўзини иш билан таъминлаш даражаси, солиқ ахлоқи.

Мамлакатда бизнесга қўшимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш бўйича комплекс чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100 га яқин рухсат бериш ва лицензиялаш қоидалари қисқартирилди. Бунинг натижасида охириги 5 йилда саноатда норасмий сектор улуши 20 фоиздан 6 фоизга тушди.

Мамлакатимизда 2020 йил 4 август куни Жахон банки экспертлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар қатнашган ҳолда “Хуфиёна иқтисодиёт ва унга қарши курашиш” мавзусида онлайн семинар ўтказилиб, семинар якунида ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ҳозирда ишчи гуруҳ аъзолари Жахон банки экспертлари билан ҳамкорликда хуфиёна иқтисодиёт билан курашишда дунё тажрибасини ўрганиб чиқмоқдалар. Бундан ташқари, Жахон банки экспертлари билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги хуфиёна иқтисодиётнинг ўлчамларини ўлчаш учун МІМІС модели ишлаб чиқилмоқда.

*Маълумот учун: МІМІС модели хуфиёна иқтисодиётнинг давлат ялли ички маҳсулотига улушини ҳисоблаш учун бутун дунё томонидан тан олинган ҳисоблаш методи. Ушбу модель ёрдамида Ўзбекистонда йиллар давомида хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциясини кузатиш имконияти яратилади.*

Жахон банки экспертлари томонидан хуфиёна иқтисодиётнинг худудий ва секторал таҳлилини ўтказиш ҳақида келишувга келиниб, Қашқадарё вилоятидаги яширин иқтисодиёт даражаси ҳозирда ўрганилмоқда. Ушбу турдаги таҳлил натижасида Республикадаги хуфиёна иқтисодиёт ҳақидаги маълумот чуқурроқ ўрганилиб, сектор ва худудлар бўйича муайян чора ва тадбирлар кўрилади.

Истеъмолчиларнинг ўз мажбуриятларини ва ҳуқуқларини билиш ва талаб қилиш ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг камайишига олиб келади. Шу сабабдан янги онлайн НКМ ларнинг ишлатилиши ва оммалаштирилиши нафақат аҳолининг истеъмолчилик ҳафвсизлигини ошириш, балки солиқ органларининг тўловларни ўз вақтида мониторинг қилишда энг қулай воситалардан бири. Ҳозирда Республика бўйича 31800 та онлайн НКМ лар хизмат кўрсатиб бормоқда ва 2022 йил январь ойигача маълум тадбиркорлик субъектлари мажбурий онлайн НКМ га ўтишлари ёрдамида хуфиёна иқтисодиёт даражаси маълум секторларда сезиларли даражада пасайиши кутилмоқда.

Солиқ тизимида рўй берган ўзгаришлар ҳам хуфиёна иқтисодиёт билан курашга ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, солиқ органлари маълумотига кўра, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш тизимини соддалаштириш натижасида ҳозиргача 400 мингга яқин нафар фуқаро ўз фаолиятини расмий секторга ўтказиш имконига эга бўлди. Бироқ, норасмий бандлик даражаси қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида юқорилигича қолмоқда. ҚҚС тизимининг ўзгариши натижасида ҚҚС тўловчилари сони бир йилда 20% га ошиб, ҳозирда 100 мингдан кўпни ни ташкил этади. Ҳозирда яна солиқ тизимини оптималлаштириш устида ишлар давом этиб келмоқда ва киритиладиган ўзгаришлар хуфиёна иқтисодиёт улушини кескин қисқаришига олиб келиши кутилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Призеденти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 январь куни Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига навбатдаги Мурожаатномаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябдаги ПФ-6079-сонли фармони “«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2020).

3. “Рақамли дивидендлар”. Жаҳон ривожланиши ҳақидаги маъруза шарҳи. 2016. Жаҳон банки, 2016.

4. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. Ўзбекистонни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь, – Т: Ўзбекистон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” (2017).

6. Ўзбекистон Ресубликаси Молия вазирлигининг ҳисоботи.

### **УПРАВЛЕНИЕ ЛОЯЛЬНОСТЬЮ ПОКУПАТЕЛЕЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

*Гулямов С.С. – академик АН РУз, Центр повышения квалификации и статистических исследований при Госкомстате Республики Узбекистан*  
*Охунов Д.М. – к.э.н., доцент Ферганский филиал Ташкентского университета информационных технологий*  
*Охунов М.Х. – к.ф.м.н., доцент Ферганский политехнический институт*

Любая современная компания заинтересована в повышении своих доходов, на что в первую очередь влияет успешная реализация процесса управления лояльностью клиентов. Причины акцента на лояльности различны. Глобальным трендом на многих современных рынках являются повышение мобильности клиентов, увеличение различий в потребительском поведении между различными группами клиентов и повышение роли рекомендаций в принятии решения о покупке. Кроме этого, намечается тенденция привыкания к типовым предложениям программ лояльности: скидкам и бонусам за покупки. В связи с этим на программы лояльности ложится, кроме их традиционных глобальных задач (повышение частоты покупок и средней суммы чека), также задача мотивации к специфическим видам поведения, воздействие на узкие группы клиентов, а также «игрификация», то есть создание особых и необычных механик и вознаграждений [1,2]. На современном этапе цифровой трансформации, компании характеризуются рядом специфических особенностей в области



управления лояльностью потребителя.

Во-первых, сегодня отечественные компании используют множество разнородных информационных систем.

Во-вторых, в силу слабого развития автоматизации, в компаниях собирается зачастую устаревшая, неактуальная информация о клиентах.

Третий момент - это слабые возможности большинства систем автоматизации для анализа данных клиентов, а также их активностей.

Все эти особенности позволяют утверждать, что предприятию мало иметь разработанную систему повышения лояльности; ему также необходимы средства контроля ее эффективности. Руководству же нужно получать не первичные данные о количестве участников программы и об увеличении оборота, а проанализированные результаты работы всей системы лояльности, высаженные в динамике численности активных клиентов, прогнозы будущей активности и пути дальнейшего развития данной программы.

Для того чтобы соответствовать вызовам времени, системы, автоматизирующие программы лояльности, должны развиваться и адаптироваться к новым условиям с высокой скоростью [2]. При этом необходимо соответствие цифровизации процесса управления лояльностью нескольким ключевым принципам:

- модульная организация систем, позволяющая делать в них быстрые и недорогие изменения;
- развитая аналитика, позволяющая использовать при принятии решений весь объем данных о клиенте и его поведении;
- учет обратной связи от клиентов и использование полученных данных для оптимизации бизнес- процессов обслуживания;
- использование всех современных каналов коммуникации с клиентами.

Рассмотрим базовые компоненты архитектуры программы лояльности системы.

Бонусные баллы - ключевой момент в современных программах лояльности. Маркетологи поняли, что бонусы и привилегии - это гораздо более интересно и эффективно, чем скидки. Соответственно, процессинг бонусных баллов - наиболее важная задача, особенно в коалиционных программах лояльности, где участвуют несколько брендов.

- применение механик к акциям и спецпредложениям;
- работа с целевыми аудиториями;
- для коалиционных программ - использование иерархий партнеров и привязанных к ним механик начисления/списания;
- выполнение части операций в оффлайне (например, загрузка реестров на начисление баллов).

Для клиента лицом программы лояльности будет сайт, мобильное приложение или клиентский портал. На портале должна быть представлена информация о состоянии бонусного счета клиента и истории начисления/списания баллов, но это - только базовые возможности, которые можно и нужно расширять. Для большей вовлеченности клиента, на

клиентском портале можно размещать доступные для клиента акции и спецпредложения, опросы, предоставлять возможность расплачиваться бонусами, то есть использовать сайт как полноценный канал продаж. Информация о количестве просмотров той или иной акции может быть использована при подсчете эффективности для снижения уровня слепого отклика на акцию.

Управление активностью клиентов возможно при наличии в программе лояльности т.н. «аналитического хранилища данных лояльности». Оно состоит из комплекса специализированного программного обеспечения, способного анализировать данные об активности клиентов и принимать эффективные бизнес-решения. Такой комплекс программного обеспечения, вкуче с использованием смарт-карт в качестве носителей информации, дает программе лояльности поистине безграничные возможности для роста, а также большую гибкость и адаптивность к изменяющимся условиям.

Коммуникация с клиентом - ключевой вопрос любой программы лояльности [3]. С кем и как общаться - по телефону, по E-mail, SMS или другим способом - возможности для компании многообразны. В любом случае, программное обеспечение позволяет не только выбирать между несколькими каналами коммуникации, но и настраивать удобный формат работы с ними.

Цифровизация программ лояльности позволяет решить задачи разной сложности, а именно: идентификация клиентов; полная история покупательской активности каждого клиента; гибкий механизм сегментации по любым критериям; разработка маркетинговых кампаний для каждой целевой группы и отслеживание ее эффективности; автоматизация и управление картами и статусами участников программы лояльности.

Дизайн-мышление, которое основано на способности человека к интуитивному чувствованию и распознаванию паттернов, ориентировано на то, чтобы соединить в продукте, разработке, спроектированном артефакте технические, коммерческие и *человеческие* аспекты [4,5].

В заключении можно сделать следующие выводы. Развитие дизайн-мышления существенно меняет роль маркетинга в компании, обеспечивая его интеграцию в процесс создания новинок с ориентацией на реальные нужды потребителей. А нейромаркетинг значительно расширяет возможности изучения реакции человека на маркетинговые стимулы. Но при этом возникает проблема обработки больших массивов информации и извлечения из них знаний и смыслов.

### **Список использованной литературы**

1. Ш.Мирзиёев «Об утверждении и эффективном внедрении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030». 5 октября 2020 год
2. Гулямов С.С., Р. Х.Эргашев., Хамраева С.Н., М.Абдуллаев. Рақамли иқтисодиёт. ТДИУ, Қар.МИИ, 2020й, 414 бет.
3. С.С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар Т.: ТДИУ, 2019, 410 бет.

4. И.А.Хасаншин, А.А.Кудряшов, Е. В. Кузьмин, А.А. Крюкова. Цифровая экономика. М.: Горячая линия – Телеком, 2019, 287 с.

5. В.Д. Маркова. Цифровая экономика : учебник / - М. : ИНФРА-М, 2019. - 186 с.

## **ОФФЛАЙН ВА ОНЛАЙН МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ**

*Тургунов Бекзод Собитович  
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси магистранти*

Маълумки коронавирус пандемияси тарқала бошлаши билан таълим тизимида ҳам фавқулодда чораар кўришни тақозо қилди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам бутун таълим тизими масофадан туриб амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда инсон капитални ривожлантириш ва уни иқтисодий ўсишдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун таълим тизимини ҳар жиҳатдан ривожлантириш талаб этилади. Бунинг учун эса, нафақат миллий иқтисодиёт билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш йўллари излаб топиш. Балки ушбу соҳада етакчи тажрибага эга бўлган мамлакатларнинг тенденцияларини тадқиқ этиш ва уларни мамлакатимиз шароитида жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон масофавий таълимни ривожлантириш кўпроқ олий таълим тизимида амалга оширилиши бошланган бўлиб, бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, олий таълим тизимида махсус сиртқи бўлим талабалари учун дарслар масофадан туриб онлайн тарзда ўқитилиши амалга оширилмоқда. Қайд қилинишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августда "Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3183 сонли Қарори асосида 15 та олий ўқув юртида 8 та йўналиш бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилган<sup>426</sup>.

Тадқиқотчилардан, Д.Мамасоатов ўзининг мақоласида олий таълим тизимида онлайн таълимни ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилган. Бу борада, қуйидагича хулосани келтириб ўтади<sup>427</sup>:

Республикада масофали таълим тизими шакли жорий этилса:

- давлат бюджети маблағлари тежаллади;
- тингловчиларнинг ихтиёрий вақтда (ишдан ажралмаган ҳолда) мустақил ўқиши таъминланади;
- жисмонан имконияти чегараланган ёшларга билим олиш;

---

<sup>426</sup> Янги ўқув йилидан бошлаб талабалар масофадан туриб ўқитилиши йўлга қўйилади. <http://xs.uz/uzkr/post/yangi-oquv-jilidan-boshlab-talabalar-masofadan-turib-oqitilishi-jolga-qojiladi>

<sup>427</sup> Мамасоатов Д. Олий таълимда масофавий таълимнинг аҳамияти// "BIZNES - ЭКСПЕРТ" журнали. 30.06.2017 й. - №6(114)-2017.

- болалик талаба-аёлларимизга ўқишни давом эттириш;
- ота-оналарга оилада ўз болаларининг таълим-тарбиясига кўмак бериш;
- битирувчи ёшларнинг кўп қисмини олий маълумотли қилишга имконият яратилади.

- “бутун умр ўқиш” ғояси амалиётга татбиқ этилади;
- ахборот технологиялари ашёлари ва воситалари, Интернет технологиялари ҳамда мавжуд видеоанжуман хоналаридан ўқув жараёнларида унумли фойдаланилишга эришилади.

Мактаб таълимида масофавий таълимнинг кам ўрганилганлиги ва соҳада офлайн таълим жараёни ривожланлиги боис ушбу масала пандемия шароитида янада долзарблик касб этди.

Ушбу мавзунинг долзарблигини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

- мактаб таълимини бошланғич синф ўқувчилари учун масофавий таълимни ташкил этишнинг мураккаб эканлиги;

- мактаб таълимининг моддий техник базасини янада ривожлантиришнинг зарурлиги;

- масофавий таълимнинг аниқ ҳуқуқий асосларга таянишга зарурат борлиги.

Рус олимларидан Е.Никитина<sup>428</sup> томонидан молиялаштиришнинг бир неча услублари тўғрисида ўзининг тизимлаштирилган ёндашувларини баён қилиб ўтади. Хусусан, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш – фаолиятнинг аниқ натижалари асосида молияни режалаштириш ва бошқаришни англатади. Кўрсаткичларнинг баланслашган тизими – белгиланган мақсадларга эришишда фаолиятни миқдор жиҳатидан баҳолаш орқали бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон берадиган тизим назарда тутилади. Харажатларни режалаштириш ва бошқариш иқтисодий механизми – харажатларни режалаштириш ва бошқариш жараёнига таъсир этадиган усуллар йиғиндисидан иборат бўлишини таъкидлаб ўтилади.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасида Ўзбекистонда мавжуд бўлган мактаб тизимини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- мактабларнинг сиғимкорлигидан ортиқ даражада ўқувчиларнинг мактабда жойлашуви натижасида “стуллар етишмаслиги”ни бартараф этиш;

- кам даромадли аҳоли қатламини ҳам хусусия мактабларда қиш имкониятини яратиб бериш;

- миграция натижасида ҳудудий умумтаълим муассасаларига ажратилган бюджет маблағларининг ўқувчилар ортидан боришини таъминлашга эришиш;

- давлат ва хусусий мактаблари ўртасида соғлом рақобат юзага келишига шарт-шароит яратиш.

---

<sup>428</sup> Никитина Е.Н. Организация финансирования муниципальной образовательной системы на основе бюджетирования, ориентированного на результат: афтореферат ... к.э.н. – М.: Государственный университет - Высшая школа экономики, 2009. – 24 с.

Умуман олганда, умумтаълим муассасаларини молиялаштиришнинг илғор тажрибалари тўғрисида фикр юритилганда Европа мамлакатлари трендларига эътибор қаратилиши табиий ҳол. Ваучер методига асосланган ҳолда умумтаълим муассасаларини молиялаштириш Буюк Британияда 1981 йилда пайдо бўлган. Ушбу дастурнинг амалга киритилишидан асосий мақсад кам даромадли аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш бўлган. Мазкур ислоҳотнинг жорий этилиши 1979 йилда Ҳукуматга келган М.Тетчернинг фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Таъкидлаш лозим, 1944 йилда қабул қилинган қонунга кўра 5-16 ёшдагиларнинг барчаси мактабга боришлари мажбурий ҳисобланади. Ушбу даврда ўқувчилар умумий ўрта таълимни тугатганлик тўғрисидаги сертификатни олишлари лозим бўлади, бу билан эса улар коллеж ва олий таълим муассасаларида ўз ўқишларини давом эттиришлари мумкин. 2015 йилдан бошлаб мактаб даврини 2 йилга узайтиришга қарор қилинди, натижада Англияда олий таълим муассасаларида ўқиш бўлганлар ушбу даврда ҳам мактабда ўқишлари мажбурий этиб белгиланди. Шундай бўлсада, 2/3 ёшлар касбга йўналтириладиган коллежларни ўқишни давом эттирадилар. Қолганлар эса олий таълим муассасаларида таълим оладилар.

Ўз навбатида, Буюк Британияда умумий таълим 4 босқичга ажратилган бўлиб, уларнинг мезони сифатида ўқувчиларнинг ёшлари олинади. Яъни, 5-7 ёш, 7-11 ёш, 11-14 ёш ва 14-16 ёш эканлигини таъкидлаш лозим.

Буюк Британияда умумтаълимни молиялаштиришда умумий харажатлар ҳажмида ўқувчига тўғри келувчи базавий харажатлар ҳажмининг улуши умумий ҳажмга нисбатан 72,5 фоизни ташкил этмоқда<sup>429</sup>. Бу эса, ўқувчи билан ўзаро нисбат орқали аниқланмайдиган харажатлар турлари ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, Буюк Британиянинг Таълим сиёсати институти тадқиқотларига кўра, мактаблар турли даражадаги моллиявий босимларга дуч келишларини кўриш мумкин. Зотан, бир ўқувчига тўғри келувчи харажатлар ҳажми қисқарсада, мактаблардаги моллиявий босимнинг камайиш тенденцияси юзага келмаслиги қайд этиб ўтилади.

Тадқиқотлар асосида айтганда, Буюк Британия тажрибаси ўқувчига тўғри келувчи молиялаштириш механизмнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бермоқда. Жумладан, кам даромадли оилалар фарзандларини хусусия мактабларда ўқиш имкониятини тақдим этмоқда. Шу билан бирга, мактабларнинг сиғимкорлик муаммосини ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, аҳолини миграция билан боғлиқ ҳолатларини ҳам ўзида қамраб олганлиги устувор ҳисобланади.

---

<sup>429</sup> Perera N., Andrews J., Sellen P. The Implications of the National Funding Formula for Schools. Education Policy Institute. March 2017.

## ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ МОЛИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*ТМИ, “Молия” кафедраси кат.ўқ.  
Исмаилова Н.К., Мардонов А.*

Жаҳондаги глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, ИТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида очиклик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” каби кўплаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. ИТ кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмоқда. 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонтэ “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди.[1] Ҳозирда бу терминни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар, деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир. Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очик бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо. Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Рақамли иқтисодиёт деганда, фақатгина Блокчейн технологиясини ва улардан халқаро молия бозорларида фойдаланиш масалаларини ёки криптовалюталарни тушуниш керак эмас. Албатта, Блокчейн технологияси, криптовалюталар ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги. Лекин рақамли

иктисодиёт деганда, рақамли коммуникациялар, ИТ ёрдамида олиб бориладиган иктисодиёт тушунилади. Бунга яширин иктисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки биринчидан, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги ИТ технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди.

Технологиялар молия тизимининг тузилишини ва пулнинг моҳиятини ўзгартирмоқда. Рақамлаштириш ва технологик платформаларнинг ўсиши пул функцияларини "қайта қадоқлаш", миллий чегаралардан ташқарига чиқадиган ва халқаро молия тизимида нотинчликни келтириб чиқарадиган валюта зоналарининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Рақамли технологияларнинг тарқалиши ва ўнлаб ва юз миллионлаб фойдаланувчиларга ўз хизматларини таклиф қиладиган рақамли платформаларнинг пайдо бўлиши молиявий тизимларнинг тузилишини ва ҳатто пулнинг моҳиятини тубдан ўзгартирмоқда. Пулни рақамлаштиришнинг ўзи янгилик эмас, чунки, масалан, банк ҳисобварақлари ва улар ёрдамида ҳисоб-китоблар аллақачон электрон шаклда мавжуд. Аммо янги рақамли валюталар миллий чегараларни четлаб ўтадиган йирик технологик платформаларнинг асосини ташкил қилиши мумкин ва бундай пулларнинг пайдо бўлиши валюта рақобати хусусиятини, халқаро валюта тизимининг меъморчилигини ва ҳукуматлар чиқарадиган пулларнинг ролини ўзгартириши мумкин.

Принстон Университети профессори Маркус Бруннермаер бу ҳақда шундай дейди: “Гап пул табиатидаги ўзгариш, унинг янги шакллари ва ушбу ўзгаришларнинг оқибатлари орасида пулнинг асосий функцияларини ажратиш ва йўналтириш, “платформага йўналтирилган” тўлов тизими, рақамли "долларизация" бўлиши мумкинлиги ҳақида бормоқда.”.[2] Одатда, валюта зоналари ҳақида гап кетганда, улар маълум географик ҳудудлар ҳақида гапиришади. Рақамли валюта зоналари пайдо бўлмоқда, унинг ичида ишлатиладиган валюта маълум бир мамлакат ёки географик минтақага эмас, балки маълум бир рақамли платформага боғланган. Рақамли валюталар ўз моҳиятига кўра халқаро бўлганлиги сабабли, бу рақамли "долларизация" хавфини келтириб чиқаради (анъанавий долларизация билан ўхшашлик бўйича), фақат бу ҳолда миллий валютани доллар билан эмас, балки баъзи "хорижий" рақамли валюталар билан алмаштириш мумкин. Рақамли активларни бошқаришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим омил саналади. Бунда асосий эътибор рақамли маълумотларга рухсатсиз кириш, уларни ахборот воситачиларидан ҳимоя қилган ҳолда хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотлар узатишнинг соддалигини таъминлашга қаратилиши лозим.[3] Рақамли активларни бошқаришнинг муҳим муаммоларидан бири — бу уларнинг ҳуқуқий ҳимоясидир. Таъкидлаш лозимки, қисқа вақтларда ва оригиналдан камроқ харажат қилиб рақамли активлар нусхасини яратиш ҳамда ишга тушириш мумкин. Бу, албатта, рақамли активларнинг умумий даромадига таъсир қилади.

### **Фойдаланилган манбалар рўйхати**

1. Negroponte, N. (1995). *Being Digital*. Knopf. (Paperback edition, 1996, Vintage Books, ISBN 0-679-76290-6)

2. Будущее денег в цифровом мире. <https://econs. Online / articles/ ekonomika/ budushchee-deneg-v- tsifrovom-mire>

3. Рақамли иқтисодиёт нега керак ва у нима беради? <https:// review. uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>

## **XORIJIY INVESTITSİYALARNI TADQIQ ETISHNING NAZARIY ASOSLARI**

*“Baholash ishi va investitsiyalar”  
kafedrası o‘q. B.B.Ochilov*

XX asrning o‘rtalarida rivojlangan malakatlarda, avvalambor, Amerika Qo‘shma shtatlarida tom ma‘nodagi, ya‘ni butun dunyoni qamrab olgan ilg‘or ishlab chiqarish tarmog‘iga ega bo‘lgan transmilliy korporatsiyalar (TMK) shakllana boshladi. Ushbu korporatsiyalarning (masalan, Xerox, IBM, General Elestric, Dupont, General Motors va Coca Cola) keng miqyosli xalqaro faoliyati rivojlangan mamlakatlar olimlarini TMKlarning to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalari sohasidagi faoliyatini o‘rganish uchun zarur ma‘lumotlar bilan ta‘minladi. Shu vaqtdan e‘tiboran g‘arb olimlari tomonidan to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiya tushunchasi mohiyati, sabablari va iqtisodiy oqibatlarini izohlab beradigan nazariyalarni rivojlantira boshladilar.

Fransuz olimi R.Vernon tomonidan 1966 yilda ishlab chiqilgan xalqaro mahsulot ishlab chiqarish siklining paradigmasi xalqaro savdo va xorijiy investitsiyalar o‘rtasidagi o‘zgaruvchan o‘zaro bog‘liqlikni ko‘rsatadi.<sup>430</sup> Unda Yevropadagi urushdan keyingi tiklanish davrida Shimoliy Amerika korporatsiyalari tomonidan savdo va investitsiyalash hajmining o‘sishi ko‘rib chiqilgan. Konsepsiyaning o‘ziga xos xususiyati shundaki, unda halqaro iqtisodiyot elementlari (tashqi savdodagi o‘zgarishlar va ishlab chiqarish tarmoqlarining xorijga ko‘chirilishi) marketing nazariyasi (tovarning hayotiy sikli) bilan uyg‘unlashgan.

Ushbu nazariyaga muvofiq tovarning tabiiy hayotiy sikli va xarajatlarning tegishli ravishda o‘zgarishi korporatsiyalarga uch xil yechim yo‘lini ko‘rsatib beradi: tovarni mamlakat ichida ishlab chiqarish, uni eksport qilish yoki uni ishlab chiqarishni xorij bozorlariga ko‘chirish.

Tovarning hayotiy sikli uch asosiy bosqichdan iborat: innovatsiya, yetuklik va standartlashtirish. Yangi tovarni ishlab chiqargan kompaniyalar uni bozorga kiritish davrida mahalliy bozorda ma‘lum davr mobaynida hokim bo‘lib, bu ularga investitsiyalash va marketing maqsadlariga sarflangan xarajatlarning bir qismini qoplash imkonini beradi.

---

<sup>430</sup> Vernon R. International trade and international investment in the product cycle // The quarterly journal of economics. – Harvard, 1966. – Volume 83. No.1. – pp. 190-207;



Tovar o'z hayotiy siklining ikkinchi va uchinchi bosqichiga o'tar ekan, o'z raqobatchilari bilan muvaffaqiyatli kurashish uchun kompaniya xalqaro maydonga chiqish strategiyasini qo'llashga majbur bo'ladi. Zero, tovar bozor uchun o'z yangiligini yo'qotib, yetuklik bosqichiga qadam qo'yar ekan, odatda kompaniya uni eksport qilish yo'llarini izlay boshlaydi. Ana shu bosqichda raqobat ham ancha jiddiylashib, bu mahsulotga ko'proq sarf-xarajat qilinishiga va daromadini tushib ketishiga olib keladi. Oqibatda, standartlashtirish bosqichida kompaniya ishlab chiqarishni boshqa, iloji boricha yirikroq mamlakatlarga joylashtirish yo'llarini topishi lozim bo'ladi. Mazkur bosqichda kompaniyalar o'z yetakchiligini saqlab qolish istagida kelajakda bu tovarni u dastlab paydo bo'lgan mahalliy bozorga qayta eksport qilish imkoniyati bilan xorijga investitsiyalashni amalga oshiradi.

Ushbu fikr shakllanib bo'lganidan so'ng, mazkur nazariya Amerika korporatsiyalarining ishlab chiqarishni chet elga ko'chirish yuzasidan qabul qilinayotgan qarorlarida o'z izohini topdi. Modomiki, yirik korporatsiyalar va ularning raqobatchilari xorijiy filiallarga ega ekanlar, raqobat mahalliy bozordan xalqaro bozorga ko'chib o'tdi. Yangi bozorlarni egallab olishda yetakchi korporatsiyalar strategik birlashuvlar hosil qilib, ular mahalliy kompaniyalarni «yutib» yubormoqda. Bu yangi bozor va texnologiyalarga erishishni ta'minlash bilan birga, kompaniyalarga bozor mavqeyini saqlab qolish va mustahkamlash uchun zarurdir. Davlatning iqtisodiyotdagi o'rni va rag'batlantiruvchi mexanizmlari ham investorlar tomonidan qabul qilinadigan qarorlarga jiddiy ta'sir ko'rsatadi. Bugungi kunda ko'plab TMKlar o'zaro aksiyalarga egalik qilishning yagona tizimini yaratib, bir vaqtning o'zida bir nechta mamlakatda savdo va investitsiya strategiyasini amalga oshirmoqdalar.

O'tgan asrning 70-80-yillarida AQSHdan tashqarida, ayniqsa Yevropa ittifoqida qudratli TMKlar paydo bo'la boshlab, so'nggi paytda bunday korporatsiyalar Janubiy-Sharqiy Osiyo hamda Lotin Amerikasining o'sib kelayotgan iqtisodiyotlarida ham yuzaga kelmoqdalar. Bugungi kunda AQSH TMKlari jiddiy raqobatga duch keldilar va sanoatning deyarli barcha tarmoqlarida ularning so'zsiz yetakchilik qilgan davri yakunlangan ko'rinadi. Ushbu nazariya doirasida mamlakatlar va milliy iqtisodiyotlar o'rtasida avvalroq yuzaga kelgan ierarxik munosabatlar o'zgarib bormoqda. Biroq mazkur nazariya to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun ma'sul davlat organlari va idoralarni hayotiy siklni tahlil qilishni muayyan tovarga, keng tovar guruhlariga, tarmoqlar va texnologiyalarga nisbatan global darajada tadbiq etishni rag'batlantiradi. Mazkur nazariya sanoatning yetakchi tarmoqlari hamda ilg'or texnologiyalar hayotiy siklining bosqichlarini tadqiq etish va monitoringini o'tkazishda jiddiy yordam berishi mumkin.

Xalqaro tajriba shuni ko'rsatmoqdaki, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishga qaratilgan siyosat yetakchi tarmoqlar atrofida kichik strategik sektorlarni rivojlantirishga yo'naltirilishi kerak. Hukumat taraqqiy ettirishni maqsad qilib qo'ygan har bir ustuvor sanoat tarmog'i uchun mahalliy talab va taklif holati sinchiklab o'rganilishi lozim. Shu boisdan to'g'ridan-to'g'ri

xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va xorijiy investor faoliyatini tartibga solish ishlarini iqtisodiy siyosatning sanoat, kichik biznes va soliqqa tortish kabi jabhalari bilan birgalikda amalga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bunday muvofiqlashtirilgan siyosatni amalga oshirish maqsadli ravishda tegishli tarmoq va mintaqalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Bizning fikrimizcha, jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi sharoitida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarga oid nazariy konsepsiyalar transmilliy korporatsiyalarning xalqaro investitsiya faoliyati va ularning milliy iqtisodiyot taraqqiyotiga ta'sirini tadqiq etishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ulardan o'rinli foydalanish TMKlarning ish yuritishi, strategiyasi va investitsiyalarga oid qarorlar qabul qilish jarayonini o'rganish orqali to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni faollashtirish uchun samarali iqtisodiy siyosat vositalarini qo'llashga imkoniyat yaratadi. Ayrim nazariyalarning qoidalari jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi sharoitida rivojlanayotgan mamlakatlarga bu boradagi siyosatning samarali vositalarini qo'llash hamda xorijiy investitsiyalar oqimini ko'paytirish maqsadida ishlatilishi mumkin. Xususan, tovarning tabiiy hayotiy sikli nazariyasi asoslari to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun mas'ul davlat organlari va idoralarini hayotiy sikllarni keng tovar guruhlari, tarmoqlar va texnologiyalarga nisbatan global darajada qo'llanilishi mumkin.

Mazkur nazariya sanoatning yetakchi tarmoqlari (masalan, mashinasozlik, farmatsevtika, yuksak texnologiyaga asoslangan kimyo sanoati, to'qimachilik va yengil sanoati) hamda ilg'or texnologiyalar (masalan, mikroelektronika, yangi materiallar yoki biotexnologiyalar) hayotiy siklining bosqichlarini tadqiq etish va monitoringini o'tkazishda jiddiy yordam berishi mumkin. Shuningdek, xalqaro ishlab chiqarishga oid eklektik nazariyasidan to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarni jalb qilishda TMKlar hamda milliy iqtisodiyotning qiyosiy ustunliklarini muntazam monitoring qilib borishda foydalanish mumkin.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

*Б.У.Шермухамедов – Тошкент молия институти, PhD*

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва иқтисодий ислохотларнинг кенг қамровлилиги, шунингдек, COVID-19 пандемия шaroitida тижорат банклари депозит сиёсатининг аҳамиятини оширмоқда. Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини таъминлаш бевосита уларнинг молиявий жиҳатдан барқарор ресурс базасини шакллантириш имкониятини беради.

Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашда унинг ташкилий-таркибий қисми муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан:

банкларга жалб этилаётган депозитлар ҳажми ва муддатларини режалаштириш. Таъкидлганимиздек тижорат банклари депозит сиёсатини амалга оширишда стратегик ва тактик режалаштириш алоҳида ўрин тутлади. Ушбу режада банкнинг жорий даврда ва келгуси даврда молиявий ресурсларга бўлган талаби ва уларнинг муддатлари инобатга олинади;


депозит маблағларни банкларга жалб этиш манбаларини аниқлаш. Тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлиги банкнинг омонатчилари, мижозлари ва инвесторларига бевосита боғлиқдир. Шу боис, уларнинг таркиби, молиявий ҳолатини аниқлаш, келгусида банкка молиявий барқарор мижозлар ва инвесторларни жалб этиш депозит маблағлари барқарорлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади;

банкнинг депозит сиёсатини назорат қилишни ташкил этиш. Тижорат банклари депозит сиёсати маълум даврга қабул қилингандан сўнг, унинг амалиётда самарали ишлаши ва кўзда тутилган натижани бериши учун тегишли назоратни ташкил этиш лозим бўлади. Бунда асосий эътибор, депозит сиёсати бўйича қабул қилинган қарорларни белгиланган муддатларда бажарилиши, омонатчи, инвестор ва банк мижозлари таркибининг молиявий барқарорлиги, депозитлар бўйича тўланадиган фоиз тўловларининг мақсадга мувофиқлиги кабилар алоҳида назорат қилинади;

депозит операциялари маркетингини ташкил этиш. Бозор иқтисодиёти шароитида депозит сиёсати самарадорлигининг асосий омилларидан бири банкда маркетинг ишларини ташкил этилганлиги билан баҳоланади. Банк маркетингининг асосий вазифалари сифатида банклар ўртасида депозит бозорларидаги талаб ва таклифнинг ҳолати, омонатчи, инвестор ва мижозларнинг иқтисодий қизиқишлари, келгусида фонд бозорлари сегментларида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни ўрганиб бориш зарур бўлади.

Тижорат банклари фаолияти молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича талаблар кучайтирилиши банкларни узоқ муддатли молиялаштириш манбаларини топиш бўйича тадбирларни фаоллаштиришга мажбур қилмоқда. Бундай тадбирлар, ўз навбатида, узоқ муддатли (1 йилдан ошқ муддатли) омонатлар бўйича таклиф этилаётган фоиз ставкалари ошишига олиб келди. Бир қатор омиллар таъсири доирасида тижорат банкларининг депозит портфелининг таркибий тузилмасида хорижий валютда шакллантирилган омонатлар ҳажми тўхтовсиз ошиб борди.

Қайд этилган омиллар тижорат банкларининг депозит сиёсатинининг мақсади ва амалга ошириш воситаларини такомиллаштириш заруратини юза келтирмоқда.



**1-расм Муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари**<sup>431</sup>

Шунингдек, 2019 йилнинг январь-октябрь ойларида муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларида ўсиш кузатилди. Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси январь ойида 17,4 фоизни ташкил қилган бўлса, октябрь ойига келиб 19,4 фоизга кўтарилди (1-расм).

Мазкур даврда юридик шахсларнинг муддатли депозитлари учун ўртача тортилган фоиз ставкаси январь ойидаги кўрсаткичга нисбатан 2,2 фоиз бандга ошиб, 16,8 фоизни ташкил этган.

2019 йил бошидан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича реал фоиз ставкаларида ижобийлик кузатила бошланди. Хусусан, жорий йилнинг март ойидан бошлаб юридик шахсларнинг инфляцион кутилмаларидан келиб чиқиб ҳисобланган ўртача реал фоиз ставкалари мусбат даражага эришди.

Жорий йилнинг октябрь ойида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича реал фоиз ставкаси (амалдаги инфляцияга асосан ҳисобланган) 3,1 фоизни ташкил этган бўлса, юридик шахслар депозитлари бўйича ушбу кўрсаткич 0,5 фоизга тенг бўлди.

Банк тизимида ликвидликнинг таркибий профицити бўлишига қарамасдан, Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиётининг бошланиши банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди<sup>432</sup>.

<sup>431</sup> Ўзбекистон республикаси марказий банки Пул кредит сиёсатининг 2020 йил ва 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари бўйича презентация 2020 йил 22 октябр <http://www.cbu.uz/>

<sup>432</sup> Ўзбекистон республикаси марказий банки Пул кредит сиёсатининг 2020 йил ва 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари бўйича презентация 2020 йил 22 октябр <http://www.cbu.uz/>

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ МУҲИМ АҲАМИЯТЛАР

*Тошкент молия институти “Менежмент ва маркетинг”  
кафедраси и.ф.д., проф. Ф.Назарова, и.ф.д. Н.Саидахмедова.*

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида дунё бозорида юқори даромад олиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларида турли антибиотик, гормонлар ва шу каби инсон саломатлигига зарарли компонент ва қўшимчаларни кенг миқёсда қўллаш натижасида хавфли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиб бориши, ўсимликлар зараркунандалари ҳамда турли хавфли вирусларнинг тарқалиши қайд этилган муаммоларни янада кескинлаштирмоқда. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб эпидеомологик хавф-хатарлар кучайган, яъни COVID-19 пандемияси билан боғлиқ шароитда аҳоли истеъмоли учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳамда етказиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб вазифа саналмоқда. Албатта, ушбу вазиятда кўплаб давлатларда кузатилган “ваҳимадор харидлар” натижасида озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини савдода йўқолиб қолиши, асосий экспортёр давлатларнинг ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни тўхтатиш тадбирлари баъзи давлатларда маҳсулот нархларини нобарқарорлигига олиб келмоқда. Хусусан, Хитойда, коронавирус тарқалашига қарши чоралар олиб борилган аналогик даврда (январь-февраль ойлари) озиқ-овқат нархлари олдинги йилги январь-февраль ойларига нисбатан 21,2%га ошган<sup>433</sup>. Шу боис, дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи қайд этилган глобал миқёсда кузатилаётган ушбу муаммоларни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ.

Охирги йилларида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бирида хисобланмоқда. Шунинг учун, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш: таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”<sup>434</sup> вазифаси қўйилган. Шунингдек, мамлакатимизда Жаҳон савдо ташкилотига киришга бўлган ҳаракатларнинг бошланиши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг нафақат ҳудудий ёки

<sup>433</sup> Молиявий хабарларга ихтисослашган Wind Data Service ташкилот сайти <https://www.wind.com.cn/en/data.html>

<sup>434</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-илоvasи. 2017 йил 7 февраль.

миллий, балки халқаро даражадаги долзарб масалалардан эканлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш, уни таъминлашнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда устувор йўналишларини асослаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш соҳадаги долзарб муаммолардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрь ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 10 июль ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 мартдаги 205-сон “Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 17 апрелдаги 324-сон “Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга қишлоқ хўжалигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу боис, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш, очарчилик юз беришининг олдини олиш масалалари ҳамisha ҳар қандай мамлакатда муҳим ҳаётий муаммо ҳисобланган. Чунки, табиий офатлар, қурғоқчилик, урушлар ва бошқа сабаблар туфайли азалдан аҳоли ўртасида очарчиликлар, қаҳатчиликлар бўлиб турган. Шу боисдан, қадимдан турли мамлакатларда очарчилик ва қаҳатчиликнинг олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат заҳираларини ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилган. Шунингдек, халқ хўжалиги қишлоқ хўжалигидан ва бу соҳа маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноатдан иборат бўлади. Қишлоқ хўжалигида яратилган маҳсулот саноатда қайта ишланади ва улар жамиятдаги синфлар ўртасида қайта тақсимланади, истеъмол қилинади. Бойлик фақат қишлоқ хўжалигида яратилади ва жамиятдаги синфлар ўртасида тақсимланади. Бу билан мамлакат ва жамият ҳаётида қишлоқ хўжалигининг устувор роль ўйнашини, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги асосий тармоқ эканлигидан келиб чиқиб, ўз ғоясини илгари сурган.

Озиқ-овқат мустақиллиги асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатда ишлаб чиқариш, улар билан ўзини ўзи таъминлаш орқали аҳолини қуйи таҳликали меъёрдан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш имкониятининг яратилганлигини ифодалайди.

Озиқ-овқатлар билан таъминлашнинг ишончлилиги миллий озиқ-овқат таъминоти тизимининг мавсумлар, иқлим ва бошқа ўзгаришлар таъсирини минималлаштириш қобилятидир. Озиқ-овқатлар билан таъминлашнинг

барқарорлиги эса миллий озиқ-овқат таъминоти тизимининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш кўламида ривожланиши ҳисобланади.

Хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти хавфсиз истеъмолни кафолатлайдиган белгиланган талаб ва стандартларга жавоб беради. Хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотида инсон организмнинг нормал ривожланиши учун зарур ашёлар мавжуд бўлади ҳамда унинг саломатлигига ва атроф-муҳитга зарар етказадиган нарса ва ашёлар мавжуд бўлмайди<sup>435</sup>.

Озиқ-овқат хавфсизлигига ички таҳдидлар хилма-хил ва ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат деб тахлил этдик:

- мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг ёмонлашуви;
- инвестицион, инновацион фаоллик ва илмий-техникавий салоҳиятининг пасайиши;
- қишлоқ хўжалиги ва саноат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш потенциалининг пасайиши, техник ва технологик базасининг ривожланмаган-лиги, уларда жисмоний ва маънавий эскирган асосий фондлар улушининг юқорилиги;
- мамлакатда техник, технологик, иқтисодий ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, камлиги;
- экологик вазият ёмонлашувининг салбий таъсирининг кучайиши;
- аҳоли сонини йиллик ўсиш суръатининг ЯИМ йиллик ўсиш суръатига нисбатан юқорилиги;
- урбанизация жараёнлари таъсирида қишлоқ хўжалиги ерлари ва экин майдонлари, яйловларнинг қисқариб бориши, сув ресурслари танқислигининг кучайиши;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигининг пасайиши;
- мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари таннархи ва нархларининг ўсиб бориши, юқорилиги;
- мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унумдорлигининг пасайиши;
- озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг пастлиги. Сифатни назорат қилиш ва бошқариш тизимининг халқаро меъёрлардан орқада қолганлиги;
- миллий озиқ-овқат маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлигининг пасайиши;
- мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамлиги;
- аҳолининг даромадлар бўйича табақаланишининг кучайиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган аҳоли сонининг кўпайиши;
- аҳоли тўлов қобилиятининг паст даражадалиги, нархлар ўсиши даражасининг аҳоли даромадлари ўсиши даражасига нисбатан юқорилиги;

---

<sup>435</sup> Римская декларация по всемирной продовольственной безопасности // АПК: экономика, управление. М., 1997, № 2. стр. 3-7.; ФАО ООН <http://www.cawater-info.net/bk/14-4-2.htm>.; Чеботарева М. С. Продовольственная безопасность в России и мире: сущность и проблемы // Молодой ученый. – 2012. – №8. – С. 149-151.

- иқтисодиётни, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- иқтисодиётни тартибга солишнинг солиқ-бюджет ва пул-кредит дастакларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги;
- аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат кўрсатувчи бозор, йўл-транспорт, савдо-тижорат, овқатланишни ташкил этиш инфратузилмаларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- аҳолининг овқатланишнинг соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган меъёрларга, тартиб-қоидаларига, санитария-гигиена талабларига риоя этиш маданиятининг етарли даражада шаклланмаганлиги ва бошқалар

Ўзбекистонда эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бу борада катта муваффақиятга эришган ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш ва ўсиш суръатларини жадаллаштириш, юксак ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш бўйича АҚШ, Канада, Европа Иттифоқи мамлакатлари, шу жумладан, ГФР, Хитой Халқ Республикаси, Япония мамлакатлари тажрибалари умумлаштирилди ҳамда уларнинг аҳамиятга молик жиҳатларидан республикаимиз иқтисодиётига фойдаланиш йўналишларини янада чуқур ўрганишни такоза этилмоқда.

Бизнинг фикримизча озиқ-овқат хавфсизлигидан кўзланган мақсад мамлакатнинг озиқ-овқат мустақиллиги ва барқарорлигини, аҳолини ва ҳар бир фуқаронинг озиқ-овқат маҳсулотларига физиологик минимумга мувофиқ миқдорий ва иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан эришишини кафолатлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсиз истеъмолини таъминлашдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари аниқланиб белгиланган вазифалар амалга оширилади.

### **Фойдаланган адабиётлар;**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-илоvasи. 2017 йил 7 февраль.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2016-2020 йилларда мевасабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хомашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 5 мартдаги ПҚ-2505-сонли Қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сонли Фармони.

4.Молиявий хабарларга ихтисослашган Wind Data Service ташкилот сайти <https://www.wind.com.cn/en/data.html>



5. Римская декларация по всемирной продовольственной безопасности // АПК: экономика, управление. М., 1997, № 2. стр. 3-7.; ФАО ООН <http://www.cawater-info.net/bk/14-4-2.htm>;

6. Чеботарева М. С. Продовольственная безопасность в России и мире: сущность и проблемы // Молодой ученый. – 2012. – №8. – С. 149-151.

7. «Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги электрон нусхаси қуйидаги веб-саҳифада берилган: [www.cer.uz](http://www.cer.uz).

9. <http://www.uzland.uz>.  
[www.economyta-culty.uz](http://www.economyta-culty.uz).

## **ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ТИЖОРАТЛАШТИРИШДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

*Назарова Умида Авазовна  
мустақил тадқиқотчи*

Сўнгги йилларда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида рақобатнинг кескинлашиб, жаҳон бозорларида инновацион маҳсулотларга бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам фан-техника сифими юқори бўлган маҳсулотларга эҳтиёжнинг ортиб бориши мамлакатимиз миллий иқтисодиёти таркибида юқори технологияли маҳсулотлар улушини кўпайтиришга бўлган интилиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини инновацион ривожлантириш заруриятини янада кучайтирди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда интеллектуал салоҳият ва инновацияларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Чунки интеллектуал салоҳият эвазига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни миллий иқтисодиётга кенг қўллашга эришилади.

Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан яна бири инновацияларни соҳа тармоқларига самарали жорий этишдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган барча турдаги лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш учун зарурлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли ҳамда 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли қарорларни алоҳида таъкидлашимиз мумкин.

Жумладан, 2018 йил 7 майда қабул қилинган “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли Ўзбекистон Республикаси Қарорида илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсик бўлаётган қуйидаги муаммолар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган:

- олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги;

- инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари мавжуд эмаслиги;

- хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги;

- давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;

- илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги.

Қарорда мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси олдида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

- олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш;

- олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш;

- олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилиши;

- илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари инновация фаолиятига оид масалалар, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш натижалари бўйича бевосита Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдорли белгилаб қўйилди.

2018 йил 14 июлда қабул қилинган “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли Ўзбекистон Республикаси Қарорида мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштириш даражаси қониқарли эмаслиги сабаблари ва уларни ҳал этиш учун қуйидаги вазифалар аниқ белгилаб берилган:

- 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ва патентланган ихтироларнинг тижоратлаштириш даражасини йилига 0,5 фоизини ташкил этиши;

- чоп этилган илмий мақолалар ва яратилган интеллектуал мулк объектлари сони илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бўлиб келаётганлиги. Бунинг натижасида аниқ амалий натижаларга нисбатан эътиборни камайиб бориши;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари уларнинг тасарруфидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини рағбатлантириш механизмини етарли эмаслиги;

- илмий-техникавий дастурларга давлат маблағлари сарфланишининг самарадорлиги учун лозим даражада масъулиятни намоён этилмаётганлиги;

- илмий тадқиқотларни молиялаштириш, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни амалиётга тадбиқ этишда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини рағбатлантиришнинг самарали воситалари жорий этилмаганлиги.

Албатта Инновацион ривожлантириш вазирлиги томонидан мазкур муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, тақдим этиладиган лойиҳаларни самарали бажарилиши, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ҳамда янги таклиф этилаётган лойиҳалар учун танлов ўтказилишининг объективлиги, адолатлилиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида лойиҳаларни қабул қилиш, экспертизасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2019 йилда «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ» фанлари бўйича давлат илмий-техника дастурлари доирасида иқтисодиёт йўналишида 84 та лойиҳа техник экспертизадан ўтказилди. Шундан 59 та амалий, 18 та фундаментал, 4 та ёш олимлар тадқиқот лойиҳалари ва 3 таси инновацион лойиҳалар ҳисобланади. Тақдим этилган лойиҳалардаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги ҳамда лойиҳа раҳбарлари томонидан тақдим этилган йиллик ҳисоботларни натижадорлиги, тижоратлаштириш даражаси, танлов дастурлари вазифаларида белгиланган, кутилаётган натижаларни тўла ва ўз вақтида сифатли бажарилиши каби омилларга каттиқ эътибор қаратилди.

Лойихалар бўйича эксперица натижаларини таҳлиллари шуни кўрсатадики, кўплаб лойиҳа раҳбарлари ҳамда иштирокчилар ҳозиргача лойиҳа доираси илмий мақола ва тезис ёзишдан нарига ўтмаган. Тадқиқот натижалари бўйича ишланмаларга патент олиш, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш бўйича натижалар жуда паст. Шунинг учун борада хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда 2020 йилдан бошлаб молиялаштирилаётган лойиҳаларни албатта патентлаш ҳамда тижоратлаштириш даражасини кескин ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Ривожланган хорижий мамлакатларда давлат ва илмий фондлар томонидан турли даражадаги илмий лойиҳаларга харажатлар таркиби бир-биридан фарқ қилади. Масалан, АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Исроил каби давлатларда илмий соҳани молиялаштириш асосан қуйидаги йўналишларга ажратилади:

- илмий тадқиқотларга;
- ёш олимларни қўллаш ва кадрларни қайта тайёрлашга;
- илмий тадқиқот инфратузилмаларини ривожлантириш учун;
- ташкилий ва административ харажатларга.

Агар таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, АҚШ, Германия, Франция ва Японияда илмий соҳага йўналтирилган харажатларнинг 80-90 %и, Россияда 60 %га яқини илмий тадқиқотлар ҳиссасига тўғри келади. Россияда илмий соҳага ажратилган харажатларнинг 25,5 %и, Хитойда 29 %га яқин, АҚШда 12,7 %, Германияда 8,4%, Францияда 6,7 %, Японияда 1 %га яқини ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланади. Илмий тадқиқот инфратузилмаларини ривожлантириш ҳолати ва унга ажратилаётган харажатлар бўйича Россия илмий соҳанинг 12 %, Германия 1,9%, АҚШ 1,7%, Хитой эса 3,5 %ни йўналтирмоқда. Бундай харажатлар ўз-ўзидан мамлакатнинг илмий салоҳиятини кўтарилишига ҳамда амалий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, инновацион ёндашувларни жорий этишга ижобий таъсир кўрсатади. Натижада тадқиқотларнинг сифат ва долзарблик жиҳатдан юқори даражада бўлади. Бу эса илмий тадқиқот ишларини техник жиҳатдан мукамал бўлишига ва тижоратлаштириш имкониятлари даражасини ортишига ҳамда илм-фан ва саноат ҳамкорлигини ўзида мужассам этувчи тизимни самарали ишлашига олиб келади.

Бугунги кунда мамлакатнинг илмий салоҳиятини ошириш, илмий тадқиқотларни давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш тизимига эга бўлган мамлакатнинг ривожланиш даражаси факатгина улар ишлаб чиқараётган ва экспорт қилаётган маҳсулот ва хизматлар даражаси билан эмас, балки инновацион техника ва технологияларнинг, инновацион маҳсулотларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ўрни билан ҳам белгиланади. Экспертларнинг ҳулосасига кўра ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ўсишининг 70-85 фоизи янги маҳсулот, техника ва технологияларга боғлиқ бўлади. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишида инновацияларнинг улуши АҚШларида 35 %, Японияда 42 %, Европа Иттифоқида 50 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган барча турдаги лойиҳаларни тижоратлаштириш даражасини таҳлил этиш натижасига кўра қуйидаги муаммоларни таъкидлаб ўтишимиз мумкин:

- инновацион ишланмалар, маҳсулотлар ва товарларни сотиш, сотиб олиш ва фойдаланиш борасида самарали тизимни мавжуд эмаслиги;

- амалий натижага йўналтирилга маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқишга оид фундаментал лойиҳаларнинг камлиги;

- илмий ва илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвесторлар, халқаро молия институтларининг грантлари, маблағларини жалб этиш ишларини нисбатан суғртилиги;

- айрим лойиҳа раҳбарлари ва лойиҳа ижрочиларининг тадқиқотларида кўпроқ назарий ва тавсиявий характерга эга хулосаларнинг кўплиги;

- амалга оширилаётган ва яқунланган лойиҳаларнинг тижоратлаштириш даражаси бўйича рейтинг тизимини йўқлиги;

- давлат илмий-техник дастурлари доирасида лойиҳаларни тайёрлаш, бажариш, оралиқ ва йиллик ҳисоботларни тайёрлаш бўйича ягона услубиётни ишлаб чиқилмаганлиги;

- илмий тадқиқотларни самарали амалга ошириш, натижаларни амалиётга қўллаш бўйича фан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатларни рағбатлантирувчи механизмни ишлаб чиқилмаганлиги.

Шундай қилиб, амалий, фундаментал, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва уни натижасини амалий аҳамиятини асослаш муҳим стратегик вазибаларидан бири бўлиб, у ёки бу янгиликни жорий этиш қандай фойда келтиришини, шунингдек, лойиҳанинг самарали фаолиятининг энг асосий мезони бўлиб нима хизмат қилишини ҳар бир лойиҳа иштирокчиси тасаввур қилиши лозим. Шундагина бажарилаётган барча турдаги лойиҳаларни тижоратлаштириш даражаси ортишига, амалий аҳамиятини янада кўтаришга эришган бўлар эдик.

### **Фойдаланган адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида” ЎРҚ-440-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698- сонли қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури.

4.Щетинина И.В. Перспективы развития агропромышленных кластеров в России // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. М., 2015, №3, с. 51-55.

5.Насимов Б.В. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланишини бошқариш. Т.: /Иқтисодиёт ва таълим №6 2017. 172 б.<http://vestnik.rasi.ru/11/cont.php?file=artic01>

6.Нурутдинова А.Р. Государственная политика поддержки инноваций за рубежом // Педагогика. – М., – 2013. – №2. – С. 118 - 123

7.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам. Тошкент-2020.

## **МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ**

*Ф.Холмаматов - Тошкент молия институти доценти, PhD  
Г.Холиқулова – Тошкент молия институти магистранти*

Бугунги кун жаҳон банк-молия тизимининг жадал суъратларда ривожланиб бориши натижаси ўлароқ бевосита иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи бўлмиш банклар фаолиятида янги замонавий технологиялардан фойдаланишга янада кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

Бозор муносабатларининг субъектлари ўртасида ҳисоб-китоблар механизмини ташкил этиш, тўловлар узлуксизлиги ва бир маромда ўтишини таъминлаш бозор иқтисодиёти фаолиятининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли тижорат банклари фаолияти тобора такомиллашиб, кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарори банкларда инновацион хизматларни амалиётга жорий этиш ва сифатини оширишда муҳим роль ўйнади.

Масофавий банк хизматларини кўрсатиш турли банк операцияларни масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар комплексиدير. Бунинг учун банк муассасасига ташриф буюрмасдан туриб компьютер ёки мобиль телефондан фойдаланиш кифоя.

Масофавий технологиялар мижозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради.

Масофадан хизмат кўрсатиш тизими мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характерига кўра икки турга бўлиш мумкин:

- информацион;
- транзакцион.

Информацион банкинг мижозларга молиявий маълумотларни тақдим этишга йўналтирилган бўлса, транзакцион банкинг молиявий операцияларни амалга оширишга имконият яратади.

Масофавий банк хизматларининг асосий тамойили мижоз ва банк ўртасида турли ахборотларнинг масофадан алмашинуви ҳисобланади. Бунда банк томонидан мазкур амалиётнинг хавфсизлиги таъминланади.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг турлари:

Банк-Мижоз – бу компьютер орқали амалга ошириладиган тизим бўлиб, бунда мижознинг компютерида махсус дастур ўрнатилади. Ушбу дастур компютерда барча мижоз маълумотларни сақлайди (асосан тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар). Банк ва мижознинг компютери ўртасида модем орқали тўғридан-тўғри алоқа амалга оширилади.

Интернет-банкнинг – бу мижозларнинг депозит ҳисобварақларини, жумладан банк карталарига очилган ҳисобварақларини, интернет орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи тизимдир. Бу хизмат тури мижознинг масофадан банк билан боғланган ҳолда реал вақт давомида тўловларни ўтказиш учун мўлжалланган тизимдир. Фойдаланувчи тизимга веб-браузер орқали қиради. Интернет-банкнинг тизими банкнинг веб-серверига жойлаштирилади. Фойдаланувчи банкнинг веб-сайтида барча ўз маълумотлари (тўлов ҳужжатлари ва ҳисобварақлардан кўчирмалар)ни кўриб чиқиш имкониятига эга.

Интернет-банкнинг хизмати орқали мижоз ўз иш жойида ёки бошқа ўзига қулай шароитда:

- тўловларни ўтказиш;
- тўлов ўтиши босқичларини кузатиш;
- барча ҳисоботларни олиш каби амалиётларидан исталган вақтда фойдаланиш имкониятини яратади.

Интернет-банкнинг орқали мижоз ўз иш жойидан интернет орқали банк сайтига уланиб, ўз ҳисобрақамига тушаётган пулларни кўриши ва пул ўтказмаларини тайёрлаб банкка узатиши мумкин бўлади.


Мобил банкинг тизими интернет-банкнинг технологияси асосида яратилади.

SMS-банкнинг – бу банк мижозларга уларнинг депозит ҳисобварақларидаги ҳамда банк карталарига очилган ҳисобварақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишдаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварақидан маълумот олиш учун мижоз банкнинг махсус телефон рақамига белгиланган SMS-сўровни юбориш керак.

Мижоз учун SMS-банкнинг хизмати қуйидаги амалларни бажариш имкониятларини берилади:

- ҳисобварақига келиб тушган маблағлар;
- ҳисобварақидан қилинган харажатлар;
- ҳисобварақ баланси;

• кун давомида ўтказилган банк операциялари ҳақида оператив маълумот олиш.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг сони<sup>436</sup>, минг (турлари бўйича, 1 январь ҳолатига).**

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ошиб бормокда. 2014 йилда уларнинг сони 264,4 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, 14571,1 мингдан ошиб кетди. Шу қисқа вақт ичида фойдаланувчиларнинг сони 55,1 мартага ўсди.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмокда.

Ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани

<sup>436</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди



электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, банкларда инновацион банк хизматларини турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

- банк хизматларининг сифати ва тезлигини ошириш учун янги рақамли маҳсулотларни жорий қилиш;

- банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизмати турларини янада кенгайтириш;

- тижорат банкларида банк хизматларини, хусусан масофавий банк хизмат турларини кенг оммага етказиш ва мижозларини ушбу хизматлардан хабардорлигини таъминлаш бўйича маркетинг бўлимларини ташкил қилиш;

- республикамизнинг барча ҳудудларида интернет хизматининг сифатли ишлашини таъминлаш ва интернет тезлигини ошириш;

- банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга ошириш мумкин бўлган хизматларни кўпайтириш хусусан, конвертация, кредитларни тўлаш, микро қарзларни олиш, доимий тўловлар учун автоматик тўлов амалиётини ва бошқа хизматларни жорий қилиш лозим.

Умумий хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, инновацион банк хизматлари банк тизими амалиёти учун келажакда жуда муҳим аҳамият касб этади ва уларни ривожлантириш барқарор банк фаолиятининг кафолатидир.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЭМИССИОН ОПЕРЦИЯЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

*Ўктамова Нозима Нарзулла қизи  
ТМИ, таянч докторанти*

Халқаро банк амалиётидан маълумки, тижорат банклари тадбиркорликнинг алоҳида тури бўлиб, ссуда капиталларини жалб қилиш, улар ҳаракатини таъминлаш ва хўжалик юритувчи ўртасида тақсимлаш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахслардир.

Тижорат банкларининг ўтмишдошлари пул ва тижорат капиталининг вакиллари сифатида ўрта асрлар пул алмаштирувчилари бўлган. Улар, одатда, савдо муносабатлари ривожланган денгиз ва дарё йўллари туташган порт шаҳарларида фаолият кўрсатган. Ўз навбатида, турли мамлакатлардан, шаҳарлардан келадиган ва кетаётган савдогарлар ўз пулларини алмашитириш ҳамда хавфсиз сақлашга кучли эҳтиёж сезган. Шунга кўра, пул

айрбошловчилар савдогарлардан сақлаш учун пул қабул қилишган ва уларнинг пулларини алмаштириб беришган. Вақт ўтиши билан валюта айрбошловчилар омонатларни ва ўз пулларини ссуда бериш ҳамда улардан фойз олиш мақсадида фойдаландилар. Бу жараён келгусида банкларнинг пайдо бўлишига қулай шарт-шароитлар ятратди.

Таъкидлаш жоизки, дунё тарихида банкларнинг пайдо бўлиши, бизнинг назаримизда савдо-иқтисодий мунасабатлар ва савдо хизмати билан бевоста боғлиқ. Шунингдек, немис тилида савдо сўзи - “Commerz”, деб аталганлиги сабабли банкларни тижорат банклари, деб атийш одат тусига айланган. Дастлаб, банклар савдога хизмат кўрсатган. Кейинчалик эса, банкларнинг мижозлари кўпайиб иқтисодиётнинг барча тармоқларига хизмат кўрсата бошлаган ва банклар учун “тижорат” банклари номи сақланиб қолган.

Бугунги кунда дуёнинг барча мамлакатларида тижорат банклари асосий молиявий воситачилар сифатида юқори инновацион ва рақамли технологиялар асосида фаолият кўрсатмоқда. Тижорат банклари молия бозорида, ссуда капиталлари бозорида, қимматли қоғозлар бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг асосий молиявий ҳамкорига айланиб улгурди.

Айни пайтда, COVID-19 пандемияси шароитда жаҳондаги барча давлатлар иқтисодиётида глобаллашув жараёни янада чуқурлашди. Шу билан бирга, ишсизлар сонининг ўсиши, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг пасайиши, тўлов баланси, бюджет тақчиллиги ва ташқи қарзларнинг ўсиши, халқаро фонд бозорларидаги тенденциялар, рақобатнинг чуқурлашуви, ўз навбатида, тижорат банкларида трансформация жараёнини жадаллаштириш, банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда тижорат банкларининг халқаро фонд бозорларидаги иштирокини кенгайтириш заруратини туғдирди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда дунёдаги йирик корхоналардан тижорат банклари орқали фонд бозорларига капитални жалб қилиш, йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш ва инвестицион қарор қабул қилишда капитал қийматини баҳолаш усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда ҳам МДХ давлатлари каби капитал бозори ривожланмаганлиги ва унинг иқтисодиётдаги улуши пастлиги, инвестицияларни жалб этишда деярли аҳамиятга эга эмаслиги акциядорлик жамиятлари капитали қийматини баҳолашнинг замонавий усулларидан фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида давлат ва хўжалик бирлашмалари улуши мавжуд бўлган айрим акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини бирламчи ва иккиламчи оммавий таклиф асосида реализация қилиш вазифаси алоҳида белгилаб берилди [1].

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган воситалардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш

макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлашнинг зарурий шартларидан бири эканлиги эътироф этилган. Шунингдек, Давлат улушига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича «йўл харита»ларини 2020 йил 1 июндан бошлаб амалга ошириш, шу жумладан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш чоралари белгиланган[2].

Ўзбекистонда ҳам МДХнинг айрим давлатларидаги каби тижорат банкларининг фонд бозоридаги салмоғи ва банкларнинг қимматли қоғозлари эмиссия операциялари ниҳоятда кичик. Бироқ, тижорат банкларининг ликвидлигини ошириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, банк хизматлари кўлами ва рақобатбардошлигини ошириш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилиги билан боғлиқ бир қатор масалалар ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган. Хусусан, “банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очикликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар”[3] бу борада кўплаб масалалар ўзининг долзарблигини сақлаб қолаётганлигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилганларга асосан, Ўзбекистонда тижорат банклари эмиссия операциялари самарадорлигини ошириш, келгусида уларнинг халқаро фонд бозорларида иштирокини таъминлаш, замонавий инновацион банк хизматлари ва маҳсулотлари турларини жорий қилишни тақозо этмоқда.

Айниқса, COVID-19 пандемияси шароитида халқаро банк амалиётида замонавий банк хизматларининг тури ва кўлами узлуксиз кенгаймоқда. Бу эса, бутун дунёда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончни янада оширишга асосли равишда хизмат қилмоқда. Бизниг назаримизда ушбу жараёнлар тижорат банклари ўртасида ҳар бир мижоз учун рақобатни янада кучайтиришга олиб келади.

Бизнинг назаримизда, тижорат банклари турли жозибадор қимматли қоғозлар эмиссия қилиш ҳисобига ўз мижозларининг маблағларини нафақат доимий равишда ҳимоя қилибгина қолмай, балки янги банк хизматлари ва маҳсулотларини таклиф қилиш орқали аҳолининг тадбиркорлик фаолияти ривожига муносиб ҳисса қўшишни тақозо этмоқда. Дунё иқтисодиётида кузатилаётган турли макроиктисодий ва молиявий муаммолар, инқирозлар, пандемиялар ҳамда ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида банк хизматлари ва маҳсулотлари замонавий турларининг яратилиши жараёнлари кенгаймоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда, тижорат банклари капитали таркибида давлат улушининг юқорилиги (86,5%), жалб қилинган маблағлар таркибида депозит маблағлар улушининг пастлиги (37,4%), банк ресурслари таркибида қиммат маблағлар улушининг юқорилиги (50,2%) каби ҳолатлар уларнинг хизматлари рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда[4].

Тараққий этган мамлакатларда банк тизмида инновациялар кенг қўлланилади. Рақамли иқтисодиётда банк инновациялари бўйича етакчилар Германия, Япония, АҚШ, Жанубий Корея ва Буюк Британия ҳисобланади. Замонавий банк рисклари сифатида интернет-фирибгарлик жаражаёнлари ҳам шиддат билан ўсиши кузатилмоқда[5].

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

[1] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон фармони, 2019 йил 17 январь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

[[3] “ ПҚ-3620-сон 23.03.2018. Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.” <https://lex.uz/docs/3593541> (accessed Jan. 04, 2021).

[4] “(No Title).” [https://cbu.uz/upload/medialibrary/631/Markaziy-bankning-Statistik-byulleteni-\\_2020-yil-9-oylik.pdf](https://cbu.uz/upload/medialibrary/631/Markaziy-bankning-Statistik-byulleteni-_2020-yil-9-oylik.pdf) (accessed Jan. 04, 2021).

[5] Щербakov С. С. Банковские инновации в цифровой экономике и оценка инновационного потенциала российских банков // Белгород : ООО Агентство перспективных научных исследований (АПНИ), 2020. С. 30-34. URL: <https://apni.ru/article/1089-bankovskie-innovatsii-v-tsifrovoj-ekonomike>

## **ПОТРЕБНОСТЬ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ В КОНТЕКСТЕ ГЛОБАЛЬНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ**

*Каримова Дилдора -МХВКМ,ТФИ  
Научная руководитель-Базарова Ф.Т*

Вей Вей и Хуан И Цзин — это два потребителя, которых должен знать каждый маркетолог. Это может показаться странным, в силу того что ни один из этих студентов из Гуанчжоу не обладает какими-либо талантами, о которых стоило бы говорить. Однако, Как и Back Dorm Boyz , Вей Вей И Хуан И Цзин стали звездами китайского интернет-пространства и символами новой эры в медиа и маркетинге. Их путь к славе начался с размещения в Интернете ролика, где они поют под фонограмму «As Long As You Love Me» группы Back Street Boys. Интерес к их видеороликам рос быстро, в том числе благодаря популярности Интернета и вирусной рассылке пользователя. Затем появилось немало других видеороликов, а потом концерты, спонсировавшиеся компаниями Motorola и Cisco1. В настоящее время их видео посмотрело примерно 60 млн человек в Китае и других странах Азии.

Новые медиа наделили каждого возможностью создавать свой собственный контент и делиться им с другими. Но это лишь часть огромных

изменений, которые принесли с собой цифровые технологии. Популярные социальные сети стали своеобразными цифровыми «водопоями», куда стекаются люди со всего мира. Виртуальные миры, такие как Second Life, также вовлекают миллионы пользователей в параллельные жизни. Цифровые медиа проникают во все сферы нашей жизни. Эти и другие изменения в области медиа оказывают большое влияние на маркетологов. Многоканальный мир новых медиа дает компаниям огромные возможности, но, одновременно, создает для них и определенные трудности. У маркетологов появился беспрецедентный набор каналов для взаимодействия с потребителями. Но многие из них просто потрясены скоростью происходящих изменений и не знают, как использовать в полной мере эти преимущества.

Некоторые маркетологи продолжают сидеть и чего-то ждать или же выделяют недостаточно ресурсов для финансирования цифрового маркетинга. Но в будущем цифровые каналы будут играть главную роль. Все маркетологи должны стать профессионалами в области новых медиаканалов и цифрового маркетинга. Мы убеждены, что цифровой маркетинг — будущее маркетинга в целом, а не часть стандартного маркетингового плана.

Вряде американских городов очереди за новым iPhone начали выстраиваться у магазинов Apple за несколько дней до начала продаж. В них стояли самые разные люди: просто любители новинок, которым хотелось похвастаться покупкой перед друзьями; поклонники продукции Apple, желающие пополнить свою коллекцию, и постоянные покупатели, решившие купить новый телефон сейчас, а не ждать несколько месяцев пока спадет ажиотаж. В очереди можно было встретить и таких личностей, как Грег Пакер (см. его блог по адресу [www.firstinline.wordpress.com](http://www.firstinline.wordpress.com)), который сделал «стояние в очереди» своим хобби. Он просто хочет быть первым. Так или иначе, всех их объединяло одно: они были участниками последней фазы происходящей сегодня революции в медийном бизнесе, счет в которой идет на многие триллионы долларов. **Блоги** Слово «блог» (blog) берет начало от термина «веб-журнал» (web log). Это сетевой дневник, в котором его обладатель ежедневно или почти ежедневно заносит какие-то свои личные записи. Бесплатно распространяемое программное обеспечение сделало возможным создание собственного блога любым пользователем Интернета. Фактически сегодня блоги представляют собой личные веб-сайты. За последнее десятилетие мобильные телефоны превратились в мобильные компьютеры, позволяющие их пользователям работать с текстом, слушать музыку, смотреть и записывать видео. На сегодняшний день цифровые медиа представляют собой массовые каналы коммуникаций, которые позволяют охватить широкую аудиторию как в пределах одной страны, так и в мировых масштабах. Например, у социальной сети MySpace ([www.MySpace.com](http://www.MySpace.com)) количество пользователей, которые заходили на сайт хотя бы раз в месяц, оценивалось на середину 2007 г. примерно на уровне 110 млн человек. Это

Дунёдаги ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳолат тўғридан-тўғри қимматли қоғозлар бозорига таъсир кўрсатиши, яний бозор иштирокчиларини келажакка бўлган башоратини активларнинг бозор баҳосини кўтариши ёки тушириши мумкинлигидан фонд бозорни аҳамиятни янда оширади<sup>462</sup>. Зеро, ҳозирги кунда, ҳар томонлама иқтисодий манфаатлар тўқнашган замонда, мамлакатга тўғридан-тўғри ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган молия бозори, хусусан қимматли қоғозлар бозорининг фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Қимматли қоғозлар бозорида давлат ва акциядорлик жамиятлари бўлган компанияларнинг қимматли қоғозлари (акция, облигация, вексель ва бошқалар) айланмаси амалга оширилади. Қимматли қоғозлар атамаси ўзига яраша мураккаб иқтисодий тушунчадир. Ушбу тушунчани пайдо бўлиш XII-XIII асрларга бориб тақалади<sup>463</sup>.

<sup>461</sup> Global economy, world economy | TheGlobalEconomy.com. (2021). Retrieved 19 March 2021, from <https://www.theglobaleconomy.com/>

<sup>462</sup> Karimov, A. (2019). Traditions and prospect of development of the securities market activity. International Finance and Accounting, 2019(4), 1.

<sup>463</sup> Michie, R. C., & Michie, R. (2006). The global securities market: a history. Oxford University Press.

Одатда банкирлар томонидан қиймати қимматли ҳисобланган қоғоз кўринишидаги, мулкый ҳуқуқи тасдиқланган воситалар портфелларда олиб юрилган. Ушбу ҳолатдан қимматли қоғозлар портфели атамасини келиб чиқишини кўришимиз мумкин. Бизнинг фикримизча, қимматли қоғозлар бозорига молиявий маблағларни жалб этиш эволюцияси тўғрисида фикр юритганда, авваламбор, қимматли қоғозлар ва унинг турлари, қимматли қоғозлар бозорининг даврий ривожланиши тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Бизга маълумки, қимматли қоғозлар тушунчаси инглиз забон давлатларда хавфсиз ёки ишончли(securities) атамалари билан ҳамоҳангдир. Хорижлик иқтисодчи олимлардан S.Patrick Collins таъкидлашича, «дастлаб иқтисодиётда хавфсизлик ва ишончилилик (security) атамалари молия соҳасини тартибга солувчи қонунларга нисбатан қўлланилган. Ушбу қонун ва қоидалар орқали молиявий воситалар назорат қилинган. Кейинчалик айнан ушбу атама(securities) билан қимматли қоғозлар турлари: облигация, депозит сертификат, акция ва опционлар тушуниланган»<sup>464</sup>.

Иқтисодчи олимлардан A.William Rini қимматли қоғозларни иккита асосий тоифага: акция ва облигация(қарз)ларга ажратган. «Улуш кўринишидаги қимматли қоғозларни, оддий ва имтиёзли акцияларни сотиб олишда, сиз компаниянинг эгаларидан бирига айланасиз. Қарз мажбуриятли қимматли қоғозлар - облигацияларни сотиб олганда, сиз компания учун маблағ бериб турган ҳисобланасиз»<sup>465</sup>. Қимматли қоғозларни ушбу тарзда икки тоифага ажратилиши, авваламбор, уларнинг эгаларига қандай ҳуқуқ ва мажбуриятни юклатилишини англатади.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари таркибини, хусусан, қимматли қоғозлар эгаларини тахлили муҳим аҳамият касб этади (1-расм)



**1-расм. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар эгалари(депонентлар)нинг сони**<sup>466</sup>

Юқоридаги маълумотлардан, шуни кўриш мумкинки 2017 йилда 1 036 259 нафар депонентларнинг 92,4 фоизини жисмоний шахслар ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 4 йил давомида ўзгармай қолган. Депонентларнинг умумий сони 2020 йилнинг январ ҳолатига 807 301 нафарни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 12,6 фоизга камайган. Ўзбекистон Республикасида

<sup>464</sup> Collins, P. S. (2011). Regulation of securities, markets, and transactions: a guide to the new environment (Vol. 585). John Wiley & Sons.

<sup>465</sup> Rini, W. (2002). Fundamentals of the securities industry. McGraw Hill Professional.

<sup>466</sup> <http://www.deponet.uz/>

Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақини ўзгариш динамикасини кузатар эканмиз, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 2 324 614,66 сўмни ташкил этган ва олдинги йилга нисбатан 128 фоизга ўзгарган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи ва қимматли қоғозлар айланмаси ҳажми<sup>467</sup>

Йиллар	Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи, сўм *	Ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи ўзгариши(олдинги йилга нисбатан), %	Қимматли қоғозлар айланмаси, млрд. сўм (РФБ «Тошкент»)	Қимматли қоғозлар айланмаси ўзгариши(олдинги йилга нисбатан), % (РФБ «Тошкент»)
2011	628020,00	124%	213,1	335%
2012	739670,88	118%	170,7	80%
2013	865950,92	117%	93,2	55%
2014	1007928,85	116%	97,6	105%
2015	1171669,26	116%	161,0	165%
2016	1293764,27	110%	299,8	186%
2017	1457777,99	113%	298,6	99,599%
2018	1822687,38	125%	687,3	230%
2019	2324614,66	128%	438,82	64%

Ҳориж тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётни интеграллашуви ва либераллашуви шароитида мавжуд бизнес субъектлар фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш ва кенгайтириш, албатта, янги молиявий ресурсларни жалб қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ўринда қимматли қоғозлар бозори яъни, фонд бозори ушбу ресурсларни икки томон манфаатидан келиб чиқиб ўзаро тақсимлаш вазифасини бажаради десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Ривожланган мамлакатларда бизнес субъектлари ва жисмоний шахсларнинг асосий даромадлари сифатида фонд бозорларидан сотиб олинган активлар – компания акциялари, облигациялар, криптавалюталар, опционлар ва бошқа молиявий инструментларни кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва халқаро стандартлар кенг жорий этиш ҳозирги замон талаби ҳисобланади. Зеро, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унга инвестицияларни кириб келиши бевосита фонд бозори билан боғлиқдир.

<sup>467</sup> O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi (2021). Aholi turmush darajasi. Retrieved 19 March 2021, from <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАЛИ БАНДЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Шодмонов Хайрулла Носириллаевич,  
ТМИ “Менежмент ва маркетинг” кафедраси катта ўқитувчиси*

*E-mail: [tmi\\_shodmonov@mail.ru](mailto:tmi_shodmonov@mail.ru)*

*Каримов Акрамжон Икромжон ўгли,  
ТМИ “Менежмент ва маркетинг” кафедраси ўқитувчиси*

*E-mail: [tmi\\_akrambek@mail.ru](mailto:tmi_akrambek@mail.ru)*

Меҳнат - бу инсоннинг мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолиятидир. Дастлаб инсон ўз ҳаракатларининг мақсадини аниқлайди. Мақсаднинг мавжуд бўлиши онгли мавжудот бўлган инсоннинг меҳнатини, масалан, от ёки машина бажарадиган иш тушунчасидан ажратиб туради. Мақсадга эга бўлган инсон табиат инъоми — буғдой ёки жавдар, ёғоч ёки лой, пахта толаси, жун ёки теридан фойдаланиб, янги маҳсулот яратади, яъни ўз организмнинг жисмоний ва ақлий кувватидан фойдаланиб, меҳнат ҳаракатларини онгли равишда ва изчиллик билан бажаради.

Инсон ўз меҳнатининг мақсади, усули ва натижасини аниқлаш давомида, қандай маҳсулотлар қанча миқдорда ва қачон ишлаб чиқарилиши керак, бу маҳсулотларни қандан ресурслардан, қай тарзда, қандай технология ёрдамида ишлаб чиқариш керак, бу маҳсулотлар ким учун ишлаб чиқарилиши керак деган учта муҳим масалани ҳал қилади. Бинобарин, биринчи масалада меҳнат онгли фаолият, иккинчисида — ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, учинчидан — ижтимоий фойдали фаолият сифатида намоён бўлади<sup>468</sup>.

Ижтимоий-иқтисодий турмушда меҳнат тушунчаси билан бир қаторда иш тушунчасидан ҳам кенг фойдаланилади. Иш деганда табиат ва инсон томонидан бирлашган характерларининг объектив натижаси тушунилади. Меҳаник тарзда бу натижа маълум бир қаршилиқни енгиш учун сарфланаётган энергия миқдори билан ўлчанади.

Меҳнат ва ишнинг миқдори сарфланган вақт — энергия билан ўлчансада, уларни бир-бири билан тўғридан тўғри тенглаштириш мумкин эмас<sup>469</sup>.

Меҳнат инсоннинг ақлий-физиологик фаолияти бўлиб, унга тўғри келадиган иш бу жараённинг объектив натижаси ҳисобланадн. Бирор маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат ва иш миқдорини бир ҳил ўлчовда, яъни килограммометрда аниқланганда ишнинг миқдори меҳнат сарфининг бир қисминигина, ёки аниқроқ қилиб аётганда 20 — 30 % ини, айрим ҳолларда еса ундан ҳам анча кам миқдорини ташкил етиши мумкин. Бажарилган ишнинг миқдорини, жамият аъзолари томонидан Меҳнатнинг сарфланган миқдорига тенглаштириш ёки бир ҳил ўлчовда ўлчаш ҳам нотўғри бўлади. Фаолият жараёнида меҳаник ҳаракатлар қилиниб катта ҳажмдаги иш миқдори бажарилиши мумкин, лекин бу фаолият инсон меҳнатининг маҳсули бўлганлиги

<sup>468</sup> Abdurahmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi.-T.: “O’qituvchi”, 2001. – 456 b.

<sup>469</sup> И.А.Дубровин, А.С.Каменский Экономика труда. Учебник. М.: Издательства “Дашков и К”, 2012.- с. 458.

учун меҳнатга нисбатан тор ва чегараланган фаолиятдир. Меҳнат ва иш тушунчаси бир-бири билан солиштирилганда, иш меҳнатнинг маҳсули деган ҳулосага келамиз. Шу боис унинг сон ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш мумкин.

Ҳатто меҳнат ва иш сўзлари инглиз тилида ҳам ўз мазмуни билан ҳар хил маънони билдиради. Масалан, иш сўзи (инглизча work) кишининг интилиши ва ҳаракати маъносини емас, балки муайян натижа сифатида тушунилади. Меҳнат дейилганда еса (инглизча “job”) конкрет натижадан қатъий назар инсоннинг ҳаракати, интилиши ва энергия сарфлаши каби фаолиятлари тушунилади.

Инсон куч-қувватининг сарфланиш даражаси фаолият турига ва ишлатиладиган меҳнат воситаларига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, агар меҳнат жараёнини тасвирлайдиган бўлсак, у учта асосий таркибий қисмни ўз ичига олади:

- ҳомашё материали (меҳнат предметлари);
- меҳнат воситалари;
- жонли меҳнат сарфлари<sup>470</sup>.

Ана шу учта таркибий қисмнинг ўзаро таъсир кўрсатиш натижаси меҳнат маҳсулоти —табиатнейнг янги маҳсулоти бўлиб, у инсон еҳтиёжларига мослашган бўлади. Булар: йиғиб-териб олинган пахта ҳосили; парвариш қилинган чорва моллари, барпо етилган уй ёки кўприк, тикилган кийим ёки пояфзаллардан ташкил топиши мумкин. Меҳнат предметлари (ҳомашё ва материаллар) ва меҳнат воситалари (ишлаб чиқариш воситалари) жонли меҳнат жараёнига кўшилмаса, улар ўз-ўзидан фаолият кўрсатавермайди. Жонли меҳнат сарфи ўз навбатида фақат кишиларнинг табиатга муносабатидан иборат бўлибгина қолмай, балки амалга оширилаётган жараён қатнашчилари ўртасидаги муносабатдан ҳам иборатдир.

Меҳнатнинг фойдаланиладиган буюмли элементлари ва инсоннинг меҳнатда қатнашиш даражаси бўйича у қуйидаги турларга бўлинади<sup>471</sup>:

1) қўл меҳнати – мутлақо қўлда ёки меҳнатнинг қўл қуроллари ёрдамида бажарилади;

2) меҳанизасиялаштирилган меҳнат – меҳнатнинг меҳанизасиялаштирилган қуроллари ёрдамида амалга оширилади (масалан, электродрел ёрдамида пармалаб, тешик ўйиш, пневматик асбобда метални ямаш);

3) машиналашган меҳнат – асосий иш меҳнат буюмининг шакли, катталиги, ташқи кўринишини ўзгартириш учун ҳодим томонидан бевосита жисмоний куч-ҳаракат сарфламаган ҳолда бошқа-риладиган машина ёрдамида бажарилади. Бунда ҳодим машинани бошқариш ва уни озиклашга оид ёрдамчи ишларнинг элементларинигина қўлда бажаради;

4) автоматлаштирилган меҳнат – асосий иш элементлари тўлиқ автоматлаштирилган, ёрдамчи иш элементлари еса тўлиқ ёки қисман автоматлаштирилган бўлади. Бу жараёнда ҳодим ускуналар тўғри ва доимий созланишини ҳамда уларнинг иш билан таъминланишини назорат қилади.

<sup>470</sup> Кибанов А.Я. Экономика и социология труда: Учебник: - М ИНФРА-М, 2007. - 584 с.

<sup>471</sup> Мумладзе Р.Г. Экономика и социология труда: Учебник -2-е изд., - М.: КНОРУС, 2007-328 с.



Кишиларни меҳнатга жалб этиш усуллари бўйича қуйидагилар фаркланади:

1) иқтисоддан ташқари мажбурлайдиган меҳнат, бунда тўғридан-тўғри мажбурлаш ўрин олган бўлади. Бундай меҳнат шахсий еркинликнинг чекланиши билан тавсифланади, бунга бевосита қуллик ва қарздорлик оқибатидаги қуллик мисол бўла олади. Бевосита мажбурлашдан ташқари, бундай меҳнатга маъмурий ёки қонунчилик тартибида белгилаб қўйилган меъёрлар мавжудлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, меҳнат қилиш умумий мажбурийлигининг ўрнатилиши ҳам худди шунинг ўзидир;

2) иқтисодий мажбурлайдиган меҳнат, яъни зарурат бўйича тирикчиликка маблағ ишлаш учун қилинадиган меҳнат. Бундай меҳнат кишиларнинг аксарият оммасига ҳос бўлган жараёндр;

3) кўнгилли меҳнат, яъни инсоннинг ўз ихтиёри билан қиладиган меҳнати. Бундай меҳнат жараёнида инсон иқтисодий жиҳатдан етарлича таъминланган бўлиб, ишламаслиги мумкин бўлса-да, ўзининг маънавий ва умуминсоний салоҳиятини юзага чиқариш учун ишлаганида амалга оширади. Бундай инсон учун меҳнат қилиш - ўзини намоён этиш, ўз шахсини маънавий жиҳатдан юзага чиқариш воситасидир.

Турли мезонлар бўйича меҳнат турларининг йиғма таснифи. Меҳнат фаолиятининг моҳиятини умумлашган, ҳамда конкрет шаклда олиб қараладиган бўлса, бир-бири билан боғлиқ икки муҳим вазифани ҳал қилишнинг объектив зарурати билан белгиланади. Бу вазифалардан бири — инсонларнинг моддий меҳнат элементлари билан ўзаро ҳаракатга киришувини аниқлашдан иборат бўлса, иккинчиси — биргаликда ёки ўзаро боғлангаи фаолият қатнашчилари ўртасида муносабатлари шаклланишидан иборатдир. Худди мана шу нарса меҳнат фаолиятини ташкил этиш предмети ҳисобланади. Бунинг моҳияти меҳнат фаолиятини ташкил этиш вазифасига (кенг маънода олганда) меҳнат субъектини (айрим ходим ёки меҳнат жамоаси) аниқлаш, уни зарур меҳнат предметлари ва воситалари билан таъминлаш, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш, меҳнат (ишларини бажариш) жараёнларини ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш каби масалаларини ўрганиш билан боғлиқдир.

## **BANDLIKNING IQTISODIY MEKANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH MOHIYATI VA SAMARASI**

*Shodmonov Xayrulla Nosirillaevich,  
TMI “Menejment va marketing” kafedراسи katta o‘qituvchisi  
E-mail: [tmi\\_shodmonov@mail.ru](mailto:tmi_shodmonov@mail.ru)*

Ishlab chiqarish munosabatlarida mehnat faoliyatini tashkil qilish masalasi eng asosiy ko‘rsatkichlardan biridir. Ishlab chiqarish munosabatlarida ishchi kuchi va mehnat qurollari, mehnat predmetlari orasidagi o‘zaro bog‘liqlik yuzaga keladi. O‘zaro bog‘liqlik va ta’sir, mehnat faoliyatini qay holatda tashkil etilganligi natijasidir. Mehnat faoliyatini tashkil etish, bir tomondan uning asoslarini

(huquqiy, ma'naviy-psixologik, iqtisodiy, ijgimoiy) yuzaga kelishi, ikkinchi tomondan mehnat faoliyati mexanizmini shakllantirilishini taqozo etadi.

Xodimlar faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlashning korxonada ish faoliyati tizimidagi o'rni va xodimlar faoliyatini tashkiliy ta'minlashning elementlari 1-chizmada ko'rsatib berilgan. Ushbu chizmaga binoan har qanday korxonada faoliyatini tashkil etishning negizi bo'lgan mehnat taqsimoti korxonada va xodimlar faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlashdan oldin amalga oshirilishi lozim. Hozirgi sharoitda kishilar faoliyatining mehnatdagi buyumlashgan elementlar bilan o'zaro aloqasini o'rnatibgina qolmay, o'zaro hamkorlikdagi faoliyat qatnashchilari bo'lgan «inson-texnika» o'rtasida mehnat munosabatlarini shakllantirish, jonli mehnat samaradorligini oshirish kabi muammolarni echish zarur bo'lmoqda.

Mehnat taqsimoti mehnat faoliyatining sifat jihatidan har xil turlarini alohidalash va ular o'rtasida miqdoriy nisbatlar o'rnatishdir<sup>472</sup>. Mehnat kooperatsiyasi mehnat taqsimoti jarayonining ajralmas jihati bo'lib, u mehnat faoliyatining ayrim turlari o'rtasidagi ishlab chiqarish jarayonining o'zaro aloqalari sifatida namoyon bo'ladi. Korxonada miqyosida mehnat taqsimoti va kooperatsiyasi masalalarini hal etish hamda tashkiliy tuzilmalarni ishlab chiqish xodimlarni shakllantirishdan oldin amalga oshirilishi darkor. Xodimlar faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlashning mazmuni uning tarkibiy elementlari va yo'nalishlari bilan belgilanadi. Xodimlar faoliyatini tashkiliy ta'minlash elementlari 1-rasmda keltirilgan bo'lib, ularning har biri alohida ahamiyatga ega.

Mehnat taqsimoti va kooperatsiyasi. Korxonada miqyosida mehnat taqsimoti amalga oshirilib, uning kooperatsiyasi puxta o'ylab ko'rilgandan keyin korxonada ichida mehnatni chuqur taqsimlash va kooperatsiyalashni amalga oshirish—alohida uchastkalar, xodimlar o'rtasida mehnatni taqsimlash, xodimlarni joy-joyiga qo'yish, ular faoliyatining o'zaro bog'lanishi va sinxronizatsiyasini ta'minlash imkonini beradi<sup>473</sup>.

Mehnat jarayonlarini tashkil etish. Mehnat faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlash mehnat jarayonlarini tashkil etish, ya'ni aniq ish turini bajarishda qo'llaniladigan usullarni belgilab olishni nazarda tutadi. Mehnat jarayonlarini o'rganib chiqish va uni amalga oshirishga qancha ish vaqti sarflanishi zarurligini aniqlash eng yaxshi ish usullarini tanlash, ish joylarini oqilona taqsimlash imkonini beradi.


Mehnatni me'yorlash. Mehnat me'yorini belgilamasdan turib, xodimlar faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlab bo'lmaydi. Mehnatni me'yorlash xodimlar faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlashning turli variantlarini baholash vositasi bo'lib xizmat qiladi. Har qanday tashkiliy o'zgarish ish vaqti sarflariga ma'lum darajada ta'sir etishi tufayli mehnatni me'yorlash ushbu o'zgarishlarni miqdoran baholab, eng oqilona variantni tanlash imkonini beradi.

---

<sup>472</sup> И.А. Дубровин, А.С. Каменский Экономика труда. Учебник. М.: Издательства “Дашков и К”, 2012.- с. 458.

<sup>473</sup> Р.Г. Мумладзе, Н.В. Быковская, Н.М. Иванова Экономика труда: учебное пособие / Р.Г. Мумладзе, Н.В. Быковская, Н.М. Иванова. – М.: РУСАЙНС, 2016. – 190 с.





**1-rasm. Korxonada faoliyatini tashkil etishda xodimlarning mehnat faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlash**<sup>474</sup>

Ish joylarini tashkil etish. Mehnat jarayoni ma'lum vaqt va makonda amalga oshiriladi. Ish joyi mehnatni makoniy qo'llash ob'ekti bo'ladi. Ish joyi ishlab chiqarish jarayonining birlamchi bo'g'ini va tashkiliy-texnikaviy negizidir. Aynan unda ushbu jarayon uch asosiy elementining birlashishi ro'y beradi va uning bosh maqsadi – mehnat buyumining moddiy jihatdan o'zgartirilishiga erishiladi. Shu sababli ishlab chiqarish topshiriqlarini o'z vaqtida va sifatli bajarish uchun har bir ish joyi aniq ishning tabiatiga ko'ra muayyan tarzda tashkil qilingan bo'lishi.

Mehnat sharoitlari. Mehnat sharoitlarini yaratish xodimlar faoliyatini ma'naviy va moddiy jihatdan ta'minlashning ajralmas qismi bo'ladi. Mehnat sharoitlari insonning salomatligi va ish qobiliyatiga katta ta'sir ko'rsatadigan muhim omildir. Mehnat sharoitlarini yaxshilash, ishning qiziqarliligini oshirib, mehnatga ijodiy munosabatda bo'lishiga ko'maklashib, katta ijtimoiy vazifani ham bajaradi.

Me'nat va dam olish tartiblari. Bir qator mualliflar mehnat va dam olish tartiblarini takomillashtirish masalalarini mehnat sharoitlarini oqionalashtirishning yagona muammosi doirasida ko'rib chiqadilar. Biz bunday yondashuvga e'tiroz qilmaymiz, lekin ushbu masalalar ma'lum xususiyatlarga ega ekanligi va nisbatan

<sup>474</sup> Abdurahmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti. - T.: "Mehnat", 2009. - 763 bet.

mustaqilligi tufayli ularni xodimlarning faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlashning alohida elementi deb qarash maqsadga muvofiqdir.

Xodimlarni tanlash, tayyorlash va malakasini oshirish. Tashkiliy vazifalarni hal qilishda xodimlarni tayyorlash va ularning faollik darajasini oshirish katta ahamiyatga ega. Bozor munosabatlarini rivojlantirish xodimlarni tayyorlash va malakasini oshirishga yondashishni tubdan o'zgartiradi. Yangi sharoitlarda xodimlar bilan ishlash sohasida vaziyatga moslashuvchanlik zarur, ya'ni kasbiy tuzilma ishlab chiqarishning texnikaviy negizi o'zgarib borishiga muvofiq ravishda o'zgaruvchan bo'lishi lozim.

Mehnatni rag'batlantirish. Mehnatni moddiy va ma'naviy rag'batlantirish tizimini yaratish ish haqi, lavozim maoshi turlari va tizimlaridan foydalanish, mukofotlash tizimlarini ishlab chiqish kabilarni nazarda tutadi. Mehnatni rag'batlantirishni tashkil etish mehnat faoliyatida yuksak ko'rsatkichlarga erishish maqsadida ish vaqtidan oqilona foydalanish, ilg'or ish usullarini o'zlashtirish, ish joylarini yaxshiroq tashkil etish, ishda zaruriy aniqlik va uyushqoqlikni ta'minlashga qaratilishi lozim.

Ijtimoiy-mehnat munosabatlari. Hozirgi vaqtda «ijtimoiy-mehnat munosabatlari» atamasi ilmiy iste'molga kirib qoldi va faol ravishda ishlatilmoqda. U nomlayotgan realliklarni tarkibiy element sifatida xodimlarning mehnat faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlashga kiritish o'rinlidir.

Mehnat intizomi. Korxonalar xodimlarining umumiy mehnat natijalari har bir xodimning shaxsiy mehnat natijalariga bog'liqdir. Shu sababli ularning birgalikda faoliyat olib borishlari uchun muayyan tartibni saqlab borish, ishning boshlanishi va tugallanishi, tanaffuslar va hokazolarga rioya etish lozim. Bundan tashqari esa mehnat intizomini saqlab borishning aniq mexanizmi ham zarur.

Bozor iqtisodiyoti davrida raqobatda engib chiqishning asosiy omillaridan biri makroiqtisodiyotga taalluqli, ijtimoiy va shaxsiy sektorlardagi korxonalarda ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga erishishdir. Bu asosan mavjud ishchi kuchidan oqilona foydalanish evaziga erishiladi. O'z navbatida ishchi kuchidan samarali foydalanish ko'pincha har xil bajarilishi zarur bo'lgan ishlarning ayrim ijrochilar o'rtasida to'g'ri taqsimlanishiga, ya'ni ularning malakasiga, tajribasiga va zukkoligiga yarasha ish bilan bab-barovar ta'min etilishiga bog'liqdir.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИДА**

*А.И. Ибрагимова,  
АТБ "Намкорбанк" лойиҳа офиси раҳбари,  
мустақил тадқиқотчи*

Адабиётлардан ва амалиётдан маълумки, рақамлаштириш - бизнес моделни ўзгартириш ва шу асосда юқори даромад ҳамда қиймат келтирувчи имкониятларни таъминлаш мақсадида рақамли технологиялардан фойдаланишдир. Бошқача айтганда, бу – рақамли бизнесга ўтиш жараёнидир. Айни пайтда, банк тизимида бизнес жараёнларини рақамлаштириш банк

маҳсулот ва хизматларини бозорга етказиб беришни жадаллаштириш ва мослашувчанликни янада ошириш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банклараро ҳамда банк-мижоз молиявий муносабатларини рақамлаштириш нафақат ривожланган мамлакатлар учун, балки ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам истиқболдаги устувор вазифалар қаторига киради. Бу эса, ўз навбатида, ўзига хос рақамли очик экотизимни тақозо этади ва унда ташкилотлар томонидан амалга оширилган операциялар шаффофлиги таъминланади. Шунингдек, банк хизматларининг рақамлаштирилиши натижасида банклар ва мижозларнинг турли шубҳали ва ноқонуний битимларда иштирок этишининг олди олинади.

Рақамлаштириш одатлар ва иш жараёнлари мумкин бўлган самарадорликни ошириш имкониятларини ҳисобга олиб ўзгартирилганда юқори наф келтириши мумкин<sup>475</sup>.

Ахборот технологияларининг ривожланиши рақамли банк моделини жорий этувчи тижорат банклари кўламининг ортишига хизмат қилади. Масалан, таниқли аналитик К.Скиннернинг фикрича, 2025 йилга келиб, рақамли банклар анъанавий банкларни тўлиқ бозордан қувиб чиқариши мумкин ва бу, ўз навбатида, молия тизимида туб ўзгаришларга олиб келади<sup>476</sup>. Бу жараёнда “Буюмлар интернетини” (Internet of Things) ва “Улкан маълумотлар” (Big data) ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хусусан, “Улкан маълумотлар” очик банк фаолияти (Open Banking), биометрия ва мижозларни масофадан идентификациялаш, банклараро коммуникацияларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Рақамли активларни бошқаришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим омил саналади.

Шу билан биргаликда, рақамли трансформация шароитида банк фаолияти ривожланиши концепциялари ва моделларини таҳлил қилиш, уларнинг турлари ва моҳиятини англаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таниқли иқтисодчи Б.Кинг томонидан амалга оширилган таснифлар эътиборга молик. Хусусан, Банк 1.0 модели тарихий, асосий кириш нуқтаси сифатида анъанавий банк филиалини ўзида мужассам этади. Ривожланиш тарихи XII асрга бориб тақалади.

Банк 2.0 модели банкнинг иш вақтидан ташқарида хизматлардан фойдаланишни таъминлашга қаратилган биринчи уринишлар билан боғлиқ бўлиб, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг пайдо бўлишини англатади. Банкоматларнинг жорий қилиниши билан бошланган ва 1995 йилга келиб тижорат интернетини ёрдамида янада тараққий этган.

Банк 3.0 модели 2007 йилда смартфон пайдо бўлиши, мобил тўловларга ўтишининг тезлашиши, булутли технологиялар, улкан маълумотлар, буюмлар

---

<sup>475</sup> Kuusisto M. Organizational effects of digitalization: a literature review Int. J. Organ. Theor. Behav., 20 (3) (2017), pp. 341-362

<sup>476</sup> <https://offshoreview.eu/2018/05/29/tsifrovyye-banki-i-kak-oni-vliya-yut-na-nashu-zhizn/>

интернети, P2P ва мобил қурилмалар устига қурилган тажовузор (challenger) банкларга ўтиш билан тавсифланади<sup>477</sup> (Кинг, 2014).

Банк 4.0 модели ўрнатилган, ҳамма жойда мавжуд бўлган банк хизматлари технология қатлами орқали реал вақтда тақдим этилади. Реал вақт, контекстли тажрибалар, кенгайтирилган реаллик ва сунъий интеллектга асосланган ақлли маслаҳат қатлами устунлик қилади. Омниканаллар (omni-channel) орқали ҳамма жойда мижозлар билан алоқа каналлари таъминланади.

Электрон банк фаолияти (e-banking) эволюцияси Буюк Британияда ва АҚШда 1920-йилларда бошланган бўлиб, 1960-йилларда кенг оммалашган. Веб-банкнинг (web banking) тушунчасининг пайдо бўлиши 1980-йилларга бориб тақалади.

Электрон банк хизматлари банкоматлар, Интернет-банкнинг, мобил банк хизматлари, электрон клиринг хизмати, электрон пул ўтказмалари ва бошқа кўплаб бошқа хизматларни қамраб олади. Барча банк операцияларини уйдан чиқмасдан ва навбатларда вақт сарфламасдан яқунлаш учун барча хизматлар 24x7 режимида мавжуддир.

2018 йилдан бошлаб, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга эътибор кучайди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 30 июнда қабул қилинган “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 22/5-сон қарори асосида миллий қонунчиликда илк бор рақамли банк атамаси пайдо бўлди. Шундай қилиб, рақамли банк – инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмасидир. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банк ички тартиб қоидаларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

2020 йилнинг март ойида, Марказий банк ҳузуридаги Банк назорати бўйича кўмита томонидан АЖ ANOR BANK рақамли банкнинг ташкил этишга дастлабки рухсат берилган бўлса, шу йилнинг август ойига келиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви Тошкент шаҳрида “ANOR BANK” акциядорлик жамиятини рўйхатдан ўтказиш ва унга банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 11 апрелдаги қарорига мувофиқ, «ТВС Банк» акциядорлик тижорат банкига банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган. Таъкидлаш лозимки, «ТВС Банк» миллий тўлов операторларидан бири – «Рауме» тизимининг 51 фоиз акцияларига эгалик қилади.

---

<sup>477</sup> Кинг, Б. Банк 3.0. Почему сегодня банк – это не то, куда вы ходите, а то, что вы делаете [Пер. с англ. М. Мацковской]. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2014. – 520 с.

Шунга қарамай, банк секторида фундаментал муаммолардан ҳисобланган давлат улушини камайтириш, шу мақсадда трансформацияни амалга ошириш кун тартибидаги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Мазкур трансформация дастурларида банк хизматлари рақобатбардошлигини ошириш ҳам кўзда тутилган бўлишига қарамай, бу жараёни тўлақонли рақамли трансформация деб аташ қийин. Бошқача айтганда, йирик, тизим аҳамиятига эга банклар томонидан рақамли трансформациялашув бўйича мусобақа ҳанузгача фаол босқичга чиққани йўқ.

Рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон банк сектори ривожланишининг ҳозирги босқичи Банк 2.0 моделидан Банк 3.0 моделига ўтиш жараёни билан тавсифланади. Шунга қарамай, Банк 3.0 моделига тўлиқ ўтиш учун рақамли иқтисодиётнинг базавий технологиялари, хусусан, булутли технологиялар, улкан маълумотлар, буюмлар интернет кабиларни фаол жорий этиш талаб этилади. Бундан ташқари, P2P платформаси орқали кредитлашни ривожлантириш блокчейн технологияларидан фаол фойдаланишни ҳамда очик банк фаолияти (open banking) шаклидаги янги турдаги фаолиятни йўлга қўйишни тақозо этади.

Фикримизча, рақамли банк фаолиятини ривожлантириш республикамиз банк секторининг рақобатбардошлигини сақлаб қолишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу боисдан, тижорат банклари молиявий хизматларни рақамлаштириш борасида аниқ стратегияга эга бўлиши талаб этилади.

Молиявий активларнинг рақамли авлодларининг пайдо бўлиши тижорат банкларининг рақамли активларга инвестицияларини оширишни, бошқача айтганда, инвестицион банк фаолиятини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Бундан ташқари, банк бизнес жараёнлари модели ҳам рақамли технологиялар имкониятларидан келиб чиқиб такомиллаштирилиши керак.

Таъкидлаш лозимки, рақамли иқтисодиёт шароитида банк хизматларини ривожлантириш мамлакатимиз банк тизимини жаҳон талабларига жавоб беришига олиб келади, бу ўз навбатида, тижорат банкларимизнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

*А.Л. Гулямова,  
“Г.В. Плеханов номли РИУ”нинг Тошкент  
шаҳридаги филиали, "Халқаро иқтисодиёт"  
кафедраси ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи*

Маълумки, инновацион фаолият республикамизни ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг жадаллашувида ҳамда миллий рақобатбардошлик тизимини қўллаб - қувватлашда энг муҳим воситадир. Айниқса, миллий

рақобатбардошлик тизимининг таркибий қисми сифатида кредит муассасаларининг ўрни ва роли алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу эса миллий банк тизимининг хўжалик юритувчи субъектларни молиявий маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжини таъминлаши, хўжаликлараро пул оқимлари ҳаракатини ташкил қилишида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга миллий банк бозоридаги кескин рақобат муҳити тобора шаклланиб, тижорат банклари учун рақобатбардошлик мавқеини сақлаб қолиш ва уни янада кенгайтиришга имкон берадиган янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва такомиллаштириш кун тартибидаги долзарб масала бўлиб қолди.

Таъкидлаш лозимки, кредит муассасаларининг инновацион фаолияти билан боғлиқ масалалар тижорат банклари ҳамда миллий макроиқтисодий тизим учун ҳам муҳим ва устувор аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев республикамиз замонавий банк тизими ҳақида фикр юритиб, “Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда”<sup>478</sup> деб таъкидлаши мамлакатимизда молия-кредит тизимида амалга ошириш лозим бўлган муҳим масала сифатида рақамли технологияларни янада ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни эътироф этишимиз лозим.

Банк амалиётида инновацияларнинг кириб келиши молия-кредит соҳасида кескин ўзгаришлар олиб келиши табиий, чунки инновациялар аввола, тижорат банклари томонидан инновацион маҳсулотлар, хизматлар ва рақамли технологияларни жорий этилишини назарда тутди.

Республикамиз банк тизимида инновацион характердаги технологиялар жорий қилиниб, етакчи тижорат банклари янги турдаги молиявий маҳсулотлар ва хизматларни жорий этишни давом эттирмоқдалар. Инновацион технологиялар республика молия институтларининг рақобат муҳити ва уларнинг бозорлари тузилишини тубдан ўзгартирмоқда, банкларнинг филиаллар тармоғини, молиявий хизматларда иш билан банд бўлганлар сонини камайтирмоқда, шу билан бирга реал вақт режимида уларни тақдим этишни кенгайтирмоқда, келгусида кўп функционалли рақамли банклар тизимини шакллантириш учун инфратузилма яратилмоқда.

---

<sup>478</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz>.



**1-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони (турлари бўйича), 2020 йил, 1 январь ҳолатига**<sup>479</sup>

Шунингдек, банк хизматларидан фойдаланувчилар таркибида ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, 1-расмда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари хизматларидан масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони сўнгги беш йилда 27 марта кўпайганлигини кўриш мумкин. Айниқса, жисмоний шахсларнинг улуши тобора кескин ошиб бормоқда. Табиийки, банк хизматларидан масофадан фойдаланувчиларнинг ошиши тижорат банкларидан молия бозорига янги инновацион банк маҳсулотларини таклиф қилишни тезлаштиришга ундайди.

Тадқиқотлар инновацион банк маҳсулотини бозорга чиқаришда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли стратегияни яратилиши ва рақамли лойиҳаларда анъанавий иқтисодий жараёнларнинг рақамли муҳит билан ўзаро интеграциясининг янги усулларини ўзлаштириш орқали банк хизматларининг рақамли интерфаол моделига хос бўлган тамойилларни жорий қилиш мақбул вариант сифатида таклиф қилинмоқда. Фикримизча, банк хизматларининг рақамли интерфаол моделини жорий қилиниши тижорат банкларининг инновацион сиёсат стратегиясини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Банк тизимидаги рақамли интерфаол моделида банк хизматларининг юқори сифатли даражасига асосланган иккита йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси - мижозларнинг кредит ташкилотидан жисмонан узоқлиги ва уларнинг бир-бирлари билан жисмоний контактсиз ишбилармонлик алоқалари бўлса, иккинчиси – “инсон иштирокисиз” технологиялардан фойдаланган ҳолда банкларни комплекс роботлаштириш асосида банклардаги рақамли трансформациядир.

Банк тизимидаги рақамли трансформация бугунги кунда янги парадигма сифатида қаралмоқда. Трансформацияларни амалга ошириш жараёнида банкларнинг табиатидаги ўзгаришлар бутун тармоқлар учун

<sup>479</sup> <https://cbu.uz/oz/statistics/paysistem/134588/>.

ривожланиш учун туртки бўлиши мумкин. Рақамли модернизация анъанавий банкларга мижозлар эҳтиёжини қондириш ва содиқлигини ошириш, узок муддатли муносабатларни ривожлантириш учун янги имконият беради.

Чунки, банк соҳасидаги замонавий хорижий тадқиқотлар дунёнинг ривожланган мамлакатлари банклар банк хизматларининг рақамли моделига доимий равишда мослашиб бораётганлигидан кўрсатиб бермоқда. Жаҳон банк тизими билан республикамиз банкларининг ўзаро интеграцияси кучайишининг ҳозирги босқичи кредит ташкилотларининг мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамли трансформациясини амалга ошириш билан узвий боғлиқлиги, банкларимиз рақамли модели моҳиятини амалиётга татбиқ қилишга алоҳида эътибор беришлари лозимлигини кўрсатади.

Фикримизча, банк хизматларининг рақамли модели билан аввалги моделлардаги мижозлар билан алоқа муносабатларини ташкил этишдаги жиҳатидан фарқи шундаки, мазкур моделда банклар янги алоқа каналларини жорий этишга эмас, балки мавжудларининг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратишлари лозим бўлади.

Банк хизматларининг рақамли моделини ривожлантириш кредит ташкилотлари олдига янги вазифаларни кўяди, уларнинг бажарилиши мижозларга тақдим этилаётган хизматлардан максимал даражада қониқишини таъминлайди, кредит ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширади, шунингдек, банк хизматларини кўрсатишга принципал равишда банк хизматларида янги ёндашувларни яратади.

Янги рақамли рақобат шароитида банк хизматларини ривожлантириш йўналишларини белгилашга асос бўлиб хизмат қиладиган банк тизимида молиявий технологияларни банк тизимидаги ўзгарувчан тенденциялар сифатида қўллаш амалиётини кузатиб боришдир.

Фикримизча, банкларимиз амалиётида инновацион жараёнлар таъсирида руй бераётган ўзгаришлар мамлакатимиз банк тизимини замонавий чорловларга ҳозиржавоб бўлишга, рақамли технологиялар эса молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## **ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ХУСУСИДА**

*Н.Х. Тилаволдиев,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депутати,  
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси*

Риск ва ноаниқлик шароитида ресурсларни тўғри тақсимлаш, жамғармаларни инвестицияларга трансформациялашувида молиявий воситачилик тизими муҳим роль ўйнайди. Молиявий воситачилар молиявий ресурсларни уларнинг эгаларига нисбатан самаралироқ жойлаштириш имкониятига эга бўлиб, бунинг сабаблардан бири уларнинг шу соҳага чуқур ихтисослашганликларидир. Шунга қарамай, молиявий институтлар ҳам вақт



ўтиши билан янада ривожланиб, жамғармаларни инвестициялашда фаол иштирок этувчи институционал инвесторлар муайян мамлакат капитал бозори ривожланишининг муҳим институционал асосига айланди.

Республикамизда ҳам инвестицияларни қўллаб қувватлашда фақатгина банк тизимига боғланиб қолмаслик учун миллий капитал бозорини ривожлантириш, унинг самарали фаолият юритишининг институционал асоси бўлган институционал инвесторлар тизимини шакллантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Фонд бозорида инвесторлар деганда ортиқча пул маблағларига эга бўлган ва уларни қимматли қоғозларга жойлаштирадиган шахслар тушунилади<sup>480</sup>. Масалан, У.Шарпга кўра, кенг маънода институционал инвесторлар бўлиб, молиявий воситачиларнинг исталган тури ҳисобланади. Бу атама институционал инвесторларни индивидуал инвесторлардан ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. Зеро, индивидуал инвесторларнинг қимматли қоғозлар портфелидан оладиган даромадлари фақат уларнинг ўзигагина тегишли бўлади<sup>481</sup>.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳисоботларида институционал инвесторлар атамасига мурожаат қилинган бўлиб, унга кўра институционал инвесторлар категориясига учинчи шахслардан пул маблағларини қабул қилувчи ва уларни кейинчалик мазкур шахслар манфаатлари йўлида ўз номидан инвестицияларга жойлаштирувчи молиявий институтлар тааллуқлидир<sup>482</sup>.

Худди шу сингари қараш Жаҳон банки гуруҳи иқтисодчиларининг илмий ишларида ҳам кузатилади. Хусусан, институционал инвесторлар сифатида суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари ва ўзаро (mutual) инвестицион фондлар келтирилган.

Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботларида институционал инвесторлар инвестиция фондлари, суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари ва бошқа институционал инвесторларга таснифланган. Бу ерда бошқа институционал инвесторлар барча институционал инвесторлар активларининг атиги 1 фоизига эгаллик қиладилар. Бундан кўринадики, Халқаро валюта жамғармаси ҳам асосий институционал инвесторлар сифатида инвестиция фондлари, суғурта компаниялари, пенсия жамғармаларини эътироф этади.

Шунингдек, Халқаро ҳисоб-китоблар банки мутахассисларининг таҳлилий ҳисоботларида институционал инвесторлар сафига суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари ва жамоавий инвестициялаш институтлари (collective investment vehicles) киритилган<sup>483</sup>.

<sup>480</sup> Миркин Я.М. (1995) Ценные бумаги и фондовый рынок. М.: Перспектива, 1995, 324 с.

<sup>481</sup> Шарп У.Ф. и др. (2001) Инвестиции: Учебник/ У.Ф. Шарп, Г.Дж. Александер, Дж.Бэйли, Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001. - XII, 1028 с.

<sup>482</sup> OECD (2013). Role of Banks, Equity Markets and Institutional Investors in Long-Term Financing for Growth and Development - OECD 2013, P.15.

<sup>483</sup> BIS (2003). Incentive structures in institutional asset management and their implications for financial markets. / Bank for International Settlements, Basle, 2003, P.8.

Институционал инвесторларнинг инвестициялари доимо бошқалар ҳисобидан ва манфаатини кўзлаб амалга оширилади ва шу сабабга кўра ҳам исталган давлатда алоҳида тартибга солиш объекти сифатида қаралади.

Институционал инвесторларнинг фаол сиёсати натижасида молия бозорларининг ликвидлиги ортади, бунинг натижаси ўлароқ, трансакцион харажатлар қисқаради. Шунингдек, улар инвестицияларни диверсификациялаш ва хеджирлашни хусусий шахсларга нисбатан самаралироқ амалга ошириш имкониятига эга.

Фикримизча, институционал инвесторларнинг капитал бозори ривожланиши жараёнидаги муҳим устун жиҳатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– доимий ахборотларнинг катта оқимини мониторинг қилиш ҳисобига ахборотларни излаш ва қайта ишлаш харажатларининг камайиши;

– операцияларни сезиларли даражада катта ҳажмларда амалга ошириш, юқори малакали мутахассислар ва самарали ташкилий тузилма ҳисобига трансакцион харажатларнинг қисқариши;

– хўжалик субъектларининг жамғармаларини инвестицияларга айлантириш орқали институционал инвесторлар вақтинчалик бўш пул маблағларини трансформация қилишнинг тартибга солувчисига айланади.

Бундан ташқари, жаҳон иқтисодиётида молия бозорининг турли сегментларидан бўлган хусусий молия институтларининг (банклар, суғурта компаниялари, нодавлат пенсия жамғармалари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари) функциялари интеграцияси ва универсаллашуви, яқинлашуви ва ўзаро боғлиқлиги ортиб бормоқда. Хусусан, институционал инвесторлар, биринчи навбатда, банк тузилмалари, хедж фондлари, суғурта ва брокерлик компаниялари, пенсия ва инвестиция фондлари, шунингдек, хусусий капитал фондлари ва пул бозорининг фаол ўзаро таъсири мавжуд. Бунинг натижаси ўлароқ, институционал инвесторлар ўз миқдорларига бир вақтнинг ўзида бир-бирини тўлдирувчи инновацион молиявий технологиялар асосида ҳисоб-китоб ва тўлов, кредит ва депозит, инвестиция, суғурта хизматларини таклиф қилишмоқда.

Мамлакатимизда ҳам инвестиция ва пай фондлари, суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари каби институтлар бўлишига қарамай, уларнинг бир-бирларини ривожлантиришдаги роли ҳануз етарли эмас. Биргина суғурта компаниялари мисолида оладиган бўлсак, уларнинг фонд бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш, суғурта компаниялари активларини риск даражасини баҳолаш ва бошқариш, хусусан, бозор рискларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Институционал инвесторлар нафақат ички инвестицияларни жалб қилишнинг, балки иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ҳам драйвери ҳисобланади.

Фикримизча, республикамиз иқтисодиётида институционал инвесторлар салоҳиятидан тўла қонли фойдаланиш мақсадида қуйидаги таклифларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, институционал инвесторлар хусусий шахсларнинг узоқ муддатли жамғармаларини жамловчи муҳим молиявий воситачиларга айланишидан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг иқтисодиётда давлат улушини камайтириш, хусусийлаштириш жараёнларидаги ролини ошириш чораларини кўриш зарур. Бинобарин, Ўзбекистонда давлат унитар корхонаси ташкилий-ҳуқуқий шаклида фаолият юритган айрим саноат ва молия сектори корхоналарини (Навоий кон металлургия комбинати, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки) акциядорлик жамиятлари шаклига ўтказиш тенденцияси кузатилмоқда. Яқин истиқболда IPO орқали давлат улушини инвесторларнинг кенг оммасига сотиш жараёнида институционал инвесторларга зарурат туғилиши табиий.

Иккинчидан, миллий капитал бозорини ривожлантириш стратегиясида институционал инвесторлар тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг ривожланиши учун зарурий шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар яратиш чоралари белгиланиши керак.

Учинчидан, институционал инвесторлар салоҳиятидан Тошкентни Марказий Осиёда минтақавий молиявий марказга айлантириш йўлида тўлиқ ва самарали фойдаланиш лозим. Ушбу мақсадда ислом молиявий инструментлари бозорини шакллантириш, ислом банк моделини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, миллий капитал бозорига хорижий институционал инвесторларни фаол жалб қилиш ҳам ушбу йўналишда устувор аҳамият касб этади.

## **ПАНДЕМИЯНИНГ МАМЛАКАТ ТЎЛОВ БАЛАНСИГА ТАЪСИРИ ВА УНИ ЮМШАТИШ ЧОРАЛАРИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

*С.Х. Жумаева,  
Марказий банк ходими,  
Банк-молия академияси тингловчиси*

Маълумки, COVID-19 пандемиясининг тарқалиши оқибатида глобал таъминот занжирларида узилишлар содир бўлди. Бу эса, халқаро савдо ва инвестициялар оқимига сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Экспорт тушумларининг пасайиши натижасида миллий валюталар алмашув курсига нисбатан кучли босим, капиталларнинг чиқиб кетиши, марказий банкларнинг валюта интервенцияси оқибатида эса халқаро захираларнинг камайиши юз берди. Хусусан, Ўзбекистон шароитида ҳам пандемия сабабли юзага келган иқтисодий инқироз чуқурлашувининг олдини олиш, унинг оқибатларини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хўжалик субъектларининг фаолиятини имкон қадар тиклаш, инқироздан катта зарар кўрган корхоналарга кўмаклашиш, солиқ ва кредит таътиллари тақдим этиш, ижара тўловларидан озод этиш кабилар шулар жумласидандир.

Айни пайтда, пандемиянинг мамлакат тўлов балансиغا таъсирини баҳолаш, уни юмшатишга қаратилган оқилона сиёсат ва дастакларни қўллаш долзарб аҳамият касб этади.

Пандемия шароитида ҳукуматлар иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатиш учун турли сиёсат ва механизмлардан фаол фойдаланмоқда.

М.Гузман, Ж.Окампо ва Ж.Стиглицларнинг таъкидлашича, давлат аралашувисиз бозорлар на самарали ва на барқарор бўлади. Ҳозирги кунда амалда деярли барча давлатлар бозорга аралашади, энг кам аралашув ҳеч бўлмаганда фоиз ставкаларини ўрнатиш (монетар сиёсат ёрдамида) орқали юз беради<sup>484</sup>.

Р.Накатани томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатнинг асосий экспорт товарлари нархининг кескин тушиши шароитида валюта девальвациясининг иқтисодиётга таъсири ижобий бўлади<sup>485</sup>.

Иқтисодчи олимлар А.Ш. Бекмуродов ва Н.Х.Жумаевларнинг фикрича, тўлов балансига монетар ҳодиса сифатида қараш ва уни тартибга солиш учун фақатгина пул-кредит ва валюта сиёсати дастакларидан фойдаланиш етарли бўлмайди. Шу боисдан, тўлов балансини тартибга солишда монетар ва валюта механизмларидан фойдаланиш билан чекланмасдан, юқори қўшилган қийматни таъминловчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатдаги тадбиркорлик ва инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва бу жараёнда монетар ва фискал-бюджет сиёсатининг дастаклари комбинациясидан оқилона фойдаланиш талаб этилади<sup>486</sup>.

Шунингдек, айрим тадқиқотчилар тўлов баланси инқирозини бартараф этишда монетар сиёсат трансмиссион каналлари, банк секторидаги ликвидлилик, тузилмавий ликвидлилик дефицити, молия тизими тузилмаси, молия бозорларининг ривожланиши, молиявий барқарорлик рисклари каби омиллар ҳисобга олиниши кераклигини таъкидлайдилар<sup>487</sup>.

Маълумки, пандемиянинг иқтисодий оқибатлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бирдек салбий бўлди. Пандемиянинг мамлакатлар иқтисодиётларига салбий таъсирини баҳолаш учун уларнинг тўлов балансларидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ўринли бўлади.

АҚШда глобал пандемия таъсирида савдо баланси дефицити ошди, экспорт эса ўзининг 10 йилликдаги энг паст кўрсаткичини қайд этди. 2020 йилнинг биринчи чорагида жорий операциялар ҳисобварағи дефицити 104,2 млрд. АҚШ долларини ёки мамлакат ЯИМнинг 1,9 фоизини ташкил этди. Ушбу дефицитнинг пайдо бўлишига маълум маънода COVID-19 пандемияси ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, бизнес вакиллари чекланган шароитда

<sup>484</sup> Guzman M., Ocampo J.A., Stiglitz J.E. (2018) Real exchange rate policies for economic development// World Development 110 (2018) 51–62.

<sup>485</sup> Ryota Nakatani (2018) Adjustment to negative price shocks by a commodity exporting economy: Does exchange rate flexibility resolve a balance of payments crisis? //Journal of Asian Economics 57 (2018) 13–35.

<sup>486</sup> Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х. Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари//”Uzbridge” электрон журнали. I сон. 2019 й. Б.3-14.

<sup>487</sup> Sinyakov Andrey, Yudaeva Ksenia (2016). Central bank policy under significant balance-of-payment shocks and structural shifts // Russian Journal of Economics 2 (2016) 246–278.

фаолият олиб боришларига тўғри келди, туристларнинг чегаралар бўйлаб ҳаракати тақиқланди.

2020 йилнинг 1-чораги якунига кўра Ўзбекистон Республикаси жорий операциялар ҳисобварағи сальдоси дефицит билан чиққан ва 812,18 млн. АҚШ долларини ташкил этган (1-жадвалга қаранг). Бироқ, жорий операциялар ҳисобварағи дефицитини фақат глобал пандемия билан боғлаш тўғри бўлмайди. Чунки ўтган йилнинг мос даврида ҳам дефицит мавжуд бўлиб, 1049,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Умуман олганда, мамлакатимизда сўнгги икки йилда жорий операциялар ҳисобварағи дефицит билан чиқмоқда (2019 йил 3-чоракдан ташқари).

### 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси таркиби<sup>488</sup>

млн. АҚШ доллариди

№	Тўлов баланси бўлимлари	2016 йил I чорак	2017 йил I чорак	2018 йил I чорак	2019 йил I чорак	2020 йил I чорак
I	Жорий операциялар ҳисобварағи қолдиғи	-375,25	-280,87	-225,65	-1049,90	-812,18
1.1	Товарлар қолдиғи	-624,51	-899,70	-770,86	-1696,74	-1578,99
1.2.	Товарлар ва хизматлар баланси қолдиғи	-940,43	-1242,19	-1340,70	-2250,78	-2038,04
II	Капитал операциялар ҳисобварағи қолдиғи	-372,78	-272,98	-197,53	-914,8	-812,03
II	Молиявий ҳисоб	-2,57	40,93	-412,19	-2206,14	-719,71

Сўнгги икки йилда республикаимизда молиявий йилнинг барча чоракларида товарлар импорти унинг экспортидан юқори бўлган. Шунингдек, бу ҳолат хизматлар экспорти ва импортида ҳам юз берган.

COVID-19 пандемияси дунё иқтисодиётида эришилган иқтисодий интеграция, глобал таъминот занжирларига салбий таъсир қилди. Унинг оқибатлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги пасайиш, ташқи савдо ва инвестициялар кўламининг тушиб кетишида яққол намоён бўлди. Буни мазкур давлатларнинг тўлов баланслари ҳолати ҳам тасдиқлайди.

Пандемия шароитида экспорт тушумларининг пасайиши, савдо балансининг дефицитини қоплаш хорижий захираларни сарфлашга олиб келиши мумкин. Бошқа томондан, давлат ташқи қарзининг ортиб бориши билан халқаро ликвидлилик ва тўлов қобилиятини сақлаб туриш учун ҳам аввалгидан кўпроқ захиралар талаб этилади.

Сўмнинг Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари валюталарига нисбатан реал алмашув курси кескин ортиб кетишига йўл қўймаслик ва шу мақсадда сўм алмашув курсининг эркин шаклланиши ва қадрсизланишига йўл қўйиш керак. Фикримизча, сўм девальвациясининг миллий иқтисодиёт

<sup>488</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

учун самараси қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, хорижий компанияларнинг баланслари таркибидаги миллий валютадаги харажатларнинг камайишига олиб келади; иккинчидан, компанияларнинг фойдаси ортиши ҳисобига давлат бюджетига солиқ тўловлари ҳажми ортади; учинчидан, товарлар экспортини рағбатлантиради; тўртинчидан, Марказий банкнинг олтин-валюта захиралари ҳажми сақлаб қолинади; бешинчидан, импорт нархларининг қимматлашиши натижасида аҳолининг импорт товарларидан маҳаллий товарлар харидига ўтиши боис, маҳаллий саноат ривожланади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун Марказий банк сиёсати молиявий ресурслар нархини пасайтириш ва муомаладаги пул массасини турли ликвидликни ошириш тадбирлари (РЕПО, кредит аукционлари, очиқ бозордаги операциялар) орқали кўпайтиришга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

## **МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА ТЎЛОВ БАЛАНСINI ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Тўраев Д.С.  
Марказий банк ходими,  
Банк-молия академияси*

Иқтисодий глобаллашув, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва иқтисодий муносабатларларни трансмиллийлаштиришнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг тўлов баланси каби муҳим макроиқтисодий кўрсаткичнинг роли ортиб бормоқда. Тўлов баланси, бир томондан, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим натижаларидан бири ҳисобланса, бошқа томондан, уни янада ривожлантириш учун самарали ҳаракатлантирувчи кучлардан биридир.

Тўлов баланси давлатнинг иқтисодий, молиявий ва пул-кредит фаолиятини белгилайдиган, давлатнинг ташқи дунёнинг иқтисодий агентлари билан иқтисодий алоқалари тўғрисида доимий равишда маълумотга эҳтиёжи бўлган давлат бошқарув органлари учун муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, улар молия, пул ва валюта бозорларига оид қарорларни қабул қилишда тўлов баланси кўрсаткичларига таянадилар.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, тўлов баланси мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини акс эттирибгина қолмай, уни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришга қанчалик тайёр ва у қанчалик самарали эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Бундан ташқари, тўлов баланси тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб, мамлакатдаги хорижий инвестициялар ва резидентларнинг хорижий мамлакатлар иқтисодиётига киритган инвестициялари даражасини баҳолаш мумкин. Таъкидлаш лозимки, тўлов балансини таҳлил қилишда ушбу позиция ҳозирда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Сўм алмашув курси

барқарорлигини таъминлаш зарурияти шароитида тўлов баланси мамлакат олтин-валюта захиралари динамикасини ўрганишга ва бошқа омиллар қатори экспорт жараёнини тартибга солиш устидан самарали назоратни ўрнатишга ёрдам беради.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар А.Ш.Бекмуродов ва Н.Х.Жумаевларнинг фикрича, тўлов балансини тартибга солишда монетар ва валюта механизмларидан фойдаланиш билан чекланмасдан, юқори қўшилган қийматни таъминловчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатдаги тадбиркорлик ва инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва бу жараёнда монетар ва фискал-бюджет сиёсатининг дастаклари комбинациясидан оқилона фойдаланиш талаб этилади<sup>489</sup>.

Э.Хошимов фикрича, жорий операциялар ҳисобварағини профицит билан бажарилишини таъминлаш Ўзбекистонда долларлашувга қарши курашнинг дастлабки шарт-шароити – макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади<sup>490</sup>.

Тўлов балансига эластик ёндашув қоидалари ўлароқ, девальвациянинг жорий ҳисобварақ баланси ҳолатини яхшилаш воситаси сифатида фойдаланиш амалиёти мавжуд. Бироқ, девальвациядан мунтазам равишда фойдаланиш доимо ҳам қутилган натижани беравермайди. С.Жумаеванинг фикрича, капиталлар ҳаракати эркин бўлмаган шароитда айниқса валюта курси динамикаси ва капиталлар оқими ўртасида етарлича боғлиқлик кузатилмаслиги мумкин<sup>491</sup>.

Ривожланаётган мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам барқарор иқтисодий ўсишга эришишда тўлов баланси ҳолати аҳамиятга эга. Чунки, экспорт ва импортнинг даромад ва нарх бўйича эластиклиги ташқи садо таркибидаги товарларнинг қанчалик юқори технологиялар билан чуқур қайта ишланиши ва қўшилган қийматга эгаллиги билан белгиланади.

Фикримизча, тўлов балансини тартибга солишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур:

1) Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида макроиқтисодий тартибга солиш ва бу соҳада Марказий банк ва Ҳукумат фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича етарлича тажриба тўпланмаганлиги;

2) Иқтисодий сиёсат ва Марказий банкка нисбатан жамоатчилик ишончини мустаҳкам борасида ишларни тизимли ташкил этиш зарурияти;

3) Хуфёна иқтисодиёт кўламининг юқорилиги сабабли миллий иқтисодиёт бўйича статистик ахборотларнинг тўлиқ ва шаффоф эмаслиги.

<sup>489</sup> Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х. (2019) Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари// “UzBridge” электрон журнали, I – сон май, 2019 й. – Б.3-14.

<sup>490</sup> Хошимов Э.А. (2020) Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида иқтисодиётнинг долларлашуви даражасини камайтириш йўллари/ “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали, V сон. Сентябрь - Октябрь, 2020. 5-11 б.

<sup>491</sup> Jumayeva, S. (2020) "Theoretical and Conceptual Aspects of Balance of Payments Regulation," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/12>

Капиталларнинг юқори мобиллиги шароитида иқтисодиётга монетар сиёсат орқали таъсирни сақлаган ҳолда алмашув курсининг қатъий белгиланган режимини қўллаб-қувватлаш мураккаб масаладир. Юқори девальвацион кутилмалар шароитида қатъий белгиланган курс режимидан воз кечиш бўйича ҳаракатлар инфляция суръатларининг кескин ошиши ва ЯИМнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Фикримизча, сузувчи валюта курси режимига тўла конли ўтиш учун биринчи галда валюта бозоридаги барқарорликни таъминлаш зарур. Жорий операциялар баланси дефицитини қисқартириш, инвестицион муҳитни яхшилаш ва ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлаш каби тузилмавий ва институционал омиллар таъминланмас экан, валюта ва пул-кредит орқали барқарорликни таъминлаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Фикримизча, мамлакатимизда интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашда тўлов баланси ҳолатини мувофиқлаштириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– ташқи савдо дефицитини камайтириш чораларини кўриш, хусусан, экспортни нодевальвацион чоралар орқали қўллаб-қувватлаш;

– нархлар барқарорлигига масъулият ошиб бораётган бир шароитда Марказий банкка нисбатан жамоатчилик ишончини янада мустаҳкамлаш, унинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш;

– олтин-валюта захираларини диверсификациялаш ва унинг нафақат импорт, балки ташқи қарзга хизмат кўрсатиш учун етарлилигини таъминлаш;

– инвестиция муҳитини янада яхшилаш орқали тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш кўламини янада ошириш;

– маҳаллий капитал бозори салоҳиятини янада ошириш орқали портфель инвестицияларни жалб қилиш.

Шунингдек, миллий иқтисодиёт ва унинг кўрсаткичларига доир статистик ахборотларнинг тўлиқ ва шаффоф бўлишини таъминлаш чораларини кўриш зарур.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИННОВАЦИОН ВОСИТАСИ - КРИПТОВАЛЮТАЛАР ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

*Мухсинов Н.Т.,  
Марказий банк ходими,  
Банк-молия академияси тингловчиси*

Замонавий рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши учун унинг рақамли конвертация муаммолари ва пул-кредит соҳасида блокчейн технологиялари асосида янги рақамли маҳсулотларнинг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, криптовалюта устидан тегишли назоратни таъминлаш учун босқичма-босқич жорий этиш билан боғлиқ имкониятлар ва таҳдидлар ўрганилмоқда, бу ўз навбатида, ҳукуматларга мамлакатда ва бутун дунёда пулларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга ёрдам беради.



Сўнги пайтларда блокчейн ва криптовалюта мавзуларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу жумладан, бизнинг мамлакатда ҳам криптовалюталардан фойдаланиш имкониятлари ҳақида мунозаралар ҳали ҳам давом этмоқда. Хорижий мамлакатларда виртуал валюталарни тартибга солиш ҳам баъзи хусусиятларга эга. Дунёда криптовалюталарнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг юзага келиши ва айланмаси бўйича турли хил ёндашувлар шаклланимоқда. Бу виртуал дунё тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани, янги технологияларни ривожлантириш учун янги имкониятлар ва уларни замонавий рақамли иқтисодиётда қўллаш замон талабига айланиб бормоқда, аммо шу билан бирга, бозорнинг ривожлангани сари криптовалюталардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган илгари дуч келмаган таҳликалар ва муаммолар вужудга келмоқда.

Шу билан бирга турли юрисдикцияларнинг юридик ҳужжатларида виртуал валюталар нафақат пул, балки товарлар, тўлов воситалари, мол-мулк ва молиявий воситалар сифатида кўриб чиқилади.

Айрим мамлакатларда, масалан АҚШда, криптовалюталар ҳолати Англия-Саксон ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятлари туфайли маълум бир штатларда қабул қилинган суд қарорларига боғлиқ равишда ҳар хил белгиланади. Японияда 2017 йилда криптовалюталар қонуний даражада тўлов воситаси сифатида тан олинган, худди шу даврда Хитойда криптовалюталар (ИСО) ни дастлабки жойлаштириш ва тегишли савдо майдончаларининг ишлаши тақиқланган.

Нобель мукофоти лауреати ва Австрия мактабининг вакили Фридрих Август фон Хайек ўзининг машҳур “Хусусий пуллар” асарида (Ф.А.Хайек, 1996) пулни давлат тасарруфидан чиқариш ва параллел хусусий валюталар рақобатига асосланган пул тизимини яратишни таклиф қилган. Хайекнинг сўзларига кўра, оддий товарлар ўртасидаги рақобат уларнинг истемол хусусиятларини яхшилагани каби, хусусий валюталар ўртасидаги рақобат ёмон сақланиб қолган ва ёмон бошқариладиган валюталарни рад этади. Фон Хайекни шахсий пулларнинг, шу жумладан, криптовалюталарнинг пайдо бўлишини назарий жиҳатдан асослаб берган иқтисодчи, деб ҳисоблаш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3926-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, 2019 йил 22 январда Адлия вазирлигидан 3127-сон билан рўйхатдан ўтган “Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Ушбу низомда крипто-актив, крипто-биржа, блокчейн каби тушунчаларга таърифлар берилган. Ушбу қарор ва низомда кўрсатиб ўтилган жиҳатлар рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида криптовалюта ва блокчейн технологияларининг моҳиятини очиқ бериш истаги криптовалюталарнинг афзалликлари, камчиликлари ва таҳдидларини

аниқлаш; жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши самарали курашиш бўйича устувор чораларни таклиф қилиш долзарблигини белгилайди.

Рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва виртуал валюталарнинг долзарб масалаларини, Ўзбекистон Республикаси ва жаҳоннинг махсус адабиётлари ва меъёрий ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида мутахассисларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда криптовалюталарни, унинг технологияларининг моҳиятини очиб бериш, афзалликлари, камчиликлари ва хавфларини аниқлашнинг рақамли компонентлари сифатида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Иқтисодий, илмий манбаларда ушбу мавзунинг ривожланиш даражаси жуда чекланган деб таърифлаш мумкин. Криптовалюталар ва шунга ўхшаш рақамли активлардан фойдаланиш бўйича аниқ илмий тадқиқотлар, агар улар Ўзбекистон Республикасида ўтказилган бўлса, уларнинг натижалари ҳали эълон қилинмаган. Аллақачон мавжуд бўлган хорижий манбалар кўпинча тўлиқ илмий ёндашувга асосланмаган ёки криптовалюталар ва шунга ўхшаш феноменлардан фойдаланишнинг барча муаммоларини етарлича акс эттирмайди, кўпинча бизнинг давримизнинг янги молиявий ва иқтисодий ҳодисаси сифатида криптовалюталарнинг турли жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан шунчаки таққослаш хусусиятлари ўрганилган.

Халқаро ҳамжамият, давлат органлари, молиявий институтлар ва жамоат ташкилотларининг криптовалюталар масаласига қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Криптовалюталар билан боғлиқ муаммоли жиҳатлари орасида, технологик, ижтимоий, иқтисодий ва халқаро ҳуқуқни қайд этиш мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан, криптовалюталар шахсий пуллардир, уларни юзага келтириш давлат томонидан амалга оширилмайди, балки ўз қўлларида пул эмиссияси функциясини ўзлаштирадиган тармоқ фойдаланувчилари амалга оширадилар. Криптовалюталар эмитентнинг қарз мажбуриятлари эмас, бу уларни нақд пул ва нақд пулсиз тўловлардан ажратиб туради. Амалда, фойдаланувчилар пулнинг функциялари сифатида қиймат ўлчови, муомалада бўлиш воситаси, тўлов воситаси, тўплаш воситаси каби вазифаларни тушунадилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу турдаги рақамли активларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашдаги қийинчиликларнинг сабабларидан бири бўлган молиявий-иқтисодий категория сифатида крипто-валюталарни энг тўғри илмий изоҳлаш борасида консенсус мавжуд эмас. Замонавий иқтисодий ривожланиш, унинг информацион табиати, технологик янгиликлари, пул моҳиятига янгича ёндашувлар пулнинг янги шакллари ва функцияларининг пайдо бўлиши ва асосланишига асос яратади.

Жорий йилда “Tesla” компанияси томонидан 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида биткоин сотиб олинганидан кейин биткоин нархи 20%га ошди. Шу билан бирга, SpaceX бош директори Илон Маскнинг “Келажакда Марс сайёраси иқтисодиёти криптовалютага асосланган бўлиши мумкин”, деган сўзлари инсонлар ўртасида криптовалютага бўлган ишончни янада ошишига олиб келди, десак муболаға бўлмайди. Биткоин ҳозирги вақтда криптовалюта

бозорида устунлик қилса-да, бошқа криптовалюталар ҳам фаол ривожланмоқда.

Жаҳон иқтисодиётини ҳам, миллий молия тизимини ҳам ривожлантириш манфаатларида виртуал валюталарни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш механизмнинг самарадорлигини ошириш жуда муҳимдир. Шу билан бирга, криптовалюталарни тартибга солиш асосий таҳдидларни бартараф этишга қаратилган бўлиши керак, улар орасида:

-кўпгина криптовалюталар тизим архитектурасининг бир қисми сифатида кузатиш қийин бўлган тезкор битимлар;

-битта виртуал ҳисобдан иккинчисига криптовалюталарни назоратсиз ўтказиш;

-фиат валютасини криптовалютага назоратсиз конверсиялаш ва криптовалюта ва бошқа рақамли активларни бир-бирига конверсиялаш ва бундай операциялар тўғрисида маълумотларнинг амалий етишмаслиги;

-криптовалюта тизимлари фойдаланувчиларининг анонимлиги ва улар фаолиятининг далилларини аниқлашдаги қийинчиликлар;

-реал ҳаётда пул ювиш схемаларида битим моделларининг катта мураккаблиги ва қонуний операцияларни ноқонуний муомаладан ажратишда технологик қийинчиликлар.

Юқоридаги таҳдидлар мураккаб ва эҳтимол дунёнинг барча мамлакатларида криптовалюталар тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш жараёни тўлиқ яқунланмаган. Шунга асосланиб, молиявий муносабатларнинг ушбу янги соҳасини эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган қилиб, криптовалюталар соҳасига тегишли баъзи чораларни тақлиф қилиш мумкин, бу шубҳасиз ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*М.Қ. Обидов*  
*Марказий банк ходими,*  
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси*

Маълумки, сўнгги пайтларда валюта соҳасини эркинлаштириш ва бу борадаги ислохотларни жадаллаштириш ҳуқуматимиз эътибори марказида турибди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари доирасида валютани тартибга солишда замонавий

бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш вазифаси белгиланган<sup>492</sup>.

2017 йилнинг 2 сентябрига келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сон Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда валюта бозорини янада либераллаштиришда жуда муҳим қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди. Чунончи, мазкур Фармон билан валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб қўйилди.

Шунга қарамай, валюта бозорини эркинлаштириш билан боғлиқ айрим рисклар мавжудки, бу, ўз навбатида, бозор иштирокчиларидан валюта позициясини самарали бошқариш, валюта назорати органларидан эса валюта назоратининг замонавий усулларидан фойдаланишни тақозо этади.

Э.А.Хошимов фикрича, ривожланаётган давлатлар валюта бозори асосан спот бозоридан ташкил топганлиги, валюта операциялари асосан мамлакат ички валюта бозорида амалга оширилиши, валюта бозоридаги концентрациялашув даражаси юқорилиги, банклараро валюта савдоси ҳажмининг нисбатан пастлиги ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида валюта бозорлари ривожланишига хос асосий хусусиятлар ҳисобланади<sup>493</sup>.

С.Х.Жумаева фикрича эса, миллий валютанинг алмашув курсини сақлаб туриш учун хорижий валютага бўлган исталган талабни қондиришга мажбур бўлгани боис, Марказий банк пул таклифини тўлиқ назорат қилиш имкониятига эга бўлмайди<sup>494</sup>.

Тадқиқотчи Ҳ.М.Акбаров фикрича, яқин истиқболда ривожланаётган мамлакатларнинг миллий валюталари глобал валюта операцияларида етакчилик қилиш имкониятига эга эмас. Айни пайтда ривожланган мамлакатлар орасида ҳам АҚШ валютасининг юқори ликвидлиликка эга эканлиги ва валюталар жуфтликларида ва кросс курсларда иштирок этиши боис ҳали-ҳануз етакчиликни бой бермаслигини кўриш мумкин<sup>495</sup> (Акбаров, 2020).

Маълумки, эркин, талаб ва таклиф асосида шаклланадиган ягона алмашув курси хорижий валютадаги маблағларнинг қийматини ҳаққоний акс эттиради. Чунончи 2017 йилга қадар расмий алмашув курси ва параллел валюта бозоридаги алмашув курси ўртасидаги сезиларли фарқнинг юзага келиши экспортёрлар учун валюта тушумларини сотишда турли

<sup>492</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони.

<sup>493</sup> Хошимов Э.А. (2015) Жаҳон валюта бозоридаги операцияларнинг таркиби ва ривожланиш хусусиятлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил ([http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/26\\_Hoshimov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/26_Hoshimov.pdf)).

<sup>494</sup> Jumayeva, S. (2020) "Theoretical and Conceptual Aspects of Balance of Payments Regulation," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/12>

<sup>495</sup> Акбаров Ҳ.М. (2020) Тижорат банклари валюта операцияларининг моҳияти ва турлари// Молия ва банк иши электрон илмий журнали, IV сон. июль - август, 2020. ([http://journal.bfa.uz/maqola/Akbarov\\_H\\_4son\\_2020.pdf](http://journal.bfa.uz/maqola/Akbarov_H_4son_2020.pdf))

мураккабликларни юзага келтирибгина қолмай, ташқи бозорларда рақобат қилиб топилган валюта маблағларининг миллий валютадаги қиймати ҳаққоний бозор қийматини ифодаламас эди. Биржадан ташқари валюта бозорининг ривожланмаганлиги, нафақат экспорт тушумларининг мажбурий сотувга доир қисми, балки ихтиёрий сотиладиган қисми ҳам тижорат банкларига биржа валюта бозоридаги алмашув курсидан ҳам паст алмашув курсида амалга оширилар эди. 2017 йилга келиб, хорижий валютадаги экспорт тушумининг бир қисмини мажбурий сотиш амалиёти тўлиқ бекор қилинди. Бу эса ҳар бир тадбиркорлик субъекти учун экспорт фаолиятдан тушган валюта маблағларини эркин тасарруф қилиш имконини берди.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг декабрь ойидан бошлаб, экспортёрларга олдиндан 100% тўлов бўлмаса ҳам, аккредитив очмасдан, банк кафолати ёки суғурта полисини олмасдан ҳам товарларни экспорт қилиш ҳуқуқи берилди. Эндиликда ўзбек товарлари импортёрлари шартнома кўрсатилган қийматнинг қолган қисмини товарни олгандан сўнг 120 кун ичида тўлаш имкониятига эга бўлдилар. Бу, ўз навбатида, миллий товарларни хорижий бозорларда сотишда қатор қулайликларни яратди.

Шунга қарамай, сўнгги йилларда ташқи савдода импортнинг экспортдан сезиларли даражада юқори бўлиши кузатилмоқда. Хусусан, 2020 йил якунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 36,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан экспорт 15,1 млрд. АҚШ доллари, импорт эса 21,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган<sup>496</sup>. Бундан кўринадики, ўтган йил ташқи савдо баланси дефицити 6,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Валюта бозорини тўлиқ эркинлаштириш билан боғлиқ рисклардан бири – мамлакатдан хорижий валютадаги маблағларнинг сезиларли даражада чиқиб кетишидир. Масалан, 2017 йилда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан Ўзбекистондан Қирғизистонга 4,3 млрд. сўм миқдоридаги хорижий валюта маблағларининг ноқонуний олиб чиқиб кетилишига барҳам берилган бўлса, 2018 ва 2019 йилларда бу кўрсаткич, мос равишда, 26,2 ва 27 млрд. сўмни ташкил этган<sup>497</sup>.

Ўзбекистондан валюта маблағларининг чиқиб кетиши мамлакат тўлов балансида салбий таъсир кўрсатди. Айни пайтда бу масала республикамиз иқтисодий хавфсизлиги нуқтаи-назаридан ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг савдо тизимида савдо ўтказиш усуллари ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, ҳозирда “икки томонлама узлуксиз аукцион”, “инглизча” ва “голландча” савдоларни ўтказиш усуллари амалга оширилмоқда ва биржа савдолари турли хил инструментлар билан муваффақиятли ўтказилмоқда. Шунингдек, ягона тизимда дискрет аукционлар (франкфурт савдолари) ва “метчинг” модулидан фойдаланган ҳолда савдолар ўтказилишини таъминловчи савдо платформаси ишлаб чиқилган.

---

<sup>496</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>497</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари.

2018-2019 йилларда валюта бозори ҳажмининг ўсиши тенденцияси кузатилган. Савдолар ҳажми ўсишининг асосий сабабларидан бири мамлакат ташқи савдо айланмасида импорт улушининг ошиши ҳисобига иштирокчиларнинг фаоллашганлиги ҳисобланади.

2019 йилда валюта спот бозоридаги умумий савдолар ҳажми 2018 йилга нисбатан 25%га ёки 42064,76 млрд. сўмга ошиб, 210272,68 млрд. сўмни ташкил этган. Валютавий спот инструментлари саватчасида энг кўп фойдаланиладиган “АҚШ доллари – сўм” жуфтлиги бўлиб, савдолар ҳажми 201219,46 млрд. сўмни ёки умумий савдолар ҳажмининг 88,82 %ини ташкил этган.

Бундан кўринадики, республикада валюта бозорида асосан спот операциялари амалга оширилади. Муддатли валюта битимлари бозори етарлича ривожланмасдан қолмоқда. Фақатгина АҚШ доллари ва еврода валютавий своп операциялари амалга оширилмоқда. Бироқ валюта своп битимларининг умумий валюта биржаси битимларидаги улуши 0,04 фоизни ташкил этади. Форвард ва фьючерс операциялари эса ҳанузгача ривожланмай қолмоқда.

Фикримизча, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида республикада валюта бозорида муддатли битимлар билан операцияларни ривожлантириш нафақат маҳаллий тадбиркорлик субъектларига, балки хорижий инвесторлар учун ҳам валюта рискинни хеджирлаш имкониятини беради.

Мухтасар қилганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда валюта сиёсати, хусусан, валюта бозорини эркинлаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Валюта бозоридаги айланма ҳажми ҳам шунга мос равишда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

## **ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

*Равшанов М.Р.,  
Марказий банк ходими,  
Банк-молия академияси тингловчиси*

COVID-19 пандемияси даврида халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим кўрсаткич бу – ликвидлиқдир. Банклар вужудга келгандан буён уларда ликвидлиқ муаммоси мавжуд. Яъни банклар фаолиятининг самарадорлиги – мижозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажара олиши билан белгиланади.

Ликвидлиқ тижорат банклари фаолиятида энг асосий тушунчалардан биридир. Ликвидлиқ тижорат банклари ишончлиги ва барқарорлиги асосини ташкил этади ва уларнинг тўловга қобилиятли бўлишига замин яратади. Банклар ликвидлиги уларнинг тўлов қобилияти ва ишончли

бўлишини таъминлашда зарур категория ҳисобланади.

Иқтисодиётда ҳаракатсизлик юзага келиши ҳамда пандемия даврида тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш ва уни сақлаб туриш банк операциялари рисклилигини оширади, бу эса инқирозга олиб келиши мумкин. Банк ликвидлилиги бўйича рискларнинг ортишига таъсир қилувчи бир қанча омиллар мавжудки, бу омиллар банк ликвидлигига алоҳида аҳамият беришни ва банк ликвидлилиги бўйича рискни доимий равишда кузатиб боришни талаб қилади. Шу сабабли банклар ўз даромадидан воз кечиб бўлса ҳам, ликвидликни сақлаб туришга мажбур.

Ўз навбатида, ресурслар банкларнинг даромадлилигини ошириш мақсадига йўналтирилса, унда бу банкнинг ликвидлигига таъсир кўрсатади. Демак, банкларнинг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўзаро тескари мутаносибликда намоён бўлади.

Демак, банк ликвидлилиги унинг ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда миқдорларнинг кредитга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олиш қобилиятини билдиради.

Банк ликвидлилигини таҳлил қилиш масаласи банк назорати бўйича халқаро Базель кўмитаси тавсияларида батафсил ёритиб берилган. Ушбу битимга мувофиқ ликвидликни таҳлил қилиш банкнинг ўз мажбуриятларини муддатида ва зарар кўрмаган ҳолда бажариш лаёқатини аниқлаш заруратини кўзда тутди. Миқдорларнинг банк тизимига бўлган ишончи банкларнинг ўз мажбуриятларини бениҳса бажаришига боғлиқ. Демак, банкларнинг ликвидлилиги ҳамда тўловга лаёқатлилиги банкларнинг умумий ликвидлилигини таъминлаш лозим бўлган банк назорати органларини кўпроқ ўйлантирадиган соҳа ҳисобланади. Миқдор ҳар сафар ўз ҳисобварағидан пул олмоқчи бўлганда банкнинг ўз мажбуриятини бажариш зарурати юзага келади. Мажбурият бажарилмаган тақдирда банк ўз обрўсини йўқотади ва бу ҳам банкни банкротликка олиб келиши мумкин. Ликвидликни таъминлашнинг энг оддий усули банкнинг бир қисм активларини ликвид шаклида, масалан нақд пул, Марказий банк ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқлар, давлат қисқа муддатли облигациялари шаклида сақлаш ҳисобланади.

Банкда ликвидликнинг рискини ошириш тўлов қобилиятини сусайтириб, уларга бўлган ишончни камайтиради. Шунинг учун ҳам банклар ликвидликка алоҳида аҳамият бериши ва у бўйича рискни доимий равишда бошқариб бориши керак бўлади. Банклар ўзларига бўлган ишончни йўқотмаслик учун ўз даромадидан кечиб бўлса ҳам ликвидликни сақлаб туришга мажбурдир.

Банклар ликвидлигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда ликвид активларининг зарур миқдорини белгилаб олишлари лозим<sup>498</sup>.

---

<sup>498</sup> Berdiyarov B. Impact of the monetary policy of the central bank on the banking system liquidity. International Journal of Economics, Business and Management Research. [www.ijebmr.com](http://www.ijebmr.com), Volume 4, Issue 1, (2020), ISSN 2456-7760.

Даромадлилик ошаётган бир пайтда ликвидлиликнинг мақбул даражасини таъминлаш учун банк жалб этилган омонатлар муддатлари ва уларга доир харажатларни таҳлил қилиб чиқиб, кредит қуйилмалари ва инвестициялар муддатлари ҳамда режалаштириладиган даромадлар билан таққослаш лозим. Бундай таққослаш жойлаштирилган ва жалб этилган маблағларни муддатлари бўйича солиштириш асосида банк ликвидлиги ҳолатини аниқлаш, шунингдек, ликвидлиликнинг зарур даражада энг кўп фойдага эришиш учун қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг оптимал нисбати билан кредит сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

Банк назорати бўйича Халқаро Базель қўмитасининг “Самарали банк назоратининг асосий тамойиллари”нинг 14-тамойилига асосан, ликвидлилик даражасини зарур даражада сақлаш учун тижорат банки ликвидлиликни бошқариш бўйича конкрет стратегияга эга бўлиши, ликвидлиликни ҳар куни назорат қилиши ва ликвидлилик муаммосига дуч келганда аниқ муқобил чечимлар режасини тузиши зарур<sup>499</sup>.

Базель II талабларига кўра, биринчидан, банк ликвидлилик бўлими бошқаруви баланسدан ташқари мажбуриятларга балансдаги мажбуриятлар каби катта эътибор бериши лозим, яъни мажбуриятлар комплекс равишда ўрганилиши лозим;

Иккинчидан, ликвидлиликни бошқариш стратегияси аниқ ва тушунарли ҳолда бўлиши ва банк кенгаши томонидан тасдиқланиши, назорат қилиниши, мониторинг ўтказишни кучайтириши лозим;

Учинчидан, ликвидлилик стратегиясида вужудга келадиган рискнинг даражаси ҳақида бошқарув аъзоларининг воқиф бўлиши зарур;

Тўртинчидан, бошқа операция рискларининг (кредит, бозор ва оператив рисклар) ликвидлилик даражасига таъсир этиши ва доимий муқобил вариантларнинг тайёр бўлиши зарур;

Бешинчидан, ҳар бир хорижий валюта тури бўйича таҳлил олиб бориш, чегирмалар белгилаш ва уларни ўзгартириб туриши лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги пандемия даврида тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир этувчи бир қанча омиллар борки, уларни ўз вақтида бартараф этилмаса, мазкур омиллар банкларнинг фаолиятига салбий таъсир этиши мумкин.

Республикамиз тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар мавжуд:

### **1. Республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларини ривожланмаганлиги.**

2. Пандемия тижорат банкларининг ликвидлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади, бундай ҳолатларда тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида асосан банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш, уларга марказлашган кредитлар бериш усулларидан фойдаланилади. Ҳозирда республикамиз тижорат банкларининг

<sup>499</sup> <http://www.bis.org/publ/bcbs230.htm>, <http://www.bis.org/publ/bcbs129.pdf>



ликвидлилигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига субординар кредитлар бериш амалиётини кенг жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

3. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини янада ошириш мақсадида банкларнинг жорий ликвидлилик даражасига баҳо беришда талаб қилиб олинadиган депозитлар миқдорини уларнинг барқарор қолдиғи суммасига камайтириш зарур.

Республикамиз тижорат банкларидаги талаб қилиб олинadиган депозитларнинг маълум қисми барқарор қолдиқ сифатида доимо мавжуддир. Аммо банкларда талаб қилиб олинadиган депозитларнинг барқарор қолдиғи ҳисобга олинмаяпти. Бунинг устига, Марказий банкнинг тижорат банклари жорий ликвидлилигини аниқлаш методикасида ҳам талаб қилиб олинadиган депозитларнинг барқарор қолдиғи ҳисобга олинмаган.

Талаб қилиб олинadиган депозитларнинг барқарор қолдиғи ҳисобга олинмаган ҳолда, улардан фойдаланиш банкларнинг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки талаб қилиб олинadиган депозитлар беқарорлик даражаси юқори бўлган пассив ҳисобланади.

## **К ПОЛЕМИКЕ АВТОРОВ К ОПРЕДЕЛЕНИЮ СУЩНОСТИ НАЛОГОВЫХ РИСКОВ**

*Аманов А.М.-зав.кафедрой «Налого и налогообложение», к.э.н.,доц.,  
Джамалов Х.Н. -доц.кафедры «Налого и налогообложение», к.э.н.,  
Зарипов Х.Б.- PhD, ст.преп.кафедры «Налого и налогообложение»,*

В современных условиях деятельность любого хозяйствующего субъекта сопровождается рисками – операционными, предпринимательскими, финансовыми. “Риск есть риск, и есть много рисков” – это утверждение становится заповедью корпоративного риск-менеджмента<sup>500</sup>.

Одним из рисков, оказывающих наибольшее влияние на финансовое состояние любого предприятия, является налоговый риск. Налоговый риск присутствует во всех видах деятельности хозяйствующего субъекта: операционной, финансовой, инвестиционной.

В научной литературе сущностные вопросы налоговых рисков обсуждались в работах таких экономистов, как В.Г.Пансков, Л.И. Гончаренко, Н.Г. Викторова и др. При этом вопросы проявления налоговых рисков, пути их минимизации, обсуждаемые в научных и практических изданиях, являются дискуссионными и недостаточно изученными.

Налогообложение представляет собой сложный процесс, ключевым элементом которого является формирование налоговых отношений между государством и налогоплательщиком. В.Г. Пансков подчёркивает, что цели участников налоговых отношений – государства налогоплательщика –

---

<sup>500</sup> Хэнли М. Как сократить подверженность риску, распределяя его // Управление рисками. Дж. Пикфорд [пер. с англ.]. 4-изд.– М.: Вершина, 2018. с.34.

противоположны: “для государства первостепенной задачей является максимизация поступлений в бюджет, а для плательщика – минимизация налоговых изъятий”<sup>501</sup>. Участники налоговых отношений принимают управленческие решения, которые могут привести к нарушению “функционального состояния системы, определяемого по отклонениям от заданных параметров”<sup>502</sup>.

Таким образом, в результате принятия определённых управленческих решений в условиях неразрешённых противоречий государства и налогоплательщиков возникают налоговые риски.

Отсутствие зафиксированного определения налогового риска в нормативно-правовых актах по налогообложению породило многозначность трактовок этого понятия. Так, в большинстве экономических и правовых словарях дается определение финансовому, инвестиционному, страховому и другим рискам. Рассмотрим подходы к определению налогового риска, предложенные разными экономистами. С целью выявления сути налогового риска обратимся к наиболее популярным его определениям.

В.Г. Пансков отмечает, что трактовка понятия “налоговый риск” является дискуссионным вопросом, но с позиции налогоплательщика это можно понимать как “вероятность возрастания налоговой нагрузки и соответственно снижения его финансового потенциала, финансовой устойчивости”<sup>503</sup>. Автор определяет факторы, влияющие на возникновения налогового риска налогоплательщика: изменение налогового законодательства, недостаточная квалификация лиц, принимающих финансовые решения в компании, поведенческая стратегия налогоплательщика. Наибольшее влияние на формирование налогового риска оказывают внутренние факторы, т.е. собственная деятельность налогоплательщика по налоговому планированию. Рассматривая налоговый риск со стороны хозяйствующего субъекта, стоит отдельно выделить такие факторы, оказывающие влияние на вероятность и тяжесть последствий реализации налогового риска, как двойственность трактовок некоторых статей налогового законодательства, отсутствие финансовой и правовой грамотности налогоплательщиков, также их нигилизм по отношению к налоговому законодательству. Всё это зачастую формирует “оппортунизм налогоплательщиков”, стремящихся минимизировать свои налоговые обязательства или даже уклониться от уплаты налогов<sup>504</sup>.

---

<sup>501</sup> Пансков В.Г. Налоговые риски: проявление и возможные пути минимизации // Экономика. Налоги. Право. 2013. № 4. С. 74-78..

<sup>502</sup> Бушуева М.А., Масюк Н.Н., Брагина З.В. Нивелирование управленческих дисфункций как основа кон-фликтно-компромиссной методологии // Экономика и предпринимательство. 2014. № 12-3 (53-3). С. 430–432.

<sup>503</sup> Пансков В.Г. Налоговые риски: проявление и возможные пути минимизации // Экономика. Налоги. Право. 2013. № 4. С. 74-78..

<sup>504</sup> Майбуров И.А., Соколовская А.М. Проблема уклонения от налогов: теоретический анализ, изучение факторов и последствий // Вестник УрФУ. Серия “Экономика и управление”. 2012. № 3. С. 4-15.

Кроме того, В.Г. Пансков подчёркивает, что налоговым рискам подвергается и государство, т.е. государство может само выступать в качестве бенефициара налогового риска, который будет реализовываться при недополучении налоговых платежей в бюджет и уклонении налогоплательщиков от исполнения налоговых обязательств. В данном случае носитель риска, государство, будет применять свою стратегию риск-менеджмента (налоговые проверки, наложение санкций) по отношению недобросовестным налогоплательщикам.

Реализация налоговых рисков для государства влечёт финансовые последствия на макроуровне в виде уменьшения финансирования из бюджета государственных программ.

Рассматривают налоговые риски, как разновидность финансовых рисков Т.А. Цыркунова и М.И. Мигунова. Главной сущностной характеристикой налогового риска, по мнению этих авторов, является денежное выражение уровня возможных потерь участников налоговых отношений в случае реализации риска<sup>505</sup>.

По мнению И.А. Бланка налоговый риск связан с вероятностью введения новых налогов и налоговых сборов, увеличение действующих налоговых ставок, отмены налоговых льгот. В данной трактовке налоговый риск рассматривается со стороны бизнес-субъекта, его потерь при реализации риска, а источником возникновения является государство. Такой подход к определению факторов, обуславливающих возникновение финансовых рисков налогоплательщика, представляется односторонним и несколько упрощённым. Осуществление государством налоговой политики и внесение изменений в налоговое законодательство генерирует налоговые риски, как для налогоплательщиков, так и для государства. И, бесспорно, государство при внесении каких-либо изменений в налоговое законодательство должно оценивать уровень налоговых рисков для всех участников налоговых отношений. Но зачастую поведение налогоплательщиков, связанное с нарушением налогового законодательства, не эффективным налоговым планированием, генерирует налоговые риски, способные трансформироваться не только в критические риски потери платёжеспособности, но и катастрофические риски банкротства хозяйствующего субъекта.

Д.Н. Тихонов и Л.Г. Липник говорят о налоговом риске как о возможности финансовых потерь, связанных с уплатой и оптимизацией налогоплательщиком налогов. Такое определение налогового риска также не охватывает все сущностные характеристики налогового риска, которые могут характеризовать финансовые потери, возникающие у участников налоговых отношений на микро- и макроуровне.

---

<sup>505</sup>Цыркунова Т.А., Мигунова М.И. Налоговые риски: сущность и классификация // Финансы и кредит. 2005. № 33 (201). С. 48-52.

Л.Ю. Ласкина и В.М. Власова рассматривают налоговые риски как составную часть предпринимательского риска, и определяют их как “возможные финансовые потери компании в результате изменения учётной политики для целей налогообложения”<sup>506</sup>. Авторы подчёркивают, что к предпринимательским рискам налоговые риски можно отнести в силу того, что, согласно российскому налоговому законодательству, обязанность уплаты компаниями налога на прибыль возникает, независимо от исполнения контрагентом по предпринимательской сделке своих обязательств по оплате поставленных товаров, выполненных работ (услуг). В случае задержки платежей контрагентом предпринимателя за выполненные работы, компании, по мнению авторов, возникает налоговый риск, имеющий существенные характеристики предпринимательского риска. На наш взгляд, нарушение договорных отношений между участниками предпринимательской деятельности является фактором, влияющим на уровень налогового риска, связанный с исчислением и уплатой налогов, но не определяет существенные характеристики налогового риска. Если недобросовестное исполнение контрагентами своих обязательств является системным, то это приводит к возникновению дополнительных издержек, которые не были учтены заранее, что может выразиться не только утрате платежеспособности, но и к потере всего капитала компании, т.е. к банкротству.

Л.И. Гончаренко подчёркивает, что в случае реализации налогового риска, могут иметь потери как финансового, так и нефинансового характера<sup>507</sup>. В качестве аргумента, автор приводит пример принятия решения налоговыми органами о выездной налоговой проверке налогоплательщика. В нормативно-правовых актах ФНС РФ указаны критерии оценки рисков, по которым сам хозяйствующий субъект может определить возможность проведения выездной налоговой проверки. Их игнорирование в большинстве случаев приводит к возникновению таких проверок, в ходе которых могут вскрыться недоимки по прошлым налоговым уплатам, наложены санкции, что в итоге выражается в финансовых потерях. Поэтому выводы о наличии у налоговых рисков “родовых признаков понятия экономических рисков”, на наш взгляд, не отражают существенных характеристик налогового риска.

На основании проведённого анализа существующих подходов к определению сущности налогового риска можно сделать следующие выводы:

- налоговый риск является по своей сущности финансовым риском;
- налоговым рискам подвержены все участники налоговых отношений: и налогоплательщик, и государство;

- реализация налогового риска влечёт за собой убытки для налогоплательщика в виде доначислений налогов, штрафов, пеней и др.

---

<sup>506</sup> Ласкина Л.Ю., Власова М.С. Налоговый риск как составная часть предпринимательского риска // Науч-ный журнал НИУ ИТМО. Серия “Экономика и экологический менеджмент”. 2015. № 1. С. 128..

<sup>507</sup> Гончаренко Л.И. Налоговые риски: теория и практика управления // Финансы и кредит. 2009. № 2. С. 30-31.

налоговых санкций, для государства – недополучение налоговых платежей в бюджеты всех уровней;

-налоговым риском, как разновидностью финансового риска можно управлять.

Сущностные характеристики налогового риска позволяют сделать однозначный вывод об управляемости этих рисков, как одного из видов финансового риска. Самым эффективным механизмом управления и минимизации финансовых рисков является страхование.

В настоящее время в практике Республики Узбекистан отсутствуют подходы к нивелированию налогового риска посредством механизма страхования рисков. Разработка программ страхования налоговых рисков представляется перспективным направлением минимизации налоговых рисков участников налоговых отношений.

## **НЕОБХОДИМОСТЬ И ЗАДАЧИ УПРАВЛЕНИЯ НАЛОГОВЫМИ РИСКАМИ ПРЕДПРИЯТИЯ**

*Джамалов Х.Н. – доц.кафедры «Налоги и налогообложение», к.э.н.  
Аманов А.М.-зав.кафедрой «Налоги и налогообложение», к.э.н.,доц.*

В процессе ведения хозяйственной деятельности каждое предприятие сталкивается различными рисками, которые могут влиять на результаты деятельности и финансовую безопасность. В системе финансовых рисков налоговые риски занимают наибольшую долю, поскольку именно с ними чаще всего сталкиваются хозяйствующие субъекты, а не с кредитными, инвестиционными и иными видами рисков.

По нашему мнению, налоговые риски – это объективные возможные финансовые потери, связанные с процедурой исчисления, уплаты, а также процедурой оптимизации налогов и прочих неналоговых выплат<sup>508</sup>.

Из всех видов финансовых рисков предприятия, к налоговым относятся следующие виды рисков: риски налогового контроля; риски усиления налогового бремени; риски уголовного преследования. Кроме указанных, существуют и иные классификации налоговых рисков (таблица-1).

**Таблица-1.**

### **Классификация налоговых рисков**

<b>Критерии классификации</b>	<b>Классификационные виды налоговых рисков</b>
По субъектам, несущим налоговые риски	риски налогоплательщиков; риски государства
По источникам возникновения	риски, зависящие от налоговой политики государства; риски, обусловленные финансово-хозяйственной деятельностью налогоплательщиков; экономические; социальные; технические; организационные.

<sup>508</sup> Налоговый кодекс Республики Узбекистан (Утвержден Законом РУз от 30.12.2019 г. N ЗРУ-599)

По факторам возникновения	внутренние и внешние; систематические и несистематические; предсказуемые и непредсказуемые.
По величине возможных потерь	допустимые; критические; катастрофические
По виду наступающих последствий	риски налогового контроля; риски увеличения налогового бремени; риски уголовного преследования
По источникам возникновения неопределённости, в условиях которой осуществляется деятельность налогоплательщиков	информационные риски; риски процесса; риски окружения; “репутационные” риски
По времени действия	временные (текущие); постоянные
По важности результата	основные и второстепенные
По отношению к налоговому законодательству и связанным с ним штрафным санкциям	спекулятивный налоговый риск; чистый налоговый риск
По отношению к налогоплательщику – юридическому лицу	риск неплатежеспособности; риск упущенной выгоды

Для управления налоговыми рисками и правильного формирования мероприятий по их минимизации необходимо установить причины их возникновения:

Объективные причины могут быть следующими:

- ошибочное толкование налогового законодательства и иных нормативных актов;
- судебная практика по тем или иным вопросам; изменения и реформы в законодательстве в сфере налогообложения.

Субъективные причины возникают чаще всего из-за неправильной политики организации:

- нарушение налогоплательщиком законодательства о налогах и сборах; бесконтрольный документооборот, некорректное оформление подтверждающей документации;
- осуществление сделок, направленных на уменьшение налоговой нагрузки; допущение ошибок при ведении бухгалтерского и налогового учёта<sup>509</sup>.

В настоящее время, ввиду обострения экономической ситуации, вопросы антикризисного управления, в том числе вопросы контроля и управления налоговыми рисками становятся чрезвычайно актуальными. Процесс управления финансовыми рисками включает в себя управление налоговыми рисками.

Опираясь на существующую практику и подходы различных авторов к проблематике управления налоговыми рисками хозяйствующих субъектов, считаем целесообразным, выделить следующие ключевые этапы управления рисками в сфере налогообложения:

<sup>509</sup> Шальнева М.С. Управление налоговыми рисками предприятия в современных экономических условиях // Финансы. 2017. № 4. С. 32-38.

- подробный качественный анализ риска;
- количественная оценка налогового риска;
- подготовка плана работы по снижению риска;
- расчёт эффективности предлагаемой работы;
- принятие руководством решения по устранению налоговой неэффективности;
- оценка полученных результатов.

Первый этап – качественный анализ налогового риска. Он включает в себя определение налоговых рисков, их причин и оснований возникновения. На этом этапе предприятие само проводит оценку возможных последствий налогового риска.

Количественную оценку риска можно рассчитать как вероятность наступления или не наступления рисков события с дальнейшим расчетом финансовых последствий.

Рассматривая основные методы количественного анализа рисков, можно составить их следующую классификацию:

Жаҳон банки «Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича иқтисодий шарҳлар»нинг навбатдаги сониди Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш 2021 йилда 3,7 фоизга ва 2022 йилда 4,1 фоизгача тикланиши кутилаётганлигини маълум қилди. Бу тарихий ўртача кўрсаткичлардан анча паст. Шу билан бирга, 2022 йилга бориб аҳоли жон бошига даромад ҳажми пандемиядан олдин эълон қилинган прогнозлардан 6,4 фоизга паст бўлиши кутилмоқда. Шунга қарамасдан, пандемиянинг оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатларига қарамасдан, 2020 йилда амалга оширилишда давом этган ислохотлар дастури туфайли 2021 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш мустаҳкамланиб бориши башорат қилинган<sup>556</sup>.

Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида 2020 йил натижалари бўйича банк тизими жами капитали 14,3 фоизга, шу жумладан, устав капитали ҳажми 6,6 фоизга ошиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига мос равишда 58,3 трлн. сўм ва 44,6 трлн. сўмга етди. Бунда давлат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ давлат банклари капиталига 1,9 млрд. АҚШ доллари миқдориди маблағлар йўналтирилганлиги алоҳида қайд этиш мумкин.

<sup>554</sup> <http://www.cbu.uz/>– сайти маълумотлари

<sup>555</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

<sup>556</sup> World Bank. 2021. Europe and Central Asia Economic Update, Spring 2021 World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/35273> License: CC BY 3.0 IGO.”

Тижорат банклари капитал монандлилик кўрсаткичи 2018 йилга нисбатан 7,9 фоиз бандга ошиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 23,5 фоизни (минимал талаб 13%) ташкил этди. Айти пайтда банк тизими бўйича **капитал монандлиги кўрсаткичи** йил бошидаги **23,5 фоиздан** 2021 йил 1 январь ҳолатига **18,4 фоизгача** пасайган бўлса-да, ўрнатилган 13 фоизлик пруденциал меъёрга нисбатан юқори даражада шаклланиши таъминланди<sup>557</sup>.

Коронавирус инқирози таъсирида банкларда муддати ўтган кредитлар ҳажмининг ошиш хавфи шароитида капитал етарлилиги кўрсаткичини мақбул даражада сақлаб қолинишини таъминлаш мақсадида банкларга 2020 йил бўйича олинган **соф фойдани** капиталга йўналтириш бўйича Марказий банкнинг тегишли кўрсатмалари берилган. Банк ва нобанк кредит ташкилотлари инфратузилмаси ҳамда рақамли молиявий хизматларнинг ривожлантирилиши **молиявий хизматлар оммабоплигини** оширишда муҳим аҳамият касб этади. 2020 йилда банк тизимида рақобат муҳитини яхшилаш, хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги чоратadbирлар доирасида, Грузия давлатининг йирик банкларидан бири бўлган **“TBC Bank”**нинг Тошкент шаҳрида филиалининг очилиши ёки рақамли банк хизматларини кўрсатувчи **“Анор банк”** акциядорлик жамиятининг фаолиятини бошлаганлиги ҳам рақамли иқтисодиёт шароитида банклар томонидан кўрсатиладиган янги хизмат турларини жорий этишда ва банклараро рақобат муҳитини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди<sup>558</sup>.

Эътироф этилган ижобий ўзгаришлар мамлакатимиз банк тизимида тижорат банклари фаолиятини юқори даражада деган хулосани бермайди. Банк тизими олдида ҳали ечимини кутаётган бир қанча муаммолар борки, уларни босқичма-босқич амалга ошириш натижасида банк тизимини янада ривожлантириш ва юқори натижаларга эришиш имкониятларини кенгайтириш мумкин. Жумладан, давлат улушининг тижорат банклари капиталидаги иштирокининг жаҳон амалиётидаги ҳолати билан солиштирганда, мамлакатимиз тижорат банклари капиталида давлат улушининг анча юқорилигини кўришимиз мумкин. Бу тижорат банкларининг эркин иқтисодий қарорлар қабул қилишига кучли салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат ўз навбатида, хорижий инвестициялар оқимининг банклар орқали кириб келишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, банк акцияларининг фонд бозоридаги ликвидлилик даражасини, даромадлилигини аниқлашнинг имкониятини бермайди. Бу ўз навбатида, инвесторларнинг банк акцияларига бўлган ишончини пасайтиради.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларининг ресурс базасини ошириш мақсадида, молия бозорига маълум турдаги даромадлилиги юқори бўлган ишончли молиявий инструментларни эмиссия қилишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Фонд бозорида иккиламчи қимматли қоғозлар яъни, ҳосилавий молиявий инструментлар билан савдоларни амалга ошириш тизимини шакллантириш, иккиламчи бозор инструментлари асосида

<sup>557</sup> <http://www.cbu.uz/>– сайти маълумотлари

<sup>558</sup> <http://www.cbu.uz/>– сайти маълумотлари

мижозлар ишончини қозонишга, банклар томонидан тақдим этиладиган маҳсулотлар тури ва сифатининг ошишига хизмат қилади.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КИБЕР РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

*Хасанов Фаррух Равшанович  
Тошкент молия институти  
мустақил изланувчиси  
(тел.: +998911326336)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида киберхавфсизликка таҳдид натижасида кўрилиши мумкин бўлган иқтисодий зарарлар оқибатларини бартараф этишда кибер рискларни суғурталашнинг ўрни ва концептуал асослари ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, таҳдид, киберриск, киберхавфсизлик, кибер-суғурта.

Ахборот технологияларининг шиддатли ривожланиши ҳаётнинг барча жабҳаларига катта таъсир кўрсатиши, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун мислсиз имкониятлар яратиш билан характерлидир. Зеро, иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида рақамли технологиялардан самарали фойдаланмай туриб, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаб бўлмайди. Анъанавий иқтисодиётдан кўпгина устунликларга эга рақамли иқтисодиёт қисқа даврда дастлаб ривожланган мамлакатларда, кейинчалик дунё бўйлаб кенг оммалашди.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизими бўлиб, бунга авваламбор онлайн-хизматлар, масофавий таълим, электрон тўловлар, товар ва хизматларнинг интернет-савдоси мисол бўла олади [2].

Рақамли иқтисодиётнинг юқори самарадорлиги билан бир қаторда иқтисодиётга хавф солувчи янги таҳдидларни вужудга келтиради. Бу таҳдидлар кибер рискларнинг ўта салбий таъсири сифатида намоён бўлади. “Кибер риск” деганда ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга ошириладиган компьютер ва ахборот тизимлари ёки тармоқлари, алоқа тизимлари, ахборот ресурсларига нисбатан учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасидаги йўқотиш ва/ёки қўшимча харажатлар хавфи тушунилади. Ривожланган давлатларнинг ҳозирги замон амалиётида бу каби таҳдидларга турли воситалар қаторида кибер рискларни суғурталаш кенг оммалашмоқда.

“Кибер-суғурта - компьютер хужуми ёки фирманинг ахборот технологиялари тизимлари ишдан чиқиши натижасида келиб чиқадиган биринчи ва учинчи томонларнинг зарарларини қоплайдиган суғурта полисларини англатадиган кенг атамадир” [1].

Умуман олганда кибер суғурта кибер хужумлар ва уларнинг салбий оқибатларидан (зарарлардан) ҳимоя қилишнинг иқтисодий усули саналади.

Кибер рискларни суғурталаш механизмини яратиш қатор назарий ва амалий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади. Бу борада қуйидагиларга эътибор бериш муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Энг аввало бундай механизмнинг қонуний-меъёрий асосини етарли даражада шакллантириш лозим. Гап АКТ ривожини натижасида пайдо бўлаётган янгидан-янги рискларни қонуний жихатдан тан олинишини таъминлаш, бу рискларнинг классификациясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш, рискларни суғурталаш услубиётини ва янги суғурта маҳсулотлари яратиш ҳақида бормоқда.

2. Кибер рискларни суғурталаш механизмнинг муҳим масалаларидан яна бири улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган реал зарар миқдорини аниқлаш билан боғлиқ. Чунки ахборот қиймати АКТ субъекти нуқтаи назаридан бу ахборотдан кўрадиган манфаати билан ўлчанса, бошқа субъект, шу жумладан суғурталовчи учун бу ахборот ҳеч қандай қийматга эга бўлмаслиги мумкин. Бизнинг фикримизча, бу услубиётга асос қилиб биринчи паллада ахборотни яратиш учун кетган харажатларни аниқлаш йўлини танлаш мумкин.

3. Кибер рискларни суғурталашни фақат иқтисодий зарарни қоплашгина деб қарамаслик лозим. Бу усулни қўллаш энг аввало ахборот объектини чуқур таҳлил этишни ҳамда киберхавфсизлик тизимини тўла ва атрофлича аудит қилишни тақозо этади. Бундай таҳлил ва аудит қилишнинг асосларини ишлаб чиқиш ҳам суғурта механизмини илмий асослашнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

4. Кибер рискларни суғурталашда суғурта объекти сифатида ахборот ресурслари (ҳар қандай кўринишдаги ахборотлар – маълумотлар базаси, электрон шаклдаги кутубхоналар ва архивлар, дастурий воситалар) ҳамда молиявий активлар (электрон шаклдаги пул маблағлари ҳамда қимматбаҳо қоғозлар) қабул қилиниши мумкин. Умуман олганда, бу борадаги суғурта полиси ахборотни тўплаш, узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ барча дастурий-аппарат тизимларига хос бўлган рискларни қоплаш имконини бериши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Sasha Romanosky, Lillian Ablon, Andreas Kuehn and Therese Jones: Content analysis of cyber insurance policies: how do carriers price cyber risk? Journal of Cybersecurity, 2019, 1–19 doi: 10.1093/cybsec/tyz002. <https://academic.oup.com/cybersecurity/article/5/1/tyz002/5366419>

2. <https://uza.uz/oz/society/ra-amli-i-tisodiyet-afzalliklari-10-02-2020>

## СОЗДАНИЕ МАЛЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ЗОН В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН – КАК ФОРМА ПРОЯВЛЕНИЯ МЕХАНИЗМА ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

*Шодмонкулов Камолиддин Муродиллаевич – базовый докторант ТГАУ  
Аллаяров Шамсиддин Амануллаевич – зав.кафедрой «Менеджмента и  
маркетинга»ТФИ, к.э.н.,доц.*

В современном мире, для решения важных социально-экономических задач, государству, необходимы условия для создания взаимовыгодного взаимодействия с бизнесом. Для нахождения оптимальных точек развития, создаются новые и совершенствуются действующие механизмы при которых государство и частный бизнес взаимодействуют друг с другом и совместно решают, различные для каждого задачи.

Взаимодействие государства и частного сектора в современных реалиях в Республики Узбекистан должно быть направлено на плодотворное развитие и организацию двусторонних отношений при сохранении главенствующей роли государства. Государство создает условия в которых частные компании ведут свою деятельность и при этом использует возможности бизнеса и имеющиеся ресурсы для привлечения частных компаний к партнерским отношениям в вопросах выполнения общественно-социальных обязательств.

Взаимодействие государства и частного сектора должно складываться из принципа достижения взаимных интересов, но фактически интересы всех участников экономических отношений не могут быть в полной мере реализованными. В связи с этим возникают ситуации, когда интересы сторон могут не совпадать или даже исключают интересы другой стороны. В конечном итоге, под эффективным взаимодействием следует понимать такое взаимодействие, при котором интересы всех субъектов максимально удовлетворены, а достигнутые результаты это подтверждают. Принципы взаимодействия должны быть такими, при которых обе стороны получают максимальные выгоды, уменьшают свои риски и как можно меньше ущемляют свои интересы.

Термин государственно-частное партнерство (далее - ГЧП) является дословным переводом английского термина "Public-Private Partnership" (PPP), берет свое начало в 80-х годах для обозначения особых отношений между государством и частным бизнесом и давно используется в зарубежных государствах, таких как: Англия, Франция, США, Канада, Дания, Австрия, Испания и т.д. Такие отношения, как правило, характерны для производственной и социальной сферы. Зарождение такого инструмента, стало прямым следствием на либерализацию и сокращение государственного участия в экономике<sup>559</sup>.

На данный момент не сложилось единого мнения относительно истолкования термина "государственно-частное партнерство", несмотря на давнюю историю взаимоотношений государства и частного сектора. Такая ситуация обусловлена в первую очередь многообразием способов сотрудничества государства и бизнеса не зависимо от формы этих отношений, продолжительности и интенсивности. Поэтому правильно будет

---

<sup>559</sup> Особые экономические зоны / С. В. Приходько, Н. П. Воловик; Консорциумпо вопросам прикладных экономических исследований, Канадское агентство по международному развитию [и др.]. – М. : ИЭПП, 2017. – 268 с.

говорить о подходах к определению данного инструмента, которые сложились в определенных странах с учетом их особенностей.

В научной литературе выделяют следующие формы ГЧП: государственные контракты; арендные отношения; государственно-частные предприятия; соглашения о разделе продукции; концессионные соглашения.

Также нельзя не отметить многообразие видов взаимодействия государства и бизнеса. Моисеев В.В., Ницевич В.В., Ницевич В.Ф., Шуртухина Е.А.<sup>560</sup> обращают внимание на восемь видов взаимодействия государства и бизнеса: финансовое взаимодействие; материальное взаимодействие (поставка товаров и оказание услуг для государственных нужд); пространственное взаимодействие (операции с земельными участками, недвижимостью и пр.); проектно-управленческое взаимодействие (совместная разработка программ развития, стратегий); стратегический аутсорсинг; создание совместных предприятий; конкурсные методы взаимодействия; взаимодействие в рамках законотворческого процесса. В России, в научной литературе, распространенным является определение В.Г. Варнавского<sup>561</sup>, в нем ГЧП рассматривается как организационный альянс между государством и бизнесом для реализации общественно значимых проектов в большинстве отраслей промышленности, а также в сфере услуг. Если сравнить это определение с зарубежными, то можно найти ряд различий, а именно: не подчеркнута необходимость заключения соглашения в договорной форме между государством и частной компанией и не говорится о распределении рисков между партнерами.

В нормативно-правовом регулировании, в Республике Узбекистан, термин ГЧП закрепился относительно недавно. В 2019г. был принят закон<sup>562</sup> о государственно-частном партнерстве. Этому способствовало активное развитие и использование данного инструмента в Республике Узбекистан. Данный закон предназначен для создания правовых условий для притока инвестиций в экономику Республики Узбекистан и повышения качества товаров, работ, услуг, организация обеспечения которыми относится к ведению органов государственной власти и органов местного самоуправления.

Малые промышленные зоны (МПЗ) являются наглядным примером использования ГЧП. Механизм государственно-частного партнерства в МПЗ реализуется таким образом, что государство формируя МПЗ создает там необходимые условия для осуществления предпринимательской деятельности, Частные инвесторы также выстраивают инфраструктуру МПЗ, но финансируют объекты коммерческого назначения на территории МПЗ. Также государство предоставляет резидентам зон существенные налоговые и таможенные преференции, гарантирует резидентам МПЗ защиту прав и интересов от неблагоприятных изменений в законодательстве Республики Узбекистан. Еще одним благоприятным фактором для резидентов является благоприятный режим администрирования, который предполагает снижение бюрократических барьеров и быстрое решение всевозможных процессуальных вопросов.

Партнерство государства и частного бизнеса, в Республике Узбекистан, на данный момент дает свои положительные эффекты. Но деятельность МПЗ в Республике Узбекистан еще нельзя назвать эффективной, по нашему мнению, об этом можно будет говорить когда объем уплаченных таможенных и налоговых платежей покроет общий

---

<sup>560</sup> Моисеев, В.В. Взаимодействие власти и бизнеса: институциональные механизмы и пути совершенствования: монография / В.В. Моисеев, В.В. Ницевич, В.Ф. Ницевич, Е.А. Шуртухина. – Орел: ОФ РАНХиГС, 2013. – 256 с.

<sup>561</sup> Государственно-частное партнерство 3-изд./ В. Г. Варнавский, А.В. Клименко, В.А. Королев и др.; – М.: Изд. дом Гос. ун-та – Высшей школы экономики, 2017. – 287 с.

<sup>562</sup> Закон Республики Узбекистан № ЗРУ537 от 10.05.2019г. “О государственно-частном партнерстве”.



объем государственных затрат, пока что уплаченные налоги и таможенные платежи покрывают 30% общих государственных затрат.

Таким образом, создание МПЗ представляет собой эффективный механизм поддержки частного сектора, на основании вышесказанного, а также формирования и развития благоприятной предпринимательской среды. Готовая инфраструктура созданная на территории МПЗ позволяет частным компаниям сократить время строительства производственных предприятий а также значительно снизить издержки предприятия. В дополнение к этому, предоставляются значительные льготы на аренду необходимого для размещения предприятия земельного участка, который подключается ко всем инженерным сетям.

## **К ОЦЕНКЕ ВЛИЯНИЯ МАЛЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ЗОН НА ПОКАЗАТЕЛИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ В ПРОМЫШЛЕННОЕ ПРОИЗВОДСТВО**

*Шодмонкулов Камолiddин Муродиллаевич –  
базовый докторант ТГАУ*

Создание и развитие малых промышленных зон в Узбекистане имеет свои особенности. Во-первых, площадь этих зон не большая, они являются собственностью государства. Во-вторых, здесь не предусматривается разработка концепции развития МПЗ, каждый субъект малого бизнеса самостоятельно разрабатывает свой проект и предоставляет его в отборочный конкурс.

Деятельность МПЗ регулируется положением о порядке создания и организации деятельности малых промышленных зон, утверждённый постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан (31.12.2014. г № 378). Согласно положению малые промзоны создаются на базе неиспользуемых территорий и бездействующих производственных площадей убыточных, экономически несостоятельных, низко рентабельных, организаций. Территория и производственные здания промзоны являются государственной собственностью.

Решение о создании промзоны принимается местными органами власти на местах с определением профиля промзоны, общей площади и границы, утверждённым проектно-планировочных документацией, с указанием размера земельных участков и производственных площадей, передаваемых участникам промзоны на конкурсной основе.

Для управления и координации деятельности промзоны, с неделимой территорией 10 гектаров и более создаются дирекции при органах местных властей (Республика Каракалпакистан, хокимиятах областей и г. Ташкент), С территорией менее 10 гектаров, расположенных в пределах одного района (города), создаются единую дирекции. Дирекции и единые дирекции создаются в форме государственных унитарных предприятий.

Основными задачами дирекций и единой дирекции являются: заключение с участниками промзоны соглашения о реализации проекта и договора долгосрочной аренды производственных площадей в соответствии с решением конкурсной комиссии, договора об оказании услуг; осуществляют мониторинг за выполнением участниками промзоны принятых на себя обязательств в соответствии с соглашением о реализации проекта и договором аренды; обеспечивает охрану территории промзоны, озеленения, уборку территории и других вида услуг.

Создание и развитие МПЗ даёт новый импульс для развития промышленного производства, предпринимательства, обеспечивает эффективное использование природных, сырьевых, трудовых и финансовых ресурсов территории, способствует увеличению выпуска конкурентоспособной, экспортоориентированной продукции, созданию новых рабочих мест, повышению доходов местного населения. Строительство

инфраструктурных элементов электро-, водо-, и газоснабжение и подъездных путей за счет государственных средств приводит к снижению затрат предпринимателей на реализацию своего проекта. Предоставление участником МПЗ налоговых, кредитных, таможенных и других льгот повышает инвестиционную привлекательность промзоны, стимулирует предпринимателей в активном участии в отборочных конкурсах по размещению своего проекта в промзонах. На сегодняшний день количество созданных МПЗ в республике составляет 137 единиц. В них размещено более 1240 единиц проектов стоимостью 1,987 трлн. сум. Создано более 14 тысяч новых рабочих мест. На основе этих проектов производятся продукция текстильной и химической промышленности, продовольственные товары, товары электротехники, современные строительные материалы, мебель и другие виды готовой продукции, которые пользуются высоким рыночным спросом.

В основе методики оценки эффективности малых промышленных зон (МПЗ) лежат методы инвестиционного анализа – расчет чистой дисконтированной стоимости проекта. Методика основана на сравнении денежных потоков, генерируемых компаниями при реализации проекта в условиях малой промышленной зоны ( $NPV_{мпз}$ ) и в обычных условиях предпринимательской деятельности ( $NPV_{нд}$ ). Эффективность малых промышленных зон будет измеряться следующим критерием:

$$\Delta NPV_{мпз} = NPV_{мпз} - NPV_{нд} \quad (1)$$

Малая промышленная зона будет считаться эффективной, если  $\Delta NPV_{мпз} > 0$ , при условии  $NPV_{мпз} > 0$ , таким образом, наблюдается прирост эффективности проекта в условиях МПЗ. Так как проекты, реализуемые в условиях малых промышленных зон, являются общественно значимыми, то прирост чистой приведенной стоимости означает рост благосостояния, как инвестора, так и общества.



Рис.1. Алгоритм оценки эффективности инвестиций в условиях малых промышленных зон (МПЗ)



Кроме указанной выше модификации NPV, можно также предложить модификацию других показателей эффективности – внутренней нормы доходности, срока окупаемости, индекса рентабельности, а также методики анализа чувствительности инвестиционного проекта с учётом влияния МПЗ.

Анализ чувствительности проекта было предложено провести по организационным преимуществам реализации инвестиционного проекта в условиях МПЗ, а именно оценить влияния затрат на инфраструктуру, которая предоставляется инвесторам на безвозмездной основе.

Алгоритм оценки эффективности инвестиций в условиях МПЗ представлена рис.1.

Малые промышленные зоны, реализуемые на определённой территории, могут быть эффективным инструментом регионального развития, что связано с организационными, налоговыми и таможенными преференциями.

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA AGROKONSALTING XIZMATLARINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI**

*Mardiev N. –TDAU dotsenti, i.f.n.  
Raxmatova J.Q.- TDAU magistranti*

Agrar iqtisodiyot sohasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik jadal rivojlanib borar ekan, ichki va tashqi agrar bozorda xo‘jalik yuritish sub’ektlarining – fermer va dehqon xo‘jaliklarining ko‘proq, arzon va sifatli tovar ishlab chiqarish va iste‘molchilarga taklif qilishga bo‘lgan intilishlari ko‘chayib boradi. Bu jarayonda ularning moliyaviy holati, moddiy-texnika bazasining qanchalik mustahkamligi kabi omillardan tashqari, xizmat ko‘rsatish tizimining mavjudligi hamda zarur axborotlar bilan ta‘minlanganlik darajasi ham eng yuqori bo‘lishi muhim ahamiyatga ega. Bu hol bozor iqtisodiyoti sharoitida har qanday xo‘jalik yuritish sub’ekti kabi, fermer va dehqon xo‘jaliklari ham o‘z faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishi uchun ma‘lum bir axborot va ma‘lumotlarga, xizmat ko‘rsatish tizimiga ehtiyoj sezishini ko‘rsatadi. Eng kerakli axborotlarga o‘z vaqtida va muntazam ega bo‘lgan fermer va dehqon xo‘jaligi esa kuchli raqobat sharoitida yashovchanlik va moslashuvchanlik xususiyatlarini saqlab qolgan holda barqaror faoliyat ko‘rsata olishi mumkin.

O‘zbekiston tadbirkorlik sub’ektlarni professional qo‘llab-quvvatlashda bugungi kunda bir necha mutaxassislardan iborat bo‘lgan yuzdan ortiq xususiy konsalting firmalari xizmat ko‘rsatmoqda. Hozirda O‘zbekiston konsalting xizmatlari bozori ham o‘zining etuklik xususiyatlariga ega bo‘lib, jahon konsalting bozoriga kirib bormoqda.

Dunyo mamlakatlarida agrokonsalting xizmatlari ko‘rsatish turli ushullarda amalga oshiriladi, masalan Yaponiya qishloq xo‘jaligi kooperativlari faoliyati ko‘rsatilgan xizmatlar va bajarilgan ishlardan kelgan daromad va a‘zolik badallari hisobidan, davlat hamda qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaliklari vazirligi tomonidan moliyalashtiriladi. Qishloq xo‘jaligi tizimida subsidiya tizimi mavjud bo‘lib, umumiy xarajatlarining 30-35 foizi davlat tomonidan qoplanishi, qishloq xo‘jaligi kooperativlari tomonidan ko‘rsatilayotgan xizmatlar ko‘lamini kengaytirishga, xizmat turlarini ko‘paytirishga olib keldi, pirovardnatijada fermerlarga turli AKXlari ko‘rsatish tizimining barqaror rivojlanishi ta‘minlandi.

Respublikamizda Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 15 fevraldagi 131-son qarori bilan Fermer xo‘jaliklarida buxgalteriya hisobi va hisobotini yuritish markazlari tomonidan bepul konsalting xizmatlari ko‘rsatish tartibi tasdiqlandi [2].

Markazlar Prezidentning 2018 yil 2 iyuldagi PQ–3824-son qaroriga muvofiq tashkil etilgan, ularning asosiy maqsadi – fermer xo‘jaliklarida hisob-kitob tizimini va bank xizmatlari ko‘rsatilishini tubdan takomillashtirish. Har bir Markaz shtati 3 birlikdan iborat: direktor, soliq va statistika hisobotlari bo‘yicha maslahatchi hamda moliyaviy hujjatlarni yurituvchi buxgalter. Bitta buxgalter 20 ta fermer xo‘jaligiga biriktiriladi [1].

Yuqorida ko‘rsatilgan hujjat bilan Markazlar tomonidan fermer xo‘jaliklariga konsalting xizmatlari ko‘rsatish tartibini tasdiqlash vazifasi ham topshirildi. Qabul qilingan hujjatda bunday xizmatlarga quyidagilar kiritilgan:

- buxgalteriya hisobi va hisoboti yuritilishini ta‘minlash;
- xodimlarning ish haqi va majburiy ajratmalarni hisoblash;
- asosiy vositalar, tovar-moddiy boyliklar, qishloq xo‘jaligi mavsumi yakunlari bo‘yicha debitorlik va kreditorlik qarzlarni xatlovdan o‘tkazish;
- soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlar bo‘yicha soliq organlari bilan birga solishtirish dalolatnomalarini tuzish va ularning o‘z vaqtida to‘lanishini tashkil etish;
- soliq, moliyaviy va statistika hisobotlarini tuzish hamda ularni tegishli organlarga taqdim qilish;
- daromadlar va xarajatlarni tahlil qilish, kelgusi yil uchun biznes-reja tuzishda amaliy yordam ko‘rsatish.

Markazlar quyidagilarga bepul konsalting xizmatlarini ko‘rsatishlari mumkin:

- tuman fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa er egalari kengashlari (bundan keyin – Kengashlar) a‘zosi hisoblanadigan, davlat ehtiyojlari uchun paxta xom ashyosi va g‘alla etishtiruvchi fermer xo‘jaliklariga;
- tuman Kengashlarining taklifiga ko‘ra moliyaviy resurslari cheklangan va buxgalteriya hisobiga ega bo‘lmagan, a‘zolik badallarini o‘z vaqtida to‘laydigan, er va suv resurslaridan samarali foydalanuvchi, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining boshqa turlarini etishtiruvchi fermer xo‘jaliklariga. Xizmatlar ko‘rsatish shartnomaga muvofiq amalga oshiriladi.


Boshqa fermer xo‘jaliklariga, shuningdek qishloq xo‘jaligi mahsulotlari etishtiruvchi boshqa xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarga pullik konsalting xizmatlari ko‘rsatiladi.

**Bugungi kunda dunyo miqiyosida yangi texnologiyalarni integratsiyalashuvi tobora kengayib bormoqda, hatto agrokonsalting kabi sohalar ham chetda qolmadi. SHu bilan birga, ushbu tendensiya texnologiya tahlilini va inson kapitalini integratsiyalashishga yo‘naltirilgan ishni qisartirish tahdidi bilan bog‘liq emas. SHuning uchun zamonaviy axborot texnologiyalarni joriy etish va ulardan samarali foydalanish maqsadga muvofiqdir.**

Axborotlar tizimidagi erishilgan yutuqlar boshqaruv, biznes va korxonalar texnologik ishlab chiqarish chegaralarini buzib yubordi. Bozorlarda an‘anaviy tovarlarning ko‘pligi iste‘molchilarga yangicha yondoshuvlarni talab qilgan edi.

SHuning uchun ham maslahat firma partfel buyurtmalarining 81 % ni biznesni qayta tiklash bo'yicha savollar egalladi (1-chizma).

Iqtisod va boshqaruv maslahatchilarni qanday va nimaga o'rgatish masalasini echishdan avval profisional sifatlar madeli maslahatchilar mutaxassislarni bilim va tajribalar bo'yicha majburiyatlar haqida to'xtalib o'tish lozim. Bu model o'quv dasturida boshqaruvchi maslahatchilarni kvalifikatsiyasini oshirishiga yo'naltirilgan bo'lmog'i lozim. Unda maslahatchilar muammolari, ularning rivojlanishi albatta davlat tomonidan qo'llab quvvatlanishiga muxtoj. Bu bozor infrastrukturasi asosiy elementi bo'lib, sohani bosqichma – bosqich o'tishiga ko'maklashuvchi bo'lib hisoblanadi.



1-chizma. Turli konsalting xizmatlarining turlari<sup>563</sup>

Hozirgi paytda O'zbekistonda ikki sektorli iqtisodiy konsalting xizmatlari modeli mavjud:

*Birinchi sektor.* Xususi mustaqil konsalting va boshqa malakali firmalar (ularga auditorlik, trening, yuridik firmalar) kiradi. Ular asosan, ishni tezlashtirib, bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlovchi firmalardir.

*Ikkinchi sektor.* Davlat byudjeti tomonidan moliyalashtiriladigan ilmiy tadqiqot tizimlari (ularga fanlar akademiyasi, funksiyali va tarmoq vazirliklar qoshidagi va boshqalar) kiradi. Ular qisqaruvga asoslangan bo'lib, markaziy boshqaruv va davlat boshqaruv organlariga xizmat qiladi. Xorijiy mamlakatlarda konsalting xizmatlarining rivojlanishini O'zbekistonda mavjud konsalting firmalari faoliyatiga taqqoslash natijasida bir qator muammolarni ajratib ko'rsatishga imkoniyat tug'iladi.

Jumladan, Respublikamizda agrokonsalting xizmatlari (AKX)ni tashkil etishda innovatsiyalarni tatbiq etish orqali bu xizmat turini yanada rivojlanishini inobatga olgan holda, quyidagi ishlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

<sup>563</sup>Manba: [www.consalting.ru](http://www.consalting.ru).

- AKXda maslahat berish tizimida axborot texnologiyalarning eng zamonaviy innovatsion texnologiyalardan foydalanishni joriy etish;
- AKXda xizmat sifatini oshirish maqsadida, malakali mutaxassislardan tashqi maslahatchi sifatida foydalanish va ularga xaq to'lashda yangicha yondoshuvlarni joriy etish;
- AKMda yangi bilimlarni tarqatish va mijozlarni malakalarini oshirish maqsadida, masofaviy o'qitish tizimlarini joriy etish;
- AKXda daromadni oshirish maqsadida, innovatsion xizmat turlarini, ya'ni AKXda shu paytgacha bo'lmagan zamonaviy xizmatlarni oshirish;
- AKXda mijozlarning muammolarini o'rganish maqsadida, innovatsion texnologiyalar yordamidan foydalanishni joriy etish (masalan, fermerning er maydonini strukturasi, holatini kosmik sputniklar orqali kuzatib o'rganish);
- AKXni samarali boshqarish maqsadida, markazdagi xodimlarni innovatsion usullarda boshqarishni joriy etish.

Bugungi kunda qishloq xo'jalik korxonalarining axborot bilan ta'minlash boshlang'ich bosqichda turibdi. Turli mulk shaklidagi xo'jalik yurituvchi korxonalarini bozor sharoitida samarali faoliyat yuritishda axborot ta'minoti xizmati muqobil mulk xuquqi tamoyillariga tayanadi. Bu esa axborot texnologiyalari asosida tizimni yaratish va rivojlantirib borishni talab qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Fermer xo'jaliklarida hisob tizimini tubdan yaxshilash va ularga bank xizmatlari ko'rsatishni takomillashtirishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori. 2018 yil 2 iyul, PQ-3824-son. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa er egalari kengashlari huzuridagi fermer xo'jaliklarida buxgalteriya hisobi va hisobotini yuritish markazlari tomonidan bepul konsalting xizmatlari ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida»gi Qarori. 2019 yil 15 fevral, 131-son. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Yusupov e.D., Siddiqov Z., Kusharov Z., Alieva N. «Agrokonsalting»-O'quv qo'llanma Toshkent - 2019 yil.-478 b.

4. Muxtorov A.X. "Qishloq xo'jaligida axborot konsalting xizmati ko'rsatishni tashkil etish" Amaliy qo'llanma- Toshkent. Adabiyot uchqunlari, 2016 yil- 176 b.

## **QISHLOQ XO'JALIGIDA INVESTITSIYA MUHITI VA UNING JOZIBADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI**

*Mardiev N.-TDAU dotsenti, i.f.n.  
Islomova D.-TDAU magistranti*

Keyingi yillarda mamlakatimizda iqtisodiyot tarmoqlarini jadal rivojlantirishni ta'minlashga qaratilgan investitsiya loyihalarini samarali va o'z vaqtida amalga oshirish maqsadida xalqaro moliya institutlari va donor mamlakatlar mablag'larini faol jalb etish bo'yicha izchil chora-tadbirlar amalga

oshirilmoqda. Shundan kelib chiqqan holda, mazkur chora-tadbirlar doirasida «iqtisodiy jihatdan asoslantirilgan investitsiya loyihalarini ularning moliyalashtirish manbalari aniq belgilangan holda samarali amalga oshirilishini ta'minlaydigan, shuningdek, ularni amalga oshirish bo'yicha mablag'larning nooqilona sarflanishini istisno etadigan, mamlakatni rivojlantirish davlat dasturlarini shakllantirish va moliyalashtirishning sifat jihatdan yangi tartibi joriy etildi»[1].


2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasiga asosan keyingi yillardagi davlat dasturida tarkibiy o'zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning etakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish yo'nalishida korxonalarining mablag'lari, tijorat banklari krediti, xorijiy investitsiya va kreditlar hisobiga 2017-2021 yillarda umumiy qiymati 40 milliard AQSH dollari miqdoridagi 649 ta investitsiya loyihasini nazarda tutuvchi tarmoq dasturlari amalga oshirilmoqda.

So'nggi yillarda O'zbekistonda asosiy kapitalga investitsiyalarning o'sish sur'atlari tezlashmoqda. 2020 yil pandemiya oqibatlari tufayli biroz pasayish yuz bergan (1-rasm). SHuningdek, asosiy kapitalga investitsiyalar hajmining YAIMga nisbati, shu jumladan 2018 – 30,6%, 2019 – 37,1% da o'sish kuzatilmoqda [2].

Asosiy omillar orasida asosiy kapitalga investitsiyalarning yuqori o'sish sur'atlaridagi xorijiy investitsiyalardir. Masalan, 2019 yil yakunlari bo'yicha to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar ulushi jami investitsiyalarning 31 foizini tashkil etdi, bu esa 2018 yilga nisbatan 3,9 barobar ko'p. Pandemiya keyin investitsiyalar hajmini yanada oshirish va ichki iqtisodiyotni tiklash, shuningdek, moliyaviy ahvoning yomonlashuvi vaqtida xorijiy investorlarni jalb qilish mamlakatda investitsiya muhitini yaxshilash uchun yangi mexanizmlar va yondashuvlarni talab qiladi.

Binobarin, respublika iqtisodiyoti rivojlanishining hozirgi sharoitida investitsiyalarni samarali joylashtirish va ulardan oqilona foydalanish dolzarblik ahamiyat kasb etar ekan, O'zbekiston hukumati kapitallar bozorini rivojlantirishga, mamlakat va uning hududlari iqtisodiyotini tizimli qayta qurish va modernizatsiyalashga, ichki va tashqi investitsiyalarni hududlar o'rtasida ratsional taqsimlashga hamda joylashtirishga alohida ahamiyat bermoqda.

Jumladan, bugungi kunda respublikaning umumiy investitsiyalari hajmida ichki investitsiyalar salmog'ining ortib borishi, ularning iqtisodiyot asosiy kapitaliga kiritayotgan jami investitsiyalardagi ulushini o'rtacha 76,5% atrofida tebranishiga (1-jadval) hamda to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalar hajmining 3,4% dan 7,2% gacha o'sishiga olib kelmoqda. Bu esa ularning yiliga o'rtacha 6,0% dan oshmayotganligini ifodalaydi.



Manba: O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasi ma‘lumotlari.  
1-rasm: Asosiy kapitalga investitsiyalarning dinamikasi

2020 yilda Respublikamizda investitsion faollikning pasaygani kuzatilib, asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmini o‘tgan yilning mos davriga nisbatan o‘shir sur‘ati 91,8 % ni tashkil etgan (2-jadval).

2020 yilda 202,0 trln. so‘m asosiy kapitalga investitsiyalar o‘zlashtirilib, ularning 65,4 % i yoki 132,0 trln. so‘mi jalb etilgan mablag‘lar hisobidan moliyalashtirilgan bo‘lsa, korxonalar, tashkilot va aholining o‘z mablag‘lari hisobidan 34,6 % yoki 70,0 trln. so‘m moliyalashtirildi.

Jami investitsiyalar hajmida, markazlashgan moliyalashtirish manbalari hisobidan moliyalashtirilgan asosiy kapitalga investitsiyalarning ulushi, 2020 yilning mos davridagi ulushiga nisbatan 8,0 % punktga kamayib, 19,5 % ni yoki 39 310,2 mlrd. so‘mni tashkil etdi.

Mos ravishda, markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan 162 289,9 mlrd. so‘m yoki jami investitsiyalarning 80,5 % investitsiyalari o‘zlashtirilib, o‘tgan yil ko‘rsatkichiga nisbatan 8,0 % punktga ko‘paydi.

Iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha xorijiy investitsiya va kreditlar tarkibida qishloq xo‘jaligining ulushi 10,4 % ni tashkil etdi.

1-jadval

**2000-2019 yillarda investitsiyalar tarkibining o‘zgarishi, foizda**

Yillar	Korxonalar va aholining o‘z vositalari	Qabul qilingan mablag‘lar	ulardan:		
			davlat byudjeti	banklarning kreditlari va boshqa qarz mablag‘lari	chet el investitsiyalari va kreditlari
2000	39,1	60,9	29,2	7,2	23,2
2001	41,4	58,6	21,5	9,0	28,0
2002	52,6	47,4	23,9	3,2	20,1
-	--	--	--	--	--

2007	56,6	43,4	8,0	5,1	24,5
2008	50,0	50,0	8,3	4,7	30,0
2009	46,9	53,1	7,7	5,2	32,4
2010	52,5	47,5	5,2	9,0	26,4
--	--	--	--	--	--
2014	57,6	42,4	4,2	10,4	18,5
2015	56,2	43,8	4,2	11,0	18,5
2016	54,4	45,6	4,3	10,8	20,7
2017	47,3	52,7	4,8	12,6	23,8
2018	42,0	58,0	4,5	17,8	24,3
2019	29,3	70,7	7,6	13,1	45,7

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.

O'zbekistonda amalga oshirilayotgan investitsiya siyosatining o'ziga xos xususiyati mahalliy xomashyo resurslarini chuqur qayta ishlashni ta'minlaydigan, yuqori texnologiyalarga asoslangan yangi ishlab chiqarishlarni tashkil etishga qaratilgan investitsiya loyihalariga ustuvor ahamiyat berilayotganida namoyon bo'lmoqda.

2-jadval

№	Investitsiyalar tarkibi bo'yicha	mlrd. so'm
1.	Markazlashgan investitsiyalar	39 310,2
2.	Asosiy kapitalga o'zlashtirilgan jami investitsiyalar	202 000,1
3.	Markazlashmagan investitsiyalar	162 689,9
4.	O'zR kafolati ostida xorijiy kreditlar	22 467,1
	Asosiy kapitalga o'zlashtirilgan xorijiy investitsiya va kreditlar	86 647,0
5.	To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya va kreditlar	64 179,9

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari.

Ma'lumki, Respublikada meva-sabzavotchilik tarmog'ini rivojlantirishga qaratilgan chora-tadbirlarni o'z vaqtida va samarali amalga oshirish hamda qishloq xo'jaligi korxonalarining moliyaviy barqarorligini oshirish yuzasidan O'zbekiston Respublikasi va Osiyo taraqqiyot banki o'rtasida 154,0 mln. AQSH dollari miqdoridagi «Meva-sabzavotchilik tarmog'ida qo'shilgan qiymat yaratish zanjirini rivojlantirish» loyhasini 2017 — 2021 yillarda amalga oshirishga mo'ljallangan Qarz bitimi imzolangan bo'lib, o'tgan ikki yil davomida 151,0 mln. AQSH dollari miqdoridagi kredit liniyalari uchun ajratilgan mablag'lar to'liq o'zlashtirilgan, shuningdek, loyihani boshqarish va monitoring qilish uchun 3,0 mln. AQSH dollari ajratilgan. Ajratilgan mablag'lar hisobidan 161 ta fermer xo'jaliklari va qishloq xo'jaligi korxonalarini tomonidan: 137 gektar maydonda tomchilatib sug'orish tizimlari hamda zamonaviy issiqxonalarini joriy etish bilan 3370 gektar maydonda intensiv bog'lar; 67 ming tonna sig'imga ega bo'lgan 58 ta sovetlash omborlari, yillik quvvati 121 ming tonnaga teng bo'lgan 28 ta qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash liniyalari hamda 3500 dan ortiq yangi ish o'rinlari yaratildi.

Osiyo taraqqiyot banki Direktorlar kengashining 2018 yil 14 iyunda qo'shimcha 198,0 mln. AQSH dollari miqdorida loyihani qo'shimcha

moliyalashtirish uchun, 5 yil imtiyozli davrni hisobga olgan holda, to'lash muddati 25 yil bo'lgan qarzni O'zbekiston Respublikasiga taqdim etilishi ma'qullagan.

Bugungi kunda milliy iqtisodiyotning barqaror o'sishini ta'minlash respublika iqtisodiy siyosatining asosiy tamoyillaridan biri hisoblanadi. SHu munosabat bilan qishloq xo'jaligi sohasida maqbul investitsiya muhitini shakllantirish tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirish, iqtisodiyotni modernizatsiyalash, investitsiya resurslarini jalb etish, yangi ish o'rinlarini yaratish va natijada mamlakatda yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlashda asosiy omil hisoblanadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 iyundagi «Xalqaro moliya institutlari va donor mamlakatlar ishtirokidagi investitsiya loyihalarini boshqarish mexanizmini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-3796-sonli qarori. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi sayti materiallari. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

## **TURIZM VA SPORTNI MAHALLIY HOKIMIYAT DARAJASIDA BOSHQARISHNING TARTIBI**

*Boymurotov Botirjon Nizomidinovich-  
Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti,  
"Pedagogika va jismoniy madaniyat" kafedrasida o'qituvchi*

O'zbekiston Respublikasi aholisi farovonligi o'sishi, milliy o'zligini anglash va uzoq muddatli ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash uchun sharoit yaratishdir. Fuqarolarning jismoniy va ma'naviy sog'lig'ini saqlash va yaxshilash uchun asos yaratilishi ushbu maqsadga erishishda katta yordam beradi. Shu bilan birga, aholining rivojlanish darajasini belgilovchi muhim omil ham davlat, ham mintaqaviy darajada muvozanatli yoshlar siyosatini olib borishdir.

Jumladan

**a) turizm sohasida:**

- turizm obyektlarini DXSh asosida samarali boshqarish hamda mazkur sohaga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish;

- mamlakatning turizm salohiyatini tubdan oshirishga, turizm sohasida yagona davlat siyosati yuritilishiga yo'naltirilgan turizmni rivojlantirishning yaxlit konsepsiyasini shakllantirish va amalga oshirish;

- turizm xizmatlarining tashqi va ichki bozorlarida marketing tadqiqotlari olib borishga, tarixiy-madaniy merosni keng targ'ib qilishga, mamlakatimizning turizm qiyofasini saqlab qolish va rivojlantirishga, milliy turizm mahsulotlari va brendlarning xalqaro turizm bozorlariga kirib borishiga yo'naltirilgan faol reklama-axborot siyosatini amalga oshirish va boshqalar;

**b) jismoniy tarbiya va sport sohasida:**



- sport ob'yektlarini DXSh asosida samarali boshqarish hamda mazkur sohaga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish;

- aholining keng qatlamlarini sport bilan shug'ullanishga va sog'lom turmush tarzini yuritishga jalb etish, jismonan sog'lom o'sib kelayotgan avlodni tarbiyalash, sport industriyasi va infratuzilmasini rivojlantirish, oliy sport mahorati sohasida mamlakatimizning xalqaro sport maydonida munosib ishtirokini ta'minlashga qaratilgan yagona siyosatni amalga oshirish;

- vazirliklar va idoralarning jismoniy tarbiya va sport jamiyatlari hamda klublarining, sport federatsiyalarining (assotsiatsiyalari) faoliyatini muvofiqlashtirish va boshqalar;

v) moddiy madaniy meros sohasida:

- madaniy meros ob'yektlarini DXSh asosida samarali boshqarish hamda mazkur sohaga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish;

- davlat nazoratini amalga oshirish hamda moddiy madaniy meros ob'yektlarining, shu jumladan muzey ashyolari va kolleksiyalarining davlat hisobini yuritish, ularni muhofaza qilish, ilmiy tadqiq etish va ommalashtirish, shuningdek, ulardan oqilona foydalanishni ta'minlash;

- O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalari, xususan, Umumjahon madaniy va tabiiy merosini muhofaza qilish to'g'risidagi konvensiya talablari hamda YuNESKO va boshqa tegishli xalqaro tashkilotlar tavsiyalarini samarali bajarish, xalqaro va xorijiy tashkilotlar, olimlar, ekspertlar hamda keng jamoatchilik bilan yaqin hamkorlik qilish va boshqalar.

Bugungi kunda sportning o'рни zamonaviy dunyoda nafaqat tobora ko'zga ko'ringan ijtimoiy, balki siyosiy omilga ham aylanib bormoqda. Jismoniy tarbiya bilan shug'ullanadigan keng jamoatchilikni jalb qilish, aholi salomatligi holati va xalqaro musobaqalarda muvaffaqiyat qozonish har qanday millatning hayotiyligi va ma'naviy qudrati, shuningdek, harbiy va siyosiy qudratining shubhasiz isbotidir. Jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish zarurligini hayotni o'zi taqazo etmoqda. Yildan yilga sportchilar va sport kadrlarini tayyorlash bilan shug'ullanadigan muassasalarga talablar ortib bormoqda. Endilikda Alpomish va Barchinoy testlarini topshirish majburiy joriy etilmoqda, bu ommaviy sportni rivojlantirishga ulkan hissa qo'shadi.

Ishlab chiqarishning bir tarmog'i sifatida turizim va sportning jadal rivojlanishi zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning eng muhim hodisalaridan biridir. Jismoniy tarbiya va sport tashkilotlari, sport klublari, sport inshootlari va infratuzilmasi sonining doimiy o'sishi kuzatilmoqda, sog'lom turmush tarzi faol ravishda targ'ib qilinmoqda[4].

Turizim va sport sohasini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, jismoniy tarbiya va sport infratuzilmasi uchun imkoniyatlarning pastligi.

Turizim va sportni davlat byudjeti tomonidan moliyalashtirishning qisqarishi ko'plab sport turlari bilan shug'ullanishni pullik bo'lishiga olib keldi va bu ularning oddiy aholi uchun foydalanish imkoniyatini keskin pasaytirdi.

Turizim va sport tashkiloti boshqaruvning asosiy bo'g'ini hisoblanadi. Bularga sport klublari, har xil turdagi sport maktablari, sport jamoalari, sport inshootlari va boshqalar kiradi. Barchasi ijtimoiy boshqariladigan ob'ektlar bo'lib,

ichki tuzilishga, tashqi shaklga va huquqiy tasdiqqa ega. Turizim va sport jismoniy tarbiya va sportga yo'naltirilgan maxsus tashkilotlarda tashkil etilgan.

Murabbiylar shtabining professionalligi past darajada, chunki sport maktablari mutaxassislari va murabbiy-o'qituvchilarining malakasini oshirish tizimi hamda ularning ijtimoiy ta'minoti tizimi to'g'ri ishlamayapti;

mavjud jismoniy tarbiya va sport bazasining ma'naviy va texnik jihatdan qoloqligi tufayli og'ir atletika, texnik sport inshootlarining keskin tanqisligi mavjud;

Bozor iqtisodiyoti sharoitida turizim va sportning odamlarning takomillashtirishga bo'lgan ehtiyojlarini qondirishda, sog'lom turmush tarzini shakllantirishda, shaxsni o'zini o'zi tasdiqlash va o'zini eng muhim ijtimoiy omil sifatida anglashdagi o'rni juda muhimdir.

Turizim va sportni bozor munosabatlari tizimiga kiritish xizmat ko'rsatish sohasining ushbu tarmog'idagi boshqaruvning mos xususiyatlarini belgilashi maqsadga muvofiqdir.

